



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

4

1989



58-йил чиқиши

Бош редактор:
Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Мурод МУҲАММАД ДУСТ
(бош редактор ўринбосари)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТУЛА
УЙГУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



Ўктам Усмонов

ҚИШАН

Қисса

Қамоқхонага ҳар тоифа одам тушади. Масалан, саводли, виждонли, кўнгли юмшоқ маҳкумни олайлик. Юрак азобининг ўзиёқ унинг силласини қуритади. Қилган жинояти учун у ўзини ўзи ҳар қандай шафқатсиз қонундан кўра беомроқ, бераҳмроқ жазолайди.

Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ

Умидсизлик гирдобига тушган одам ўзини тақдир иродасига ташлайди; чарчаган одам ўлишни истайди.

В. ГЮГО

Ниҳоят Закия «партизан» ҳам имзо чеккач, Ҳикмат чиноқ ведомостларини шоша-пиша йиғиштириб, йилтироқ елим папкасига солди-ю, Тошмамат Олимовнинг ҳузурига худди анқонинг уруғини топгандай гердайиб кириб борди.

— Бўлди! — деди кўзлари ёниб.

7-бригада бошлиғи Тошмамат Олимов «уфф» деб чуқур сўлиш олди; хурсандлигини яширмоқчи бўлдимиз, деразага қараганча чаккасини қаший бошлади.

— Ҳеч нарса демадимиз-а?

Ҳикмат чиноқ хиёл ўйланиб турди, кейин «йўқ, индамади» деган маънода бош чайқади. Тошмаматнинг бирдан кайфияти кўтарилиб, ҳисобчисини мақтагиси келди, унинг сал кемтик ўнг қулоғини ушлаб тортди ва:

— Маладесс! — деб елкасига қўлини қўйди...

Қош қорая бошлаган маҳал эди. Тошмамат деразадан бир энгашди-ю, стол четидаги ликопчада ётган бир-икки тишлам қотган нонни олиб, шийпон айвонига чиқди; бир қарич думини ўйнатганча жилпонглаб турган қоровулнинг калладор итига нон бурдаларини ташлаб, эркаланиб суйканган бошини бир-икки силаб қўйди...

Бригада аъзолари деярли кетиб бўлишган; фақат пайкал этагидаги тарозибон олдидагина уч-тўрт қиз-жувон ғира-ширада шарпага ўхшаб қимирлайди: терган пахталарини сўнгги прицепга ташлашяпти шекилли.

Тошмамат ўйга толди: «Қишлоқ одами... Сахарда турганидан то қаро тунгача, то яна ерга чўзилмагунча тиним билмайди, чумолидек гимир-гимир... Ҳайда, эк, парвариш қил, йиғ, тер, топшир... Яна ҳайда, яна эк... Эртадан-кечгача ердан бош кўтармай хўкиздедек ишлаш... Тағинам одам боласи чидайди бунга... Бошқа иложиям қанча?..»

Тошмамат яна пайкал адоғига қаради; кейин дақиқа сайин қорайиб бораётган кенг далага кўз югуртириб, хузур қилиб керишди. Кеч куз, оқшом бирдан бостириб келади. Бир-икки кундан бери туман ҳам тушяпти... Тошмамат Ҳикмат чиноқ айтган гапдан севинганча, чексиз қорамтир-кулранг бўшлиқ ичида хаёлга толиб тураркан, нам ҳаводан шудринг тафти келаётганини сезиб, бир сесканиб тушди. Хирмон этагидаги тўртта симёғочда ёниб турган электр чироқлари туман ичида ўчмаган чўғдай хира милтиллайди...

Бугун план тўлди! Йил бўйи елкани эзиб келган юк бирдан тушди-қўйди. Одам шу юкка ҳам ўрганиб қоларкан, бирдан бўшаса, алланечук ғалати ҳолатни бошидан кечиради. Тошмамат газетадами, ишқилиб бир ерда ўқиган эди: тўсиқдан сакрайдиган спортчилар ҳам бориб-бориб текис йўлда чополмай қолишаркан. Тавба, қизиқ-а? Чиндан ҳам, план тўлмагунча ётсанг ҳам, турсанг ҳам олдингда аниқ мақсаднинг бор, ўшанга интилаверасан. Маррадан ўтдингми, бирдан қутуласан-у, аллақандай маъво тортасан. Бу ҳолатни тушунтириш қийин; одам бир томони ўзида йўқ суюнади, иккинчи томони хийла ўксиниб, қўли бўшаб, нима қилишини билмай қолади. Кейин дарров ювиш-ювиш бошланади, бир зумда шиша қурмагур ҳам топилади...

Ҳамма кетди. Фақат Тошмамат, Ҳикмат чиноқ, кейин шийпон қоровули қолишди. Яна Тошмаматнинг «кабинети»га киришди. Ҳикмат чиноқ стол орқасидаги бурчакка қўл узатиб, балиқ консерва, иккита нон, охирида арақ шишасини олди. «Қутулганимизга» деб, икки қултум-икки қултумдан отишди-ю, қоровул чол одатдагидай гапга тушиб кетди:

— Бу, Тошмаматвой дейман, урушдан кейинги йиллари манови деразанинг тагида кафтдеккина полизимиз бўларди. Ишонмайсизми? Ё, тавба?! Шу соқолим билан-а? Ушандаям экардик шу пахтасини! Чанқасак, кириб, чирт этиб босволдини узиб чиқаверардик. Энди пахта деганни уватга ҳам экиб юбордиларинг. Энди мановинақа матоҳ чиқиб кетди ҳамма ёққа...— У шундай дея туриб, консервадан катта бўлагини нонга илиб олди-да, лунжини тўлатиб чайнай бошлади. Унга қараб туриб Тошмамат ҳам, ҳисобчи ҳам кулиб юборишди. Аммо чол пинагини бузмади.— Энди қовун-тарвуз жонворга ойлаб, йиллаб оғзимиз тегмаса-я?! Унда-бунда бозордан оламиз. Фалон пулга! Таги бўлмаса, тошниям тилла баробар сотиш мумкин, Тошмаматвой. Бурунги баққолларнинг гапи бу. Тавба-а-а. Деҳқон қовунни пулга олса-я? Тавба-а-а...

Тошмамат шийпонда анча ўтирди. Ҳеч нима қилмаса ҳам, шунчаки хаёл суриб, орасира чол билан Ҳикмат чиноққа гап ташлаб, тегишиб ўтирди. Кўнгли эса бамисоли шудгордан чиққан ердек бўм-бўш, хувуллаган эди. «Бир мириқиб ухлай бугун» деган фикр келди миясига; узундан-узун ҳомуза тортди. Лекин барибир эртага барвақт туриши керак. Болаларини олиб онасининг мозорига бориши керак... Тошмамат ҳозир ўзиям аниқ хотирлаёлмайди: қачон одат бўлди ўзи унга? Хар йили планни бажарган куни эртаси албатта онасининг мозорини зиёрат қилади. Болалари билан. Супуриб-сидириб, атрофларини тозалаб, қабр четидаги настариннинг ортиқча шохларини бутаб... Ҳойнаҳой, Шоҳиста челақ, супурги, теша, ток қайчиларни аллақачоноқ йўлакка тайёрлаб қўйган бўлса керак... Тошмамат тўнғич қизи Шоҳистанинг чаққонлиги, одмилиги, ақлини ўйларкан, оталик ғурури кўзиб, тақдирдан минг-минг рози бўлди. Умуман, ишлари ёмон эмас, ишқилиб... Мана, план тўлди. Бироз йўлини қилишди-ю... Э, битта Тошмаматми шундай қилган?! Бу ёқда, тунув куни, Шоҳистани Асрор чўпоннинг Тошкентда ўқиётган ўғлига унаштиришди. Қизиқ, асли исми Ҳошим, фамилияси — «Асроров». Лекин отасиям катта чўпон бўлганига, кимсан — «Асрор чўпон». Гоҳо «Ҳошим қўйчи» ҳам дейишади. Зўр одам, баракка топгур! «Кичигингизни ҳам кенжа ўғлимга берасиз», деб туриб олгани аломат бўлди роса! «Келинг, биратўла қутулиб қўя қолайлик», деб, Асрор чўпоннинг ўзи икки марта келса-я! Тошмамат ҳай-

«Изтироб, йиғи, ситамгарлик ва фожией ўлим акс эттирилган шундай китоб ҳозир зарурми-ди?» дейишлари мумкин. Бу фикрга бир жиҳати мен ҳам эътироз билдира олмайман. Аммо ўзимиз «турғунлик йиллари» деб атаганимиз — бир тарафда дабдабазлик ва маддоҳлик ҳукм сурган, аслида эса одамлар эрки ва иродасини, ҳалол фикр ва ҳақиқатгўйликни кишанлашга уринилган ўша машъум йилларни меҳнаткаш халқ ҳаёти, кўргилиги ва у бошдан кечирган фожие кунлардан, у йилларнинг бу кўнги оғир оқибатларидан ажратган ҳолда изоҳлашга уринсак, унда биз ҳақиқатни бузиб кўрсатишдан ташқари, ўша йилларнинг жабрдийдалари — юзлаб айбисиз айбдорлар тақдирига ҳам менсимай қараган бўлур эдик...

МУАЛЛИФ

хай билан зўрға гапине ўтказди. Қиз бола бировнинг хасми эмиш. «Ҳали ёш» деганига кўнишмайди. «Ҳа, тузук, икки йил десангиз, чидаймиз. Аммо, билиб қўйинг, кичигингиз, ўша Мавлудахонингиз ҳам бизнинг келин...» Тошмамат бундай туйғуларни илгари бошидан кечирмагани учун қандайдир истиҳола қилдими-ей... Лекин одамга пинҳона завқ, аллақандай ёқимли ҳаловат ҳам бераркан бунақанги ишлар, бунақанги қудандачиликлар... Фарзандларнинг бирдан улғайиб қолгани, учирма бўлишга тайёр турганини ҳам тўсатдан билиб қоларкан одам...

Қоронғи тушиб алламаҳал бўлганига қарамай, бояги озгина «дори»нинг кучи билан Тошмамат яна ширин хаёлларга берилди. Айвонга чиқиб зинага ўтириб олди. Уч минг сўмлик румин гарнитурини «заказ» қилиб қўйди. Эрта-индин олиб келиб қолишса ҳам керак. Тавба, Тошмаматларнинг даври бошқа эди. Санобар олиб келган сеп уч-тўртта кўрпа-ю, иккита беқасам кўрпача, яна шунга ўхшаш латта-путталар эди. Мана энди қишлоқ жойида ҳам ялтирлаган гарнитур! Яна Олмаликнинг хохлашмайди! Уч минг-а! Эски пулда ҳам тўттиз минг! Қизлар ҳам пишиқ. Аввалига уялиб туришади-да, кейин фалон нарса бўлсин, писмадон нарса бўлсин деб, дарров янги қўналғаларини ўйлаб қолишади. Ҳа, майли, бунинг сира айби йўқ. Омон бўлишсин. Қайтага яхши. Оила дегани одамзоднинг қонига сут билан кирган эди. Бир қаричлигиданоқ «оилам» деса ёмонми?! Биз кўрмагани, майли, шулар кўрсин. Нима, орқалаб кетармидик? Шуларни деб тинмаймиз-да...

Кейинги дақиқада заҳил юзли, бидиллаган, истаган нарсадан ишқал чиқариб, одамнинг таъбини тирриқ қиладиган Закия партизанни эслади-ю, «хайрият-е, ўшайм қўл қўйибди, бу гал индамаганмиш, қизиқ», дея хаёлидан ўтказди. Закия Шамсиддинова қирқлардан ошган, қишин-ёзин офтобда юрганига қарамай ранги олинган, озгин, елкаси чиққан аёл. У чиндан ҳам партизаннинг қизи. Отаси «Шамсиддин муаллим» урушининг биринчи кунлариданоқ фронтга жўнаган. Ковпак қўшилмасида Польша территориясида жанг қилган, 1944 йилда Югославияга ўтган. Қизил Армия Югославияни озод қилишига атиги бир ойча қолганда, мина портлаб, ўлган. Югославиянинг иккита жанговар ордени билан мукофотланган ўзбек солдати. Закиянинг онаси Руқия исмли татар кампир ҳам аллақачоноқ ўзбеклашиб кетиб, бир умр ўқитувчилик қилган, бошланғич синфларга дарс берган; бундан икки йил бурун вафот этди... Закиянинг тили заҳарлиги учун ундан ҳамма ҳайиқади, ҳатто Тошмаматнинг ўзи ҳам, иложи бўлса, унга йўлиқмасам дейди.

Закиянинг бу гал индамай ведомостга қўл қўйгани Тошмаматни хийла таажублантирди. «Балки Ҳикмат чиноқ алдагандир? Закия бўлади-ю, индамайди-ю, Нимадир деб, сўзсиз, алжиган у. Ҳисобчи айтгиси келмади чоғи. Бугунги хурсандчилик кунда ҳам одамларнинг кайфиятини бузаманми, деб ўйлаган ҳойнаҳой. Ажаб қилади! Э, шу Закияси! Бошини сўкмаган, қошиғини тикмаган жойи йўқ. Ёзса ёзавермайдимми! Уч-тўрт йилдан бери ёзиб, ана, нимага эришди? Қўлидан нима келди? Ёзаверсин. Бораверсин. Борса, райкомга боради. Ҳа, ана, ЦҚага борарсан. ЦҚа ҳам райкомга юборадими охири?.. Э-э, столда ўтириб, ўрнидан жилмай текшириладиган хатлар жами! Ёзаверсин...»

Тошмамат кўлини бир силтаб, гўё шу билан Закия тўғрисидаги фикрларини миясидан сидириб ташлагандай бўлди-ю, ўрнидан турди. Хирмон адоғида ўзича имир-силаниб юрган қоровул чолни қақариб:

— Оқсоқол-ей, қовун узясиз шекилли, дум берганидан бор эканми? — деб ҳазиллашди. Яна у-бу топшириқларни берган бўлди-да, хайрлашиб, жинжалоқсиз ўнг қўлида тут хивичини ўйнаганча, тупроқли йўлдан қишлоқ гузарига қараб кетди. Сал юриб тепаликка чиққач, туман сийраклашди. Бир текис қоронғиликда бу сезилмас, фақат чироқ нури тушиб турган жойдагина билинар эди. Гузардаги ҳаммом биноси пештоқига ўрнатилган радиокарнайнинг узилиб-узилиб келаётган гулдурос овози бу ердан баралла эшитиларпти, аллақандай шўх куй таралмоқда. Ҳў наридан йўлни кесиб ўтаётган йигит димоғида ўша куйни хиргойи қилиб боряпти. Чап томонда, узун қора шарпа бўлиб кўринаётган ферма орқасидан тун зулматини ёриб трактор тариллади...

Тошмаматнинг мижози ўзи шу: ози ботмайди, ё сал тўйиб ичиси керак, ё бутунлай оғзига олмагани маъқул. Меъёрига етмагани учун ҳозир боши оғриди. Уйга бориб, агар тузукроқ таом бўлса, бир пиёла тўлатиб ичадида, ўликдай ухлайди... Тошмамат чарчаганидан аллақандай лоқайдлик билан тап-тап қадам ташлаб бораркан, яна Закияни эслади. «Яхшиям замон тинч, катталар гапга тушунади...» Тошмамат ҳозир ҳадеб ўзига далда беришни истарди-ю, аммо Закиялар олдида анча-мунча тили қисик эди. Бунда, суриштириб келса, аслида, Тошмаматнинг зигирдек ҳам айби йўқ. Топшириқ нуқул тепадан тушади. Тепадан. Бу ёқда Исмоиловнинг, бу ёқда Исломуҳжаевнинг гапине ким икки қила оларди? Ким? Колхознинг хўжайини шулар бўлгандан кейин. Бир — раис, бири — райком! Бир нарса десанг, оёқларининг учиди кўрсатишади. Оёқларининг тағида туриб, нимани тўғри ўйлаб, нимани тўғри ҳал қила олишинг мумкин, ахир?! Оғзи шалоқлар гапираверади-да! Алам қиладиган жойи, ишламаган ишига ҳақ оламан дейди-я?! Ишлаган бўлса ҳам майли эди! Йўқ пахтага, термаган пахтасига ҳақ тўла эмиш?! Йўқ нарсага қандай қилиб ҳақ тўлаш мумкин?! Тушунтирганингга кошқи қулоқ солса! «Қўл қўйдимми — берасан», эмиш! Тавба-а-а!... Бир томони ўша раҳбарлардан ҳам кўнглинг қолиб, қўлни ювиб, қўлтиққа ургинг келади. «Ундай қил, бун-

дай қил», — дейиш улар учун оғизнинг ели. Бу ерда эса сен икки ўт орасида қоврилганнинг-қоврилган, муттаҳам бўлиб...

Тошмамат сал юриб, планни бажарганини ҳам унутди. Жаҳлланиб, ўзидан-ўзи таъби бузилди. Қишлоқ йўли кимсасизлиги учун бир-икки тўнғиллаб ҳам кўйди. Брезент этиги полп-полп чанга ботиб бораркан, оёқлари чалишиб, қаттиқ чарчаганини сизди... Гузарга етганда анча тийраклашди. Бу ер баландлик бўлгани учун туман йўқ эди. Осмонни тўлин ой ёритиб турибди; ер юзини кумушранг самовий шарпалар эгаллаган... Тошмамат катта йўлга чиқиб, маҳалласи томон буриларкан, ҳеч кимни учратмади ва клуб биносининг ғира-шира деразаларида прожекторникига ўхшаш ўткир нур лопиллаётганини кўриб, «бугун кино бор экан» деб ўйлади. Фақат муюлишдаги сартарош-хонагина кундуздай ёруф: шифтида кичик бир ошқовоқдек келадиган лампочка чарақлаб турибди. Қобил сартарош бўлса кимнингдир сочини оляпти-ю, одати бўйича устара ушлаган қўлини ҳавода ўйнатиб, тўхтовсиз гапиряпти. Тошмамат бошини ишқаб кўяркан, «эртага мен ҳам олдирай» деди ўзига-ўзи...

Эгасининг қадам товушини Йўлбарс ҳали у дарвозага етиб келмасданоқ сизди-ю, рўпарасига югуриб чиқди; Тошмаматнинг оёқларига текилиб, питир-питир суйканганча, йўлакка баравар кириб келди. «Бор, кет» деб ҳайдаганига ҳам қарамай атрофида ингиллаб сакрар эди. (Уйдагилар ҳам Тошмаматнинг келганини кўпинча Йўлбарснинг дўпир-дўпир чопиши ва ингиллашидан билишади; шунақада Санобар уйда ўтирган жойида «даданг келди, қара» деб қизларига буюради). Тошмамат итга пўписа қилганча ҳовлига қадам кўяркан, бурнига янги ёпилган нон иси урилди. Тандир ёнидан ўтаётганда юзига иссиқ ҳовур теккандай бўлди, демак, ҳали чўғи ҳам ўчмабди: иссиқ нон ейилар экан. Беихтиёр тандир тагидаги энли тоқчага қаради: саржин тугабди.

Бугун эрига Санобарнинг ўзи пешвоз чиқди. Унга меҳрибонлиги тутиб, этигини тортмоқчи бўлган эди, Тошмамат «бор, ишингга бор» дегандай қўл силтади. Кейинги дақиқада кўрслиги ўзига ҳам нашъа қилди шекилли, «роса чарчадим, планям кўриб кетсин» деб ялпизланди. Дала кийимини ҳам ечмай, оғилдан тайёр арралаб қўйилган уч-тўртта ғўлани кўтариб чиқди-да, эски тўнкани чироқ ёруғига сурди. Кафтига бир-икки туфлаб, болтани олди... Санобарнинг «вой, қўйсангиз-чи, қоронғида-я, бир ёқда чарчадим деяпсиз» деганига ҳам қарамади. Бир зумда ҳовлини пўстлоқ ва пайраха ҳиди босиб кетди...

Санобарнинг бугунги юмшоқлигида гап бор эди. Туш пайтида ташқарига чиқса, икки қўшниси: бири — ёш боласини кўтариб олган шаддод келинчак Хушторхон, иккинчиси — тўйларда тавонхонани бошқарадиган дастурхончи Холдор ая — устини шира босган тол тагидаги Хушторхоннинг эри ўрнатган «эшак»да ўтириб олишиб, одатдагидек ундан-бундан гап сотишяпти. Санобарни кўришлари билан имлаб чиқаришди, «вой, келинг, иш тугар эканми-ей» деб, сурилиб жой бўшатишди. Санобар ҳам болалари мактабда, Ботиржон ухляпти, чигалини бир ёзмоқчи бўлиб тургани учун уларга қўшила қолди. Хушторхоннинг атрофида доимгидай бири-биридан майда беш боласи: униси йиғлаган, буниси йиқилган, ҳали кичиги каттаси билан ниманидир талашган... Хушторхон буларга пинагини ҳам бузмайди, ҳаммасини биратўла жеркиб ёки биратўла эркалаб ўтираверади. Ўзи яна оғироёқ, худди кўйлаги остига каттакон тарвуз яшириб олгандай; тиззасида — яқингинада кўкракдан ажратган кенжаси, унинг ҳўл иштонини алмаштиряпти-да, ўзи пишиллаб ўтирибди. Туриб-туриб, «ҳа, ер юткур-ей» деб қайсидир боласини «тергаб» кўяди. Бу дашмон болаларига худди ёқимли сўздай таъсир этгани учунми, улар оналарига баттар ёпишади. Холдор ая бўлса нуқул тишсиз оғзини кафти билан беркитиб кулади-да, митти болаларни суюб эркалайди...

Аёллар одатдагидай бири олиб бири қўйиб, бўлар-бўлмас гапларни эрмак қилиб ўтиришди-да, нимаям бўлди-ю, Санобар бирдан Тошмамат акасини мақтаб кетди. Шунда Хушторхон қошини бир чимириб: «Тошмамат акам, Тошмамат акам. Оғзингиздан чиққани шу! — деса-я тўсатдан. — Сиздан бошқада эр йўқми, янга? Ҳар йили курортларга юбориб қўясиз...» Хушторхон шундай деб туриб сирли кулиб қўйди. Санобар бундай дангал қочириқни кутмаганидан юзлари лов этиб қизиб кетди-ю, бошқа тузукроқ гап тополмагани учун: «Ҳа, юбориб қўямиз!» деди чапаниларга хос кўкрагига уриб.

— Нега сизни ҳеч олиб бормадилар? Нуқул якка ўзлари! — Хушторхон ҳамон бўш келгиси йўқ эди. Санобар бир кўнгли «сенинг нима ишинг бор, шаллақи», деб, қўшнисини шартта узиб олай деди-ю, лекин ранги оқариб, қошлари учиб турса ҳам ўзини босди; ҳазилга ҳазил қилиб, ётиғи билан жавоб беришга уринди:

— Акангизга ўзимиз рухсат бериб қўйганмиз, опоси! Йилда бир бошвоқдан бўшаб, тойчоқлик қилиб келсалар, нима, бизга камайиб қоладими?

Ҳаммалари бутун кўчани бошга кўтариб қаҳқаҳа уришди. Бирдан Хушторхоннинг ҳовлисида ёш боланинг чинқириб йиғлагани эшитилди; у бу гап шошилганча ўрнидан турди-ю, «овқат маҳали ҳам бўлди шекилли» деб, уйига қараб чопди. У дарвозадан кириб кетиши билан Холдор ая Хушторхоннинг изидан ўқрайганча милкига чўккан лабини чўччайтираркан:

— Нафасингни ел олгур! — дея вишиллади.— Тилини қаранг! Заҳар-а! Ҳа, пиянис-та эрингни эвласанг-чи! Сенга ким қўйибди бировларни чалпишни!

Санобар «э, қўяверинг» дегандай қўл силкиса ҳам, лекин беибо қўшниси вайсаган гапнинг алами барибир чиқмади. Юраги хижил тортди. Номига Холдор аяга «юринг, биз-никига киринг» деб мулозамат қилди-ю, у ҳам ўрнидан турди. Остонадан ўтиши билан бирдан хўрлиги келди. «Э, коски бўлмайд ўл! Уша курортга юр деса ҳам бормас-ман! Бола-чақаларимни ташлаб қаёққа борадим?! Эсимни ебманми? Мундай туғмаган, яримта кўнглини ўйин-билан билан овурадиган хотинларданманмики?! Эрта-индин куёвлик бўлай деб ўтирибман-у. Бу давлат кимда бор?..»

Санобар ҳаёти шундай бўлганидан ўта мамнун. Бошқачаси керак эмас унга. Ҳатто ёшлиги, қизлигини ҳам, гўё унутгандай, эслолмайди. Қачон эди? Хурдду шу ҳозиргидай дунёга келган-у, бошқачаси керак эмас унга. «Бир хил назуқлар: турмушидан хафаман, дейди-я, оғзини тўлатиб. Шу ҳам гапми?.. Хафа бўлсанг, хўш, нима, энди турмушидан кечмоқчимисан? Тавба қилдим, тавба қилдим, оила, нима, қўйлакмики, эскиганда алмаштирсанг? Йўқ, мен турмушидан мингдан-минг розиман. Ҳамма нарса бут. Болаларим соғ-саломат. Ейишимиз, ичишимиз, худога шукур, етади. Шуларни ахир ким қилган? Шу Тошмаат акаси? Уйни тинчитиб қўйгандан кейин... даврини ҳам сурсин-да! Хўп боладим ўзиниям! «Рухсат бериб қўйганмиз, опоси» деган сўзларини эслаб, лаби бурилиб кулимсиради. «Боладим! Қизимнинг бўйи ўзимдан ўтиб кетган бўлса-да, мен буларни ташлаб курортларда юрармишман! Бир соат чидолмас-ман. Сенга ўхшаганлар чидаса-чидар, лекин мен чидолмайман. Мингта курортини битта «ойижон» деган тилига алмашмайман!..»

Санобар бугун эрига суйкангандек бўлиб, меҳрибончилик қилгани ҳам шундан эди. Аммо хотинининг кўнглидаги гапдан Тошмаатнинг хабари йўқ, аввал уни силтаб ташлади. Кейин ўкинига тушиб, чарчаганидан оёғи чалишиб кетаётса ҳам, ўтин ёриб бериб кўнглини кўтармоқчи бўлди. Санобар илгарилари, агар Тошмаат акаси шундай муомила қилса, индамай уйга кириб кета қоларди. Лекин бугун ўзига юқтирмади...

Тошмаат саржинни ёриб бўлгач, уйга кириб дала кийимларини ечди. Уни бир чеккага қўяётиб, чап томондаги хонага кўзи тушди: бугун тўрға бирга жой солинган, юмшоқ қароват устига тахмондаги тўшакни ҳам ташлаб, устидан тоза чойшаб ёзиб қўйилибди. Бирдан Тошмаатнинг юраги лоп этди. Кўз қири билан хотинига қараркан, «хафа бўлмадимикан» дея ўйлади яна. Ташқарига чиқди. Санобар «ювиниб оласизми, келинг» деганча елкасига каттакон сочиқни ташлаб, бир челақ илиқ сув кўтариб келди, чўмичлаб қуйиб турди. Тошмаат маза қилиб ювинди, худди бирдан бошқача одам бўлиб қолгандай юраги форуғ тортди. Социқни олди. Санобар эса социқнинг илкинчи учини ушлаб, Тошмаатнинг қўли етмайдиган елка ва буракларни арта бошлади. Тошмаат уша бу шу қадам хуш ёқиб, ёшлик завқи ва ғайрати кўзиб кетди.

— Сўрамайсизам, қудам келди,— деди Санобар серажин пешонасига тушган соч толаларини тўғриларкан. У Асрор чўпоннинг ўғлини куёвликка худди ўзи топгандай ғурурга тўлиб гапирарди.— Бирлам очик, бирам дилкаш, шалдир-шулдур аёл эканки, қуйиб қўйган ўзимиз. Сизга алламбало қўйлак, менга бир кийим шифон олиб келибди. Токчада турибди, кўрдингизми?

Тошмаат артиниб бўларкан, «йўқ, кўрмадим» дегандай бош чайқади.

— Анови тор шимингиз бор-ку, ўша билан кийсангиз хўп ярашади-да. Курортларда.

Тошмаатга хотини кесатаётганга ўхшаб туюлди. Кулимсираб унга тикиларкан:

— Тайёрланавер, бу йил сен ҳам борасан! — деди.— Кейин Сталинградга, Дўстлик мазорига ўтамиз. Тайёрланавер.

Санобарнинг юраги ўйноқлаб кетаёзди. Гарчи Тошмаат акаси Сталинградга олиб бориб, қайнотасининг мазорини зиёрат қилдириб келишни ҳар йили гапирса ҳам... Ҳарқалай, бу йил «аввал курортга, кейин у ёққа» деяпти-ку. Санобар агар ийманмаганда, ёшроқ бўлганда, ҳозир Тошмаат акасини қучоқлаб, бағрига кириб, унга мингдан-минг миннатдорчилигини изҳор этган бўларди. Аммо энди уялади. Лекин шунда ҳам майкасининг орқасини текислаган бўлиб эрининг елкаларини силаб қўйди. «Бояги коскини қара-я, юрагимга гўлгула солиб. Менинг эримдақа эр бор эканми? Йўқ! Кўнглига солганини қара-я, ё тавба. Боягина дилимни оғритган эди, ҳозир Тошмаат акам «курортга олиб бораман» деса-я!»

Санобар шуларни ўйларкан, Тошмаат акаси айтганда ҳам ҳали ўша курортга борадими-йўқми-ю, барибир севинганини билдирмаслик учун гапни бошқа ёққа бурди:

— Қудам бирам яхши аёл эканки, худога шукур, Шоҳистамнинг бахти бор экан. Шу кичигиниям бериб юбора қолмадик-да, яхши одамлар экан.

Тошмаат хотинининг гапига бир нарса демади-ю, ерга қараб кулимсираганча «оббо сен-ей, иштаҳанг зўр-ку» дегандай бош чайқади. Овқатланиш учун уйга кирди. Санобар бир товоқ нўхатли ошни кўтариб кирганда Тошмаат ичида «э, бугун пайшанба-ку» деб қўйди, яна кулимсиради.

— Нонингдан олиб келмайсанми?

— Ёш болага ўхшаб ошнися нон билан ейсиз-а?

— Еймиз-да! Утинини ёриб бергандан кейин...

Аввалига боя йўлда ўйлаганидек ошдан олдин бир пиёла ичмоқчи ҳам бўлди. Кейин бу фикрдан қайтди. Қорни тўйиб, қайғу кетгач, дастурхондаги ушоқларни сидириб-сидириб пиёлага солиб қўйди-да, ёнбошлаб ётган жойида оёқларини узатиб роҳат қилиб керишди. Санобар яна «ёш болага ўхшайсиз-а» деганча товоқ-қошиқларни йиғиштира бошлади. Тошмамат кетма-кет чой ичиб терлади. Шундоқ дераза пештахтасида турган бир уюм газетага қўл чўзиб, устидегисини олди. Шоҳиста қўйган пашша ўлдиргичли ликопчани тирсаги билан тушириб юборай деди... Одат бўйича ўқишни охирги саҳифасидан бошлади; унча кўзга ташланадиган мақола йўққа ўхшаб кўринди. Яна эгилиб, область газетасини топди. Биринчи саҳифадаги қуюқ ҳарфлар билан терилган, четига рамка тортилган хабарни ўқий бошлади:

«Баландтепа райони (ЎзТАГ). Бу ерда Ўзбекистон Компартияси район комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Ташкилий масала кўриб чиқилди. Партия турмуши нормаларини бузганлиги, хизмат мавқеини суиистеъмол қилганлиги учун Исломуҳжаев Б. И. райкомнинг биринчи секретари вазифасидан бўшатилиб, бюро составидан чиқарилди. Шунингдек, у пленум аъзолигидан ҳам озод қилинди».

Тошмамат кўзларига ишонмагандай шаҳд тикланиб ўтирди ва ҳозиргина кўз югуртириб чиққан хабарини шоша-пиша яна қайта ўқий бошлади. Йўқ, у адашмаган! Агар «ёзда қор ёғибди» дейишса, эҳтимол у ишонарди-ю, аммо бу хабардан ўзига келолмай қолди, шошганидан газетанинг орқа-ўнгини ағдариб кўрди. Бугунги газета. Хотини кирган эди, нима дейишини билмаганидан «бу газеталар қачон келди» деб сўради талмовсираганча. Санобар эрининг овозидаги ҳаяжонни дарров пайқади; унга «тинчликми» дегандай диққат билан тикилганча:

— Ҳар кунгидек тушдан кейин дарвозадан ташлаб кетишибди. Нима гап? — деди.

Тошмамат хотинининг сўроғини эшитмади. Яна бояги хабарга тикилиб қолди. «Оббо, Бозор аканинг шўри қурибди-ку! Исмоилов ҳам кеча районга кетганича дом-дараги йўқ... Бу ёқда бу гаплар бор экан-да... Ишқилиб, кеча кўриниши чатоқроқ эди-я Исмоиловнинг. Эрталаб бригадирларга у-бу топшириқларни берган бўлди-ю, машинасига ўтириб, районга жўнаб кетди... Э-э-э, Бозор Исмомуҳжаевга чатоқ бўлибди... Яхши одам эди... «Хизмат мавқеини суиистеъмол қилгани...» Тавба! Унақа одамга ўхшамасди-ю?! Қандайдир хатолик ўтган бу ерда... Унақа одамга ўхшамасди... Душманларнинг иши бу...»

Бирдан яшин ургандай Тошмаматнинг эсига а н о в и и ш тушди. Ичи музлаб кетгандай бўлди. «Э-э-э, Исмоиловнинг питирлаб қолгани ҳам шундан! Бирор қор-қол юз берса, бошида нақ тегирмон тоши айланади-я!.. Уша ишлар очилиб кетган бўлса-чи?!» Тошмаматни даҳшат босди. Юраги дукурлаб ура бошлади. У, хотинини ҳам ҳайратда қолдириб, индамай ўрнидан турди ва индамай ҳовлига чиқди. Кеч кузлиги учун ҳамма ёқдан изиллаб совуқ ураётганга ўхшаб туюлди. У жунжикканча бемақсад ҳовли тўрига ўтиб келганини ҳам ўзи сезмади. Хаёли қочиб, ростмана довдираб қолди. Оёқлари остида ўралашиб, питирлаб чапаётган итини кучи борича тепиб юборди. Йўлбарс ангиллаганча нари кетди. «Энди нима бўлади бу ёғи?!..»

Умуман одам сири очилиб қолишидан ўлимдан кўрққандай кўрқади. Тошмамат ҳам ҳозир шу аҳволда эди. «Анови ведомостларни нима қиламиз энди? Йиртиб ташла-самикин? Э, йиртган билан нима фойда? Пунктга пахта ўтказдик деб, накладнойларини олиб қўйилган-ку, ахир?!.. Энди таваккал, нима бўлса бўлди... Тоза кунни туғди-да анови Закия ғаламисларнинг! Ана, энди ёзсин у! Энди ёзади! Манови газетани кўрганмикин ҳали? Индамай қўл қўйибди-я бу гал. Шунисидан хавотирлангандим-а. Демак, у билади. Бозор аканинг бошига тушган бу кулфатдан ҳойнаҳой роса суюнган у. О-о, ғаламис-ей, мени ҳам қўлга туширмоқчи бўлган. Шундан индамай қўл қўйган у. Ҳа, тулки! Қанчалик шайтон одамлар бор-а дунёда?! Энди ёзсин-да у! Илгари-ку, осон эди: марказга йўлланган хат қўлдан-қўлга ўтиб, шу райкомга қайтиб келарди, охири Бозор аканинг қўлига тушарди. У бир-иккита одамдан комиссия туздириб, бир-икки кун текшир-текшир қилдирарди-да, кейин қарабсизки... олам гулистон! Тошмамат шунисига қойил қоларди! Ҳатто бир марта у Исмоиловга: «Шу битта манжалақини жиловлашга кучингиз етмаса, тоза бўлган экансиз» деб ачитганини ҳам эшитган эди. Бас келадиган хотин бўлса экан у ўзи?! Балонинг ўқи-ку у! Тоза кунни туғди-да ўшаларнинг!..»

Тошмамат хотини солиб қўйган қалин ўринда ҳам тинч ётолмади. Санобар эса эрининг бирдан феъли ўзгарганини сезди шекилли, нариги уйга кириб кетди. Тошмамат битта ўзи қолгандан кейин баттар уйқуси қочди. Ичиди Исмоиловга нисбатан нафрати ошди. «Бойлик йиғаётган у-ку?! Мени худди итга суяк ташлагандай алдаб қўйиб... Бирон нарса юз бергудек бўлса, менга ағдариб кетади. Одатини биламан-ку?!» Тошмамат ён томондаги деворга илинган ўзининг Шукур Бурҳонов билан Ялтада тушган тилларанг ҳошияли расмига тикилиб ётди-да, ғамгин жилмайди. Оғир хўрсиниб юборди. Худди кўкрагини зил юк босгандай бетоқат бўлиб, «ишқилиб мисимиз чиқмасин-да» дер эди нукул. «Бировнинг сирини билган одам уни сиртмондан ҳам маҳкамроқ ушлаб

туради. Энди мана шу Закияларга оёқости бўламлизи-а?! Кўрган кунимиз қурсин!..» Тошмамат ҳатто ярим кечада ўрнидан туриб, Исмоиловникига бориб хабар олиб келишни ҳам ўйлади. «Ҳойнаҳой райондан қайтиб чиққандир? У нима деркин бу ишларга?..»

Кейинги дақиқада бу фикридан воз кечди. «Нега бунча ваҳима қилишим керак?! Ҳа, менда нима айб?! Менга нимани буюришса, шуни бажарганман. Битта мен эмас-дирман, ахир? Бошқалар нима бўлса — мен ҳам, шу-да...»

Тошмамат бироз таскин топди; кўрпага ўраниб олди. Барибир уйқуси қочган эди. Одатда ғам, кўрқув одамни иккинчи бўлиб ташлайди: бири бундай фикрласа, иккинчиси тескарича ўйлайди; кўнгилга бундан ҳам ортиқроқ азоб берувчи ҳолат йўқ асли. У охири кишини васвасага солиб қўяди.

Саҳар пайтидагина Тошмаматнинг кўзи зўрға илинди.

2

Кузнинг бир тутам куни. Бунинг устига эрталабдан ёмғир ёға бошлади. Кўнгилни чўктирадиган ҳаво. Ерга қарасанг ҳам, кўкка қарасанг ҳам намгарчилик, хуллас, табиат ҳам бир нарсадан қуруқ қолгандай қовоғини уйиб олган. Тоғдан эсаётган изғирин эса соат сайин кучайиб, кечга бориб қорга айланадиганга ўхшайди.

Турдибой Исмоилов иккинчи қаватдаги кабинетни деразаси ёнида папирос чекиб турибди. Ташқарида ҳамон шивалаб ёмғир ёғяпти. Шу ҳавода пичан ортган баҳайбат бир машина лопиллаб-лопиллаб ферма томонга судралиб боряпти. Бошларига тоғора қўйиб олган бир-икки кампир ёшларига ярашмаган эпчиллик билан четга қочиб ўтсалар ҳам, машина гилдираклари сачратган лойқа сувдан шалаббо бўлдилар... Исмоилов ойнадан шув-шув оқиб тушаётган ёмғир сувидан кўзини узмасди-ю, лекин уни деярли кўрмасди, хаёли бутунлай бошқа ёқда эди. Семиз юзи, бақбақаси гўё бирдан осилиб қолгандай, бутун қиёфаси нимадандир ўта норозилигини ифодалаб турарди. У ниҳоятда хуноби ошган, анча-мунча саросимада ҳам эди. «Нималар бўляпти ўзи?! Каттанинг, Катта секретарь акасининг вафотига бор-йўғи бир ойдан сал ошди-ю... наҳотки, ҳамма нарса шу қадар тез чаппадан кетса?! Шу қадар тез-а?!» Энди бу ёғига нуқул ўзгаришлар бўлишини, кўп ишлар бошқача йўлдан кетишини Исмоилов яхши билади. Қирқ йиллик тажрибаси бунга гувоҳ. Ахир, не-не раҳбарларни кўрди у. Лавозимидан кетдими, кейин албатта бир гапи чиқади. Кеча унга пайғамбардек сифиниб юрардинг... Бугун қарасанг... Қизиқ, одамнинг ҳаёти жуда қизиқ!.. Лекин ўзгаришлар бўлиши, аввалги ишларнинг тескари кетиши турган гап. Ҳатто олдинги раҳбарнинг шундоқ қўлтиғида юрган кўз илғамаси ҳам ўзи раҳбар бўлиб келдими, ишлар ҳеч вақт барибир бурунгидай бормайди, ўзгаради... Мана, бир ярим ой ичида бошқача шамол шу ерга ҳам етиб келди. Оғзи катта райком-у, аммо Исмоилов ёт деса ётган, тур деса турган «яхши йигит»лардан бири, ўша Исломуҳжаев ҳам шармандаси чиқиб ишдан олинди. Эрта-индин ҳатто қамалармиш... Яхши йигит эди. «Яхши йигит». Ҳа, худди шундай деган эди бир марта Исмоилов Катта секретарга Исломуҳжаевни мақтаб... Энди бу ёғи нима бўларкан? Ака-укадек, еганлариям, ичганлариям ўртада, апоқ-чапоқ эди улар жуда. Энди у қамалса, Исмоиловнинг аҳволи нима чечаркин? Йўқ, ваҳимадир булар?.. Ваҳимадир?.. Лекин а н о в и ишлар очилиб кетса... Очилиб бўлган шекилли? Исломуҳжаевни бекорга лавозимидан олишмаган-ку?! «Хизмат мавқеини сунистеъмом қилгани учун...» Даҳшат, даҳшат! Пленуми ҳам қисқагина ўтди. Исломуҳжаевга қоп-қоп айб юклаб ташланди-ю, у бечора оғзини очолмайди, бўйнини қисганча ҳаммага жавдираб қарайди. Кейин индамай чиқиб жўнайверди. Шу билан қутулиб кетса майли экан. Қаёқда! Кавла-кавла мана энди бошланди! Москвадан келган катта комиссия шўлаётганмиш районда. Илгарилари ҳеч бундай бўлмас эди. Ишлар чатоққа ўхшайди. Чатоқ!..

Исмоилов кетма-кет папирос тортиб ойнага пуфлар, тутуни ўзига қайтиб келаётганини ҳам сезмаётгандек эди. Шу пайт кабинет эшигини кимдир очди. Аммо раис қайрилиб ҳам қарамагани учун секин яна ёпиб қўя қолди. Исмоиловнинг жазаваси тутиб кетди, деразадан кўз узмай, «Ким?» деб бақирди. Жавоб бўлмагач, шарт ўгирилиб қаради: ҳеч ким йўқ. Жаҳл билан эшикни очди-ю, рўпарадаги бухгалтердан ким кирганини суради. У «билмай қолдим» деган эди, баттар жаҳли чиқиб эшикни қарсиллатиб ёпди, кабинетига кириб овозининг борица сўкинди. Худди ҳамма ин-инига уриб кетгандай идора жимжит бўлиб қолди...

Бу одамни Исмоилов дейдилар! Тарихи узоқ унинг. Достони ҳам узоқ. У фақат ҳозир эмас, азалдан ўжар, қўпол одам. Ҳозир-ку аҳволи танглашгани, ишларидан путур кетаётганига чидолмай жазаваси тутапти. Лекин ўзи азалдан шу, қамчисидан қон томган раис. Гўё у қулдор-у, қишлоқдагилар унинг қуллари. Ҳеч ким гапини икки қилишга ҳаққи йўқ. У айтдими — бас! Айниқса кейинги йилларда босар-тусарини билмай, бир ёқда ёши ўтган сайин ҳеч кимни менсимамай, ёқтирмай қолган. Шу сабабли унга йўлиқишдан ҳам кўркишади. Иш битираман дейишса — ҳафталаб, ойлаб яхши кайфиятини пойлашади. Оддий колхозчилар-ку, унинг руҳсатисиз, имзосисиз ҳатто омонат кассага

кўйган ўз пулларини ҳам олишолмайди. «Фалон сўмини бериб юбор» деб қоғоз ёзиб бермаса, кассадагилар ҳеч кимга қулоқ солмайди. Ахир, у қирқ йиллик раис. Таги бақувват. Нечта райком секретарлари, нечта обком секретарларини кўрди! Нечтаси билан ака-ука тутинди, нечтаси билан ит-мушук бўлиб куни ўтди. Сал кам йигирма йиллардан бери уни ўша ўзи ишонган Марказий Комитет секретари шахсан танир эди. Областга келса, уни топтирмай қўймади. Мана шу ҳам Исмоиловни ҳаддидан ошириб юборган эди. Бизда ўзи шундай, мартабали раҳбар бировга сал яхши гапирдими, ўша заҳоти унга муомала буткул ўзгариб кетади. Исмоилов теварагида ҳам ҳар хил баланд-паст гаплар, афсоналар тўқилгани бежиз эмас. Аммо тан бериш керак — ўзи ундай-бундай анойиларданмас, ишни яхши билади, тутганини қўймайдиган, бир киришса, истаганини қила оладиган ишбилармон одам. Районга янги келган секретарь аввалига у билан албатта бир жиқиллашиб олади. Кейин қарасангиз, сал кунда ота-боладай ораларидан қил ўтмай қолади... Бу аслида масаланинг сиртки, одамларга, кўпчиликка, ҳаммага кўриниб турган томони ҳали. Аммо одамлар билмайдиган ички, пинҳона жиҳати ҳам борки, Исмоиловни қутуртирган, уни бошқаларнинг гапи, эътирозини бир тийинга олмасликка ботинтирган сабаб ҳам асли ўша! Гап шундаки, Катта секретарга вақтида Исмоиловнинг хизматлари жуда кўп сингган. Секретарь янги келган пайтларда... ҳе, унга қилинган хуружлар! Ушанда ким ҳақ, ким ноҳақ — Исмоилов суриштириб ўтирмаган, тўғридан-тўғри Катта секретарнинг ёнини олган. Унга ўз районда, областда, қолаверса республикада ишончли тиргак бўлган. «Негаки, мансабдор шахсга яқин юрсанг, ҳар қандай шароитда ҳам қуруқ қолмайсан, барибир сояси, шабадаси тегиб туради» деб ўйлади у бутун умр. Эътиқод, ҳақиқат деб, ўзича мансабдорга қарши борганларни, ахир, у сон минг марталаб кўрган-ку?! Ҳаммаси аравадан тушгандай йўлда қолиб кетади!.. Шунинг учун ҳам Исмоиловнинг дўсти, ишонган одами — Ҳамиша мавқели, ниманидир ҳал этишга қурби ва имкониёти етган одам. Бошқаси билан иши йўқ... Пачақилашиб ҳам ўтирмайди. Тўғридан-тўғри ўша зўрларнинг ёнини олади... Қирқ йил раис бўлиш осон эканми?! Қудратли одамлар даврасида юрмаганда аллақачоноқ кучсизлар орасига тушиб қолмасмиди?! Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ-ку, ахир?! Уша Секретарь билан вақтида тил топишиб олгани учун ҳам у бу ердагиларни оёқ учида кўрсатиб юрибди-да...

Ҳатто бундан олти йил бурун Бозор Исломуҳжаев келгандаям аввалига чаток бўлди-ку? Исмоилов ҳар галгида «кўп кўрганмиз бундай секретарларни, ўзи чақирмагунча бош эгиб бормайман, ҳозирча ишим йўқ унда, иши чиқса, ўзи чақирар» деган қарорда тўхтаб, Исломуҳжаевни ўзича одам қаторига ҳам қўшмай, миқ этмай юрaverди. Ҳамма раислар, хўжалик раҳбарлари саркотибнинг йўлини пойлаб, ҳузурига бирин-бирин кириб-чиқиб, у билан танишган бўлиб, дард-ҳасратларини сўйлашдан чарчашмаяпти-ку, аммо «Илғор» колхозининг раиси, манови Исмоилов эса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ бурни осмонда. Чунки шунга ўрганган у. Бундан Исломуҳжаевнинг ҳам хийла жаҳли чиқди. Буни сезгандан кейин Исмоилов баттар дарғазаб бўлди. Гарчи у «ўзи чақирса кираман» деб юргани билан, кўнглида «биринчи навбатда мени чақиради» деган қатъий умиди бор эди. Исломуҳжаев ҳам орадан сал кам бир ой ўтса-да, худди оғзига сўк солгандай энаси қотиб, чурқ этмайди... Шу зайл икковлари бир-бирларига зимдан кўз ташлаб, «сен шоҳида юрсанг, мен — баргида» деб, гаплари сира бир ердан чиқа қолмади. Аксига олиб айна ўша кунлари «Илғор» колхозни, хусусан унинг раиси устидан каттақон имзосиз хат тушди. Хатда жуда кўп жиноий ишлар санаб ўтилиб, биринчидан, Турдубой Исмоилов пахта майдонларини яшириши, шу йўл билан неча йиллардан бери у давлатни сурункасига алдаб келаётгани; иккинчидан, «топширдим» деган ҳосилининг ҳам камида ярми қўшиб ёзилгани; ва учинчидан, ҳеч кимдан, ҳатто партия органларидан ҳам тап тортмайдиган ўзбошимча бўлиб кетганлиги орақасида колхоз мулкани қариндош-уруғлари, гумашталари билан ошкора талон-тарож қилиб ётгани, одамларни очиқдан-очиқ сўкиши, ҳақорат қилиши ҳақида талай гаплар ёзилган эди.

Исломуҳжаев хатда келтирилган «далиллар»га тўла ишонмаган бўлсада, лекин ичидан бир суюниб қўйди. Юрагини интиқом туйғуси тўлдириб юргани учунми, шу хат ёрдамида манман раисни бошиданоқ эгиб, попугини пасайтириб қўймоқчи бўлди. Эртасигаёқ колхозга уч кишилик комиссия юборди...

Исломуҳжаев ҳар нарсани кутса ҳам, бироқ бундай бўлишини кутмаган эди. Буни қарангки, Исмоилов ўша куни кечқуруноқ етиб келса-я... Исломуҳжаев вақт алламаҳаллигига қарамай бир ўзи почта кўриб ўтирарди. Рухсат сўраш ҳам йўқ, манман раис эшикни қарсиллатиб тепиб кириб келди. Исломуҳжаевга еб қўйгудек ўқрайиб қараб, салом-алик йўқ:

— Ҳа, нима, ариза ёзайми?! — деди заҳарханда кулиб. — Оввора бўласиз, йигит! Ёзмайман! Сиздақалар келади-кетади. Биз шу ерда илдиз отганмиз. Оввора бўлганингиз қолади.

— Нима гап ўзи, ўртоқ Исмоилов? Ўзингизни босинг... — Исломуҳжаевнинг ҳам ранги оқариб кетди. — Бу ер — райком!

— Ҳа! Райком! Бу ер райком! Исломуҳжаевнинг шахсий дўкони эмас!

Исломхўжаев сапчиб ўрнидан турди, нимадир демоқчи эди, Исмоилов гап бермади: — Райком ким?! Мана, биз! Бизга ўхшаган меҳнаткаш, тер тўкиб ишлаган мардлар йиғилиб райком бўлади! Сиз — ҳали райком эмассиз! Тушуниб қўйинг!

— Оғизга қаранг! Бу нима деган гап?

— Нега ўзбошимчалик қиласиз? Мен, нима, кўчадаги одамманми, мен билан ўйнашасиз?! Марказқўм аъсосиман мен! Мени текширмоқчи бўлибсиз? Районга нима меҳнатингиз сингақолди дарров, кеча келган одам?! Билмасангиз, бир оғиз сўрамай-сизми мендан? Аҳмоқгарчилик! Еки ғийбатчиларни ёнингизга йиғиб олиб, районни кўтармоқчимсиз? Ким ҳуқуқ берди ўзи сизга?! Ким?!

Исломхўжаев район партия комитетининг биринчи секретарига (яна унинг кабинетида) бунчалик дағдаға қилаётган одам қаршисида баттар довдираб қолди. Энгагини ушлаганча қўллари дир-дир титрар эди.

— Яхшиликча гаплашиб олайлик, ука! Уфил боламисиз?! Еки, нима, сиздан қарз жойим борми? Олдингизда бир хилларга ўхшаб жилпонглаб турмайман мен, хомтама бўлманг. Айтинг, мақсадингиз нима ўзи? Нима талаб қиляпсиз мендан? — Турдибой Исмоилов кўзларини бақрайтирган кўйи Исломхўжаевга тикилиб турди. Исломхўжаев бирдан шашти тушиб, елкасини қисди, «нима талабим бўлиши мумкин» дея минғирлади.

— Унда нега кавляпсиз? — Исмоилов баттар баланд келди.— Бу райком! Ғийбатхонага айлантирманг уни! Қандай ҳаққингиз бор мени текширишга?! Қонун йўли билан қараганда ҳам ҳаққингиз йўқ! Шунчалик ишбилармон экансиз, Марказқўмдан бир оғиз сўрадингизми?!

— Партия учётингиз райкомдами, ахир? — Исломхўжаев азбаройи бир нарса дейиш, қуруқ қолмаслик учунгина шундай тўнғиллаб қўйди.

— Ҳей, менга қаранг, ука, мени ўқитманг! — Исмоилов лаблари гезариб, Исломхўжаевга яна ўшшайиб қаради.— Биз партияга ўтганда... Ҳаддингиздан ошманг бунчалик. Биз ҳам биламиз ўша сиз билган уставни. Сиз ҳали унда онангизнинг қорнида ҳам йўқ эдингиз. Иккала қулоғингизга қуйиб олинг, йигит! — Исмоилов тагин заҳарханда ишшайди.— Бу ерда биз хўжайин. Бизнинг айтганимиз бўлади: Қани, фик этиб кўрингчи?! Боринг, истаган жойингизга дод денг — бу ерда биз хўжайинмиз. Чидамасангиз кетаверинг. Вой-вўй, мени текширтирармишлар! Мени-я?! Ҳе, ялангоёқ!

Турдибой Исмоилов эшикни шу даражада қаттиқ ёпиб чиқиб кетдики, Исломхўжаевнинг назарида бу тарақлаган овоз райком йўлакларидан анча вақт учиб юргандек бўлиб туюлди. У эшик кесақисига тикилганча ўтирган жойида анграйиб қолаверди. Бир неча дақиқа ўрнидан қимирлашга ҳам журъати етмади. Вақти келса, у ўзини жуда сўзамол, билимдон ҳисоблаб юрарди, ҳозир худди сувга тушган бўлкадай бир зумда бўшашди-қўйди. Бунақасини у умрида кўрмаган эди илгари. Иккинчи секретарга, бюро аъзоларига айтишга ҳам одам тортинади бу машмашани... Бироздан сўнг у шарт телефонни олиб, Обком секретарига ҳаммасини бир бошдан гапириб беришни ҳам ўйлади-ю, кейинги дақиқада бу фикридан қайтди. «Ҳали танишиб улгурмай ишни шикоятдан бошладингизми?» дейишларидан қўрқди. «Қулай пайти келса, бошлаб айтаман» дея кўнглига тугиб қўйди. Лекин эртаси куни Обкомнинг биринчи секретари ўзи телефон қилиб қолди. Пахтага оид гапларни сўраб-суриштиргач, бироз индамай турди. Пишиллаб нафас ола бошлади. Кейин:

— Район билан танишяпсизми? — деди сал энсаси қотиб.— Одамлар қалай? Еки майда-чуйдаларга ўралашиб қолдингизми?

— Танишяпман. Хўжаликларда бўляпман.

— Ҳа-а, унда дуруст. Айрим хўжаликлардаги кадрлар... Эшитяпсизми, даққиюнусдан қолган, ўшаларни ўрганиш керак. Ҳа, айтгандай, Турдибой Исмоилов тўғрисида нима дейсиз? Шу одам ҳам хийла мазаси кетди-ёв?..

Исломхўжаевнинг юраги шув этди, кечаги жанжал ёдига тушди. Уша нохуш гапларни сўрамасларидан олдин ўзи айтиб қўя қолишга оғиз жуфтлаган эди, Обком секретари:

— Эшитяпсизми, ука? — деди қандайдир расмий, совуқ оҳангда.

— Эшитяпман, эшитяпман...

— Хўш, шу Исмоилов... бироз қариб қолмаганми?

Исломхўжаев юраги увишганидан «йўғ-е, ишбилармон одам дейишяпти-ку» дея жавоб қайтарди. «Ишбилармон» сўзини кеча Исмоилов ўзига кесатиб айтганини эслаб, баттар хижолат тортди.

— Ишбилармон дейишяптими? Ҳа, дуруст, дуруст. Иш биладиган одамларга яқин юрсангиз, адашмайсиз, ука, адашмайсиз. Дуруст. Лекин менга анча қариб қолгандек кўринарди.

Исломхўжаев бояги гапини яна қайтаришга мажбур бўлди:

— Яхши раҳбар дейишяпти. Ҳали колхозига боролмадим-у...

— Ие, нега? Бориш керак, ука, бориш керак. Яхшини ёмондан ажратиш учун ҳам кўриш керак, албатта. Ғийбат эшитса, кўнгли ёзиладиган риёкорлар бўлади, улардан узоқроқ юринг. Хўп, саломат бўлинг, ишларингизга муваффақият.

Обком секретари тақ этиб трубкини қўйди. Исломхўжаев оғир ишдан қутулгандай

«уфф» деб креслосига чўкди. Жиққа тер пешонасини артди. «Роса тузлади-ку мени бу Исмоилови! Гийбатчига чиқариб! Тузлади! Утмас пичоқ билан сўйди! Дарров бориб айтибди-я! Чатоқ одам экан, жуда чатоқ... Ҳазиллашиб бўлмайди... Орқангдан шундоқ чалиб юбориши мумкин, нима бўлганини кейин бир умр билолмай кетасан...»

Лекин шунга қарамай, Исломуҳжаев Обкомнинг биринчи секретари билан кейинроқ ўзи бир суҳбатлашиб қолганда, секингина Исмоиловдан гап очиб кўрди:

— Сал ғалатироқ одам, баъзан тушуниш қийин...

Обком секретари бирдан қовоғини уйди. Чунки у бу ерда Исмоилов устида гап чиқиши ва райком секретари икковлари уни муҳокама қилиб ўтиришларини сира истамас эди. Шу сабабли у Исломуҳжаевнинг сўзидан, ҳали уни охиригача эшитмаёқ, оғринди. Гарчи ўзи қўйган кадр бўлса ҳам, шу баҳонада уни бир узиб олмоқчи эди. Лекин шогирди ҳам унча-мунчага бўйин эгиб кетаверадиганлардан эмас эди; унда тобелик ва ғурур ғалати бир шаклда уйғунлашиб кетганини Обком секретари яхши биларди.

— Колхозчилардан анонимка тушди,— деди Исломуҳжаев Обком секретарига тик қараб.— Гап кўп жуда. Ҳарқалай «сигнални текшириб кўриш керакми» деб, шунга учта одам юборсам...

Обком секретари зарда билан четга бурилди. Тагидаги айланма кресло ғичирлаб кетди:

— Нега менга маслаҳат солмадингиз? Қийинми? Шундоқ телефонни кўтарсангиз. Ёки?..

Исломуҳжаев қопқонга тушаётганини сезганидан тезроқ асосий фикрини айтиб қолишга шошилди:

— Нуқул, икки гапнинг бирида «Марказий Комитет аъзосиман» дейди...

— Тўғри қилади! — Обком секретари ҳашамдор кўзойнаги устидан Исломуҳжаевга совуқ тикилди.— Қани, «йўқ» денг-чи? Марказий Комитет аъзоси! Бу ёғига бизнинг тишимиз ўтмайди, бизнинг ваколатимиз эмас. Мен сизга, ука, тағинам ўшанда анча юмшатиб гапиргандим. Нарёқдан, Каттанинг ўзи телефон қилиб, «Исмоилов нима деб юрибди» деб ўсмоқчилади бирдан. Дарров тушундим. Бозорбек, кўйинг, ука, олишманг. Ўзи керакми шу ҳозир сизга? «Ҳаммасига ҳали ўзи бошми» деган таънага қолиш сизга шунчалик зарурми жуда? Нима, бошқа ишингиз йўқми? Нима қиласиз душман орттириб? Энди иш бошлаган одам. Партия катта, Бозорбек, ундаям ҳар хил одам бор. Тил учида «ҳа-па» денг-қўйинг-да. Қутуласиз... — Обком секретари ўзича жон куйдириб шогирдига қаради, ўсиқ қошлари чимирилиб кетди. Кейин бошини маъноли ликиллатиб қўйди...

Шу-шу Исломуҳжаев Исмоилов билан апоқ-чапоқ топишиб кетди. Мажлисларда, бюро йиғилишларида бир-бирларига сира қарши гапиришмайди. Ҳатто бошқалар тортишиб қолган масалаларда ҳам Турдибой Исмоилов билан Исломуҳжаевнинг фикри охири бир бўлиб чиқади. Буни одамлар ҳам дарров пайқаб, Исмоиловнинг доврўғи баттар ошиб кетаверди...

Турдибой Исмоилов дераза олдида қаққайганча туриб, ҳамон ёмғирли кўчадан кўз узмас эди. У бир пайтлари ё ўзи гувоҳ бўлган, ё ундан-бундан, ҳатто Исломуҳжаевнинг ўзидан эшитган юқоридаги воқеалар, тафсилотларни аллақандай тушкун кайфият билан эсларкан, ҳаммаси миясида аралаш-қуралаш бўлиб баттар уни қийнар эди. Ҳозиргина бухгалтерга ортиқча захрини тўкканини ўйлади-ю, бунақада одамлар билан ораси янаям бузилиб қолишидан кўрқди. «Шунинг учун яхшиси уйда кўрпа-тўшак қилиб ётиб олгани маъқулмикин? Аммо қандай ётади? Юраги чидайдим бунга? Ваҳимага тушавериш сиқилиб ўлмайдимки?! Ҳозир сурати одам, лекин шу ярим ой ичида ич-этини еб, ўзини тамом қилди-ку у. Ҳар кун, ҳар дақиқа ваҳимада яшайди. Бунинг устига Исломуҳжаевнинг ҳозирги мужмал, сирли қилиғи ҳам ўлганнинг устидан тепган бўляпти. Хўш, нима қилмоқчи ўзи у? Нега бунча ўзини олиб қочади? Агар анови ишлар очилиб кетса, «Йўқ, мен беҳабарман» демоқчи шекилли-да? Чиндан ҳам у ҳеч ерга қўл қўймаган, ҳаммасини оғзаки буюрган... Шу кунда ўзи кун ора тергов бериб келаётганмиш... Қамаладиган бўлса, бизни ҳам тортаётгандир, занғар?... Ҳозирча бизга тегишмаяпти, қани, кутиб, индамай турайлик-чи... Тегишсами... Тониб қаёққа борарди?! Гирибонидан оларман!...»

Исмоилов яна папирос тутатди...

Қарангки, бундан салгина аввал кимсан Исмоилов, айтгани-айтган, дегани-деган, вақтида хизматини ўтказиб, ўзича ҳаммани қарздор қилиб қўйганман, деб, оғзининг ели билан иш битириб юрган одам сал кундаёқ мана қандай ўзгариб қолди. Энди егани ҳам, ичгани ҳам татимайди. Истамасаям бошидан ўтганларни эслайди. Эслаб, хурсанд бўлиш ўрнига, қайтага кўпроқ эзилиб, қийналади. У эмас-бу эмас, замон нозиклашмасин экан, нозиклашса, илгариги мартабалар ҳам, катта-катта амаллар ҳам уч пул экан, ҳатто ўзинггаям ботмас экан. «Давр ўзи шу...— дея ўйлади у алами ичига сиғмай.— Иши юришмаган одам бир кунда аҳмоқ бўлиб қолади...»

Чиндан ҳам уни кўрган киши ҳозир ишонғиси келмайди: шу Исмоилов ўша Исмои-

ловми? Ваҳоланки, бир неча йилдан бери биринчи галда ўзи, айниқса корчалонлари десангиз, «хўжайин шу гал Социалистик Меҳнат Қаҳрамонини олишлари керак» деб толиқиб кутганлар, шу ҳақда гап тарқатиб, газеталарни титкилаб тўймаганлар ҳам шулармиди, ахир?! Энди унинг тунд, кўпол одати устига кўзга шундоқ ташланиб турадиган ошкора паришонхотирлик ҳам қўшилган. Хаёли ўзида эмаслигини қиёфасига бир қарагандаёқ билса бўлади. Одамлар билан туппа-тузук гурунглашиб туради-да, худди уйқудан уйғонгандек, нимани гапирётганини унутиб, бошини кафтлари орасига олганча анча вақт индамай қолади. Бригадирларга ҳам наридан-бери топшириқ беради...

Шуларнинг сабабини деярли ҳамма билади-ю, аммо шундаям Исмоилов ўзини бу қадар йўқотиб қўйишини барибир ҳеч ким кутмаган эди. «Ана, ўзига эмас, бировга ишонганнинг ҳоли!.. Энг яқин ошнаси Исломхўжаев-ку, кутилмаганда ишдан бўшатилди. Ҳали унга партиявий жазо берилармиш. Қамалармиш... Исмоиловга «Қаҳрамонлик»ни ваъда қилган Марказий Комитет секретари эса, каттаю-кичикни ташвишга қўйиб, нариги дунёга қараб жўнади... Республикада олатасир бўлмаган жой ҳам, соҳа ҳам қолмади...»

Колхоз фаоллари, бригадирлар гарчи бу фикрларни баралла айтиб юрмасалар ҳам, лекин ҳар бири ҳозир ичида тахминан шу зайилда мушоҳада юритади. Исмоилов эса гоҳ ҳозиргидек кўполликка ўтиб, одамларнинг дилини оғритса, гоҳо энди юрак олдириб қўйганиданми, илгари сўрашмай ўтиб кетадиган кишиларига ҳам ўта майин, майин эмас, аллақандай хушомадгўйлик билан муомала қилиб ҳам кўяди; фаолларни танг қолдирган нарса ҳам аслида шу эди...

3

Хайрият, кун очилиб кетди... Баъзан эрта кузданоқ ёғин-сочин бошланади-ю, шу билан қишгача давом этади. Ана, унда кўрасиз пахтакорнинг шўрини! Одамларнинг ҳаловатсизлиги атайлаб ўйлаб топилган ёвуз бир ўйиндек туюлади сиртдан қараган кишига. На мактаб боласида, на каттада ҳаловат, на эрда, на хотинда, на уйда, на кўчада ҳаловат... Бизга деса тош ёғмайдимиз?! Охири чаноғигача териб оламиз!.. Жуда бўлмаса, бу ёқда жонга аро кирадиган Янгибоевлар бор...

Йўқ, ҳаво очилиб кетди. Янгибоевнинг «ёрдами» билан Тошмамат бригадаси плани ҳам дўндирди. Эртасига колхоз ҳам қутулди. Аммо даладаги ҳосилни барибир қотган кўсагигача йиғиб-териб олиш керак; областдан келган комиссия шу вазифани қўйди. Мана, энди ўн кундан бери терилаётган оғми-кўпми пахта мажбурият ҳисобига ўтиб турибди. Илгаригидек диққинафаслик йўқ. Бригада аъзолари ҳам хийла бўшашиб, далага чиққани чиқиб, чиқмагани чиқмай тирикчилик ғамида юрибди. Лекин ҳамманинг кўнглида битта умид: йиллик ҳисоботда ишқилиб беш сўм-ўн сўм беришса, ҳарқалай рўзгорни бир нави қимирлатиб турса бўлар...

Тошмамат ҳам энди одамларни қистаётгани йўқ; қайтага уларга қўшилиб, соатлаб шийпонда ўтиради, чой ичади, ундан-бундан гап сотади. Мана, ҳозир ҳам тушлиқдан кейин домино тапиллатаётган йигитлар тўпига қўшилиб, ер лойлиги учун бошқалар қатори қўл билан пахта тераётган Ҳасан механизаторнинг тепасига келиб турди. Ҳасан «полвон» ярим этак нам пахтасини тагига босиб олганча, қўлидаги домино тошларини гўё ўздан ҳам қизғонгандай минг хил қилиқ билан секин очиб кўради-да, кейин «ме-е» деб маъраганча қарсиллатиб столга уради. Тошмамат ҳам салда ўйинга қизиқиб кетди. Ҳатто шундоқ рўпарасидан ҳовлиқиб келаётган Ҳикмат чиноқни ҳам кўрмади. У ўпкаси шишиб кетганидан аввалига кираверишда курси устида турган каттакон челақдан бир чўмич сув олиб ичди-да, одамлар билан кейин саломлашди. Тошмамат ҳисобчиси шундоқ ёнида тўхтаб, маънодор томоқ қиргандагина унга қайрилиб қаради. Кўзлари бежо, нимадир ваҳима гап топиб келгани аниқ эди. Тошмамат кафтидаги тошларни санаётгандай тутди ўзини. Ҳикмат чиноқ ҳарс-ҳарс қилганча Тошмаматга бирдан гап ташлашга ботинмадимми, сал нари кетди. Шундагина Тошмамат:

— Намунча кўпкир отдек пишқирмасанг? — деб кулди.

Ҳикмат чиноқ жавоб бериш ўрнига бригадирга босим тикилиб, «гап бор» деган имони қилди. Тошмамат ҳисобчиси топиб келган янгилик нақ ҳозир ичига сифмаётганини сезиб турса ҳам, яна бироз шошилмади. Кейин қўлидаги доначаларни стол устига сочиб юборди-да, кафтини қоқиб ўрнидан турди. Атайлаб хў наридаги тол дарахтини мўлжаллаб пастга юрди. Ҳикмат чиноқ зиппиллаб унга етиб олди. Тол тагида тўхташгач:

— Иш чатоқ, Тош ака! — деди кўзлари ола-кула бўлиб.

Тошмамат атайин пинагини бузмай, «нима гап» деб сўради. Ҳикмат чиноқ у ёқ-бу ёққа аланглаб олгач:

— Исмоилов қамалибди! — дея шивирлади. — Уйини обиска қилишибди. Бир сумка тилла заём чиққанмиш. Кўмган пулини ҳали топишолмабди...

Тошмамат киши билмас чайқалиб кетгандай бўлди. Аммо ўзини тутиб, «бекор гап»

деган маънода бепарво қўл силкиди. Ариқ лабидаги ўтдан узиб, лабига қўйди-да:
— Нима, пул кўмган эканми? — деб сўради негадир Ҳикмат чиноққа ўшша-
йиб қараб.

Ҳикмат чиноқ елкасини қисди ва:

— Билмадим, одамлар айтишяпти,— деди гуноҳкор боладай овози бўшашиб.

— Э-э, қўйиб берсанг, нима демайди одамлар?! Хўш, яна нима гаплар бор?

— Йўқ пахтани қўшиб ёзгани очилганмиш. Ҳамманинг оғзида шу гап...

Тошмамат оёқлари, айниқса иккала тиззаси бўшашиб кетганини сезди. «Тамом! Мисимиз чикди...» У нақадар саросимага тушган бўлмасин, аммо кўнглининг бир бурчида «Исмоилов унақанги бўш-баёв, салга тахта-ўқлоғини йиғиштирадиганлардан эмас, бирон бир йўлини топади» деб ўйлагани учун ҳам ҳисобчисига яна кулиб қаради. Ва бироз ҳовурини босиб қўймоқчи бўлди. Аввалига гапни сал бошқа ёққа бурди:

— Ҳмм... мен... б-ббизз ҳақда ҳеч гап йўқми?

— Йўқ.

Тошмамат зўраки кулимсираганча:

— Намунча ҳовлиқмасанг?! — дея Ҳикмат чиноқни мазах қилган бўлди.— Ўпканг шишиб кетибди-ку, чопавериб! — Кейин яна оғзига чўп солиб, шийпон томонга кўз ташлади.

Ҳикмат чиноқнинг безовта юраги ўша заҳоти хотиржам тортди; шунча ваҳима билан топиб келган гапи, суриштириб қараса, бир тийинга қиммат экан. У бўлса васвасага тушиб, не-не хаёлларга бориб юрибди. Назарида Тош ақаси бу гапни эшитиши биланоқ ўзини йўқотиб, районгами ёки керакли бошқа ёққа югуриб қолиши керак эди.

— Қўрқадиган жойимиз йўқ! — деди Тошмамат ичини ит таталаётган бўлса ҳам бошиқ гапиришга уриниб.— Ҳаммасига ҳужжатимиз бор. Шундайми, ахир?!

Ҳикмат чиноқ бошлиғининг гапига унча тушунмади. Тошмамат яна ўзича «ҳамма қоғозларимиз жойида» деб қўйди-да, Ҳикмат чиноққа босим тикилиб, «тушунгандирсан» дегандай бош ирғаб қўйди. Ҳикмат чиноқ кўзини олиб қочди. «Демак, бирортаси сураб қолса, жавоб шу... Бўйинга олмаслик, қоғозларга ишора... Ахир, ҳамма нақлад-нойларда давлат печати бор, имзо бор, ҳаммаси законий...» Ҳикмат чиноқ Тошмаматнинг гапидан шу маънони тушунди. Шийпонга қайтиб боришгач, Тошмаматнинг барибир безовталиги ортди, бири-биридан ёмон кўрқинчли хаёллар миясини пармалай бошлади, бригадада ортиқ туролмади. Гузарга кетди.

Ёмон хабар ёнғиндай тез тарқалади. Ҳикмат чиноқ сир тутиб шивирлаб юрган гап бу ерда ҳамманинг оғзида эди. Тошмамат биринчи бўлиб уни Қобил сартарошдан эшитди. Сартарош суюнчи кетганими, ҳатто Тошмаматга югуриб пешвоз чиқиб:

— Эшитдингизми? — дея суюнчи олди оғзини каппа-каппа очганча.

— Йўқ, нимани?

— Исмоилов қамалибди-ку?!

Тошмамат нима жавоб қилишни билмай турган жойида сартарош яна гапга тушиб кетди:

— Айтардим-а, бир емоқнинг бир қусмоғи бор, деб. Азалдан шу ўзи: юртга азиз бўлган юртга хор ҳам бўлади. Э, тавба! Э, тавба! Ким ўйлаган-а?.. Шанба куни районга чақиришиб, срази авахтага солишибди. У бечора аввал бир райкомга кириб чиқай, деб зориллармиш нуқул. «Э, мана сенга райком!» деб, устидан отнинг калласидай кулф уришибди.

— Шу гап ростми?

— Э, ким билади, одамларнинг гапи. Якшанба куни уйигаям хабар беришибди-ку: эрингиз қамалди, деб...

Тошмамат сартарош билан ичида негадир ижирғаниб хайрлашди-ю, идорага ҳам кирмай, уйига қараб жўнади. Ижирғанганининг сабаби: Тошмамат яхши биларди — раис соч-соқол олдираман деган куни Қобил сартарош учун байрам эди; ҳамма ёқни супуриб-сидириб, чиннидай ялаб, то кечгача келмаса ҳам ҳеч кимни ўтирғизмай кутиб, кўзи правление идорасида, «Турдибой акам соч олдирадилар» деган суюнчини ўтган-кетганга сўзлайвериш тоза безор қиларди. Бугун эса, мана, гапи. «Тавба, намунча одамлар бетайин бўлишмаса-а?!» Йўлда хаёли қочганча бораркан, энди уни баттар ваҳима босиб, бирдан ўзидан, айниқса оиласининг тақдиридан кўрқа бошлади. «Бу ёғи нима бўлади? Бозор Исломхўжаевнинг ишдан бўшагани ҳали ҳолвами дейман?! Катта гаплар бу ёқда ётганга ўхшайди...» У парткомнинг тўйида Исмоилов анча ичиб олиб, янги райкомнинг секретарини тоза болаганини сўзлаб, ҳаммани оғзига қаратган вақтини эслади-ю, бошини сарак-сарак ўйнатиб, ғамгин кулимсираб қўйди. «Шатта айтдим! — деган эди ўшанда Исмоилов важоҳат билан.— Шатта айтдим! Қарасам бўлмайдиган. Хей, дедим! Киндик қонимиз тўкилган-а бу ерга, оғизга қаранг, дедим шатта юзига. Сиз бир-икки йил планни тўлғазиб, дедим, мана бу ерингизга яна бир орденни илиб олгандан кейин, ким билади, партия солдатиман, деб, қаёқларга жўнаб қоларкансиз, дедим. Шатта шундай дедим! Миқ этмайди! Биз мана шу ерда туғилганмиз, шу ерда ўламиз, тушунарлими, дедим. Тилимни қичитманг, дедим! Тошингни тер, дедим!..»

Сал ўтмай раиснинг яна бир совуқ гапи хотирига тушди-ю, баттар юраги орқасига тортди. Одам сира ўзи ёмон ният қилмаслиги керак экан! Айтишади-ку, яхши гапгайм, ёмонгайм фаришта «омин» дейди деб. Янги йил арафасими, фаоллар колхоз идорасида ўтиришарди. Телевизорда бирдан меҳнат ва уруш ветеранларини кўрсатиб қолишди. Ҳаммасининг кўкси тўла орден... Исмоилов худди гаши келгандай мазах қилиб кулди: «Қаранглар, бир қаранглар ановиларга! Қайси ёзувчи айтганди-я, тақмагани чойнакнинг қопқоғи қолибди, деб?...» Исмоилов миқти бармоқларини экранга бигиз қилганга ўшанда негадир Тошмаматга узоқ тикилиб турган эди. «Биздаям бир халтаси бор бу шақир-шўқурларнинг! Умримда тақмаганман. Ўлганимда сизлар ёстиқчага қўйиб кўтариб борарсизлар...»

Исмоиловнинг ҳазили ҳам ўзига ўхшаган кўрс эди. Утирганлар нима дейишни билмай, бир-бирларига зимдан кўз уриштириб, дамларини ичларига ютишди. Эсида, ўшанда Тошмамат «э, қўйинг-е», деб орадаги ўнғайсизликни бироз кўтармоқчи бўлганида ҳам, барибир ўрнига тушмаган эди... Энди шу каттаоғиз раис қаёқда денг... қамоқда ётса-я?! Тошмамат туриб-туриб бунга ишонгиси келмайди. Ҳа, ахир, Турдибой Исмоиловнинг қанча-қанча орден-нишонлари бор-ку?! Ўзи айтгандай «бир халта!» Қирқ учинчи йили фронтга кетиб, то Берлингача уришиб борган. Бу ёқда уч-тўрт йилдан бери ҳамма кутади: қачон Қаҳрамон бўларкин, деб. Катталарнинг «сўйиладиган бўрдоқиларни кўпайтираверинг» деган очик шаъмалари-ку, эл оғзида достонга айланган. Мана шундай бообрў одамни ҳам керак бўлса индамай қамаб қўйишавераркан-да? Тавба-а! Ақлга сизмайди!..

Тошмамат бир жиҳати Исмоиловнинг ҳар қандай шароитдаям тегирмондан бутун чиқишига ишонар, лекин айни пайтда шунча шов-шув билан етишилган манови ваҳимали мартабалар, суриштириб келганда, арзиманган бир матоҳ эканлигини ўйлаб боши қотарди, «охирини нима бўларкин» дея эртанги кунга хавотирли кўз тикарди. «Ростиям, кейинги йилларда одамлар шу шақилдоқларга бунчалигам ружу қўйишди... Ҳамманинг ўй-хаёли, топган гапи шу бўлиб қолди. Ким орденсиз бўлса, гўё у одам эмас, худди нуқсонли бордай овози чиқмайди, ўзини четга олади, қимтиниби юради...» Бу иллат қандай ва қачон юзага чиққанини Тошмамат унча чуқурроқ ўйлаб кўрмаган-у, лекин ўзи шу кўчага кириб кетганига ҳам, мана, озгина вақт бўлгани йўқ. Баъзан туриб-туриб таажжубланади: «Бу ердаги ишлар-ку, майли, бу ердаги ишлар. Ахир, орденни биздагилар эмас, Москвадагилар беради-ку?! Орден беришдан олдин обдан чиғириқдан ўтказишса керак, ўлдими?!»

Исмоилов қамалганидан кейин орадан бир ҳафтала ўтган эди шекилли, кечаси Тошмамат сира ухлаёлмади. Одам ўзи ҳар нарсага чидаши мумкин-у, аммо маъхумликка чидай олмайди. Юраги ўйноқлагани-ўйноқлаган. Минг хил хавотир, ташвишдан боши ёрилгудай бўлади. Тошмамат ҳозир ҳам худди шу қийноқда, шу азобда. Ундан кўра, тўппа-тўғри уни ҳам чақиритиб, «мана бу, мана бу айбларинг бор, жавобини берасан» деганлари минг марта яхши эди! Пешонасига ёзилганини курарди-да барибир, бошқа иложи йўқ. Лекин манови нотайинлик, манови ноаниқлик эса тиш оғриғидай бир дақиқа ҳам тинч қўймайди одамни, эзаверади, эзаверади...

Тошмамат ярим кечада секин ўрнидан турди-ю, хотинини огоҳлантириб, Исмоиловникига қараб йўл олди. Нафасини ютиб, худди ўғридек чор-атрофга аланглаб кўчага чиқди. Йўлда учраган ҳар бир шарпадан ҳадиксираганча Турдибой Исмоилов ҳовлисига етиб борди. Таниш зангори дарвозани секингина тикирлатиши билан ичкаридан дарров шип-шип оёқ товуши эшитилди: чирқ этиб йўлак чироғи ёқилди. Тун сукунатини «ким» деган хавотирли овоз бузди. Тошмамат томоғини қириб:

— Янга, сизмисиз? Мен Тошмамат,— деди эшитилар-эшитилмас.

Аёл киши оғир хўрсинди-ю, шикир-шиқир қилиб дарвоза эшикчасини очди. Бу Исмоиловнинг хотини Холжаҳон ая эди. У Тошмамат билан кўришмадиям, фақат ташқарига бош чиқариб асабий ҳолда у ёқ-бу ёққа аланглади, яна эшикни кулфлади. Индамай, Тошмаматни кираверишдаги бўш меҳмонхонага бошлади. Меҳмонхонанинг яқиндаги жиҳозлари шоша-пиша олиб ташланибди. Ердаги каттакон эрони гилам ҳам йиғиб қўйилгани учун хона совуқдай туюлди. Дераза дарпардалари устидан негадир оқ суруп чойшаблар тортиб қўйилган. Хона лампочкаси куйган шекилли, даҳлиздан ёруғ тушиб турибди. Тошмамат кираверишдаги кўрпачага чўккаларкан:

— Куйибди-да? — деди шифтга қараб.

— Ҳозиргина, сизга чиқаётганимда чарс этди-ю ўчди.

Рўпарадан тоши тортиб қўйиладиган эски осма соатнинг ғира-шира шарпаси кўзга чалиниб, қаттиқ «чиқ-чиқ» эшитилляпти. Ая Тошмаматга фақат энди «келинг» дегандай бош силкиди-да, остонада омонатгина чўнкайиб, Тошмаматдан нимадир умид қилгандай унга жавдираб қараб қолди. Рўмолининг учини кўзларига босиб:

— Шу кўргилик ҳам бор экан, Тошмаматжон, — деди ва елкалари силкиниб унсиз йиғлади.

Тошмамат хийла жим ўтирди, сўнгра қўлларини икки томонга ёйиб:

— Кўп куйинманг, ая,— деди овози титраб.— Худо хоҳласа, ҳаммаси ёддан

чиқиб кетар ҳали. Нимадир тушунмовчилик бўлган шекилли. Турдибой акани биламиз-ку, ахир...

Холжаҳон ая ёшли кўзларини Тошмаматга тикканча, «шу гапингиз рост бўлиб чиқсин-да ишқилиб» деган маънода мўлтайиб ўтирди. Четроқда усти берк турган дастурхонни очишга чўзилди. Тошмамат уни мажбурлагандай тўхтатди:

— Йўқ, қўйинг, овора бўлманг. Ярим тунда безовта қилганим етмагандай, уйқуни ҳаром қилиб...

— Уйқу борми, Тошмаматжон! Уйқу қаёқда! Саккиз кечадан бери мижжа қоқмайман...

— Бирор-бир тайинли гап борми ўзи? — Тошмамат Холжаҳон аяга умидвор ва тоқатсиз бир қиёфада термилди.

Ая яна кўз ёшларини артиб:

— Аниғини айтишмайди,— деди ич-ичидан куйиниб.— Уша районга кетган кунлари тунда икки машина бўлиб чиқишиб, уйни ағдар-тўнтар қилиб кетишди. Деворларга-ча бузиб кўришди...— Ая бурчакка қўл чўзди-ю, силкиниб-силкиниб йиғлади. Тўрдаги тоқча юзига ҳам чойшаб илиб қўйилибди.

Тошмамат ўрнидан туришини ҳам, ё яна бироз ўтиришини ҳам билмай, бир-икки ух тортди, юрагини баттар ғашлик босди. «Бутун эл-юрт, дўст-душман ичида шармандаи шармисор бўлиш ҳам ҳеч гап эмас экан» дея ўйлади. Тўсатдан хотинига бериб қўйган ўн етти минг сўм тилла зиёминини эслади.

— Акам билан ҳеч кўришдингизми? — деди у бировдан кўрққандай овозини ютиб.

Ая ерга қараб ўтирган кўйи бошини чайқади. Кейин Тошмаматга илтижоли тикланганча:

— Ҳаммаси юрагини олдириб қўйди болам бечоралар,— деди лабини тишлаб.— Уларникиниям обиска қилишди, бир вақтнинг ўзида. Бош кўтариб юришга бет йўқ. Шунча йил колхоз-колхоз деб, топган обрўйимиз шу бўлди. Сельсоветга чиқсак, «кўришадиган вақтни ўзлари айтишаркан» дейишди-қўйишди. Бировнинг ғами эрта кириб кеч чиқадиган ҳозир. Биз энди кимгаям керакмиз! Бечора акангиз қаерларда, кимларга хор бўлиб юрганикин? — Холжаҳон ая ўқиб-ўқиб йиғлай бошлади. (Тошмамат, баттар мияси шишиб, тузук бир фикрга келолмас эди). — У эмас, бу эмас, кўз тегди. Кўз тегди.— Холжаҳон ая тиззаларига қўлини қўйиб, афсус чекди.

Тошмамат бу ерда ўтириши энди ортиқчалигини сезди-ю, ўзи ишонмаса ҳам, уй эгасини юпатишга уринди:

— Куйинаверманг, ая! Узингизни қўлга олинг. Турдибой акадек одамни индамай-нетмай судлаб юбораверишмас! Йў-ўқ, бу ерда бир чалкашлик ўтган, чалкашлик ўтган. Юзлари ёруғ бўлади акамнинг, мана, кўрасиз, кўп куйинаверманг...

Бетоқат бир кайфиятда ўрнидан турди у, Холжаҳон ая ҳам инқиллаб зўрға кўз-ғоларкан:

— Илойим, айтганингиз келсин, айтганингиз келсин, сиз ҳам болаларингизга бош бўлиб юринг, раҳмат,— деди кўнгли бўшашиб.— Қон босими бор эди, биласиз, ҳоли нима кечаётганикин? Ялпиз чойсиз туролмасди боёқиш. Бу кўргилик душманингаям буюрмасин...

Ая Тошмаматни кузатиб чиқди. Дарвозани очишдан олдин бир дақиқа ташқарига қулоқ солди. Тошмамат ҳў тўрдаги, Исмоиловнинг кенжа ўғли яшайдиган болаҳонали иморатга кўз қирини ташлади-ю, даҳлизда чироқ кўринмаганидан, «ё бирон ёққа кетишган, ё ухлаб қолишган» деган хаёлга борди. «Уяси бузилибди бечораларнинг...» Бу хонадон бошига тушган кулфат Тошмамат тасаввур қилганидан ҳам оғирроқлигини у мана ҳозир тушунди. Аяга, Исмоиловнинг болаларига ачинди. Энди у эшикдан чиқай дейтганда Холжаҳон ая савол ташлаб қолди:

— Тошмамат? Сиз ахир неча йилдан бери акангизнинг ёнидасиз. Тинчликмикин ишқилиб? Бирон жойда чатоқ-патоғи йўқмикин? Туриб-туриб юрагим ғаш бўлаверади...

— Э, ўйламанг! — Тошмамат азбаройи ўзигаям далда бермоқчи бўлганидан шу зайилда дадил гапирди.— Ҳеч гап йўқ...

Тошмамат остона ҳатлаб ўтди-ю, зимзиё кўчада гурс-гурс юриб, жадаллаб уйига жўнади. Йигирма-ўттиз қадам йўл босгач, қоронғида худди изидан биров қуваётгандай юраги орқасига тортиб, ярим кечада Исмоиловникига келганига энди астойдил афсусланди. «Туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр... Ишқилиб, Тошмамат шу аҳволга тушмасин-да, катталарнинг оёғи остида ўралашиб... Исломхўжаевни ҳам пачоғи чиқди... Исмоилов-ку, ўзи оддий раис бўлгани билан, унинг ишонган тоғи эди. Наҳотки ҳадемай Исломхўжаев ҳам раисимизнинг ҳолига тушса?! Унда биз нима бўламиз?...»

Тошмамат ярим йўлга келганда, бирдан шу кунларда яна кимга йўлиқиш мумкинлигини ўйлай бошлади. «Нима бўлганда ҳам, ҳарқалай Исмоиловга албатта йўл топиши керак. Чунки Тошмаматниям шарт қўлга олиб (худо кўрсатмасин!), «сиз доим ўшанинг ёнида эдингиз, қани, бу ёққа юрингчи» деб қолишса, Тошмамат кимга ялинади? Иш орқага кетдими, э, бундан ёмони йўқ! Шунинг учун нима қилса ҳам у вазиятни аниқ билиши керак. Акс ҳолда куйиб қолиши, куйганда ҳам бутун умрга бадном бўлиши ҳеч гап эмас!...»

Тошмамат уйга кириб борганда асаблари қақшаб, ўзини қўйишга жой топмас эди. Оёқлари остида ўралашаётган Йулбарс ҳам хўжайинининг ёмон кайфиятини сезгандай, бир дўқ қилиши билан ингиллаганча нари кетди. Тошмамат баттар боши қотиб, ҳовлида бироз имирсиланиб юрди; уйга кириш ҳам ҳозир унга малол келаётгандай эди. Кириши билан хотини афт-ангорини кўради-ю, нима гаплигини дарров сезади. Кейин унга жавоб бериши, тушунтириши керак... Қандай тушунтиради, ахир?! «Анови Янгибоев билан бўлган ишларни Исмоилов бўйнига олганмикин?.. Ёки?.. Мана шуни аниқлаш керак. Шунда иш бузилса — тамом! Муҳими — шу! Мана шу масалада гап бир жойдан чиқмас...» Тошмамат кейин нима бўлишини ўйлаб даҳшатга тушди. «Шунинг учун... албатта Исмоилов билан боғланиши керак. У нима деса — шу... Эҳ, қаерданам шу ғаламисларга йўлқўдинг-а?! Тинчгина юргандинг дўппингни чекканга қўйиб! Тилинг бир қарич!..»

Санобар ҳамон ичкари уйда чироқни ўчирмай ўтирибди; эрининг келганини билдирмай-йўқми, туриб-туриб дераза пардасини кўтаради-да, бир дақиқа қоронғи йўлакка тикилиб қолади. Ҳойнаҳой Тошмамат акасини сезмаган шекилли, сезганда югуриб чиқарди. Ҳа, ана, Йулбарснинг эзнага чиқиб ингиллаганидан охири билди чоғи, лип этиб ўрнидан турди-ю, шошилиб ҳовлига чиқди.

— Дадаси, келдингизми? — дея овозини пастлатди.— Нима гап экан? Ҳаяллаб қолдингиз жуда?

Тошмамат индамади. Хотинининг ёнидан ўтиб уйга кирди.

— Нега индамайсиз? Нима, мен бегонамани?! — Санобар йиғламсиради.

Тошмамат «э, қўйсанг-чи, сен нимани тушунардинг» деган маънода қўл силтади. Индамай ичкари уйга кирди. Зарда билан юлқиниб-юлқиниб этигини ечди ва «бир пиёла чой бер» деди томоғи қуриганидан тамшаниб. Санобар узатган катта пиёладаги яхна чойни бир симиришда бўшатди-да, хонтахта устига думалатиб юбораркан:

— Ишлар чатоқ, хотин,— деди қандайдир ички изтироб билан.— Ишлар чатоқ...

— Вой, шўрим! — Санобарнинг кўзлари бирдан қақчайиб кетди.— Нима бўлди? Яна ўт-пўт тушдими?! — Санобар азбаройи бундан уч йил аввалги офатни эслагани учун кутилмаганда шу саволни берди. Ушанда хирмонда икки центнерча пахта ёниб кетиб, бутун колхоз нари бориб-бери келган эди. Турдибой Исмоилов тинчитган эди ўша жанжалниям; бировни битта черттирмадиям. Лекин орада қанча тергов, қанча сур-сур, қанча дўқ-пўписа...

— Гапирсангиз-чи, нима бўлди ўзи?

— Ўт тушди! Пахтагамас, ишга ўт тушди! Ишга! Уҳ-ҳ-ҳ!

— Вой, аниқроқ гапиринг. Ёрилиб кетай деяпман!

— Э, жаврамай тур! Сен етишмаётган эдинг ўзи! Ишингни қилсанг-чи! Тинч қўй мени!

Санобар пичир-пичир қилиб пиёлаларни йиғиштира бошлади. Кейин ташқарига чиқиб, анча фурсат ҳаяллаб қолди. Қайтиб кирса, эри кўрпага ўраниб олибди, ухлагани ёки уйғоқми, билолмади...

Дераза кўзлари хиёл бўзариб, уфқни хира шафақ эгаллай бошлаган пайтда Тошмамат чўйиб уйғонди; лекин оз бўлса ҳам мириқиб ухлабди. Тунги учрашувни ўйлаб, азонданоқ яна кўнглини хижиллик босди. «Исмоилов нима деганикин? Қандай тутганикин ўзини?.. Тошмаматни тилга олдимикан ёки?.. Э, Тошмаматга нима бор у ерда?! Тошмаматнинг қўлидан, хўш, нима келиши мумкин? Исмоилов фақат бақувват одамларга суяниб келган шу пайтгача! Тошмамат нима каромат кўрсатиб бераркан унга?! Уни тилга олди нима-ю, олмади нима? Лекин шундаям... а н о в и ишлар ҳақида Исмоиловнинг нима деганини билмасам... Билмай туриб Тошмамат нима дейди, ахир?!»

Ҳовли этагида хўроз қичқирди, кейин тап-тап қанот қоққани эшитилди. Оғилдан шақшақ овоз қулоғига чалинганда, Тошмамат уйқуга тўйган қўчқор қайсидир қўйни сузаётганини сезди. Шу ергаям яққол келиб турибди: очикдаги сигир кавш қайтариб ётаркан, ҳар замонда «и-и-ихх» деб узун нафас чиқариб қўяди... Аммо ҳали барибир қоронғи эди. Тошмамат яна бироз мизғиб олиш ниятида ўнг томонига ағдарилиб ётди. «Бошқа бригадаларда ҳам аҳвол шу... Э, тавба, худди молдек ҳайдаган томонларига фикр этмай юраверибмиз-а?.. «Э, қўйинглар, бола-чақаларимиз бор» ҳам дейишмабди... Тавба-а-а...»

Тошмамат бу оғир хаёллардан ўзини қандайдир ажратиб олишни истар эди-ю, лекин қўлидан келмасди. «Нима, мен ўзимча қилибманми? Буюришган... Лекин а н о в и йўқ пахтага олинган пуллар-чи? Йўқ пахтага қўйдирилган имзолар-чи?.. Уларниям буюришган. Биз ўйлаб топибмизми?!»

Шу ерда Тошмаматнинг кўнглига бирдан бошқа фикр келди: «Ўтган йилгидек, туристик путёвка топиб, иложи бўлса хотинини ҳам олиб, Кавказ томонларни бир айланиб келса-чи? Курорт энди кўнглига сизмайди. Юрадимми бу ерда ваҳимага тушиб? Ўтган йили бутун бригадаси билан Ленинградга борганди. Шундаям анови ичи қора Закия ўйинбузиқчилик қилди. Бормади. Уша воқеани ўйларкан, ҳозир ҳам Тошмаматнинг энсаси қотди... Ҳеч кимга ҳеч нарса демай, хотини билан Кавказга кетаверса, нима, биров бир нарса дермиди? Демайди! Қайтага бир ёзилиб, манови ишлардан узоқда,

дам олиб келади. Кейин нима бўлса — бўлар. Ёки... э-э, яхсиси Сталинградга бора қолишсин. Мабодо гап чиқса ҳам, «котамнинг қабрини зиёрат қилдим» дейди. Тўғриси-ям шу-да!..»

Тошмамат ўйлаб-ўйлаб, охири бу фикри ҳам ёқмади. «Қочган дейишса-чи?! Одам юбориб ўша ёқдан тутиб келишса-я?!» Тошмамат беҳосдан миясига урилган бу фикрдан ўтакаси ёрилай деди. Қайта-қайта кўкрагига туфлади. Узига-ўзи «нафасингни иссиқ қил-е» деб дашном берган бўлди. Хаёли яна Исмоиловга кўчди. «Нима қилаётганикин бечора? Қийнашмаётганмикин ишқилиб?...»

Эшик очилиб, хотини бош суқиб қаради. Уйкуга тўймаган кўзлари пирпираб:

— Бир ерингиз оғрияптими? — деб сўради қўрқа-писа. — Дўхтир қақирайлик.

— Чарчаганман. Тавба-а, тушни қара: оғзимдан ўн қарич келадиган қора илон чиқиб кетди!

— Э, худойим-ей, фалокатингиз арибди-ку! — Санобар юз-қошларини силаб қўйди. — Қутулибсиз!

Тошмамат хотинининг бу «шарҳи»га илжайиб кулди-ю:

— Заёмларинг қаёқда? — деб сўради қўққисдан.

— Уша жойида... сандиқда... — Санобарнинг юзини хавотир, қўрқув эгаллади.

— Ҳа, нега рангинг ўчди? Айтаяпман-да... Бу яқин ўртада Азамат чиқмасмикин бизникига?

Азамат — Тошмаматнинг қайниси, Санобарнинг укаси. Санобар эри тилла заёмни гапира туриб, бирдан шаҳар милициясида ишлайдиган укасини эслаб қолганидан баттар хавотирланди:

— Нима гап? Айтсангиз-чи?!

Тошмамат ўзидан-ўзи ғудранди ва кейин бақириб берди:

— Бор, ухла!

Сўнгра юлқинганча кўрпага ўраниб олди. Санобар бироз остонада гарангсиб турди-да, «э, худойим-ей» деганча истар-истамас эшикни ёпди.

Тоғ чўққиларида кун ёриша бошлаган пайт эди. Аммо бериги уфқда битта юлдуз милтиллаб турибди; тикилиб қаралса — яна, яна, яна бор...

4

Узунчок, кичкинагина хона. Деразаси йўқ, баланд шифтига ўрнатилган неон лампаларнинг бири қит-қит ёниб-ўчяпти. Бурчакда ихчамгина стол. Стол рўпарасида бетон полга маҳкамлаб ташланган ёғоч курси, унда бошини эгиб Исмоилов ўтирибди. Стол ортида қоратўри, кўз-қошлари кундуздай, ёши Исмоиловнинг кенжа ўғли тенги келадиган терговчи йигит Рустамов: у олдидаги қалин папкани очиб, папирос чекканча, афтидан, «бугунги сўроқни нимадан бошласам экан» деб ўйлаётганга ўхшарди.

— Исмоилов! — деди у бирдан. — Яна қайтараман. Тўғриси айтиш билан сиз нафақат терговга, балки ҳақиқатни аниқлашга ёрдамлашган бўласиз, шу билан бирга гуноҳингизни ҳам маълум даражада енгиллаштирасиз, шу моментни унутманг! — Рустамов олов кўзларини Исмоиловга миҳдек қадаб, авторучкасини очганча айбланувчининг жавобини кутди. Собиқ раис ердан кўзини узмай, ҳар галгидек «тушунарли, биламан» деган маънода бош ирғади. Бир ой ичида у анча-мунча ўзгарган: рангини олдириганидан ташқари, семиз юзи, бақбақаси осилиб, соқоллари ўсиб, уйқусизликдан бўлса керак кўзлари қизариб, қовоқлари шишган эди. Яқингинада ҳаммага ҳайқирган, ҳамма билан тортишган, аёлларга, маишатга ўч, пулни пўчоқдек совурган, одамларни дағ-дағ титратган у Исмоиловдан ҳозир энди урвоқ ҳам қолмаган эди. У бирдан қариб қолгандай, қулоғи оғирлашгандай, қўллари титраб турибди; бўтқа еяётиб кийимига томизиб юборганиданми, ғижимланган костюмининг кўкрак ёқлари ҳар хил доғ-дуғлар билан қатирмоч бўлиб кетган эди. Эҳтимол, қон босими ошиб тургани учундир, ҳар гапирганда чакка томирларини ушлаб, бошини уқалаб қўяди.

— Хуллас, сиз бригадирларга ҳеч қандай топшириқ бермагансиз? Сохта ведомостларга қўл қўйдиришни буюрмагансиз? Шундайми?

— Мен булардан беҳабарман... — Исмоиловнинг безовта кўзлари терговчига синчков тикилди. Чунки у доимо беҳосдан қопқонга тушиб қолишдан қўрқар эди.

— Демак, бу «ташаббус» бригадирларингизнинг ўзидан чиққан, шундайми?

Собиқ раис «ҳа» дегандай бош қимирлатди.

— Жавоб беринг!

— Ҳа, бу ташаббус мендан чиқмаган.

— Яна қайтараман: агар ёлгон гувоҳлик берсангиз, жиноятингиз ортади.

Исмоилов калласини лиқиллатиб, Рустамовнинг гапини тасдиқлади-ю, лекин ўзи секин ерга қаради.

— Исмоилов, бизни ёш бола деб ўйлаясизми? Жиноятингиз беш панжадай аён бизга. Узингизга ташляпман тўрт галдан бери. Сиз бўлсангиз чалғитишни кўзлайсиз. Нима ҳам қилардик?! Эртага колхозингизга олиб борамиз энди. Уша ерда, халқ ичида юзлаштирамиз. Тарозибонлар, анови Янгибоевингиз ҳам қамоқда. Уларниям олиб борамиз.

Исмоиловнинг бирдан ҳафсаласи пир бўлганлиги афтидан билинди. Қовоғини уйиб турди-турди-да:

— Шунча йил партияга хизмат қилиб, энди масхара бўлишимиз қолибди-да?! — деди деярли йиғламсираб (аммо жаҳл билан).— Эл-юрт ичида ерга урмоқчимисиз мени? Бу ерда қийнаётганингиз етмаяптими?

— Сизнингча, сиз бир умр партияга хизмат қилиб келган, қўй оғзидан чўп ҳам олманган одамсиз-у, биз жоҳиллар эса энди сизни қийнаб сўроқ қиляпмиз, суд қилмоқчимиз, шундайми? — Рустамов ҳар бир сўзининг салмоғини худди аввал тортиб кўриб гапирётгандай кесиб-кесиб таъкидлар эди.— Демак, унда, тагини суриштира, биз партиянинг ўзига қўл кўтараётган бўлиб чиқамиз-да, шундайми?! Ахир, қачонгача алдай-сизлар одамларни бу сафсата билан? Намунча партияга ёпишиб олмасанлар?! — Рустамов «кандек» демоқчи эди-ю, тилини тийди.— Сизларнинг ҳаром жиғилдонингиз, эл-юрт ичида шармандан-шармисор бўлганингиз учун ҳам партия жавоб бериши керакми? Узларингизга ҳеч нарса юқтирмайсизлар-а?! Отдан тушгансизлар-у, эгардан тушмайсизлар!

— Наҳотки биз фақат ёмонликдан бошимиз чиқмаган деб ўйлайсиз?

— Яна чалғитаясиз. Сиз билан баҳслашиб ҳам бўлмайди, чидамайсиз. Сиз қандай ўйлайсиз-у, уни билмайман, аммо мен учун — ўша бировнинг бир тийинини еган кунингиздан бошлаб сиз партияда йўқсиз. Райкомда ўчиришгани — юзаки, расмий масала. Сиз аллақачоноқ ўзингизни ўзингиз ўчиргансиз партиядан. Мен шундай деб тушунман.

— Қанчалар осон-а сизга?! — деди Исмоилов Рустамовга истеҳзоли тикилиб.— Қанчалар осон! Нима десангиз ўтади: қўлингиздамиз. Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин...

Рустамов кутилмаганда кулиб юборди. Ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юраркан:

— Ҳали биз бою сиз камбағал бўлдингизми? — деди-да, у ҳам Исмоиловга киноя билан қаради.

— Мана мунчаям ишни...— Исмоилов жинжалоғининг учини кўрсатди,— шу пайтгача ўзимиз, ўз хоҳишимиз билан қилолмаганмиз десам, ишонасизми?! Ҳозирги гаплар — ҳозирги гаплар, булар энди, яқинда чиқди-ку?! Сиз ҳам шунинг учун осонгина гапиряпсиз, қўлингизда расмий дастак бор. Ичингизда эса «э, яхшиям ўша пайтлари раис-паис бўлмаган эканман-а» деб суюниб турибсиз. Агар менинг ўрнимда ўша пайтда сиз бўлганингизда, сиз ҳам шу ишни қилардингиз...

— Йўқ! Э, келинг, ҳозир ҳар хил психология, ҳар хил тахминларни четга йиғиштириб қўяйлик-да, асосий ишимизга ўтайлик. Хизматларингиз бўлса, уни ҳеч ким ололмайди, ҳеч кимга керак ҳам эмас! Аммо партиянинг номидан фойдаланиб, ўз жиғилдонини ўйлаган шахс жазосиниям тортиши керакми?!

— Партия номидан фойдаланмаганман! Ҳеч қачон! — Исмоилов ўзи билмай жазава билан қичқириб юборди.— Ҳеч қачон! Бу тўхмат!

— Унда бу ёққа қаранг! — Рустамов ўрнидан туриб, тўрдаги оч ҳаворанг пардани шириллатиб сурди. Парда орқасига қўйилган телевизор тугмасини босди.— Мана, партияга, халққа хизмат қилдим деб, кўкрагига уриб юрганларнинг биттаси! Сайраб ётибди ҳозир...— Исмоилов қараса: Исломхўжаев! У ҳам... турма камерасига тушибди! Асабий ҳолатда ҳадеб у бурчакдан-бу бурчакка бориб-келяпти. Исмоиловни даҳшат босганидан ранги оқариб кетди-ю, аммо сир бой бермасликка уринди:

— Ҳар ким ўзи учун ўзи жавоб беради. Исломхўжаев учун мен жавобгар эмасман.

Рустамов телевизорнинг қайсидир мурватини босган эди, экранда Исломхўжаев пайдо бўлди. Сал шиғиллаб тургач, у гапирга бошлади: «Исмоиловга ҳеч кимнинг сўзи ўтмаган, у Катта билан ниҳоятда қалин эди. Ҳамма қўшиб ёзишлар, алдоқчилик районда биринчи бўлиб «Илғор»да бошланган...» Рустамов ширқ этиб телевизорни ўчирди. Исмоилов капалаги учиб, аввалига негадир оғзини беркитиб олди. Кейин қўлининг титроғини босиш учун ўтирган курсисини ушлади:

— Қўрқдингизми?! — деди Рустамов ручкасининг орқасини столга қадаб.— Ҳа, майли... Исмоилов, сиз яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўринг, тихирликларингиз, кўрдингиз-ку, ҳаммаси уч пул! Бизга ҳаммаси равшан. Фақат ўз оғзингиздан эшитмоқчимиз, холос. Ўз икромингиз керак бизга. Шунинг учун охириги маслаҳатим: я н а ўйлаб кўринг. Эртагача муҳлат. Фақат бугунги гаплар эмас, бир ойдан бери кўзголаётган масалалар хусусида ҳам ўйланг. Фақат тўғрисини гапирасиз. Сизга мен айтган одамларнинг кўпи ҳозир қўлимизда. Ишонмасангиз, ана, биттасини, зўрларидан бирини кўрдингиз. Далиллар етарли. Кечикиб қолманг. Айбингизни биз бўйингизга қўйганимиз, бу мутлақо бошқа нарса! Унда гуноҳингиз энгиллашмайди. Тўғри маслаҳат берапман сизга. Шундайм оёқ тирасангиз, эртага колхозга жўнаймиз. Ановилар билан юзлашасиз. Кўз-кўзга тушганда балки кўп нарсаларни эслаб қоларсиз, балки ўртадан яна янги далиллар ҳам чиқар?

Рустамов хотиржам ўрнидан туриб, яна у ёқ-бу ёққа гурс-гурс юра бошлади. Исмоилов эса бошини кафтлари орасига олганча индамай букчайиб қолди, айниқса унга ҳозиргина эшитгани — Исломхўжаевнинг гаплари алам қилиб кетди. Рустамов

Исмоиловнинг нозик жойидан олган эди, шунинг учун у бу қулай вазиятни бўшаштиргиси келмади:

— Тўғриси айтсангиз, колхозга олиб боришга ҳам, юзлаштиришга ҳам ҳожат йўқ. Бу ўзингизга боғлиқ фақат. «Пахта иши» шундай чалкаш ишки, юзлаб, минглаб одамлар аралашиб кетган унга. Ҳар кимнинг жинояти, гуноҳи қай даражада? Шуни тўғри аниқлаш — энг муҳим масала ҳозир шу! Ҳар ким гуноҳига яраша жазосини олиши керак. Ортиб ҳам кетмасин, қамаймасин ҳам! Бундан бир ой муқаддам ёруғ дунёда Исмоилов деган сиздек машҳур раис борлиги, афсуски, етти ухлаб тушим-гаям кирмаган! — У аччиқ кулди. — Бу ерга сизни мен эмас, ўзингиз олиб келгансиз. Тихирлик қилиш энди фақат айбингизни оширади, холос...

Исмоилов иккиланиб ўрнидан турди. Рустамов столи тагидаги тугмачани босган эди, ўша захоти эшикдан соқчи кириб келди-да, терговчига тикилди. У «олиб боринг» деган имони қилди. Исмоилов эшикдан чиқиб кетаётганда, Рустамов яна:

— Эсингизда бўлсин! — деб гапни чўрт кесди. — Эртага ҳамма гапларни ё очик айтасиз, ёки...

Қамоқхона йўлагига қадам товушлари ҳам, темир эшикларнинг шарақлаб очилиши ҳам қаттиқ, акс садо бериб эшитилади. Ҳар доим бу Исмоиловнинг асабига тегади. У ҳозир баттар тажанг бир ҳолда ўн метрча юрди-ю, бирдан орқасига қайтмоқчи бўлди. Терговчининг гаплари, Исломхўжаевнинг даъвоси уни довдирашиб қўйганидан илтимосини ҳам унутибди. Лекин соқчи қайтаман деганига қўймади, «бир оғиз гапим бор, холос» деб ялинганига ҳам қулоқ солмади. Учакишгандай тирсагидан ушлаб олди. Исмоилов ноилож ўз камераси томон судралди.

У бир ой давомида бу ердаги хўрликларга, нажотсиз муҳитга хийла кўниккандай бўлса-да, ҳар гал яраси янгиланганда, яна эс-ҳушини йўқотар даражада ғазабга тушади, каттаю кичикка буйруқ бериб ўрганган кўнгли бу хор-зорликка ҳарқалай чидаётганига туриб-туриб ўзиям ишонгиси келмайди. Аммо бошга тушгандан кейин кўз кўрмай иложи йўқ. У бутун аламини ичига ютиб, ўзини бардам тутишга уринар, шу сабабли бу ердаги қоровул-поровуллар билан ҳам айтишиб ўтирмасди. У Рустамовдан бир неча дақиқага бўлса ҳам уйдагилар билан учраштиришни илтимос қилмоқчи эди. Аввал бир сўраганида, «ҳозир, тергов бораётган пайтда мумкин эмас, фақат хат ёзиб чиқаринг» деган совуқ жавобни олган эди. «Қон босимим ошиб кетаяпти, ялпиз толқонимни келтириб беришарди» деган баҳонасини ҳам ерда қолдиришмади: ўша куниеқ турма врач келиб, Исмоиловнинг қон босимини ўлчаб кўрди-да, гапингиз тўғри ёки нотўғри ҳам демади, индамай икки хил дори ташлаб кетди. Эрталаб биттасини, кечқурун биттасини ичади. Бошининг оғриғи қолгандай, аммо уйку йўқ...

Исмоилов терговчининг бугунги хуружидан, Исломхўжаевнинг бирпасдаёқ уни сотиб улгурганидан худди калтакланган одамдай гангиб қолди-ю, камерасига кириб тошдай кароватига ўзини ташларкан, азбаройи асабийлашганидан нафаси қиса бошлади. Бирдан гуноҳи янаям оғирлашгандай сизди ўзини. Вужудини титроқ босди. Шу пайтгача ўйлаб топган важ-корсонлари, баҳоналари бир зарб билан узилган тасбехдек Рустамовнинг оёқлари остига сочилиб тушди. «Кўшиб ёзишга мени мажбурлашган» дегани билан, ана Исломхўжаев бошиданоқ бошқача ашулани айтаяпти-ку?! Кейин, суриштириб келганда, ким уни мажбурлаган экан ўзи? Исломхўжаевми? Ёки обкомми? Кулгили гап! Ким ишонарди бунга?! Исломхўжаев ҳам, ҳатто Обком секретари ҳам аслида унга хушомат қилиб юришларини фақат район, областда эмас, республикадаям билишадикун?! Ана, анови ҳезалак Исломхўжаев ҳам дарров сотибди-ку, Катта билан қалин эди, деб! Аҳвол шундай бўлса... ҳўш, Исмоиловни ким мажбурлабди унда? Марказий Комитет секретарими? Ҳарқалай у ҳам очикчасига, дангалига «қўшиб ёзаверинг» деёлмагандир? Жуда бўлмаса ўз мавқеидан уялган?! Лекин «фалон тонна берасиз» деб туриб олгани рост! Буниси тўғри. Аммо Исмоилов «иложи йўқ» деб тўғриси айтганда, ишотлаб берганда, ҳўш, ким мажбур қила оларди уни?! Ҳеч ким! Бутун бало шундаки, ўша қариллаб юрилган пайтларда бу қалтис, ҳаром йўлдан ҳамма бир текис, ўзича манфаат излаган. ҲАММА! Марказий Комитет секретари ўзича, обком — ўзича, райком — ўзича, раис — ўзича, ҳа, қолганлар ҳам буш келишмаган... Биров орденга, биров амал курсисига, биров шон-шухратга, биров бойликка, маишатга муккадан кетганди ўша пайтларда. Уларнинг ҳар бири қўлида ушлаб турганини ўзича кам деб билган, шеригининг қўлидагисини ҳам юлиб олишни ўйлаган. Шериги анойими, у ҳам бергиси келмайди, қайтага иложини топса, қўлидагисини яна кўпайтириш ниятида... Мана, энди бирдан дўппи тор келиб қолган эди, ҳар ким ўзича оқ-у, айбни эса бошқалардан қидиряпти!.. Уртада эса Халқ сарсон! Ўша муттаҳамгарчиликлар, ўша эгри ишлар йиғилиб-йиғилиб, газак олиб, фасод бойлаб, охири яна оддий меҳнаткаш гарданига тушади! Ўшани эзади! Алам қиладигани, одамни ларзага солиб қийнайдигани ҳам шу!..

Қизиғи шундаки, бу машмашаларни Исмоилов ҳам томир-томиригача билади. Ким сезиб ўтирибди?.. Иқтисод дегани шундай бир боши-охири йўқ ўпқонки, арзиманган манови қўшиб ёзишлар фарам ичига тушган игнадек юз қидирса ҳам топиб бўлмайдиган тилсимдек туюларди ўша пайтларда. Шу боисдан ваъда дегани оғизнинг бири чегидан отилиб чиқиб кетаварарди. Дейлик, Исмоилов ваъда бердимми... бирдан нариги колхоз

типирчилаб қоларди. Нима, Исмоилов билган эгри йўлларни улар билишмайдими?! Бир замон қарасангиз, улар Исмоиловдан ҳам ошириб ваъда қилишади. Шу билан ке-етди!!! Ҳалол, тўғри ишлаган одам бутунлай эсдан чиқиб кетади, у худди гуноҳкордек, худди кесак босиб қолган навниҳолдек ўзини панага олиб юраверади. Минбар ҳам — Исмоиловларники, орден ҳам, мақтов ҳам, курорт ҳам — Исмоиловларники! Ҳамма нарса уларники... Раҳбарликка эса нима?! Исмоиловнинг таъбирича, «раҳбарлик — бамисоли тўймайдиган наҳанг!» Бер, бер, бер!!! Қандай берасан — иши йўқ уларнинг. Берсанг — бўлди! Шундай экан, хўш, энди кимга ҳам айб қўясан?! Барибир айланиб-айланиб охири ўзинга келади! Чиндан ҳам, терговчи йигит айтганидек, тихирликдан энди ҳеч наф йўқ... Бир ёқда анови Исломуҳжаевнинг сайраб ётгани... Аблах! Хотинчалиш! Узида-ку, гуноҳ дегани уюлиб ётибди. Битта Каттага лағанбардорлик қиламан деб, қанча-қанча одамларнинг бошини еди. Янгибоев билан гаплашиб берган ўзи-ку, айбни менга ағдарибди-я?! Ана, энди мендан кўрасан, аблах! Авра-астарингни тит-пит қилиб очайки!.. Аҳвол шу экан, одамлар шу қадар номард экан, унда энди Исмоилов ҳам нима қилиб бўлсаям ўз гуноҳини юмшатишни ўйлаши керак. Бунинг биттагина йўли бор — «бизга буюришган», вассалом! Шу жавобгина жонга аро кириши мумкин. Бошқа иложи йўқ. Майли, Исломуҳжаевими, Обком секретарими ёки Марказий Комитет секретарими — бир чеккадан олавериши керак!.. Бошқа йўл йўқ! Ростиям-да, нима учун Исмоилов уларни аяши керак экан?! Мана, анови аблах аямабди-ку уни?! Ёки биттаси келиб ҳолдан хабар оляптими? Бир ойдан бери гўрда ётгандай ётибди... Уша план-план деганларнинг кўпи балки ҳозир ҳам кошона кабинетларга кириб-чиқиб бемалол ўйнаб юришгандир? Анови ишەқмас, безбет бригадирлар-чи?! Уларам ўзларини оймича қилиб кўрсатавермасинлар жуда! Чўнтақларига жарақ-жарақ тушиб турганда Исмоилов яхши эди, энди ёмон бўлдими?! Э, падарида лаънат ҳаммасининг! Бу дунёда қаёққа қарама — фақат ўзини ўйлаш экан! Лаҳатда чириб кетсанг ҳам бир туки қимирламайди! Қайтага «қутулдик» деб суюнишади... Менам анойи эмасман, охири хасгача ёпишаман! Мен чўксам, бошқалар ҳам чўкиши керак! Агар шуни «со-тиш» дейишса, унда ҳаммаларини, ҳаммаларини сотаман! Мендан кейин қирилиб кетмайдими бу дунёси! Биринчи бўлиб манови Исломуҳжаевни сотаман! Мен муттаҳамманми, бошқа муттаҳамларни ҳам тортаман! Мен тамом бўлган одамман! Ҳаммани тамом қиламан!..»

Исмоилов ярим тунгача ҳам мана шундай асабий, мудҳиш, зиддиятли хаёллар исканжасидан қутулолмади. Фақат саҳар пайтидагина нотинч уйқуга чўмиб, тўхтовсиз хуррак ота бошлади...

— Бир бошдан, шошилмай, тафсилотлари билан гапиринг, Исмоилов. Бу жуда муҳим. Шошилманг, вақтимиз кўп.

Исмоилов «хўп» деб бош ирғади. Полга қоқилган ёғоч курсида ўрнашиброқ ўтирди; томоғини қирди-ю, ўйланиб қолди. Бошини чайқади.

— Нимани гапирай? — деб елкасини қисди.

— Уша... бундан уч йил бурун кўкламда чигит эккан пайтларингиздан бошлай-веринг. Шунда тушунарли бўлади, — дея Рустамов магнитофон қулоғини буради.

Терговчининг хийла юмшаб муомала қилгани Исмоиловга далда бўлди. Аммо буй-руққа ўрганмаган одам барибир ўзини гинадан тўхтата олмади:

— Ҳамма «бер, бер!» Биринчи галда анови Исломуҳжаевингиз! — Исмоилов оч ҳаворанг пардага имо қилди. Рустамов мийиғида кулиб қўйди. — У ҳам майли, мана, масалан, колхозга йўқ деганда кун ора меҳмон келади. Комиссия! Овқат ейдими ахир улар? Мунча масаллиқ, мунча коньяк. Биз мажбурлаб тиқмаймиз-ку оғзига. Индамай ейишади, индамай ичишади. Ой охирида завхоз қоғоз кўтариб, киради: «буни нима қилай» деб. «Мен қаёқдан билай» дейман. У қовоқ-тумшуғи осилиб, баланддан қарайди. «Қаёқдан билай, кассир тўламайди, бизнинг давлатда бунақа харажат йўқ, менда ҳам ортиқча пулдан йўқ» дейман ноилож. «Унда, ака, бу ерда ишлолмайман». «Тўғри айтасан, мен ҳам сендақа одам билан ишлолмайман». Бошқасини оласан. Бир хили ишлаб кетади, қаердан олади, қандай топади-билмайсан. Колхозда ҳар бир тийин ҳисобда, ҳужжатлаштириш ўлимдан қийин. Э-эҳҳх, ҳамма ишлар бир-бирига худди чирмовуқдек улашиб кетганки, қани, битта учини топиб кўринг-чи? Топиб бўпсиз! Арава-сига тушдингиз — ашуласини ҳам айтасиз!

— Исмоилов, масалага ўтинг.

— Ёқмайди! «Нима бўлсаям жинойат қилиб, бир турмага тушай» деб ўлиб кетаётган эдимми мен?! Ё менда бола-чақа йўқми?! Ҳеч ким «нега шундай қилдинг» деб сўрамайди, ҳаммаси «нима қилдинг, айт» деб кўзини лўқ қилади. Сабабини ҳам сўрайсизларми, ахир?! Сўрайсизларми?!

Терговчи ўрнидан турди, айбланувчига диққат билан тикилди. Исмоиловнинг кўзига эса унинг қиёфаси худди ниқобдек совуқ ва ҳиссиз бўлиб туюлди. Рустамов яна жойига бориб ўтирди.

— Биринчидан, сиз ҳозир сабабини айтаётганингиз йўқ, ўзингизни оқламоқчи-сиз, — деди у хотиржам оҳангда. — Иккинчидан, биратўла ҳаммасини гапириш қийин, бу-

ни ўзингиз ҳам биласиз. Аввал нима иш бўлганини гапиринг, кейин сабабига ўтамиз.

— Йўқ, сизларга фақат «айбдор» керак! Бизга ўхшаган жайдарилардан. (Терговчи тили қичиб, «э, ҳали сиз жайдаримсиз ҳам» демоқчи бўлди-ю, яна индамади). Наҳангларга тишингиз ўтмайди! — Исмоилов ўз мантиқиға берилиб кетганидан тагин посонгини йўқотди. — Бир амаллаб биздақаларнинг бўйнига иласизлар-да, тап этиб делони ёпасизлар! Кошки билмасак!! Ановилар қоловурлади четда! Биламиз ҳақиқатларингни!

— Масалаға ўтинг! — дея буйруқ қилди. Рустамов Исмоиловға совуқ тикилиб. — Хўш, уч йил бурун чигит экинглари. У ёғи нима бўлди? Бир чеккадан гапиринг.

Исмоилов ерга қаради. Бироз жим турди. Кейин тўнғиллаганча гап бошлади:

— Об-ҳаво ёмон келди ўша йили. Сел кетидан сел, дўл, жала. Мажбуриятни темир дафтарга ёзиб олишган. Ҳар куни телефон: «нима қиляпсизлар?» Нима қилардик... Яна ишонилмаганига ўласанми ё куясанми! Ҳа, ишонмасаларинг — келинлар, экинлар шу пахта! Тинчлик йўқ. Тушунтироқчи бўламан анови Исломхўжаевга ҳам, обкомга ҳам, қани тушунишса?! Об-ҳаво чатоқ, беш марта лаб экидик, десам, жаҳли чиқади. «Чўпчагингизни қўйинг, бир сиздами ёмғир, дўл? Мен ҳеч нарсани билмайман, билишни ҳам истамайман! Планни қани бир фоиз бермай кўринг-чи?! Партбилет билан ўйнашманг!..»

Рустамов шу ерда Исмоиловнинг сўзини бўлди:

— Нима, Исломхўжаев сиз билан шунақа оҳангда гаплашардимиз?

Исмоилов терговчининг мақсадини дарров тушунди-ю:

— Бўлмасам-чи?! — деб, унга тикка қаради. — Мен ҳам баъзан мана шу еримга келганда, «ҳей, менга унақа нўписангизни йиғиштиринг» дердим. (Қани, энди терговчи шу ерда Исмоилов бир пайтлари мана шу Исломхўжаевга — райкомнинг янги биринчи секретарига «биз партияға ўтганда сиз ҳали онангизнинг қорнида ҳам йўқ эдингиз» деб дўқ урганларини билса эди!) «Бор гапни айтяпман сизга, нима, осмонни тўхтатаймиз?!» дердим. «Унда тўхтатиб беринг. Нега бақирасиз?!» Трубкани шақ этиб қўйиб кўяди. — Исмоилов гўё томоғига гап тиқилгандай энтикди; бурчакка ўқрайиб қараб қўйди. — Йул излайсан. Бошқа иложинг йўқ. Йул излайсан. Эртаси яна телефон, худди ҳеч нарса бўлмагандай. Сизга ўхшаб, бутун гапни яна бошидан бошлайди. Тепадан келади: «Кеча Фалончи Фалончиевич кўнғироқ қилдилар. Ука, активингизга шахсан менинг номимдан тайинланг. Бизга деса тош ёғсин, аммо мажбуриятни берасизлар, мана, овозларинг лентада турибди, ваъда — ваъда» дедилар. Кейин айтдилар: «Кадрлар қўлингизда, истаган кишингизни ишлатинг, лекин план — план!» Исломхўжаевга қулоқ солиб туриб, меникям тутиб кетади бирдан: «Ҳа, сиз ҳам бошлиқларга бир марта ёмон кўрининг-да, айтинг тўғриси!» дейман. «Мен сизга мактаб боламанми?! — дейди ўчакишиб. — Уқитманг! Жа шунчалик ботир экансиз, жонингиз ўнта экан, боринг, ўзингиз айтинг Каттага... Бўлди, бошимни оғритманг, сиздан мен иш талаб қиламан. Бошқа ҳеч нарсани билмайман! Қўлингиздан келмаса бўшатиб қўйинг. План тўлдирадиганларни топамиз керак бўлса!» Кечагина келган ғўр бола ўзи! Лекин гапирди! Қўлида ҳокимияти бор! Кеча айтдингиз-ку, партия номидан буюради! Қани, ғинг деб кўр-чи?! «Хўп, ақаси, ҳаракат қиламиз...» «Э, ҳаракат қилманг! Нима, бу менинг ишимми?! Ҳаракат қилманг, бажаринг!..» Яна «хўп»... Шуларни ҳам гапиргандир у номард?! Еки ўзини оқлаб ётибдимиз?!

Терговчи қирт этиб магнитофонни ўчирди. Исмоиловга қараб чуқур хўрсинди. Рустамов, кеча ўзи айтганидек, ёш бола эмас: ҳаммасини билади. Айрим кишилар қанчалик манманликка берилган, қанчалик беўлчов давр эди — ҳозир Исмоилов нолиётган ўша кечаги кун! Бир ёқда қонунсизликлар қонунга айланган, бир ёқда орзу-ҳавасларнинг кўзи оч; одамлар кетини ўйламай, у ёқдан-бу ёққа ўзини урарган назоратсиз, олатасир пайтлар эди у давр; ҳаёт, унинг илдизи, қадри ҳақида жиддий бош қотирмай, унга қулоқ солмай, шунчаки ҳавойи яшайверилган эди. Гарчи Исмоиловлар ҳозир қўлга тушиб, булбулигўёдек сайраётган, яқингинадаги гумашталари — Исломхўжаевларни тупроққа қориштираётган бўлсалар ҳам, лекин кўнғиллари барбир ўша «осойишта» кунларни, ўша Исломхўжаевларни кўмсайди; Исмоиловларнинг тавба-тазаррулари, «бошқача» бўлиб қолганлари ҳам аслида фақат зарурат туфайлигина, ҳозир бошқача йўлнинг йўқлигидандир. Буни Рустамов яхши билади. Қани, шу Исмоиловларга яна қайта эрк берилсами?! Улар аввалгидан баттарроқ ишлардан ҳам тоймас эдилар. Мана, энди ҳозир боши берк кўчага кириб қолганларидан сўнг, кирдикорлари очилгандан сўнг ҳам улар ҳамон, кеча Рустамов жуда тўғри айтганидек, отдан тушсалар ҳам эгардан тушмайдилар. Мана шуниси қизиқ, мана шуниси одамни ҳайрон қолдиради...

— Хўш, шундай давом этаверамизми? — деб сўради у Исмоиловдан, ғазаби кўзиб бораётганини яширишга уриниб. — Кеча нимага келишгандик? Эсингиздами?

— Бизниям эшитинг-да!

— Бу гапларингизни судда айтасиз, тушунарлими? Менга сафсата эмас, факт керак. Факт! Тушуняпсизми? Жиной ишингизни сўзланг, шерикларингизни сўзланг. Кимдан қанча олиб, кимга қанча оширганингизни сўзланг. Давлатга қанча пахта топширгансиз-у, қанча деб ҳисоб бергансиз? Кеча келишдик-ку, ахир!

Терговчининг «кеча келишдик-ку» деган тагдор гапи Исмоиловни анча шаштидан туширди. Бу билан у собиқ раисга колхозга олиб боришни, Исломуҳжаевлар билан юзлаштиришни шаъма қилаётган эди. Исмоилов буни дарров тушунди. Аллақандай нотайин кайфият билан:

— Ҳаммасига анови айбдор! — деб телевизорни кўрсатди.

Гап Исломуҳжаев устида кетаётганини Рустамов дарров тушунди-ю, бир ижирғаниб кўйди; ичида «ҳа, тулки, ўзига сира сув юқтиргиси йўқ, айбни бировга ағдарса ағдарадики, лекин ўзига гард ҳам юқмасин» дея ўйлади. Эгри қўл одамларга хос бу тубан одатни, ҳар хил манфаатпарастлик, номардлик, қўрқоқликларни кўравериб кўзи пишиб кетган бўлса-да, аммо у ҳар гал шундай воқеага яна қайта дуч келганида, бир ғижиниб ўтмай иложи йўқ эди. Кунни кеча ўзларини мард, валломат кўрсатиб юрган бу кимсалар тешиқ тор келди дегунча, худди йиртқич ҳайвондек бир-бирларини ғажиб ташлашга ҳам тайёр туришлари Рустамовни ларзага солмай қолмас эди. У ҳуқуқшунос сифатида ўзидаги бу нафрат туйғусини бошқаларга сездирмасликка ҳаракат қиларди, албатта. Аммо сал зийрак одам ундаги бу ички тўлқинни, бу ички тугённи бир қарашдаёқ сезиб олиши турган гап эди. Ҳозир ҳам деярли шундай бўлди. Исмоилов буни дарров пайқади.

— Бир бошдан гапир деганингиз учун айтаяпман-да! — деди у тўнғиллаб. — Бор гапни айтаяпман. Исломуҳжаев буюрди: пункт мудир Янгибоевга борасан, деб.

— Исломуҳжаев буюрдими? — дея сўради Рустамов.

— Худди ўзлари! — Исмоилов бирдан гезариб кетди. — Бордим. Ҳаммаси тайинлаб қўйилган экан. Янгибоев дегани «ҳа, ака, пахта шунчалик толиқтириб юбордим» дейди масхара қилиб. «Тўғрилаймиз, тўғрилаймиз. План юз бўлса басми?! Ҳа, боринг, ака, ҳазилкашларингиз тагин «зўрға учма-уч қилибди» деб юришмасин-да, бир юз-у уч процент қиламиз, бўладими?» Оғзининг бир четидан чиқиб кетяпти шунча ваҳима гап! Қандай тўғриларкан, деб ҳайрон бўламан. Бир юз уч қилиш учун менга яна бир минг-у икки юз тонна пахта керак! Тонна-я?! Нима дейишни билмай, «рахмат, ука, кам бўлманг» дейман. У менга қараб бепарво кулиб, «биз-у кам бўлмаймиз, сиздан кам бўлмаса бўлгани» дейди. Кейин гапнинг пўскалласини айтиб қўя қолди: «Қўрқманг, сиздан бир тийин кетмайди. Қайтага сизгаям чойчақа тушади. Яхшилигимизни унутмасиз ҳар қалай? Бир ёқда Исломуҳжаев акамиз айтиб турибдилар. У кишининг гапи гап! Ҳа, айтгандай, буғалтирингиз, кассирингиз, бригадларингиз тузук одамларми? Туя кўрдингми йўқ-а бу ёғи?

Терговчи магнитофон ишлаяптими, дегандай унга кўз қирини ташлаб кўйди. Чунки Исмоилов биринчи бор шундай «очиқиб» гапирётган эди.

— Очиғи, ўзим ҳам иккиланиб қолдим. Ҳар кунни сўкиш эшитгандан кўра яхши-да! «Йўқ, ҳаммаси ўзимизнинг одамлар, бу ёғига хотиржамлик» дедим. «Унда гап бундай: бир юз уч процентга чиқариш учун сизга қанча пахта керак?» «Бир минг икки юз тонна!» Янгибоев ўша захоти: «Бўлади! ЕСТЬ қиламиз!» дейди. Столда турган чўтнин қарс-қарс ташлаб, ҳаммасини айтди. Яширмади: «Бир минг икки юз тонна пахта ҳар килоси 30 тийиндан ҳисобласак, тўрт юз-у йигирма саккиз минг сўм пул бўлади. Тушунарлими? Майли, бештами, олти-еттитами, ё ўнтами нақлоднойни ёзиб, завод сўчтидан, колхозингизга ҳалиги тўрт юз йигирма саккиз минг сўм пулни нақд эртагаёқ ўтказамиз. Яъни, колхозингиз планни ошириб бажарди! Тўлдирди! Лекин пулниям эртагаёқ банкадан оласизлар-да, тўппа-тўғри тўрт юз мингини оёғини ерга теккизмай лично каминаларига ташлаб кетасиз. Биз ҳам тарқатиб чиқишимиз керак вақтида! Э, қўрқманг, сиз эмас, кассирингиз қилсин бу ишларни. Шуниси тинч. Устидаги йигирма саккиз мингини, чақасини ўзингизга олиб қолинг. Курортларни айланиб келишингизга! Кейин унда-бунда бир хил қитмир гўрсўхталар чиқиб туради, ўшаларнинг оғзини ёпишгаям ҳозир латта эмас, пул керак! Гап шу. Ведомостларни топ-тоза қилиб қўйиш сизнинг бўйингизда, униси сизнинг ишингиз! У сизга керак!...» Янгибоев шундай деб қўлини узатди. Бор барака қилдик! Ҳаммаси шундан бошланди...

Исмоилов энди хуружга кириб кетган эди. У ғайритабий бир шижоат билан, ўзига хос завқ билан гапирарди, гўё шу билан қўлини бўшатиб олаётгандай, ҳатто гуноҳларидан халос бўлаётгандай ҳис этарди ўзини. Аслида бу безовталиқ ва қўрқоқлик аломати эди. (Кейинроқ камерага қайтиб борганда қизишиб айтиб юборган кўп гаплари учун ваҳимага ҳам тушади ҳали!) Аммо ҳозир эса у меъёрни йўқотиб, асабийлашиб кетган эди. Рустамов ҳам миқ этмай ўтирарди-ю, ичида ўзида йўқ қувонаётган эди. Исмоиловга ўхшаган кимсалар бугун бундай деб, эртаси ўз гапидан мутлақ тонганларини ҳам у жуда кўп кўрган. Жиноятчиам баъзи қилиқлари билан маст одамга ўхшайди: бир жағи очилиб кетса, бир «йўлга тушиб олса», уни тўхтатиш қийин. Бундай безовталиқ унинг руҳий ҳолатидан келиб чиқади, албатта. Ҳар қандай жиноятчи ҳам охири мантиқ, далил-асёллар қаршисида барибир қўлга тушади-ю... лекин бунга эришиш осон эмас. Худди беморни операцияга тайёрлагандай жиноятчини ҳам «арзиқол»га етилтириб келиш керак... Шунинг учун ҳам Рустамов ўзида йўқ хурсанд эди...

Сухбат яна бир соатча чўзилди: асосан Исмоилов гапирди. Гапирмаган гапи қолмади! Исломуҳжаевга, юқоридагиларга қанча пора бергани-ю, бригадирларга қанчадан

теккани... кейинги уч йил давомида «қоғоз ўйнатиш»га обдан ўрганиб, кўникиб олгани-ю, яна бошқа қанча-қанча қудуқдаги сирларни очиб ташлади. Терговчи тўлган лентани эҳтиёткорлик билан магнитофтондан чиқараркан, стол тугмачасини босди. Соқчини чақириб, машина бюросидан таниш машинисткани айтиб келишни буюрди. Сал ўтмай хонага ўрта бўйли, елкаси чиққанроқ қоратўри бир аёл кирди-да, таклиф ҳам кутмай тўппа-тўғри Рустамовнинг ёнига ўтди. Терговчи унга нималарнидир тушунтириб, «иложи бўлса тезроқ, лекин эҳтиёт бўлинг» деб қўлидаги кассетани силкиди. Машинистка аёл шошилиб чиқиб кетди.

Рустамов сигарет олиб чекди ва Исмоиловга «марҳамат» дея таклиф қилди. Исмоилов эгилиб раҳмат айтди, битта папирос олиб қўлида эзгилай бошлади. Терговчи бугунги ишидан ниҳоятда мамнунлигини яширмоқчи бўлди:

— Исломуҳжаевга қанча бергансиз? — деб сўради шунчаки.

Исмоилов шифтга тикилганча пешонасини тириштириб ўзича санаб чиқди-да:

— Боя ҳам айтдим... У ёғи-бу ёғи билан ўттиз мингдан ошиқ берганман, — деди.

— Ўзи сўрармиди?

— Бер демайди, гапни шунга олиб келади. Еки отпускага кетиш олдидан уйига чақиради. Кейин ўртада Янгибоев бор, дангалини ўша етказиб турарди бизга...

— Пулни ўзингиз шахсан берардингизми?

— Ҳеч қачон қўлига бермаганман. Шофёри келар эди.

— Пулни олгандан кейин ҳам индамасмиди?

— Йўқ. Ўртада ҳеч нарса бўлмагандай индамасди. Аммо муомаласи ўзгарарди.

Кўп мақтарди.

— Қаерда мақтарди?

— Қаерда бўларди? Биринчидан, бюрода мақтарди. Бошқаларга ўрناق қилиб...

— Мақтайдиган раислари кўпмиди?

Исмоилов бироз ўйлаиб турди-да:

— Унча кўп эмас, — деди терговчига тик қараб. — Мен... яна бир-иккитаси...

— «Исломуҳжаевга шунча бердим» деяпсиз. Қандай исбот қиласиз шу гапингизни?

Исмоилов ҳайрон бўлиб елкасини қисди:

— Ишонмаяпсизми!..

— Гапимни унча тушунмадингиз. Мен-ку ишонаман. Борди-ю, у тонса-чи? Тухмат деса-чи?

— Тониб бўпти! Шундай айтайки!

— Ҳарқалай, ана, тонди дейлик?

— Тонолмайди! Унда ўн икки минглик мебел-чи?!

— Хўш, хўш?..

— Югославия мебели. Ўглининг тўйига тўёна. Индамайгина олган. Раҳмат айтиб, эртаси ЦКага кўнғироқ қилиб, танишларидан Кисловодскка люкс олиб берган эди. Умримда яхшиям хотинимни бир яйратиб келган эканман. Ҳаммаси тушга айланди.

— Буниям исботлашингиз керак. Мебель, ана, магазинларда бор. Истаган одам олиши мумкин, деб турса...

Исмоилов қув кўзларини ўйнатиб, ўтирган жойида типирчилади:

— Шундай дейишингизни билардим. Ўртада минг-минглаб пул ўйнайди-ю, охири бир кун, ишкали чиқишини билмаймизми? Бошига иш тушганда ўзидан-ўзи одам мулла бўлиб кетади. Кетини ўйлаб қўйганмиз. Диванни, деворга тақалган ўнг томонидан чокини очиб кўринглар: «Илғор» колхозидан ўртоқ Исломуҳжаевга совға-тўёна» деган «бағишлов»и бор. Зангламасин деб руҳ пластинкага ўйиб ёздирганман...

Рустамов суюнганидан нақ қичқириб юборай деди. Бир нарса деб қўймаслик учун ҳам яна папирос олиб чекди.

— Бригадирларингизнинг исми-фамилиясини айтинг-чи?

— Худоёров Холбўта, Олимов Тошмамат, Эркабоев Жума...

Рустамов қора кўзлари қақнаб, папирос тутуни ортидан собиқ раисга хомуш бир тикилиб қўйди: унинг назарида ҳозир Исмоилов ўлжа илинтираётган қора ўргимчакка ўхшаб кетди...

5

Тошмамат кўчага отланиб, чийдухоба халатини кийди; у врач обхидидан олдин «Союзпечать» дўконига чиқмоқчи эди. Қараса, палатадоши Қиндибай «шарвадар» газета деганни бир даста қилиб қўлтиғига урганча шошилиб зинадан кўтарилиб келяпти.

— Қалинг, ақсақал, қалинг! — қўл силкиди.

Палатага қайтиб киришди. Сал ўтмай тўрт беморнинг бари кароватига чўзилганча газета ўқишга тушиб кетди.

Тошмамат бир ҳафтадан бери район касалхонасида. Уни деярли даладан олиб келишди. Юраги чатоқ, бир ёқда Исмоиловга ўхшаб қон босими кўтарилиб кетибди. Район поликлиникасида электрокардиограммага солишди-ю, «ҳозироқ ётасиз» деб туриб олишди. Лекин Тошмамат ўзи унча сезмайди. Тўғри, асаблари қақшаб, уйқуси

қочиб, ўнг кўкраги доим тиришиб турганга ўхшайди-ю... Э, оёқда юрган одамга бу нима бўпти?! У докторларга «қўйинглар, иш кўп жуда» деган эди, бош врач уни ўз ҳузурига чақириб:

— Юрак билан ўйнашманг, оғайни,— деди қалин кўзойнаги устидан олайиб қараб.— Бир ремонт қилиб қўяйлик. Қаёққа шошасиз? Нима иш бўлиши мумкин ҳозир? Олди қиш-ку?..

Тошмамат ноилож шифохонага ётди. Аммо негадир касалини ўзи менсимайди. Врачларнинг гапи ваҳимага ўхшаб туюлаверади. Айниқса, қишлоқ нотинч бўлгани учун бу ерда «маза қилиб ётгани» ҳам татимайди. Иложини топса, шу бугуноқ чиқиб кета қолса... Бунинг устига Санобар кеча кўргани келганда ўзи билмай оғзидан гуллаб қўйди:

— Ким кўринган «Тошмамат ака қаердалар? Тинчликми ўзи?» деб сўрагани-сўраган, жонга теги кетди. Нега ундай қилишди, билмайман. Сўраб қўя қолишса майли-я, гапимга ишонмагандай кўзимга тикилишади. Тезроқ чиқа қолсангиз бўларди...

— Врачлар қизиқ! Ҳеч ерим оғримайди, нина уриб ётишибди! Юрагимда шум бор эмиш.

— Ростданми? Шуми нимаси? Унда ётинг. Иш қочиб кетмас. Иш-иш деб, кўриб турибсиз-ку!

— Э, жонга тегди кун бўйи шифтга қараш! — Тошмамат жаҳл билан қўл силкиди-ю, кейинги дақиқада шунга ҳам кўрагини ушлади.— Раисдан дарак йўқми? Чиқмадимми? Санобарнинг юзига бирдан соя тушиб:

— Чиқмас эмиш...— деди ва эрига ғалати тикилиб қўйди.— Миш-мишлар кўпайиб кетган, ҳали текшир-текшир давом этармиш.

Тошмамат чалқанча ётиб, яна шифтга қараб олди. Санобар ҳам жим. Кейин бирдан:

— Қилганига яраша жазосини тортсин, сизга нима? — деди эрини юпатмоқ ниятида.— Шуниям ўйлайсизми энди? Индамай, худо деб ётаверинг.

Тошмамат хотинига қараб ғамгин жилмайди. Кейин уйдагиларни, болаларни, қишлоқдаги бошқа гапларни суриштира бошлади...

Санобар кетгач, яраси янгиланди. Кейинги пайтларда ўзи юраги така-пука бўлиб юрса ҳам, мана, Исмоилов қамалганигаям бир ярим ойча вақт ўтди, лекин унга ҳеч ким ҳали лом-ним демагани учун хийла ўзини босиб олаётган эди. Касалхонага тушмасдан олдин бошқаларга қўшилиб икки марта чойхонада ош қилиб ҳам ёйишди. Лекин доим ичини нимадир кемиргани-кемирган, ўзини мундай эркингина ҳис этиб юролмасди барибир. Ёмон кунлар бостириб келаётганини кўнгли сезаверарди. Ахир, қачонгача алдаш мумкин? Бир гал қутулиб қоларсан, икки гал, кейин барибири очилади-да. Сўнги пайтларда ўзи Исмоиловларнинг ошқора маишатга берилганлари ҳам яхши аломат эмас эди, улар худди нимагадир шошилаётганга ўхшар эдилар... Исмоиловнинг буқаникидек қип-қизил йўғон бўйнини кўз ўнгига келтираркан, шу одамнинг ҳозир, худди шу дақиқада қамоқхонада ётганини Тошмамат ҳарқалай тасаввурига сиғдира олмас эди...

Тошмамат оёқларининг учини адёл билан ўраб иситди. «Совет Ўзбекистони»ни қўлига олди. Учинчи бетдаги «Ер ва пахта» деган катта мақолага кўзи тушди-ю, ўқий бошлади. «Қурраи заминни ер деб атаймиз. Биз «ер» деймиз-у, тириклигимизни, ризқ-рўзимизни ўйлаймиз. Емоқ-ичмоғимиз, кийим-кечагимиз, ҳатто олаётган нафасимиз ҳам шу ер туфайли...» Тошмаматга бу сўзлар шу қадар маъқул тушдики, «ким ёзибди бунини» деган ҳаёлда мақоланинг тагига кўз ташлади: «М. Мирзобоев, академик». Тошмамат бирдан тикланиб ўтирди. Жиккаккина, оқ-сарикдан келган, кўзойнакли, калладор одамни эслади. «Наҳотки, ўша олим бу?! Уша, ўша! Тупроқдан гапиряпти-ку...»

Тошмамат яна газетага тикилди. Академик ернинг унумдор қатлами ниҳоятда юпқа ва ўта нозиклиги, шу сабабли унга фоят эҳтиёткорлик билан, келажакни кўзда тутган ҳолда муносабатда бўлиш зарурлигини ёза туриб, Тимирязев деган олимнинг «ерга эгалик қилиш — бу аллақандай ҳуқуқ ёки имтиёз эмас, балки оғир масъулиятдир, бу масъулиятга бўйсунилмаса, авлодлар ҳукми олдида жавобгар бўлиб қолиш турган гап» деган фикрини далил қилиб келтирибди...

Йўлакда бирдан тапир-тупур бошланди (бош врач «обход» ўтказса керак). Тошмамат ичи қизиб, газетани ноилож тумбочка устига қўйди. Шу Ислохўжаевларнинг гапига кириб, Академия биносида бир вақтлари ўша домлани танқид қилганини эслаб қолди-ю, ер ёрилмади, ерга кирмади...

Эшик ланг очилиб «обходчилар» кириб келишди. Ҳаммани бир-бир кўриб, навбат Тошмаматга келганда, бош врач ҳамкасбларига қараб:

— Бу киши ётишни истамаган эдилар, қаранглар, сал кунда ранглари қанчалик очилибди, — деди раҳбарларга хос ғурур ва мамнуният билан. Кейин Тошмаматнинг томирини ушлаб турди-да, даволовчи врачга ўгирилди: — Тахикардия! — Тошмаматнинг елкасига қоқди. — Кўп диққат бўлманг. Кундузи албатта ухланг, ҳеч нарсани ўйламанг...

Яна гурр этиб чиқиб кетишди. Тошмамат ўша заҳоти қўлига газетани олди: «Илгари ерга тушган ушоқни кўтариб, кўзга, юзга босиб, бир четга олиб қўйиларди. Аслида ерга

хам шундай муносабат бўлмоғи керак. Ахир, у — ризқимиз. Болаликда ерни хивич билан урсак, онам раҳматлик: «Хай, шайтон! Ерни урма, ерни урма, тишлаб олади!» деб кўрқитардилар. Энди билсам бу гаплар бидъат, хурфотдан эмас, азбаройи ерга бўлган ҳурматдан экан...» Кейин академик Мирзобоев сўнги бир неча ўн йилликлар давомида ерга амалда зўрлик ишлатиб келингани, ерни ишдан чиқаришга чиқариб, ҳосил тақдирини эса бамайлихотир об-ҳавога тўнкаб юриш одат тусига айланиб кетгани, ҳар бир гуноҳнинг, шу жумладан бу иллатнинг ҳам конкрет айбдорлари борлиги, монокультура масаласи биологика фани назарига ва амалиётида жуда қуқур таҳлил этиб чиқилганига қарамай, Ўзбекистон деҳқончилигида жуда катта ўзбошимчаликларга йўл қўйилгани, энди зудлик билан бу нуқсонларни тузатишга киришилмаса, республика қишлоқ хўжалиги, шу жумладан пахтачилиги ҳам оғир аҳволга тушиб қолиши муқаррарлигини рад этиб бўлмайдиган қиёс ва далиллар асосида қизиқарли изоҳлаб берган эди...

Тошмамат беихтиёр деразадан ташқарига қаради. Икки қадам наридаги ҳовли девори худди илдизга ўхшаб ўсган қари тут дарахтлари билан чегараланган эди. Ундан у ёғи пастликка қараб кулранг дала ястаниб кетган; ҳали шудгор қилиб улгуришмабди. Олисолисдаги тепаликда эса аллақайси қишлоқ мунғайиб турибди. «Қизиқ, домла куйинганидек, одамлар ҳозир ерни қиштаб, ерни зўрлаб ётишибди. Бутун ният шуки — ердан кўпроқ суғуриб олиш! Яна ўша нафс балоси! Қўйиб берса, ерни ҳам еб ташлагудек одамлар! Аммо бунинг қаттиқ жазоси ҳам бордир орқада. Ерни одам эмас, охири ҳаммани ер ейди. Ерни хор қилган, унинг шарбатини сўрган одамни ҳам охири барибир ер олади. Ҳатто осмонда учиб юрган қуш ҳам ерники...» Тошмамат шу хомуш хаёллари бир-бир бошдан ўтказаркан, яна домланинг мақоласига тикилди. «Ёзганлари тўппа-тўғри, — дея ўйлади газетани қўлида силкиб. — Пахтаси қурмагур мана шу шифохонагачаям бостириб кепти-я!..» Ҳў бирда шийпон қоровули айтган дераза остидаги қовунларни ўйлади-ю, ўшанда уни калака қилганини эслаб, ўзидан-ўзи «аттанг, аттанг» дегандай бош чайқаб қўйди. Палатадошлари буни бошқача тушунишиб, бири олиб-бири қўйиб чуғурлашиб кетишди:

— Нима! Қизиқ нарсаени ёзишибдимиз? Биз ҳам кўрайлик.

— Э, ёзишаверади-да! Газетага ишонсанг...

— Сен тек ят! Ўзинг мақта терувдан қачиб... Дармоед!..

Тошмамат палатадошларининг баҳсига кулимсираб қулоқ солиб турди-ю, Қиндибай «шарвадар» қаттиқ гапирган студент йигитчага секин кўз қисиб қўйди-да, яна газетага кўз тикди: «Энг ёмони — ҳар қарич ерга пахта эккан ўша ноинсоф муваққатчилар ўзларини ватанпарвар қилиб кўрсатиб, партия ва давлатимизнинг энг юксак минбарларидан туриб ўз ишларини қонунлаштириб олавердилар. Виждонли, тўғри сўз, илмли тупроқшунослар эса сал кам бузғунчи, ёт унсурга чиқариб қўйилди. Фандаги ва ҳаётдаги волюнтаризм охир-оқибатда шунга олиб келдики, ернинг ҳосилдорлик элементлари узлуксиз равишда «сўриб» олина бошланди ва тупроқда зарарли моддалар, ҳар хил юқумли касаллик микроблари кўпайиб кетди. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди. Табиат мувозанатини бузиш оқибати ёмон бўлишини ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам билади-ку?!»

Тошмамат Мирзобоевнинг ҳарорат билан, ҳаммани баҳсга чақириб, ёзган мақоласини ўқиб чиқди-ю, ҳозир унга кўнглида зигирдай бўлса-да, эътироз билдиролмади. «Ерни боқсанг боғ бўлади, ботмон дахсар ёғ бўлади». Халқнинг айтгани айтган ўзи! Минг йилларнинг тажрибаси, сабоғи бу... Тошмамат анча вақт шифтга қараб ётди. Палатадошларининг вағир-вуғури қулоғига кирмас эди... Охири туриб, халатини кийди. Газетани чўнтагига солди-ю, «мен бир айланиб қайтаман» деб ташқарига чиқди. У ҳозир танҳо ўзи юргиси келар, ҳеч ким билан гаплашгиси йўқ эди. Шунинг учун гавжум ҳовлига эмас, кўмирхона ортидаги орқалиққа бурилди. Боя тепадан кўрган бетон девор ёриғидан инқиллаб ўтди-да, бир зумда бийдай дала қаршисида бир ўзи қаққайиб қолди; олдинда поёнсиз кенглик узала тушиб ётибди. Елғизоёқ йўл уланиб кетган олис уфқда бир бургут худди болалар учирган варракдай майин сузиб юрибди. Теварак-атрофда қандайдир ёқимли лоқайдлик ҳукм сурарди. Дарахт барглари бутунлай тўкилиб битмаган, қолганлари худди рассомнинг бўёғидек куз қуёшида товланиб, ёниб турибди. Сал нарида — пастликда уч-тўрт сигир ўтлаб юрибди. Биттаси обдан тўйган шекилли, қорни кажаводай тарвақайлаб кетган, тикка Тошмаматга қараб келяпти. Аммо Тошмамат пастликка эмас, тепага қараб қолди: осмон тубида турна галаси учиб борарди. Бунчалик баланд учишига одам ажабланади; учиб-учиб охири пашадаёй ҳолга келишди-ю, бирдан бўшлиққа сингиб кетишди. Тошмамат кўзлари жимирлашганча ҳамон ўша нуқтага тикилиб тураркан, негадир ўзидан-ўзи «якши кунлар тугади» дея хулоса чиқарди. Уватлар, шудгорланмаган майдон юзини эса кўмирга ўхшаш сон-саноксиз зағчалар босиб кетган. Улар урушқоқ одамлардай қағиллагани-қағиллаган, нафс ғамида у ёқдан-бу ёққа тўхтовсиз ҳақкалашади. Тоғ томондан эсаётган совуқ шамол ариқларни тўлдириб ташлаган тут ҳазонларини шитир-шитир учиради. Уларга қараб туриб беғам, дўлвор одамлар ҳам сўзсиз ўйга толади... Ҳамма ёқда мезонлар дайдиб юрибди. Бу белгилар — куз ўз ўрнини шошилинич бир тарзда қишга бўшатиб бераётганидан дарак эди. Сал ўтмай ҳамманинг кўзини очиб оппоқ қор тушади... «Ўйлаган саринг сир-синоатлар кучайиб, ўзинг кичрайиб кетаётганга ўхшайсан. Тавба...»

Илгарилари Тошмамат қилган ишини унча ўйлаб ўтирмасди. Мана, бир ярим ойча бўляптики, шу вақт ичида у бутун умри бўйи ўйлаганидан ҳам кўпроқ ўйлаб юборди. Баъзан боши оғриб кетади. Кейинги уч йил эса унинг бутун қарашлари, ишонч, эътиқодни ўзгартириб юборди. Унча жон куйдирмай сояда ётиб ҳам планни юздан ошириб қариллаб юриш мумкинлигига у аввал нафақат ишонарди, бундай гаплардан у нафратланарди, ҳазар қиларди. Мана, энди билса... Жазирамада куйиб, одамларга ёмон кўришиб... Усиз ҳам... Бир чеккада ёнбошлаб ётиб, номига ишляпсанми — ишляпман билан ҳам планни дўндириб экан-а?! Тавба-а... Кейин у кўп нарсалардан ҳафсаласи пир бўлди, аллақандай лоқайд, ланж кайфиятга тушди. «Шунча йилдан бери хўп аҳмоқ бўлиб юришган экан...»

Тошмамат шу уч йил ичида кўп нарсаларни, одамларнинг оғир, серташвиш ҳаётини гўё ичидан кўргандай бўлди. «Бу пахтаси тушмагур хўпам ўғирликка мос экин ўзи... Туя кўрдингми — йўқ... Меҳнат ҳам оғир-у, найранги ҳам кўп... Ким суриштиради? Суриштирганда ҳам учини топадиган одамнинг ўзи йўқ... Ҳамма иш пахта пунктида... Бутун тугун ўша ерда... Бечора прицеп тортиб борадиган тракторчига азоб. Турнақатор тизилишиб олишади ҳаммаси. Халқ йиғиб-териб берганни давлатга ўтказиш ҳам шунчалик мушкулот! Тарози битта. Баъзан кун бўйи, туни билан навбат кутишади. Тонгда топшириб қайтишса, дўппилари осмонда. Тарозибон бир прицеппнинг ўзидан қанча-қанча уриб юборади. «Намлиги баланд» дейди, «хас-хашаги кўп» дейди. Ишқилиб у эмас-бу эмас, пахта соҳасида тарозибондан зўри йўқ. Ҳеч кимнинг гапи ўтмайди унга. Фақат мудир айтсагина қилади, мудир ўл деса ўлади. Бошқа одамнинг гапи бир тийин!.. Тер тўкканлар ўзга-ю, аммо манови пунктдагилар колхоз-совхознинг ҳақини ургани-урган. Кейин ўзларидан ўмарилган пахтани ўзларига сотишади. Эҳ, бу пахтаси қурсин! Одамларни эзиб юборгани етмагандай, қанча-қанча қаллобликларнинг қонига айланди. Гўрков ўлимдан суюнгандай колхознинг аҳволи ёмонлашса, пунктдагилар қувонишади... Тошмамат уларнинг бу қадар ошқора савдо-сотифига авваллари ҳайрон бўлиб юрган бўлса ҳам, кейин яна бир сабабини билиб, баттар алами ортди. Қонунда фақат олган эмас, берган ҳам жавобгар. Улар мана шундан фойдаланишади. Мижозларидан кўрқиб у ёқда турсин, аксинча, уларга зулм ўтказиб ноғораларига ўйнатишади. Вақти келса уларга нафақат раислар, директорлар, райком секретарлари, ҳатто ундан катталари ҳам ялинишади...

Тошмамат изғиринда дийдираб, газетани яна очмоқчи бўлган эди, шамол халақит берди. Кейин академик Мирзабоевнинг жиккак гавдасини эслади. У ёқ-бу ёқни ўйламай, ўша пайтда бировнинг гапи билан уни роса «савалагани»ни хотирлар экан, мана шу кимсасиз далада ҳам ўзидан ўзи ор қилди. Исмоилов, Исломуҳжаевлардан баттар хафа бўлди.

Икки йил бурун эди шекилли, куз пайти; иш қизиган палла эди. Исмоилов одам юбортириб Тошмаматни зудлик билан даладан топтириб келди. Остонадан ҳатлаши билан:

— Ҳой, Шермат, шу ердамисан? — дея бақириб, қоровулга тегажақлик қилиб, дам-ка ўйнаб ўтирган шофёрини чақирди. — Ҳой, гарангмисан? — Шермат қоровулдан қолаётган бўлса керак, шарт дамкани бузиб ташлади-ю, хўжайиннинг кабинетига чопди.

— Отнинг еми қалай? — Бу Исмоиловнинг «бензининг етарлими» дегани эди. Шермат олис йўлга чиқшини билди-ю, «гатоп» деди мақтаниб.

— Яхши! Унда, мана, Тош акангни олсан-да, югур райкомга. Исломуҳжаев кутиб ўтирибди.

«Ҳе» йўқ, «бе» йўқ, бу гапдан Тошмамат бироз гангиб қолди. «Нима гап, Турдибой ака?» деб сўради ботинмайгина. Исмоилов елкасини учирди:

— Билмайман, лекин сўрапти, — деди-да, ғаладонини очиб, қоғоз титқилай бошлади. Тошмаматнинг ҳамон ханг-манг бўлиб турганини кўриб, хиёл кулимсиради: — Яхши гапдир, чўчиманг...

Тошмамат райкомнинг биринчи секретари қабулхонасига кириб борганда кабинет хиёл очиқ экан: Исломуҳжаев ким биландир телефонда қаттиқ-қаттиқ гаплашяпти. Котиба аёл Тошмаматга кўзи тушиши билан, «Илғор»данмисиз? Олимовми? Марҳамат, марҳамат» деб қистаса ҳам, у дабдурустдан, яна гаплашаётган одамнинг устига бостириб киришга ийманди. Шунда котиба аёл:

— Ўзлари айтганлар, келиши билан кираверсин деганлар, — деди-ю, ҳатто уни тирсагидан салгина итариб ҳам юборди. Исломуҳжаев қора креслосига деярли ястаниб олганча эшикка қия ўтириб, ким биландир хахолаб гап сотяпти. Олдида ичига лимон солинган бир стакан чой, тилларанг қошиқчаси қуёш нурида ялтиллаб турибди.

— Эски қирриқ у! Икки кун қолганда биздан ўтиб кетганмиш! Тўрт процент берибди! Ҳамма чигит териб юрибди-ку! Мана, мана, машъл бригадиримиз Тошмамат ака келди-ла, пахтанинг ичидаги одам. Мана, олдидан ўтирибдилар! — Исломуҳжаев «марҳамат, ўтиринг» дегандай унга жой кўрсатди. — Э, ака, тўрт процент осмондан тушадими ҳозир?! Елғончи бул — эви билан бўл-да! Одамнинг кулгиси қистайди. Айтинг: тушини сувга айтсин. Ишонадиган аҳмоғи йўқ. Э, била-амиз, катталарнинг иши бу. Орденни ўшаларга ваъда қилишган-да?! Э-э, ҳақиқат осмонда, ака! Ҳа, майли, буниси-гаям чидай-

миз. А, Тошмамат ака, чидаймизми? — Тошмамат Исломхўжаевнинг гапига унча тушун-маса ҳам бош силкиб илжайди. — Хўп, хайр, оғайни, саломат бўлинг. Раҳмат, раҳмат. Бирон-бир янгилик бўлса, беҳабар қолмайлик-а? — Исломхўжаев хаёли қочиб, нимага-дир узоқ ўйланган ҳолда трубкани қўйди. Тошмаматни худди бирдан кўргандай:

— Буни қаранг, Тош ака, қўшни райондагиларнинг ҳийласини айтяпман-да! — деди қўлларини палахсалаб. — Районимиз, биласиз, областда биринчи. Сал кам икки ойдан бери! Энди денг, планга икки кун қолганда улар ўзиб кетишганмиш... Ғирт кўзбўямачи-лик! Ҳа, майли, кўрдик ҳар қанақанги иззат-ҳурматлариниям, биздан қолиб кетган бари! Мухими саломатлик...

Исломхўжаев Тошмаматни яна анча вақт гапга солиб ўтирди. Колхоздаги, бригадада-ги ишларни суриштирган бўлди. Охири:

— Исмоилов айтдими, нега чақирганимни? — деб сўраб қолди.

— Йўқ.

Исломхўжаев кулди.

— Унда гап бундай, Тош ака. Нарёқдаги энг каттаимиз... — Исломхўжаев кўрсатғич бармоғини ҳавога нуқиб, бироз жим қолди, — бир илтимос қилдилар. Сизнинг номзо-дингиз у кишининг ўзидан чиқди. Индинга Тошкентда Қурултой бўлади, борасиз. — Исломхўжаев Тошмаматга зимдан разм солди. Тошмамат одоб юзасиданми, дарров са-вол бериб ўтирмади.

— Қурултойдан кейин олимларнинг йиғилиши бўларкан. Пахтачилик бўйича. Уша ерда бир гапириб берасиз. Тажрибаларингиздан. Бир бопланг!

Тошмамат лов этиб қизариб кетди:

— Э, йўқ-е, мен нимани гапираман? Тагин олимлар орасида. Бизга пахта экишни буюраверинг.

— Гап шунда-да! Олимларнинг ҳам ҳар хили бор. Ўз қобиғидан чиқмай, пахтани, пахтакорни унутиб қўйганлари кам дейсизми?! Бир пўстагини қоқишингиз керак улар-нинг.

— Бозор ака, жо-он ака, мени шу ишдан озод қилинг, менга тўғри келмайди, — Тошмамат ялина бошлади. — Менга тўғри келмайди. Бола-чақаларим бор...

Исломхўжаев ваҳҳахолаб кулиб юборди. Урндан туриб негадир Тошмаматнинг қўлини олди-да, қаттиқ-қаттиқ силкиди:

— Омон бўлинг! Нималар деяпсиз ўзи? Урушга кетяпман деб ўйлаяпсизми?! Э, яшанг! Яшшаворинг! Ҳай, Каттанинг ўзи тилга олди-я исмингизни. Наборот, суюнинг. Сиздақалар камми? Тиқилиб ётибди! Республика катта, гапираман деганлар сон мингта.

— Майли, ўша гапираман деганлар... Биз рози...

— Эсингиз жойидами?! Бу Каттанинг гапи!

Катта — Марказий Комитет секретари эди. Буни Тошмамат дарров тушунди. Асли-да унинг номзодини Катта эмас, Исломхўжаевнинг ўзи айтган эди. Исломхўжаев академик Мирзабоевнинг алмашлаб экиш услубининг ашаддий тарафдори ва «минерал ўғит, минерал ўғит» дегувчиларга азалдан қаршилигини, Марказий Комитетнинг ҳозирги гу-руллой секретари билан ҳам айни шу масалада оралари бузилиб қолганини яхши би-ларди; бунинг устига Катта шу келганида ҳам академик Мирзабоев ҳақида дарғазаб га-пириб, Қурултойда бир-икки тажрибакор пахтакорларга сўз берилиб, улар унинг тоза та-нобини тортмоқчи бўлаётганларини сўзлаганда, Исломхўжаев Секретарнинг мақсадини дарров илиб олди-ю, унга ёқадин танқид айни ўзининг районидан чиқшини ўйлаб, орага Тошмаматни «қистириб» юборди. Бир ўқ билан икки қуённи урди: биринчидан, Каттанинг ишончини қозонса, иккинчидан, райони бутун республикага шов-шув бўлади. Шу сабабли энди орқага қайтиш йўқ. Катта битта гапиради. Нима бўлсаям, Тошмамат ўша мажлисда гапириши керак...

— Лафз битта! У кишининг сазаси ўлиши, биласизми?.. — Исломхўжаев маънодор бош чайқаб қўйди. — Хуллас, эртага Тошкентга жўнайсиз. Пастдан туриб Марказий Комитет қишлоқ хўжалик бўлимига, ўртоқ Саксонбоевга, мана бу телефонга кўнғироқ қиласиз. — У Тошмаматга кичик бир қоғозча узатди. — Соат ўн иккидан кечикманг. У сизни кутиб туради. Машинани Исмоилов уюштириб беради. Гапирадиган гапингиз ўша Саксонбоевда, тайёр! Марказий Комитет меҳмонхонасига жойлашасиз. — Исломхўжаев бирдан четроқда турган оқ телефонни кўтарди-да, «тез Тошкентни беринг,.. номер» деб, Тошмаматга кўз учуриб қўйди. Бир зум ўтмаёқ телефон жиринглади.

— Алло! Алло? Ўртоқ Саксонбоевми? Мана, Тош ака олдимда ўтирибдилар. Эр-тага ўша вақтда бораверсинларми? Яхши, яхши. Ўзингиз бош-қош бўласиз-да? Деҳқонча-роқ қилиб ёзилдими? Бу киши сал тортиятдилар. Деҳқонча бўлди денг-а? Ҳа, яхши. Кат-тага ёқдимми, у киши кўрдиларми? Кўрдиларми?! Э, яшанг! Мана буниси зўр бўпти! Зўр! Болабсиз! Раҳмат, раҳмат...

Исломхўжаев оғзининг таноби қочиб трубкани жойига қўйди. Урндан туриб, Тош-маматнинг ёнига келди:

— Каттанинг назарига тушиш ҳаммагаям насиб этаверибдимми, Тош ака?! — деди ҳамон оғзини йиғиштиролмади. — Наборот, менга раҳмат денг, ака! Раҳмат денг! Мен айтганман унга...

Тошмамат ноилож «рахмат» деди. Исломуҳжаев эса:

— Ана, гап бундай бўпти! — дея баттар жонланди. — Менам бўламан ўша мажлис-да. Гапиришингиздан олдин яна бир кўриб оламиз нутқингизни. Хўпми? Яшанг! Унда сизга оқ йўл, ака...

Тошмамат чуғур-чуғур қилиб ўз тилларида нималарнидир «маъқуллаётган» зағчалардан кўз узолмай, совуқ қотиб, халатига иссиқроқ ўранди. Уша Исломуҳжаевдан топшириқ олган кунини лаънатлаб сўқди. «Ҳаммаси ўз манфаатини ўйларкан! Сендан фойдаланиб қолишни ўйларкан! Ишини битирса бас! Уша номардларга ўйинчоқ бўлмаса, Тошмамат келиб-келиб шундай олимга ёпишармиди? Мана, энди нима деган одам у? Падарига лаънат ўша нутқининг!» Тошмамат илгари ҳам ичига чироқ ёқса ёришмасди, ҳозир баттар важдон азобидан қолди. «Ушанда ҳамма бери бўлиб битта одамга ёпишди-я?! Вой, номардлар!» Тошмамат кимдир ёзиб берган уч варақ нутқни Марказий Комитет меҳмонхонасида ётиб икки кун роса ёдлади. Исломуҳжаев келиб қалам билан иккита сўзини ўзгартириб берди, холос. Уша нутқи ҳозир ҳам қаердадир ётибди, машинкада ёзилган биринчи нусхани мажлис ҳайъатига бериб, иккинчисини ўзини олиб қолган эди. Тўғриси, ундаги айрим сўзлар ва жумлаларни ўзиям тушунмаган, ҳалигача тушунмайди. Аммо минбарда шунақанги сайраб кетдики, ҳатто ўзиям ҳайрон қолди. Каттанинг қарсақ чалганини кўрсангиз эди! Зал икки-уч марта тўхтаётган деса ҳам, Катта тўхтамайди дегн! Зал яна қайтадан чапак чалади...

Ушанда Тошмамат келса олимни дўппослаганларнинг гапидан шу нарсани илғаб олдики, академик Мирзобоев республика ерларига ҳар йили бир хил экин, яъни пахта экиш, химияга зўр бериш охир-оқибатда ёмон, тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келади; бу эса авлодлар олдида хиёнат билан баробардир; ҳозирги нақдига учиб, кейин боридан ҳам айрилиб қолиш мумкин, деб ҳисоблар экан. Социализм — ҳўжаликни планли юритиш усули экан, биз ўн, йигирма ва юз йилларни мўлжаллаб иш кўришимиз керак; ҳозирги авлод ердан шундай фойдаланиши зарурки, келажакка уни бугунги ҳолатидан ҳам кўра дурустроқ ҳолда ташлаб кетиши шарт, буни Маркс айтган... Умуман бир қарашда ёш болагаям тушунарли бўлган шу фикрлари, тавсиялари учун Мирзобоевни шу даражада савалашдики! Манови газетада ҳам худди шу гапларини ёзибди. Тошмаматнинг ўша нутқига «консерватори», «пахтачиликка зиёндош» деган сўзлар қайта-қайта такорланганди. Тошмамат ҳали-ҳали унутолмайди: гапириб, минбардан тушгач, биринчи қаторда, энг чеккада ўтирган жиккаккина кўзойнакли одам ҳадеб унга қайрилиб қарайверди. Ҳар гал Тошмаматга бир тикилиб олади-да, кейин навбатдаги нотикнинг гапига қулоқ солади. Тошмаматга бу ғалатироқ туюлди, ёнидаги аёлдан секин «анови киши ким» деб сўради. Аёл қандайдир совуқ муомала билан «домла Мирзобоев» деди ва ўтирган жойида бир қимтиниб қўйди. Тошмамат ер ёрилмади-ю, ерга кирмади!.. Домла унга яна бир қараганда, баданлари музлаб, юзлари ловуллаб кетгандай ўзини ноқулай ҳис этди, бошини ерга эгиб олди. Орада Мирзобоев яна бир тикилди-ю, кўзини юмиб, «мен сиздан хафа эмасман!» дегандай аччиқ жилмайди қўйди. Тошмамат шу жилмайишни ҳали доимла унутолмайди! Ҳаляям! Эсласа, юраги мазийибди!.. Ҳамма сўқди-сўқди-да, охирида домлага сўз беришмагани ошиб тушди! У «кикитагина изоҳим бор» деб шунча зорилладики, қани эшитишса? Унинг гапини маъқуллабми ёки қарши чиқибми, орқадан хуштак чалганлар ҳам бўлди. Шунда академик Мирзобоев шаҳдам ўрнидан турди-ю, залга қараб бир таъзим қилди, тез-тез юриб чиқиб кетди. Қани, бу ёғига энди гап-гапга қовушса? Битта одамнинг обрўйи, салобати, макъеи шу қадар кучли бўлишини Тошмамат ана ушанда билган! Эртаси куниеқ газеталар-у радио, телевизорлар аюҳаннос солиб, Мирзобоевни олатасир шунақанги савалашдики! Энг ёмони — Мирзобоевни қоралашда деярли ҳамма газеталар Тошмаматнинг нутқини минг хил мақомга солишгани унга алам қилиб кетди. «Бунчалик ҳам керилмасангиз, ўртоқ Мирзобоев! Оддий пахтакордан сўранг кимлигингизни?!»

Тошмамат девор ёриғидан ҳовлига қайтиб кираркан, «э-э, тушуниб бўлмайди ўзи бу дунёнинг ишларини» деб қўл силтади. «Қайси бирига ишонасан буларнинг?! Ҳаммаси давлат, партия номидан гапиради, эшитиб турсанг, ҳаммаси ҳақ...»

Тошмамат тиззаларига совуқ ўта бошлагани учун палатасига шошилди...

6

Исломуҳжаевнинг қамоққа олинганини эшитганда Тошмамат бутунлай довдираб қолди. Гарчи буни анчадан бери кутаётган бўлса ҳам барибир ларзага тушди. Ҳаёт ўзига ҳам тузоқ қўйиб келаётганини бехосдан сезгандек бўлди у. Бунинг устига уни кўргани келган Ҳикмат чиноқ ҳам бирам оғзини тўлатиб гапирадики, юз берган воқеадан аслида у қўрқяптими ёки қувоняптими — билиш қийин эди. Хонага кириши билан кўзлари ола-кула, ҳў шийпондагига ўхшаб «Тош ака, гап бор» деб ваҳима қилди. Тошмамат шоша-пиша кийинди-ю, ташқарига чиқишди.

— Исломуҳжаев қамалибди! — деди Ҳикмат чиноқ коридорга ўтишлари билан. Тошмамат унга «йўғ-е» дегандай қаттиқ тикилиб қолди.

— Камалибди! Уйласанг, юрак орқага тортади-я! Исломуҳжаев акаemiz район марказидаги чорбоғларида неваралари билан икковлашиб ўтиришган экан...

Тошмамат Ҳикмат чиноққа «шошма, шошма» деган маънода зардали қўл силкиди, ташқари ҳовлига, тунов куни ўзи танҳо айланиб юрган ораликқа бошлади... Аслида Исломуҳжаевни ҳам Исмоилов билан кетма-кет ҳибсга олишган, аммо буни деярли ҳеч ким билмас эди. Уйдагилар ҳам сўраганларга «Тожикистонга, танишлариникига айлангани кетганлар» деб қўя қолишар эди.

— ...неваралари икковлари ўтиришган экан. Бола-чақалари, хотинлари қариндошлариникида тўйда экан. Ановилардан уч-тўрттаси кириб, Исломуҳжаев акага қоғоз кўрсатишиб, «қани, юринг» дейишибди. Акаemiz бечора қутлари учиб, тахтадай қотиб қоптилар.

— Ким айтди сенга?

— Одамлар... Ҳамма гапиряпти... Усти ишком чорпоёда ўтирган эканлар, келганлар «юр» дейишса, кўнмабдилар. Бошларини сўрига уриб йиғлабдилар. Неваралари эса, қўрқиб кетганидан додлармиш. Йиғлаган билан ташлаб кетишмайди-ку, охири билакларидан ушлаб машина томон судрашибди. Шунда Исломуҳжаев акаemiz узум зангига ёпишиб олибдилар. Кейин қўлларини орқаларига бураб судрашибди. Акаemiz шундаям ток сўрисига, дарвоза синчига ёпишиб қўйиб юбормасмишлар. «Менга тегманглар, менга тегманглар» дер эмишлар нукул. Охири эсларини йўқотиб дод солибдилар. Шунда ановиларнинг тоқати тоқ бўлиб, қўлларига кишан уриб судраб машинага киритишибди. Машина юриб кетаётганмиш-у, у киши ичида бақириб бораётганмишлар...

Тошмамат Ҳикмат чиноқ билан гапни қисқа қилди. Хайрлашиб, «овора бўлиб юрманглар энди, эрта-индин ўзим чиқиб қоламан» деди-ю, ичини ит тирнагандай тез-тез юриб палатасига қайтди. Апил-тапил ўрнига ётиб, девор томонга ўгирилиб олди. Сал ўтмай ўзини ухлаганга солди. Аммо мияси қаттиқ ишлар эди. «Нимага қамалганикин Исломуҳжаев? Нимага қамаларди! Порахўрлиги учун-да! Ҳар йили курортга бораётганда ё ўзи, ё хотини, ё ўғлининг туғилган куни бўлиб қоларди кутилмаганда... Нукул раисларни чақирарди ўша зиёфатга. Пул деганни оқ хитой қоғозигами, газетагами ўраб, «дам олиб келинг, ака» деб ташлаб кетаверишган. Ҳатто ўтирган жойларида кўрпачанинг тагига қистириб қўйишаркан. Исмоилов-ку, қачон қарасанг, унга эргашиб юргани-юрган эди... Ҳў, ўша Ялтада бирга бўлиб қолганларида ҳам биринчи куни ресторанда то саҳаргача ичишганди. Тошмамат ҳам бор эди ўша гал. Бозор ака тоза танца тушди ўшанда. Исмоилов, Тошмаматлар бўлса, танцага Исломуҳжаев тушяпти-ю, бу ёқда буларнинг боши айланиб, валдир-валдир кулишиб, гоҳ қойил қолиб, гоҳ бир-бирларини мазах қилиб тонг оттиришган эди. Бозор аканинг тиззаси танца тушаётган аёлнинг тиззасига тегиб кетса, булар маънодор кўз уриштириб, оғизларини йиғиштиролмаб қолишарди... Уйлаб қараса, ҳў даврлар экан ўша пайтлар... Энди шу одамни кишанга солиб, машинага босиб олиб кетишибди-я. Қаники шу ишларни орқага қайтариб бўлса. Агар қайтариб бўлганда... Тошмамат у тўдага яқин йўламасди, оёғи етгунча ундан нари қочарди. Энди уйласа, қирқ бир ёшигача кўп қатори, бировдан ортиқ-бировдан кам, лекин ҳеч кимдан тили қисқилиги йўқ, беғалва яшаган экан. Ирригация институтидан кейин армияга кетди, Москва яқинидаги машҳур Кантимир дивизиясида хизмат қилди... Тошмамат ҳозир шуларни уйлаб туриб, ўша сўлим ўрмонлар, хизматдош дўстлари, командирларини кўз ўнгига келтирди-ю, хўрсиниб юборди. Палатадошларига эса ўзини уйқусираган қилиб кўрсатди. Колхозларга оғир бўлиб кетганда ўша ерда ҳам далага чиқиб, ярим белдан лойга ботиб картошка теришарди. «Оҳ, қандай даврлар эди» дея ўйлади у тупугини қўл этиб ютиб. Бахт деганиям соғлиққа ўхшаркан ўзи: ёнингга юради — сезмайсан, йўқотмагунингча қадрига етмайсан!..

Исмоилов, кейинроқ эса Исломуҳжаев қамалгандан сўнг Тошмаматда ўзи билмаган ҳолда ғалати бир одат туғилди: ўзидан-ўзи газеталарни қидириб топиб, суд очеркларини танлаб ўқийдиган бўлди; ҳаяжон билан, худди ўша воқеалар ўз бошидан ўтаётгандай энтиқиб ўқиб чиқади... «Кунни кеча эди-я, мана шу Исломуҳжаевлар одамнинг кўзига пайғамбар бўлиб кўринишарди, дунё тургунча турадигандай ҳеч ким уларга шак келтиролмасди...» Тошмамат истамаса ҳам, Исломуҳжаев билан, Исмоилов билан бўлган воқеалар ҳадеб ёдига тушаверади, ўйламайман деса ҳам, ороми, ҳаловатини бузаверади...

Утган йили пахта терими бошланай-бошланай деётганда бир куни Исмоилов уни кабинетига чақириб қолди:

— Кайфият қалай? Эртага иш кўпми?

— Йў-ўқ... — деди Тошмамат бироз иккиланиб. — Нима, хизмат бормиди?

— Эрта-индин пахтага кириб кетамиз. Дам олайлик бир. Эртага. Яйрайлик... — Исмоилов шундай деб маъноли кулиб қўйди. — Катталар бўлади. Исломуҳжаевнинг ўзи айтди сизни. Эрталаб саккизда шу ерда учрашамиз. Уйдагиларга бирор баҳона топарсиз...

Эртаси Ховос орқали Тожикистон тоғларига қараб кетишди. Сал кам икки юз километрлар юрилгач, салқин ёнбағирга келиб кўнишди. Тошмамат у ерда биринчи бўлиб пункт мудир Янгибоевни кўрди. Каттакон арча тагига чодир ўрнатилибди. Пастроқдаги сайҳонга духоба, атлас кўрпачалар тўшаб ташланган, дастурхонда йўқ нарса йўқ. Сал

наридаги булоқ бўйида икки киши қўй сўяпти (Исмоиловлар келиб тушишгач, улар қўллариде пичоқ тутганча меҳмонларга қайта-қайта таъзим қилишди). Янгибоев эса оғзи тўла тилда тишларини ялтилатиб ўтирган жойида зўрға қўзғалди, «келдингизми, Турдибой ака» деб раис билан кўришди. Тошмаматга қўлининг учини берди, ҳатто бир оғиз гапирмадиям. Агар Исмоиловнинг ҳазили рост бўлса, Янгибоев аввалига тишини аррала-тишдан қочиб, пластмасса қолип ишлатган экан, бир кун хотини билмай култепага таш-лаб юборибди. Шундан кейин жағигача тилла тиш қўйдирган эмиш...

Тошмамат беихтиёр шуни ўйлаб турган пайтида бирдан пастликдаги сой томондан аёлларнинг қийқириқ кулгиси эшитилди. Ҳаво тиниқлиги учун ҳатто айрим сўзлари аниқ кулоққа чалинди. Тошмамат ҳайрон бўлганча сойга қаради. Учта ёш-ёш жувон (олдинги-си челақда сув кўтариб олган) ўрдакларга ўхшаб лапанглаб, кетма-кет шу томонга кўч-рилиб келишяпти. Челақ кўтаргани хиёл ўнг томонга энглашиб, сув тўкилмаслиги учун чап қўли билан этагини ушлаб олгани сабабли оппоқ сони куёшда товланиб турибди. У эркак-ларга кўзи тушганда «вой, ўлмасам» дея сохта уяти қўзиди-ю, сонларини беркитди. Тош-мамат мудирга қаради, у оғзини очганча ҳузурланиб, аёлларга нимадир гап отишни мўлжаллаб пайт пойларди. Исмоилов жувонларга кўзи тушиши билан оғзининг таноби қочиб:

— Қани, чекишдан олинг! — деди пункт мудирининг елкасига шап этиб уриб.
— Ташлайман дейман-у, яна чекиб юбораман! Энди шу олтмишда ташламоқчиман. Ху-до хоҳласа!

— Олтмишда бошқа нарсаларниям ташлайсиз, ака! — Янгибоев хахолаб кулди. Унинг қаҳқаҳаси рўпарадаги яйдоқ чўққида акс садо берди.

Исмоилов барибир гапидан қолмади:

— Биз шўринг курғурлар дарё бўйида туриб чанқаб ётаверган эканмизда!

— Э, яшанг, ака! Агар сиз чанқаган бўлсангиз...

Яна кулги... Чиройли жувонларни ҳаммаям яхши кўради-ю, аммо Исмоиловда бу ростмана касаллик эди. Одатда жувонбоз одам аёлни эмас, суриштириб келганда ўзини яхши кўради. Исмоилов ҳам шу. Ҳар қандай нотаниш аёлни у худди бозорда қўй кўра-ётгандай оёғидан то сочигача уялмай бир-бир назардан ўтказди. Ҳозир ҳам у дўмбоқ аёлларга нақ еб қўйгудек кўз қадаб, кетма-кет сигарета сўра бошлади. Аёллар эса ҳеч тортинмай янги меҳмонлар билан қуюқ сўрашишди, қўл бериб кўришишди. Исмоилов-ни айниқса сув кўтариб чиққани яхши танирган шекилли, баланд кўкраги ҳарсиллаган-ча «э, Турдибой ака, камнамани жуда» деб, оппоқ тишларини кўрсатиб кулди. раис бўлса унинг момиқдай юмшоқ қўлини қўлидан қўймай, ҳаммани гурр кулдириб юбора-диган қандайдир зўр қочирик топишга уринарди-ю, лекин мясига ҳеч гап келмасди... Аёллар чиндан ҳам бири-биридан гўзал эди. Фақат четроқда турган анча тўла, юзи чиройли, гулгун бўлгани билан бели билинмай кетган, сув кўтарган аёл «э, Турдибой ака» дейиши билан раисга нозли кулиб боқди ва бош силкиб кўришди.

Тошмамат бирдан ўзини ноқулай сезиб, нима қилишини билмай қолди. Бир кўнгли қассобларга кўмаклашмоқчи бўлди.

— Қалай, Тошмамат ака, тузукми булар? — Бу пункт мудирининг дағал ҳазили эди. Тошмамат, худди шапалоқ егандай бўлган юзи кизариб кетди. Янгибоевнинг гапидан кейин қикир-қикир кула бошлаган аёлларга осарнамо илжайди ва ўзини йўқотгани-дан:

— Мен ановиларга ушлашиб турай... — деди қассобларга имо қилиб.

Мудир учун негадир Исмоилов жавоб берди:

— Майли, майли, ушлашиб туринг, ушлашиб туринг!

Тошмамат сал нари кетмасидан жувонлар-у, эркакларнинг беибо қаҳқаҳаси янгради.

— Ушламаса, нима, қочиб кетадими? — Бу анови дўмбоқ аёлнинг овози эди. Яна кулги. Тошмамат тиззалари бўшашиб, «хўп аҳмоқман-да» деб ўйлади. «Шарм-хаё йўқ буларда...»

Ярим соатлардан кейин Исмоилов келди. У сой бўйидаёқ шофёрига жавоб бе-риб юборди-да, шошилмай теварак-атрофни томоша қила бошлади. Пункт мудир билан Исмоилов унга пешвоз чиқиш учун пастга қараб юришди. Буни кўргач, иззатталаб бўлиб турган Исмоилов ҳам юқорига кўтарилди бошлади. Сайхонга чиққач, аёллар билан бир-бир кўришиб ўтди. Аёллар бирдан сипо тортиб қолишди. Исмоилов кўрпача-га ўтириб, бояги челақ кўтариб чиққан аёлнинг қўлидан бир пиёла булоқ суви ичди-да, у ёқ-бу ёққа кўз ташлай туриб, Тошмаматни кўриб қолди ва икки қўлини хиндларга ўхша-тиб бошига кўтариб саломлашди. Тошмамат унга таъзим қилди, ўша захоти кўзини ерга олди. Кейин шу даврага Исмоиловдек бообру партия раҳбари ҳам келиб қўшилган-нига хийла таажжубланди. Уйлаб-ўйлаб, ўзининг бундай ноҳалол ишлардан четда юри-шидан ва оиласи, болалари олдида юзи ёруғлигидан пинҳона севинди...

Кейин ўйин-кулги, ичкилик авж олди. Тошмамат аввалига бўрибаччадек ўшшайганча, «нима қилиб юрибман-а бу ерда, томоша бўлиб» дея ўйлаганидан Исмоиловни ичиде сўкиб ўтирди. Лекин қўй сўйган қассоблардан бири қозонда жицца қовуриб келиб, «биз-зам одам, қани, бери келинлар-чи» деб, хуржундан арақ чиқариб, Тошмаматга ҳам

қўярда-қўймай катта пиёлани ичириб юборгандан сўнг унинг одамовилиги бир зумда учди-кетди. Исмоилов ҳам, анови мудир ҳам, Исломхўжаевни-ю гапиришга ҳожат ҳам йўқ — ҳаммалари унинг кўзига мард, танти одамлар бўлиб кўрина бошлашди. Жувонларга қараб энди суқи келди. Уччовиям лаққа балиқдек юмшоққина! Бояги тўладан келган аёл Исмоиловга ёпишиб олибди, уялмай-нетмай бўйнидан кучоқлайди-я! Ичкилик курсин! Исмоиловнинг бўйнига осила туриб, навбатдаги қадаҳни бўшатади. Раиси тушмагур ҳам бундан роса талтайиб, ўзини тутолмай хахолаб кулади. Мудир эса тўйда йигитлар маст-аласт қичқирганидек овози борича томоғи қирилиб қийқиради. Битта Исломхўжаевгина ҳамон сипо ўтирар, ора-сира «оббо, сизлар-ей» дегандай бошини сарак-сарак чайқаб қўяди... Кейин олтовлари бошлашиб сойга чўмилгани тушиб кетишди. Тошмамат кўриб турибди, Исмоилов семиз аёлнинг тирсагидан ушлагани эди, у раиснинг миқти қўлига таяниб, гўё ариқдан сакраб ўтадигандай панжаларини юмшоқ биқинига киритиб олди. Пункт мудир охирида ўрнидан туриб, Тошмаматларнинг ҳузурига келди-да:

— Нарӣ борса бир соатларда чиқамиз, — деди қассоб йигитга. — Кабоб, кабоб, кабоб! Битта гўшт, битта жигар! Битта гўшт, битта жигар! Гатоп турсин. — У Тошмаматга «ҳа, сиз тушмайсизми» дегандай баланддан қаради ва елкасига ҳазиломуз бир тушириб, индамай сойга қараб кетди. «Э, сен олифтани! — дея ичида сўкинди Тошмамат, сўқмоқни чангитиб пастга тушиб бораётган мудирга қараган кўйи. — Текин пулдан қутурган сен! Кўйиб берсанг, юзингга оёғини артиб олишдан ҳам тоймайди, аблаҳ! Э, димоғингга сени!...»

Ҳар замон-ҳар замонда у ўғринча пастга қараб қўяр, фақат сийнабанд ва кафтдеккина трусичада дикирлаб юрган аёллар ва қорни кажава эркакларга кўзи тушганда юраги ўйнаб, яна ичкиси кела бошлади. Қассоб йигит эса кўрадаги арча оловини елпиркан:

— Хўжайинларам бир яйрашсин, сиқилиб кетишди бечоралар, — деди Тошмаматга кулиб қараб. — Шулар соғ юришса, биз ҳам соғ. Нима дедингиз?

Тошмамат бош силкиди... Тоғ ҳавосида кетма-кет ичгани учунми, боши оғриб томири ура бошлади. Ўзини лоҳас сезди. «Мен бир мизғиб олай» деди-ю, хиёл гандираклаганча чодирга кирди. Қандайдир мавҳум ҳолатда ётиб-ётиб, тезда ухлаб қолди. Хаёлида ўзини туш кўраётгандай, худди бўшлиқда учиб юргандай ҳис этарди-ю, аммо калласи аниқ ишлаётганини ҳам сезиб турарди. Бир пайт кимдир оёқ учиде чодирга киргандай бўлди, сўнгра аёл кишининг «вой, ўлмасам» деган хитоби эшитилди-ю, шарпа лип этиб ташқарига отилди. Кейинги дақақада бояги жувонларнинг шарақлаб кулгани эшитилди. «Ҳе, нима бўлди, нима? Илон бор эканми?» Бу мудирнинг овози эди. Тошмамат мулзам бўлиб секин ўрнидан турди. Кўзлари қамашиб ташқарига чиқди. Кўрпачаларда ярим яланғоч ёнбошлаб олган эркаклару аёллар Исмоиловнинг «ие, ие, Тошмаматжон, мен сиздан буни кутмагандим» деган ҳазилига гуриллаб кулиб юборишди. Тошмамат ҳам беихтиёр жилмайди, қаерга бориши, нима қилишини билмай гангиди. Исмоилов ҳам уни олиб келишга олиб келди-ю, ҳозир мутлақо иши йўқ, ўзи билан ўзи овора, «мана бу ерга ўтир, манови ишни қил» ҳам демайди... У кайфи ошган, ёнида эса сўлқиллаган жонон, бошини офтобдан пана қилиб сочиқ ёпиб олган, қорнини худди биров пуфлаб шиширгандай мечкай, оёқлари чўп. Боши, юзи, бўйнигача қоп-қора, бадани кун кўрмагани учун оппоқ; ўзининг бу аҳволини сиртдан кўрганда ўзи ҳам ҳойнаҳой хахолаб кулиб юборган бўларди. Лекин, таассуфки, одам ўз нуқсонини билмайди... Тошмамат ўнғайсиз аҳволдан қутулиш учун дастурхон ўртасида турган чойнакни ҳозиргина дамланган бўлса ҳам олиб, қассобнинг нарёғидаги тош ўчоқда қайнаётган каттакон қумғон тарафга қараб кетди. Чодир ичида эса аёлларнинг қиқир-қиқир кулгиси, шивир-шивир гапи эшитилади...

Кабобхўрликни айтинг! Анови семиз аёл худди Исмоиловга ўчакишгандай у билан баб-баробар кабоб еди. Пункт мудир чодирдан магнитофон олиб чиқди. Бир зумда тоғ бағрига «Ялла» ансамблининг майин хонишлари таралди. «Яллама ёрим, яллама»да мудир чидаб туролмади, семиз елкаларини муқом билан ликиллатиб ўйинга тушиб кетди. Даврадаги аёлларни тортиди, ўзи уларнинг орасида роса эшилиб ўйнади. Семиз жувон рақсга шунақанги уста эканки! Исмоиловни ҳам ўйнатди. Исмоилов худди айиқполвондек лапанглаб, доим куй оҳанги-усулидан кеч қолиб, ғалати, беўхшов ҳаракатлар қилдики, кўрган одам сўзсиз кулиб юборарди. Боя сув кўтариб чиққан аёл охири Исломхўжаевни ҳам ўртага тортган эди, у «йўқ, йўқ» деб туриб олди, жувон ялинавергандан сўнг қўлини бир-икки кўтарган бўлди-ю, яна жойига бориб ўтирди. Бошқалар ҳам ўтиришди. Исмоилов эса шундоққина икки қадам пастда ўсган тоғ гулларини шарт-шурт юлиб, кинолардагидек назокат билан чўкка тушиб семиз аёлга узатган эди, аёл лабини бурганча:

— Шўям гулдастами, супургига ўхшатиб боғлабсиз! — деди кутилмаганда. Исмоилов аёлнинг кўзига «еб қўяман» дегандай қараб туриб хахолаб кулди. Яна тоғ бағрида қувноқ қаҳ-қаҳа янгради...

Кабобдан сўнг димлама тортилди. Энди эркаклар коньяк ичиб, аёллар шампанга ўтишди... Букиб овқат ейилгани учун, яна ғир-ғир шабада таъсирида ҳаммалари бирин-бирин хомуза торта бошлашди. Мудир Исломхўжаевга қараб:

— Чодирда иккита раскладушка бор, кириб дам олинг, — деган эди, райком секретари унамади. «Бемалол, бемалол... Бизга мана шу тоғ ҳавоси ҳам бас, ўзи зўрға етишдик» деб, бошқаларга рухсат берган бўлди. Тошмамат зимдан кузатиб турди: чодирга



аввал мудар кириб кетди. Бир оздан кейин анови семиз жувон билан бошлашиб Исмоилов кирди...

Тошмамат баттар ўзини ортиқча ҳис этди. Ҳатто Исломуҳжаев билан гаплашай деса, у ҳам индамайди. Охири ҳеч бир мақсадсиз рўпарадаги дунгликни ошиб ўтди-ю, боя Исломуҳжаев ва Исмоиловлар чўмилишган дарёча ўзани томон юқорига кўтарила бошлади. Атроф гўзал эди, одамни лол қолдирарди. Тепага кўтарилган сари арчалар йириклашиб, қалинлашиб, сувнинг шағиллаши ҳам кучая борди. Ҳаво баданга хуш ёқарди. Тошмамат қўй-эчкилар туёғидан тақир бўлиб кетган сўқмоқдан юриб, дарёча соҳилига чиқди. Сув бўйида одатда қаттиқ шамол эсмайди-ю, аммо доим шабада гириллаб туради... Тошмамат тошдан-тошга сакраб икки қадамча ичкарироқ кирди-да, зилол сувда ҳузур қилиб юз-қўлларини ювди. Бир зумда бошининг карахтлиги ҳам кетиб, кўзлари чарақлаб очилди. Шу пайт беш қадамча нарида — тфу, тфу! — ирғай дарахти илдизига илиниб қолган қўйникими ёки эчкиникими, каттакон ириган танага кўзи тушди. Бирдан кўнгли беҳузур тортди, ижирғаниб сувга туфлади. Гарчи у ювинган жойга оқим қирғоқ томондан келаётган бўлса ҳам, кетма-кет ўқчиди. Кейин у ҳаром нарсани сувдан олиб ташломоқ ниятида бурнини қўли билан беркитганча тошдан-тошга ҳаққалаб, ирғай бутасига яқинроқ борди. Бунақа катта пашшаларни у биринчи кўриши. Қовурғага зўрға илиниб турган илвираб кетган сонни жинжалоқдек-жинжалоқдек оқ қуртлар илма-тешик қилиб кемириб ётибди. Тошмамат силлиқ харсанг устида бирдан тойиб кетди-ю, ирғай илдизи қимирлаб, атрофни шунақанги қўланса хид босдики! Тошмамат яна ўқчиб юборди! Бижғиб ётган гўштдан нари кетди, унга қўл теккизиб бўлмас эди. «Қашқирларнинг иши бу...» Ҳамон ерга туфлаб келаркан, «бу сувдан ичмайлик» деб анови ошпазларга айтмоқчи бўлди. Лекин қайтиб келгач, қараса: ҳамма хурсанд, Исломуҳжаев атлас кўрпачада қорнини силаб ётибди... Айтолмади. Аммо чет-четга ўтиб ҳамон туфлар эди. То қайтиб келгунларича ҳатто туз ҳам тотмади, қанча зўрлашди, барибир унамади...

Тошмамат уч йил аввалги ўша манзарани эсларкан, ҳозир ҳам кўнгли беҳузур бўлди. Аммо палатадошлари олдида ўзини ухлаганга солиб ётгани учун қимирламади. «Эҳ, бу Исломуҳжаев-у Исмоиловлари... Вақтида роса маишатниям қилишди, энди, мана, жазосиниям тортишяпти...»

Тошмамат ўтган йили кузда, Исмоилов иккови Ялтада дам олишганда ҳам бир нарсага ҳайрон қолган эди. Ушанда қайтишларидан бир ҳафтача олдин уларга Исломуҳжаев ҳам келиб кўшилган эди. Сталинградга боришни ҳам ўша бузган эди. Чехословакияданми, қаердандир қайтаётган экан. Ҳозир Исломуҳжаев ўзини сипо тутиб ўтирибди-ю, лекин у пайтда... Нуқул ресторан. Танца. Ҳар куни бошқа-бошқа хонимлар. Кечалари йўқ бўлиб кетишлар... Исмоилов Тошмаматга тегишиб, «сизга ҳам топиб берайликми, ё ўзингиз ҳаракат қиласизми» деб жон-ҳолига қўймайди. Тошмамат эса умрида Санобардан бошқа аёлни билмагани учун бу гаплардан ҳам уялиб, ҳам ҳазар қилади, танҳо ўзи ўтирганда, «халқни тарбиялаймиз» деб юрганларнинг бу қадар енгилтаклигига ёқасини ушлаб ҳайрон қолади ва охири «одамни пул қутуртиради, пул» деган аччиқ хулосага келади. «Қизиқ, қаердаки ортиқча харажат бор — у ерда албатта аёл киши аралашади, тавба...»

Айниқса ундан кейинги ишлар Тошмаматни қаттиқ ўйлантириб қўйди, катта одамларнинг тутуриқсизлигидан баттар ҳайратга тушди. «Кимга ишониш керак унда, кимга?» деб ўзича боши қотиб юрди. Ялталарда роса маишатларини қилиб қайтганларидан сўнг, орадан бир ҳафтала ўтгач, кенжа ўғлининг туғилган куни баҳонасида Исмоилов уйига анча-мунча одам йиғди. Тошмаматни ҳам айтди. Қараса: Исломуҳжаев ҳам эри-хотин шу ерда. Зиёфат бошланишидаёқ у аzza-баzza «кеннойини чақиринглар, кеннойини» дея буйруқ берди. Холжаҳон аяни Исмоиловнинг ўзи бошлаб кирди.

— Кеннойи, мана бундай, мана бу ерга ўтиринг, — деб, Исломуҳжаев ёнидан жой кўрсатди. Исмоилов мошранг тўнда, пойгақда ўтириб хизмат қияпти. — Кеннойи, бир кунга ўша ўчоқбошини қўйинг, қиз, келинлар, неваралар бор-ку, ахир? Утиринг. — Исломуҳжаев меҳмонларга бир-бир кўз ташлаб, қўлидаги қадаҳга қараб жилмайди. — Биринчи тўстни уй бекаси учун ичсак, ўртоқлар! Қаршилик йўқми? — ҳамма чувиллаб, Исломуҳжаевнинг гапини маъқуллади.

Холжаҳон ая эса, ўтирган ҳам татимамай, ақли-хуши Исломуҳжаевнинг хотинида, унга ҳадеб мулозамат қилар, атрофида айланиб, ҳали уни олиб бериб, ҳали бунни олиб бериб, ишқилиб, кўнглини овлаш билан овора эди.

— Кеннойи, дунёдаги энг бахтли аёл экансиз сиз! — Исломуҳжаев расмий қиёфадан сира воз кечгиси йўқ эди. — Фалакнинг гардиши билан Турдибой акам икковимиз бирга дам олиб қолдик бу йил. Мана, Тошмамат ака гувоҳ. Бахтли аёл экансиз, Холжаҳон кеннойи! Шундай вафодор, сизга меҳрибон умр йўлдошингиз... хуллас, Турдибой аканиям чинакамига ўша ерда танидим мен. Қаердан кулги эшитилса, тўғри ўша ерга бора-вераман, биламанки, Турдибой акам ўша ердалар... Қўйинглар-чи, қани, мана шу ували-жували, пири бадавлат опамиз ва акамизнинг саломатликлари учун ичсак! Қаршилик йўқдир?

Яна қий-чув, қадахлар жаранги... Тошмамат секин Исмоиловга қаради: у мамнун жилмайганча пинагини ҳам бузмай, Исломхўжаевнинг гапларига таъзим қилиб ўтирарди. Тошмамат тикилиб турганини сездими, бирдан у томонга ўгирилди-ю, «шунақасиям бўлади баъзан» дегандай хиёл кўз қисиб қўйди.

Тошмаматга ўша пайтлари бу қилиқлар қариб қуюлмаганларнинг бетамиз ўйинидек туюлган эди, «наҳотки шу иккиюзламуҳчилик, ёлғончиликдан кейин... тағинам манови Исмоиловнинг уйи куйиб, оёғи чалишиб кетмайди-я» деб ҳайратланиб юрди. Лекин аста-секин кўзи пишиб, ҳаммада бўлгани сингари, бу ишларга ўзи ҳам кўника бошлади. Баъзан нимадандир завқи ошиб кетса, ўзининг содда-гўллигидан куладиган ҳам бўлди: «Хўпам хомқалла эканман-а?.. Худди кўрдек юраверибман...» Аммо кейинги дақиқада кўз ўнгига бирдан Санобар, сўқурдай болалари келади-ю, дарров тавба қилади, «ҳаром ишдан ким барака топган... бир кун бориб барибир тешиб чиқади» дея яна ўзидан мамнун бўлиб қўяди...

7

Эртаси ҳеч ким ҳеч нарса демаса ҳам ўзидан-ўзи Тошмаматнинг юрағи ҳовриқиб кетарди. Худди Исмоилов, Исломхўжаевлар «изга солиб юборган» терговчилар кутилмаганда бу ерга ҳам кириб келадигандай, эшикни очган ҳар бир одамга хавотирланиб қарай бошлади. Охири бўлмади: бош врачга кириб, баҳона кўрсатавериб, ўз хоҳишимча кетяпман, деган тилхат ёзиб бериб, шифохонадан муддатидан олдин чиқишга розилик олди.

Ашқол-дашқолларини қўлтиқлаганча район марказига борди. Қишлоққа қатнайди-ган автобусни кута бошлади. Чўл томондан шамол эсяпти, бир оз кўчада турса, одам совуқ қотади...

Тошмамат автобусга ўтирганда ҳам хижили ёзилмади.

Исмоиловнинг табиатан номардлиги, ғаламислиги, ўз фойдасини деб ҳар нарсадан ҳам тоймаслигини ўйлади-ю, алам билан юзини четга, автобус деразаси томон буриб олди. Тошмамат бригадир бўлиб колхоз фаоллари ичига кириб, Исмоиловни яқиндан кўзатаркан, унинг феъли-атворини тезда билиб олди. Исмоилов ҳар бир нарсани, ҳатто энг майда масалаларни ҳам сиртдан қараганда кўпчилик билан баҳамжиҳат ҳал этаётгандай, аввал кўпчилик ҳукмига ташлаётгандай йўл тутуди-ю, аммо ўз фикридан бошқасини барибир менсимайди. Қандай бўлмасин унинг фикрини ҳамма бир овоздан қўллаб-қувватлаши, маъқуллаши керак. У шунга ўрганган. Ҳатто арзимас «таҳрир» ҳам энсасини қотириб, «гап қайтарган»ни узиб олади. «Йўқ» деган одам эса балога қолади. Яхшиси, «хўп, сизники маъқул» деса, олам гулистон. Еки бошини ерга эгиб индамай ўтириши керак. Шунда Исмоиловнинг валломатлиги тутиб кетади. Эртаси ҳатто ўша дакки еганни ўзи чақириб, «хафа бўлмадингми, қизим сенга айтаман — келиним сен эшит деб, кўпчилик ичида бир туртиб ўтдим-да» дея юпатиб ҳам қўяди...

Аввалги йили эди шекилли, Тошмамат бир гал барибир ўзини тутолмади. Ёнидаги шериги тиззасини босиб «э, қўйинг, индаманг, ютасиз» деб шивирласа ҳам, жазаваси тутиб ўрнидан турди ўшанда:

— Турдидой ака, мен сизнинг югурдагингизманми? Нега бақирасиз? Кўсак очилмаса, тагидан ўт ёқайми?! Жуда қизиқсиз-а!

Исмоилов Тошмаматга ер остидан ўқрайиб қаради ва ажабланган оҳангда:

— Тилингиз чиқиб қоптими, укам? — деди ва негадир ўтирганларга бир-бир кўз югуртди. У сизсираб гапира бошладими, бу илондай чақаётгани эди. — Ишни дўндириб қўйсангиз ҳам майли эди. Нега қизиқ бўларканман? Кўрқоқ олдин мушт кўтаргани қизиқ эмасми?

— Жонимга тегди шу биргадлингиз! Бир гапириб қўймайсиз, икки гапириб қўймайсиз. Далада ухлаб қоляпман-ку! Пахта пишмаса, мен нима қилай?!

— Сизга иш эмас, гап, баҳона керак!

— Э, олинг, шу биргадлингизни! Тўйдим! Шусиз ҳам куним ўтар!

Атрофдагилар «ҳай, ҳай, Тошмамат, уят, уят-э, енгиллик қилманг, сиз ёшсиз» деб уни ҳовридан туширмоқчи бўлишди. Исмоилов анчадан бери бундай муомалани кўрмаганиданми, аввалига бироз шошиб қолди. Шунда ҳам ўзини вазмин, сипо тутишга ури-ниб:

— Ҳа, тузук, ичингиз бунча тўлиб кетган экан, икковимиз алоҳида гаплашамиз, мажлисдан кейин... — деди совуққина. Сўнгра гап бошқа бригадаларга кўчди-ю, йиғилиш ту-гагунча Исмоилов барибир худди ўз азасида ўтиргандай қовоқ-тумшугини очмади...

Тошмамат билан Исмоилов икковлари танҳо қолишгач, раис папирос олиб чекди ва кутилмаганда столни уриб:

— Нима, менга зўрлик қилмоқчимисан?! — деди нафратдан тупуги отилиб. — Мен сенга Аъзам темирчи эмасман: ўйнатиб қўяман! Тегирмончининг бир ити бўларди илгари, бошини силасанг, қўлингни тишлайдиган!

— Оғзингизга қараб гапиринг, Турдидой ака! Ҳали итлик қилганимизча йўқ!

— Ҳа, ўтиб кетдими? Тўғри-да: ит тўйса қутуради!

- Оғзингизга қаранг деяпман!
- Бор, ишингни қил, ҳе, онангни... мен сенга Аъзам темирчи эмасман!
- Онадан сўкманг!
- Бор, ишингни қил!..

Тошмамат худди ток ургандай чайқалиб кетди; у Исмоиловдек кап-катта одамдан бундай гапни ва бундай коскиликни сира кутмаган эди. Етти йил бурун юз берган ўша дахшатли воқеа кейин ўртада бирон марта ҳам эсланмаган эди, тупроққа кўмилгандай ўчган-кетган эди. Энди шуни восита қилиб онани сўкишдан ҳам тоймаяпти-я! Аблаҳ!..

— Орқа-ўнгингга қараб юр, бойвачча! — Исмоилов ярим чекилган папиросини бурчакка итқитди. — Яхши гапни, муросани билмасанг, кўчага чиқиб ҳаммоллигингни қил! Ялинмайман! Бор, кетавер! Тўрт томонинг қибла! — деди яна оғзидан тупуги сачраб. — Менга пахта керак! Шунинг учун раисман мен! Далада тунайсанми, уйингда пар ёстиқда ётасанми — сенинг ишинг, менга пахта керак, гап шу!.. Бор, истаган жойингга бор!.. Қотил!..

Тошмамат азбаройи аччиқ устида бирон-бир гуноҳ қилиб қўймаслик учун, тилни тийиш учунгина раис кабинетидан отилиб чиқиб кетди. «Қандай мунофиқлик-а?! Ё, тавба! Қандай аблаҳлик! Етти йил бурунги фожиани бугун юзига солиб ўтирса-я?! Оғзининг шалоқлиги...»

У пайтлари Тошмамат механизатор эди. Нариги пайкалдан беригисига ўтаётиб, кўприкчада Аъзам темирчининг тўққиз яшар ўғли Нортожини бункери билан уриб юборди-ю, тезоқар бўтана сувда кўз очиб юмгунчалик вақт ичида ўша бахтсизлик юз берди. Тошмамат ҳалигача аниқ билмади: Нортожини бункер уриб юбордимми ёки четланаман деб ўзи тушиб кетдимми сувга?.. Бу фикр ҳанузгача юрагини қуртдай кемиради. Ҳар қалай мен уриб юбормаганман, дея кўпинча ўзига таскин берган бўлади... Нортожи ҳатто додлаёлмадиям, Тошмамат ҳай-ҳайлаб тракторидан тушгунча бола пақир шаршарадан паства отилиб, кейин одам бўйи келадиган кенгликдаги қувур ичига кириб кетди. Бу мудҳиш ҳодисанинг бирдан-бир гувоҳи — Нортожининг синфдоши, Исмоиловнинг кенжа ўғли Ҳосилбек эди. Тошмамат юраги чиқиб, жон ҳолатда у ёқдан-бу ёққа югуради. Тол шохини синдириб олган, ўзича қувурга кириб кетган Нортожини қутқармоқчи бўлса керак... Кейин бир зумда яна ҳамма ёқ тинчиди-қолди. Бўтана сув кўпириб оқяпти... Ўша дахшатли жимжитликни Тошмамат ҳали ҳам бугунгидек эслайди, эсласа юраги увишади... Бир чеккада тахтадай қотиб турган Ҳосилбек суратдек оқариб, тили калимага келмайди. Охири Тошмамат Ҳосилбекни етаклади-ю, тўппа-тўғри Исмоиловга борди, ҳамма гапни айтди. Исмоилов ҳам кўрқиб кетганидан ўғлини қучоқлаб олди. Сўнгра ўйлаб-ўйлаб гапни бир жойга қўйишди-ю, райондан одам чақирди. Ярим кунда мурда ҳам топилди: қувурдан ўтиб анча паства оқиб борган, дарё ичидан туртиб чиққан қари тол илдизидеа илиниб ётган экан (оқариб кўринган кўйлагидан билиб қолишди). Исмоилов воқеани ҳатто марҳумнинг отаси Аъзам темирчидан ҳам яширди. «Сув ичаман деб тушиб кетибди» деган гап тарқатишди. Бу ёқда тоза Ҳосилбекнинг оғзини пишиқлашди. Бировнинг гуноҳини ўзига олиш нақадар оғирлигига қарамай, Исмоилов азбаройи «ҳаммаси мен айтгандай бўлади» дейишга ва шундай йўл тутишга одатлангани учун ҳам ҳатто юраги қилт этмай шу ишни қилаверди. Кейин кимдир марказга имзосиз хат ёзиб, «Нортожи ўзи оқмаган, бу — қотиллик» деган тўполон ҳам бошланди. Яна бирикки ҳафта милиция, терговчилар чиқиб юришди. Аммо Исмоилов ҳаммасини босди-босди қилиб юборди...

Орадан етти йил ўтиб, энди Тошмаматга ўзи дўқ қиялпти-я! Айниқса у кўчага чиққанидан сўнг баттар ваҳимга тушди: «Айтиб қўйса-я?! Бекор олишдим, тилимни тийсам ўлармидим?..» Тошмамат ярим йўлга борганда яна изига қайтди. «Исмоиловдан кечирим сўрайман» деб ўйлади. Ҳансираб шоша-пиша етиб келса, Исмоилов кетиб бўлган экан. Қоронғида туртина-суртина раиснинг уйига борди. Исмоилов уйда ҳам йўқ эди... Хуллас, Тошмаматнинг ўша арзимас «исёни» ҳам ўтмаган эди, оғзидан чиқмасданоқ ёқасига ёпиштиришди, тоза адабини еди. Ўзи бу дунёда бирон нарсани, бирон одат, бирон тартибни ўзгартиришдан мушқули йўқ...

Автобус қаттиқ силкиниб Тошмамат уйқудан уйғонгандай бўлди. Чиндан ҳам у уйғонди, хаёл дунёсидан бирдан бугунги кунга қайтиб тушди. Бугунги кун эса ғоят аянчли эди. Яна кўнглини ғашлик эгаллади. Шунча олган уқоллари, дори-дармонлари бир пул бўлгандай танасида яна мажруҳлик сезди. Боя автобус пойлаганида бироз совуқ ўтган шекилли, уч-тўрт марта кетма-кет аксирди. Ёнидаги нотаниш одамдан кечирим сўради ва янаям ойнага яқинроқ сурилиб ўтирди... Истаса-истамаса хаёли тагин Исмоиловга кўчди. У айёр тулки, илоннинг ёғини ялаган одам, Тошмаматниям аста-секин, киши билмас этини ўлдириб борган экан. Ахир, тўғридан-тўғри пункт мудирига рўпара қилавермади-ку уни! Ҳу, ўша кабинетига чақирганда ҳам, аввалига у ёқ-бу ёқдан қанча гап айлангирди у. Кейин тўсатдан:

- Газетани ўқидингизми? — деди Тошмаматга қараб.
- Йўқ... — Тошмамат «нима бало, бизни танқид қилишибдимми» дея юраги увишди.
- Уқинг. Хоразмдаги бир районни тоза мақташибди... — Тошмамат раиснинг шу

гапидан кейин ошкоро энтикиб қўйди. — Марказқўм битта бригада тажрибасини маъқуллабди-я! Уқиб кўринг, биласиз. 50 центнердан олишармиш. Сизнинг улардан кам жойингиз борми? Айбингиз — тўғрилигингиз, холос. — Исмоилов афсусли бир қиёфада кулди. — Э-э-э, битта ошни ундай қилиб сузса ҳам бўлади, бундай қилиб сузса ҳам бўлади. У биз, ишимизни кўрсатолмаймиз, ана, бизнинг хатойимиз!

Тошмамат яна дашномга қолишини билганидан индамай тиззасига эгилди. Ҳақиқатан, гектаридан эллик центнердан пахта-я? Тошмамат ўлсаям бунга ишонмайди! Аммо газеталар-у, радио-телевидениеда, республика катталарининг оғзида туну-кун ўша эллик центнерчилар! Кейин ўзингга ҳам ишонмай, «бўлса бордир» деб иккиланиб қоласан. Мирзачўллик марҳум Ғанишер полвон ҳам ўзи эллик центнерчи бўла туриб, кайф устида шаҳардан келган бир вакилга «э, ука, гектаридан элликдан олиш учун ерга тизза бўйи пахта ёйиб чиқишингиз керак, хўш, қаерда кўргансиз буни» дея юрагини ёрган экан. Буни Тошмамат аллакимдан ҳам эшитган эди...

— Йўқ, бунақаси кетмайди! Қачонгача аҳмоқ бўлиб қолаверамиз, ишимизни кўрсатишимиз керак биз ҳам!

Исмоилов шундай деб Тошмаматга босим тикилди. У раиснинг нима демоқчилигини унча англамаганидан «тўғри айтдингиз» маъносиде бош силкиб қўйди. Исмоилов бу ёғига одатдаги гапини такрорлади:

— Ўзингиз бошида тулинг, ука, ҳеч кимга ишонманг. Ярим прицеп бўлса ҳам далада ётмасин, саҳарга қолсангиз ҳам ўтказдиринг, шу бугунги ҳисобга кирсин. Райком, обком деганлари ҳол-жонимга қўйишмаяпти. Ўзингиз бошида бўлинг.

Исмоилов — сирли сандиқ; ичида нима бор — билиш қийин. Бамисоли симоб, кейинги дақиқада қасқақ думалашини қани топ-чи? Тополмайсан. Ушлолмайсан. Ҳар қалай бугунги ширинсуханлигида ҳам гап бор, лекин мақсадини, нима демоқчилигини айтмади, кейин айтади. Тошмамат кутиши керак. Тошмаматни ҳозиргача бўлган гаплар учун чақирмагани аниқ. Кутиши керак.

Тошмамат шундай хаёл билан унинг кабинетидан чиқаркан, анча йўлгача ҳар хил тахминларни ўйлаб борди. Исмоилов эса Тошмамат ёпган эшикка хаёлпаршон тикилиб турди-ю, ҳў бирда кўпчилик ичида қилган нонкўрлигини, бетгачопарлигини эслади. «Биргадлингизни олинг» эмиш. «Ҳе, сени! Нима, осонгина қочиб қутулмоқчимисан? Қочиб бўпсан! Бир мен жавоб бераманми?! Жарақ-жарақ пул санаб олаётганингда бригадирлик аҳши-ю, оғирчилиги келганда қочасанми? Тушингни сувга айт, дўстим! Мен сен ўйлаган аҳмоқлардан эмасман! Кемасига тушгансан, энди ўлгунча бирга сузамиз, чўксак, бирга чўкамиз...»

Авваллари Исмоилов пахта планидаги а н о в и олди-сотдиларни иложи борича камроқ одам билгани маъқул, деган фикрда юрарди. Тошмаматга ўхшаш тили бўш, қизиқ-қон, юраги йўқ бригадирларга унча ишиям тушмасди. Энди эса бирдан қасосли кун ҳам албатта келишини сезиб қолдими, бу «иш»га кўпроқ одамларни «боғлаб» олишга, «қўшиб» қўйишга урина бошлади... Тошмаматни Исмоилов дабдурустан пункт мудирини Янгибоев билан таништирганининг сабаби ҳам шунда эди. Тўсатдан бир кун Исмоилов уни «боғ»ига чақириб қолди. Тошмамат нимадир муҳим гап бўлишини сезиб, шошилиб раиснинг «ҳарам»ига етиб борди. Тошмамат аслида Исмоиловнинг у боғи эрамда яшаганини бирон марта ҳам эшитиб ёки кўрмаган, лекин халқ орасида у жой негадир «ҳарам» деб аталиб кетган. Садақайрағочлар орасига яширинган бу хилватгоҳга шу қишлоқда катта бўлиб Тошмамат бирон марта ҳам аввал кирмаган экан. Оғир темир дарвозадан ичкарига ўтиши билан бу ернинг ниҳоятда салқинлигига ажабланди. Кираверишда почтачи, уруш ветерани Қоровой бувага дуч келиб, у билан қуюқ сўрашди. Қоровой бува бир қўли йўқ, етмишларга борган, аммо ҳалиям велосипедни шунақанги учирадики, ҳамма орқасидан бош чайқаб, кулиб қолади. Тошмамат унга йўл бериб, боғ ичкарисига қараб юрди. Йўлканнинг икки чети гулзор, чап томондаги настарин бутаси ортида тўрт кишилик айвонча кўзга ташланяпти. Сал нарироқда мармар фаввора, ҳовуз. Бурчак-бурчакдаги одам бўйи баландликдаги электр лампалар негадир ҳалитданоқ ёқиб қўйилган. Боғ тўрида ойнаванд теплицани, унинг ёнида икки қаватли иморат...

Тошмамат кириб борса, Исмоилов азим туп садақайрағоч остига қўйилган чорпоёда оёқ осилтириб ўтирганча, чой ичиб, узун супургида йўлка юзини териб-териб олаётган қоровул чол билан нима ҳақдадир қизғин гаплашишяпти:

— Сахийлик ҳам тағида бор, қўли очик одамдан чиқади. Битта-битта топиб бой бўлган бор-ку, э, худо ўшанисидан асрасин, ундан зикнаси йўқ, бир нарса сўрасанг, жон-пони чиқиб кетади...

Чол «тўғри, тўғри» дегандай бош ўйнатиб, раиснинг гапига қиқ-қиқлаб кулди. Исмоиловнинг ёнида колхоз бухгалтерини; у гуручнинг тошини териб ўтирибди. Ёнғоқ тағидаги ўриндиқда эса кассир ястаниб олган: газета ўқияпти. Исмоилов бухгалтер билан кассир икковини иложи бўлса бир қадам ҳам нари жилдирмайди, соясидек бирга олиб юради. Ҳатто правление икки қаватли ҳозирги янги бинога кўчиб ўтганда ҳам Исмоилов уларни ўзидан узоқлаштиради. Иккинчи қаватда уч-тўртта хона бўш ётса ҳам, уларни ўз хонаси биқинидаги кичик бир каталакка тиқиб қўйди, бухгалтернинг телефонидан ҳатто параллел аппарат ҳам ўрнатиб олган...

Раис Тошмаматга «мана бу ерга чиқ» дегандай ёнидан жой кўрсатди. Тошмамат қоровул чол билан, бухгалтер, кассир билан кўришиб, раис кўрсатган жойга бориб ўтирди, у узатган чойни олди.

— Мановини қара! — деди Исмоилов, деярли ғижимлаб ташланган газетани Тошмаматга узатиб. Кейин бирдан тутоқиб кетди: — «Рахит болалар кўп» эмиш! — У қўлидаги газетани зўғум билан силкитди. — Ҳе, сендақа ойимча қўлларни... Зўр бўлсанг, ана, катталар билан гаплаш! Дорини мен эмас, улар буюришади сепишга... «Ёрдамчи студентларга шароит йўқ» эмиш! Ҳаммалари лойга ботиб ётганмиш! Ҳе, мирзақуруқ!

Исмоилов Тошмаматга «ўқиб кўр» дегандай имо қилди. Тошмамат иккинчи бетдаги «Пахтакорнинг қўли олтин бўлса...» деган мақолага кўзи тушди. Раис эса ҳамон тутаяқар эди:

— Мана шундай сиёсий хато келиб-келиб обком газетасида чиқибди! Ҳозирги долларб кунда тагин! Эртага бир пўстакларини қоқай. Пахта деб, ҳозир бурнимиздан қон келай деяпти-ю ўзи! Одамларнинг кўнглига ифво солиб! Онасидан туғилганига минг-минг пушмон ейди ҳали!..

Шу пайт дарвоза томондан ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилди. Раис чаққон ўрнидан туриб, Тошмаматга юзланганча «ўша» деб қўйди. Тошмамат ҳеч нарса тушунмади. Бухгалтер иморат томонга йўналди. Ҳа, ана, раис кутган меҳмон қорнини мечкайдай қилиб кириб келди. У аввал Исмоилов билан, сўнг кассир, кейин бир чеккада қўл қовуштириб турган қоровул билан, охирида Тошмамат билан кўришди. Тошмамат уни дарров таниди: пахта пункти мудир.

— Янгибоев укамиз... — деди Исмоилов уни Тошмаматга таништирган бўлиб. — Бу киши эса Тошмамат укамиз, қолоқ биргадимиз шу...

Кулишди. Янгибоев Исмоиловга қийғир қараш қилиб:

— Хўш, ака, қанча пахта керак экан шу қолоқ укангизга? — дея чапаниликка ўтди.

Тошмамат раисга қаради. У «тортинма, айтавер» дегандай бош силкиди ва кейинги дақиқада Тошмамат учун ўзи жавоб берди:

— Йигирма саккиз тонна... Шундайми, Тошмаматвой?

— Нима? Йигирма саккиз тонна? Эҳ-ҳа! Бўпти! — Мудир ўтирган жойида сонига бир урди. — Турғунбой ака, бир минутга кирдим, иш зиқ, ўша гап — гап. Бу кишиникини, бошқаларникини, колхоз бўйича ҳисоб-китоб қилинлар-да... Одамларингиз пишиқми, ахир? Бу ёғи бизнинг гарданда.

Мудирнинг Тошмаматни менсимай гапириши бирдан унга алам қилиб кетди ва шу аснодан бошлаб ичида уни ёмон кўрди. Хў, бирда тоққа сайилга чиқишганда ҳам унга ёвқараш қилиб ўтирганининг боиси шундан эди...

Янгибоев раис билан гаплари илгаритдан пишган шекилли, сал ўтмай ўрнидан турди, «ўтиринг, бир отамлашайлик» деган илтимосга ҳам кўнмади, садақайрағоч тагидаги стол устида турган қатор шишаларга кўз ташлаб, «э, бу таги пуч дунёда маишатдан бўлак нима қолди ўзи» дея фалсафа сотди-ю, аммо бошини чайқади, «қувурни беркитиб ташлаганимизга ҳам бир йилдан ошди» деб кулди. Ҳамма билан яна бир-бир хайрлашди. Раис Тошмаматга «сиз ўтира туринг» деган ишорани қилди-ю, ўзи елвиллаб пункт мудирини кузатгани чиқди. Тошмамат Исмоиловнинг ҳозир Янгибоев олдида ўзини қандайдир тобе тутишига бироз ажабланди. Қани унинг манманлиги, тарс-турс гапиришлари қаёққа кетди бирдан? Тавба-а, худди у Исмоилов эмас, Исмоиловнинг қандайдир астарига ўхшайди. Манови пулдорлар шундай ғўдайган одамниям букиб қўйишади-я?!

Ташқарида «УАЗ» машинаси гувуллаб ўт олди. Раис билан мудирнинг хайр-хўшлашгани эшитилди. Исмоилов кайфи чоғ қайтиб кирди-ю, бир зум Тошмаматга кулимсираб тикилиб турди, бутун қиёфасидан «қойилмисан» деган маънони ўқиб мумкин эди. «Мундай ўтир, гап бор» деди Тошмаматнинг елкасига қўлини қўйиб.

— Ислохўжаевнинг ўзлари ёрдам беряптилар, — деди ҳамон оғзининг танобини йиғиштиролма. — Об-ҳаво чатоқ келса, бизда айбми? Ун кун ичида колхозимиз эсаномон планни тўлғазади, сизнинг биргадангиз ҳам. Ҳаммаси законно! Фақат одамларнинг оғзи ёт бўлишимиз керак. Ведомост тузиб, яхшилаб қўл қўйдириб оласиз. Тушунтиринг. Бу йилнинг оғирлигини айтинг. Янаги йил ҳиссасини чиқариб юборамиз, чўнтак қаппаймаса, унча хафа бўлишмасин бу йил...

Тошмамат ўйланиб қолди. Биринчи бундай ҳолга тушиши эди. Нима дейиши мумкин? Айниқса манови Исмоиловга? Лекин шунда ҳам кўнглидаги шубҳасини юмшатиброқ гапиришга уриниб кўрди:

— Турдибой ака, ишкали чиқмасмикин ишқилиб? Давлатни биласиз-ку, орқаси кенг — олди тор, бир тийинга одам йўқ бўлиб кетиши мумкин...

Исмоиловнинг бирдан қовоғи уйилди. Унга Тошмаматнинг эътирозидан ҳам кўра, ўзига у ишонмай қараётгани кўпроқ алам қилди, ёқмади. Айни пайтда Тошмаматнинг мана шу эътирози вақти келиб Исмоиловга қарши қурол сифатида ҳам ишлатилиши мумкин. Шу сабабли Тошмаматнинг хавотири ҳатто аҳамият беришга ҳам арзимайдиган гаплигини кўрсатмоқчи бўлиб:

— Биз сизни шу ишга кўтарганимизда адашмаганмиз деб ўйлагандик, — деди Исмоилов, аллақандай шаъма оҳангида. Кейин яна қовоғини уйиб олди. Тошмамат пинагини

ҳам бузмади. Чунки Исмоилов сиртида жуда диққат бўлиб кетгандай кўринса ҳам аслида бу унинг сохта қиёфаси эди, у ичида нимадир бошқа нарсани ўйлаб турарди. Тошмамат буни сув қилиб ичиб юборган.

— Унда, марҳамат, планингизни бажаринг! — деди Исмоилов охири, Тошмаматдан садо чиқавермагач. — Намунча жонингиз ширин бўлмаса? Битта бизми шундай қилаётган? Бу ишни тепадагиларнинг ўзлари айтишяпти-ку?! Ўлиб қолсак ҳам рапорт беришимиз керак, вассалом!..

Тошмамат елкасини қисди ва йигирма саккиз тонна пахта бир оғиз сўз билан давлат хирмониға «тушиб қолиши»дан азбаройи ҳайратланиб кетгани учунми:

— Қинғир иш қирқ йилда ҳам билинади, — дея тўнгиллади этакдаги парник ойналарига тушаётган сўнги куёш нурларига тикилиб. — Бола-чақам бор, юрагим чопма-япти, ака, шу ишга.

— Бола-чақа битта сиздами? Нима, менинг жавобгарлигим сизникидан камми? Наоборот, юз чандон кўп! Нима қилайлик, илож йўқ. Э, бардам бўлинг-е, мениям кўрқитиб юбордингиз. Йигитмисиз ўзи?! Ошиғи олчиларни ким яхши кўрган ўзи?! Кўролмайдиди ҳеч бири! Бу ёғини бизга қўйиб беринг. Ахир раҳбарларнинг жони ўнтамасдир?! Ушалардан чиқяпти-ку бу йўл-йўриқ. Э, кўрқманг! Мана, биз бор. Нима, сиз ўйлайсизки, Исломуҳжаев анойи одамми? Хавфни ўн километрдан сезадиган тулки у! Ишкали чиқадиган ишга яқин йўламайдиди. Юрагингизга балли-е! Боринг, одамларингизнинг этини ўлдираверинг! Катта суммага қўл қўйишиб, ўзларича жириллаб юришмасин. Йўқ пахтага пул ҳам йўқ-да. Айтинг, бир йил чидашсин. Бизгаям бир тийини тегмайди, ҳаммасини қайтариб берамиз...

Тошмаматнинг кўз ўнгиға бирдан Закия келди. Бошқа биронтаси ғиқ этмаган тақдирда ҳам у албатта жанжал чиқаради. Қизиқ, бир томони биргадирсан, ўзингга ярашир хўжайинсан, ҳамма нарсаға қурбинг етгандай кўринасан. Аммо бир-иккита мана шунақанги жанжалкашларға дуч келганингда тилингни тшлаб қоласан. Юрагинг такапука бўлиб, бир нарса демаса гўрға эди, дея қалтираб турасан. Бир тилинг қисилдими, кейин бутун умр дахшатда юрасан, ўз ваҳимангға қўлсан... Манови насиҳатбоз-у, бировға ақл ўргатишға суяғи йўқ, аммо эшитишға ўзи бетоқат; унга биров фойдасини гапирса ҳам бирдан юрағи сиқилиб кетади. Шуларни ўйларкан, Тошмамат:

— Анови Закиялар... — дея чайналди.

— Гапираверинг! Битта шу манжалақиға кучимиз етмайдими?! — Исмоилов шундай деб, Исломуҳжаевнинг бир галги гапини қайтарди. Лекин ичида «ҳа, у ҳали анча овора қилиши мумкин бизни» дея ўйлади. — ЦҚаға ёзса обкомға юборишади, обком райкомға. Зўр келса, Исломуҳжаев яна бир майна қилади-да бизни. Бошқа иложимиз йўқ.

Охири Тошмамат ҳам кўнди:

— Қанчаға ведомость тўлғазайлик?

Исмоилов бирдан жонланиб:

— Йигирма саккиз тонна дедингизми? Ҳа, боринг, ана, ўттиз тоннаға тўлғазинглар, килоси ўттиз тийиндан, — деди ва бироз сукут сақлади. — Э, фойдаланиб қолсак-чи, Исломуҳжаев ўзи қиёбда турганда. — Исмоилов Тошмаматнинг ёниға келди, яна елкасига қўлҳини қўйиб, кўз қорачиқларини синчиклаётгандай қаттиқ тикилди. Тошмамат раиснинг қув кўзларига қараркан, ичида ижирғаниб, унинг ҳозирги самимиятиға баттар ишонмади.

Исмоилов иш битганиға суюнганидан кафтларини бир-бириға ишқаб, «ҳой, у-бу нарсаларинг борми» деб қичқирди, боядан бери икки қаватли иморат подвалада ивирсиланаётган икки-уч кишиға қараб. Подвал эшиғи кетма-кет очилиб-ёпилди, бир зумда ёқимли ачимсиқ ҳид шу ерға ҳам етиб келди; ҳойнаҳой қарам тузлаётган бўлсалар керак...

Уш куни раис Тошмаматға қоқ ярим кечада жавоб берди; ҳатто уйиға машинасида ташлаб ҳам ўтди. Йўлда алжигани-чи унинг:

— Ҳей, хомкалла, омадни ҳайдаманг сира! Неға ҳайдайсиз? Бир умр муҳтожликда юрасиз-а кейин? Давлати, пули бор одам номардларға хор бўлмайди. Э-э, пулға ҳозир ҳамма нарсани сотиб оласиз: ор, номус, виждонни ҳам... Пул дегани-чи, амалдан қучли. Худоға шукур, ҳозир ҳуснға қарайдиган замон эмас, ўзингни, пулингни аямасанг, маза қилаверасан. Пул бўлмаса ёмон. Бурнингға қўлингни тикиб ўтираверасан. Одамлар зумда қочиб кетади, яна бунинг устиға пулинг бўлмаса...

Шу ерда у йиққан пуллари билан мақтанмоқчи ҳам бўлди-ю, лекин кайфлиғиға қарамай барибир тилини тийди. У минг-мингларни очиқ ишлатолмаслигини билса ҳам, аммо яшириб қўйган жойидан ўтаётганда ҳар гал юрағи қалқиб тушади, бамисоли қушдай сезади ўзини. У пуллари — белининг қуввати, ҳамма, ҳатто бутун дунё юз ўғириб кетганда ҳам уни ўша пуллари омон сақлаб қолади...

— Раҳмат, иним, Тошматвой. Яхшиям сўкиб, ичимни бўшатиб туришға сизлар, сиз биргадлар борсизлар. Раҳмат! — деди у гандираклаганча Тошмаматнинг елкасига бошини ташлаб. Мастлик — ростлик дегандай ҳў бирда кабинетида Тошмаматни онасидан

олиб сўкканини эслади чоғи, энди ҳозир кайфчиликда кўнгли эриб, ўзича уни юпата-ётгани бўлса керак...

Тошмамат Санобарнинг кўмагида зўрға ўринга кириб ётди-ю, икки соатча тошдай қотиб ухлади, кейин то эрталабгача нуқул яхна чой симириб чиқди.

Эрталаб худди биров эзиб ташлагандай аранг ўрнидан турди-ю, ўзидан-ўзи:

— Шармандалик! — деб қўйди жаҳл билан. Санобар ҳайрон бўлганча:

— Дадаси, тинчликми? — деди ютиниб.

Тошмамат ҳам ўз навбатида Санобарга ҳайратланиб тикилди ва: «Э, бор, ишингни қил» дегандай қўл силтади. Санобар яна нимадир демоқчи эди, аммо Тошмамат:

— Э, қўясанми-қўймайсанми?! Сен кам эдинг ўзи!.. — деб бақириб берди.

Шу жаҳл билан далага борди...

Тушлик пайтида ҳамма шийпонга йиғилганда бригада ҳисобчиси Ҳикмат чиноқ ведомостларни Тошмамат айтгандай тахт қилиб қўйган эди. Қор ёғмаса ҳам эрталаб қалин шудринг тушган, осмон булутсиз, аммо даладан этни жунжиқтирадиган совуқ ҳовур кўтарилиб турарди. Шу сабабли бригада аъзолари катта хона ўртасидаги темир печкага яқинроқ ўтиришга уриниб, бир-бирларига суюянишиб, қунишиб олишган эди.

Тошмамат бригада аъзоларига қараб туриб юраги увишди. Ҳаммасининг ўзига яраша ташвиши, режаси бор. Бири болаларининг устига, оёғига олиши керак, бири қизини чиқариши, бири қарзини тўлаши... хуллас, улар йиллик ҳисоботга катта умид боғлаганлари учун ҳам эртаю-кеч тиним билмай меҳнат қилишади. Аммо аҳвол эса бу... Тошмамат ўзини шу одамлар олдида қаттиқ айбдор ҳис этди. Чиндан ҳам кўпчиликка бош бўлишинг, уларнинг оғири, энгилени ўз зимманга олишинг мушкул иш экан. Аввалги ишида яхши эди, трактори, пахта териш машинасини тариллатиб юраверарди. Яна бунинг устига тили бир қарич! Ҳозир эса кўпчиликнинг юзига қараёлмайди. Бу ҳам етмагандай энди Исмоиловнинг манови найранги! Қандай қилиб, қайси юз билан айтади одамларга уни! Э-э, эгрилик босиб кетган экан ўзи бу дунёни! Фиқ этолмайсан-а! Мажбурсан!..

Тошмамат Ҳикмат чиноқ узатган ведомостларни олди-да, негадир бурчакда ўтирган Закияга қараб қўйди. Закия узун, гулли чит қўйлаги устидан фуфайки кийиб, бошига эски жун рўмол ўраган, оёғида кирза этик, мис товоғини тиззасига қўйиб макарон шўрвасини хўриллатиб ичиб ўтирибди. У Тошмамат ўзига қарагани ва ҳозир у одамларга нимадир демоқчилигини сизди ва овқатини ерга қўйди.

— Сизлар билан маセラатлашадиган бир гап бор ўртада... — деди Тошмамат оғир хўрсиниб. У ҳамон қоғоздан кўзини узолмас эди. — Кеча райондан айтишибди, эртаниндин қаттиқ совуқ тушармиш...

Ҳамма жим. Тошмамат бригада аъзоларига бир-бир қараб чиқди:

— Райондаги раҳбарлар нима бўлса ҳам планни тўлдирасизлар, дейишяпти... Кимдир истеҳзоли кулди. Кейин хонани шовқин босди:

— Айтишга осон!

— Бели оғриманган дўкай гапираверади-да!

— Оғзини тўлатиб!

— Айтинг, ўзлари теришсин! — Бу Закиянинг овози эди.

Тошмамат унга қараб негадир маънисиз жилмайди. Закия ҳам «ҳа, шунақа» дегандай кулиб қўйди. Яна ғала-ғовур бошланди. Тошмамат қўл ишораси билан «бас, бас» деган маънони билдирди. Барибир гапиролмай турди, сохта ведомостларга қўл қўйиш масаласини сира бошлаёлмас, фикри шунга тақалганда тили калимага келмас эди. Бригада аъзолари эса ҳайрон. Тошмамат охири шундай деди:

— Аҳволимиз бу. Сизларам обдан қийналиб кетдинглар. Нима қиламиз энди? Планни бажаролмасак, авансларимиз ҳам қарзга айланади...

— Ишлапмиз-ку! — Закиянинг бу силташи бирдан одамларни сергаклантирди. Тошмаматга тикилиб қолишди.

— Бу йил бизга ёрдам беришмоқчи... — деди Тошмамат деярли ялинган оҳангда. — План тўлди деб ҳисоблашади, расмийлаштиришади. Биз манови ведомостларга қўл қўйиб беришимиз керак...

— Қандай ведомость? — Закия ўрнидан турди. Тошмамат негадир қўлидаги ведомостларни Ҳикмат чиноққа узатди. Закия келиб уларни ҳисобчидан олди-да, ўз фамилиясини излай бошлади. Охири топди, кўзлари ёнганча Тошмаматга юзланди. — Тошмаматжон, укам, қўйинг, сиз бу ишни қилманг. Бола-чақангиз бор. Бу минг-минглар, хўш, кимнинг чўнтагига тушиши керак? Халқнинг пули-ку бу?!

Тошмамат бирдан туюқиб кетди:

— Унда, ана қор остида тераверинг! Қарзга ботаверинг!

— Тераман! Ботаман! Аммо бу иш, биласизми, нима?!

Охири ўша ведомостларга битта Закиядан бошқа ҳамма қўл қўйди. Аммо кейин қанча тўполон ҳам бўлди ўртади. Закия Марказий Комитетгача ёзди. Худди Исмоилов айтганидек, унинг хатини марказдан обкомга йўллашди, обком эса райкомга туширди. Исломхўжаевада ҳал бўлди, хуллас. Ҳатто ўша гал Закияникига райкомнинг инструктори

келиб, бир кўрқитиб, бир ялиниб-ёлвориб, ишқилиб маълум вақтгача уни тинчитиб кетди...

Автобус зувиллаб қишлоққа кириб бораркан, Тошмамат шунча юз берган воқеаларни бир зумда кўз ўнгидан ўтказгандек бўлди. Вақтида у хўпам содда экан! Ҳаётда нимаики номаъқулчиликни учратса, «эх, шу ишларни раҳбарлар билишмайди-да, билишгандами» деган андиша келарди доим миясига. Мана, энди чуқурроқ бош қотириб кўрса, бундай ишлардан раҳбарлар кўпинча бохабар бўлишаркан. Лекин ўзларини билмаганга олиб, четдан туриб бошқаларни ишга солишаркан. Худди мушт кетди ўйинидек бутун найранглар-у, бутун ёлгонлар тепадан тушиб келавераркан секин-аста... «наҳотки ҳамма ерда шундай бўлса?! Кимни алдаяпмиз ўзи?! Майли, ана ҳозир, худди шу аснода бировни алдагандай, ўзимиз эса қутулиб кетаётгандай туюлар. Лекин сал нарига бориб, бу алдам-қалдамлар тобора кучайиб, кейин бир қайтишдаёқ тиғи-парронни ўзимизни куйдириб, кунфаякун қилиб кетмайдими, ахир?! Йўқ нарсанинг ўрнини тўлатиб бўлмайди-ку?! Ахир билинади-ку?!»

Баъзан Тошмамат Исмоиловни ёмонлаб қолади, «бутун иллат ўшанда» деб. Қани, бошлиқлар айтганини қилмай кўрсин-чи у ҳам? Катталар бошлаган ўша эгри ишлар кейин буларни баттар хуружга киритади: улар бирни қил деса, булар ўнни, юзни қилишади. Қарабсизки, салда ҳамма ишлар изидан чиқиб кетади. Номаъқулгарчиликларни тузатадиган мутасадди одамларнинг ўзика шундай бўлгандан сўнг, ўшаларки ёмон йўлга киргандан сўнг, хўш, бу чиркинликларни кейин ким тузатади?! Қандай қилиб тузатади?! Ҳамма бало балик бошидан сасишида...

Тошмамат чойхонага кириб, ҳамқишлоқлари билан ҳол-аҳвол сўрашди. Бир чойнак чой қақирди. Кўпчилик ҳатто унинг шифохонага тушганидан ҳам беҳабар экан, бир хиллари, Санобар айтгандек, «кўринмайсиз» деб ўсмоқчилагандек ҳам бўлишди. Тошмамат ҳорғин кулимсираганча чап кўкрагига қўлини босиб, «бироз ремонт қилдик» дея жавоб берди уларга. «Ие, ие, шунақа денг, беҳабар қолибмиз, узр, узр...» Гап орасида Қобил сартарош «Исломуҳжаев ҳам қамалибдими?» деб талмовсираб сўради. Тошмамат ғазабни зўрға босиб елкасини қисди, «билмадим, хабарим йўқ» деди совуққина қилиб...

Уйига қараб йўл олди. Дарвозадан кириши билан нақ юраги чиқиб кетаёзди. Шундоқ йўлакка қадам босса, ҳовлида бир милиционер турибди! Тошмаматни кўрмайди, ким биландир гаплашяпти. Тошмамат беихтиёр орқасига тисарилди, изига қайтиб, жуфтакни ростлашга ҳам сал қолди. Яхшиям вақтида таниди қайнисини! Аммо-лекин, ваҳимага тушган одам нималарни ўйламайди-я! Шаҳар милициясида ишлайдиган қайниси-ку ахир бу! Туф-е, туф-е! Кийиб келган кийимини қара-ю!..

— Поччанг ҳам бугун-эрта чиқиб қоларлар. Энди анча тузуқлар...

— Мана, биз шу ерда! — деди Тошмамат ҳазиллашган кўйи. Аммо тиззалари ҳамон бўшашиб, лаблари учиб турар эди.

Азамат югуриб бориб поччаси билан икки қўллаб кўришди; шифохонага ўтолмаганидан изза бўлиб қайта-қайта узр сўради. «Хизматчилик ҳам бор бўлсин» деб зорланиб қўйди. Санобар аллақандай соғинч ва интиқлик билан, кўзлари йилтиллаб эрига яқинлашди-ю, «яхши келдингизми» деди меҳри товланиб. Тошмамат ҳам хотинига тенгсиз бир яқинлик сездии ўзида шу аснода. Қайниси олдида ийманиб, Санобар билан ҳам қўл олишиб кўришди. Азамат узум зангига суянганча поччасига қараб кулимсирааркан:

— Тўйга айтиб келдим, почча, мана опам, болалар, ҳаммаларингиз борасиз, — деди. — Қаттиқ тайинлаб юборишди уйдан...

— Ҳмм, Зулхуморнинг навбати кепти-да? — деди Тошмамат университетда ўқийдиган кенжа қайнсинглисини кўз олдига келтириб. Ҳовли ўртасига қўйилган чорси кароватга омонат ўтирганча ботинка ипларини бўшата бошлади.

— Шунга айтинг, — Азамат поччасининг гапини қувватлади.

Яна жойига қайтиб, поччасининг ҳурмати учун, у ёқ-бу ёқдан бироз хангомалашиб ўтирди. Сўнгра «унда мен турдим» дея ўрнидан кўзғолди. Тошмамат қайнисини кўчагача кузатиб қиди-да, бир кўнгли заёмларни ҳозироқ бериб юбормоқчи ҳам бўлди-ю, лекин бу фикридан қайтди. Ҳовлига кириб келаркан:

— Кийимининг совуқлигини қара! — деди хотинига тўнғиллаб. — Айт, иккинчи бизникига мелиса кийимида келмасин.

— Ҳукумат берган пўрим, бинойидек ўзига ярашиб турибди, яна текинлигини айтинг, — деди Санобар ва бирдан «вой, сутим тошиб кетди» деганча ошхонага чопди. Тошмамат эса ҳозиргина хайрлашиб кетган қайнисини яна ўйларкан, «заёмларни энди тўй баҳонасида ташлаб қайтарман» деб кўнглига тугиб қўйди... Орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, Санобар бирдан ошхонадан туриб шанғиллади:

— Ҳа, эсимдан чиқай депти, сельсоветдан сўрашди сизни. Утган кунни. Учрашаркан-сиз.

— Ким?

— Танимадим. Бир ёш йигит келди.

Тошмамат аввалига «депутатсан деб яна бирон юмуш буюришадигандирда» деб ўйлади-ю, аммо кейин шундан ҳам хавотирга тушди...

Яна бир ойча ўтди. Янги йил ҳам кирди. Худди буюрилгандай байрам арафасида тизза бўйи қор ёғиб берди. Дарахтлар ерга эгилиб, бутун борлиқни ғалати жимжитлик қамради. Кейин икки кун изғирин шамол тинмай, кечалари қаҳратон совуқ турди. Ҳафтанинг охирига келиб эса, яна бирдан кун исиб кетди, қиши билан муз бўлиб ётадигандай кўринган қалин қор ҳам якшанбада бутунлай эриб, ҳатто ердан ҳовур кўтарила бошлади...

Тошмамат бугун бир ўзи (уйдагиларнинг бари ухлаб қолишди) телевизорда Москва программасини то охиригача кўрди. Унгача Санобар ҳам тикиш-бичишларини гиламга ёйиб, Шоҳистага деб кўрпа қағиб ўтирди. Эрига кўшилиб анча вақт телевизор кўрган бўлди. Ора-сира авра устида тиззалаб юриб, кўрпанинг чокларини тўғрилаб қўяди.

— Қудалардан ёлчидик, дадаси. Айниқса хотин қудам бирам очиқ аёлки...

— Э, чойинг музлади!

Санобар эски кўзойнаги устидан эрига синовчан тикилди-да, терсайиш ўрнига жилмайди. Чарчаб кўзлари юмилиб кетаётгани учун «ё, пирим-ей» деб ўрнидан турди, яна бироз телевизорга қараб қолди. Кейин «ёғи чиқадими, ётмайсизми» деб луқма ташлади-ю, ишини чала қолдириб, ухлагани кириб кетди. Тошмамат совиб қолган чойдан хўплаб, ҳамма программалар тугамагунча ҳам ўтираверди. Бурчакдаги печка чарсиллаб ёнапти, хона иссиқ. Тошмамат негадир ётгиси келмади. Исломуҳжаевни қамоққа олаётганларида у узум сўрисига ёпишгани ҳеч кўз ўнгида кетмайди. Яна бунинг устига сельсоветга кирганида ҳам юракни орқага тортирадиган гаплар бўлди фақат. Исмоилов Марказий Комитетдан чиқарилибди, партиядан ўчирилибди. Исломуҳжаев ҳам. Тошмаматгаём ётиғи билан айтишгани шекилли, «депутатлик ишларигаём кўлингиз тегмапти, майли, ариза ёзиб бера қолинг» дейишди дабдурустдан. Тошмаматга бу тоза наша қилиб кетди. Бор-йўғи қишлоқ советининг депутатлиги бўлса! Қачон қарасанг, мачитнинг ҳалимига ишлашдан бошқа нарса йўқ. Шу ҳам энди катта мартабадек, юзинг-кўзинг демай таъна қилинар экан, марҳамат, ҳозироқ ёзиб беради ўша арizasини. Ёзди... Ёзди-ю, кўчага чиқиши билан ёмон ваҳима босди. «Демак, иш чатоқ...»

Тошмамат ҳозир ҳам яна ўша ғалати, нохуш воқеани ўйлаб кўнгли хижил бўлди. Ташқарига чиқди. Дарвоза йўлагидаги чироқни ёқишмагани учун ҳовли зимистон. Кун анча совуқ. Қоронғи ҳовлида Шоҳистанинг сепига деб олиб келинган румин гарнитури ҳали яшиқлари очилмаганча ишқом тагини бутунлай эгаллаб, қора шарпа бўлиб турибди. Устига қалин қоғоз ёпиб қўйилган. Тошмамат ҳали пулини ҳам тўламади. Магазин мудир азза-базза райондан ўзи ортиб чиқибди, «мана, Тош ака, бизнинг тўнамаиз — икки машина фанер» деб ҳазиллашди. Юкни тушириб бўлишгач, Тошмамат хотинига қараб: «Ҳой, пулингни олиб чиқ» деган эди, магазин мудирининг валломатлиги тутиб, «қўйинг, қўйинг, сизнинг уйингизда қутулай шу пул санашдан, ундан кўра бир пиёла чой айтинг янгамларга, тоза томоқ қақраб кетди» деди йўталиб. Кейин: «Йўлингиз тушганда ташлаб ўтарсиз, нима, ёв келяптими? Ҳозир бир улфатимникига кетяпман, чўнтагимни қаппайтириб юрмай» деб қўшиб қўйди. Тошмамат «ҳа, майли» деди-ю, аммо магазинчининг мардлигига ичида қойил қолди... Ҳозир эса пулни бериб юбормаганига негадир афсусланди. Эртагаёқ ҳисоб-китобини тўғрилаб келиши керак... Ўзи шу: кўлингга сал мўмай пул туша бошладими, дарров атрофиндагилар ҳам сезиб олишаркан — бирдан қараб-санки — ҳамма сенга хизмат қилгиси, ҳожатингни чиқаргиси келиб қолади. Сен бўлсанг ўзингдан-ўзинг талтаяверсан...

Тошмамат йўлак чироғини ёқиб қўймоқчи бўлди. Зинадан тушиб, қоқилиб кетишдан кўрқиб эҳтиётлаб қадам ташлаб бораётган эди, кўчада аллақандай машина гувуллаб келди-да, қоқ дарвозалари тагида ғийқиллаб тўхтади. Кейин иккинчиси ҳам келиб тўхтагандай бўлди. Дўпир-дўпир қадам товушлари эшитилди, қандайдир сирли, паст овозлар қулоғига чалинди. Бегона хатти-ҳаракатни Йўлбарс ҳам сезиб, жон ҳолатда ақиллай бошлади. Қўшнининг ити унга «жўр» бўлди, кейин яна бошқаси... бир зумда маҳалла итларига жон кирди. Тошмамат юраги ўйноқлаганча нафасини ютиб ташқарига қулоқ сола бошлади. «Ким бўлиши мумкин? Рўпарадаги дастурхончи кампир оғир ётган эди, балки тезёрдам машинасидир?» Тошмаматнинг бор вужуди қулоққа айлангандек эди. Кўчада яна бир-икки дақиқа гўнғир-гўнғир, пичир-пичир овоз эшитилиб турди-да, кейин тўсатдан дарвоза қаттиқ дукурлади. Тошмамат бамисоли телбадай саросимага тушиб уйга югуриб кирди. Санобарнинг кўрпасини тортиди. Эндигина ширин уйқуни олган хотини беихтиёр яна кўрпага қўл чўзди.

— Тур, тур! Биров дарвозани тақиллатяпти! — Тошмаматнинг кўзлари нақ косасидан чиқиб кетаётган эди.

— Тақиллатса, очмайсизми? — Санобар уйқули нигоҳи билан эрига тикилди-ю, ранги ўзгариб, кўзи чақчайиб кетганини кўриб, шошилиб ўрнидан турди. Негадир токчада турган кафгирдек будильник соатга қараб қўйди. Қоронғи деразага энгашиб, ташқарига қулоқ солди. Йўлбарс тўхтовсиз ақиллапти. Шу пайт яна қоронғилик бағрини ёриб дарвоза тақиллади. Санобар ҳайрон бўлиб эрига тикилди. Унинг қиёфасида даҳшатми ёки «нега очмаяпсан» деган таънами, қандай ифода борлигини билиш қийин

эди. Шоша-пиша қалин пахмоқ халатини кийди, сочларини тўғрилаганча ташқарига йўналди. Тошмамат аввал унга «тўхта» деб шивирлади, лекин кейинги дақиқада «бор, оч» деб қўлини қўйиб юборди. Санобар ҳам энди бирдан даҳшатга тушди, вужудини титроқ босди. Исмоилов билан Исломхўжаевларнинг қамалиб ётгани ёдига тушди. Турган жойидан жиллолмай қолди. Дарвоза эса энди тош билан ураётгандай тарақлар эди... Тошмаматнинг боши айланиб, кўзи тинди; худди кўкрагига кимдир дағал панжаларини суқиб, бўйинини сиқиб келаётганга ўхшар эди. Шунда ҳам остонада дағ-дағ титраб турган хотинининг билагидан ушлаб маҳкам қисди. Санобар индамай ташқарига чиқди. Тошмамат ҳатто нафас олмай ҳовлига қулоқ солди. Ҳамон тун зулматини ёриб ит акиллапти, унинг кескир овози зимзиё бўшлиқда аллақандай жаранглаб эшитиларди. Бир-икки дақиқа тиниб турганда эса ҳамма ёқни жимжит, совуқ сукунат эгаллар, шунда Тошмамат ўзининг ҳансираб нафас олаётгани, юраги гупуллаб ураётганини сезиб қоларди...

Санобар зинадан тушиб, текис йўлда ҳам қоқилиб кетиб, бош бармоғини тошгами, узор сўрасигами шу қадар қаттиқ уриб олдики, оғриқ зўридан кўз олди жимирлашиб, ерга ўтириб қолди, бироз тўхтаб, нафасини ростлади. Кейин дарвоза йўлагига кўтарилди. Тошмамат секин дераза пардасини суриб, зимистон йўлакка тикилди. Чиқ этиб чироқ ёқилди.

— Ким?!

Қандайдир англаб бўлмайдиган овозлар эшитилди. Кейин дарвоза шарақлаб очилди-ю, бирдан ҳовлига уч-тўрт одам бостириб кирди. Тўхтовсиз вовуллаётган Йўлбарсга кимдир тош отди шекилли, у вангиллаганча оғил тарафга қочди. Санобар азбаройи кўрққанидан овози чиқмади.

Бу пайтда дарвоза дуқуридан болалари, Шоҳиста ҳам уйғониб кетиб, дадаларига ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Шоҳиста «ойим қани» дея йиғламсиради ва хавотир билан бўш ўринга кўз олайтирди. Мавлуда, Ботиржонлар Шоҳистанинг пинжига тикилиб олишди. Ташқарида эса ҳамон Йўлбарснинг бегона одамларга даф қилиб акиллаётгани эшитиларди. Тошмамат бирдан бўшашиб, гап нимадалигини тушунди-ю, ўзи ҳам ишонмаган ҳолда аллақандай хотиржам қиёфага кирди. У энди тақдирга тан берган эди. Болаларини бағрига босиб, ҳовлидагиларнинг уйга кириб келишини кута бошлади. Миясида эса нотайин, ноаниқ фикрлар чарх урар, вужуди бирпаснинг ўзида бўм-бўш бўлиб қолган эди...

Айвон эшиги кутилмаганда қарсиллаб очилди. Ёши элликлардан ошган, ола кўз, калладор бир майор кириб келди-да, Тошмаматни кўриб, бир неча дақиқа унга синовчан назар ташлаб турди. Кейин ён чўнтагидан буқланган сарғиш қоғоз чиқарди. Уйга пиқ-пиқ йиғлаганча Санобар ҳам кирди. Унинг ортида яна уч киши пайдо бўлди: иккитаси граждандан кийимида эди. Майор қоғозни очиб, Тошмаматнинг кўзига яқин келтирди-да, «республика прокуратурасининг санкцияси» деди ва орқада турган капитанга имо қилди. Капитан ҳовлидаёқ тайёрлаб олган шекилли, Тошмаматга яқин келиб, қулфи очилган кишанни билагига солмоқчи бўлди. Тошмамат бирдан саросимага тушди. Санобар дод деганча келиб ўзини эрининг кўкрагига ташлади. Шоҳиста ҳам, Мавлуда ҳам чувиллаб йиғлай бошлади. Ичкари уйдан ҳозиргина кўрқиб қочиб кириб кетган Ботиржоннинг йиғиси эшитилди. Тошмамат ҳамон саросимада, ўзини кишандан олиб қочди. Капитан эса яна устига бостириб борди ва қўлидан ушлаб, хўмрайганча кутиб турди. Уйдаги қий-қувни у мутлақо эшитмаётгандай эди. Тошмамат қўлини тортиб олди ва ўзича қаршилик кўрсатмоқчи бўлди:

— Нима бу зўравонлик?! Нима ҳақларинг бор?! Айбим йўқ менинг!..

У гоҳ майорга, гоҳ кишан тутиб турган капитанга ғазаб билан ўшқирарди.

— Сиз давлатга қарши оғир жиноят содир қилганликда айбланасиз. Мана ордер! — Майор яна бояғи қоғозни кўрсатди. — Қолган ишлар ҳаммаси терговда аниқланади. Қаршилик кўрсатиш мутлақо бефойда.

Шу гапдан сўнг боядан бери эшик тагида индамай турган граждандан кийимидаги анови икки йигит ҳам Тошмаматга яқинлашиб келди-да, унинг иккала қўлини маҳкам ушлади. Унг қўлидан олгани аввалага бир сесканиб тушди: чунки бундан етти йил бурун Тошмаматнинг жинжалоғини кўсақ чувийдиган машина узиб кетган эди. Граждандан кийимидаги йигит кўз қири билан ҳибсга олинувчининг жинжалоғига қараб қўйди-да, тирсагидан ушлаб қўлини буради. Майор эса Санобарни хиёл силтаб четга ўтказди ва:

— Барибир фойдаси йўқ, яхшиси буларни тинчлантиринг! — деди Тошмаматга ғазабнок тикилиб. — Ўзингизга дуруст бўлади шунда.

— Жим! — деди Тошмамат деярли бақириб. Кейинги дақиқада бу бақирғи ўзига эриш туюлди, бирдан шаштидан тушди. — Уртоқ майор, илтимос сиздан...

— Мендан илтимос қилманг!

— Ялинаман! Менга кишан-солманг! Ернинг тагига десангиз ҳам, майли, борай. Уртоқ майор, ўртоқ майор...

— Ҳаққим йўқ!

Тошмамат бирдан яқиндагина эшитгани — ашаддий порохўрликда айбланган об-ласть катталаридан бирини ҳам қамоққа олиш мақсадида уйига келишса, у «иссиқроқ

кийинаман» деган баҳонада нариги хонага чиқиб, ўн бир жойидан ўзини пичоқлаб ўлдирганини эслади-ю... энди мановиларни ҳам оғзи куйиб қолган, минг ялингани билан барибир гагга кирмасликларини билди ва баттар ҳафсаласи пир бўлди. Шунда ҳам нима деётганини ўзи билмай, жазаваси тутганча худонинг зорини қилиб майорга ялина бошлади. Аммо майор ҳам, капитан ҳам ўз аҳдларидан қайтишмади; анови йигитлар ёрдамида Тошмаматнинг қўлларини қайириб ширқ-ширқ кишанга солишди. Тошмамат аввалига совуқ, қаттиқ шу темирга ҳам бир-икки қаршилик кўрсатмоқчи бўлди, лекин билаги баттар сиқилганидан жони оғриб вой-войлади. Сўнгра телбалик қилаётганини тушуниб етди-ю, яна бирдан бояги ҳолатига қайтди — тақдирга тан берганча жим бўлиб қолди. Кейин қоида бўйича уни, уйни тинтув қилиб кўришди.

Бу пайтда Санобар ерда ўтирган кўйи хўнграб йиғлар, баъзан бошини деворга урар, қизлари ҳам оналарини ўраб олиб ҳиқиллаб йиғлашар эди. Тошмамат эса ҳолдан тойгандай ранги қув ўчиб, кишанга солинган кафтлари терлаб кетган эди. Майор шундагина «демак, Олимов сиз бўласиз» деди ўзича. Бу унинг сўроғими ёки яна бир шунчаки таъкидлаб кўяётганими, англаш қийин эди. Тошмамат дағ-дағ титраганча «мен... мен... ҳам... ҳа, мменман...» деди дудуқланиб. Майор Санобарга яқин бориб:

— Эрингизнинг қаердалиги ва кейинги тақдирини сизга махсус кишилар хабарлашади, — деди гапни чўзмай. Тошмаматга эса «юринг» дегандай ишора қилди. Тошмаматнинг бўғзига бирдан нимадир текилиб келди, кўзларига ёш қалқиб чиқди, дунё кўзига тор кўришиб, хун бўлиб йиғлаётган хотини, қизларининг аҳволига чидолмай, ўзи ҳам бўкириб, хунук овоз билан додлаб юборди ва:

— Падарига минг лаънат, минг лаънат! Эсизгина жоним, эсизгина жоним! — дея қичқирди.

Бу гаплар ўша аснода кимга қаратилганини фақат Тошмаматнинг ўзигина билар эди. Бундай ишларни кўравериб кўзи пишиб кетган ҳибсга олувчилар эса уни хонадан деярли судраб чиқишди. Санобар эрининг ортидан яна бир интилди-ю, ўзини полга отди, «вой худо, вой худо» дея қақшаганча қолаверди. Болалари уни қуршаб олишди. Боядан бери тинмаётган йиғи-сиғидан қўрқиб кетган Ботиржон ҳам кела солиб онасига ёпишган эди, у ўзи билмай ўғилчасининг юзига тарсаки солиб юборди, Ботиржон баттар қотиб йиғлади.

— Ойи! — деди Шоҳиста чексиз алам билан.

— Ул «ойи!» Дард «ойи!»

Шоҳиста Ботиржонни даст кўтариб ичкари уйга кириб кетди...

Тошмамат ташқарига чиққанда юзига муздай ҳаво урилди. Иккита бақувват йигитнинг ўртасида оёғи ерга тегмай дарвозахонага қараб ўтишди. Боядан бери акиллаб жонга теккан Йўлбарс ҳам энди эгасини кўрибми ёки гап нималигини пайқабми, бир-икки жонсизгина увлади-ю, кейин думини қисганча Тошмаматнинг оёқлари остида ўралаша бошлади. Кўчага чиққанда Тошмаматнинг хаёлига негадир бирдан қочиш фикри келди, қоп-қоронғи боғ этагига саросима билан аланглаб кўйди; лекин ўша заҳоти бу ниятининг бемаънилигини тушунди. Машинага кўтариб чиқаришларидан олдин Тошмамат яна бир бор Йўлбарсга тикилди ва юрак-бағри эзилиб, «бор кет, кет» деди видолашаётгандай. Ит яна думини қисиб ингиллади ва Тошмаматни фургон машинасига киритиб, эшигини беркитганларида жон-жаҳди билан кўчани бошига кўтариб қаттиқ вовуллади. Тошмамат шу аснода кимдан хафалигини ҳам билмай, алам билан «э, вох, итнинг вафодорлигини одам қилолмас-я» дея изтиробга тушди. Кейин сельсоветдаги воқеани эслади. «Бежиз эмас экан...» Ташқарида тап-тап эшиклар ёпилди-ю, машиналар ўрнидан жилди.

Бу пайтда вақт ярим тундан оққан бўлса ҳам бир-икки қўшниларнинг уйида чироқ ёниб-ўчди. Аммо ҳеч ким кўчага чиқмади, ҳеч қандай овоз ҳам эшитилмади. Фақат тиккага келган тўлин ойгина бу воқеадан воқифдай эди. Олис уфқларда унда-мунда юлдуз милтиллади. Коинот айна ўз бағрини очган сониялар эди. Тепа ҳовлида бирдан хўроз қичқирди. Кейин қишлоқ яна жимжитлик ва зулмат қўйнига чўмди...

Тошмаматнинг назарида сал кам тўрт соатча йўл босишди, хиёл ошиқроқ ҳам шекилли. Кейин машинанинг панжарали туйнукчаси кўзга яққол кўришиб, яна бироздан сўнг симёғочлардаги чироқлар липиллаб ўта бошлади. Демак, шаҳарга келишди... Машина анча вақт у ёқдан-бу ёққа бурилиб, ҳар хил ўйдим-чуқур кўчалардан ўтди. Бир гал тўхтаган жойида анча туриб қолди. Пастдан ҳар хил овозлар эшитилди: Бояги майормикин, Тошмаматлар тушган машинанинг сиртига уриб дукурлатди. Тошмаматнинг чап биқинида ўтирган йигит дик этиб туриб, панжара туйнукчадан ташқарига қаради ва у ёқдаги одамнинг гапини тинглади-да, кейин бош бармоғини «михдай» дегандай юқорига кўтариб кўйди. Аввалига орқага тисарилишди, яна йўлда давом этишди... Тошмамат машинага чиқарганларидан бери чурқ этмай келяпти, ҳатто йигитларнинг юзига қарашга ҳам ботинмайди. Улар ҳам жим, фақат ўртада ўзлари тушундиган алланималар тўғрисида бир-икки оғиз гаплашишди, холос. Унг томондагиси ҳатто ярим соатча мизғиб ҳам олди.

Машина текис йўлдан ғизиллаб юра бошлади-да, сўнгра бирдан тезлигини су-сайтириб, худди қулаб тушадигандай бир чайқалиб кетди. Охири қаттиқ тормоз берилди, аккумулятори ёмонлигидан сигнали зўрға эшитилди. Катта, оғир темир дарвоза очилди шекилли, ғийқиллаши машина ичида ҳам қулоқларни батанг қилди. Машина худди йўталгандай пат-патлаб яна ўрнидан қўзғолди. Тошмамат бутун диққат-эйтиборини жамлаб тургани учунми, ҳар қалай машина тағин узоқ вақт ғинғиллаб юргандек туюлди назарида ва у ёқдан-бу ёққа жуда кўп қайрилди. Охири тўхтади. Биринчи дақиқада Тошмамат ҳамма ёқнинг бутунлай жимжитлигига ажабланди. Сал ўтмай олдинги енгил машинанинг эшиги очилди-да, қарсиллаб ёпилди. Айни шу пайтда Тошмаматлар тушган машинанинг эшигини ҳам оча бошлашди. Кимдир қаёққадир чопиб кетди, кимдир кимгадир рапорт берди. Фургон эшиги очилганда Тошмамат дастлаб хира чироқ нури тағиб турган асфальт майдонни кўрди. Ҳайрон бўлиб турди.

— Келдикми? — деди мизғиб олган йигит; буни у Тошмаматга айтдими ёки шеригами, англай олмади.

Тошмаматни икки тирсагидан ушлаб ерга туширишди. Қараса, мана шу каттагина саҳн ҳам тепасидан сим қўра билан беркитилган экан. Тошмамат у ёқ-бу ёққа тузукроқ қараб улгурмасидан саҳн тўрида қад кўтарган кулранг бинога олиб кириб кетишди. Ғира-шира йўлақлардан ўтиб-ўтиб, охири чарақлаб турган яна бир бетон майдонча ҳам ортда қолди-да, темир панжарали эшикдан ичкарига киришди. Уйқутираб ўтирган навбатчи уларнинг изидан яна эшикни қулфларкан, Тошмаматга лоқайдларча бир қараб қўйди...

Тошмаматнинг назарида қамоқхона эшигидан ўтиши билан юзига худди қабр совуғи урилгандай баданлари жунжикди. Аммо қўрқмади, уни қаёққа бошлашса, қўғирчоқдек ўша ёққа кетяпти, кўнгида ҳатто ғалати бир қизиқиш туйғуси ҳам уйғонгандек эди. У йўлақларни эслаб қолишга уринар, негадир нуқул тепага қарагиси келарди. Бир хилдаги эшиклар олдидан ўта-ўта, охири биттасининг остонасида тўхташди. Қўлида калит шодасини ушлаган шоп мўйлов, кўзлари ичига ботган, букчайганроқ хизматчи эшик тирқишидан ичкарига қаради, кейин уни шарақ-шуруқ очди: бу — 6-камера эди. Тошмамат шундагина ҳозир бу ерда бояги майорнинг йўқлиги, ўзининг бутунлай бошқа одамлар ихтиёрига топширилганини пайқади. Фақат анови машинада мизғиб олган йигитгина сал орқароқда келяпти.

— Ана, жойингизга келдингиз! — деди шоп мўйлов назоратчи Тошмаматга совуқ қараб. Кўзлари мушукникига ўхшаш, қараб турса одамнинг эти жимирлашади, бўлма касали бўлса керак — кўкраги кўтарилиб-тушиб турибди, ўзи ҳаддан ташқари ориқ эди.

Тошмамат бу нотаниш, бегона кимсалар қўлига тушиши биланок миясидаги бутун хомхаёллари бирдан ўчди-кетди. У шу пайтгача ишониб келган одамлар, у ишониб келган гаплар энди бир чақалик ҳам қимматга эга эмаслигини дарров тушунди; унинг эндиги ҳаёти — мана шу каталак эди. У ҳали озод юрганидаёқ аллақачонлар виждон турмасига тушиб улгурганини, ўша эгри ишга шерик бўлган онидан бошлаб бир кун, бир соат ҳам ҳақиқий эркинликда юрмаганини мана ҳозиргина, мана шу каталакка тиқиб қўйишгандагина англаб етгандай эди...

Тошмаматни қолдириб ҳаммалари бирдан чиқиб кетишди. Тошмамат анча вақт камера эшигига қараганча довдираб турди. «Қулфи қаерда экан» деган фикр келди миясига. Эшик теп-текис, ҳатто калит соладиган тешиги ҳам йўқ, белидан сал юқориоқда одамниг боши зўрға сиғадиган кичик дарча, дарча пештахтаси. Ҳозир у ҳам зич ёпилган. Сал баландроқда ичкарини кузатиб туриладиган тешикча... Камера ташқарига қараганда анча иссиқ эди. Аммо қандайдир ўта қўланса ҳид димоқни ёргудек, девору шифтларни моғор босиб кетганга ўхшар эди. Тошмаматни бу ерда ҳам биринчи ҳайрон қолдирган нарса — яна ҳамма ёқнинг осойишталиги бўлди. Баланд шифтдаги қорайиб кетган неон лампанинг бир маромда ғинғиллашигина эшитиляпти. Деворда ҳатто миҳ ҳам йўқ; маҳкумлар суянаверганиданми, одам бўйи девор қопқора кир эди... Туриб-туриб қаердадир залворли эшик аянчли ғичирлайди, шақир-шуқур қулфланади. Гўё бу ерда кеча ва кундуз йўқдек, истаган пайтда эшикларнинг очиб-ёпилиши таажжубли эди. Сўнгра бу ҳаракатлар ҳам тинди, худди биров буйруқ бергандай теварак-атроф яна жимиб қолди...

Тошмамат хонага қарашга юраги безиллаганидан тошдай тахта қароватга дўк этиб ўтирди-ю, деворга ўгирилиб олди. Боягина рўй берган воқеа: уйда чирқираб қолган хотини ва бола-чақалари кўз ўнгига келди, ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Худди хўнграб йиғлаётганга ўхшарди-ю, лекин аслида овози чиқмай, дили йиғлаётган эди. У ҳаётнинг бутун қадр-қиммати, одамга у фақат бир мартагина берилажagini тўсатдан билиб қолгандай камерани бошга кўтариб дод солгиси келди. Кейин уни бирдан қандайдир уят ҳисси қамраб олди. У қўли кишанга солиниб, турмага келтириб ташланганига ҳалиям ишонгиси йўқ эди. «Бола-чақамнинг аҳволи нима кечади энди» деган фикр юрагини ўртаб юборди. Шу пайтгача худди ёш боладек мундай оиласи ҳақида жиддийроқ бош қотириб ҳам кўрмаган экан. Агар анови тилла заёмларни демаса (у ҳам ҳозир қил устида турган нарса), ҳеч нимаси,

зиғирдай ҳам кўр-кути йўқ. Ялло қилиб, курорт, саёҳатларга бориб, орттирганини Ислонхўжаевларга сарфлаб, ресторонларга ташлаб, шу билан ўзини бахтлиман деб юраверган экан, аттанг!.. «Иссиқ жон, бирдан кетиб қолсам ёки бошимга қора кун тушгудек бўлса» деб ҳам ўйламабди-я... Ҳа, бечора Санобар-а!.. Тошмамат елкаси силкиниб йиғлай бошлади.

Шу пайт орқадан йўтал овози эшитилди. Тошмамат сапчиб тушиб нақ ўтакаси ёрилиб кетай деди. Жон ҳолатда орқасига ўгирилди: узун камеранинг тўрида, иккала бурчакка яна худди шунақа иккита ёғоч каравот ўрнатилган бўлиб, шифтдаги туйнук тагидаги жойда бир бесўнақай одам тўнкарилиб ётар эди. Тошмамат кўрқиб кетди, камерага кирганда буларни кўрмаганига ҳайрон бўлди. Аслида эса уни олиб кирганлар атрофини ўраб тургани учун ўша пайтда бурчакка кўзи тушмаган эди. Тўнкарилиб ётган одам тагин икки-уч йўталди, бошини бир кўтариб Тошмамат томонга қаради ва яна бурканиб олди. Хира ёруғда Тошмамат унинг юзини ҳам унча ажратолмади. Хавотирга тушган кўйи иккинчи каравотга кўз тикди. Аввалига у ерда ҳеч ким йўқдек туюлди, аделлари, ёстиғи аралаш-қуралаш бўлиб ётибди. Тошмамат каравотга тикилиб турган эди, у бирдан қимирлаб қолди: одам бор экан — жуссаси кичиккина бир чол ётган экан. У озгин қўлларини очиб аделни кўтараркан, нимадир деб босинқиради, кейин йўқдай бўлиб ётаверди...

Тошмамат танҳо эмаслигини билган, бояги хўрлиги тутиб йиғлашлари, азоб чекишлари бирдан уни тарк этди-ю, энди ўзини ноқулай ҳис эта бошлади. Орага тўсатдан юракни музлатадиган оғир жимлик чўқди. «Кимларнинг ичига келтириб ташлашди мени?! Ким билади, ўғри, киссаверми булар?!» Вужудига кириб олган ваҳима, саросима уни қўйиб юборгиси келмасди. Ўзини чалғитиш учунми ёки манови тўнкарилиб ётганларга қараганда ўзи мутлақо бошқача одамлигига ишонганиданми, ҳар қалай эртанги куни бўладиган сўроқни ўйлай бошлади. «Нимадан бошлашаркин?.. Биринчи навбатда уларни нима қизиқтираркин?..»

Тошмамат каравот устига ташлаб қўйилган кулранг аделга ижирғаниброқ қаради-ю, эски, тивити тўкилиб битган бўлса ҳам, аммо тозалаб ювилганига қаноат ҳосил қилди ва секин унга ёнбошлади. Деворданми, ёки шу ўрин-бошданми бурнига гуп этиб зах хиди урилди. Тошмамат туриб ўтирди. Сал ўтмай тагин ёнбошлади. «Нималарни гапирсин у?.. Нималарни айтмагани маъқул?.. Исмоилов роса сайраётгандир? Ислонхўжаев-чи? Э, ҳамма амалдорларнинг тили бир асли... Ёки бошиданоқ ҳаммасини ўзи очиб, айбини бўйнига олса... балки қўйиб юборишар?!» Мана шу «қўйиб юборишар» деган фикр кўнгил тубига бирдан умид солди ва у анови ишга аралашиб қолган вақтидан бери уч йил ичида нима юз берган бўлса, ҳаммасини бир чеккадан гапириб беришга жазм қилди. Ахир, Тошмамат бу кўзбўямачиликлардан илгари қанча озор чеккан, қанча нафратланган! Лекин кейин-кейин... унинг кўз ўнгида кўплар шу йўл билан дунё орттириб, кимсан фалончи бўлиб кетганларичи? Газета, радио, телевизорлар аюҳаннос солиб ўшаларни мақтаса, бу мунофиқликни қайтариш ўрнига, айни алдам-қалдам билан кун кўрганлар иззатда, ҳурматда бўлса, катта ишларга кўтарилса... Тошмаматга алам қилгани ҳам шу эди. Охири у ҳам чиқолмади, илинди ўша мудҳиш тузоққа! Ушаларнинг давраси, тўпига қўшилиб, ўшаларнинг хизмати, югурдаклигини қилиб, вақти келса шундан фахрланиб, шу «омад»дан боши айланиб, уни чинакам бахт деб тушуниб... мана энди ўтирган жойи! Хуллас, Исмоиловларнинг бу кунги аҳволи, Закиялардаги йўқчилик, қўли калтали, бунинг устига ғанимларнинг ҳасад ва кўролмасликлари — шуларнинг бари гўё тил бириктиргандай бирлашиб келиб Тошмаматнинг ишларини чиппака чиқарди... У эртага терговдан ҳеч нарсани яширмайди, ҳаммасини айтади... Бу нияти ўша аснода ўзига жуда ёқиб кетгани учун «тезроқ тонг ота қолса» дея бетоқатланди. Аммо раис нималар деганини у ҳанузгача билмайди. Гап бир жойдан чиққани тузук эди... Уни қаерга олиб кетишганидан ҳатто оиласидагилар ҳам бехабар... Тошмамат туриб ўтирди. Анови тўнкарилиб ётган одам шу даражада даҳшатли хуррак отяптики, биров ташқаридан эшитса, «кимнидир сўйишяптими» деб ўйлаши мумкин эди. Тошмаматни яна алам эза бошлади. «Қандай жойга тушиб қолди-я у?! Эркингина юрган қуш эди!..» Вужудини тушкунлик эгаллаб, бу ердан энди ўла-ўлгунча чиқолмай, шу каталақда умри хазон бўлишини ўйлади. Оғир уҳ тортди. Уша заҳоти хавфсираб «қўшнилари»га қаради: бири камерани бошига кўтариб хурр-хурр хуррак отяпти, иккинчиси эса бор-йўқлиги ҳам билинмай қотиб ётибди. Тошмамат изтиробдан бошини сарак-сарак чайқаб, лабларини тишлади. Тиззасига уриб, аввал баланд шифтга, кейин тим-тирс эшикка жавдираб қаради. Дод дегиси келди-ю, қандай дод дейди, ким эшитади унинг додини?

Шундоқ бошининг олдидан, деворда нимадир ўрмалаб ўтгандай бўлди, қараса, сал кам бармоғидек келадиған суварак. Шоша-пиша туфлисини ечиб, товони билан деворга тап этиб бир урган эди, суварак зувилаб қочди. Бирдан хуррак овози пасайди. Тошмамат жон ҳолатда яна урди, ҳатто суваракнинг қирс этиб эзилгани эшитилди ва деворда қоп-қора доғ қолиб, танаси туфлисининг тагига ёпишиб чиқди. Тошмамат туфлини ерга отиб юборди ва жаҳл билан бетон полга туфлади. Бир-

дан ҳў Тожикистон тоғида кўргани — қўйнинг ўлакса танаси кўз ўнгига келди, баттар кўнгли озди...

Қўлларини боши остига олганча чалқанча тушиб, шифтга тикилиб ётди. Хотинини, Шоҳиста қизини эслади. «Ким қарайди уларга? Қандай кун кўришади? Тўй нима бўлади энди?...» Тўсатдан у умрида бирон марта хотинидан кечирим сўрамаганини ўйлай бошлади. Кечирим сўрайдиган қанча ишлар ўтиб кетган-у, ўртада... сира кечирим сўрамабди-я... томоғига алам ёши тикилиб, нафаси бўғилди. Пастки лабини тишлаганча чуқур-чуқур энтикар, кўзларидан тўхтовсиз ёш думалаб қулоғига оқиб тушар эди... Эртага ўзини нималар кутаётгани унга мутлақо қоронғи эди, туриб-туриб ўз ҳолати ўзига худди тушдек кўринарди. Боя кишан билагини қаттиқ эзган шекилли, ҳалиям зирқираб оғрияпти. Ўнг билаги чиндан ҳам мўматалоқ кўкарган, оғриқ шундан эди. Атиги уч-тўрт соат бурун у уйда телевизор кўриб ўтирган эди-я. Озод, эркин одам эди. Истаса кўчага, истаса далага, истаса ҳўлаган жойига кетарди. Орадан тўрт соатгина вақт ўтиб, мана у кимга айланди ҳозир! Қаерда ўтирибди!

Тошмамат бирдан кўни-кўшнилари, ҳамқишлоқлари, бригадирларни бир-бир кўз ўнгига келтирди-ю, номусига зўрға чидади. Нималар дейишаётганикин улар? Мундоқ рўпараларига бориб ётиғи билан «йўқ, ундай эмас, мана бундай» деёлмаса Тошмамат. Оғизларига сиққанча гапираверишади энди! Худо берди уларга... Тошмамат ўйлай-вериб, боши қақшаб кетди. Ухлагиси келарди-ю, аммо киприк милқлари ачишиб, кўзларини юмгани қўймасди. Устига-устак бу ерда чироқ ўчирилмас экан — хира бўлса ҳам ёниб тураркан. Ҳали-бери бу ҳафта ичи бутунлай ухлаёлмасам керак, дея ўйлади у. Лекин қачон гафлатга кетганини ўзи билмай қолди, ҳар қалай ётиб-ётиб, охири кўзи илинибди.

Бир замон фикри чала-ярим, худди бўшлиқ қаърида учиб бораётгандай сезиб турди-да ўзини... кейин аста-секин уйғона бошлади. Бир-икки тамшаниб уйқусираганча кетма-кет керишди. Аммо бутун руҳи билан сезди: шундоқ тепасида кимдир қаққайиб тургандай эди, буни ҳатто кўзини очмасданоқ пайқади. Миясидаги бўшлиқ бирдан сидирилгандай қамоқдалигини эслаб қолди. Кўзини очди-ю, ўрнидан сапчиб турмоқчи бўлди, лекин ётган жойидан жиллолмади. Шундоқ тепасида анови беўхшов одам деярли энгашиб турарди, у Тошмаматга қараб куляптими, хўмрайганими, билиш қийин эди. Ошқовоқдай калласи алоҳида осилиб тургандай, жағи катта, кўзи қисилган. Айнқица ётган одам ҳар қанча жасур бўлганда ҳам тўсатдан тепасида бундай башарани кўрса, юраги орқасига тортиб кетиши турган гап. Тошмамат сакраб турмоқчи бўлган эди, Барзанги кўлини унинг кўкрагига босиб, «ёт, ётавер» дегандай ишора қилди. Бақбақаси осилиб тушган, қисиқ кўзларининг тағидаги халтачалари қорамтирлашган, соқолини қачон олдиргани номаълум бу кимса Тошмаматнинг нақ бурни устида сурбетларча қадалиб турар эди. Тошмамат унинг «ёт» деганига ҳам қарамай ўрнидан ирғиб турди ва каравотига ўтирди. Пастдан қараганда ҳалиги одам баҳайбат кўрингани билан ўзи ўртабўйдан сал тикроқ, семиз, аммо шарти кетиб парти қолган, касалманд қиёфада эди. Тошмаматнинг тепасида у нима қилмоқчи ёки нима демоқчи эди, бунга ҳамон Тошмаматнинг ақли ётмай турди. Барзанги аввалига индамай сал нари жилди. Кейин қутилмаганда Тошмаматга қайрилиб:

— Отинг нима, каламуш? — дея тиржайди.

Тошмамат ҳеч нарса тушунмади. «Менга гапирдими ёки шеригигами?» деб ўйлаб, унга савол назари билан тикилди. Барзанги индамай каравотига бориб ўтирди. Тошмамат ўзидан-ўзи у билан гаплашишга ижирғанди, тўғрироғи кўрқди. Энди бир ками шу қамоқдаги тайини йўқлар билан сут-қатиқ бўлиши қолган эди! Минг умидсизликка тушганда ҳам у барибир шу нарсадан кўнгли тўққи, ҳадемай бу ердан сўзсиз чиқиб кетади. Мановилар билан «кўшничилиги» ҳам вақтинча... Шунинг учун уларнинг орасида эжагилашиб ўтирмай...

Тошмамат яна каравотига чўзилди. Кураги, бўйни, сонларининг қаттиқ қичишаётганига ҳайрон бўлди. Билагидаги иккита қизил шишчани кўриб, «қандала бор экан» деган хаёлга борди. Қашинди, ётган жойида тўшагига, ёстиғига кўз югуртирди. Хаёли яна уйига учди. Думини қисганча ингиллаб қолган Йўлбарсни эсларкан, «ит вафодор дегани шу» дея ҳазин жилмайди, «ўзи бир махлуқ-ку, ўшям яхшиликни унутмайди...»

— Нега индамайсан? — деган кўпол овоз эшитилди бурчакдан. — Ҳазар қиялпсанми? Уҳҳў! — Тошмамат ётган жойида ўгирилиб қаради: Барзанги унга еб қўйгудек қаттиқ тикилиб турар эди. — Бу ерда ҳамма бир, каламуш! Билиб қўй!

— Отини нима қиласиз? — Тошмаматнинг товуши негадир ялингансимон оҳангда чикди. Барзанги индамади. Фақат Тошмаматга ўшшайиб қараганча нимадир деб пичирлади. Кейин бирдан:

— Дўппингни сот! — деди.

Тошмамат бундай гапни кутмаганидан беихтиёр бошидаги янгигина дўпписини ушлаб қўйди. Майнабозчилик қиялптами, деб ўйлаганидан елкасини қисиб, илжайди; «қамоқхона халқи пулни яхши кўради» деган гап ёдига тушди.

Барзанги бирдан ўзидан-ўзи ҳиринглади. Шарт-шурт аёлини очиб жойига ётди. Тошмаматга қараб телбанамо кулди, кейин орқа ўгириб олди. Тошмамат ҳайратидан

ётган жойида яна елкасини қисди. Шифтга тикилганча тағин уйини ўйлади. Тиллари қуруқшаб, оғзида қандайдир бемаза таъм сезди. «Аттанг, шу Мавлудаойимни ҳам узатиб юборишим керак экан. Қудаларнинг кўнглига солганини қаранг-а! Э, тавба! Бу ёқда бу гаплар бор экан... Аттанг, бўлган... Ҳалиям кечмасдир, Санобар келса айтиб кўрай-чи унга...»

Шу пайт бурчакда челак тикирлади. Кейин шағф этиб қувурдан сув туширилди. Тошмамат қараса, анови митти чол таҳорат ушатаётган экан. У Тошмаматга тикилганча кучанар, ҳадеб «их, их» деб тинмасди. Тошмамат эски адеълни бошига ўраб олди. Камерадаги қўланса ҳид қаерданлигини мана энди билди у. Даҳшат, даҳшат! Тошмамат ўзи тушган аҳволдан шу даражада номус қилдики, лабларини тишлаб, «қандай кунга қолдим-а» дея нола чекди. Митти чол эса ҳамон кучанар, анови Барзанги яна хуррагини бошлаган эди.

Тақдир ўйинини қарангки, Тошмамат энди ўзинини мағрур, эркин, сурурли орзулари, эҳтиёжларини ўлдирга бориши, мана шу тўнг, исқирт, ким билади — насл-насаби, касби-кори ҳам номаълум кимсалар қаторига тушиши керак; одам чидолмайдигани, одамни руҳан фалаж қилиб ташлайдигани ҳам шу эди...

9

Камера эшиги ширқ-ширқ очилаётганда учовлари ҳам унга термилиб туришди. Тунги шоп мўйлов назоратчи навбатини топширган шекилли, ёшроқ, малла бир йигит кириб келди-да, Тошмаматга тикилиб қаради ва хиёл бош ирғаб кўйди. Камерани, ундаги тартибни кўздан кечирган бўлди. Чиқиб кетаётганда:

— Ун минутлардан кейин сиз бошқа камерага ўтасиз, — деди Тошмаматга юзла-ниб.

Тошмамат «нега» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, аммо индамади. Барибир эмасми? Бунинг устига бу ерда Тошмамат эмас, улар хўжайин. Шу боисдан нимани лозим кўришса, ўшани қилишади. Иккинчидан, сўрагани билан унга очиғини айтишадими? Булар ҳам суриштириб қелганда Тошмаматнинг қўлидаги бригада аъзоларига ўхшаб нари борса оддий бир ижрочи одамлар... Шу тақлид ўйлагани учун ҳам Тошмамат назоратчининг сўзига ўша заҳоти «хўп» деб қутулди. Лекин унга яхши кўринмоқчидай, майн гапирди. Энди у бу ёғига ҳарқалай шу каталақдан эсон-омон чиқиб кетмагунча эҳтиётроқ бўлиши керак. Бу жойда у айна майда одамлар билан муомала қилишига тўғри келади. Сенинг кимлигинг, илгари бу аҳволга тушганмисан-йўқми, қасалмисан-соғмисан, аввал нима вазифада ишлагансан — булар билан уларнинг зиғирчям иши йўқ, қоғозга ёзилган ва ўзлари билган кўрсатманигина бажаришади, холос. У, эркин юрган пайтингда эди — милиция қулоқ солмаса райкомга борардинг, райком эшитмаса яна юқорига... Бу ерда эса фақат айтилганини қиласан. Дунёда майда мансабдорнинг ўчакишганидан ёмони йўқ, одам бўлиб туғилганинга минг пушаймон едирди... Буни Тошмаматга биров тайинлаб улгургани ҳам йўғ-у, аммо қандайдир ички фаросати, зеҳни билан пайқаб олди ва шу бегона, эҳтимол аслида бир тийинга қиммат одамга ҳам тилеғламалик қилгиси келди. Дарвоқе, бошга оғир кулфат тушганда инсон кўринмай турган нарсени кўриб, англаб бўлмайдиган нарсени англаб етгани, ахир, сон минг марталаб такрорланмаганми?!

Назоратчи чиқиб кетди. Барзанги эса шим чўнтақларига қўлини солганча Тошмаматга масхараомуз қараб турарди. Кейин бирдан тиззаларини букиб, бўйинини айлан-тириб ўзича бадантарбия қила бошлади. Митти чол бўлса бетон деворга бошини қўйганча кўзи шифтда, нуқул бурнини ковлар эди. Шу пайт Барзанги қошини чими-риб, бошини бир силкиган эди, чол югуриб бориб, қўлини унинг этагидан елкасига тикди-да, Барзангининг куракларини қартилатиб қаший бошлади; Барзанги эса кўзла-рини сузиб, ҳузурланиб турибди. Тошмамат бу тубан манзарани кўриб юзини четга бурди.

Эшикдаги кичкина дарча шиқ этиб очилди ва назоратчи Тошмаматга эгилиб қараб, «тайёрмисиз» дегандай бош ирғаб сўради. Тошмамат ҳам «ҳа» деган ишорани билдирди. Эшик қулфи шириқлади-ю, аммо ҳадеганда очилавермади? Шу аснода Тошмамат сира кутмаган воқеа юз берди: Барзанги эшик очилгунча икки сакраб Тошмаматнинг ёнига келди-ю, бошидан дўпписини юлиб олиб, югуриб жойига қайтди ва дўппини орқасига яширганча без бўлиб тураверди. Тошмамат «жинними бу ўзи» деб ўйлади-ю, индамай чиқиб кетди.

Малла йигитдан сал нарироқда ўрта ёшлар чамаси яна бир нотаниш қоровул ту-рибди, у эшик очилганда бурчакка кўз тикди. Уни кўриши билан митти чол усти ёпиқ че-лакни кўтарганча йўғалаб чиқиб кетди. Қоровул унинг изидан юрди. Малла йигит эса «қани, унда кетдик» дегандай қош учирди-да, Тошмаматни олдинга ўтказди. Тошмамат камерадан чиқаётганда яна бир бор Барзангига қаради: у пинагини ҳам бузмай, ердан бош кўтармай, ҳамон бўйинини айлантириб бадантарбия қилар эди. Тошмаматлар узок юришмади, йўлакдан ўнгга бурилишди-ю, шундоқ эшиги очик турган бурчакдаги 13-ка-

мерага киришди. Малла йигит «жойлашинг» деди-да, эшикни ёпиб, қулфлади. Сал ўтмай қитирлатиб дарчани очди ва «ҳозир овқатланасиз» деб, қарс этиб ёпди...

Тошмамат бу ернинг шароитига бир куннинг ўзидаёқ хийла ўргана бошлаганига ҳозир ўзи ҳайрон қолди, ҳатто кўрқиб кетди. Аммо бошга тушганни кўз кўрмай илжой йўқ экан. Суруштириб келса бу ерда ҳам ўша-ўша одамлар — гапиришади, гапга тушунишади. Ҳойнаҳой бу ерда ҳам ҳар хили бордир — бири инсон башара, бири бад-фешлди. Тошмаматнинг нима иши бор улар билан! Бадфешл бўлса — бўлиб ўлмайдими!.. У энди бу ёғига ҳадеб сиқилавермай ўзини қўлга олиб, кўпроқ эртага нима иш бўлишини ўйлаши керак. Астойдил йўл қидирилса, ҳар қандай боши берк кўчадан ҳам йўл толиб чиқиб кетиш мумкин. Э-э, бу ёғини сўраса, Тошмаматнинг бўйнига нима айб қўйишлари мумкин? Сал кам юз тонна қоғоздаги пахтани қўйишади-да зўр келса, бошқа нима! Ҳали буни аввал исбот қилишин... Исмоилов бўлади-ку, осонликча тан олиб, осонликча жон берарканми? Ҳа, ана, бўйнига илишган тақдирда ҳам, ие, Тошмаматда нима айб? Буюришган! У фақат топшириқни бажарди. Қани, бажармай ҳам кўрсин-чи?! Буйруқни бажарганларни кесиб юбораверишса, унда... турмага одам сиғмай кетади-ку?! Бизда тартиб ўзи шу бўлса: буйруқсиз иш йўқ! Тошмаматга раис буюрган, раисга райком, райкомга обком, обкомга... (Тошмамат лабини тишлади). «Унда ўшаларнинг ҳаммасини қамаш керак». Алай-балай дейишса Тошмамат шуни айтади. Ҳа, Исмоилов ўлмаган-ку! Эркак киши, тан олар ахир айтган гапларини! Еқи тонармикин? Тониб қаёққа борарди? Яхшиям колхозчиларга, бригада аъзоларига ўз вақтида «раис шундай деяпти» деб, юзини ёруғ қилиб олгани! (Тошмамат ичида севишиб кетди). Биттаси бўлмаса биттаси айтар, ахир?.. Улдими... Исмоилов бўлса ҳалиям «ҳамма эзмимда, ўл десам ўлади, тур десам туради» деб ўйлаб ётибди у ёқда. Тошмаматларнинг бутун умр қўл қовуштириб юрганига учади. Аслида эса булар ҳам анойи эмас. Исмоилов уларни қўлга туширдим деб ўйласа, бу ёқда булар уни қўлга туширдик деб ўйлашади. Ҳаётнинг ғаройиблиги, ҳеч бир ўлчовга сиғмайдиган баланд-пастлиги ҳам шунда ўзи!..

Шарақлаб туйнук очилди. Боғи малла йигит дарча пештахтасига пластмасса патнис қўйиб изига қайтди. Тошмамат унинг худди киприги йўқдек кўринган қовоғига, ўспиринларникига ўхшаш тиниқ юзига тикиларкан, бу ернинг шароитига унча тўғри келмайдиган тортинчоқ нигоҳини ўйлаб қизиқсинди. Уни кўрган одам биринчи галда «нимадир муҳим, сирли гап айтмоқчи шекилли» деб ўйлаб қолар эди.

Тошмамат ийманибгина бориб патнисни олди: бир бурда қора нон, алюмин товоқчага солинган арпа бўтқаси, ўртасида зиғирдаккина қорайган гўшти кўринади. Бир стакан нимранг чой. Тошмамат негадир патнисни бурнига яқин келтириб, гўштни ҳидлаб кўрди. Бирдан яна ҳў Тожикистон тоғида кўргани: ирkit манзара эсига тушди-ю, кўнгли беҳузурлашиб, четга қаради. Патнисни каравотга қўйди. Хотини нонуштага жағиллатаб қайнатиб келадиган самоварни эслади ва ҳўрсиниб жилмайди. Очқанган бўлса ҳам егиси йўқ эди. Ўзини мажбурлаб бўтқадан бир-икки қошиқ оғзига солди-ю, кўнгли тортмади. Овқатнинг мазаси бўлишини у гўё энди билаётгандай эди... Кейин илиқ чой билан нон еди. Шундагина сал иштаҳаси очилиб, товоқни хиёл яримлатди. Шифтдаги дарчага тикилганча кавшанаркан, бирдан «и-иххх» деб инграб юборди. Бир марта чойхонада ортиқча ичиб уйга фирт маст ҳолда келгани, эрининг қорни тўқилгидан беҳабар Санобар дастурхонга бир коса нўхатли паловни келтириб қўйганда, у косани ростмана тепиб юборганини эслаб қолди. Яна бир гал... Э, ҳайвон экан ўзиям!.. Уша ярим кечада ичиб келиши. «Тағин шавлами» деб овқатни тепиб юборгани. Тонг саҳарда Санобар бечорага ош дамлатиб, ошни емай ухлаб қолгани... Э, даҳшат! «Худонинг қаҳриди бу» дея ўйлаганидан баттар аламига чидаёлмади.

Бу камера ановисига қараганда анча кичик эди, энига ҳам, бўйига ҳам. Аммо шифти ўша-ўша баланд бўлгани учун хона янаям чоғроқ кўринарди. Бу ердаги тахта каравот ҳам пол бетонига маҳкамлаб ташланган. Қоқ шифтга тақалган дастурмолдек туйнук-ка темир панжара қоқилган, ойнаси қоқ-қора кир, қачон ювилгани номаълум — ҳозир энди кун чарақлаб тургани учун ундан хира ёруғ тушапти — ҳойнаҳой дераза кунчиқар тарафда бўлса керак. Шифтга қадалган лампочка нимжонгина ёритаётган бўлса ҳам камера деворлари деярли кўзни олади, чунки улар янги оқланган эди. Каравот устида қора адёл, кир ёстиқ. Бошқа ҳеч нарса йўқ.

Бунақанги қудуқдек совуқ хонада вақтни ҳам билмайсан, фақат кун билан тун алмашганини шифтдаги туйнукчадан сезасан, холос. Хонадаги бу бир хиллик, бунинг устига танҳолик Тошмаматнинг юрагини эза бошлади, туриб-туриб кимдир, кўз илғамас бармоқлар ҳалқумидан бўғиб келаётганга ўхшарди. У каравотга чўзилганча анови митти чолга ўхшаб бошини зах деворга суяган кўйи кўзларини чирт юмиб олди-ю, шиддат билан яна «ажабо, қандай қилиб бу ерга келиб қолдим» дея ўйлай бошлади. Бироз ўтгач, ўзидан-ўзи шунисига ҳам шуқур қилди. Ҳаётда бутун умр борига кўникиб келгани учун ҳам, «ҳар қалай мени аяшди шекилли, анови исқиртлардан ажратиб олишди, алоҳида хонадаман, бундан беш баттар бўлиш ҳам мумкин эди, ўшаларга калака қилиб ташлаб қўйишса, қўлимдан нима келарди» деган хулосада тўхтади-да, шу ерда ҳам ҳали омади бутунлай кетмаганини ўйлаб, кўнгли бироз ёришди.

Ташқаридан кимдир йўталгани, ён томондаги эшик қарсиллаб қулфлангани ва ким-

нингдир узоқлашиб бораётган қадам товушлари эшитилди. Кейин қарс этиб эшик дарчаси очилди ва малла йигит «едингизми» деб сўраб ҳам ўтирмади, энгашиб патнисга қаради-ю, сўнгра «менга беринг» деган маънода қўлини ичкарига чўзди. Тошмамат патнисни узатди. Малла йигит бўлса индамади, фақат дарчани ёпишдан олдин:

— Етманг, ҳозир терговчи чақиради, — деди.

Тошмаматнинг юраги уриб кетди, меровсиб илжайган кўйи «тушундим» дегандай бош ирғади. «Наҳотки шунчалик тез?!» Тошмамат ҳар қалай бугунми-эртами терговчига дуч келишини биларди-ю, аммо бу қадар тез сўроқ бошланишини ўйламаган эди. Навбатдаги дақиқада «қизиқман-а, бу ерга дам олишга келибманми, бу — уларнинг ҳар кунги иши-ку» деб ўйлаб, сал хотиржам тортди. «Нимани сўрашаркин? Қандай тутиши керак у ўзини? Кимсасиз оролга тушгандай ҳеч нимани билмаса... Исмоиловлар билан бир оғиз гаплашиб олганда ҳам майли эди... Бу ундай деса-да, у ёқда Исмоилов, Исломхўжаевлар бошқача гапириб ётишган бўлса!» Миясига келган бу фикрдан яна ваҳимага тушди, ўйлаб-ўйлаб, барибир бир қарорда тўхтолмади. Охири, терговчининг берадиган саволларига қараб иш тутишни ўйлаб қўйди.

Орадан бир-икки соат ўтгандек бўлиб туюлди Тошмаматга, аслида назоратчи оғоҳлантиргандан бери бор-йўғи ярим соатча вақт ўтган эди, холос. Малла йигит яна эшикни шақирлатиб очди, Тошмаматни олдига солиб, йўлак орқали, ҳойнаҳой, кеча келган томонларига қараб юришди шекилли. Йўлакнинг иккала бетида худди Тошмаматникига ўхшаш бир хил кулранг эшиклар тизилган. Тўртинчими, бешинчими камера олдидан ўтишаётганда ичкаридан эзилиб йиғлаётган товуш кулоққа чалинди. Тошмамат саросимага тушиб, орқасидан изма-из келаётган малла йигитга ўгирилди. У пинагини ҳам бузмай, «юринг олдинга» деган маънода бош қимирлатди. Кейин баланд зинадан кўтарилишди-да, атрофда дераза йўқлигидан кундузи ҳам неон чироғи ёқиб қўйилган бетон саҳндан ўтишди. Тошмамат таниди, кечаям уни шу ердан олиб ўтишган эди. Темир панжарали эшик ҳам ўша, аммо ҳозир қоровул ўзгарибди. У Тошмаматларни узоқдан кўриши билан эшик қулфини очди, улар ўтиб кетгунча индамай кутиб турди. Тошмамат орқадан эшикнинг яна шақир-шукўр қулфланганини эшитди. Бирдан чапга бурилишди ва тор йўлакдан юриб, тагин бир панжарали тўсиқни айланиб ўтишди-ю, тўсатдан ҳамма идораларникига ўхшаш одатий кенг коридорга чиқиб қолишди. Тошмамат оғир хўрсиниб, бирдан бутун жисми ларзага тушди, гўё у озодликнинг қанчалар беқиёс неъматлигини шу ерда, ҳозир англаб етди!

Малла йигит Тошмаматни тўхтатди ва секингина эшикни тиқирлатди. Ичкаридан «да» деган овоз эшитилди. Малла йигит эшикни очиб, ярим гавдаси билан бош суқди-да, кейин Тошмаматга «киринг» деб имо қилди. Тошмамат остонадан ўтиб, ихчамгина стол ортида ўттизларга бормаган, қоратўри, қалин қора қошли, кўзлари ўткир, одамга синчков тикиладиган бир йигитни кўрди. Терговчи билинар-билинемас бош ирғаб саломлашган бўлди, столининг рўпарасида турган полга қоқилган стулга ишора қилди. Тошмамат ўтирди. Бир дақиқа икковлари бир-бирларига индамай тикилиб қолишди. Малла йигит секингина чиқиб кетди. Терговчи Тошмаматга сигарета пачкасини узатган эди, у «раҳмат, раҳмат» дея негадир ўрнидан туриб, яна ўтирди. Тошмамат ўрнидан турганда терговчи бирдан хўмрайди.

— Фамилиям Рустамов, исмим Самандар. Республика прокуратурасининг махсус ишлар бўйича терговчисиман. Тартиб бўйича оғоҳлантириб қўяман: Ўзбекистон Жиноят кодексининг... моддасига биноан терговда нотўғри, ёлғон гувоҳлик берсангиз, жиноятнинг баттар оғирлашади, яъни... — Тошмамат «тушунаман, биламан» дегандай бош ирғгани учун терговчи гапни қисқа қилди: — Демак, биласиз?

— Ҳа!.. — Тошмамат содда одамларга хос — аввалига қовоғини уйиб, сохта виқор билан жавоб бера бошлади.

— Сиз кўп йиллар давомида кўшиб ёзиш билан шуғулланиб, давлатга катта моддий ва маънавий зарар етказганликда айбланасиз. Айбингизни бўйингизга оласизми?

— Йўқ...

— Ҳаммасини бир бошдан бошлаймиз унда. — Рустамов шундай деб, магнитофон тугмасини чирқ этиб босди. — Сиз Олимов Тошмамат... Баландтепа районидаги «Илғор» колхозининг еттинчи бригада бошлиғисиз, шундайми?

— Шундай.

— Исмоиловни қачондан бери биласиз? Ва қандай шароитда танишгансизлар?

Тошмамат шифтга қараб кўзини қисинқиради, миясида йилларни санаб чиқди-да:

— Болалигимдан бошлаб биламан. Танишганимизга эса... яқинроқ танишганимизга тахминан ўн икки йилча бўлди.

— Тахминан эмас, аниқ гапиринг. Шошманг, яхшилаб ўйлаб олинг.

— Ўн икки йил.

— Неча йилдан бери бригадирсиз?

— Беш йилдан бери.

— Ундан олдинги ишларингиз?

— Ирригация институтини битирганимдан кейин...

— Қайси йили?

— Олтмиш иккинчи...

Терговчи бошини қимирлатди ва Тошмаматнинг жавобларини тез-тез ёзиб ола бошлади.

— Институтдан кейин механик бўлиб ишладим.

— Қанча вақт?

— Уч... йўқ, уч йил-у етти ой, — деди у яна шифтга қараб йилларни санаркан. — Кейин то бригадирликкача механизатор эдим.

— Нима учун а й н и с и з бригадир бўлдингиз? Бошқа одамлар ҳам бормиди, муносиб одамлар?

— Бўлса керак... — Тошмамат бўшашиброқ жавоб қайтарди.

— Унда нега айна сизни бригадир қилган Исмоилов?

Тошмамат елкасини қисиб ҳайронлигини билдираркан, терговчининг бу саволларидан озор чекди. Чунки Рустамовнинг шаъмаси шу даражада жўн, содда, кулгили эдики... «Бошиданоқ Исмоилов билан Тошмаматларни манфаатпарастлик бирлаштирган, деган хулоса чиқармоқчи у. Қалбаки, адолатсиз ҳукмлар мана шунақа йўл билан дунёга келди-да! Э, у пайтларда Тошмамат бу кунларга қолишини билгандами?! «Бригадирликни нима қиламан, тинчгина ўз ишим яхши, ўзим хон — кўланкам майдон... Бригадирликда ҳаммага жавоб беришим керак...» деган хаёллар билан неча марталаб Исмоиловга йўқ деганлари-чи? Қани, энди буни кимга исбот эта оласан?! Бисмиллосиданоқ «кўр кўрни қоронғида топган» деган хулоса чиқаришмоқчи! Кимга исбот қила оласан бунинг тескарисини?! Э, тавба-а...»

— Узидан-ўзи бир одамни бир одам «бригадир бўл» деявермайди-ку? Нимангиз ёққан Исмоиловга?

Тошмамат яна ҳайрон бўлиб елкасини қисди.

— Колхозда сиздан бошқа нечта механизатор бор эди?

— Ундан ортиқ...

— Аниқроғи?

— Билмайман. Менимча ўндан ортиқ...

— Хўп, майли. Ундан ортиқ дейлик. Ҳа, ана, Эшмат, Тошмат, Болтавой, Тешавой...

Шуларнинг ичида нега сиз бригадир бўлдингиз? Нега Болтавой эмас, Тешавой эмас?

— Билмайман, мен қаердан билай?

— Демак, билмайсиз? Яхши-и. Сиз ўз хоҳишингиз билан бўлганмисиз бригадир? Еки...

Тошмамат савол-жавоб ҳозиргина кўнглидан ўтган гапга келиб тақалгани учун, шоша-пиша:

— Албатта бўйнимга бошвоқ солиб бригадир қилишмаган, аммо икки уч-марта атказ берганман, — деди жонланиб.

Терговчи Тошмаматга синовчан тикилиб турди ва:

— Кимга айтгансиз бунини? — дея сўради.

— Исмоиловга.

— Фақат Исмоиловгами? Бошқа одам билмайдими атказингизни?

— Йўқ...

— Қизиқ. Нега икки-уч марта атказ берсангиз ҳам Исмоилов сизни танлаган? Сизни кўндирган? Нима учун?

— Узига яқинроқ олган бўлса керак-да...

— Нима учун? Бирор-бир асос бормиди?

Тошмамат нима дейишни билмай қолди. «Эҳтимол, ўша пайтдаёқ Исмоилов «анови Аъзам темирчининг чўкиб кетган ўғли туфайли Тошмамат нақ қўлимга қўндириб олган одамим» деб ўйлагандир? Эҳтимол, бўш-баёвлиги, индамай ўз ишини қилиб юравериши унга ёққандир? Ҳозир қандай биласан бунини? Бунинг устига бу гапларни манови синчков йигитга айтиб бўлмас!» Тошмамат шошиб қолди. У, очиғи, гапни бундай бошқа ёққа буриб юборишларини сира ўйламаган эди. У «бор гапни, яъни бригадирлигини истамаганимни айтсам, нафи тегар ва бунга ишонишар» деб ўйлаган эди. Энди, буни қарангки, шундан ҳам тескари маъно чиқариб ўтиришибди. Тошмамат бирдан терговчига қандайдир шубҳа, адоват билан қаради ва иложи борича энди камроқ гапиришга, фақат берилган саволларга «ҳа» ва «йўқ» деб жавоб қайтариб ўтиришга аҳд қилди. Рустамов эса ёшлигига қарамай, анча пихи ёрилган терговчи шекилли, Тошмаматнинг кўнглидан кечган шу пинҳона гапни ҳам бирдан илиб олгандай:

— Сиз тортинманг, кўнглингизда нима гап бор, очиқ айтинг, яширган билан барибир фойдаси йўқ, — деди. — Циркда кўзбойлоғичларни кўрганмисиз?

— Йўқ...

— Мен кўрганман. Бир кўзбойлоғичнинг қўлига шериги кийган майканинг ипи тушиб қолади, аста-секин тортиб, тортиб, шеригининг майкасини бутунлай ечиб олади. Тергов ҳам шундай: бир учи илиндими, тўғрисини айтиш керак. Ана шунда айбланувчим ўзига-ўзи чинакам ёрдам берган бўлади. Алдаса, терговчини чалғитса — иш оғирлашади, хатолик, ҳатто фалокат эҳтимоли ҳам кучаяди...

Тошмамат терговчига «тушундим» дегандай кулимсираб қаради; аммо ўзи Руста-

мовнинг гапларидан анча эсанкиради. «Одамнинг ичини худди кўзгуда кўргандек кўришини айтинг-а манови йигитнинг!»

— Демак, Исмоилов нима учун сизни танлаган, сабабини билмайсиз? Яхши-и-и...

Рустамов шошилмай ўрнидан турди. Тамаки тутатиб маза қилиб сўрганча бир қўли чўнтагида, хонада у ёқдан-бу ёққа гурс-гурс юра бошлади. Сира шошиладиганга ўхшамайди. Худди у Тошмаматни эринмай бир-икки йил сўроқ қиладигандай... Аммо орадан икки-уч дақиқа ўтгач, кутилмаганда тез жойига келиб ўтирди-да, Тошмаматга қаттиқ тикилган ҳолича:

— Неча гектар ерингиз бор эди? — дея сўради.

Тошмамат ҳам беихтиёр терговчининг суръатига мослашиб тез жавоб қайтарди:

— Эллик гектар.

— План қанча?

— Уттиз саккизу юздан икки центнердан.

— Мажбурият?

— Қирқ беш центнердан.

— Биринчи теримда планингизнинг неча процентини бажардингиз? Мен бу йилги ҳосилни сўраяпман. Аввалги йилларга кейин қайтамыз.

Тошмамат баттар ўсал бўлди. Назарида бу йигит Тошмаматнинг ишларини ўзидан ҳам яхши биладигандай, ҳозир эса фақат эрмак қилиб уни синаб кўраётганга ўхшар эди. Жавобда янглишмаслик учун яна пешонасини тириштирди.

— Биринчи теримдан йигирма тўққиз процент тушди.

— Кам эмасми?

Тошмамат зўрма-зўраки илжайди-ю, қўлларини икки тарафга ёзиб:

— Бори шу... — деди ва Рустамовга жавдираб қараб турди.

Терговчи бошини лиқиллатиб блокнотига нималарнидир ёзиб олди. Тошмаматга жиддий тикилиб:

— Адашмаяпсизми? Йигирма тўққиз процентлиги тўғрими? — деб сўради. — Яхшилаб ўйланг.

Тошмамат ҳамма жойда — пахта пункти, бригада кирим-чиқим дафтарларида ҳам қайд қилинган бу рақамни жуда яхши эслайди. Шу сабабли фикрини яна тасдиқлади...

Рустамов Тошмаматни яна анча вақт ушлаб ўтирди. Нуқул мана шунақа узоқдан келиб савол берди; фалон нарсани нотўғри қилгансиз, пистон нарсада алдагансиз ҳам демади. Тошмамат нимани айтса ҳаммасини маъқуллагандай бош ирғаб, «яхши, яхши-и» деб ёзиб олаверди, нарёқда магнитофони ҳам ишлаб турибди. Тошмамат унинг ҳузурида икки соатчадан ортиқ ўтирди-ю, «асосий гап қачон келаркан» деб кутавериб тоқатлари тоқ бўлди. Йўқ, терговчи сира қуюшқондан чиқмади: арзимаган, асосий ишга алоқаси йўқдек кўринган саволларни беради-да, жавобига ҳатто эътироз ҳам билдирмайди. Фақат ёзиб олади. Лекин шунга қарамай савол кўпайган сари Тошмаматнинг ваҳимаси ҳам оша борди. Худди терговчи уни ёмон бир пистирмага бошлаб бораётгандай юраги орзиқиб, оёқ-қўллари билинар-билинимас титраётганини сеза бошлади ўзи...

Сал ўтмай машинистка шекилли, бир аёл қоғоз кўтариб кириб келди-да, «мана буниси биринчи нусха, мановиси иккинчиси» деб Рустамовга ташлаб кетди. Рустамов уч-тўрт варақ қоғозга бир зумда кўз югуртириб чиқди-ю, кейин Тошмаматни «бери келинг-чи» деб ёнига имлади:

— Уқинг. Ҳозирги суҳбатимиз.

Тошмамат ўқий бошлади. Уқинган сари ҳайрати ошди: хонага ҳеч ким кирмади, бояги хотинни-ку у биринчи кўриши. Аммо ўртада бўлган суҳбат шу қадар аниқ ёзиб олинбидики, айниқса бирпасда машинкада ҳам кўчириб келишгани сира унинг ақлига сиғмас эди. Ҳаммаси тўғри! Тошмамат ҳайратининг зўридан Рустамовга хиёл жилмайиб қўйди. Рустамов ҳам яшириб ўтирмади, очигига ўтиб, столи устида турган кичкина микрофонга ишора қилди, «англагандирсиз» дегандай маъноли бош ирғади.

— Суҳбат тўғри ёзилибдими, кўшимча-олимчаси йўқми?

— Йў-ўқ...

— Унда ҳар бир варағига имзо чекинг, ҳар бир варақнинг тагига, мана бу ерига... — Рустамов қоғоз тагини тирноғи билан ўйиб кўрсатди.

Тошмамат қўл қўйиб тугатгач, Рустамов унга яна бир синовчан назар ташлади-да, «бугунга етар, қолган гаплар кейин» деди ва столи тагидаги тугмачани босди. Уша заҳоти эшик очилиб, бояги малла йигит кирди ва ғоз турганча терговчининг буйруғини кутди.

— Олиб кетинг! — Рустамовнинг овози бирдан ўзгариб қолгандай совуқ эшитилди. Тошмамат малла йигитнинг олдига тушиб йўлакка чиқди...

Санобарга энг алам қилгани — бечора эрининг ялингани-ю, лекин анови қаҳри қаттиқлар унинг гапига қулоқ солмай, ур-сур билан уни олиб чиқиб кетганлари бўлди. Ҳам-

масини унутса ҳам, аммо ўша манзарани сира кўз ўнгидан ҳайдаёлмаяпти. Тошмамат акаси боёқиш ҳибсга олгани келганларнинг каттасига «илтимос, кишан солманг, қаёққа десангиз борай, лекин кишан солманг» деб қанча ялинди-я! Шуни эсласа, Санобарнинг кўзига ўзидан-ўзи тирқираб ёш чиқади, юрагини худди кимдир омбир билан қисаётгандай лўқ-лўқ оғрийди. Эри бечора тошбағир бир кимсанинг қўлида ёш боладай ёлворгани, у бўлса терс гапириб ўша заҳоти қайириб ташлагани... оҳ, пешона курсин-а, пешона! Наҳотки одамлар бир-бирига шу даражада бемехр, оқибатсиз бўлиб кетишса?! Ҳатто онгсиз жонворни ҳам оғилга киритаётганда алдаб-сулдаб, у ёқ-бу ёғини қашлаб, силаб сийпаб киритишади. Булар эса одамни шунчалик силташадими, шунчалик хўрлашадими?! Қаёқдан бунчалик зуғум?! Нима учун?! Қайси гуноҳига?! Тун-кун даладан жилмай, шу ордона қолгур планини бажарай дегани учунми?! Э, пахтаси, «оқ олтин» шу бўлса, ер ютсин ўша «оқ олтин»ини! Ер ютсин! Заҳар-заққум экишмайдими-а ўрнига! Яна «оқ олтин, олтин қўллар» деб оғиз кўпиртиришгани-кўпиртиришган. Ҳаммаси ёлғон! Ёлғон! Хизматга тўхмат бари! Яхшиликка — ёмонлик! Қирилиб кетсин! Қирилсин!.. Хўп ғалати замон бўлди-я? Калтак айни ишлаганнинг бошида синиб ўтирибди! Қанча-қанча бекорчилар юрибди — қилаётган ишининг, қаерда ишлашининг тайини йўқ. Тошмамат акаси таъби тирриқ пайтларда ўшаларни гапириб, сўкиб, қанчалар ғазабга тушарди. Ҳаммаси, ана, ҳозир ҳам айшини қилиб юрибди, биров уларнинг мушугини пишт ҳам демайди. Ҳукумат ҳам қизиқ экан — одамларни ишлатиб-ишлатиб, обдон кучини олиб... кейин бир ярамасининг тўхматига лаққа ишониб, мундай тузукроқ текшириб ҳам ўтирмас экан-да?..

Санобар эри қамалганда аввалига ўзини жуда йўқотиб қўйди. Тошмамат акасининг нима айби бор — билмаса. Лекин у ҳар қанча гапга ҳам барибир ишонмайди. Уртада хатолик ўтган; бу аниқ. У мана шундан умидвор. Тошмамат акасининг қамалишига арзийдиган нима гуноҳи бўлиши мумкин, ахир?! Фирт тўхмат-ку бу!.. Уйинг куйгур, тўхмат балоси бу!.. Кўролмаганларнинг иши... Исмоиловда у-бу айб бўлса бордир: минг йилдан бери колхознинг хўжайини, айтгани айтган, дегани деган. Бола-чақалари-ю, келин-куёвларига — ҳаммалари етти қават осмонда! Одамни бир тийинга олишмайди! Ушаларни деб, ота бечора йўлдан озса — озгандир. Аммо Тошмамат акасида нима гуноҳ?! Бу кишини нега унга қўшиб қамашади?!

Тошмамат акаси қамалган куннинг эртасимиди — қош қорайган паллада кўчада яна машина овози гувиллаб қолди. Санобарнинг жон-пони чиқиб кетай деди. Қараса, ҳў бирда гарнитур ташлаб кетган магазин мудирини. Беш-олтита йигит билан бошлашиб келибди. Дарвозадан кира солиб, уларга «олиб чиқинглар» деган имони қилди-ю, ўзи «кенноийжон, ҳой, кенноийжон» деб даҳлизга қараб юрди. Санобар уни таниб, апил-тапил сўрашган эди, ўша заҳоти мулозимат билан:

— Акамга айтиб қўясиз, бошқача ўйламасинлар тагин, — деди кўзини олиб қошиб. — Қиймаганимдан берган эдим, ревизия келиб қолди. Аслида бунини ғишт заводи маданият-уйи заказ қилган эди. Қайтага мана шулар кўздан йироқ турса, акамга ҳам фойда. Акам ҳафа бўлмасинлар, бунақа нарсалар топилади, соғлик, омонлик бўлсин...

Санобар ғинг деёлмади; куч билан ўзини босди. «Матоҳинг бошингда қолсин» деб ичида номардни қарғади... Машина жўнагандан кейин уйга кирса — Шоҳиста йиғлаб ўтирибди. Унга қўшилиб ўзи ҳам йиғлади. Сўнгра Шоҳистани зўрға юпатди:

— Даданг эсон-омон чиқиб келса, бу тақир-туқурлар нима бўпти?! Бундан зўри келади ҳали. Қўй, йиғлама, болом, садқаи кўз ёшинг кетсин!.

Санобар қизига алам билан шундай деди-ю, аммо бир куннинг ўзиде уйлари хувиллаб, ҳаммалари етимчага ўхшаб ўксиб қолганларига биринчи галда ўзи чидаёлмади сира... Қаёққа қарамасин, қайси бир нарсага кўзи тушмасин — ҳаммаси Тошмамат акасини эслатади, бундан Санобарнинг баттар юраги эзилиб, ўзини қаерга қўйишни билмайди. Ўша кунни анови бошлиқ «эрингизнинг қаердалигини сизга айтишади» деган эди, лекин шу пайтгача ҳеч гап йўқ, тим-тирс. Сельсовет орқали хат ҳам ёзишган эди. Жимжит. «Боёқиш қаерларда ётганикин? Овқат-повқати тузукмикин? Жигари оғриётган бўлса-я?» Санобар ёшлигида «қамоқда айбга иқроор қилдириш учун ҳафталаб сув беришмайди» деган гапни эшитгани бор эди. Бир кунни ярим кечада шу гапни эслаб қолди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. «Наҳотки шунчалик қаттол одамлар бор?!» У юраги ҳовриқиб ўрнидан сакраб турди. Болаларини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида бориб эшикни секин очди-да, ҳовлига чиқди. Тошмамат акаси кетгандан бери ҳовлидан ҳам қўрқади. Худди ҳар бир қоронғи бурчакда бегона одам ёки ўғри пойлаб тургандай; ҳовли электр ёруғидан қароғон бўлса-да, орқасидан ҳадеб кимдир қувиб келаётгандай ўзидан-ўзи додлаб юборишига сал қолади; чопиб келади-да, эшикни шарақлатиб ёпиб олади. Ичкарида ҳам анчагача ўзини босолмай ташқарига қулоқ солиб туради. Уззукун акиллаб қулоқни ейдиган Йўлбарс ҳам кейинги кунларда худди аза тутгандай ҳадеганда овози чиқмайди. Баъзан тун бўйи бор-йўқлиги билинмай ётади. Санобар шундан ҳам ваҳимага тушади: назарида кимдир итга дори бериб ўлдирганга ўхшаб туюлаверади. Шунақа пайтда ҳаяжон билан эшикни очади-да, «Йўлбарс, Йўлбарс» деб қақиради қоронғи бурчакка қараб. Йўлбарс Санобар кутган тарафдан эмас, шундоқ эининг тагидан лоп этиб чиқиб, думини ликиллаганча кўзини олов қилиб жилпонглаб турганини кўргач,

«э, ўл-е, юрагимни ёриб юбординг-е, шу ерда ётувдингми» деб жеркиб ҳам беради...

Мана, ҳозир ҳам эшикни очиши билан худди ернинг тагидан чиққандай рўпарасида Йўлбарс пайдо бўлди; Санобарнинг оёғи остида ўралашиб, ингиллаб суйкана бошлади. Санобар болаликдан итга тегишга ирганади. Лекин ҳозир беихтиёр унинг бошини силади; ит баттар талтайиб, оёғига ёпишиб, ҳатто сал қолди ағдариб юборай деди.

Санобар Йўлбарсни эргаштириб дарвоза йўлагига борди, эшик занжирини ушлаб кўрди — қулфланган экан. Кўчадан аллақайси куйни хиргойи қилиб ўтиб кетаётган бир йигитчанинг минғирлаган овози эшитилди; Санобар уни танимади. Овоз бора-бора пасайиб, куй куйлаётган йигит пастликка тушиб кетди шекилли, яна теварак-атроф бир зумда сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди... Тоғ томондан эсаётган совуқ изғирин ҳовли юзидаги хазонларни шитир-шитир ўйнайди. Том устидан ўтган электр симлари эса кеч куз шамоли билан олишиб ғариб бир оҳангда ғувиллайди...

Санобар ҳар қанча ўйлаганида ҳам барибир юз берган воқеанинг тагига етиб англаёлмаётган эди. «Бу ўтакетган ноҳақлик! Бу — мумкин эмас!» дея қатъиян ишонгани билан, аммо «нега шундай бўлди» деган савол олдида эсанкираб қоларди. Унинг назарида ҳар қандай одам ҳам ҳаётда қандайдир битта йўлни, қандайдир бир таянч нуқтасини топиб олади-ю, кейин то ўла-ўлгунча, ҳеч ўзгаришсиз, ўша йўлдан кетади, умри ўша йўлда ўтади. Лекин фаол яшаган киши ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқа ҳаётнинг хилма-хил синовлари, гурзиларига дуч келиб туриши, тақдири кутилмаганда, бир зумда чархпалак бўлиши ҳам мумкинлигини эса тинчгина, нари борса, битта оила ташвиши билан ўралашиб қолган аёл ҳамма вақт ҳам тушуниб етавермайди. Ажжао, бу дунёнинг бебақолиги, бахтли кунларнинг ўткинчилигини кўрганда деярли ҳаммамиз эсанкираймиз, даҳшатга тушамиз. Аслида даҳшат бу эмас, даҳшат шундаки, биз шу бебақоликни, ўткинчиликни буйнимизга олгимиз келмайди. Санобарнинг кўнглини ҳам, гарчи у аниқ шу тақлидда ўйлашга қўрби етмаса ҳам, тахминан шу сабаблар тегирмон тошидек эзар эди. У ҳозир нима истаётганини, нимадан норозилигини аниқ билмасди, аммо юрагини туман bosган, нариги ёқда эса ҳеч нарса кўринмас эди. Ҳатто ўзи кўп сўзлаб юрадиган бир гапи ҳам бор; донолиги тутиб кетганда «бувимдан қолган хитойи лаганни қизимнинг сепига қўймоқчиман-а... ана, одамзоднинг ҳоли» дея ҳайратланади-ю, лекин барибир инсон тирик экан, қийналиб адо бўлса ҳам, ўз йўлидан сира чекиниши истамайди...

Санобар бугун Йўлбарс олдидалиги учунми, уйга киришга шовилмаётган эди. Азбаройи миясида тайинли бир фикри йўқлигидан ҳам ҳовли ўртасида қаққайганча туриб қолди. Буни Шоҳиста ичкаридан кўриб турган бўлса керак, шаҳд билан эшикни очди-ю, «ойи» деб чақирди қоронғи ҳовлига зарда қилиб. Санобар шунда ҳушига келди. Ярим кечада ҳовлида юргани ўзигаям эриш туюлди. «Ҳа... мммен... ташқарига чиққандим» дея дудуқланди-ю, тезда уйга кирди. Изидан Шоҳиста ҳам кирди. Ичкари хона эшиги очик қолдирилган экан — болаларидан бири босинкиради чоғи, уйқусида алланималар деб валжиради, Санобар ичкарига бироз қулоқ солиб турди-да, жимжитлигидан кўнгли жойига тушди шекилли, каравотиға бориб ўтирди, зимдан Шоҳистага, унинг авзойига разм ташлади. Қизи боқеши ҳам шу бир ҳафтанинг ичидаёқ ўзини анча олдириб, қорайиб, озиб-тўзиб қолди. Энди йиғламайди. Онасининг кўзида ёш кўргудек бўлса ҳам, бирдан жаҳли чиқиб кетади. «Биров ўлдими? Нега аза тўзасиз?!» деб бақириб беради. Аммо ўзи ҳамма нарсани ичига олиб юрибди; илгариям камгап эди-ю, энди баттар бўлди. Эҳтимол, ойисига кўрсатмай чет-четга ўтиб йиғлаб олса ҳам керак. Санобар баъзан қизининг қизарган кўзларини кўради, холос. Мавлудаси ҳам шу... Бошига иш тушмагунча ҳар ким ҳам яйраб-яшнаб, ота ё онасининг паноҳида тинчгина яшаб юравераркан. Бу уйда ҳам киши билмас ҳамма нарса Тошмаматдан бошланиб, у билан тугар экан; буни илгари ҳеч ким ўйлаб ҳам кўрмаган. Санобарга келсак, у аллақачоноқ ўзидан кўра эрининг ақллилигига бутунлай ишониб қўйган; шу сабабли унинг ҳазиллари-ю, унда-бунда ўзи билмай қиладиган қўполликларини ҳам сезмас эди. Эри унинг учун ҳокими мутлақ эди. У эрининг бошига ҳам бир кун келиб оғир кунлар тушиши мумкинлигини тасаввур этолмас ва буни ўйламас ҳам эди. Тўғри, у гоҳо-гоҳо оиласи, болалари ҳақида кўп ташвиш, хавотир чекарди; аммо у бу муаммоларни олис келажак билан боғлар, яъни ўғли ва қизлари ҳам вақти келиб мана шу отасига ўхшаб айтгани-айтган бўлиб юришармикин ёки ландовур, аммамнинг бузоғига ўхшаб, куни бировларга қолиб кетармикин, дея ташвиш қиларди. Шуларни ўйласа, ўзидан-ўзи негадир болаларига раҳми келарди... Мана, энди дадалари кетди-ю, булар бирдан ўзларини йўқотиб қўйишди. Кимга боришни, кимга маслаҳат солишни ҳам билишмайди. Биринчи кунлари ҳатто кўчага чиқишга ҳам кўр-қишди. Ор-номус-ку, буни айтиб ўтирмаса ҳам бўлади!

Санобар ҳиссиз бир ҳолатда ўтиргани учунми, шу бир ҳафта ичида биринчи марта Шоҳиста ойисининг пинжига тиқилиб, сочларини силаб бошлади, кейин умрида биринчи марта онасининг юзидан ўпди ва қулоғига «дадам албатта келадилар» деди шивирлаб. Санобар қизининг қалин қошлари ўртасидаги билинар-билинемас сепкиллари, ёрилиб кетар даражадаги дўрдоқ лаблари ва ўйчан, қоп-қора кўзларини худди ҳозиргина кўраётгандай эди... Шоҳиста «ётинг ўрнингизга» дегандай тўшакни кўрсатди: Санобар ёш боладай қизининг айтганини қила қолди...

Шоҳиста рўпарадаги тошойнага қараб, ранг-рўйи бир ҳолатда бўлиб қолганини

ўзи ҳам сезди; индамай ўрнидан туриб, укаларининг олдига чиқиб кетаркан, барибир юрагидаги аламни яширолмади:

— Дадам йўғига сира ухлаёлмаяпман...

Санобар кўрпага ўраниб олганча қизининг гапига анча вақт хўрлиги келиб ётди. Хона зулматга чўмган; фақат деразадан тунги осмоннинг майин шафағигина ғира-шира сезилиб турибди. Қоронғида айвон деворига илинган осма соатнинг чиқ-чиқи баъзан зўрайиб, баъзан пасайиб эшитилаётганга ўхшарди; баъзан худди тўхтаб қолгандай бирдан жим бўлади (аслида бу Санобар вужудида юз бераётган тўлқиннинг таъсири эди)...

Анови магазинчи гарнитурини олиб кетган кунининг эртасига яна уч-тўрт киши Санобарнинг уйига бостириб кирди-ю, бутун хоналарни ағдар-тўнтар қилишди. Уйда нимаки кўзга илинадиган нарса бўлса, ҳаммасини хатга солишди. Азаматга бериб юборишга улгуришолмаган тилла заёмларни ҳам топиб, актга тушириб, тап-тайёргина йиғиштириб олишди. Кейин Санобарга қўл қўйдириб, «хатга тушган нарсаларнинг бари турган жойидан жилмаслиги керак, агар йўқолса — жавобгарсиз» деб дўқ ҳам уришди. Санобар оғзини очганча қолаверди... «Қанақа замон бўлди-я, э, воҳ! Уйингга бостириб киришгани-киришган, яна дўқ ҳам қилишади-я! Бунисига нима дейсан?! Мабодо Тошмамат акасини кўришга рухсат беришганда ҳам, бу гапларни дарров унга айтиб, кўнглини хира қилиб ўтирмайди. Кейинроқ айтар ёки ўзи кейин билар...»

Бу синоатларга ям бир амаллаб чидаш мумкин эди-ю, лекин ўтган куни қудаларни кига бориб келиб, Санобарнинг юрагини оғир бир шубҳа босди. Оғир шубҳа... Йўқ, орага совуқчилик туширадиган ортиқча гап-сўз ҳам бўлгани йўқ. Ҳаммаси ўша-ўша, бурунгидай. Қудаси бечора ўтказгани жой тополмай атрофида айланиб-ўргилди. Лекин нимадир ўзгарган эди. Аввало Санобар кириб борганда қудаси у билан худди эрини кўмиб келган бева аёл билан кўришгандай, ғоят эзилган қиёфаси, қовоқ очмай кўришди. Буни Санобар тилида гапириб беролмайди, ёки бирор-бир далили ҳам йўқ. Аммо қудалар орасига нимадир нифоқ тушгандай эди, буни ҳойнаҳой икковлари ҳам сезишди шекилли. Эркак қуда уйда йўқ экан. Хотин қуда кейин ўзини шунчалар эркин, кўп нарсалардан беҳабардек тутишга уринган бўлса ҳам, барибир Санобардан ҳадеб кўзини олиб қочгани, пайдарпай ўйга толиб, меҳмоннинг гапига унча эътибор бермагани кўнглининг нотинчлигини сездириб қўя бошлади. Сал диққат қилган одам буни пайқамай иложи йўқ эди. Айниса буни Санобар қудасиникидан чиққанда билди — бу гал бирон марта ҳам Шоҳистадан гап очилмади. Бўлғуси қайнона Шоҳистани оғзидан қўймас эди аввал келганларида. Бу гал бирон марта ҳам сўрамади, Санобар шунча кутди — йўқ, эслаб ҳам ўтмади. Фақат «Тошмамат акам бечорага қийин бўлибди-ку» деб, гап шундан нарига ўтмади. Бунинг устига у туриб-туриб узун уҳ тортиб юборади; Санобар баттар ўзини ўнғайсиз сезиб, иложини топса тезроқ чиқиб кетишни мўлжаллаб ўтирди.

Санобар бечора бўлғуси қариндошлариникига аслида ноиложликдан борган эди. Ахир, районга, бутун юртга номи кетган чўпон, кўкраги тўла орден, кўпни кўрган одам — бирон-бир тузукроқ маслаҳат чиқиб қолармикин ундан, деган умид Санобарни бу хонадонга отлантирган эди. Келса — эркак қудаси қирга кетган экан. Хотин қуда нима? Санобарга қўшилиб уҳ тортишдан нарига ўтмади... Бунинг устига ораларига ғалати бир ҳадик тушгани ёмон бўлди; буни икковлари сезиб туришса ҳам, аммо айтишга ёки тан олишга юраклари дов бермади. Утган гал «қани, шу бугун айтасиз тўй кунини, чўзиб нима қиламиз, бўладиган ишнинг бўлгани яхши» деб қистаган одам бугун мум тишлагандай у ҳақда лом-мим демайди. Бу Санобарнинг иззат-нафсига оғир ботди. Лекин шунда ҳам ўзини юпатишга уриниб, «қудам боёқиш эҳтимол бизни аяётгандир, бу ёқда манови қулфат бошга тушиб турса-да, кўнгилга тўй-томоша сиғадими, вақти-соати билан бўлар...» деб ўйлаётгандир, деган хулосага келди; шу сабабли ҳам ҳамон хаёли қочиб ўтирган, ҳар замон-ҳар замонда «қолинг, олинг, олишиб ўтиринг» деб чойга ундаётган қудасига барибир миннатдор нигоҳ билан боқди.

Қудаси хайрлашаётганда, Санобарга:

— Худо хоҳласа, ҳали кўрмагандай бўлиб кетасизлар, — деб яхши ният ҳам қилди.

Санобар яна илинж билан кутди — Шоҳистадан гап очармикин, илгаригидай «келинимни ўпиб қўйинг» дермикин деб, аммо қудаси индамади—фақат ғамгин жилмайиб, «келиб туринг» деди Санобар йўлга тушаётганда.

Санобар ўн-ўн беш қадам нари боргач, ўзини шу даражада ерга урилган ҳис этдики, уятдан юзлари ловуллаб кетди. «Нега келдим шу ерга?!» Бу ғазабнок савол лабларидан деярли отилиб чиқди. Бекор келди! Кутиб туриши керак эди! Иззатини сақлаб! Қайтага қудалари бориб, булардан кўнгил сўрашлари керак эди! Шунга кутиш лозим эди! Бу бўлса — югуриб ўзи келиб ўтирибди-я?! Ер ёрилмади-ю, Санобар ерга кирмади...

Энди нима қилсин? Бутун эл-юртга овозаси кетиб, кимсан фалончи билан фалончилар қуда тутинишибди, деган гаплар нариги қишлоқларгача бориб етган. Шоҳиста унда-бунда Акбаржон билан учрашиб ҳам юрибди; фақат отаси қамалгандан бери уйдан чиқмайди, гап кўтаролмайди. Санобар оналик зехни-фаросати билан сезяпти: кичик қизи Мавлуда шу кунларда опаси ва бўлғуси поччаси ўртасида почтачига айланган: нуқул хат ташийди. Мавлуданинг болаларга хос соддадиллик билан ўзича шошилиб қолгани, ҳовлига ҳам кўзлари аланг-жалаң кириб келиши ва шамғалат қилиб бирдан опаси

ётган уйга ўзини уриши, сал ўтмай кўкрак чўнтагига ниманидир беркитганча онасидан ҳам хавотир олиб, яна югуриб кўчага чиқиб кетишлари гоҳ Санобарнинг кулгисини қис-татса, гоҳ пинҳона завқини оширади. Эҳ, шу гўдакларниям тинчини бузди-я ўша машъум кун! Суриштириб қараганда бу норасидаларда нима айб? Йўқ, булар ҳам худди қамоққа тушгандай, худди гуноҳкордай, бир кунда елкаларини қисиб, мусофирга ўхшаб қо-лшди... Санобар ҳамон кўчада ўй сурганча келаркан, бирдан томоғига тошдай бир нарса тиқилди, кўзларига ёш қалқиб чиқди.

... Тошмамат акаси қамалганигаям ҳадемай ой тўлади — аммо негадир қудалар жимжит. Хотин куда-ку, аввалига деярли ҳар куни ўзи йўқлаб келарди; бир-икки марта болаларидан дастурхон жўнатди — таомил шу экан. Санобар ҳам бунга киши билмас кўниқиб улгурган эканми, мана, энди бирдан қадамлари узилганига... юраги баттар ҳу-вилаб кетяпти. Шоҳиста эса деярли кўчага чиқмайди.

Санобар кеча кечқурун юрагини ҳовучлаганча қизига гап ташлаб кўрди:

— Акбаржондан дайак борми?

Шоҳиста ялт этиб ойисига қаради; нега бундай савол берганига тушунмай турди. Охири онасининг аламини пайқаганиданми:

— Юрибди... — деди совуққина қилиб.

Санобар ҳеч нарса тушунмади барибир. «Ишқилиб, буларнинг ишим дарз кетма-димикан?..» У қизидан кўз узмай, унинг яна нимадир дейишини кутди. Аммо Шоҳиста миқ этмади.

Дадасининг аҳволига аслида ҳаммадан ҳам кўра Шоҳиста кўпроқ куйди. Бу — биринчидан, дадасини ниҳоятда яхши кўрганидан, иккинчидан эса балоғатга етиб, эрта-индин учирма бўлишни орзиқиб кутаётган қиз ўзининг бутун орзу-умидларини қаерга қўл узатса курб истадиган мана шу отасига боғлаб юрганидан эди. Куни кечагина хаёли-да бамисоли жаннатда учиб юрган шу тажрибасиз қалб бугун бирдан бўшлиққа қулаб тушгандай ўзини қўйишга жой тополмас эди; бир ҳафтадаёқ худди тиргаги олиб ташлан-ган дарахтдай эгилди-қолди. Гарчи у ҳатто ўзини онасидан ҳам дадилроқ тутишга ури-наётган, ойиси кўзёш қилса, уни жеркиб ташлаётган бўлса-да, барибир Шоҳиста ҳам-мадан кўра кўпроқ дили хун эди. Айниқса дугоналарининг ўзгаргани унга қаттиқ таъсир қилди; ҳаммаси висир-висир гаплашиб, Шоҳистага қарайди, ниманидир беркитишади...

Одамлар оғизларини тўлатиб, «фалончи донгдор чўпон билан фалончи бригадир куда тутинишибди» деб юришибди-ю, аслида ҳаммасига сабабчи Шоҳиста билан Ак-баржонларнинг ўзлари эди! Ота-оналар, ҳозирги ибора билан айтганда, бўладиган гапни фақат расмилаштириб беришяпти, холос. Ишлар шунақанги хамрдан қил суғиргандай юмшоққина кетаётган бир пайтда, ота-оналари ҳам ўзларида йўқ шод — эл-юртга бир хумордан чиқиб тўй бермоқчи бўлиб юрган вақтларида... лоп этиб манови фалокат юз бериб ўтирса-я?.. Ҳамма орзу-ҳаваслар бир кунда, битта ғуссали тунда чиппакка чиқиб ўтирса-я?..

Шоҳистанинг дадаси қамалгандан кейин Акбаржоннинг хатлари, унда изҳор этилган қалб туйғулари бамисоли вулқондек зўрая борди. Бу мудҳиш воқеа Акбаржонга Шо-ҳистадан баттарроқ таъсир қилди. У ниҳоятда ачинди ва айни замонда даҳшатга тушди. Наҳотки?! Наҳотки?! «Тошмамат дадаси»нинг қорасини кўргудек бўлса, қиз боладек уялиб, ўзини дуч келган тешикка уриб, беркиниб олар эди. Бу аслида Шоҳистани ўтдай ёниб севишидан эди. Уни ўнинчи синфдан бошлаб зимдан ёқтириб юрарди; охири ниятига ҳам етди: унаштириб, элга билдириб қўйишди. Буни қарангки, кўнгиллар тоғдай яйраб юрган шундай бир пайтда энди манови машмаша! Шундай одам қамоқда ўтириб-ди! Нима айби борлигини ҳеч ким билмаса?! Акбаржон ўзининг ёш, беғубор кўнглига инониб, «Тошмамат дадаси»нинг бирон-бир ёмон иш қила олишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Шу сабабли ҳам «Тошмамат дадаси» қамалган куннинг эртасига бирдан ойиси кўчадан кўзлари ола-кула бўлиб чопиб кирганда аввалига Акбаржон қўрқиб кетди:

— Ҳа, ойи, нима гап?!

— Вой, болам, эшитдингми? Қайнотанг қамалганмиш?! Уйдан бир дунё мол чиқиб-ди. Энди нима қилдик?! Бор, даданга хабар қил!

Акбаржон ранги қув ўчиб, бир-икки ютинди-ю, югуриб кўчага чиқиб кетди ва Шо-ҳисталарниқига қараб чопди. Ярим йўлга етганда вужудини баттар ваҳим босди: нима деб киради? Балки у ердагиларнинг юрагига ҳозир қил ҳам сиғмас? Балки бегона одам-лар аралашидан орланишар? Шу аҳволда у бирдан бостириб кирса...

Шоҳисталарнинг уйи атрофида бир неча бор у ёқдан-бу ёққа зир-зир югурди. Узини панага олиб турди. Охири қўшниникига нимадир кўтариб бораётган Мавлудани кўриб қолди-ю, қайтиб чиқишини кутди. Уни худди акасидек тортинмай имлаб чақирди-да, шоша-пиша Шоҳистага бир энлик хат ёзиб берди: «Шоҳистахон! Хафа бўлманг. Албатта яхшилик билан тугайди. Мен бунга ишонаман! Акб.» Нимага асосланиб бу қадар дадил ишонч билан хат ёзди — ўзиям билмайди, аммо бирдан-бир нияти нима қилиб бўлса-да, ҳозир Шоҳистанинг кўнглига далда беришлик эди. Бошқаси кейин бўлаверади, ҳозир фақат кўнглини кўтариш керак.

Акбарнинг ўзи ҳам ҳатто унча ишонмай ёзиб киргазган шу уч-тўрт оғиз сўзи Шоҳис-

танинг дилини шу қадар кўқларга кўтардики... агар ҳозир Акбар акаси олдида турганда, ҳеч кимдан уялмай уни маҳкам қучоқлаб олган бўларди. Шоҳиста ўзидан-ўзи хўрлиги келиб, лаблари титради... Еш юракнинг сабр-тоқати, чидами ҳам худди лим-лим коса — сал туртса тўкилади, шикаста юракка бир оғиз сўз ёки арзумаган ҳамдардлик ҳам кифоя!

Шоҳиста билан Акбаржон ёш, тажрибасиз бўлганлари учун ҳам «масала равшан... ҳаёт бизни ҳар қандай синовларга солганда ҳам барибир бир-биримиздан кечмаймиз» деган ишончлари янада мустаҳкамланди; улар гўё шу билан бир-бирларининг янги қирраларини ҳам кашф этганга ўшардилар. Лекин кўп яшаб, кўп кўриб, одам таниб, урф-одатларнинг кучи ва оқибатини яхши билиб, вақти келса улардан озор чекиб юрган ота-оналари учун эса кейинги воқеалар бамисоли бомбадек портлади, ақл бовар қилмас жиддий, чигал масалага айланди. Шунинг учун бу нарсани очиқ қолдириб бўлмайди: уни қандайдир ечиш керак. Ким ўз фарзандига ёмонлик тилайди? Ҳеч ким!..

Акбаржоннинг онаси ўйлар эди: «Фалокат оёқ остидан чиқса-я! Кўз теги! Суқсурдай болам... Ҳозир қизиқ устида уйланишга уйланар-у, кейин армонда юрса-чи?.. Худого шукур, кимни хоҳласам келин қилишга қурбим етади! Ўз қўлим билан-а?.. Йўқ, шошган қиз эрга ёлчимайди. Икки-уч ой юра туришсин, уйланиш қочиб кетмас... Хўжайин тушмагур шоширди-да ўзи, билмадим нимасига бунчалик қизиқди? Вой, вой, биратўла иккала қизини олмоқчи эди-я?! Худо асради! Бош кўтаролмай қолардик... Йўқ, уч-тўрт ой юра туришсин, унгача худо пошшо, таги кўриниб қолар ҳадемай... Биз ёмонотлиқ бўлиб қолмайлик яна... Ана, Исмоиловнинг уйидан бир хум тилла чиққанмиш... Нима қилар экан-а шунча бойликни?! Акбаржонимга ҳозир уйлан деса, нақ томдан ташлайди-я! Йигитчилик! Ҳаммаям шу! Отасига тортди. Шошқалоқ. Аммо... бир кун келиб кўнглига урганда, «бошқаси топилмаганмиди» деб ўтирса-чи? Отаси ўша заҳоти четга чиқиб олади, «қўй-эчкидан ортмайман» деб. Балога қолганда мен қоламан... Йўқ, шошмасин, қизиям бир ёққа қочиб кетаётгани йўқ-ку?!»

Айни пайтда Санобар ҳам ўзича ич-этини еётган эди. Ўта соддадиллиги, покиза қалблиги учун бошига тушган бу кулфатдан қаттиқ орланар, худди қудаларига ҳам ёмон ном орттириб қўйгандек ўзини айбдор ҳис қилиб юарди. Айниқса ҳалорига қудасининг бирдан ўзгариб қолгани аввалига иззат-нафсига тегиб, «бундай енгилтабиат одамларга тушиб, қизим бечора нима рўшнолик кўрарди, қайтага, бошиданоқ билганимиз тузук бўлди, яна бир фалокатга йўлиқардик» дея чимирилиб юрса ҳам, лекин сал ўтмай бу шаштидан тушди. «Уларнинг ўрнида мен ҳам шундай қилардим... Ким ўз боласига ёмонликни раво кўрибди?.. Ҳамманиям орзу-ҳаваси — таглик-туглик, «қудам» деса ярашадиган одам билан қариндош тутиниш. Ўз боласини кўриб туриб ким жарга итаради? Улардан хафа бўлиш ноўрин. Мен ҳам шундай қилган бўлардим уларнинг ўрнида...»

Санобар кўпинча мана шундай тўғри, ҳалол фикр юритарди-ю, лекин туриб-туриб яна бирдан жони чиқиб кетарди: «Садқаи одамгарчилик-э! Очдан ўлганимда ҳам сен бекбурдларга хор қилиб қўймайман болагинамни... Ҳали биз хўп дедиг-у, сенлар ноз қилдиларингми?! Майли, худого солдим. Отаси эшикдан кулиб кириб келганда сенлар билан гаплашаман ҳали! Одамнинг қадри нималигини ўшанда ўқитиб қўяман сен тайини йўқларга!..» Агар ён-атрофда ҳеч ким бўлмаса, Санобар шундан кейин пиқ-пиқ йиғлашга тушади...

Ҳошим қўйчи эса бу хунук хабарни тоғда, ферма мудиридан эшитди. Эшитди-ю, тахтадай қотди-қолди. Раис қамалганига ўзи ёқасини ушлаб юрган эди; буниси баттар ошиб тушди. Устига-устак яна орадан сал кам бир ой ўтгандагина эшитибди. Ҳошим қўйчи эсини танибдики, мол кетидан юриб чўпонлик қилади, қишлоққа ҳам зарурат юзасидан ҳар замонда бир тушиб чиқади. Қирга, тоғу-тошга, танҳоликка ўрганиб кетган. Одамлар орасига кирса, обдан ёзилишиб сўхбатлашади-ю, лекин нимасидир етишмай туради, юраги сиқлаверади. Кейин «хайт» дейди-ю, яна тоғу-тошга равона бўлади... Шу сабабли, қишлоқдаги майда-чўйда гаплардан узоқлиги учун, раиснинг, бунинг устига ўзи кўпдан ёқтириб юрган бўлғуси қудаси Тошмаматнинг қамалганини билганда аввалига сира ишонгиси келмади. Кейин минг хаёлларга борди. «Қизик, одамлар ҳам қўй подасига ўхшайди... Битта чўпон келиб ундай қарайди, бошқаси келиб бундай қарайди...» У қўй-эчкиларини дара ичига ёйиб, ўзи эса тепада осилиб турган баҳайбат қора харсанг устига чиқиб ёнбошларкан, ўй ўйлаб тагига етолмасди. «Аммо-лекин шамол бўлмаса, дарахт қимирламайди... Бирон гап борми дейман-да?..» Кейин у кекса арча тагидаги булоқ лабида худди тоғ тепасига чиққан одамни танимоқчи бўлаётгандай қилт этмай турган тарғил серкага кўз ташлади-да, ўз шахсий отари ҳам анча кўпайиб қолгани, комиссия-помиссия келса бошни қотиришини ўйлади. Бу ёқда тўй харажатлари борлиги, шу баҳона сурувнинг ярмини ҳар бозор — ҳар бозорда сотиб йўқ қилиб қўя қолишни ўйлади. «Э-э, одам дунёга бир келади! Лафз ҳам битта! Агар Тошмаматни отворишганда ҳам — у ўз фикридан қайтмайди?! Қизини ўғлига олиб бераверди! Ҳа, нима, Тошмамат айбдор бўлса, қизидан нима гуноҳ?! Отага бола жавоб бермайди!.. Ҳа, ана қамалганининг қизини олиб бердинг деб, мени ҳам қамаб юбора қолишсин! Аммо бу Тошмамат қизиталоқ ҳам... нима иш қилганикин-а? Бировни биров тўсатдан бесабабдан-бесабаб қамаб қўявермайди-ю?.. Ишқилиб раиснинг шайкасига қўшилиб қолган бўлмасин-да... Замон

ҳам шунчалик тез ўзгарар экан-а? Тавба! Ким ўйловди Исмоиловнинг мушугини биров пишт дейди деб... Йўқ, эртами-кечми ҳалоллик ютавераркан!.. Бировнинг ҳақи тешиб чиқмай қўймас экан... Чатоқ бўлди-да, чатоқ бўлди! Шу аҳволда тўй ҳам келишмайди, одамлар нима дейди?...»

Тошмамат бир ўзи 13-камерада ётганча, эрта-ю-кеч уйи, болаларининг тақдирини ўйларкан, «кенжамни ҳам бериб юборсам тузук экан-а ўшанда» дея афсус чекарди яна. «Бира тўла икковидан қутулардим... Қани, энди эртага нима бўлишингни олдиндан билсанг, «отамнинг ўлишини билсам, кепакка сотиб ердим» деган экан биттаси... Бекор оёқ тирабман... Балки ҳали ҳам кечмасдир? Қани, Санобар билан учрашайлик-чи...»

Охири келгуси сонда



Акс садо

АЖДОДЛАРИМИЗ ҚИССАСИ

«Юлдузли тунлар»ни ўқиб, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг изтиробли кунларини, Афғонистон ва Ҳиндистондек мамлакатларда майда ҳокимиятларни бирлаштириб, катта салтанат тузганлигидан, бу билан ўзаро урушларга барҳам бериб, халқларнинг маълум бир даврда тинч яшаши, тараққиёти учун хизмат қилганини билиб олгандик.

Мана, қўлимизда «Шарқ юлдузи» журналининг 1988 йил 8, 9 ва 10-сонлари. Севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодиров яна китобхонлар билан мулоқотда. «Авлодлар дово»нинг анча кечкиб бўлса-да босмадан чиқиши адабиётимиз ихлосмандларини қувонтирди, албатта.

Романда Бобур авлодлари Ҳумоюн, Комрон Мирзо, Ҳиндол ва Гулбаданбегимларнинг ҳаёти ҳақида саргузашт маълумот берилади. Сўнгра теурийлар салтанатининг охириги давомчиси бўлган шоҳ Акбарнинг подшолик фаолияти талқин этилади:

Менимча, романнинг китобхонларга кадрлиги шундаки, асар XV—XVI асрларда яшаган Ҳиндистон халқлари ҳаёти тўғрисида теран таассурот уйғотади. Шунингдек, шаҳзодаларнинг икки хил бўлгани, яъни Комрон Мирзо ва Муҳаммад Ҳакимларнинг худбинлиги, золимлиги ва айни даврда Ҳумоюн, Ҳиндол ва Акбаршоҳлар халқпарвар бўлгани ва адолат йўлидан боргани ҳам маҳорат билан кўрсатилган.

Романда бир қатор маърифатли шаҳзода аёллар ҳақида маълумот берилади. Хонзода бегим, Қутли Нигор бегим, Гулбадан бегим, Ҳамида бегим, Жадҳа Бай бегимлар давлатни идора қилишида, маърифатли кишилар етиштиришида, ободонлик ишида, халқлар дўстлигида шаҳзодаларга биринчи кўмакчи, заковатли ва тадбиркор аёл эканликларини намойиш қиладилар.

Роман бизни салкам тўрт аср олдинги улўғ Ҳинд элига етаклайди. Китобхон тасавурида Бобур авлодлари яшаган Ҳиндистон ва ҳозирги жаҳон тараққиётига катта ҳисса қўшаётган Ҳиндистон пайдо бўлади.

Бобур авлодларидан энг тадбиркор, ақлли, заковатли Акбар шоҳ китобхон қалбидан илиқ ўрин олади. Бобоси Бобур, отаси Ҳумоюн экиб, сочиб кетган яхшилик уруғларини авайлаб парвариш қилади, уни турли миллат халқлари орасида соғлом ўстиришга ҳаракат қилади. Диний эътиқодларни тенглаштириш ва бирлаштириш учун «Сулҳи кулл», яъни ҳар томонлама сулҳни, тинчликни жорий этади. Дин пешволари бир миллатни иккинчисига гижгижлаётган вақтда ислом, христиан, оташпарастлик динлари вакилларини «Сулҳи кулл» орқали дўстлаштиришга ҳаракат қилади. Романнинг тили ўқувчига тўлиқ тушунарли, ширали. Китобхон асардан эстетик, бадиий озуқа олади.

Асарни ўқирканмиз, ҳозирги даврда инсониятга қирғин келтирувчи ядро уруши хавфини йўқотиш учун халқлар дўстлигининг кадр-қиммати катта аҳамиятга эга эканлигини тўлиқ тушунамиз.

Мен ёзувчиларни (фақат яхши ёзувчиларни) ҳаёт тарозибони деб атагим келади. Ўқувчиларга ҳам бу жумлани қайта-қайта таъкидлайман. Чунки ҳаётдаги яхши-ёмон, ижобий ва салбий ҳодисаларни тарозига солиб, китобхонга ҳавола қиладиган ёзувчигина асл қаламкашдир. Пиримқул Қодиров ҳам асл адиб, у бизни XV, XVI асрдаги Афғонистон ва Ҳиндистон тарихининг муҳим бир нуқталари билан таништиради. Тўрт аср аввали Ҳиндистон ва Афғонистон тарихини бадиий лавҳаларда ўқувчи онгига етказиш, менимча, жуда катта жасорат ва билимдонликни талаб қилади. Икки китоб устида йигирма йилга яқин ишлаш киши умрининг учдан бир қисми-ку, ахир!

Мен тарихий романларни севиб ўқийман. Шу жиҳатдан менга мўътабар бўлган, тили ширали, ўзбекона асарлар «Ўтган кунлар», «Меҳробдан қаён», «Юлдузли тунлар» романлари қаторига «Авлодлар дово» ҳам қўшилганлигидан ниҳоятда хурсандман.

Турғунбой МАМАЖОНОВ,
Андижон области, Балиқчи районидаги
В. И. Лениннинг 100 йиллиги номли 40-ўрта
мактаб адабиёт ўқитувчиси.



Маъруф Жалил

ОРОЛ ФАРЁДИ

Туркумдан

* * *

Ўкириб-ўкириб йиғлайди шамол,
Олисларга кетган симлар йиғлайди.
Дарахтлар шохида йиғлайди хаёл,
Фарёд тошқинлари ичга сиғмайди.

Қаттиқ азоб чеккан кимсадай инграр,
Гоҳ нола қилади шивирлаб.
Гоҳ дами ичига тушгандай мунграр,
Гоҳ кулиб юборар қиқирлаб.

Табиат, табиат, не бўлди сенга?
Ҳазабингми ёки аламингми бу?
Келгин, ҳасратингни айта қол менга,
Аламингни босгин, кўп чекма қайғу.

У менинг сўзимни эшитмас,
Унга етиб бормас менинг сўзларим,
Яна хато қилдик, хатолар битмас,
Ачишиб ёшланар кўзларим.

Мажлисда

«Қутқариб бўлмайди энди Оролни,
Пахта керак давлатга.
Давом эттирамиз худди шу йўлни,
Тортишувни қўйинг бошқа фурсатга».

«Орол ўлса ўлар...
Ҳеч бокиси йўк,
Барибир энди у тўлмайди.
Қутқариш керак, деб нолийсиз курук,
Сўз билан тўлдириб бўлмайди».

«Ё пахта, ё Орол», дейди бошқаси,
Ўқ каби отилар шафқатсиз сўзлар.
Ақлдан оздирар сўзлар нашъаси,
Нафрат билан ёнар аламли кўзлар.

Бири Ватан дея куйдиради жон,
Эли тақдирини ўйлаб ёнади.
Бошқасининг дарди амал ва ҳамён,
Шуни деб адолат, ҳақдан тонади.

Сибир дарёсига ёпишар бири,
Пахтани шу билан сақламоқ истаб.
Унга ҳам барибир эл-юрт тақдири,
Якдиллик йўқ, ғалати бу саф.
Бир гап пайдо бўлди дафъатан:
«Халқ кўпайиб бормоқда», деган.

Унга уй-жой керак,
Кийим-бош даркор,
Озиқ-овқат керак... ва ҳоказолар.
Элни таъминлашнинг битта йўли бор,
Туғишни чеклаш, деб чиқди садолар.

Бири жанг қилади қонсиз, пинҳона,
Бири курашади кекирдак йиртиб.
«Бас, ишга ўтайлик,
Тегди-ку жонга,
Қўйинг, дегим келар оҳиста туртиб.

«Қўйга жон қайғуси, қассобга ёғ», деб
Айтилган ҳикматни эсла, биродар.
Ким эдинг, ким бўлдинг...
Шуни унутиб,
Юрак-бағримни кўп эзма, биродар.

Орол қисматини қисматим десанг,
Элу юрт тақдири бефарқ бўлмаса,
Агар келажагинг ғамини есанг,
Фаромуш хаёллар йўлга солмаса...

Эсингни йиғиб ол. Орол бўйини,
Хоразм, Тошҳовуз, Чимбойни кезиб,
Кўрмадим бахтиёр элнинг тўйини,
Ҳасрати бағримни юборди эзиб.

Наҳотки, минг йиллик маданий ўлка,
Илм-фан шу қадар ўсган замонда,
Хароб юртин ташлаб, отланса йўлга,
Ўзга Ватан излаб кўча армонда.

Шаҳру қишлоқларинг туз босиб мутлоқ,
Наҳот юртинг ҳалок бўлса жабрингдан?!
Авлод-авлод ўтиб,
Ўчмаган чирок,
Наҳот ўчиб қолса сенинг даврингда?!

Илтижо

Ибройим Юсуповга

Сен ётибсан этинг бўлиб чўғ,
Бағримни вайрон этмагин!
Сендан бошқа денгизимиз йўқ,
Орол, бизни ташлаб кетмагин!

«Қанча чўлни гулистон қилсак,
Шунча бўстон айланар чўлга».
Бу ҳикматни ёлғон деб билсак,
Қайси рост гап келади тилга?

Мол боқишга ўтлоқ қолмаган,
Қамишзорлар қуриган тамом.
Тўқайдан жудо бўлмаган
Дарё борми, хулласи қалом?

Бой қилар деб ўйлаганлари —
Барчасини пахта қуритди.
Сен соғ пайтлар бут эди бари,
Булар бари сен билан кетди.

Сен борсанки,
Кўнглимиз ҳам тўқ,
Бошимизни ҳамда эзмагин,
Сендан бошқа денгизимиз йўқ,
Орол, бизни ташлаб кетмагин!

Шу дам ўйлаб узок ўтмишни,
Келажакни чамалаб кўриб,

Умид кўрмай, йўқотиб ҳушни,
Бошим қотар бармоғим сўриб.

Катта-кичик замондошларим,
Элсеварлар, дўстлар, қайдасиз?!
Дилга солиб сукут тошларим,
Авлодларга не деб айтасиз?

Ҳар кимнинг бир ўйлагани бор,
Сиз нимани ўйлайсиз бугун?
Қайга кетди гурур, ифтихор,
Орол каби топарми якун?

Қилмайди деб ҳеч ким мурувват,
Армон қилиб ҳасрат чекмагин.
Туркистонга ёғдириб кулфат,
Орол, бизни ташлаб кетмагин!..

Олисдаги чорлоқлар

Сўнги кема қабристонидан
Сал нарида музлаган ариқ.
Соқчи каби ариқ ёнида
Шатак ётар қумда қабариб.

Ариқ менинг кўзимга шу дам
Узатилган қўлдай кўринар.
Гўё денгиз шатакни маҳкам
Ушламоқчи бўлиб уринар.

Аммо, ҳолсиз қўли шатакка
Етолмасдан музлаб қолганди.
Юрагини афсус, надомат,
Умидсизлик ўраб олганди.

Яқинроқдан кўролмадим деб,
Ҳол-аҳволин сўролмадим деб,
Армон билан қараган эдим,
Сенга таскин беролмадим деб.

Ўксиб турган чоғимда бирдан
Чорлоқ саси келди олисдан.
Ногоҳ қалбда жўшди ҳаяжон,
Рўҳим равшан бўлди бу ҳисдан.

Келганимни билибсан, демак,
Товуш бердинг, тириксан, демак.
Муз қўлингни силаганимда
Маъюсина кулибсан, демак.

Оролгинам, муштипар онам,
Яқинингга бора олмадим.
У ёқ хавфли, ботқоқ дедилар,
Ўтолмадим, кўра олмадим.

Армон билан жўнамоқдаман,
Топмоқ учун дардинга даво.
Чорлоқ бўлиб ушбу чоғдасан,
Қилмоқдасан олисда наво.

Чағиллашиб олисда учган
Чорлоқларинг кўз олдимдадир.
Қум, туз бўлиб осмонни қучган
Фарёдларинг хаёлимдадир.

Табиб баъзан ижозат бермас
Беморни бир кириб кўромоққа.
Сенинг дардинг юқумли эмас,
Тилим бормас касал демоққа.

Ташналикдан қуримоқдасан,
Насибангни тортиб олдик биз.
Ҳеч ким бундай бўлар демаган,
Ўйламаган ўлар деб денгиз.

Хайр, Орол, яхши қол энди,
Кўролмадим бугун яқиндан.
Хаёлларим лойқаси тинди,
Фикрим аниқ сенинг ҳақингда.

Бугун йиғлаб кетаётирман,
Алам, афсус бағримни тилиб.
Эрта бир кун яна келурман,
Учрашармиш севиниб, кулиб.

Тўлиб-тошиб барваста бўлиб,
Балиқларга тўлиб кучоғинг,
Кемаларинг бағрингга келиб,
Яшнаб кетар яна қирғоғинг.



Ёқубжон Аҳмаджонов

МЕН БИР УМР СЕНИ СУЙДИМ

Сардоба ривояти

Жомийсифат Пирнинг кенжатоӣ ўғли
Ташвиш, даҳшат бўлди машриқ-мағрибга:
Сайхун бўйида йўқ ундан зўр ўғри,
Жайхун соҳилида — ундай фирибгар.

Боиси не бунинг?! Бутун эл ҳайрон,
Ҳеч кимса сабабин сўролмас Пирдан.
Улуғ зотнинг юзи бамисли хазон,
Ёлғиз сезгир кўнгли воқифдир сирдан.

...Юртнинг осмонида йўқолди юлдуз,
Очликдан эл ўхшаб қолди гадога.
Фақат сарой аҳли кечаю кундуз,
Балиқдек чўмилди майга, сафога.

«Боғларни янчмоқда солиқлар дўли —
Юрт ўлар, зулмни тўхтатмаса Хон...»
Бошлардан балони аритмоқ бўлиб,
Пир ночор йўл олди саройга томон.

Ўрнидан кўзғалиб, маккор Хон кулди:
«Кимни кўраяпти кўзимиз, ҳайҳот?!»

Наҳот кулбамизга меҳмонга келди,
Ҳокимлар товоғин ҳаром билган зот?!»

Пир маъюс сўзлади элнинг аҳволин:
«Унга шафқат қилинг, бу — улуғ савоб...»
Хон-чи, кўз-кўз қилиб тундай соқолин,
Буюк алломага қайтарди жавоб:

«Пирим, Сиздек улуғ бир зотнинг гапин
Ерда қолдирмоққа биз ожиз, ночор.
Аммо бордир Сиздан кичик талабим,
Ёнма-ён ош ейсиз мен билан бир бор!...»

Пирнинг пок руҳига тегда нопок тош,
Юраги қоврилди азоб доғида,
Ноиложлик курсин, у бир сиқим ош
Олиб еди золим Хон товоғидан...

Бир йил сўнг... Кенжатоӣ ўғил туғилди,
Қари отасини этгани бадном —
Тирик бало бўлиб дунёга келди,
Масаллиғи нопок бир луқма таом!

Умр тулпорининг йўқдир жилови,
Ортидан етолмас оҳинг, хитобинг.
Сен суйган боғларда қишнинг қирови,
Булултар ортида ранглар офтобинг.

Нокаслар руҳингни етолмасдан кул,
Ҳамон иғво қилар: «Одам эмас ул!...»

Замон қарғалари не деса бир пул,
Фақат халқ олдида ҳисоб-китобинг.

Гоҳ хушнуд яшадинг, гоҳида нолон,
Ҳокисор, пок элинг бошингда осмон.
Девонингда бордир на шеър, на дoston,
Битикка айланди қувонч, азобинг.

Индира Ганди. Ҳиндистонга илтижо

1

Бағрим куйиб, нидо қилдим,
Сен кулоқ сол, Ҳиндистон!
Мен кул бўлдим, зарра бўлдим,
Сен бутун қол, Ҳиндистон!

2

Ҳимолайдан дардим оғир,
Изтиробим Ганг каби.
Ўлимимни кутди, ахир,
Қанча сотқин бесабр,
Қотилларим қилар байрам,
Юриб қолди овлари.
Юртим, мени ўлдирдилар
Сенинг эркинг ёвлари!

3

Бошим узра бугун ўқсиб
Йиғламагин, Ватаним.
Ўқлар тешган қонли кўксим
Тиғламагин, Ватаним.

Бу кун сени қийнаб қўйдим,
Кечир мени, Ҳиндистон!
Мен бир умр сени суйдим,
Фақат сени, Ҳиндистон!

4

Мен қўрқаман, яна қайтиб
Кул этмасми эрксизлик?
Китобларинг, удумларинг
Кул этмасми эрксизлик?

Тобе бўлсанг — чўқар тоғлар,
Йўлбарс — мушук қатори.
Булбулга кун бермас зоғлар,
Қизил ҳасад бозори.

Туюлади юмшоқ ёстиқ
Бошга қаттиқ тош каби.
Ва Срабон ёмғирлари
Кўздан оққан ёш каби.

5

Бағрим куйиб, нидо қилдим
Мени тушун, Ҳиндистон!
Махатмадек фидо бўлдим
Эркинг учун, Ҳиндистон!

Йиғлаб-йиғлаб етим ўғлим
Сенга хоким сепади.
Куйган руҳим қидирса ким
«Эрк» сўзидан топади.

Бобораҳим Машрабнинг туғилган жойи

Туғилган маконин англамоқ бўлиб,
Хаёлан Машрабни айладим тавоф.
Менинг саволимга аламли кулиб,
Юртдошим қайтарди хўп қизиқ жавоб:

«Бил, тирик чоғида хор бўлган зотлар,
Одатда, кўз юмгач бўлади азиз.
Ортидан нечалар йиғлашар додлаб,
Шонига меросхўр қирқ мингта ворис.

Мени ҳам қувдилар тошларни отиб,
Юртма-юрт судралдим, юрак-бағрим қон.
Фожилар эвази — ўлмас шуҳратим,
Не ажаб, талашса ушбу кун жаҳон!

Яхшиси, сен бунга қилмагин парво,
Ўзимни тинч қўй-у, ўрган ижодим.
Кимки донг таратиб ўлса мабодо,
Ернинг ҳар бурчидан чиқар авлоди!»

Елғиз дарахт

Осмон парчасига ўхшаб кетган ток,
Юлдузчалар ёғар ундан зангори.
Нега туйғуларинг бунчалар ғамнок,
Юрагинг ярадор бир қуш сингари?

Сенинг ҳам қувончда хақинг бор, ахир,
Ўткинчи бу кунлар аслида ноёб.

Нега тафаккуринг — оғриқ тафаккур,
Нега кўзларингда тубсиз изтироб?

Қайрилиб боқмадинг, қуёш-чи, ботди,
Ҳадемай тун чўқар — қопқора туман.
Ким сенга адоват тошини отди,
Ўзини бозорга солмаган Виждон?!

Айрилиқ

Фонийлик дастидан дод солгим келар.
Евгений ЕВТУШЕНКО

1

Тун — даҳшатли аждаҳо,
Комида укам қолди.
Совуқ юлдуз — кўзлари
Кўксимга даҳшат солди.

2

Турар эшик ёнида
Эгганча бош новдалар —
Тўй қолиб, аза куни
Тўн кийган ёш новдалар...

3

Хаёлми, балки қисқа
Бир тушмидинг, жигарим?
Шошиб, учиб яшадинг
Ё қушмидинг, жигарим?
Ё дардли қўшиқмидинг —
Ҳаяжонсиз сўзи йўқ?
Умрингнинг баҳори бор,
Умрингнинг ёз-кузи йўқ.

4

Қабристон — сўнгги соҳил,
Қайиқдай сузар тобут.
Ичида укам ётар,
Кифтимни эзар тобут.

Ҳайҳот, унинг остида
Жону жаҳоним оғрир,
Ёш йигит ётган тобут
Ҳамма нарсадан оғир...

Наманган



Хусниддин Шарипов

КАРВОН БЕХАТАР БЎЛМАС...

Икки қисмли драма

ҚАТНАШУВЧИЛАР.

Владимир Ильич Ленин — Халқ Комиссарлари Советининг Раиси

Чўлибой — мирзачўллик деҳқон

Георгий Константинович Ризенков — ирригатор олим

Максим Петрович Михайлов — тўқувчи, комиссар

Татьяна Александровна Шапошникова — механик-инженер

Секретарь

Зумрад — Чўлибойнинг қўшниси

Мамасоли — Зумрадининг отаси

Шумский

Мирзо Ибрат

Сергей Васильевич Большаков — ленинчи арбоб

Ғариббой — мирзачўллик корчалон

Бўтавой — Ғариббойнинг хизматкори

Роберт Смайт — америкалик бизнесмен

Сергеев — ЧК комиссари

Минвали — жангчи

Коля Корнеев — жангчи

Мирғани — Мирзачўл бойларидан

Неъматилла — йирик чорвадор

Эсонполвон — бўлажак қўрбоши

Телеграфчилар

Жангчилар

Ариқ қазувчилар

Воқеа 1918—1922 йилларга оид.

БИРИНЧИ ҚИСМ

МОСКВА. КРЕМЛЬ.

Ленин кабинети ва қабулхона. Йўлакда телеграф аппарати.

Секретарь (кириб). Янги почта... (Қўлидаги қоғозларни бараркан)* Уртоқ Большаков шу ерда. Ленин. Тез таклиф қилинг.

Секретарь чиқади. Ленин телеграммага кўз югуртади.

«Владимирдаги Ликино мануфактураси ётиб қолди. Хомашё йўқ»... Революциядан кейин фабрикага биринчи хўжайин бўлган ишчилар, мана, ўзи ишсиз.

Большаков киради.

Саломатлигингиз қалай, ўртоқ Большаков?

Большаков. Раҳмат, Владимир Ильич, қулоғим сизда.

Ленин. Дон тайёрлов учун икки маршрут тузиб, Сибирга юбориш ҳақидаги таклифингиз Совнарком тасдиғидан ўтди. Мана (стол устидаги бир даста хужжатни Большаков томон суради). Экспедицияга бошлиқ — ўзингиз. Донга айирбош қиладиган товарингизни бугуноқ йиғишга киришинг. Бошқарув аппарати қай аҳволда?

Большаков. Иш бунча тез битар деб ўйламовдим, Владимир Ильич. Эҳтимол, Наркомпроддаги ўз бошқармамини олиб кетарман.

Ленин. Эҳтимол, эҳтимол... Путилов заводидан одам келди. Айтишича, қирқ минг ишчидан ўн беш минг қолибди... Социалистик республика деб аталган бу мамлакатда миллион пудлаб дон бой, қулоқ, чайқовчиларнинг ўрасида димиқиб ётса-ю, очликдан юз минглаб, миллионлаб кишиларнинг силласи қуриб кетса, биз нима деган одам бўламиз?

Йўлақда Шумский пайдо бўлади. Секретарь Ленин бандлиги ҳақида ишора қилгач, у ён-бу ён асабий юра бошлайди.

Большаков. Тайёргарлик ҳозироқ бошланади, Владимир Ильич, хайр.

Ленин (хайрлашаркан). Мени хабардор қилиб туришг. (Большаков эшикка яқинлашганда). Дарвоқе, ўртоқ Большаков, мен бу соҳада мутлақо омиyman, айтинг-чи, ишни қаердан бошқарасиз?

Большаков. Эшелондан туриб!

Ленин. Дон-дун қайда сақланади? Душманга шундоққина тўплаб берсак, а?

Большаков. Майдалаб сақлаш мумкин, ишончли қишлоқларда.

Ленин. Колчак каллакесарлари ғимирлаб турибди. Қуршовда қолсангизчи?

Большаков. Жанг қиламан. Тун-кун нишимизни санчамиз. Темир йўлни бузамиз. Кўприкларни портлатамиз.

Ленин. Нима билан?

Большаков (сустланиб). Милтиқ бор, патронларимиз...

Ленин. Кўприк ёки йўлни портлатишга-чи? (Большаков жим.) Кўрдингизми? Қўйинни тўлдириб бориб, қуруқ қайтиш қизил савдогарга ярашмас!

Шумский тоқати тоқ бўлгач, секретарь столига ўтириб, нимадир ёза бошлайди.

(Ленин тезгина хат битиб, Большаковга узатади.)

Москва ҳарбий округи кўмондони Мураловга. Портлатувчи модда оласиз. Қайсарлик қилса, бўшашманг — (кўз қисиб) Кочетовқадаги омборда ҳаммаси бор. Сира кўнмаса, мен билан боғланг.

Большаков хайрлашиб чиқади. Кабинетга Шумский киради.

Ўртоқ Шумский? Марҳамат!

Шумский (тик турганича). Съезддан бери кўп ўйладим, Владимир Ильич...

Ленин. Яхши...

Шумский. Банд экансиз. Фикримни ёзиб қодирмоқчи эдим...

Ленин (ёзув билан танишиб). Сиз ҳамми? Колегаев, Штейнберг, Карелин, Прошьян ва бошқа сўл эсерлар истеъфоси ажабланишга арзимади. Улар буржуазия изидан бориб, совет ҳокимиятига қарши саботаж бошладилар. Шу, холос! Сиз-чи? Коллонтай, Осинский, Смирнов-чи? Сўлга оғиб-оғиб, партиядан чиқиб кетиш ҳам мумкинлигини ўйладингизми?

Шумский. Халқ комиссари вазифасидан кечаётганимнинг сабаби битта, ўртоқ Ленин: мен инқилобчидан, шунинг учун ҳукуматингизнинг пролетариат олдида қилган жиноятига шерик бўлишни истамайман.

Ленин. Мардонавор олға босиб ўрганганмиз. Шароит тақазо қилганда, мардонавор чекинишни ҳам билишимиз керак-ку!

Шумский. Россияни қайма-қийма қилдириб юборишнинг нимаси чекиниш? Сотқинлик бу!

Ленин. Биз минбарда эмасмиз, ўртоқ Шумский.

Шумский. Хўп, хотиржам гаплашамиз. Финляндия эркини ўзига бердингиз. Генерал Маннергейм кўпнақлари инқилобий фин ишчиларини ғажиб ташлади. Бунга томошабин бўлиб туриш осонми? Ахир, бизнинг томирда ҳам ишчи қони гупуриб турибди!.. Қолаверса, Россия кун сайин, соат сайин худди сағрин терига ўхшаб кичрайиб боряпти. Брест сулҳи баҳонасида Литва, бутун бир Украина немис оёғи остига улоқтирилди. Дўстимиз Затонский съезддан ўз украин биродарлари ёнига нима деб боради? (Пауза). Белоруслар, эстон, латишлар-чи? (Яна пауза). Хўп, бу регионда Германия билан Австрия-Венгрия кучлари устунлиги баҳона бўлар. Туркиянинг оғзига урмоқ баҳонасида Грузияни кемтик қилдик. Бунга грузин ўртоқлар нима дейди? Жаҳон афкор оммаси-чи?

Ленин. Жаҳонни қўйинг. Партия олдида бунинг учун Троцкий жавоб беради.

Шумский. Троцкий ҳақ: халқларнинг иссиқ баданига қилич билан битилган сулҳ шартномасини имзолаш агрессия ва талончиликни тан олиш, холос.

Ленин. Сиз, революцияга чекиниб доғ теккизгандан кўра, уни ахлат ўрасига гумдон қилиш маъқулроқ, демоқчисиз-да?! Биламан, куйиб турибсиз. Лекин бу — ҳиссиёт.

Шумский. Бўлмаса, мана факт: Чичерин ва Сокольниковнинг битта имзоси билан деҳқончилик қиладиган еримизнинг учдан бир қисми, кўмир ва руда берадиган районларимизнинг тўртдан уч қисми қўлдан кетганига нима дейсиз? Уша ерлардаги эндигина совет тузини татиған олтмиш миллион меҳнатқашнинг қайтадан ноумид бўлганига-чи? Уларнинг энг яхши фарзандларини душман чиғирига тўғрилаб қўйиб, қандоқ тинч ухлашимиз мумкин!

Ленин. Ким ухлайди? Бу парокандалик, мағлубият, тубанлик чоҳига қараб кимнинг кўзи илинаркан? Аммо Чичерин билан Сокольниковга тил теккизманг. Уларнинг ёнида етти юз саксон икки съезд делегати турибди. Қарши овоз берганлардан уч баравар ортиқ! Мураккаб сиёсат уйнаган кимса оддий тўрт амални унутмаслиги керак.

Шумский. Барибир, Мартовнинг сўзида жон бор.

Ленин. Қайси сўзида? Мени, фақат Қизил гвардия эмас, кайзер Вильгельм ҳимоясини ҳам қабул қилди, деб табрик этганидами?

Шумский. Мен унинг, Халқ Комиссари Совети истеъфога чиқсин, ўрнини бу шармандали битимни йиртиб ташлашга қобил, аксилимпериалистик урушни давом эттира оладиган ҳукуматга бўшатиб берсин, деганини назарда тутаман. Тўғри, Мартов — рақибимиз. Узимизнинг Урицкий-чи? «Биз ҳокимиятни қўлга олдиг-у, ўша заҳоти жаҳон революциясини унутиб юбордик», деганини эсламайсизми?

Ленин. Эслашдан нима фойда? Ҳозир энг муҳими — вақтни чўзиш! Немисни қуруқ қўл ёки қўлимиздаги косов билан тирқиратолмаймиз. Биз кеча битимга қўл қўймасак, бу — Совет ҳокимиятининг эртагаёқ ҳалок бўлиши ҳақидаги ҳукмга имзо чекканимиз бўларди.

Шумский. Узингизни ўйласангиз-чи, ё жонингиз мингтама?

Ленин. Мен Съезд қарорини бажаришга мажбурман.

Шумский. Мен — виждон амрини. Яхши қолинг.

Ленин. Хайр... Мария Игнатьевна! (Секретарь киради). Александра Михайловнанинг аризаси Совнаркомнинг қайси мажлисида кўрилади?

Секретарь. Йигирма биринчи кун.

Ленин (Шумскийнинг баёнотини узатиб). Ўша рўзномага киритасиз. (Секретарь билан чиқаётган Шумскийга). Уртоқ Шумский! (Шумский тўхтади.) Дардингизга фақат бир даво бор — ҳаётни ўрганиш! Боринг, кўринг, деҳқоннинг урушгудай ҳоли борми? Хоҳланг Украинага, хоҳланг Сибирь ё Туркистонга. (Шумский иккиланаётгани сезиб). Биз билишимиз керак: Туркистонда ҳукуматни тутиб турган бир чимдим ходимларимиз «коммунистлик» деб колонизаторликка тойиб кетаётганлари йўқми? Собиқ полиция, жандармерия, охранка амалдорларини, партия, совет ташкилотига, армияга суқилиб кирган ёт унсурларни аллақачон Туркистондан ҳайдаб, Россиядаги қамоқ лагерларига жўнатиш даркор эди. Бу вазифа бажарилдими?

Шумский. Бизнинг баҳсимиз бошқа хусусда, Владимир Ильин!

Ленин. Баҳсни қайтганингизда давом эттирамиз. (Ташқарига) Мария Игнатьевна!

Секретарь киради.

Уртоқ Шумскийга мандат тайёрлашсин.

Секретарь. Хўп. (Шумский қабулхонага чиққач) Уртоқ Кржижановский яна инженер Ризенковни қабул қилишингизни сўради.

Ленин (ҳорғин). Ризенков?

Секретарь. Петербург университетининг собиқ профессори. Мирзачўлни мелиорация қилиш масаласи бўйича...

Ленин Мирзачўл?

Секретарь. Туркистонда.

Ленин. Ҳа, эсладим. Фақат, кейин.

Секретарь. Тахминан?

Ленин. Менга Туркистон тўғрисида ҳамма маълумотларни тўплаб беринг. Кейин чақирасиз.

Секретарь (қулимсираб). Мирзачўлни Америкага сотиш ҳақида мактуб бор, жаноб Сайрус Смайтдан — Александр Федорович Керенскийга. Қўшиб қўяйми?

Ленин (қулиб). Керенскийга, дейсизми? У бўлса, сотарди. Сотарди, албатта! Майли қўшинг.

МИРЗАЧЎЛ.

Шўри қарийб томигача кўтарилган бир неча бостирма. Нариди шиббаланган анҳор қирғоғи. Узоқроқдан темир йўл ўтган. Уша тарафда Ғариббойнинг қўргони кўзга ташланади.

Утаётган поезднинг товуши олислайти. Ризенков, Смайт ва Ғариббой киради. Орқада — Бўтавой.

Ғариббой (қирғоққа кўз югуртиб). Яна тўсибдимми?

Бўтавой (ерда ётган кетмонни олиб). Офтобни сояга еткизмай, поччажон, йўлини равон қилиб қўямиз.

Ғариббой анҳор сари кўтарилади. Бўтавой анҳор лабини буза бошлайди.

Смайт (Ризенковга). Отамнинг сўзи тўппа-тўғри экан: цент сарфласанг, центнер бўлиб қайтадиган ажиб бир ўлка! Тангадек соя йўқ, пахтанинг жони...

Ризенков. Осиё офтобида пишмайдиган нарсая йўқ, жаноб Смайт!

Смайт. Сиз олимсиз, тушунмайсиз, Ризенковф. Жаҳонни пахта тергайди. Агар пахтани қурол қилиб ишлатсанг, замбаракдан битта ўқ узмай, қилични қинидан чиқармай, дунёни тиз чўктириш мумкин. Рост-да, муҳтож мамлакатларга уч йил пахта берманг-чи, нима бўлади?

Бўтавой ураётган кетмон овозини эшитиб, уйдан Чўлибой чиқади.

Чўлибой. Нима гап?

Бўтавойнинг қўлидаги кетмонга ёпишади.

Бўтавой. Поччамдан сўра.

Ғариббой. Қўлинг қичидими?

Чўлибой (ботқоққа ишора қилиб). Биз бунақа бўтқа емаймиз, ахир! Тирикчилик нима бўлади?

Ғариббой. Ҳукумат сен билан менинг еримга эга чиқиб, қолди, ука. Бировга хизмат қилганидан сув тагида ётгани маъқул. Олтин айнимас!

Чўлибой. Онам олтиндан камми — шол бўлиб ётибди. Отамнинг гўри ботқоқларингизда эриб кетгани етмасмиди? Замонга қаранг, бой ака!

Смайт (Ризенковга). Гап-сўзидан шундоққина демократия ҳиди келиб турибди.

Ризенков. Ғариббой Мирзачўлнинг соҳиб эди. Инқилоб Чўлибойни соҳиб қилди. Икки қўчқорнинг боши бир қозонга сиғмай турибди. Танишинглар! (Чўлибойга) Роберт Смайт, америкалик савдогар.

Чўлибой. Амирқон? Ҳазратнинг акаларга ўхшайди-ку!

Смайт. Сиз ҳам ўзимизнинг ҳиндилардан қолишмайсиз. Менинг сармоям билан сизнинг билак кучингиз омухта бўлса, бу ерни Америка қилиб юбориш ҳеч гапмас. (Ғариббойга) Қанчага баҳолаш мумкин?

Ғариббой. Нимани?

Смайт. Мирзачўли, албатта! Илгари ҳеч савдо қилганмисизлар?

Ғариббой. Тирикчилигимиз савдо билан. Лекин ер сотиб ўрганмаганмиз, ахир ер онамиз-ку!

Смайт. Дунёда сотилмайдиган нарса йўқ, жаноблар.

Ғариббой (жавобдан қочиб). Мирзачўл ҳазрат Романовники, кейин мен...

Чўлибой. Мен-чи? Ё инқилобни эшитмаганмисиз?

Ғариббой. Князь ҳам инқилоб қилганлардан. (Смайтга) Ҳазратим инсофли одам: ўрис билан шапка кийиб гаплашадилар, мусулмон билан дўппи кийиб. Юртимизни айландирганимиз, Исмаи оға? Оқтошни ким боғ қилди? Князь Романов! Мирзачўлга ким ариқ чиқарди? Яна князь! Исминми ҳам ўзлари қўйиб берганлар.

Смайт. Хуллас, князь Романов бешингиз тепасида турган!

Ғариббой. Унчалик эмас-ку... аниги — у кишим биринчи марта Тошкентдан Мирзачўлга йўл олганларида, Чиноздан ўта туриб, дарвозамга рўпара келганлар. У пайт ерга урсангиз, кўкка сапчидиган йигит эдим... Қулоқ солсам, дупур-дупур. Бир вақт хизматкорим келиб қолди ўпқасини қўлтиқлаб: «Ҳа-да, почча, биров сув сўрапти». «Ким экан?» «Билмадим, ё ўзимиздан, ё қозоқнинг айнагани, ё ўрис...» «Бера қол, дедим, косани кейин италоқ қиларсан». Қарасам, яна югуриб келяпти: «Менинг қўлимдан сув ичмас эмиш» деб. Овга отланиб турган эдим; портлаб кетдим. Милтиқни олиб, чиқиб бордим. Кўрсам, сариқина бир кўса. Эгнида чопон, бошини қийиқ билан танғиган. Зеҳн қўйиб қарасам, оти шоҳона, саллотлари кўркам. Юрагим шиғ этди. Дарров меҳмонни ичкарига олдим. Оёқлари остига кўчор юмалатдим. Отамдан азиз қилиб, тўрға ўтиргиздим. Ақлимдан ўргулай, тўрам оқ пошшога жиян чиқиб қолдилар. Елкаларига кимхоб ташладим: сарт дегани — мард дегани! Саллотларининг отини янгилаб бердим. Ҳазрат ўзлари камтар эканлар. Уйимга қандоқ кирган бўлсалар, шундоқ чиқдилар. Либосини, майда-чуйдаси билан, мулозимларига зўрға тутқаздим. Хайрлашаётганда, «Сен менга ёқиб қолдинг, сарт, — дедилар ҳазратим. — Насиҳатим шуки, содда бўл. Элдан чиқмасанг, ишинг енгил кўчади, — дедилар. — Мана, эски чопонда бўлмасам, уйингга қўнармидим?» — дедилар. Кейин исминми сўрадилар. Зариф бўлмай қолай, ҳеч шу номга тиллари айланмади. «Сарпай? Қўй энди, Ғарибай бўла қолсин, кўз тегмайди», — дедилар қулиб. — Уша-ўша, аканг — Ғариб! Кейин ҳазратимнинг жоловларини тутиб, Мирзачўлга келдим. У киши ариқ чиқарсалар, бир енги бизники. У киши сув келтирсалар, мен тарқатаман.

Смайт. Мени князга рўпара қила олмайсизми, бой?

Ризенков. Совет ҳукумати бор, Боб!

Смайт. Мусулмонлар тақдирини қачонгача Петербург ҳал қилади, Ризенков? Бу халқда ғурур борми? Биз қўл чўзмасак, бу бечоралар қачон ўз давлатига, ўз қуролига эга бўлади? Сиз — Осие-сиз, Ғариббой, Европа амма-холонгиз эмас!

Ризенков. Қутқу солманг, ўртада инқилоб деган кўприк бор.

Смайт. Инқилоблар кўп бўлган, бўлаверади... Бошланг, Ғариббой, Тошкентга! Князь Романовни яққалатиб қўймаслигимиз керак.

Ғариббой (Бўтавойга). Иккита тулки отиб кел, Тошкентга тушамиз.

Смайт, Ғариббой ва Бўтавой чиқиб кетишади.

Чўлибой. Нима гап ўзи, Жўра ака? Менинг устимда савдо бўлдими? Дунё хануз бозорми? Тақдирим — бўйнимдаги арқоннинг учини тутгандами? Шуми ҳаёт маъноси? Отам кўз юмганида ҳали ақлим кириб-кирмаган эди. Жанозада эл олдига чиқаришди. Мулла айтдики, «Эй халойиқ, кимнинг-ким марҳумда даввоси бўлса, мана, унинг фарзанди!». Мен қўл қовуштириб турдим. Даввогар чиқмади. Аммо отамнинг даввоси бор. Ҳаётга! Умид билан қанча ер очиб, кўзи очиқлигича кетди. У қўрмаганларини энди онам кўриши керак! Бўлмаса, нима қилиб юрибман мен? Жўра ака, жон ака, менинг арзим бор, ким тинглайди, ким?

Ризенков. Ҳукумат.

Чўлибой. Эскиси ағдарилган бўлса, янгисини танимасам... Йўлини кўрсатинг, оёғига бош урай, этагини ўпай. Қўйишмаса, додимни деразадан айтаман.

Ризенков. Лениндан бошқа суянч йўқ бизга. Уни маданиятли киши деб эшитганман, этагини ўптириб ўлтирмас... Узингни бос. Ҳукумат олдига арз билан эмас, иш билан кириш керак. Мени Совнаркомда қабул қилишмоқчи. Тайёр тур, бирга кетамиз.

Чўлибой. Мен тайёр!

Ризенков (ўзича). Шапошникова тайёрмикин? (Чўлибойга) Сени станцияда кутаман, Қримга телеграмма беришим керак.

Ризенков чиқиб кетади.

Чўлибой. Энди онамга ким қарайди? Наҳот тилаб олган сувимни эчки тепиб тўқворса?! (Кулбалардан бири томон) Соли амаки, ҳо, Соли ака! (Зумрад кўринади.) Амаким бормилар?

Зумрад. Истансага кетувдилар. Уша ердан иш топадиганга ўхшайдилар. Қоровулликми, билмадим, йўл тозалайдиганми...

Чўлибой. Мен ёлғиз қоламанми энди?

Зумрад. Бу тупроқда ўт-ўлан қуриб кетяпти-ю, одам илдииз отармиди? Сиз ҳам ҳаракат қилинг. Адамга айтайми? (Бироз кутиб.) Ё менга ишонмайсизми?

Чўлибой. Сизга ишонмасам, ўлибман-да! Ойингиздан сўранг, Зумрад, хўп десалар, онамни уч-тўрт ҳафта сизларга ишонмоқчи эдим.

Зумрад. Яна мазалари қочдимми?

Чўлибой. Йўқ. Ўзим Расийга бориб келадиган бўп қолдим. Арз билан. Ленинга. (Зумрад ҳай-

рон.) У ҳамма комиссарларнинг комиссари! Нима олиб келай? У ёқларда ҳамма нарса бор, дейишадди. Инқилоб ҳам ўша тарафдан келган.

Зумрад. Адашиб қолмайсизми, ахир?

Чўлибой. Поезд изидан чиқмаса, бир кунмас — бир кун етиб борамизда! Жўра акам бор, йўқолмасмиз.

Зумрад. Унда ишонса бўлади. Менга қаранг, Чўли ака, ётиб турадиган жойларинг борми?

Чўлибой. Шаҳри азим дебдилар, бирор чойхона топилар. Лекин ўйнагани кетаётганим йўқ. Қандоқ яшаймиз, шунга аниқлагани! Сиз нима тилайсиз, Зумрад?

Зумрад (ўйланиб). Ленинданми? Билмадим.

Чўлибой. Ҳаётдан-чи?

Зумрад. Ким билсин... Ойим баъзида адамга қаттиқ тегадилар, қачон одам қатори яшаш насиб қиларкин, деб. Боғимиз бўлса... Аввал ўрик гулларди, оппоқ-оппоқ... Кейин олма, нимпушти... Сал ўтиб, гуллар беҳи шохига ўтади. Табиат чевар, а? Дарахтни гулга ўрайди, япроқни нур билан ювади. Урмалаб юрган майиздеккина этга қанот бериб, капалакка айлантиради, гулдан-гулга кўчсин, деб. Фақат, одамга нима учун бемехр, ҳайронман. Тавба деб айтай-ку, нима учун камбағалнинг ўтини тугаган кун тепасига қор ҳайдаб келади? Насиб этмайдиган бўлса, нима учун орзу-ҳавас беради?.. Бир қарич бола эдим, лекин кўзларимда муҳрланиб қолган: ҳайитмиди, тўймиди-ёдимда йўқ, кичкирган бўлсам керак, оппоқ дурра танғиб, гулхан айланиб ўтардилар. «Ойи-ойижон» деб қичқирган бўлсам керак, рўпарамда тўхтаб, менга бир ишва қилдилар, нақшин олма гулхан зиёсига чайилгандай бўлди.

Чўлибой. Худди ўзингиз!

Зумрад. Унақа деманг, уят бўлади. Кейин... шунча йил ўтди-ю, бошқа ўшандай очилганлари йўқ. Мен хоҳлардимки, баланд шийпонимиз бўлса! Ойим кўз очиб, у ёнга қарасалар — кўзлари етганча гул кўпириб ётса, бу ён қарасалар — яна... Тўйиб нафас олсалар-у, қиш қайтишини ўйлаб юраклари ивишмасал! Бошқа ҳеч нарса билмайман.

Чўлибой. Мен биламан. Энди биламан!

Яна олисда ўтаётган поезд товуши эшитилади.

МОСКВА. КРЕМЛЬ.

Ленин кабинети ва қабулхона. Йўлакда телеграф аппарати. Большеков пайдо бўлади. Савдогарнамо кийинган. Бир оз соқоли ўсган.

Большеков. Салом, Мария Игнатьевна...

Секретарь. Сергей Васильевич? Узингизмисиз? Владимир Ильич кутяпти.

Большеков (кабинетга қадам қўйиб.) Салом, Владимир Ильич.

Ленин (тез кўришаркан). Мунча имилладингиз, ўртоқ Большеков? Ё соқолингиз савдогарникидай бўлмагунча йўлга чиқмайсизми?

Большеков. Қуруқ қўл билан қайга бораман, Владимир Ильич?! Бир эшелонни амалладик. Иккинчисига ҳеч вақо йўқ. Газлама керак. Ахир биз халқни ҳукумат одиллигига ишонтиришимиз шарт. Донини олдинги — марҳамат, товар! Биз бермасак, чайқовчи ўмариб кетади. Хуллас, кунларим фабрикама-фабрика изғиб ўтаётир.

Ленин. Йўқни йўндириб бўлмас. Сибирликлар овчи халқ. Овчибоп товар топишга ҳаракат қилинг: порох, ўқ-дори, ов милтиғи. Қани, рўйхат тузамиз.

Ленин ва Большеков рўйхат туза бошлашади. Йўлакда Чўлибой билан Ризенков пайдо бўлади.

Резенков. Салом. Биз ўртоқ Кржижановскийдан келдик.

Секретарь. Ўртоқ Ленин банд. Утиринглар.

Чўлибой (ташқарига анграйиб). Томлари чин тиллами? Шунча тиллани қайдан олдийкин?

Ризенков. Осор-атиқа, тарихий иморатлар...

Чўлибой. Шилиб кетмайдими ўғри-пўғрилар?

Ризенков. Шилганни худо уради. Иш битсин, Москвани айлантириб, бундан зўраларини кўрсатман.

Чўлибой. Онамга дори ҳам қарайлик, Жўра ака!

Михайлов киради.

Михайлов (ўта туриб). Туркистонликмисиз?

Чўлибой. Мирзачўлдан.

Михайлов. Овадининг омади келса, ов ўзи рўпарадан чиқаркан! Ўртоқ Ленинга худди сизлардан арз қилиб келаётган эдим.

Ризенков. Биздан? Сабаб?

Михайлов. Тўқувчини ипсиз осиб қўйдингиз-ку!

Секретарь. Тартиб сақланг, ўртоқлар, халал берасиз.

Қабулхонадагилар жим бўлишади.

Ленин. Москва ҳарбий округидан...

Большеков. Оладиганимизни олдик, Владимир Ильич.

Ленин. Дарвоқе... Энди гапимиз ўтмас. (Аппарат кулоғини бурайди.) Наркомвоенморни уланг. (Тинглаб) Ўртоқ Склянский йўқми? Бўлмаса, оператив бўлимни беринг. (Бир оз кутгач) Оперод? Ўртоқ Аралов, сизга ҳозир ўртоқ Большеков боради. Сергей Васильевич, Қўлидаги рўйхат асосида маршрут тузишга ёрдам беришингизни сўрайман. Музокарага ўрин йўқ. Рўйхат Совнарком тасдигидан ўтади. Ўртоқ Склянсий билан гаплашаман. (Трубкани кўяди.) Энди, ундан ҳам муҳими, Самарандан ўта олармикисиз?

Йўлакка чиқиб, Телеграфчи ёнига келади.

Михайлов (Ленинга эргашиб). Ўртоқ Ленин, кўп минг кишилик Иваново-Вознесенск...

Ризенков ва **Чўлибой** эҳтиром билан ўринларидан туришади.

Ленин (Телеграфчига). Самара. Губижроком. Ўртоқ Куйбишевга.

Аппарат ишга киришади.

Телеграфчи (жавобни ўқийди). Ўртоқ Куйбишев Волгада қочоқларни ғалвирдан ўтказмоқда. **Ленин**. Кутаман. Ўртоқ Куйбишевни албатта мен билан боғланг. (Ризенков ва Чўлибой сари бурилиб) Сизлар Туркистондан бўлсангиз керак? Самарадан ўтиб келдингизми?

Ризенков. Худди шундай.

Ленин. Самарада аҳвол қалай?

Ризенков. Умуман... жануб томон ҳаракат катта. Айниқса Волгада. Қочоқлар... Окопни ташлаб, уйига шошилаётганлар ғиж-ғиж. Отишма ҳам бўлиб турибди. Лекин биз аралашмадик.

Ленин. Сиз — ўртоқ Ризенков, шундайми? (Сўрашаркан) Менга ўртоқ Кржижановский айтганди. (Кабинетга таклиф қилиб) Марҳамат... (Михайловга) Сиз ҳам, ўртоқ...

Кабинетга киришади.

Ўтиринглар. (Ҳамма кресло ва стулларга ўтираркан, Чўлибойга) Исмингиз?

Чўлибой. Чўлибой...

Ризенков. Ишчиларимиз русчалаштириб, «Стёпа» ҳам дейишади. Маъноси яқин.

Ленин. «Стёпа?» Йўқ, «Чўли!» Чў... Ўзи дуруст — худди давр отига қамчи босаётгандай! (Чўлибойга) Уйланганмисиз?

Чўлибой. Йўқ ҳали.

Ленин. Қайлиғингиз бордир?

Чўлибой. Боши боғлиқ эмас-ку, ҳар ҳолда, бир қўшни қиз...

Ленин. Москвадан албатта совға олишни унутманг. Кўнгил-да! Афсус, бизнинг «қизил савдогар»да сизларни растага олиб тушгани вақт йўқ. Танишинглар — ўртоқ Большаков, Сергей Васильевич. Эҳтимол қачондир йўлларинг туташиб қолар...

Михайлов. Шу туркистонлик дўстлар шарофати билан, ўртоқ Ленин, фабрикаларимиз ётиб қолди. Тола йўқ, ип йўқ, иш йўқ, нон йўқ. «Московчи бой»лар даврида ҳам хунарманд бунча қийналганмас!

Чўлибой. Ўшаларни соғиниб қолдингизми?

Михайлов. Гапни бурманг. Тушунасизми, энг яхши тўқувчилар тирикчилик ташвишида тарқалиб кетяпти. Аввало шуни ўйлаш керак. Бутун-бутун хунарманд сулоалари адо бўляпти. Шундай давом этса, яқин бир-икки йилда тўқувчилик санъати мутлақо унут бўлиши мумкин, ўртоқ Ленин, таъкидлайман: тўқувчилик санъати!

Ленин (кескин бурилиб). Ўша санъатни асраб қолиш учун ўзингиз нима қилдингиз? (Михайлов жим қолади. Чўлибойга.) Сиз-чи?

Чўлибой. Мен нима қилишим мумкин? Ер бўтқа... Сув Ғариббойники. Ўшанга ҳам харидор чиқиб турибди...

Ленин. Тушунмадим.

Ризенков. Америкалик миллионер Роберт Смайт Туркистонга келган. Мирзачўлни сотиб олиш учун князь Николай Константинович олий ҳазратлари билан музокара бошламоқчи.

Ленин. Ер-сув сизники. Бутун ҳоқимият Советлар қўлида бўлиши керак. Романовлар қўли кесиб ташланган. Ери, ғаллани, фабрика усуналарни, маҳсулот ва транспортни эҳтиётлаб сақлашингиз, кўз қорачигидек асрашингиз шарт — буларнинг барчаси сизники, умумхалқ мулки. Жавобгар ҳам — сиз!

Чўлибой. Қуруқ қўл билан қандай жавобгар бўлиш мумкин? Қурул керак, аскар...

Ленин. Буржуазингиз, яъни бой ва заминдорларингиз, фабрикант ва банкирларингиз йўқми? Солиқ солинг. Бўйин товласа, устига жарима юкланг. Ана сизга маблағ!

Ризенков. Жарима билан бир ой, борингки, бир йил яшар. Кейин-чи? Туркистонда ростмана хўжалик юритиш вақти етди, ўртоқ Ленин. Биз ўн тўртинчи йилдан бери бу ўлкада суғориш ишларини тартиблаштириш лойиҳасини ўтказолмай абгормиз. Чоризм маълум нарса. Ишчи-деҳқон ҳукумати ҳам ўша руҳда иш тутса...

Ленин. Ўтлаб кетяпсиз, Георгий Константинович.

Ризенков. Мен партия аъзоси эмасман. Лекин ўша лойиҳа яшашига умидим фақат большевиклардан. Афсус, техник ҳужжатлар етиб келмади...

Ленин. Сиз менга фикрнинг мағзини сўзланг. Қанча вақт сўрайсиз?

Ризенков. Билмадим, бирор соат...

Ленин. Бир соат жаҳон революцияси ғалабасидан кейин бўлади. Ўн минутга сиғдира оласизми?

Ризенков. Уриниб кўраман. (Портфелидан харита олиб, столга ёяди.) Маълумки, Туркистон Каспий денгизидан Хитой чегараларигача қулоч ёзган ўлка бўлиб...

Ленин. Рақамларга ўтамиз, ўртоқ Ризенков.

Ҳамма харита устига эгилади. Саҳна тўрида харита тасвири пайдо бўлади.

Ризенков. Мирзачўл... Бу чегараси... Ўзлаштириш биринчи навбатда беш юз минг десятина. Ҳам суғориш, ҳам мелиоратив-давлолаш зарурати бор. Бу — Сирдарё. Унғ соҳили — Далварзин ерлари. Суғориш системаларини тўғон билан таъминлаш талаб қилинади. Қирқ минг десятинали дарҳол оборотга киритиш мумкин.

Ленин. Пахтабопми?

Чўлибой. Пахтабоп.

Ризенков. Бу ёғи — Зарафшон. Дарёни бошқариш учун сув омбори куриш керак. Мана, кўприк ёнида. Юз минг десятина пахтабоп ер.

Ленин. Инженер Васильевнинг лойиҳасидан хабарингиз борми?

Ризенков. Албатта... Васильев айтган майда дарёларга ўтадиган бўлсак, Чув водийсидан тўқсон тўрт минг, Норин бўйида — Учқўрғон даштларидан ўн минг десятина ер очиш мумкин. Бу лойиҳа устида фақат инженер Васильев эмас, мана, етти йилдирки, Сергей Федорович Островский билан, экономист Караваев билан, Павловский, Шапошникова...

Ленин. Ким? Ким дедингиз?

Ризенков. Шапошникова, Татьяна Александровна, инженер-механик. Қримдан етиб келиши керак эди бу ерга. Ўзи Петербург аёллар политехника курсини битирган.

Ленин. Яхши! Шундай аёллар изидан бориб, маҳаллий хотин-қизлар ҳам ўз йўлларини топиб оладилар. Муҳими — асос!

Ризенков. Бизнинг ишимизда эса, ўртоқ Ленин, асос — техник база. (Хужжатларга қайтиб.) Мана, Хилковода цемент заводи — бир миллион.

Ленин. Шоколад фабрикаси керак эмасми?

Ризенков. Канални шоколад билан қоплаб бўлмас, ўртоқ Ленин. Ариқнинг ўттиз етти километрини бетонламасак, шўрга ишлаган бўламиз.

Ленин. Жами?

Ризенков. Механика заводини ҳам қўшсак, эллик миллион. Шундан май ойига — тўққиз миллион етти юз минг, июнга ўн миллион...

Ленин. Кечирасиз... (Йўлакка чиқиб, секретарга) Глеб Максимилиановични топинг.

Секретарь (телефонни улаб). Ўртоқ Қржижановскийми? Сиз билан ўртоқ Ленин гаплашадилар.

Ленин (трубкани олиб). Глеб Максимилианович, илтимосингизга биноан инженер Ризенков билан учрашдим. Энди менинг илтимосимни тингланг. Лойиҳаларингизни яна бутаб чиқасиз, эллик миллион керак. Комгосоорда, Котловичда топилиши мумкин. Мунозарага ўрин йўқ. (Тинглаб) Илтимос...

Трубкини қўйиб, хонага қайтади.

Эллик миллион... (Ризенковга) Берамиз. Фақат унутманг — пул, билиб ишлатилмаса, қуруқ қоғоз. Уни Қримда туриб сарфлаш ақлдан эмас. (Уйлаб) Махсус Туркистон ирригация ишлари бошқармаси тузамиз. Бошқарма билан Совнарком фикр ва фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун эса сиёсий комиссар тайин этилиши лозим.

Чўлибой (харитани олиб). Ўртоқ Ленин, мумкин бўлса, имзо қўйиб берсангиз...

Ленин. Бу ҳақда ҳукумат Декрети бўлади ҳали.

Чўлибой. Бизда хатга кўзи ўтадиган кам, ўртоқ Ленин. Буни кўрса, унда сизнинг қўлингизни кўрса, одамларнинг кайфияти бошқача бўларди, тилимиз эса — ўткирроқ.

Ленин. Ячейка-чи? Большевиктик партия ячейкаси йўқми сизларда?

Ризенков. Бор. Темир йўлчилар, бизнинг ишчилар орасида. Эллик кишидан ортиқроқ бўлса керак.

Чўлибой (фикрини йиғиб). Биз — хайрихоҳлар кўпроқмиз. Минглаб... Аниғи — беш минг атрофида!

Ленин. Сизлардаги революция тақдирини мана шу куч ҳал қилади. Шу кучга таяниб, қулоқлар қўлидаги ерни тортиб олмасангиз, Совет ҳукумати қарорлари қуруқ садо бўлиб қолаверади... (Чўлибойга) Борди-ю нафи тегса — марҳамат. (Харитага имзо чекиб, Чўлибойга узатади.) Катъий бўлинг, ўртоқ Чўлибой!

Чўлибой. Бошим осмонга етди, ўртоқ Ленин! Энди ҳамма армонимиз ушалишига ишонаман. Қуллуқ!

Ленин. (Михайловга). Тўқимачилик саноати тақдири, ўртоқ Михайлов, мана шу қўлларда. Михайлов. Рухсат берсангиз, ўртоқ Ленин, бу дўстлар билан Туркистонга жўнагани тайёрман.

Ленин. Рухсатни ячейкангиз беради. Ўртоқ Дзержинскийга мурожаат этинг, агар ячейкадан сўраб ололса, қанийди олимлар поездига комиссар бўлиб жўнасангиз! (Ризенковга) Жамики материал ва ускуналар шу ердан вагонга босилиши керак.

Ризенков. Тўққиз миллион сўмлик ускуна-я?

Ленин. Изланг, топинг — олиб берамиз сўнги миҳгача. Ўртоқ Большаков, шу ердалигингизда ўртоқ Ризенковга маслаҳат бериб турсангиз яхши бўларди.

Большаков. Мен тайёр.

Ленин. Бўйин товлаган мутахассислар билан ҳам Дзержинский шуғулланади.

Ризенков. Ўртоқ Дзержинский?

Ленин. Замон шунақа: кишини ҳатто тўғри йўлга солиш учун куч ишлатишга тўғри келяпти.

Ленин меҳмонлар билан хайрлашаётганида бирдан ташқарида қандайдир овозлар эшитилаб, йўлакка Шапошникова отилиб киради.

Шапошникова. Георгий Константинович, бахтимдан айланай, шу ерда экансиз. Соқчига гап тушунтиргунча ўлай дедим. Хужжатлар пастда, беш ящик! Қўлим узилиб тушай деди.

Ленин (Секретарга). Эҳтиёт қилишин.

Секретарь чиқади.

Шапошникова. Вой хурпайиб кетибманми, кечирасизлар...

Ризенков. Бу дўстимизни, ўртоқ Ленин, сизга ҳали айтувдим — Татьяна Александровна Шапошникова.

Шапошникова Ленин номини эшитиб, қотиб қолади.

Ленин (кулимсираб). Инженер-механик, Петербург аёллар политехника курсининг собиқ талабаси! Унутмабманми?

Шапошникова. Ленин? Уртоқ Ленин?! Кела келгунча мен сизни...

Ленин. Йўлда қийналмадингизми?

Шапошникова. Қийналиш, дейсизми? (Кулиб юборади.) Томоша-ку! Ит эгасини танимайди. Ким йиғлаган, ким кулган... Пақ-пуқ! Бир вақт Қрим немислар қўлида деб қолишди, лекин Симферополми ё Севастополми — ҳеч ким билмайди. Кейин қарасак, солдатлар поезд машинистини ҳайдаб келишяпти. Ҳамма ўзини вагонга урди. Одамлар бир-бирининг бошидан юриб кетди-ёв: қани энди вагон эшигига йўлаб бўлса! Ёдимда йўқ, йиғладимми ё қарғадимми, ҳар ҳолда биров: «Хэй, қизалоқ, кэл, елкамга чиқ» деб қолди. Қандоқ чиқаман, яшчикларим бор, ахир! «Чиқа қол, эзилиб кэтдинг, узатвораман» дейди бечора, грузин бўлса керак. Бир бало қилиб вагонга кириб олдим. Бакудан Армавиргача тошбақадек имиллаб бордик. Армавирдан Воронежга тикка туриб кетдик, бамисоли қути тўла гугурт чўп! Қани энди бурун қашлаб бўлса... Самарага етгунча адои тамом бўлдик, десам ишонаверинг.

Ленин (жиддий). Самара-чи?

Шапошникова. Бу ёғи, хайрият, яшчикларимга ўтириб келдим. (Овозини пасайтириб). Эҳтиёт яхши-да!!!

Ленин. Вақт ғанимат, ўртоқлар, генерал Краснов билан атаман Дутов йўлни кесиб қўйиши мумкин. (Хайрлашаркан, Ризенковга.) Туркистон иссиқ ўлка. Татьяна Александровнани эҳтиёт қилишингиз керак.

Шапошникова. Меними? Мен Тошкентда туғилганман-ку! Наҳот доктор Шапошниковни эшитмаган бўлсангиз?

Ленин. Ҳалол кишиларнинг номи энди жаранглайди. Хайр, ўртоқлар.

Шапошникова. Уртоқ Ленин, Туркистонга борганингизда мен сизни албатта топишим керак. Палов қилиб бераман, ўзбекчасига. Келишдикми?

Ризенков, Большаков, Чўлибой, Михайлов ва Шапошникова чиқиб кетади.

Ленин. (қайтиб кирган Секретарга). Мария Игнатъевна, Пушкинни эсланг: «Уни Татьяна деб атар эдилар...»

Секретарь. Лекин буниси, Владимир Ильич, бутунлай бошқача Татьяна!

САМАРА. ГУБЧЕКА.

Саҳна олдиди кабинетнинг бир қисми. Телефон. Телеграф аппарати ишлаб турибди. Аппаратдан ўрмалаб чиқаётган лентага Коля кўз югуртади.

Коля (ранги оқариб). Комиссар, ўртоқ комиссар... эшитинг: «Барча ишчи, деҳқон, қизил аскар депутатлари Советларига, барча армияларга, ҳамма, ҳамма, ҳаммага!»

Комиссар Сергеев виқор билан қад ростлайди.

Бундан бир неча соат бурун ўртоқ Ленинга ваҳшиёна суратда суиқасд қилинди. Уртоқ Лениннинг ўрни, унинг Россия ишчилар ҳаракатидаги, бутун дунё ишчилар ҳаракатидаги аҳамияти барча мамлакатларнинг кенг ишчи доираларига маълумдик.

Ишчилар синфининг ҳақиқий доҳийси ўзи манфаат ва эҳтиёжларини ўн йиллаб ҳимоя қилиб келган синф билан доим мустаҳкам алоқада бўлган.

Сергеев. Охирига қара: тирикми, ахир?

Коля. Охири йўқ. (Ўқишда давом этади.) «Ҳамма вақт ишчиларнинг митингларида қатнашиб келган ўртоқ Ленин жума кuni Замоскворечье районидаги Михельсон заводи ишчилари ҳузурда сўзга чиққан эди. Уртоқ Ленин митингдан қайтаётганида ярадор қилинди.»

Сергеев. Хайрият, тирик! (Сабри чидамай, лентани тортиб олади.) «Бир неча киши қўлга олинди. Уларнинг шахси аниқланмоқда. Барча ўртоқларни вазмин бўлишга, аксилинқилобий унсурлар билан курашдаги ишларини кучайтиришга даъват этамиз.»

Коля (ўқишда давом этиб). «Доҳийларига қилинган суиқасдларга ишчи синфи ўз кучларини янада жипслаштириш билан, революциянинг барча душманларига қарши беаёв оммавий террор билан жавоб қайтаражак.»

Сергеев (бир оз ичиди ўқиган.) «Вазминдик ва уюшқоқлик! Ҳамма ўз ўрнида қатъий туриши керак! Сафлар янада жипслашсин!»

Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Раиси Я. Свердлов».

(Куйиниб) Наҳот менинг чекист дўстларим доҳимизни асраёлмаган бўлса? Бундан хунук нарса борми! Нима қилай? (Телефон кулоғини бурайди.) Губижроком! (Бироз асабий кутгач.) Уртоқ Куйбишев, эшитдингизми? Бу даҳшат, ахир! Шалпайганларга ҳар қанча жазо оз! (Тинглаб) Мен ҳам шундай фикрдаман: оқ террорга қизил террор билан жавоб беришимиз керак! Қизил террор!! Аяш йўқ. (Тинглаб) Кулоғим Хўп, темир йўл узелини мен кафилликка оламан. Сиз, демак, пристанда. (Тинглаб) Хотиржам бўлинг, ўртоқ Куйбишев.

Боши танғиб боғланган Минвали чопиб киради.

Минвали. Комиссар, ўртоқ комиссар, тўрга балиқ тушди, ўзимизни тортиб кетишига сал қолди, бир эмас — уч эшелон, буржуйлар, соқоли бундоқ, ёқаси мана бунақа.

Сергеев. Бидирламанг, солдат.

Минвали. Мен солдат эмас, жангчман! Хуллас, биз қурол билан дағдаға қилсак, ўқ билан жавоб берди номардлар. Серафимдан айрилдик. Яна учтамызни докторга олиб кетишди. Менинг қулогим...

Сергеев. У ҳам кетдимиз?

Минвали. Ичи эмас, учи. Улмасман...

Сергеев. Барибир! Сен билан биз қизил жангчилармиз. Большевикнинг ҳар тўкилган мўйи учун бир қалла билан хун тўлайди бу безорилар... Корнеев, аппаратдан нари кетма. Ваҳима тарқатсанг, бошингни оламан. (Минвалига) Бошла!

Сергеев билан Минвали югуриб чиқиб кетади.

САМАРА. СТАНЦИЯ.

Темир излар. Водокачка. Эшелонлар.

Михайлов, Ризенков, Чўлибой ва Шапошникова тўсиқ олдига келишади.

Михайлов. Тупикка киритиб қўйишибди.

Чўлибой. Боши берк кўчага!

Шапошникова. Станция бошлигини исканжага олиш керак.

Михайлов. Жангчилар!

Бир неча жангчи юриб, саф тортади.

Кетдик. Қолганлар хушёр турсин.

Вагонлардан ўқталган милтиқ найзалари кўринади. Михайлов, Ризенков, Шапошникова ва Чўлибой чиқиб кетади. Иккинчи томонда Сергеев, Минвали ва бир неча жангчи пайдо бўлади.

Сергеев (пулемётчига). Водокачкани эгалла. Қон тўкмасликка уриниб кўрамиз. Кўнишмаса, аяш йўқ.

Пулемётчи чиқиб кетади.

Минвали. Мен-чи?

Сергеев. Бошла!

Минвали (эшелон сари). Қуролдош дўстлар! Ўртоқлар! (Найзалар Минвали сари бурилади.) Биродарлар!!! Сизларни митингга таклиф этаман — вокзал биносига. Бошлиқларинг ўша ерда. Бизда озодлик! Ҳамма талаблар очиқ овоз билан ҳал қилинади. Қизил жангчи сўзи бу — ўзимни гаровга қўяман! Олға менинг изимдан...

Жангчилар қўлларида милтиқ билан вагондан сакраб тушадилар ва Минвали ортидан вокзал томон югуриб кетадилар.

Сергеев (ўз жангчиларига). Оғир қурол-аслаҳалари билан ўқ-дориларини йиғиштиринг, олға! **Жангчилар вагонларга ёпирилади. Қуролсиз ходимлар узоқ қаршилик кўрсата олмайдилар. Ташқаридан Минвалининг нотиклик қилаётгани эшитилади.**

Минвали (овози). Озодликка эришган йўқсул миллатлар томирини туташтириб тургувчи инқилбий Самара оғир аҳволда, ўртоқлар. Бир ёнда атаман Дутов қаллакесарлари, иккинчи томонда генерал Краснов оқ погонликлари ёвузларча ёпирилиб келаётган ҳозирги шароитда...

Сергеевнинг жангчилари вагонлардан пулемёт, ихчам замбарак, ўқ-дори солинган яшчикларни олиб тушишади. Қуроллар эшелонга тўғрилаб қўйилади.

Сергеев (жангчиларини пистирмага қўяркан). Соқчиларни вагонга тез, бешовқин ўтказиб юбориш керак. Кейин эшик, деразаларга хушёр бўлинг. Диққат!

Минвали билан эшелон жангчилари қайтишади.

Минвали (ҳамон қайнаб). Бургутман деб керилма, бургутга ҳам кушанда бор! Мана, тўрт юз йиллик Романовлар сулоласи бунга мисол!! (Вагонларга ишора қилади). Марҳамат, ўртоқлар...

Жангчилар вагонга кўтарилади. Ичкаридан дарғазаб ва саросимали нидолар эшитилади.

Овозлар:

- Оббо, худо урибди!
- Сотқин экан...
- Ул содда бўлмай...
- Пулемёт қани?
- Қани замбарак?
- Ўқ ҳам йўқ!
- Комиссар!!

Михайлов йигитлари ўзини ташқарига уради.

Сергеев. Чекин! Бўлмаса, ўз ўқингиз билан ўзингизни қириб ташлаймиз.

Ризенков, Чўлибой, Шапошникова ва Михайлов станция бошлиғини ҳайдаб киради.

Михайлов. Паровоз бер, бу Ленин маршрути! Фиринг десанг, ғалвир қилиб юбораман. Станция бошлиғи. Биродарлар, ғалла йўқ, ғалвир кимга керак? (Сергеевга) Комиссар, ёрдам қилинг! Бола-чақам...

Сергеев (Михайловга). Хужжатингиз?

Михайлов. Узлари ким бўладилар?

Сергеев. Бу ерда саволни мен бераман. Олдимга тушинг.

САМАРА. ГУБЧЕКА.

Сергеев ўз ўрнини эгаллайди. Минвали Михайлов, Шапошникова, Чўлибой ва Ризенковни ҳайдаб киради.

Сергеев (Михайловга). Демак, хужжатингиз йўқ?!

Ризенков. Нега йўқ бўларкан? Биз расмий кишиларни ҳурмат қиламиз. (Хужжатини беради). Максим Петрович, қизишиш бефойди.

Михайлов хужжатини беради.

Сергеев. Сизларга алоҳида таклиф керакми?

Чўлибой. Бизда хужжат бўлганмас...

Минвали (қоғоз тўлдираётган Сергеевга ишора қилиб). Мана энди сен ҳам хужжатли бўласан.

Чўнтакни оч!

Чўлибой. Лаббай? (Чопонида чўнтак йўқлигини кўрсатади). Хўш?

Минвали (белбоғни кўрсатиб). Бу нима?

Чўлибой. Белбоғ, мана...

Минвали (белбоққа ўралган харитани очиб). Бу-чи?

Чўлибой. Харита, ўртоқ Лениндан! Мана имзо. Ўзиники!

Минвали (харитани узатиб). Комиссар!..

Сергеев (харитага кўз югуртиб, Минвалига). Энди хоним билан шуғулланинг.

Минвали Шапошникова сари юради.

Шапошникова (бирдан бор овози билан). Нима қилмоқчисан? Мен аёлман! Торт қўлингни! Шунинг учун революция қилганмидик? Феодал, ярамас...

Сергеев (пинагини бузмай, Минвалига). Губижроком котибасига олиб боринг, тинтув қилсин. Бошинг билан жавоб берасан.

Минвали (Шапошниковага). Кетдик, хоним, бошимга раҳминг келсин.

Шапошникова билан Минвали чиқиб кетади.

Сергеев (Коляга). Кулоғинг аппаратда бўлсин. Ўртоқ Куйбишев пайдо бўлиши билан менга боғла. (Михайловга) Атаман Дутов эшелонни қачон, қаерда кутиб олмоқчи эди?

Михайлов. Сиз мени ҳақорат қиялсиз, комиссар!

Ризенков. Биз ер тузамиз, ер тузатамиз, комиссар: Лениндан — Туркистонга.

Сергеев. Ленинга ҳаром тилингизни текизманг, жаноб.

Ризенков. Биз Совет ҳокимияти деганда Ленинни тушунамиз, ахир!

Сергеев. Самарада Совет ҳокимияти учун Ленин эмас, мен жавоб бераман. Ҳамроҳларингиз ким?

Ризенков. Ҳаммаси олим кишилар. Ёзилган-ку, ана: Моргуненков, Лодигин, Шапошникова — бояги аёл, мана — Курбатов, бири — масалан Васильев — инженер, бири экономист...

Сергеев. Чет элда бўлганлар борми?

Ризенков. Хизмат йўли билан чиқишган. Буларнинг ҳаммаси дунёга машҳур кишилар.

Сергеев. Буржуа мутахассислари биз билан ҳамкорлик қилишига ишонадиган анойи бор эканми бу ерда?

Михайлов. Булар сенга эмас, она Россияга хизмат қилади.

Сергеев. Мана, очилдингиз-қўйдингиз: демак, Советларга эмас, она Россияга! (Ризенковга) Давом этамиз. Ўзингиз чет элда бўлганмисиз?

Ризенков. Австрияда, Швейцария, Италия, Германияда. Касбим шунақа.

Сергеев. Тил биласизми?

Ризенков. Инглизча, итальянча ва, табиийки, немисча...

Сергеев (ови юришаётганидан мамнун). Келиб чиқшингиз?

Ризенков. Отам украин, онам грузин...

Сергеев (паспортни столга ташлаб, кескин). Генерал Ризен кимингиз бўлади?

Ризенков (вазмин). Генерал Ризен — иккинчи отам, яъни ўгай.

Сергеев. Демак, генерал — отангиз, шундайми?

Ризенков. Демак, шундай. Нима бўпти?

Сергеев. Соқчиларингиз бизнинг жангчиларни ўққа тутганда, жаноб генералзода, буйруқни сиз бергансиз, шундайми?

Михайлов. Биз ўзимизни ҳимоя қилдик!

Сергеев (харитани ўртага қўйиб). Бу-чи?

Михайлов. Харита.

Чўлибой. Мирзачўл харитаси. Ана бу Лениннинг имзоси дедим-ку!

Сергеев (харитани буклаб, сумкасига жойларкан). Текшириб кўрамиз — кимнинг имзоси, қаернинг харитаси, нима мақсадда тузилган...

Ховлиқиб Минвали юради.

Минвали. Оҳ менинг олтин бошим, арзон кетадиган бўлдинг! (Сергеевга) Бояги жодугарни ижроком котибасига топширдим, буйруғингизни айтдим. Менга, тескари қараб тур, дейишди. Милтиқни маҳкам ушлаб, ўғирилдим. Бир вақт телефон жиринглади. Кейин гурс этиб қолди. «Нима гап?» десам, жодугар иккаламизни икки ёнга овора қилиб қўйибди-ю, ўзи деразадан ташлаб қочибди. Азиз бошимни қўлтиқлаб қайтиб келяпман.

Сергеев. Ерга кирса қулоғидан, кўкка учса оёғидан тутамиз. (Михайловга) Энди маълум бўлдими кимлигингиз? Айбсиз киши нега қочади? (Минвалига) Жангчи, олиб боринг.

Чўлибой. Комиссар! Ака!..

Минвали. Бу ерда ака йўқ, Чека бор! Қани, илдамроқ имилла.

Телеграф аппарати ишга тушади. Минвали Ризенков, Чўлибой ва Михайловни ҳайдаб чиқиб кетади. Телефон жиринглайди.

Коля (трубкани олиб). Коля Корнеев эшитади. (Тинглаб) Николай эмас, ўртоқ Куйбишев, Николайлар даври ўтиб кетди. (Тинглаб) Бюллетень келяпти. Уқийми? (Аппаратдан чиқаётган лентани ўқийди). «Иккита ўқнинг ёпиқ жароҳати қайд этилди; бир ўқ чап курак устидан кириб, кўкрак бўшлиғидан ўтган, ўпканинг юқори қисмини яралаб, бўйиннинг ўнг томонида — ўнг қуймичдан юқорироқда тўхтаб қолган: иккинчи ўқ чап елкага тегиб, суякни синдирган ва чап елка терисида қолиб кетган, ички қон сизиш ҳолати мавжуд. Пульс 104. Бемор ҳушини йўқотгани йўқ. Муолижа учун энг яхши мутахассис-хирурлар жалб этилди». (Тинглаб) Комиссар шу ерда.

Сергеев (трубкани олиб). Ўртоқ Куйбишев, ҳорманг. Ҳалиям пристандамисиз? Ердам керак эмасми? (Тинглаб) Менда янгилик бор. Бир гуруҳ барқут ёқалиларни қўлга олдик. (Тинглаб) Уттизта. Уч эшелон озиқ-овқат, асбоб-ускуна билан. Аввал қуролли қаршилик кўрсатишди. Биздан радор бўлганлар, қурбонлар бор. Уртоқ Ленинни ўртага қўйишяпти. Лекин буржуа мутахассисларининг найранглари, ўртоқ Лениннинг контрреволюционерларга муносабати маълум ва аниқ! Қарор қабул қилишимиз керак. Губерния партия комитети, шаҳар ижрокоми ҳамда Чека биргаликда. (Тинглаб) Шафқатсиз бўлиш шарт!

САМАРА. ПАНЖАРА ТУЙНУКЛИ ХОНА.

Михайлов; Ризенков ва Чўлибой.

Чўлибой. Шундоқ ўтираверамизми? [Жавоб йўқ.] Аёл боши билан Таня опа ўз ишини эплаб кетди.

Ризенков. Бу англашилмовчилик! Ишонаманки, улар ҳали биздан кечирим сўрашади.

Чўлибой. Сўрашмасанми? Унда нима қиламиз? Биз бу зах хонада чириб кетсак, бир чўплаб йиққан шунча ашқал-дашқалимиз таракана бўлмайдики? Уни интизор кутганлар ноумид қолаверадими? (Уйга толади.) Мен ҳам ишонган эдим. Мирзачўл деганда Лениннинг кўзида йилт этган учқунни кўриб, бу учқун ҳамқишлоқларим юрагига тушади-ю, унда гулхан туғдиради, деб ўйлагандим. Афсус, зимистон... Бу зимистонда адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Ахир дунё кўрган, тагли-тугли бир донишманд ўрис, бошим тошга текканда, мендай нотавоннинг оғриғини сезди. Қўлимдан тутиб арзимни эшитадиган остонага олиб келди. Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқиши рост. Лекин кўз ёши билан экин суғориб бўлмас! Бахтимни қарангки, чеку чегарасиз мамлакатни тебратаётган улуғ киши туппангидан тагидан келган Жўра ака билан тил топишганига гувоҳ бўлдим. Кўнгил яқин бўлса, бақариб-чақирмаса ҳам бир-бирини эшитаркан... Фақат ҳайронман: бояги йўқсул комиссар, ўзимизнинг қавм нима учун бизнинг тилимизга тушунмади? У биздан кимни ҳимоя қилмоқчи? Нимани? Нега? Кўзи кўр, қулоғи кармиди? Шунақа одамлар раҳнамо бўлса, ёруғлиққа қачон етамиз? Узимга куймайман. Мен ҳеч ким эмасман. Лекин менинг дўстларим бор. Туркистоним бор. Шу алпозда унинг ҳоли нима кечади? (Бирдан эшикка ташланиб, тақиллата бошлайди) Ким бор?

Ризенков. Чўлибой... ўзингни бос. Яна бир ишқал чиқмасин.

Минвали юради.

Минвали. Амма-холангнинг пўстагимиз бу, мунча чангини қоқасан?

Михайлов. Ўртоқ жангчи, комиссарга айтинг, мени ўртоқ Куйбишевга олиб борсин.

Минвали. Офтобга тик қарасанг, кўр бўлиб қолишинг мумкин.

Чўлибой. Сиз Ленинни билмайсизми?

Минвали. Биламан, фақат гаплашган эмасман.

Чўлибой. Биз гаплашганмиз.

Ризенков. Ўртоқ, бизнинг гапимизни Ленинга етказишга ёрдам беринг.

Минвали. Соқчини чалғитманг.

Ризенков (нимадир ёзиб узатади). Мана, Москва, Кремль...

Минвали. Постни ташлаб, Москвага бориб келайми?

Ризенков. Почтага! Бу — телеграмма. Мундоқ туйнуғи бор. Орқасида чиройли қиз ўтиради. Узатсангиз бас. (пул бериб) Бу ҳақи...

Минвали четга бурилади.

Михайлов (чарм куртқасини ечиб). Хизматингизга!

Минвали. Мени ким деб ўйлаясиз? (Иккиланиб) Лекин зарурат экан... (Чарм куртка ўрнига ўз шинелини бериб) Хизмат — текин!

Минвали қоғоз ва пулни олиб, туйнукни ёпади ва чиқади.

МОСКВА. КРЕМЛЬ.

Йўлак ва Ленин кабинети. Секретарь кундалик ёзишмаларни тартибга солаётир. Ленин пайдо бўлади. Чап қўли қора мато билан бўйнига осиглиқ.

Секретарь. Владимир Ильич? Салом...

Ленин. Астарақ... Салом. Ҳеч ким йўқми?

Секретарь. Ҳозир. Владимир Дмитриевични чақирайми?

Ленин. Ҳожати йўқ, Мария Игнатьевна, илтимос.

Секретарь. Саломатлигингиз, ахир...

Ленин. Раҳмат. Яхши.

Секретарь. Рухсат бўлдими, демоқчиман. Агар зўриқсангиз...

Ленин. Етишдан оғирроқ жазо йўқ. (Кулиб) Наҳот менга шундай жазони лойиқ кўрсангиз?

Ундан ташқари, мана ижозатнома! (Енидан қоғоз олиб, қийналиброқ очади. Ёрдам бермоқчи бўлган Секретарни четлатиб, дона-дона ўқийди.) «Расмий бюллетень. Соат йигирма. Ҳарорат нормал. Томир уриши яхши. Чап плеврага қуйилган қондан озгина асар қолган. Синган суякларда ҳеч қандай ёмон ўзгариш йўқ. Яраларни боғлаш оғриқ туғдирмаётир. Уқларнинг тери остидаги ҳолати ва яллиғланиш реакцияси бутунлай тўхтагани ўқларни олиб ташлашга бинт ечилгунча шошмаслик учун имкон беради. (Бир оз тин олиб, таъкид оҳангида) Владимир Ильичга иш билан шуғулланиш рухсат этилди...» Рухсат этилди! Қалай?

Секретарь. Масала равшан.

Ленин. Янада равшанлаштирамиз. (Бюллетеннинг четига ёзади.) «Ушбу бюллетенга ва кайфиятимнинг яхшилиғига асосланиб, врачларни телефон орқали ҳар хил саволлар билан безовта қилмасликларингни ўтиниб сўрайман. В. И. Ульянов (Ленин)». (Бюллетенни Секретарга тутқизади). Ҳамма ўртоқларга тегишли. Энди ишлаймиз. Қандай ошиғич ишлар бор?

Секретарь. Кундалик иш кунда ҳал қилиб борилди. Уртоқ Свердлов томонидан. Буларни ўртоқ Бонч-Бруевич ажратиб қўйган: ўзингиз ҳал қиладиган ҳужжатлар. (Нариги папкани очиб) Бунда шахсан ўзингизга тегишли корреспонденция.

Ленин папкага қўл чўзади-ю, оғриқ сезиб, тўхтади.

(Ленинни ўтиргизиб) Шошаётган бўлсангиз, ўзим ўқиб беришим мумкин.

Ленин. Илтимос...

Секретарь. Мана бу — Москвадан. (Ўқийди) Уртоқлар! Газетангизда менинг хатимни босиб чиқаришингизни сўрайман. Мен ўртоқ Ленинни жуда яхши кўраман, унга жоним ачишади, аммо ўзларига айтиш учун имконим йўқ. Менинг отам йўқ, онам ва Лениним бор, холос! Онам сизларга хат юборганимдан беҳабар, у жуда сиқилган. Наташа Вознесенская... (Ленин кулимсирайди.) Қолгани шахсан ўзингизга... (Ленин розилик бергач, давом этади) Азизим, саломат бўлинг! Мен сизнинг ишингизга ёрдам бериш учун ўсялман. Онам Сретень бульварида агитаторларга дарс берадилар. Мен ҳам, дунё халқи сизга эргашин, деб таълим бергувчи бўламан. Сизни жонидан севган қизингиз Наташа...

Ленин. Раҳмат, Наташа, тезроқ улғая қол, қизим.

Секретарь. Бу — Туркистон республикаси халқ Комиссарлари Совети раиси ўртоқ Колесовдан. (Ўқийди) Халқро пролетариатнинг азиз доҳийси, сизга қилинган юзсизларча суиқасд муносабати билан Совет Туркистони номидан чуқур қаҳр-ғазаб изҳор этаман... (Ленинга қараб олгач) Душман билан ҳал қилувчи жангга тайёр турибмиз. Бутун дунё пролетариати бахтига меҳнат қилиш учун саломатлигингиз тезроқ тикланишини жон-дилдан тилаймиз. Туркистон Марказижрокоми ва Республика Халқ Комиссарлари Совети, Тошкентдаги давлат, жамоат ва қизил армия ташкилотлари вакилларининг мажлиси қарор қиладики...

Ленин (тўхтатиб). Колесовга телеграмма юборилган эди, ёрдам ҳақида. Нима учун бу тўғрида лом-мим демабди? Наҳот етиб бормаган бўлса?

Секретарь. Албатта суриштираман. (Қўлига янги варақ олиб) Энди латиш ўқчилари...

Ленин. Хўш?

Секретарь (ўқийди). Россия Социалистик Республикаси тенг ҳуқуқли гражданларининг энг биринчиси — қимматли ўртоғимиз Ильичга чин кўнгилдан салом йўллаймиз...

Ленин (пешонаси тиришиб). Яна борми?

Секретарь (ўқийди). Яшасин жаҳон пролетариатининг буюк доҳийси, бизнинг буқилмас, бизнинг беҳад сеvimли ўртоғимиз Ленин! Тула қуролсозлари сенинг омон бўлишингни сўрайдилар ва талаб қиладилар!

Ленин қоғозларни йиғиштириб, папкани ёпади. Ўйланиб, кўзи қисилади. Чап қўли ва елкасида оғриқ сезиб, бир оз туриб қолади.

Ленин (бўғиқ). Илтимос, Мария Игнатьевна, менга ўртоқ Бонч-Бруевични...

Секретарь. Узингиз, биров билмасин, деб айтган эдингиз...

Ленин. Илтимос.

Секретарь (трубкага). Коммутатор? Уртоқ Бонч-Бруевични уланг, марҳамат. Уртоқ Ленин гаплашадилар.

Секретарь трубкани Ленинга беради.

Ленин (бир оз кутгач). Салом... Узим, албатта. Раҳмат... Владимир Дмитриевич, Туркистонга, ўртоқ Колесовга ёрдам учун жўнатилган полк нима бўлди? Тушунарли... Совнарком Тошкентдаги Халқ банкига икки юз миллион сўм миқдорда вақтинча кредит билетлари чиқаргани рухсат берганди. (Тинглаб) Едимда бор телеграммамиз. Натижаси-чи? Кутаман. Хўш... (Тараддулланиб) Иккинчидан, Владимир Дмитриевич, сўнгги вақтда Совнаркомга келаётган хат, телеграммаларни кўздан кечирганмисиз? Бир нарсага эътибор қилдингизми? (Тинглаб) Матбуот саҳифаларида-чи? (Тинглаб) Халқ партияга бўлган меҳрини мен орқали ифода этишини қандоқ тушунмоқ керак? Мутлақо қўшилмайман. Партиянинг Коммунистик деган ўз номи бор! Халқ унга садоқат ва муҳаббатини қанча баланд изҳор этса, шунча хурсандман. Лекин менинг шахсимни кўкка кўтариш билан партиянинг обрўси ўртасида қандай алоқа бўлиши мумкин? Муносабатим салбий, вассалом. (Узига-ўзи) Стихияли эмиш... (Трубкага) Революция стихиявий қилинган эмас, Владимир Дмитриевич, бу масалада ҳам стихияга йўл қўймаймиз. Илтимос: барча газета ва журналларнинг редакцияларига етказинг — бундай материалларни босиш тўхтатилсин. Менинг истагим шу, бўйин товлаган ўртоқлар партиявий йўл билан жазо оладилар. (Папка устига ёзади) Архивга, тамом...

Секретарь телеграф аппаратидан янги ахборот олиб келади. **Ленин** ўқиб, ўйланиб қолади.

(Трубкага) Йўқ, толиққанимча йўқ. Эшитинг, Владимир Дмитриевич, хунук хабар: Самарада Иртур ходимларини қамоққа олишибди, улар билан давлат назорати вакилларини ҳам. Телеграмманинг бирида Ризенков имзоси, бири Шапошниковадан. Дарҳол Дзержинский билан боғланинг. Менимча, зудлик билан ўртоқ Яковлевани юбориш керак. Тажрибали чекист, оташ аёл. (Трубкани қўйиб) Мария Игнатьевна, бу телеграммалар Адлия ҳамда Ички ишлар комиссариатига, Госконтролга етказилсин, Криленко, Каменев ва Сталин ўртоқларнинг шахсий кузатувида бўлсин... (Телеграфчига) Самара, Куйбишеви...

Телеграфчи (аппаратни сошлаб, чиқаётган лентани бироз кузатгач). Ўртоқ Куйбишев жанговар операцияда.

Ленин (ниҳоят асабийлашиб). Нима қилапти булар ўзи? Худди шошган ўрдак: тумшугини балчиқдан суғуриб олса, думи илиниб қолади; думини тортиб олса — тумшуги! Агар шу тариқа кетаверсак, минг тўққиз юз ўн тўққизинчи пахта йилини ҳам бой беришимиз аниқ. (Телеграфчига) Ёзинг: «Самара. Губжирокомга. Копияси Самара фавқулодда комиссиясига. Ризенков ва назорат вакиллари дарах овоз қилишни, жуда зарур бўлиб қолган тақдирда хона банди қилиш ёки меҳмонхона устидан назорат ўрнатиш билан чекланишни буюраман...»

Аппаратнинг тасир-тусури узоқдан келаётган отишма овози билан чаптишиб кетади.

САМАРА. ГУБЧЕКА.

Отишма садосига Чўлибойлар қамалган хона эшигининг тақиллаши қўшилади.

Минвали киради.

Чўлибой. Ҳали ҳам жавоб йўқми, ака?

Минвали. Ўзинг қурмаган эшикни синдириш яхшимас!

Ризенков. Ростдан жўнатганмидингиз, ўртоқ жангчи?

Минвали. Жангчи ёлгон гапирмайди.

Михайлов. Гап Россия тўқувчилари тақдири устида кетяпти, тушунасанми?

Чўлибой. Минг-минглаб деҳқон тирикчилиги шунга боғлиқ! (Чопонини еча бошлайди) Мободо бирор нарса етишмаётган бўлса, мана...

Минвали. Кийиб ол, йигит, шамоллаб қолсан. (Узига-ўзи) Нима қилай? Ушанда ҳовлиқмаганимда, эҳтимол, булар бунчалик фалокатга йўлиқмасмиди?! Кошки бу замонда ким ҳалол, ким ҳаромхўрлигини ажратиш осон бўлса.

Михайлов. Мунча чайналасан?

Минвали (бирдан портлаб). Ленин ўқ еган, ярадор! Қулоғинг борми, телеграммангни тузалганда ўқийди, ҳей, барқут ёқалар, тузалганда!

Чўлибой. Уқ?

Ризенков. Ярадор?

Михайлов. Провокатор!

Ташқарида отишма кучаяди.

Ризенков. Мумкин бўлса, комиссарни чақиринг.

Минвали (отишмага ишора қилиб). Комиссар бодроқ териб юрибди. (Отишма яқинлашади.) Бир фалокат бор... Яширининглар, бўлмаса отиб ташлайман.

Қўлида тўппонча билан Сергеев киради.

Сергеев. Хўш?

Минвали. Ҳаммаси жойида!

Сергеев. Олиб чиқ! (Ташқарига) Корнеев!

Коля югуриб киради.

Шаҳарни оқ казаклар босди. Вақтинча ташлаб чиқишга мажбурмиз. Ўртоқ Куйбишевнинг буйруғи. Қоғозларингни йиғиштир!

Минвали Ризенков, Михайлов ва Чўлибойни ҳайдаб чиқади.

Буларни ҳамтовоқларига тиригича бермаймиз.

Коля югурганича чиқиб кетади.

Чўлибой (Сергеев сари ўзини уриб). Наҳот Ленинни отишгани рост бўлса, комиссар?

Сергеев (тўппонча тираб). Хурсандмисан?

Ризенков. Бу жаҳолат, ўртоқ комиссар. Революцияни жоҳил одамлар қилса, халқ бошига фақат фалокат келиши мумкин.

Сергеев. Сайранг, тақсир, сайранг. Хўш, қўлингизни бўшатиб қўяйми? Қурол берайми ўзимизни чавоқлатгани? (Девор томон ишора қилиб) Тур текис!

Минвали. Комиссар, яна бир ўйланг: етти ўлчаб, бир кес, дейдилар!

Сергеев. Кесиб бўлинди!

Чўлибой, Ризенков ва Михайлов девор ёнига терилади.

Михайлов. Сен, қўй терисини ёпинган контра, барибир революцияни ўлдиролмайсан. Биримизнинг ўрнимизга минг жангчи келади.

Ризенков. Ўртоқ комиссар, Иртур Совнаркомники, сиз уни душмандан ҳимоя қилишингиз керак...

Сергеев. Мен ҳам Советни ҳимоя қиляпман!

Чўлибой. Ақлингизни йиғинг, ака.

Сергеев. Ўртоқ Лениннинг ҳар томчи қони учун биттанг жон берасан!

Михайлов. От, газанда... Яшасин ўртоқ Ленин! Яшасин социалистик революция!

Сергеев (тўппончасини кўтариб). Революция номидан...

Сергеев тепкини босаётганида Чўлибой дўстларини икки ёнга итариб, ўзини ерга уради. Уқ бўш кетади.

(Тўппончани Чўлибойнинг бошига тираб) Яна қандоқ далил керак аксилинқилобчи эканингда? Жангчи!

Минвали. Комиссар, ўйлаб иш қилинг... (Михайловга) Комиссар, ўйлаб иш қилинг...

Коля югуриб киради. Қўлида телеграф лентаси.

Коля. Комиссар! Сергеев!!

Сергеев. Ўртоқ Куйбишев сўрадимиз? Ҳукм ҳозир ижро этилади. Қуролингизни ол. (Минвалига) Сен ҳам!

Коля (шивирлаб). Телеграмма! Лениндан! Сизга. Ўртоқ Куйбишевга.

Сергеев (телеграммани юлиб олади). «Самара. Губижрокомга. Копияси Самара фақулдда комиссиясига. Ризенковни ва назорат вакилларини дарҳол озод қилишни, жуда зарур бўлиб қолган тақдирда хона банди қилиш ё меҳмонхона устидан ҳарбий назорат ўрнатиш билан чекланишни буюраман. (Нафас ростлаб) Далилингиз бўлган кишиларнигина турмада қолдиришингиз мумкин. Уларнинг номини менга дарҳол телеграф орқали маълум қилинг. Планлар, ҳужжатлар ва ҳамма мол-мулкнинг бус-бутун сақланишига жавоб берасиз. (Қоши чимирилади.) Ижроси тўғрисида телеграф орқали хабар қилинг. Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ленин...»

Минвали. Хайрият.

Сергеев. Тилингиз тий! (Ҳаммага) Ленин тузалибди.

Чўлибой. Ленин?

Ризенков. Бизга жавоб бу!

Михайлов. Қани, чўз!

Сергеев. Бу расмий ёзишма. Омон қолганингиз камлик қилдимиз? Энди бирга жанг қиламиз. (Корнеевга) Коля, буларни қуроллантир. (Минвалига) Қўриқчиларини бўшатиб, позиция кўрсат, ҳимояга турсин.

Коля Михайловга тўппончасини қайтаради. Чўлибой билан Ризенковга милтиқ узатади.

Чўлибой. Биз бунақасини тушунмаймиз.

Минвали Чўлибойга ов милтиғи тутқазаетди. Чўлибой милтиқни шартта Сергеевнинг кўксига тирайди.

(Кескин) Харитамни бер, Ленин кўли бор унда!

Сергеев тисарила бориб, сумкасидан харита олиб беради.

(Доғлаб) Сен бизни бояғи «анойи Осиё» деб ўйлама, комиссар, биз янги Туркистонданмиз!

Отишма яқинлашади.

Сергеев. Кейин! Кейин гаплашамиз! Чекининг! Илдам! Илдамроқ!!!

Ҳамма чекинади. Чўлибой орқароқда, ёлғиз қолади.

Чўлибой (дардли, ёниб). Мени тупроғим кутяпти, онам интизор, Зумрад... Қайтишим керак. Майли, товоним тешилсин. Тоғ тўсса учиб ўтаман, сув тўсса — кечиб! Лекин қуруқ кўл билан қайтиш қандоқ бўларкин? Йўқ, Лениннинг сўзи бор-ку!

П А Р Д А

ИККИНЧИ ҚИСМ

Москва. Кремль. Ленин кабинети ва йўлак. Ленин ва Большаков.

Ленин. Саломат кўришганимиздан хурсандман, Сергей Васильевич, ғалла учун раҳмат. Наркомпрод тарқатиб ҳам бўлди. (Креслога таклиф қилиб) Энди дам олишингиз керак. Қийналгандирсиз, ахир?

Большаков. Бир мен эмас, Владимир Ильич...

Ленин. Рост, озиқ-овқат жабҳасида чигаллик кўп. Лекин илож қанча? Ҳамма-ҳамма нарсани сақлаб қолиш ва тиклаш фақат ишчи синфини омон сақлаб қолишимизга боғлиқ.

Секретарь папка олиб кириб, столга қўяди.

(Хужжатларнинг бирини кўздан ўтказаркан) Биз эса бу ерда Иртур экспедициясини барбод этиб ўтирибмиз. Узимиз... Узимизнинг ҳушёрлар! Революция қилишни ўрганиб олдик. Лекин бирор қозғога имзо чекиб, уни ишга тушириб юбориш ўлимдан оғир. (Ўқишда давом этиб) «Имзо — коллегия аъзолари Г. Кржижановский», мана бу дуруст, «ҳамда А. Шотман, иш юритувчи И. Крейнис»... Маъқул.

Секретарь хужжатни олиб, чиқиб кетади.

Ризенков олим дўстлари билан яна йўлга отланяпти. Лекин бу вайронгарчилик шароитида қачон маршрут тузилади, қачон йўл очилади — номаълум. Туркистон эса ёрдамга бугун, шу лаҳза муҳтож. Декретларимиз тортмада, ер ҳануз заминдорлар қўлида, саноат-транспорт рамақижон. Хивани хон, Бухорони амир сўриб ётибди.

Большаков. Сибирда мақол бор экан: қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади!

Ленин. Узимизда-чи? Идораларимиз семириб-шишиб кетган. Бюрократия... Коммунистик бюрократия! Қилаётган ишларини текшириш-ку текшириш, яқинига борсанг нафасинг қайтиб кетади. (Большаков қаршисида тўхтаб, оҳиста). Сиз эса соқолни олдириб ўлтирибсиз...

Большаков (ўйлаб). Туркистонда бусиз бўлмас, демоқчисиз-да, Владимир Ильич? Билишимча, у ерда ғалладан ташқари, масалан, Амударё ва Сирдарё бўйларида шоли, Оролда балиқ, Самарқанд атрофида мева, туршак, майиз...

Ленин. Озиқ-овқат зарур, аммо пахта ҳисобига эмас! Пахта майдони бир йилда саксон минг десятинага тушиб қолди, тасаввур қилинг, тўрт баробар кам! Бу — оёқ остидан нарини кўрмаслик, йўқ, йўқ, ўз оёғига болта уриш!

Большаков (жиддий). Йўлга чиққунча соқолим ўсиб қолар, Владимир Ильич...

Ленин. Мен сизни мажбур қилолмайман, Сергей Васильевич. Яхши ходимларимиз ошиб-тошиб ётган йўқ.

Большаков. Қараб туриш ҳам мумкин эмас-да!

Ленин. Барибир, яна бир ўйлаб кўринг.

Большаков. Йўлга енгил чиқаман. Аппаратни ўша ерда тузган маъқул, маҳаллий йигитлардан. **Ленин.** Мен бир нарса дейишим қўйин, сизнинг тажрибангизга ишонаман. Фақат, дарҳол мўлжалга олиш даркор: деҳқон нимага муҳтож? Унинг меҳнатини қандоқ, қанчага баҳолаш мумкин? Узи-чи? Ҳа, энг муҳими, ўзи! Ҳўш!

Большаков. Вақт ғанимат.

Ленин (йўлак сари). Мария Игнатъевна!

Секретарь киради.

Самара билан боғланг. Туркфронт штаби, ўртоқ Фрунзегга етказиш керак.

Секретарь ёзиб боради. Телеграф аппарати жўр бўлади.

Унинг илтимосига биноан, Туркфронт реввоенсовети ихтиёрига ўртоқ Большаков юборилади: Туркистоннинг қашшоқ аҳолисига маданий ҳамда ташкилий ёрдам бергани. (Секретарга) Масалани Политбюрога тайёрлаш керак.

Секретарь чиқади.

Дам олмадингиз, Сергей Васильевич. У ерда ҳам вақтингиз бўлмас... Қани энди, эрта-индин юз минг дона қулинг ўргулсин трактор бера олсак, — етарли бензини, устида машинисти билан, — ўрта деҳқон шак-шубҳасиз: «Мен коммуна тарafdориман!» деган бўларди, сизнинг ишингиз енгиллашарди. Бу хаёл, Сергей Васильевич, лекин сиз билан биз амалга оширишимиз шарт. (Қўл бериб) Оқ йўл!

МИРЗАЧЎЛ. СТАНЦИЯ.

Узоқда Ғариббойнинг қўрғони кўзга ташланади.

Мамасоли темир из ораларини тозалаётир. Чўлибой киради. Қунушган. Рангпар.

Мамасоли. Нимага турдинг?

Чўлибой. Хабарингиз йўқ. Ғариббой экиними пайхонлаттириб юборди. Ховосга поезд қачон ўтади? Устахонадан иш истайман.

Мамасоли. Шу ҳолатда-я?... Тўхта, начайликдан сўрай-чи, зора дорисидан берса...

Мамасоли кириб кетади.

Чўлибой. Ишимиз ҳамон тиланчилик...

Елкасида жайрон билан Бўтавой пайдо бўлади.

Бўтавой (ҳансираб). Нимага қаққайиб турибсан, Чўли, поччамнинг қўлидагини ол. Эзилиб кетди-ку безгакдан турган киши!

Бўтавой чиқиб кетади. Бир қўлида милтиқ, бирида уч-тўрт қуш осилтириб Ғариббой киради. **Чўлибой** қўл чўзади.

Ғариббой (заҳархандали). Ақлинг кириб қолибдими? Сенга муҳтож йўқ: ҳайвон боласини боқсанг, оғзи-бурнингни ёғ қилар, инсон боласини боқсанг, оғзи-бурнингни қон қилар!

Чўлибой. Мени сиз боқибсизми?

Ғариббой. Ленин боқдими, бўлмаса? (Чўлибой жим.) Қўл билан берганга қуш тўймас. Зуваланг катта узилган бўлса, ризқинг оёғинг остида. (Қўлидаги овига ишора қилиб) Гўштини дўстлар билан есанг, суяги — итинга! Пешонангда бўлмаса, Расий тугул Маккатиллога бош урсанг ҳам ғурра орттириб келасан, холос... Ҳукумат зориқса, иш билганнинг олдига ўзи келади. Мана. Бугун. (Истеҳзоли) Ленин юборибди, Ғариббойдан иш ўрган, деб.

Мамасоли қўлида дори ва сув билан киради.

Мамасоли. Оға, безгак болани қийнаманг. Экинини бузибсиз, етар.

Ғариббой. Экинга зор эмас бу. Московдан орттиргани ошиб-тошиб ётибди.

Мамасоли Чўлибойга дори бериб, сув ичиради.

Мамасоли. Барибир, кўзи кўзига тушадиган одамлармиз...

Ғариббой. Бунга қайишмоқ бекор, Соли, итдан ортган қурбонликка ярамайди.

Мамасоли. Ҳаммамиз мусулмон, оға, тилингизни булғаб нима қиласиз?! (Ғариббойнинг қўлидаги нарсаларини олиб) Ўзим элтиб бераман. (Чиқаркан, Чўлибойга) Утир, ҳозир энгиллашиб қоласан.

Ғариббой ва Мамасоли чиқиб кетади.

Чўлибой (ёлғиз). Бу сассиқ тилни суғуриб олишга қўлим қисқа. Мен нажот сўраганлар ўзи ёрдамга муҳтож. Тўқдан ҳимоя кутмоқ, тошдан сув тилашдай гап. Энди қайга бораман?

Чўлибой бошини чангаллаб, темир изга ўтиради. Шапошникова пайдо бўлади.

Шапошникова. Вой, бечора... Наҳот ўз жонига қасд қилса? (Яқинлашиб) Ҳой, бола, қоч, поезд келяпти!

Чўлибой. Қани? (Ҳайрон) Тая опа?

Шапошникова (таниб). Чў... Чўлибой? Бу нима гап? Улганлар қайтиб келармиди?!

Чўлибой. Мен... Ховосга, холос. Поезд Тошкентданми?

Шапошникова. Москвадан — Мирзачўлга! Ўзимизнинг поезд, тушундингми, Михайловлар келишяпти!

Чўлибой. Махсум аками? Наҳот?!

Шапошникова. Ризенков домла ҳам! Телеграммани олдим-у, от кира қилиб, Хилководан учиб келяпман. (Бир соатига, бир йўлга тикилиб) Ҳозир, ҳозир келиб қолишди.

Чўлибой. Мени танишармикин.

Шапошникова. Сени деб келишяпти-ку!

Узоқдан поезд ҳайқирғи эшитилади. Шошиб Мамасоли киради. Қўлида қизил-сарик байроқчали таёқ.

Мамасоли. Начайлик ётипти. Менга қабул қил, дейди. Эҳ, худо, ўзинг шарманда қилма! (Ташқарига) Стрелка, иккинчи йўлга, иккинчи...

Мамасоли югуриб кетади. Шапошникова билан Чўлибой унга эргашиб чиқади.

Ташқарида шовқин солиб поезд тўхтади. Узоқ ҳайқиради. Буг орасидан Ризенков, Михайлов, Шапошникова ва Чўлибой чиқиб келади. Орқада жангчилар. Улар билан изма-из Мамасоли кўринади.

Шапошникова (Мамасолининг ҳайиқаётганини сезиб). Тўппончани яширинг, Максим Петрович, халқнинг қитиғига тегмай.

Михайлов (Мамасоли томон). Қани халқ? (Ризенковга) Қани ўша сиз ваъда қилган карнай-сурнай, шодиёна?

Шапошникова. Ҳамма безгак, Максим Петрович, карнайи чиқиб ётибди. Ранг кўр-у, ҳол сўр: дори борми?

Ризенков. Хинин топилади, озроқ...

Мамасоли. Аввал чивинни қириш керак, бўлмаса бир касал икки бўлаверади. Гулхан ёқдик-ёқдик, охири тутунга парво қилмай қўйди бу найзабозлар!

Ризенков. Ботқоққа сепгани нефть беришим мумкин, лекин идиш, от-улов...

Чўлибой. Ялиниш бекор. Бу ёғини менга қўйиб беринг, Махсум ака.

Михайлов. Ёнингизга жангчи олинг.

Чўлибой (бир неча жангчига). Менинг изимдан, кетдик, болалар!

Чўлибой жангчилар билан чиқиб кетади.

ҒАРИББОЙНИНГ ҚУРҒОНИ

Уртада хонтахта. Тўкин дастурхон.

Четроқда Неъматилла, Мирғани ва Эсонполвон кимгадир илҳақ.

Неъматилла. Суриштирдинғизми, мулло Ғани?

Мирғани. Большавой эмиш.

Неъматилла. Ғариббой бирор фитна чиқарса-чи? Синамаган отнинг сиртидан ўтма, дейдилар.

Полвон. Икки гупчакнинг ўртасида ўтираверган билан йўл унармиди?

Мирғани. Ҳар ҳолда, сувни кўриб этик ечган дуруст.

Ғариббой комиссарнамо кийинган Мирзо Ибрatни бошлаб киради. Эҳтиром билан кўришиб, дастурхон атрофига ўтирадилар. Бўтавой чой олиб киради.

Ғариббой. Ўз уйингиз, Мирзо, ёзилиброқ ўтиринг.

Мирзо. Отамиз ўқимишли киши, лекин бизни бунақа ҳашамга ўргатмаганлар.

Ғариббой. Мана, давр ўзингизники бўлди, энди ўрганасиз. (Таништириб) Булар кўшниларим: Неъматилла — чорвадор, заҳматкаш инсон... Эсонполвон — номи ўзига ярашган, билаги бакувват йигит. Мирғанихон — билимдонларимиздан. (Ҳамма тавозе билан бош иргайди). Меҳмонимиз — Мирзо Ибрat бўладилар, асли Самарқанд тарафлардан, ҳозир ҳукумат хизматидалар.

Мирзо. Ер шуъбасида. Хуллас, ўртоқлар, ижроком топшириғи билан кўп қишлоқлардан ўтиб келяпман. Ўзбек, қозоқ, тожик, ўрислар билан гаплашдим. Деҳқон, чорвадор, қосиблар орасида бўлдим. Мақсад шуки, — янги тузумда турмушни қандоқ тузмоқ маъқул, — шу саволга жавоб даркор.

Мирғани. Бир нарса десақ, тил учун бош жавобгар бўлмасмикин?

Мирзо. Қўрқманг.

Мирғани. Хуллас, инқилоб деган нарсани ўшандоқ соқоли билан домла Карл Маркс ҳам охирига етказолмаган эканлар.

Мирзо. Истибод, мулло-эшонлар замони қайтмас бўлиб кетган. Шўро мустаҳкам, қадамимиз собит, дохиймиз Ленин доно!

Ғариббой. Бузрукворга шак келтириш йўқ. Гап ўзимизнинг ялангоёқлар устида. Масалан, ер-сув ихтиёри энди шўроларда бўлармиш.

Мирзо. Рост, Турккомпартия Марказкомининг 14 апрель қарори бор.

Ғариббой. Хўп, лекин тирикчилигимиз нима бўлади?

Мирзо. Сизга иш топилиб қолар. Сиёсатимиз тобора илгарилаб борапти. Шўро ҳукумати муштумзўрни эзиб, йўқсулни юзага чиқарди-ю, мана, юзини ўрта деҳқонга бурди. Энди ишчи-деҳқон давлатининг қаддини кўтарамиз. Қандоқ қилиб? Хўш? Биз тайёр йўлдан бораётганимиз йўқ. Шу сабаб камчиликлар ҳам бўляпти. Мисол: ўтган йил марказий ҳукумат, Москва демоқчиман, ерга чигит қадаб олиш учун қирқ тўрт ярим миллион сўм иона этди. Натижа-чи? Қашшоқларга бўлиб берилганди, «Қуридим қудуқ»қа тушгандай кетди. Дарҳақиқат, оч қоринда ош турмас! Хўш, бизнинг марксча олимларимиз нима дейдилар? Уларча, деҳқончиликка иқтисод кўзи билан қарамасак, иқтисоднинг олий шакллари ўзлаштирмасак, олға босиш мумкин эмас. Ҳақ гап! Демак, ҳозир бош вазифа нима — деҳқончиликка, Овруподагидек, юқори суръат бағишламоқ!

Мирғани. Бошда ҳовлиқиб, Мирзо Ибрat, ўз пайларингни ўзларингиз кесдинглар. Мана энди катта қадам ташлаёлмайд доғдасиз. Афсус, ҳозир кўлимиздан дуо қилиш келади, холос.

Полвон. Дуо билан иш битса, аллақачон коммунья қуриб ташларди ҳукумат. Лекин қандоқ қилсин: янгамнинг шўрвасини ширин қилган — поччамнинг масаллиғи!

Ғариббой. Етиб егани тоғ чидамас, Мирзо. Биз ҳам кўл учуда тирикчилик тебратиб турибмиз.

Неъматилла. Берсанг ейман, урсанг ўламан, деб!

Мирзо. Ўлманг. Бизга ишнинг кўзини билган, ҳарифидан ҳайиқмайдиган, ҳисоб-китобни тушунган, билимдон кишилар керак. Бу хислатларингни мусодара қилмагандирмиз, ахир?.. Борди-ю, янги турмуш хизматидан бўйин товласангиз, бу — бошқа гап...

Неъматилла. Ўт ҳам бизнинг бошимизга, сув ҳам...

Мирзо. Қўрқманг. Итга талатиб қўймасмиз. Англия-Америка тарафларда Керзон, Морган, Крупп деган шунақа империалистлар борки...

Ғариббой. Узимизнинг ҳазрати Исмайтга ўхшаш-да?!

Мирзо. Эҳтимол... Ана уларни бой деса бўлади. Туваги олтиндан. Бутун бисотингиз, Ғариббой ака, уларнинг италоғига сочиқ ҳам бўлмас.

Ғариббой. Шу ҳолатда бизнинг кўлимиздан нима келиши мумкин?

Мирзо. Анюйилик қилманг, ака. Шўронинг саҳоватини биласиз. Билмасангиз, йил бошида Ра-сийдан ўттиз вагон газлама йўлга чиққан. Туркистон учун! Бир ой ўтар-ўтмас яна йигирма беш вагон газлама билан ип. Туркомиссия Натанел Фотхиллоев билан беш миллион сўмга пудрат учун шартнома тузибди. Иш пухта бўлса, буларнинг тўқсон фоизи тушунган соҳибкор ҳамёнига тушади. Бояги қарорнинг ўнинчи моддасида оқ қоғозга қора қалам билан ёзиб қўйилибдики, Туркистон қишлоқ хўжалиги, айниқса ғўза меҳнати мураккаб бўлгани учун тадбирли деҳқонларга чоракор солиш, мардикор олишга ижозат берамиз.

Полвон. Ленин доно, деганларига энди ишондим.

Ғариббой. Унда мени ҳам большавойга ёзиб кўйинг, Мирзо! (Ташқарига) Бўтам!

Бўтавой қуш ва жайрон гўшти билан дастурхонни тўлдиради.

Безгак доридан олиб чиқ!

Бўтавой кириб кетади.

(Мирзо Ибратга) Касал кўп, безгак орттириб кетманг биздан!

Бўтавой чорқирра шишада ароқ олиб кириб, пўкагини очаркан, дарвоза тақиллайди.

Бўтавой (дарвозага яқинлашиб). Кимдир?

Чўлибой (овози). Оч, ошна, Чўлибойман!

Бўтавой. Меҳмон бор, дўстим. Бир айланиб кел, кейин маишат қиламиз.

Ташқарида милтиқ гўмбурлайди.

Вой, поччаа?..

Ғариббой. Оча қол.

Дарвоза очилади. Чўлибой жангчилар билан киради.

Яхши одамга эшигим очик, дастурхоним ёзиғлик.

Чўлибой. Чўлни дориворлаймиз, чивин уруғини қуритгани. Дори бор, идиш керак, от-улов...

Ғариббой. Мен бир ғариб одамман, нимага зўғум қиласан?

Чўлибой. Қўрқманг, тилхат берамиз.

Ғариббой. Ақлинг кирганини илгари сезувдим. Саводинг ҳам чиқиб қолибди-да!

Чўлибой. Мен митингга қилгани келганим йўқ. Берасизми?

Мирзо Ибрат бир Ғариббойга, бир Чўлибойга тикилади.

Ғариббой. Битимни бераманми?

Чўлибой. Ундоқ бўлса, (жангчиларга) бошланг!

Иккинчи жангчи йўлни тўсмоқчи бўлган Ғариббойга найза тирайди. Қолганлари Бўтавойни суриб, ичкари киради.

Бўтавой (овози). Калит йўқ, номардлар! Поччаа, эшик кетти...

Ғариббой (энтикиб). Укирма, бўтам, замона зўрники!

Мирзо (тўппончасига қўл югуртиб). Бу нима, йигит, босқинми?

Жангчилардан бири Мирзо Ибратни тутиб қолади.

Чўлибой. Узлари ким бўладилар, меҳмон?

Мирзо. Ижроком, Ер шўъбасидан.

Чўлибой. Ер шўъбаси Ғариббой дастурхонини текширгани юбордимми?

Мирзо. Саволга жавоб бер, йигит!

Чўлибой. Бу ернинг эгаси биз, саволни биз берамиз.

Дарвозани ланг очиб, ташқарига ишора қилади.

Ленин поездини эшитганмисиз?

Мирзо. Албатта! Ҳаммамиз битта мақсадга хизмат қиламиз.

Чўлибой. Йўқ, мулла ака, хизмат қиладиганга ўхшамайсиз.

Мирзо. Кимсан ўзи, бизни мотга тутасан? Менинг-ку ҳукуматдан ваколатим бор...

Чўлибой. Менинг шахсан Лениндан ваколатим бор. (Қўйнидан тахланган харита олиб, авайлаб ёзади.) Мана — Мирзачўл. Мана — Ленин имзоси!

Ғариббой (аста). Тўғри, Мирзо, эҳтиёт яхши.

Мирзо (имзога боқиб, тараддудли). Ухшашлиги бор... Нима депти?

Чўлибой (кўксига кафтини босиб). Нима дегани бу еримда.

Мирзо. Шундай бўлса, дўстим Чўлибой, бир ёқадан бош чиқариб ишлаганимиз яхши эмасми?

Мен, ахир, коммуния сари йўлимизни Мирзачўлдан олиб ўтиш ташвишида юрибман, тушунтиролдимми, бу ҳам ўртоқ Ленин кўрсатмаси!

Миргани (дастурхонга ишора қилиб). Хотиржам гаплашайлик, азизлар, қани, марҳамат...

Чўлибой. Бу иш дастурхон устида битмайди, домла.

Жангчилар сопол ва тунука идиш кўтариб кўча томон ўта бошлайди.

Сиз нима берасиз?

Миргани. Етса молим, етмаса жоним...

Чўлибой. Сиз-чи?

Неъматилла. Нима керак?

Чўлибой. Улов...

Неъматилла. Оғзингизга сиққанича. Тилхатсиз ишонаман.

Полвон. Отларни олиб, станцияга ўзим ўтаман.

Чўлибой (Мирзо Ибратга). Биз алоҳида кўришамиз ҳали.

Мирзо. Албатта.

Чўлибой жангчилар билан чиқиб кетади.

(Мезбонларнинг синовчан нигоҳини ҳис этиб). Бирор обдастангиз йўқолса, мен кафил, ўлгунча хизматингизда қарзини узади бу бола! Анархияга йўл қўймаймиз. Аҳволни раисга тушунтираман.

Аммо иш кўп, шўро буларнинг қўлини боғлаб бермайди сизга. Узингиз хушёр бўлинг. Қарс икки кўлдан!

Ғариббой. Тушундим. (Ароқ қуйиб) Мирзо...

Мирзо. Аввал Мирзачўлда социализм курайдик, кейин бафуржа отамлашамиз.

Ғариббой. Ўзим кузатаман, фйитунга от қўшиб қўйишди.

Мирзо. Хожати йўқ. Расийлик меҳмонларни хушламоқ даркорга ўхшайди. Омон бўлинглар.

Мирзо Ибрат чиқиб кетади. Станция тарафдан металл жаранги ва ишлаётган кишилар садоси эшитилиб туради.

Ғариббой. Шўро, мана, қурол-ускунаси билан устимизга бостириб келди. Уйимизни берухсат ағдар-тўнтар қияпти. Сўрамай сувимизни буриб оляпти. Бу йигит айтган кунлар бизга фақат омон бўлсак насиб қилади.

Неъматилла. Қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қайғуси!

Ғариббой. Эрта-индин бола-чақамизни, сизнинг мол-қўйингизга ўхшатиб, мулла Неъмат, Райсийга ҳайдар... Сиз, чорвам бугун ўрда, эртага қирда, қўли етмайди, деб ўйласангиз, чучварани хом санабсиз, аввало сизники кетади — томоқларидан ўтиб. Узингиз кафтингизда келтириб берасиз! Нима, оғзимизни очиб ўтираемизми, бўғзимиздан тутгунларича?

Неъматилла. Сен, ўрисга, чўкинган, князининг уруғи қуриса, большавой билан оғиз-бурун ўпишиб кетаверасан.

Ғариббой. Сабр косаси тўлди. Буларнинг илдизини битта-битта қирқмаса бўлмас: Жўра ўрисни, ўзимизнинг Чўлини, яна...

Мирғани. Сиз овчисиз, ака, қондан сесканмайсиз. Муроса қилсак-чи, масалан, Жўра ўрис билан? Бизга ишласин, ўликдан нима фойда?!

Неъматилла. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар!

Ғариббой (ўртага бир неча боғлам пул ташлаб). Мана, мойдеккина.

Мирғани (салмоқлаб кўраркан). Сал ғалатироқми?

Ғариббой. Амиркон тилла қоғоз бу — ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган. Доллар, дейишадди... Ушанда, ҳазрати Исмайт билан етиб борганимизда, князимнинг товлари пастроқ, нафаслари қисилиб турган экан. Мени кўриб, енгил тортгандай бўлдилар. Қўлимга суяндилар. Боққа чиқдик. Барибир сифмадилар. Кўчага юрдик. Соборний дейишади, икки чети бора-боргунча эрманзор, дўкон, гимназия... Ит эгасини танимайди. У ёққа ўтишади ашула айтиб, бу ёққа: «Ставай... Ставай!» Қизиллар экан. Ҳазратим кўча бошида узоқ турдилар. Кейин қўлоғимга: «Мен шу тупроқда илдиэ отмоқчи эдим. Тоғини боғ қилдим, чўлига сув чиқардим. Афсус, инқилоб илдизимни очиб кетди» дедилар. Шунда ҳазратимни бўғиб йўтал келди. Кўкракларига тақиб юрадиган қизил боғичлари узилиб, қорга тушди, оқ докага тушган жигар қонидек! Уйга олиб кирдик. Бандасининг қўли қисқа. Омонатини олди эгам... Ҳазрат Исмайт билан князимни бақамти қилолмадим. Қайтарда ҳазрати Исмайт, энди бу ерлар тасарруфи сенда, тақ-туқми, пақ-пуқми, суяниб иш қилайлик, дедилар. Бу — зақолат! (Бир даста пулни Мирғани сари суриб) Жўра ўрисга.

Полвон. Ўзимизникига ўзимизнинг қоғоздан беринг. Бунга қурол оламиз. Термиз тушсак, яроғнинг инглизчаси дейсизми, немисчасими, дурбини билан...

Ғариббой. Термиз эмас, Тожонга! Ундан нари Машҳад — ҳазрат Исмайтнинг хидлари келиб туради.

Неъматилла. Мен ҳам мол олғани тушаман. Чорвани ҳайдаймиз, қурол деганинг ичида келаверади.

Ғариббой. Мен ҳам бирга!

Полвон. Энди, Неъмат оға, Чўлининг оғзини эмлаш керак. Хайр.

Мирғани. Жўра ўрисни ҳам... Хуш қолинг.

Ғариббой. Хуш кўрдик. Раҳмат!

Ғариббой меҳмонларни кузатиб чиқади. Бўтавой дастурхонни йиғиштира бошлайди.

Ғариббой қайтади.

Бўтавой. Менга гапингиз йўқми, почча?

Ғариббой (ёнини кавлаб). Ўзимизникидан бўлсинми, амирконидаманми?

Бўтавой. Пулни бошимга ураманми? Сиз бор — нима ғамим бор! Менга иш бўлса бас.

Ғариббой. Сен ўзимизникисан, тушунтириш керакми? Бўшашма, вассалом!

ЧЎЛ. ПАЛАТКА.

Епинчигининг бир учини тишлаб олган Зумрад ўчоқ атрофида куйманаётир. Узоқдан ариқ қазиб, зовур тозалаётган кишилар нафаси сезилиб туради. Михайлов тажанг ҳолда Ризенков ва Шапошникова олдига тушиб келади.

Михайлов. Бу суръат билан қачон экамитиз-у, қачон терамитиз?

Ризенков. Ҳақ гап: бир жуфт экскаватор бўлмаса, ишимиз чатоқ.

Шапошникова. Пул бор, олиш керак. Юринг Тошкентга. Сиз ҳам, Максим Петрович. Марказ-комга кирамитиз...

Михайлов. Столларини муштлаймиз: «Берасизми — йўқми?!»

Ризенков. Аммо Тошкент орқали эмас, Татьяна Александровна. Ҳозир нима кўп — қурилиш! Пул тўлаб, қўлни бурунга тақиб қолиш мумкин. Тўппа-тўғри «Америкаторг» билан боғланайлик, икки дона «Бюссайрес» сўраб!

Михайлов. Бугунги ишни эртага қўйма, дейдилар. Кетдик, телеграмма берамитиз.

Ризенков Михайлов билан кетади. Дам олишга чиққан ишчилар саҳнани тўлдиради.

Бир ишчи. Сингиллардан яна борми, ўртоқ инженер?

Шапошникова. Үзи битта, яхши йигит, Зумрад ноёб бўлади!
Ишчилар. Зумрад! Зу-зу-зумрад! Зинька-Зина...
(Музыка. Қўшиқ ва рақс)

Кўкда офтоб чарақлайди,
Қўлда кетмон ярақлайди.
Кўкда офтоб, чўлда деҳқон:
«Бу қиз ким?» деб сўроқлайди.
Барно Зинька, доно Таня
Хўп ярашган бул ватанга.

Бўтавой пайдо бўлади. Ҳайинга қўшилади.

Зина, Таня чиққан йўлга
Бахт берай деб Мирзачўлга.

Шапошникова Зумрадни Ҳайинга тортади. Қиз уялади. Шапошникова билан бирга четроқда бир-икки қўлини кўтарган бўлади.

Танҳо Таня, зебо Зинька
Боғбон бўлмай Далварзинга...

Зумрад бир муқом қилиб, Ҳайини ташқарига уради. Шапошникова унинг изидан югуради. Бўтавой ўртага чиқади.

Бўтавой. Биродарлар, озод замондан ўргулай! Меҳнат аҳли бор бўлсин...

Ишчилар: — Ким бу?

— Нима дейди?

— Қайдан?

Бўтавой. Меҳнаткаш дўстлар, жонингиз ором олсин, соя-салқин боққа чорлайман сизларни. Мен Ғариббой аталмиш Зарифбойнинг қароли бўламан. Бойнинг думи тугилган. Боғи сиз билан менга қолди. Марҳамат, қондош-жондошларим!

Ишчилар: — Текшириш керак!

— Жаннатни ҳам бир кўрайлик.

— Кўкрагимизга шабада тегсин...

— Юринглар, оғайнилар, маишатга!

Ишчилар Бўтавойга эргашиб кетишади.

МИРЗАЧЎЛ. СТАНЦИЯ.

Станцияда телеграф аппарати ишлаб турибди.

Михайлов ва Ризенков.

Ризенков. Москва. «Америкаторг» идорасига. Шимолий Америка Қўшма штатларидаги бирор савдо-саноат фирмаси билан боғланиб, ИРТУР учун икки дона дизель моторли «Бюссайрес» экскаватори сотиб олишингизни илтимос қиламиз. Маблағ — Ирригация ишлари бошқармасининг Тошкент банкидаги счётидан. Коллегия раиси — Ризенков.

АМЕРИКА. РОБЕРТ СМАЙТ ИДОРАСИ.

Смайт ёлғиз.

Енидаги радиоаппарат жонланади.

Овоз. Москва, «Америкаторг»дан телеграмма, мистер Смайт.

Смайт. Хўш?

Овоз. Иртур учун икки дона дизель моторли «Бюссайрес» экскаватори сўрашяпти. Ҳисоб-китоб нақдина билан.

Смайт. Иртур?

Овоз. Суриштирдик. Туркистонда ирригация ишларини олиб борувчи ташкилот.

Смайт (ўзгариб). Туркистон?! Офтобда пишиб ётган бутун бир мамлакат! Ернинг тилини билган кишига жондан бошқа ҳамма нарсани тўғиб бериши мумкин. Айниқса Мирзачўл: цент сарф қилсанг, центнер бўлиб қайтади. (Аппаратга) Расмийлаштиринг. (Ўзига-ўзи) Иртур... Ғариббойдан нега садо йўқ? Борди-ю, ўз экскаваторим ўз гумаштамга гўр қазиса-чи? (Тугмачани босиб) Дик!

Овоз. Шу ердаман.

Смайт. Жавоб бердингизми?

Овоз. Ҳозир...

Смайт. Шошманг... (Бироз ўйлаб) Дик!

Овоз. Шу ердаман.

Смайт. Расмийлаштириш мумкин, фақат буғмотор билан. (Тугмачани босиб, ўзига-ўзи) Мирзачўл... Чўли малик! Бир терлаб-пишсин қора мазанглар! (Лампочка ёнади.) Хўш?

Овоз. Мистер Смайт, «Америкаторг» дизель моторли экскаватор талаб қилаётир.

Смайт. Бу йил иложи бўлмайди. (Тугмачани босади. Ўзига-ўзи) Нариги йил совет ҳукумати борми-йўқми, кўрамыз. (Лампочка ёнади.) Хўш?

Овоз. Харидор рози. Юкни Новороссийск портига юборсак қалай?

Смайт. Ихтиёр ўзингизда. Аммо мажбурият олинмасин. Тушумни Техрон банкидаги Томас

Шоу счётига ўтказинг... (Тугмачани босади. Лампочка ўчади. Урнидан кўзголиб) У ердан Машҳадга кўчирамиз, Туркистон чегарасига яқинроқ: пул ишлаб турсагина пул бўлади!

ЧЎЛ. ПАЛАТКА.

Борлиқ ҳувиллаб турибди. Шапошникова, Ризенков ва Чўлибой асабий. Михайлов киради.

Михайлов. Бой тонди, хизматкори қочиб кетган эмиш. Тутсам, пешонасидан дарча очаман контраинг!

Шапошникова. Айб ўзимизниқиларда. Минг марта айтганман, қишлоққа яқин борманглар, деб.

Ризенков. Улар ҳам тирик жон. Бир лаҳза ҳузур — давлати Сулаймон, дейдилар шарқда. Безгак пойлаб турганини қайдан биларди бечоралар? Билса-ку...

Михайлов. Безгак, безгак! Ерни бурни билан кавлаттираман саботажчиларнинг ўзига.

Шапошникова. Кошки бурун билан битириб бўлса! Георгий Константинович, Москва нима дейди?

Ризенков. «Америкаторг» билан бугун ҳам боғландим. Уша гап: икки «Бюссайрес» Роберт Смайт фирмаси томонидан Новороссийск портига жўнатилган. Ҳамма муддатлар ўтди. Машиналар белгиланган портга келгани йўқ... Шундай бўлаверса, ўртоқ Кржижановскийга арз қилишга мажбурман.

Шапошникова. Арздан нима фойда?! Кўрганман, портларда оқ-кўк маразлар ёғиб-ёғиб. Бизга хизмат қилармиди? Ўзим бораман. Қўшма Штат деган Америкаларининг турмини тешиб юбораман — Новороссийск бўлмаса, Батумида, Одессада, — қаердан бўлса ҳам!

Чўлибой. Маъқул, Таня опа: беқордан худо безор! Мен ҳам йўлга чиқсам, Жўра ака, қалай бўларкин?

Михайлов. Ҳар биттангиз бир экскаватор жиловидан тутиб келмоқчимисиз?

Чўлибой. Ленин нима ваъда қилган бўлса, берди. Биз-чи? Мен Самарқандга бормоқчиман. Хоразм, Бухорога ўтаман. Тошкент, Фарғона тарафларни кўзғотиш керак. Бу йил Расий тўқувчилари бир кафт пахтамызни кўрмаса, нима деган одам бўламыз?... Сиз бор, Жўра ака, бу ерда Махсум акам яққаланиб қолмас.

Ризенков. Сизнинг фикрингиз, Максим Петрович?

Михайлов. Хотиржам бўлинг, Георгий Константинович, контраларни бурнидан сим ўтказиб ишлатамиз... Сизни эса, Татьяна Александровна, станцияга ўзим кузатиб қўяман: эҳтимол, ўткинчи поездни тўхтатишга тўғри келар.

Чўлибой. Мен Зумрадни топай...

Шапошникова, Михайлов ва Чўлибой чиқиб кетади. Палатка ортида Мирғани пайдо бўлади.

Мирғани. Ассалому алайкум, Жўра ака...

Ризенков. Мирғанибой? Ваалайкум... Қандай шамоллар билан?

Мирғани. Илиқ шамол, Жўра ака. Узингизга сир эмас, умр ўтиб бораётир, сизга ўхшаш кадронлар сийраклашиб қолди...

Ризенков. Хизмат?

Мирғани. Хизматга мен келдим, Жўра ака.

Ризенков. Тушунмаяпман.

Мирғани. Таги тоза одамсиз, Жўра ака. Бизга ўхшаш товўқмижоз эмассиз, ғира-ширадаёқ кўзингиз шабкўр бўлмайди. Ростини айтинг, янги ҳукумат пишиқми?

Ризенков. Ўзимизга боғлиқ.

Мирғани. Улманг, Жўра ака. Мени бир нарса ўйлатади: шундоқ асилзода нима учун ялангоёқлар хизматида? Ахир, оқ пошшо сиздан марҳаматини аямаган.

Ризенков (бироз ўйлаб). Тўғри, Мирғанибой, биз — зиёлилар — хизматдаги одаммиз. Муҳими — шу хизмат адолат йўлидами, ёки...

Мирғани. Қорни тўйиб нон емаганлар хизматида нима бўлиш мумкин? Ҳа-ҳу дегунча пайғамбар ёшига етасиз: ёқавайрон, ялангоёқ...

Ризенков (ўзини босиб). Мени хизматда тутганлар ёқавайрон бўлса, нима, мен ўзимни пуф-пуфлашим керакми?

Мирғани. Ана, мақсадга келдик, Жўра ака, қўлни беринг. (Бир ўрам пул узатиб) Бизники нақд! Нақмайди, Жўра ака, очиб кўринг. Буниси ёқмаса, тилла қоғозимиз бор: амиркон дейсизми, инглизча дейсизми. (Ризенковдан садо чиқавермагач) Аммо ортиқча талабимиз йўқ: бу ишлар охири бенажижа эканини ҳукуматга тушунтирсангиз бас, бамисоли «бухор ариқ»!

Ризенков. Биз князь эмасмиз, мулла Мирғани. Ишимизда натижа бўлиши шарт.

Мирғани. Мана натижа: хоҳласангиз еб, хоҳласангиз киясиз. Қолаверса, шуrolарнинг ўзи бизга ён босиб турибди, ўрта деҳқон, деб!

Ризенков. Аввал, бой, ўрта деҳқон бўлинг, кейин гаплашамиз.

Мирғани. Бунақада очингиздан ўласиз-ку!

Ризенков. Очдан ўлганнинг мозори алоҳида эмас. Мен дунёнинг ярмини кўрган одамман. Ҳалқнинг хазинасини қўриқлайман деб, очликдан беҳуш ётган инсонлар билан кўришганман. Сиз ўзингизни ўйлаясиз.

Мирғани. Сиз ҳам ўзингизни ўйланг!

Ризенков. Менга бир бурда нон, икки газ ер етади. Энди ҳаёт мазасини тотмаганлар тотсин.

Мирғани (пўлни яшириб). Савдойи экансиз, Жўравой...

Ризенков. Лекин савдогар эмас.

Икки ёнга тарқалишади.

ЧҮЛ. ОСМОН ТҮЛА ЮЛДУЗЛАР.

Михайлов кўлида ихчам чамадон билан Шапошниковани кузатиб бораётир.

Михайлов (шеър ўқийди).

Йўлга отланаман бир ўзим танҳо;
Йул туманлар аро қилади ялт-ялт;
Тун сокин. Тангрини тинглайди саҳро,
Юлдуз юлдуз билан куради суҳбат...

(Қизариб) Лермонтов... Яна:

Мен бундан маҳрумман: сиз учун фақат
Ҳар ерга бош уриб, тавоф қиламан;
Менга ҳар кун қиммат, ҳар соат қиммат.
Афсус, завқу шавқсиз исроф қиламан
Умримнинг санокли кунларин бекор.
Бусиз ҳам эдим-ку улардан бемор.
Чексизмас, рост, менга берилган умр,
Лекин умрим давом этмоғи учун
Тонгдаёқ ишонган бўлишим зарур
Сиз-ла кўришмоққа кундуз — шу бугун...

Шапошникова. Пушкин!

Михайлов. Ва, қолаверса, каминангиз... Биласизми, Татьяна Александровна, сизга қийин бўлаётгандир, — иссиқ, чанг, югур-югур, — аммо мен бу кунларимиздан хурсандман. Шу ташвиш бўлмаса, сизни кўрармидим, Туркистонга келармидим...

Шапошникова. Лермонтов билан Пушкин етар ҳозирча, Максим Петрович:

Михайлов. Таня!

Шапошникова. Кераги йўқ.

Михайлов. Эртага-чи?... Ҳадемай янги кунлар келади, бошқа, бошқача одамлар... Ушалар учун қум-балчиқ кечиб юрибмиз, «Саботаж!» деб. Тасаввур қиласизми қандоқ яшашимизни? Мен эса билмайман. Йўлга отланаман бир ўзим... Йўқ, Татьяна Александровна, ёшим ўтган сари, ёлғизликни ўйласам, юрагим шувиллайди. Икков бўлсак...

Шапошникова. Мени чўчитманг, Максим Петрович, тезроқ юрайлик, поездга кечикамиз.

Михайлов билан Шапошникова чиқади. Поезд шарпаси эшитилади.

ЧҮЛ. ТОНГ-САҲАР.

Гира-шира. Қайдадир тўрғай сайраётир.

Чўлибой пайдо бўлади. Тўрғай куйини тинглаб, унга жўр бўлади. Зумрад чиқади. Аланглайди.

Чўлибой (оҳиста). Зумрад...

Зумрад. Тинчликми?

Чўлибой. Онам яна ёлғиз қоладиганлар...

Зумрад. Расийга кетяписизми?

Чўлибой (кўйнидаги харита қатидан қизил дуррача чиқариб). У ердан оладиганимни олиб келганман.

Дуррачани Зумрадининг бошига ўрамоқчи бўлади.

Зумрад (ўзини тортиб). Вой, дадам худди ўлдириб қўядилар-а!

Чўлибой. Ўлдириб бўптилар: бу Лениннинг гапи билан олинган! Ушанда... Тасаввур қилинг: тиллакорий сарой... Кремль дейишаркан. Кириб борсангиз, Лениннинг ишонаси. Асбоб-ускуна йўқ. Бежалмаган. Фақат китоб, китоб... Лениннинг ўзи содда, сўзи ҳам... Танишганимиздан кейин, «Оила борми?» деб қолдилар. Қизариб туравердим. «Энди инқилобчи ҳаётга илдиз отиши керак», дедилар. Шошиб қолдим. «Кўшни қиз, номи Зумрад» деворибман. (Рўмолни ўратиб) Жўра ака билан тушиб, Петровка деган растадан олганмиз. Пассаж дейди улар. Бора-боргунча ойнаванд, тош йўл, денг...

Зумрад. Эркакларга яхши...

Чўлибой. Сиз ҳам борасиз. Албатта! Мана, Таня опа, мендан ўн баравар кўп кўрган. Ҳозир Кавказ деган Қўҳиқофга кетди.

Зумрад. Вой, девлар еб қўйса нима бўлади.

Чўлибой. Бизникиларга девнинг тиши ўтмайди.

Зумрад (соддагина). Уқиган-да, а?

Чўлибой. Сиз ҳам ўқийсиз. Келинг ўргатиб қўяман.

Белбоғи қатидан қоғоз олиб, Зумрадга қалам беради, қизнинг билагидан авайлаб тутлади.

Зумрад. Бу нима қилганингиз?

Чўлибой. Қалам юргизишни ўргатайми, ахир? Мана: «О»...

Зумрад. Ичингизда бошқа ният йўқми?

Чўлибой. Ҳай, агар... Ростдан мана бу «н», буниси «а», бирга «о, н, а, — она» бўлади.

Зумрад. Унда майли-ку... Менга қаранг, дадам ўнгдан чапга ёзардилар-ку!
Чўлибой. У арабча, бу ўрисча: мен мадрасага қатнабманми, поездда, Расий йўлларида ўрганганман, Жўра акамдан... Энди ёзамиз: «нон».

Бўтавой пайдо бўлади.

Бўтавой (ўзига-ўзи). Қоработир бўларканмиз-да (Йўталиб) Дўстим...
Чўлибой. Бўта?! Сени қочувда дейишувди... (Зумрадга) Боринг.

Зумрад ўзини четга олади.

Бўтавой. Мени ҳимоя қил ўрисларингдан, ошна, тўхматга қолдим. Яхшимисан?

Сўрашадилар. Бўтавой бирдан Чўлибойнинг қўлини қайиради.

Фармон қани?

Чўлибой. Қанақа фармон?

Бўтавой. Қизил пошшо қўл қўйган...

Чўлибой (курашиб). Ким буюрди?

Бўтавой. Ақлим!

Чўлибой. Ақл борми сенда?

Бўтавой. Мана! (Чўлибойни чалиб, ерга босади.) Чўз?!
Чўлибой (чўзилган қўлни қайириб, Бўтавойни остига олади ва бошини ерга ура бошлайди.)

Мана, мана... Сени нодон десам, билиб қиларкансанда, ювиндихўр?!
Бўтавой (кучаниб). Узинг ювиндихўр!

Бўтавой Чўлибойни бағрига тортади. Юмалай-юмалай, унинг устига чиқиб, харитани суғуриб олади. Чўлибой бир учидан тутиб қолади. Бўтавой харитани тортиб, тисарила бошлайди. Чўлибой у йиртилишидан қўрқиб, Бўтавойнинг етагида боради. Зумрад секингина Бўтавойнинг ортига ўтиб, «тўнка» бўлади. Чўлибой харитани қўйиб, Бўтавойни туртиб юборади. У оёғи осмондан бўлиб тўшади, харита учиб кетади.

Зумрад (дарғазаб). Ҳеҳ, башарангиз қурсин, Бўтқавой!

Бўтавой ўрмалаб қочади.

ЧУЛ. ПАЛАТКА.

Михайлов қўлида тўппонча билан Ғариббой, Мирғани, Эсонполвон ҳамда мирзачўллик бир неча бой ва ўртақолларни ҳайдаб киради. Орқада жангчилар.

Михайлов. Узинг пиширган ошни айланиб ҳам ичасан, контралар, ўргулиб ҳам. Саботажга ўрин йўқ... Марҳамат, жаноблар!

Ҳайдаб келинганлар кетмон олиб, ишга киришади.

Ҳар бир ёт унсурни Туркистон бўйлаб томири билан қуритамиз.

Жангчилар (кетмон ва белкурак олиб). Биз ҳам!!!

Михайлов. Совет ғўзасининг бирор баргини сарғайтириб қўймаймиз! Қани безгақлар? Тирилиб қолгани борми? Меҳнатдан ортиқ дори бўлмайди. Марш меҳнатга!

Михайлов маҳобат билан ичкарига юради.

Ғариббой (Эсонполвонга). Неъматиллани топинг. Тоғонга отланамиз. Қурол бозорига ўзингиз бошлайсиз.

Полвон. Бир марта белингиз оғриси, типирчилаб қолар экансиз-ку, бой ака?!

Ғариббой. Суягим меҳнатда қотган, полвон, унча-мунчага оғримайди. Ҳозир дилимда оғриқ турди. Ким эдик? Эртага нима бўламиз?.. Фурсатни бой берсак, кейин буларнинг ёқасига қўлимиз етмайди. Тез... тезроқ... Энди аяганнинг шўри қуриydi.

БОЛЬШАКОВ БОШҚАРМАСИ ЖОЙЛАШГАН ВАГОН.

Стол, курси ва чорпоя. Телеграф аппарати.

Шумский, Мирзо Ибрат ва Большаков ўртасида қизгин баҳс чоғи.

Шумский. Биз, халқ вакиллари, беш бармоқдан тугилган бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Якка отнинг чанги чиқмас! Тан оламан, мен социалист-революционер сифатида ўша пайт янглишганман. Туркистонда сездимки, деҳқон давлат бошқаришга тайёр эмас. Саводи йўқ, хароб-ҳалак, кўплари революциядан ҳозир ҳам беҳабар, большевистик уюшқоқлик тўғрисида гапирмай қўя қолайлик...

Мирзо. Бизни ўз газингиз билан ўлчаманг, ўртоқ Шумский. Наҳот Икромов, Хўжаевларимизни эшитмадингиз?

Шумский. Уша ўртоқлар ҳеч оч қолганми? Қорни тўқнинг эса қорни очдан хабари йўқ. Узоққа бормайлик, масалан, ўртоқ Большаков, қўлингизда қачон болға тутгансиз?

Большаков. Биласиз, кейинги йилларда мен кўпроқ тарози билан газкалтак ишлатдим.

Шумский. Шундай одам меҳнаткаш манфаатини қандоқ ҳимоя қилиши мумкин? (Лойиҳасини ўртага суриб) Хуллас, миллий қурилишга асос сифатида менинг таклифимни қўллаб-қувватлашингизни талаб қиламан. Кейин, сизларнинг фикрингиз билан тўлдириб, Политбюрога ва маълумот учун Туркмарказижрокомга тавсия этамиз.

Эшик тақиллайди.

Большаков. Кириг.

Эшик яна тақиллайди. Большаков бориб, Чўлибой билан қайтади.

Чўлибой. Халал бермадимми? Менга ўртоқ Большевиков керак.

Большаков. Большаков демоқчидирсиз. Бу мен.

Чўлибой. Сизни биламан. (Мирзо Ибротга ишора қилиб) Муллакамни ҳам.

Мирзо. Чўлибой?

Шумский. Вақтида келдингиз, ўртоқ. Айтинг-чи, сиз ва сизнинг дўстларингизга ҳукумат жиловни берсак, нима қилар эдингиз?

Чўлибой. Мен Қўқон, Исфара тарафлардан келяпман. Жиловни қўйинг, камбағалга улов керак.

Мирзо. Ҳар баҳор қарз беряпмиз, олсин!

Чўлибой. Ҳар куз қайтариб оляпсиз-да! Деҳқон тишининг кирини сўриб қолаверади. Нима, пулингизни қишда тухумлатасизми? Бечорага қайишсангиз, беш йилга беринг, оз-оздан узиб, уловли бўлиб олади. (Большаковга) Сизни Ленин юборган дейишди. Гапим бор.

Большаков Чўлибойни тўсиқ ортига олиб ўтади.

Шумский. Кўрдингизми, ҳукумат жилови билан қирчанғи жиловининг фарқига бормади ошангиз! Сиз ҳам тан беринг, ўртоқ Мирзаев, шулар билан Туркистонда социализм қуриб бўладими?

Мирзо. Социализмни булар билан қурмаймиз. Бизнинг кўп асрлик ўз турмуш тажрибамиз, маданиятимиз бор, ўша маданият хазинабонлари бор, хизматга тайёр туришибди.

Шумский. Олиб қочманг, ўртоқ Мирзаев. Пролетариат ўзи қилган уч революция мевасини бир кафт заминдор ва чаламуллолар оғзига яна иликдай солиб қўймайди. Аҳвол мураккаб: халқингиз ичида фабрика-завод оташида пишганлар йўқ ҳисоб. Лекин бўлади! Унганча пролетариат диктатура-си органларини руслар ўз қўлида тутмоғи, Туркистон Россия Федерацияси ҳимоясидаги автоном республика бўлиб қолмоғи лозим!

Большаков ва Чўлибой чиқиб, баҳсни кузатади.

Мирзо. Чоризм зулми остида ярим аср эзилганимиз етмасмиди? (Лойиҳани Шумский томон улоқтириб) Энди сиз бормисиз? Биз ҳам инсон-ку! Инқилоб манфаатини ўйлаб, Шарққа қўл чўзишни орзу қиламиз. Боримизни кўрсатиб, йўғимизни ўргангимиз келади. Теппа-тенг туриб, Афғонистон, Туркия, Эрон, Озарбайжон, Гуржистон билан шартнома тузсак, нима, ҳаққимиз йўқми?

Чўлибой. Шартномани ким номидан тузасиз, Мирзо?

Мирзо. Сен аралашма, тушунмайсан.

Чўлибой. Тушунтириглар, бўлмаса...

Шумский. Халал беряпсиз, ўртоқ! Келажагингиз устида ўйлашга қўясизми — йўқми?

Мирзо. Бу бозорда ишлаб бўлмайди.

Мирзо Иброт зарда билан чиқиб кетади.

Шумский. Танаффус...

Шумский ҳам чиқади.

Большаков. Мана энди ишлаймиз. (Қўлидаги парча қоғозга ишора қилиб) Фикрингиз маъқул. Менда ҳам мулоҳазалар бор.

Токчадан ҳужжат олади. Қўлидаги қоғозга қараб, айрим жойларини тузатади.

Энди Москва билан боғланамиз.

Телеграф аппарати жонланади.

Халқ Комиссарлари Совети. Ўртоқ Ленинга. Аппарат ёнида Большаков.

Ленин пайдо бўлади. Унинг ёнида ҳам телеграф аппарати ишлайди.

Ленин. Бу ерда — Ленин.

Большаков. Туркистонда ниҳоят пахтачилик изга тушаётир. Деҳқон меҳнати қадрини тартиб-лаш фурсати етди. Ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, ҳар пуд пахта нархини бир минг икки юз олтмиш сўм белгилаш адолатли бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ленин. Ҳар десятинадан эллик пуд пахта топшириш шarti билан.

Большаков (ёзиб олгач). Деҳқон билан коллектив маҳсулот алмаштирув принципига амал қилсак, юқоридаги шарт асосида, яна (қоғозга қараб) йигирма тўрт-йигирма беш қадоқ ёғ, олтмиш қадоқ туз, эллик қути гугурт, хўжалик учун ўттиз газ чит, демак тўққиз-ўн ғалтак ип, ўттиз қадоқ керосин, икки пуд атрофида кунжара ёки шунга яраша чигит...

Ленин. Муҳими — чигит. Келгуси баҳорни ҳозирдан ўйлаш шарт!

Большаков. Уруғлик — етти пуд.

Ленин. Етадимми?

Большаков. Етар.

Ленин. Текинми?

Большаков. Еб кетарга.

Ленин. Масалани дарҳол Совнаркомга қўямиз. Яна нима гап бор?

Чўлибой. Яралари қалай? Мўмиё керак эмасмикин?

Большаков. Деҳқонлар саломатлигингизни сўрашмоқда.

Ленин. Хавотирга ўрин йўқ, раҳмат. Яна?

Большаков. Бир илтимос, Владимир Ильич, (тин олиб) Шумскийни чақириб олмасангиз бўлмайди.

Ленин. Ҳозироқ Мирошниковга кўрсатма берилади. Марказком секретари ўртоқ Молотов билан шахсан гаплашаман. Хотиржам бўлинг... Йўқ, йўқ: узил-кесил ғалабагача хотиржамлик ярашмайди!

МИРЗАЧҮЛ. СТАНЦИЯ.

Ташқарида ғилдиракларнинг қасир-қусури, пахта олиб келаётган деҳқонларнинг қийқириғи, қўшиқ эшитилади:

Ҳо, ука, далварзинлик ука, омон-ёр,
Сенинг қаро кўзингдан, омон-ёр...

Қўлида алвон билан Мамасоли пайдо бўлади. Уни илишга уринади.
Қарши томондан қўшиқ янграйди:

Ҳо, ака, великийлик ака, омон-ёр,
Сенинг ширин сўзингдан, омон-ёр...

Мамасоли. Ҳо, саллот, қарашвор...

Минвали киради. Қўлидаги чарм тўнни қўйиб, ёрдам бера бошлайди.

Минвали (ҳижжалаб ўқийди). «Первый наш караван хлопка — дорогому Ленину!» — «Биринчи пахта карвонимиз — азиз Ленинга!».

Мамасоли. Билимдон экансан-ку! Ҳужжатинг борми?

Минвали. Мени Самарада Минвали аташарди. Михайловни топ, тасдиқлайди.

Ташқарида поезд шовқини эшитилади. Саҳнага вагон ва экскаватор сояси тушади.

Михайлов (овози). Татьяна Александровна!

Шапошникова (овози). Максим Петрович, омонмисиз?!

Михайлов ва Шапошникова киради.

Кўрмаганим қолмади, Максим Петрович, худди Батумининг ўзидан топиб келяпман бу бўйинг ўсгурларни. Қани Георгий Константинович, қабул қилиб олсин!

Михайлов. Ризенков хирмон бошида. (Мамасолига) Бошлигингга айт, экскаваторни тушириб, пахта босамиз.

Мамасоли кириб кетади.

Минвали. Саботаж бўлса-чи?

Михайлов (қўли тўппончага югуриб). Саботаж? (Тикилиб) Самарадан эмасмисиз, ўртоқ Минвали (Кучоқлашадилар) Энди Самарада ҳеч ким тўхтатолмайди бизни.

Минвали. Урра...

Михайлов Тушунмадинг: биз Москвага кетяпмиз, пахта олиб. Юр митингга!

Чиқиб кетишади. Ғариббой, Мирғани, Эсонполвон ва Бўтавой пайдо бўлади.

Ғариббой (шивирлаб). Дарвишдан қанча.

Бўтавой. Уч киши.

Ғариббой. Ифлос... (Мирғанига) Сенлар-чи?

Мирғани. Ўзим билан тўққизтамыз.

Ғариббой. Заканнинг бўйидаги ошқовоқ палакка жойланасизлар. Жаллоб-чи?

Мирғани. Нақд. Болаларини ҳам олиб келди. Пистирмада.

Бўтавой. Аммо, почча, Неъматилла дўстингиздан дарак йўқ.

Ғариббой. Отини атама, сотиб кетибди. Машъалачилар қалай?

Бўтавой. Қизилларни эргаштириб кетишимиз билан мой сепаиб, поездига ўт қўйишади.

Ғариббой. Ҳамма жойида бўлсин. Мен комиссар билан Чўлини тинчитиб, жунавораман. Изимга тушишса, сен — уларнинг изидан. Полвон?

Полвон. Меникилар жойида.

Ғариббой. Худо ёр бўлсин. Бошланди!

Эсонполвон билан Мирғани ғойиб бўлади. **Поезд** гудоги ҳаволайди. **Ғариббой ва Бўтавой** яширинади. **Митинг** бошланади. **Марказда Ризенков, Чўлибой, Шапошникова, Михайлов, Зумрад, Мамасоли ва Минвали.**

Михайлов (ўртага чиқиб). Уртоқлар, аввало Туркистон ўлкасининг заҳматкаш деҳқонларига

тупроқ қадар қуллуқларим бўлсин! Пролетариатнинг улуғ доҳийси ўртоқ Ленин 1920 йилда шундай деган эди: «Ҳаммага маълумки, тўқимачилик саноатимиз жуда оғир вайронгарчиликни бошдан кечирмоқда, чунки энди чет элдан пахта келтирилаётгани йўқ, сабаби — Ғарбий Европада ҳам хом ашё танқислиги ғоят сезилиб турибди. Ягона манба — яқинда оқ гвардиячилар қўлидан озод қилинган Туркистондир...» Ўртоқлар, бугун биз покиза пешона терингиздан бунёд бўлган пахта билан Россияга йўл оламиз. Бу — халқингизнинг Ленин декретига амалий жавоби, унинг...

Уқ узилади. Михайлов қулайди. Чўлибой уни суяб қолади. Яна бир ўқдан Мамасоли яраланади.

Зумрад (бошидаги қизил дурра билан отасининг ярасини боғларкан).
Дада, яна нима қилай, кўзингизни очинг!
Мамасоли. Узингни эҳтиёт қил, қизим...

Отишма қизийди. Бўтавой Ғариббойни ўқдан асрайман деб, ўзи яраланади ва қочаётган хўжайиннинг оёғига ёпишади.

Бўтавой. Почча, поччажон...
Ғариббой (озод бўлиш учун пичоқ уриб). Хе, ўргилдим...

Ғариббой қочади.

Минвали. Олга қардошлар!

Жангчилар Минвали етагида ёвни қувиб кетадилар. Шапошникова Михайлов сари отилади.

Шапошникова. Максим Петрович! Максим... Кўзингни оч, жигарим...
Михайлов (алаҳлаб). Тезроқ, вагонга босинглар... Марғилондан, Намангандан келади ҳали...

Минвали ва жангчи Ғариббойни ҳайдаб қайтади.

Минвали (чарм тўнни Михайловга ёстиқ қилиб). Комиссар, кечир мени, иккитаси қочиб улгурди.

Ризенков. Хуллас, курашнинг каттаси ҳали олдинда!
Михайлов (тўнга ишора қилиб). Буни ол, ўзингга насиб...
Минвали (куйиб). Қуриб кетсин бунақа насиб! Петрович, менга қарачи...
Михайлов (энтикиб). Татьяна, Таня...
Шапошникова. Қаёққа, Максимжоним, шошма...

Максим жон беради. Сукунат.

Чўлибой. Уйқунгиз тинч бўлсин, Максим ака. Карвонингиз аро йўлда қолмайди. Уни биз олиб борамиз: тўқувчи дўстларингизга, ўртоқ Ленинга! Бу ҳаммамизнинг сарҳисобимиз бўлади. (Жангчиларга, Ғариббойни кўрсатиб) Олиб чиқинг!

Ғариббой (чиқаркан). Унутма, бола, қасосли дунё бу! Фарзандларим бор, пичоғим ерда қолмас.

Чўлибой. Менинг ҳам фарзандларим бўлади. Ун битта! Сиз, кўрсатган кароматларингиз учун бугун, менга жавоб берасиз, фарзандларингиз — фарзандимга! Ҳайданг...

Михайловни кўтаришади. Зумрад отасини суяб тиклайди. Паровоз гудоги ҳаволайди.

КРЕМЛЬ. ЛЕНИН КАБИНЕТИ ВА ЙЎЛАК.
Шумский Ленинга гап ўқтирмоқда.

Шумский. Такрор айтаманки, Туркистонга боришни маслаҳат берганингиз учун зинҳор миннатдорман. Ростдан ҳам у ерда аҳвол бутунлай ўзгача. Деҳқоннинг кўпчилиги кўр ва кар. Ўзига дурустлари ўрта деҳқон тўғрисидаги доктринангиздан сўнг ўзини партияга ураётир. Эшитинг: «Бугун масжидда большавой домла имомликка ўтадилар, ҳамма фирқа аъзолари намозга қатнашуви мажбурий». Бу — сўфининг чойхонадаги эълони!

Ленин қотиб-қотиб кулади. Йўлакда телефон жиринглайди.

Секретарь (трубкини олиб). Туркистондан! Хўп. Кирсин.

Шумский. Аҳволни ўз кўзингиз билан кўрганда, йиғлаган бўлардингиз. Уларнинг айтишича, шарқда шўролар буржуазиядан меҳнаткаш давлатига олиб ўтувчи оралиқ ҳокимиятки, у синфий бўлиши шарт эмас ва фақат савдога монополия бўлса бас эмиш! Қизил қўшинга сафарбарлик барбод бўлди, чунки омма Амир Темир замонидан бери қурол тутмаган, интизом ва казарма тартибига ўрганмаган эмиш!!!

Ленин. Сиз кўп кўрибсиз-ку, ҳеч нарса тушунмаганга ўхшайсиз.

Шумский. Яна кўрганини эшитган енгадимми? Йўқ, биз қатъийлик кўрсатмасак, барча қолоқ миллатларни ягона ҳарбий-хўжалик тартиботида қанотимиз остига олмасак, революция мақсадларини большевистик бюрократия ботқоғига фарқ эттирамиз, тарих олдида шамгин бўламиз.

Ленин. Бекор гап. Биз енгшимиз шарт!

Чўлибой пайдо бўлади. Секретарь уни ўтиришга таклиф этиб, ўзи Ленин хонасига киради ва Шумскийни четга тартади.

Секретарь. Уртоқ Шумский, врачлар Владимир Ильичга фақат қириқ беш минут ишлагани рухсат беришган. Тезроқ бўлинг, Туркистондан ўртоқ бор.

Шумский (чимирилиб). Туркистондан ўртоқ?!

Ленин. Таклиф қилинг!

Секретарь чиқади. Чўлибой хонага киради.

Чўлибой. Салом алайкум, Владимир Ильич. Мен Чўлибойман, Мирзачўлдан. Беш йил бурун кўришувдик: Ризенков домла, комиссар Михайлов, Таня опа...

Ленин. Эҳҳа, «Уни Татьяна деб атар эдилар!» Сиз — Чў... Чўлибой!

Чўлибой. Декретингиз... (Ленин қовоқ уйганини сезиб) ўша декрет шарофати билан бунёд бўлган биринчи пахта қарвонини олиб келдик, хамирнинг учидан патир! Афсус, комиссар Максим ака Михайловни асраб қола олмадик, қарвон бехатар бўлмас экан...

Ленин. Яхши одамларимиздан айрилаётирмиз. Энди қарвонни комиссар Михайловнинг дўстларига ўзингиз олиб борасиз. (Хайрлашгани кўл бериб, бехосдан) Сиз ўзбексиз, а? Уртоқ Шумский Туркистондан қайтди.

Чўлибой. Биламан.

Ленин. Биз ҳеч келишолмаяпмиз: Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи тузилса-ю, эркингизни ўз қўлингизга олсангиз, бошқа республикалар билан бир қаторда, Ўзбекия бўлиб яшай оласизми?

Чўлибой. Албатта! Фақат сиз билан бўлсак. Ризенков домлалар билан...

Шумский. Социализм ўйин эмас!


Чўлибой. Энди сиз халал берманг, муллака.

Ленин. Уринбосарлар етилиб қолди. Тўғри, хайрлашувга ҳали эрта. Қани энди, табиат тантилик қилса-ю, яна беш йилгина умр берса, таълимни қиёмига етказиб, хотиржам кетардик...

Чўлибой. Бизнинг замон энди келяпти, ўртоқ Ленин, тагин юз йил яшайсиз.

Ленин. Раҳмат шарқона саховатингиз учун! Лекин, нима бўлганда ҳам, меҳнаткашлар ҳокимиятни, ер-сувни, транспорт ва саноатни ўз қўлларида маҳкам ушлаб турибдиларки, капитализм бизни чўчита олмайди. Мақсадимиз аниқ, шу сабаб албатта ғалаба қиламиз!

П А Р Д А



Ҳанифа Солиҳова

БАЛОҒАТГА ЕТГАН НИҲОЛЛАР

Ўзбекистоним

Туғилган маконим Уйғуристондир,
Унда ўтган менинг болалигим ҳам.
Менга илҳом берган буюк бўстондир, —
Илк она сутидай лабда қолган таъм:
Фақат сен туфайли, Ўзбекистоним!..

Боғларим ўзгача кўклам-бахордан,
Юлдузим ўзгача кўркли саҳарда,
Кундузим ўзгача, бахтим ўзгача,
Қадрдонлик туйсам ҳар кент-шаҳарда —
Фақат сен туфайли, Ўзбекистоним!..

Беруний табаррук этган тупроқда
Минг йиллик тарихинг кўрдим, эй диёр.
Навоий ғазали янграган чоқда,
Билдим шуҳратингни бекаму бисёр, —
Фақат сен туфайли, Ўзбекистоним!..

Не-не фарзандларинг бахш айлаб жонин,
Ўзбек шуҳратини кўтарди кўкка.
Тўлмоқда менинг ҳам рангин девоним,
Қўшиғим учмоқда бугун юксакка;
Фақат сен туфайли, Ўзбекистоним!..

Ёмғир

Ёмғир, ёмғир қуяр далага, боққа,
Осмон тўкиб солар инжуларини.
Маржон-маржон бўлиб ҳар бир-япроқда
Томчилар уйғотар туйғуларимни.

Балоғатга етган ниҳоллар, қаранг,
Яйраб-яйраб ювар кокилларини.
Майсалар борлиққа улашгудай ранг,
Яшнар тўлдириб сой соҳилларини.

Шоира ва олима Ҳанифа Солиҳова уйғур ва ўзбек тилларида ижод қилади. У Урумчидаги Шинжон институтида, кейинчалик эса, 1961 йил оиласи билан Совет Иттифоқига кўчиб келгач, Андижон Давлат педагогика институтида таҳсил кўрган. Шоиранинг уйғур, ўзбек ва рус тилларида «Севги сирлари», «Диёрга таъзим», «Муродим», «Кўнгили пийласи», «Қўмсаиш», «Баҳорим менинг», «Уйғур чирмандасининг садоси» сингари тўпламлари чоп қилинган. Унинг уйғур ва ўзбек адабий алоқалари мавзусига бағишланган кўплаб мақола ва рисолалари ҳам бор.

Филология фанлари кандидати, шоира Ҳанифа Солиҳова 50 ёшга тўлди. Уни журналхонлар номидан қутлаб, янги шеърларидан намуналар эълон қилляпмиз.

Далалар ва боғлар чўмилиб сувда,
Янги келинчақдай қилар табассум.
Ёмғирдан кейинги дамлар осуда,
Ортар юрагимда илҳом, ҳавасим!

Дилимдан тарқади ғубор ва туман,
Ювиб ўтди уни ёмғир тўлкини.
Ёмғирдан яшнаган бир гулшансимон,
Ечилди қалбимнинг чигал тугуни...

Муҳаббат, қадримни сендан сўрайман

Қалбимнинг чўғини, ҳароратини
Алишмам бир дунё зебу зийнатга,
Севгининг азобу жароҳатини —
Сув ўрнига асал оққан жаннатга.
Вафо шевасига умрим берай ман,
Муҳаббат, қадримни сендан сўрайман!

Муҳаббат — юракни ёритган қуёш,
Муҳаббат ёнмаган юрак — шамчиरोқ,
Муҳаббат — қанотли армон, кўзда ёш,
Сен мени ўкситма, эй ҳижрон — фироқ.
Дилимда дардимни сочдай тарайман,
Муҳаббат, қадримни сендан сўрайман!

Муҳаббат — сен, менга олий мукофот,
Сақлайман, ифғатим каби сақлайман.
Муҳаббат — сен мангу сўнмас қасамёд,
Оқлайман, имонни ютмай оқлайман.
Ҳаётда севгини нурга ўрайман,
Ҳаётда севгимни нурга ўрайман,
Муҳаббат, қадримни сендан сўрайман!

Севги жоми

Ол қўлингга олтин пиёла,
Севгим боли билан тўлдирай.
Тотгин, сенга меҳрим ҳавола,
Юрагингни шодон кулдирай!
Севгим боли билан тўлдирай!

Ўртанмасанг севги деб агар,
Ҳаёт — ҳаёт эмасдир асло.
Севги билан ҳаёт жилвагар,
Севги билан кўркамдир дунё!
Севги билан ўктамдир дунё!

Доим таъзим қилурман сенга,
Сенга атаб битурман ғазал.
Қалбда севги — мангу аланга,
Вафо тўла бу ҳаёт гўзал!
Сенга атаб битурман ғазал!
Ол қўлингга олтин пиёла,
Сипқор уни сен ёна-ёна...

Тўйи бўлмас қиз бўлмас...

Ёринг кетди, хайрлашиб сен билан,
Кўзларингда маржон ёшлар шашқатор.
Нечун кузги япроқ каби титрайсан,
Шошилма, қиз, ёринг ёнинга қайтар.

Тўю шодлик билан чамбарчас боғлик
Муҳаббатнинг ипларини узмагин.


Йигит ахир, ишқда ўзингдек содик,
Жоним, сен ҳам садоқатни кўзлагин.

Бу оламда тўйи бўлмас қиз бўлмас!

Муродим

Менга на ёру на ошиқ ҳавасдир,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдир.
«Фарҳод ва Ширин»дан

Мени ою, қуёш, юлдузга қиёс
Этасану мақтаб қоласан бирдан.
Гоҳо фаришта деб қиласан эъзоз,
Севсанг, нисбатимни излагин ердан.
Меҳнаткаш бир қизман, камтарин, содда,
Фазилат излагин инсонлигимдан.
Мендай гўзаллар кўп гулгун ҳаётда,
Севсанг, сўз очмагин «жонон»лигимдан.
Мен, Ширин айтгандай, одам бўлсам бас,
Шулдир эътиқодим, ҳавас, матлабим.
Яшайман дўстларга, элга ҳамнафас,
Мақтасанг, инсон деб мени мақтагин!



Жамол Сирожиддин

СЕНГА БОҚСА, ОРОМ ОЛАР ЭМИШ ЖОН

* * *
Маконлар ўзгарар, жойлар ўзгарар,
Не-не хароботга ободлик келар,
Кунлар гоҳ қисқарар, гоҳо узаар,
Осмон гоҳи ёмғир, гоҳи қор элар,
Бағрим сендан ёлғиз тилакни тилар:
«Фақат сен ўзгарма, ўзгарма, жоним!»

Билурман неки бор ўзгарур тайин,
Кимдир лаҳза сайин, кимдир ой сайин,
Кечаги навниҳол бугун-чи — қайин,
Майлига жон бўлиб тандин чиқайин,
Майинсан. Майин бўл, майин бўл, майин...
«Фақат сен ўзгарма, ўзгарма, жоним!»

Шу ҳаё, шу иффат доим бор бўлсин,
Шу ҳуркак кўзларинг беғубор бўлсин,
Шу дид, шу фаросат сенга ёр бўлсин,
Майли, таним сен деб хору зор бўлсин,
Кўриб руҳ поклансин, бахтиёр бўлсин —
«Фақат сен ўзгарма, ўзгарма, жоним!»

Сен бир шабнамсанки, қўл чўзмоқ увол,
Сен бир нозик гулсан, эҳ узмоқ увол,
Қошингда ҳислардан сўз тузмоқ увол,
Сўз-ку сўз, бу ҳақда ўй сурмоқ увол,
Дийдалар бахтисан, кўп кўрмоқ увол —
«Фақат сен ўзгарма, ўзгарма, жоним!»

* * *
Кетгим келур, кўзу қулоқсиз,
Сарҳадларнинг қўйнига чўмиб.
Она қишлоқ, яширгил мени
Бедазорлар наҳрига кўмиб.

Толиқтирди на-да дўстлиги,
На ёвлиги маълум бу хилқат.

Мижғовликлар қурбони бўлди
Қудратлардан қудратли қудрат.

Кетгим келур, барчаси бекор,
Кимга керак сўзу гудозим!
Мижғовларга мижғовлар керак,
Син-ей созим, тин-ей овозим!

Ота мерос қадрдон кетмон
Кел, вориснинг елкасига мин!
Мен қаъринга шеърларим экай
Сен ундириб, бер, она замин!

Ушалмас орзу

Эҳ... Қанийди бойчечакка айлансам,
Бир мушт лойға бўғзимғача жойлансам!
Бир түп бола «бойчечак»лаб кўчангда,
Дарвозангда шундайин ҳой-ҳойлансам:

«Бойчечагим аслидур,
бойчечак, бойчечак!
Одам ато наслидур,
бойчечак, бойчечак!

Куйган жигар бандидур,
бойчечак, бойчечак!
Асли Самарқандидур,
бойчечак, бойчечак!»

Қўлчалардан қўлгинангга етсам мен,
Қош-кўзларинг бир дам тавоф этсам мен.
Бошқа бирор илинжим йўқ дунёда,
Ризо эдим сен қайтаргач, сўлсам мен.

Неча йилдир адо бўлдим кўйингда,
Бир кўрмак-чун гадо бўлдим кўйингда.
Ризо эдим, мен сўлсам-да болалар
Шундай кўшиқ куйлашсалар уйингда:

«Сўлди чечак бахтиёр,
бойчечак, бойчечак!
Қутлуғ сизга навбахор,
бойчечак, бойчечак!
Бешигингизга, янга,
бойчечак, бойчечак!
Уғил берсин зўрабор,
бойчечак, бойчечак!»
Эҳ ...Қанийди бойчечакка айлансам...

Аквариумдаги балиқчага

Олтин тангаларинг силлиқ тарама,
Намакоб ёшларинг томгай ярама,
Қўй, менга мунчалар мунгли қарама,
Оинажом ичра сузган балиқча.

Сенга боқса, ором олар эмиш жон,
Ажаб, сени кўрган кўзларим гирён,
Мен — сенга ғам тутсам, сен — менга ҳайрон,
Оинажом ичра сузган балиқча.

Бошинг узра биллур мунчоқлар сочиб —
Неларни суйлайсан, оғзингни очиб?
Қайга ҳам кетардик шу жомдан қочиб,
Оинажом ичра сузган балиқча?..

Музейда

Тили бўлса эди, манави эгар
Айтарди кимларни миндирганлигин.

Бу қилич, даҳшатдан қинидан чиққан
Не-не кўз нурларин сўндирганлигин.

Сўкилган бу совут, камон ўқлари
Ёнма-ён турмасди, бўлса гар жони.
Пачоқ бу дубулға шашпар — гурзини
Ғажиб ташлар эди бўлса даҳани.

Бу чачвон, паранжи рухсораларга
Сўйларди: маҳрам не, номаҳрам надир.
Аланга тил билан лабларин ялаб,
Яна нон ҳақида куйларди тандир.

Зарбоф тўн керилиб мақтанармиди,
Не-не ғунчаларни сўлдирганини.
Тили бўлса эди шу аждар тўплар
Айтарди, кимларни ўлдирганини.

Бинафшабўй сочлигим

Талпинар дил сен томон,
Бахтимға бўлғил омон.
Бинафшабўй сочлигим
Сен яхшисан, мен ёмон.

Қучма мени чор девор —
Бамисоли ёр девор.
Учгим келур ёр томон,
Қўйғил, қўйивор девор.

Бунча олис манзил-ей,
Мунча эзилдинг дил-ей.
Бинафшабўй ёр сочин
Шамоллармас, мен силай.


Тугади-ку бардошим,
Эзилди ичу тошим,

Айни баҳор ёшимда
Қорға беланди бошим.


Аллангда мен товшингдан,
Товуш бўлган ёшингдан,
Интизорим, айланай
Бинафшадай бошингдан.

Шоир бўлолма сенсиз,
Яйраб кулолма сенсиз,
Яримта дил одамман,
Бутун бўлолма сенсиз.

Дил талпинар сен томон,
Бахтимға бўлғил омон.
Бинафшабўй сочлигим
Сен яхшисан, мен ёмон.



ҲАМИД ҒУЛОМ 70 ЕШДА



«МАНГУЛИК» РОМАНИ ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ

Ўзбек адаби Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романи рус тилига таржима қилинган, илк бор 1979 йилда «Звезда Востока» журналида эълон қилинди, кейин икки марта китоб ҳолида нашр этилди ва орадан бир йил ўтган, СССР Давлат мукофотида сазовор бўлди. Бу — Бутуниттифоқ Давлат мукофотини олган тарихий-инқилобий мавзудаги биринчи ўзбек романидир.

Роман ўзбек халқи янги тарихнинг анча мураккаб даврини, яъни йигирманчи йилларнинг биринчи ярмида юз берган воқеаларни акс эттиради. У вақтда Ўзбекистоннинг тоғлари ва водийлари устидан Октябрь революцияси ва Гражданлар урушининг момақалдироси янграб ўтган, бойлар ва катта ер эгаларининг, мулкдорлар ва сармоядорларнинг реакцион ҳокимияти ағдариб ташланган, оқғардиячи ва маҳаллий босқинчиларнинг қуролланган тўдалари асосан яқсон этилган, ҳамма ерда Совет ҳокимияти барқарор этилган эди. Камбағал деҳқонлар, чўпон-чўлиқлар ер ва яйловларга эга бўлиб, янги ҳаёт йўлига кирган эдилар. Лекин, бундай қақшатқич зарбага дучор бўлган, ҳокимиятдан маҳрум этилган бой ва помешчиклар кўлида ҳам анчагина куч бўлиб, халқ оммасининг бир қисмига таъсирларини ўтказиб турардилар. Улар ағдариб ташланган тузумнинг қайта тикланишидан умидларини узмаган эдиларки, уларнинг ана шу қайта тиклашни кўзда тутган режалари ва кўпуровчилик ишлари у ер бу ерда амалга ҳам ошиб турарди. Улар очикдан-очик қуролли курашга етарли куч топа билмаганликлари учун зимдан, махфияна кўпуровчилик ишларини кучайтириб юбордилар. Душманнинг ёвуз ният билан бурчак-бурчакка яшириниб олганлиги, қутилмаган жойда кўкқисдан зарба беришга тайёр турганлиги ҳақида ромanning бош қаҳрамони қишлоқ аҳлини огоҳлантиради. Ҳа, душман гоҳ кўриниб, гоҳ йўқолиб турган хатарли кунлар... «Бу — ғалати уруш!» —

дейди асар қаҳрамонларидан яна бири. Ҳа, у даврда синфий кураш ниҳоятда ўткир ва мураккаб бўлган.

Меҳнаткаш омма ҳақида шуни айтиш керакки, у озодликка эришган бўлса ҳам, бироқ асрлар давомида ҳукмронлик қилган реакция ҳокимиятининг зулми натижасида қарор топган нодонлик зулмати, ҳоким синфлар томонидан қатъият ила ўрнатилиб келган диний хурофот ва кўр-кўрона эътиқод, мажбуран қабул қилдирилган эскича урф-одатлар одамларнинг фикру ўйига маҳкам ўрнатиб қолганди. Буларнинг ҳаммасидан душманлар ўз қора ниётларини пардалаш ва амалга ошириш учун усталик билан фойдаланадилар. Тескари кучларнинг ҳокимиятини таг-томири билан қўпориб ташлаш, революция ишини олға жилдириш ва янги ҳаёт қуриш учун энг аввал халқ оммасининг ғоявий онгини ва маданий савиясини юқори даражага кўтариш энг зарурий шарт бўлиб қолди. Саводсизликини тугатиш, маърифатга ундаш маданият ва фанни халқ мулкига айлантатириш мақсадида, Совет ҳукумати мамлакатда мавжуд барча ўқитувчиларни сафарбар қилди ҳамда шошилинч равишда янги ўқитувчилар армиясини тайёрлашга киришди. Худди ўт-оловдан кўрққандай, маърифатдан кўрққан синфий душманлар муаллимларни ўзлари учун энг хавфли ёвлар деб билдилар ва заҳарли адоват тилларини аввало, мактабларга қарши курашга қаратиб, муаллимларнинг жонига қасд қилиб турдилар. «Мангулик» романининг сюжети худди ана шундай тарихий муҳитда ривожланиб боради.

Романдаги воқеалар 1923 йилда, Ўзбекистоннинг тоғли мавзеларидан бири — Хўжакент деган катта қишлоқда содир бўлади. Бу ерга бир ой давомида шаҳардан икки ўқитувчи бирин-кетин юборилади ва иккиси ҳам ўлдирилади. Булар албатта, синфий душманлар фитнасининг қурбони бўлганлар. Лекин, синфий душманлар ниқобланган — қотилларни топиш осон эмас. Мактабда машғулот бошлаш мушкул бўлиб қолди. Педагогика билим юртини эндигина тамомлаб, ГПУга ишга кирган ёш чекист Масъуд Хўжакентга, ҳалок бўлган дўстлари ўрнига муаллим бўлиб боради. Қишлоқ Шўроси ва халқ вакиллари унга мададкор бўладилар. У қисқа вақт ичида мактабда ўқишни бошлаб юборади, саводсизликини тугатиш кечки курси очади, халқнинг маданий савиясини кўтариш учун анчагина фойдали ишлар қилади, чунончи меҳнат аҳлини диний хурофотга қарши курашга сафарбар этади. Унинг бундай хайрли ишлари яхши натижалар бера бошлайди.

Ёш чекист, зийрак муаллим қишлоқдаги одамларнинг хатти-ҳаракатларини ҳушёрлик билан кузатар экан, қишлоқ Шўроси раисининг хотини — фаол жувонга пичоқ отган жиноятчининг изига тушиб, шу тариқа ёш муаллимларнинг қотили ким эканлигини аниқлашга муваффақ бўлади. Бу қотил — Шерхўжа исмли ашаддий ёв, Норхўжа исмли катта бойнинг ўғли эди. У отаси билан бир қаторда зулм ва хурофот маддоҳи — Салоҳиддин эшонга, ашаддий молпараст, тегиримончи Қобил карвонга ва Совет ҳокимиятининг яна бир қанча машъум ёвларига суянган ҳолда иш кўради. Буни сезган Шерхўжа Масъудни ўлдиришга қасамёд қилади. Лекин, Масъуд каби инқилобчилар тарафида турган кенг халқ оммаси Совет ҳокимиятини сабот ила ҳимоя қилганликлари туфайли синфий душманлар яккаланиб қоладилар, уларнинг фитнаси фош бўлади, қотиллар бирин-кетин тузоққа илинадилар.

Асарнинг охирида, воқеаларнинг қизгин авжида Масъуд тоғ қишлоқларининг бирида Шерхўжани қидириб топади ва у билан тўқнашади. Бу олишувда иккови ҳам ҳалок бўлади.

Биз Масъуддан жудо бўлдик. У маърифат нурини таратиш ишига жонини фидо қилди. У қисқа умр кўрган бўлса ҳам, одамлар қалбида умрбод яшаб қолди. Муаллимни ўлдириш мумкин эмас, сабабки, муаллим — таълим соҳибни демакдир, таълим эса илм сўзидан бўлиб, илм сўнмас шуъладир. Ҳаёт боқий бўлганидай, муаллим ҳам шоғирдлари юрагига боқийдир.

Романининг бош конфликтни мактаб қурилиши масаласи атрофида ривожланади. Шу сабабдан ҳам билимга ҳурмат, муаллимга ҳурмат, революцияда ва янги ҳаёт қурилишида ўқитувчининг буюк ролини эътироф этиш мазкур романининг энг муҳим мавзуларидан биридир.

Ўқитувчи сиймосида билим тарқатиш учун курашчи кўрсатилади. У одамларга савод ўргатиш билан кифояланмай, асрлар давомида одамлар эркини кишанлаб келган бидъат ва хурофот зулмати ни маҳв этиш, халқларини парчалаб ташлаш, одамлар кўзини ёруғ дунёга катта очиш — бу каби муқаддас вазифаларни ўқитувчи шараф билан бажариши керак. Унинг касби, билими, янгича нури эътиқоди яна шунинг учун ҳам зарурдирки, янги ҳаёт қуришга даъват этилган турли мутахассисларни тарбиялаб бериш, агар ҳаётни бир дала деб фараз қилсак, шу далага уруф сочадиган деҳқонларни тайёрлаб бериш зарур. Романда долларб замонавий ғоя илгари сурилади: модомики, большевиклар партияси ва Совет ҳукумати маориф ишига шу қадар аҳамият бераётган эканлар, демак улар халқ ҳақида, унинг истиқболи ҳақида қайғурмоқдалар.

Чор-атрофда ёвлар қўтирган, мамлакатнинг молиявий аҳволи оғирлашган, иқтисодий қийинчиликлар авж олган бир шaroитда мактаблар қуриш, муаллимларнинг аҳволини ўйлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Ўзбекистоннинг партия раҳбари Акмал Икромов: «Ҳар бир ўқитувчи бизнинг келажагимиздир!» — деб шиор ташлаган, ўқитувчилар тайёрлашни жангвор вазифа деб билган. Романда билимга чанқоқ қанчадан-қанча одамлар ўқитувчи ҳақида ҳар доим камоли эҳтиром ила сўзлайдилар, халқ оммаси ўқитувчини шу қадар ҳурмат қиладигани, қанчадан-қанча кишилар уни ва мактабни қўриқлаб, тунларни бедор ўтказадилар.

Шу сабабдан ҳам мазкур романи касблар ичида энг мураккаб касб эгаси, ёғду таратувчи чароғбон — МУАЛЛИМга қўйилган обида деб айтиш мумкин.

Шу сабабдан ҳам бизнинг партиямиз Хитой Халқ Республикасида тўрт соҳада янгилаш (модернизация) сиёсатини амалга ошираётган бир даврда, билимни ва билимдонларни ҳурмат қилишга чарайётган, бутун жамятини, ўқитувчиларни эъзозлашга даъват этаётган бир даврда бу романи бизнинг китобхонларимизга тавсия этиш ниҳоятда зарурдир.

Романдаги баъзи воқеалар, одамларнинг хатти-ҳаракатлари, қаҳрамонларнинг тили тарихий ҳақиқатга мос келади, буларда ўша давр шундоққина кўриниб туради. Муаллим ўша давр одамлари ўртасидаги муносабатларни, уларнинг ҳис-туйғуларини, ахлоқ белгилари, урф-одатларини ниҳоятда нозик тасвирлайди, у тасвирлаган ижтимоий ҳаёт манзаралари «гун би», яъни нафис тасвир қонун-қоидаларига мос, бинобарин ёрқин миллий колоритга эга; улардан она замин нафиси шундоққина сезилиб туради; чунончи, қишлоқдаги жума бозор тасвири шундан далолат беради. Айни вақтда муаллим элнинг саводсизлиги ҳақида, эскича урф-одатлар, бидъат-хурофот, нодонлик, қоқлик, кўпхотинлилик ва бошқа анчагина тарихий саркитлар ҳақида рўй-рост нақл этади. Хулоса

қилиб айтганда, муаллиф ўзбек жамиятининг революциянинг дастлабки давридаги шиддатли, ҳаққоний, ишончли манзарасини кўлгина бадий воситалар ёрдамида кенг тасвирлаган, мазкур жамиятдаги зиддиятларни ва унда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни рўй-рост кўрсатиб берган.

Муаллиф тарихнинг ўша даврини ҳаётимизда жонлантирар экан, Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари бўлиб ишлаган жанговар сиймо — Акмал Икромов образини яратган. Бу образ романда фақат уч марта (бир марта сўхбатда ва икки марта телефон орқали сўзлашиб турганида) кўрсатилган бўлса ҳам, муаллифнинг маҳорати туфайли кенг мушоҳадага молик, халқ оммаси билан узвий боғланган ёш ва обрўли раҳбар сиймоси ўқувчида чуқур таассурот қолдиради.

Романдаги воқеалар ўзига хос тарзда бир-бирига тизилиб, ривожланиб боради. Икки ёш муаллимнинг бирин-кетин ўлдирилиши — мана шу шиддатли воқеадан бошланадиган қисса ўқувчини тобора ҳаяжонлантириб, ўз забига олади. Асарнинг бош қаҳрамони Масъуд «икки хил одам», «икки қиррали шахс», яъни ҳам муаллим, ҳам чекист бўлганлиги учун иккита вазифани бир йўла бажаришга мажбур: бир томондан — мактаб очиб маърифат тарқатса, иккинчи томондан — қотилнинг изига тушиб, тафтиш олиб боради, аксилинқилобий фитнани очиш билан машғул бўлади. Мана шу икки йўл, икки вазифа бир-бири билан узвий равишда боғланиб кетади. Воқеанинг бу тарзда ривожланиши шунга олиб келадики, романнинг услуби баъзи жиҳатлари эътибори билан детектив роман услубига ўхшайди. Муаллиф воқеалар ривожининг ҳамма чизиқларини пухта тузиб чиққан, драматик саҳналарни усталик билан режа қилган ва жой-жойига кўя билган. Сюжет ривожига юқорида қайд этилган икки йўналишнинг бир-бирига узвий боғланиши натижасида зериктирувчи бир хилликка йўл қўйилмаган, зеро аънавий мавзуни, янги ҳаёт қурилиши мавзуини талқин этишда одатда ана шундай нуқсон сезиларди. Муаллиф воқеанинг бошидан оқ ўқувчини қизиқтира биларди. Иккинчи томондан мазкур роман фақат жиноятни очиш билан шуғулланадиган одатдаги детектив романлардан фарқ қилади. Бу романда турли синфларга мансуб, жамиятда турлича маъқеларни эгаллаб турган, турли ёшдаги ва турлича феъл-атворли одамлар, уларнинг фикр-ўйлари, кайфиятлари, хатти-ҳаракатлари тасвирланади, ижтимоий ҳаёт анча кенг ва чуқур тадқиқ этилади, бундай тасвир эса, романга катта мазмун бағишлайди. Муаллиф бадийлик меъёрини чуқур ҳис этади. Бошқа турли детектив романлардан фарқли ўларок, унинг романида уйдирма воқеалар ва ғайритабиий ҳодисалар кетидан қувди-қувди йўқ, сюжетдан четга чиқиб кетган воқеалар йўқ, ваҳм солғувчи муҳкам олд-қочдилар ҳам йўқ, атайлаб чигал ва мураккаб муҳит ўйлаб ҳам чиқарилмаган. Албатта, романдаги тақдирларда қутилмаган бурилишлар ва қутилмаган ўхшашликлар мавжуд, бироқ муаллиф сюжетни ҳаётнинг ўз тараққиёт мантиқига ва одамларнинг феъл-атворига мос равишда ривожлантира билган, шу сабабдан ҳам асарда ҳамма нарса табиий, ҳаққоний бўлиб, ўқувчини ишонтиради.

Романда Масъуд билан бойнинг қизи Дилдор ўртасидаги муҳаббат тарихи нақл этилган. Бу билан муаллиф: ҳақиқий соф муҳаббатга ҳеч нарса, ҳатто синфий тафовутлар ҳам тўсиқ бўлаолмайди, демокчи.


Роман асосан реалистик услубда ёзилган. Деталларни реалистик тасвирлашда, психологик таҳлилда ва шу каби масалаларда муаллиф анча топилмаларни кашф этган. Муаллиф ички монологдан, персонажларнинг ички дунёсини очишга ёрдам берадиган бошқа тил воситаларидан, хуллас, замонавий романнавислик усулларидан моҳирона фойдаланганки, булар одамнинг руҳий оламини тўлароқ ва чуқурроқ очишга имкон берган. Лекин бу билан биз романда «шарқ романтизми» деб аталган услубдан асар ҳам йўқ, деган фикрни олға сурмоқчи эмасмиз. Романдаги баъзи образлар ҳали етарлича индивидуаллик касб этмаган, дostonчилик поэтикаси ҳамон етарли даражада кўзга ташланиб туради. Лекин, романда шеър ва қўшиқлар айна ўрнида берилган, улар сунъий эмас, воқеага уйғун, романга миллий фазилат ва ёрқинлик бағишлайди. Умуман олганда, «Мангулик» романи ўзбек романтик романнавислиги аъналарини танқидий қабул этиш ва реалистик услуб асосига қўрилган. Бу асар ёзувчи ижодида реализм чуқур илдириш отганлигидан далолат беради ҳамда ўзбек совет романида реализмнинг умумий ривожланиш тенденциясини ифодалайди.

Роман муаллифи Ҳамид Ғулом 1919 йилда ўқитувчи оиласида дунёга келган. У 1941 йилда Тошкент Педагогика институтини тамомлаган, Улуғ Ватан уруши йилларида радиода диктор ва редактор бўлиб ишлаган. Ҳамид Ғулом адабиётга шоир сифатида кирган ва асарларини жуда эрта эълон қила бошлаган. У лирик шеърлар билан бир қаторда балладалар ҳам ёзганки, кейинчалик «Қитъалар уйғоқ» номли балладалар тўплами нашр этилган. Унинг «Ҳаёт ишқи» (1969), «Лолакўл» (1972), «Амазонка қўшиғи» (1974—76) каби дostonлари ҳам бор. 1950—60-йилларда Ҳамид Ғулом илк насрий асарларини эълон қила бошлади. 1958—61-йилларда «Маъшал» романи босилиб чиқди. «Сенга интиламан» («Феруза») ва «Бинафша атри» номли икки романи (1963—64) Мирзачўл ерларини ўзлаштирган кишилар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. «Тошкентликлар» (1967) романида Улуғ Ватан урушининг дастлабки даврида фронтдаги қонли жангларда қатнашган қизил аскарларнинг қаҳрамонлиги ҳамда мамлакат ичкарасида фидокорона меҳнати билан фронтга ёрдам берган ишчи ва деҳқонларнинг жасоратли меҳнати тасвирланади. Бу роман Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номли Давлат мукофотига сазовор бўлган. У бир қанча пьесалар муаллифидир. Унинг бир қанча публицистик мақолалари ҳам бор. Бу адиб иттифоқчи республикалардан ва хорижий мамлакатлардан анчагина ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳамид Ғулом — кўпқиррали ижод соҳиб, истеъдодли адибдир.

Чжан ЦЗЕ,
Хитой Халқ Республикаси Ижтимоий
Фанлар академияси хорижий адабиётлар
институтининг катта илмий ходими.

Хитой олимнинг мазкур мақоласи «Мангулик» романининг 1988 йилда «Пекин» нашриётида хитой тилидаги нашрига сўзбоши қилиб берилган.



Ҳамид Ғулом

ВАФОНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

Хотиралар

1937 йил. Кеч куз. Ташвишли совуқ кунлар. Еш бошимга тухмат тоши ёғилляпти. Адоватнинг заҳарли илони бошини кўтарган. Узларини дўст кўрсатиб, онамнинг ёвғонини ичиб, бир кўрпада мен билан думалашиб ётиб юрган дўстлар кулбамни ҳам, суҳбатимни ҳам тарк этишди...

Уша кунларда биров:

— Яқинда уланасан, ёринг билан эллик йил яшайсан, кейин олтин тўйинг бўлади, деса мен унга: «Алдашга бола яхши, мени лақиллятасан», деб жавоб қилган бўлардим. Агар у яқин дўстларимдан бири бўлса: «Бор, тушингни сувга айт!» — деб жеркиб берардим.

Биз бир нарсани ўйлар эканмиз-у, ҳаёт бизни бошқа йўл билан қаёқларгадир олиб борар, бизга раҳнамолик қилиб, ўз ҳукмини ўтказар экан. Кечроқ бўлса ҳам, хотиралар ёзабошлашни ихтиёр этар эканман, насрий лавҳалар деб аташга қарор бердим.

Мазкур қиссамни ҳаётнинг аччиқ-чучуқларини эллик йил давомида мен билан бирга татиб келётган рафиқам Манзураҳонга бағишлайман.

МУАЛЛИФ

БИРИНЧИ ҚИСМ

1. «АЙРИЛГАНГА УЛМАСМАН, СОҒИНГАНДА ЙИҒЛАРМАН...»

Ховлида, токсўри тагида икки киши — онам ва мен видоляшяпмиз.

Аслида, биз оилада тўрт киши эдик. Бироқ, бундан тўрт ярим ой аввал — 1937 йил апрелининг сўнги кунларида бобом Мулла Ғулом Мавлон ўғли 67 ёшида вафот этди. Укам Саид эса, Тахтапулдаги Техзара (Усинликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш техникуми)ни шу ёзда тугатгач, Самарқанд областининг Жарбой районида ишга юборилди.

Бобом Фузулийнинг:

«Маҳшар куни кўрам дерам ул сарви қомати...» деб бошланадиган ғазалига мухаммас боғлаган, ўзи ҳам ёшлигида ишқий мавзуларда ғазаллар битган, Хислат ва Авлонийлар билан ҳамсуҳбат мулла одам эди.

Онам мени бағрига босиб:

— Бизни ташлаб, қаёқларга кетяпсан? — деб йиғлаганида ўзини ва укам Саидни назарда тутган.

Менинг бўлса, Саиддан кўнглим хотиржам: ахир, у ўн олтига кирди ва мутахассис бўлиб, мустақил ҳаёт йўлини бошлади. Шу сабабдан мен Тошкентда қолаётган онамни ва яна... бир кишини ўйлайман. Қаламга олаётганим хотиралар боринг-ки, бетартиб тизилган лавҳалар худди шу учинчи шахс — ҳаётим, тақдирим — бутун таржимаи ҳолимнинг бош қахрамони, мени офатлардан кўп марта сақлаган, машаққатли йўлларимни, қоронғи кечаларимни ёритган юлдуз, азиз ва бебаҳо инсон ҳақида.

Энг гўзал, энг вафоли аёл ҳақида бу лавҳаларим...

Лекин, мен унинг ҳақидаги нақлларимни бошладан аввал онам билан, маҳаллам билан, юртим билан видоляшиб олишим керак. Нега энди «хайрлашиб» эмас-ку, «видоляшиб»? Чунки, мен номаълум томонга ва номаълум муддатга кетяпман. Нега кетаётганимни онамга айтмаганман ва айтмайман ҳам. Аммо, она қалби буни сезади, эзилади, дарду аламлари кўзларидан ёш бўлиб дув тўкилади. Фақат, биз, нодон ўғилларгина буни тушунмаймиз.

Менинг онам, орадан чорак аср ўтгандан кейингина «Машъал» романининг илк саҳифасидаги бағишловда эҳтиром ила тилга олганим Қория Темур қизи эндиликда тўқсон баҳорни кўрган зукко аёл у вақтда қирққа ҳам кирмаган, лекин узун қуюқ сочи қулдай бўзариб улгургани, гузардан ўтгудай бўлса, ҳурматига оқсоқоллар ҳам ўринларидан туриб таъзим бажо қилишарди.

— Мендан ташвишланманг, ойижон!.. — Унинг бағрига бош қўйиб эркаланаман. — Тез-тез хат ёзиб тураман...

Кейин, онамнинг бағридан шитоб юлиниб чиқаман-да, айвон пешида турган тикин тугунни кўтарганча ярим очик эшикдан кўчага отиламан...

2. МАҲАЛЛА

Тошкентдаги ўнлаб, юзлаб маҳаллалар, кўчалар, гузарлар каби менинг Биринчи Арпаоя маҳаллам ҳам энди йўқ. Биз қанчадан-қанча алломалар номи тарихдан ўчириб юборганимиздек, улар яшаган, таҳсил кўрган, обод қилган, ардоқлаган жойлар номи ҳам харитамиздан ўчириб юбордик: на аждодларнинг руҳи исён кўтаргани билан, на авлодларнинг қаҳрига қолишимиз муқаррарлиги билан ҳисоблашдик.

1937 йилнинг ўша совуқ кузида мен ўз ота уйим эшигини қаттиқ ёпиб чиққач, бирдан юрагим оқкамга тортиб кетди-да, пахса девор тагидаги супачага бемажол ўтириб қолдим. Рўпарадаги Султон ва Нишон исмли ака-ука аравакашларнинг дарвозаси ланг очик. Улар от-араваларини кенг ҳовлиларига шу дарвозадан бемалол олиб кирадилар. Маҳаллама-маҳалла кўмир ташиб юришибдими десам, кун кеч — қоронғи тушиб, тор кўчадан кўриниб турган бир парча қорамтил осмонда янги ой ўроғи ва танҳо юлдуз йилтиллаб турибди.

«Келаси ойнинг шу кунларида эсон-омон дийдор кўришайлик», — дедим ичимда онамни ва яна бир кишини ҳаёлимда жонлантириб. Супадан туриб, аввал тор кўча («Ҳаёт» проезде)нинг чап томонига юрдим. Бу ердан Форобий мактабининг бир қаватли биноси шундоққина оқариб кўриниб турибди. Мен шу мактабда ўқиганман. Кўзимга оловдай кўринади. Унга яқин бориб, таъзим қилдим ва мактаб боғидан ўтиб, ўннга, шовуллаб оқаётган анҳор томонга юрдим.

Арпаоясой...

Бешёғоч (ҳозирги Муқимий театри)дан Баланд Масжид (ҳозирги Навоий номли кўча)гача учта Арпаоя: биринчи, иккинчи ва учинчи маҳаллалар жойлашган. Бизнинг маҳалла — Биринчи Арпаоя Форобий боғи билан машхур. 1925 йилда, олти ёшлик чоғимда бобом мени шу боғда кўрсатилган томошага — Бехбудийнинг «Падаркуш» спектаклига олиб келган.

Мен боғ билан ҳам, уччала маҳаллани кесиб ўтган сершовкин анҳор билан ҳам, анҳор тепасига қурилган, ораси бир-бирига яқин обжувозу тегирмон билан ҳам фикран хайрлашдим. Булардан ташқари маҳалламизда битта масжид, битта ҳаммом ва чойхонаси билан дўкони бўлган битта гузар бор. Шохлари бир-бирига туташ уч туп садақайрағоч гузарга алоҳида ҳусн бағишларди.

Бул қадимий антиқа дарахтлар рўпарасида анҳор кенг ёйилиб оқади. Бу ерда, шохлари тарвақайлаб ўсган толлар панасида аравакашлар отларини чўмилиртишяпти. Нақ баҳайбат отларки, бароқ ёллари билан силкитиб пишираркан, ҳар бири Гурўғлининг Фиротини эслатади...

— Ҳа, мулла, тугун кўтариб қопсиз, йўл бўлсин? — нақ тошқин анҳор ўртасидан чиқаётгандай девқомат Султон аравакашнинг Поль Робсон қўшиғига ўхшаш гулдирган овози янгради.

— Сочилган туз-насибаларимни териб келмоқчиман, — жавоб қилдим.

— Яхши ўйлабсиз, — Султон аравакаш кулди. — «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан», деган машойхлар.

— Кўришгунча хайр, қўшни!

— Омадингизни берсин!

Тугунни елкага қўйганча йўлга тушдим. Бешёғочдан вокзалгача биринчи трамвай боради. Лекин, Иккинчи Арпаоядан ўтиб, ўқчи гузари орқали яёв етиб олса ҳам бўлади. Ўша томонга юрдим. Елкамдаги тугундан онам йўлга ёпиб берган ёллик патир, зигир ёғида пиширилган бўғирсоқ билан қатламаларнинг тўйимли хушбўйи анқийди. Қаёққа юрмай, қанча йўл босмай, оч қолмайман.

Йигит моли ерда...

Онам ва яна бир киши меҳри дилда...

Кўришгунча хайр, азиз маҳаллам!..

3. БАДАРҒА

Вокзалга келсам, биринчи йўлда «Москва — Сталинобод» поездига йўловчилар чиқарилаётган экан. Поезднинг жилишига ўн дақиқа қолибди... Кассага чопдим. Охириги бекат — Сталинобод (ҳозирги Душанбе) станциясигача умумий вагонга битта патта олдим. Менга барибир: агар поезд Олмаота ёки Ашхобдга борадиган бўлса, паттани ўша ергача олардим.

Бадарға...

Ҳа, мен ўзимни ўзим бадарға қиялпман!..

Тиқин вагонга чикдим. Йўловчиларнинг деярли ҳаммаси — лўлилар. Қизил, сариғ сейлондан йилтироқ кўйлак кийган жингалак соч йигитлар, олабайроқ либосдаги кўкраги очик сулув қизлар, жувонлар; ҳаёл наҳрига шўнғиган чоллар, кампирлар ва болалар... Улар кўп. Тиззаларда, қўлларда, бағирларда, елкаларда кўзлари чақнаган жингалаксоч болалар. Оналарининг чандир маммаларини сўраётганлари қанча...

Мен вагон йўлагига, дераза олдида тугунимни оёқ остига қўйиб, бир неча дақиқа тик туриб қолдим. Паровоз чинқириғи эшитилди. Филдираклар ҳаракатга келиб, вагон силкинди. Қалқиб кетдим. Жингалак сочлари оқарган, юз-манглайини ажин қоплаган бир кекса лўли:

— Кел! — деди менга. — Енимга ўтир!

Тугунимни кўтарганча, аёллар, болалар ўртасидан аста ўтиб бордим-да, чолнинг ёнига қисилиб ўтирдим. У индамади. Мен ҳам индамадим. Поезд равон юриб кетди. Вагон ичи ҳам анча тинчиди.

Туни билан ухламаганман. Умуман, кейинги кунларим серташвиш бўлди. Умуман, кейинги бир ҳафта — ўн кунда ақалли бир кеча тўйиб ухлаганимни эслаёлмайман. Бедорликданми, йиғининг аччиқ томчилариданми ачишган кўзларимни юмиб, кейинги кунларда содир бўлган воқеаларни, ёш бошимга ёғилган тўхмат тошларининг шиддатли зарбаларини эслашга уринаман, мушкулларга сабаб, адолатсизликка асос бўлган, шаънимга айтилган бир-бирига зид, чигал сўзларга мантиқ излайман...

Кеча комсомолдан ўчирдилар. Пединститут комсомоллари йиғилишида курсдошим Мирвоҳид Мақсудовнинг мени «Чўлпоннинг думи», «Усмон Носирнинг дўсти», «Буржуа олими Эйхенбаумнинг китобларини ўқийди» қабилидаги жумлалардан тузилган аризаси ўқиб эшиттирилди. Мирвоҳид билан дўст тутинганимга бир ойча бўлганди, холос. У уйимга тез-тез келиб турди, боримизни бирга баҳам кўрдик, шеърят, ижод, адабий мерос ҳақида баҳс кўрдик. Мирвоҳид кўпинча бизникида ётиб қолар, суҳбатларимиз тонггача давом этарди.

Уша кунлари Чўлпон, Усмон Носир, яна бир қанча машҳур олим, ёзувчилар бирин-кетин қамалиб кетдилар. «Ёш ленинчи» газетасида Туйғуннинг «Жўшқин лирика ниқоби остида зараркунандалик» сарлавҳали бир подвал мақоласи босилди. «Подвал»нинг луғавий маъноси — «ертўла». Гарчи саҳифанинг тагида лўнда қилиб бериладиган мақола матбаачилар тилида «подвал» деб аталса ҳам, бу сўздан ўша мудҳиш 1937 йилда инсон баданида чумолилар ўрмаларди...

Мақолада қуйидаги учта савол қўйилган ва буларга жавоблар берилган:

— Нега Ҳамид Фулом доим Усмон Носир билан бирга юради? Чунки, у — халқ душмани Усмон Носирнинг думи.

— Нега Чўлпон Ҳамид Фулом шеърларини мақтаган? Чунки, у — Чўлпон билан маслакдош.

— Нега Ҳамид Фулом «Тун лирикаси» сарлавҳали шеърида маъшукани чироққа, ошиқни парвонага ўхшатган? Чунки, — пессимист шоир...

Хулоса — мақоланинг сарлавҳаси: «Жўшқин лирика ниқоби остида зараркунандалик».

Комсомол аъзолигидан ўчиришган ўша йиғилишда Пединститутдаги Адабиёт тўғарагига Усмон Носирни бир неча марта олиб келганим, ўзбек тили ва адабиёти группасидан Рус тили ва адабиёти группасига ўтганим каби фактлар ҳам келтирилиб, «гуноҳим» яна ҳам бўрттириб кўрсатилди. Йиғилишда менга сўз бермадилар. Шундай бўлса ҳам, ўрнидан туриб, овозим борича қичқирдим: — Борис Михайлович Эйхенбаум буржуа олими эмас! У ленинградлик профессор, «М. Ю. Лермонтов» номли китобнинг муаллифи!

«Халқ душмани думи»нинг сўзига ҳеч ким қулоқ солмади. Шунда мухтарам домлам, Рус тили ва адабиёти факультетининг декани Николай Трофимович Бенедиктов сўзга чиқиб, менинг фикримни тасдиқлади. Лекин, Мирвоҳид каби нодонлар уни беҳурмат қилдилар: бақириб-чақириб, ҳуштак чалиб, йиғилишни чайқовбозорга айлантирдилар...

Поезд юришини тезлаштирди.

Бир оз ором олган кўзларимни очдим. Деразадан Занги ота қишлоғининг оппоқ адл теракзорлари сузиб ўта бошлади...

4. КЎЗЛАР

Мен у кўзларни бир марта кўрганман. Бундан эллик уч йил аввал Шайхонтоҳурда, Тарновбоши маҳалласида, дўстим Абдулфорихнинг уйида, ўн беш ёшимда...

Мана энди, орадан эллик уч йил ўтгач, шу кунларда Тошкентнинг Инқилоб хиёбонида метродан чиқибоқ Союзпечать дўконини кўрасиз. Шу дўконда қотмадан келган, хуштабиат, хушмуомала нуроний қария газета-журналлар сотиб ўтиради. Абдулфорих ана шу киши бўладилар. Ёзувчиларни яхши танийдилар. «Литературная газета», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» сингари бозори чақон нашрларни пананага яшириб, қаламкашларга пинҳоний узатадилар...

1935 йилнинг кузи. Мен Форобий мактабини битириб, Индустиал рабфакка ўқишга киргач, курсдошим Абдулфорих билан тез кунда иноқлашиб кетдим.

Бир куни у мени уйига таклиф қилди.

Тарновбошида ички-ташқи ҳовлида туришаркан: ички ҳовлида унинг отаси, дўппидўз Абдуқодир амаки, қосиблар орасида машғул «Амак»нинг оиласи; ташқи ҳовлида Амакнинг укаси, Тоштрам ишчиси Абдумалик аканинг оиласи. Амак ипақдай мулоим, ширинсўз, хушфеъл одам. Касбкори дўппидўзлик бўлгани учун ўзи ҳам, хотини ҳам, болалари, хуллас, хонадондаги катта-кичик ҳамма шу ҳунар билан машғул: биров гулчи, биров чокчи, Амакнинг ўзи қолипчи. Чунончи, мен билан суҳбатлашиб ўтирибдилар-у, қўллари ишда: тайёр дўппиларни қолиплаш билан машғул.

Тарновбоши билан Биринчи Арпапоя оралиги атиги икки чақирим. Амак менинг бобом Мулла Фуломни танишлигини, ҳатто 1921 йилда, 24 ёшида вафот этган дадам Убайдуллани ҳам билганлигини ҳикоя қилади, ўқишимни суриштиради, Абдулфорих билан дўстлашганимдан мамнунлигини айтади.

Биз айвонда, хонтахта атрофида, юмшоқ духоба кўрпачаларда ўтирибмиз. Ҳовлини кесиб ўтган ариқ бўйида садарайҳон, ошрайҳон, ҳожирайҳонлар, хино, ўсмалар гуркираб ўсган, хушбўйлари димоғни чоғ қилади.

Ташқари ҳовлидан ичкари ҳовлига очилган якка қават эшикдан ўн тўрт ёшлар атрофидаги, ҳаворанг гулдор кўйлақда, тимқора қуюқ сочини қирққокил қилиб майда ўрган кўркамгина қиз кириб келди-да, айвонда ўтирганларга, яъни бизга таъзим ила салом бергач, ҳовли этагидаги ошхонага — аёллар ёнига ўтиб кетди.

Қизнинг кўзлари мени ҳайратга солди. Бетакроп мунис, шахло кўзларда чуқур бир мунг, маънолик бор. Қиз кириб кетган ошхона томонга кўчма тикилиб қолганимни сезган Амак:

— Укам Абдумаликнинг қизи Манзура, — деб мени жиёни билан ғойибона таништирган бўлди. — Онаси суҳсур жувон эди, тандирга нон ёпаётганида сочи ёниб, қийналиб қаза қилган... Манзура энди ўгай она қўлида... Барака топкур яхши аёл экан, Манзурани ҳам ўз фарзандларидай кўради...

Қулоқларим Амакнинг сўзларида-ю, кўзларим ҳовли этагида, райҳонлар гуркираб ўсиб турган ариқ бўйларида, ошхона томонда...

...Орадан икки йил ўтди. Биз Абдулфорих билан бирга Индустиал рабфакни тамомладик, кейин Индустиал (Политехника) институтига кирдик, лекин икки йилча таҳсил кўргач, дўстим ўқишни ташлаб, дадасининг ихтиёри билан уйланди-да, дўппидўзлик касбига машғул бўлди. Мен эса, шоирликни ҳавас қилиб, ўқишимни Пединститутга кўчирдим.

Энди бўлса, мусофирлик бошимга тушди.

Бадарға.

Ҳеч кимни айбламайман: мен ўзимни ўзим бадарға қилдим.

Вагон деразасидан Занги отанинг тун пардасига уралаётган адл оқ теракларига тикиламан. Кўзларимга ёш қалқиб қақади. Айрилиқ... Хаёлимда мунгли, мунис кўзлар жонланади...

5. АБДУЛҲАЙ ҲАЙДАРИЙ КУЛБАСИДА

Икки кечаю кундуз лўлилар билан улфатчилик қилиб, онамнинг патирларию пишириқларини еб тугатдик. Учинчи кун қоқ пешинда поездимиз сўнгги бекатга келиб тўхтади. Кун очиқ. Қуёш вокзалнинг бир қаватли кўкиш биноси тепасида ёрқин чарақлайди. Бироқ, изғирин юз-кўзларни ялайди, кўкракни ачитади.

Вокзалдан шаҳарга битта кенгина йўл олиб борар экан. На автобус, на трамвай бор. Ҳамма чамадону тугунларини кўтарганча шаҳар томон яёв йўл олди. Менинг шошадиган жойим йўқ. «Беда-нанинг уйи йўқ, қаерга борса пипилдик...»

Оломонга кўшилиб, катта йўл ўртасидан юриб бораётганимда чап томонда, дўнгликда қаққайиб турган дўкончага кўзим тушиб қолди. Дўконча пештахтасига эски-туски матолар, бўш шишалар уюб қўйилган, пештоқиға уч-тўртта тулки териси осилган.

Утиль дўконининг ичида паст бўйликкина, кўқон дўппилик йигитча кўринди. Мен ҳамроҳларимдан орқароқда қолиб, дўкон томонга бурилдим ва унинг олдиға келиб, ўзимдан тўрт-беш ёш катароқ дўқондорға қўл қовуштириб таъзим қилдим:

— Ассалому алайкўм, мулла ака, ҳорманг!

— Ваалайкўм ассалом, меҳмон, қани дўконға марҳамат!

Дўкон ёнидаги фанер эшикча очилди. Мен эгилиб, дўкон ичиға базўр кириб олдим. Кўришдик. Танишдик. Шара-бара топширувчилар йўқ. Бозор касод. Вақтимиз бемалол.

Абдулҳай асли кўқонлик бўлиб, унинг дадаси Ҳайдар ака чорсулик машҳур тандирсоз экан. Унинг машҳурлиғига боис шулки, узоқ-узоқлардан, ҳатто Помир томонлардан келтириладиган махсус тупроқдан катта новвойхоналар учун тандир ясаркан. 1930 йилда Ҳайдар акани «кўп пул топшида» айблаб, қулоқ қилишибди... Тандирсоз ўша йили қазо қилган хотинини Шайхон қабристонига кўмгач, ёлғиз ўғли билан шаҳарни тарк этибди...

— Етти йилдан бери шу шаҳарда яшаймиз. Дадам масжидда қоровул. Бироқ, яқинда унинг касбини кимдир ифшо қилган. Шаҳар новвойхоналарининг буюртмаларини бажара бошладилар. Ҳали борганимизда кўрасиз...

— Мен бирорта ётоқхонаға ўрнашсаммикан девдим... — Абдулҳайдан узр сўрадим.

— Бе! — Абдулҳайнинг отбашара чўтир юзида, филт-филт этиб турган дардли кўзларида ранжиш аломати шундоққина билинди. — Тошкандай улғу шаҳардан келасиз-у, мусофирлик дардини тортасизми? Ҳамюртларни айтамыз, дилдан суҳбатлашамиз.

— Улар кўпми?

— Ҳа, ҳаммамиз — «қулоқ болалари»... — Абдулҳайнинг йирик қора кўзлари яна филтиллади. — Қирқ улфатмиз. Биримиз иморатсоз уста, биримиз муаллим, яна биримиз мен каби утилчи... Меҳнатимиз туфайли кун кўриб юрибмиз. Дорилфунунда, билим юртларида бемалол ўқиб юрган ўзбек талабалар ҳам оз эмас.

Мен Абдулҳайнинг таклифини қабул қилдим. Мезбоним чамамда дўконини ҳар кунгидан эрта-роқ ёпди. Вокзалдан Мактаб шаҳарчасигача чўзилган Ленин номли кенгина кўчадан уч қақиримча юриб боргач, чапға — Душанбенинг эски маҳаллаларидан бириға кирдик. Махсат минораси ва ланг очиқ дарвоза кўзга ташланди. Дарвозадан киргач, кенг саҳн ўртасидаги тиниқ суви ботаётган қуёш шуъласида йилтиллаб турган ҳовуз лабида таҳорат олиб ўтирган жиккаккина чолға кўзим тушди.

— Дадам, — деди Абдулҳай.

Ҳовуз орқасида, тепароқ жойда гумбаз шаклидаги якка уй қўнқайиб турибди. Пастаккина эшиги, мўъжазгина деразаси бор.

— Тандир уй... — изоҳ берди Абдулҳай. — Дадам ясаган... Дада, Тошкентдан меҳмон!

Ҳайдар ота ҳовуз лабидан туриб келди-да, мен билан қучоқлашиб кўришар экан:

— Хуш келибсиз, меҳмон — атойи худо, — деб дуо қилди.

Гумбаз эшигидан кирдик. Шундагина мен ташқаридан гумбаздай кўринган уйнинг аслида улкан бир тандир эканлиғига ишонч ҳосил қилдим. Гумбазнинг девори юпқа, заранг, чертсангиз — жаранглайди, тепсангиз — даранглайди, лекин синмайди — метиндай мустаҳкам.

Гулдор патак наमत устиға қўйилган хонтахта атрофига ўтиришгач, бир-биримиздан ҳол-аҳвол сўрашдик. Абдулҳай чироқ ёқди, дастурхон ёзди, чой дамлади. Ҳайдар ота хуфтон намозини ўқиб келиш учун масжидға чиқиб кетди.

— Меҳмон, йўлда чарчамадингизми? Ҳамюртларни шу бугунға айтайми? — ийманибгина сўради Абдулҳай қаршимда чўккалаб ўтираркан.

— Шошилманг, — мен ундан илтимос қилдим. — Бу шаҳарда анча фурсат бўлсам керак. Дўстларингиз билан танишиб олмоғимға вақтимиз бемалол...

— Меҳмоннинг истаги — қонун...

Абдулҳай билан иккимиз ҳозирча исмиимизни қаерданлиғимизни биламиз. Яна менға мезбонимнинг утилчилиғи дадасининг тандирсозлиғи маълум. Абдулҳай эса, менинг исминигина билди.

— Абдулҳамид...

Лекин, мен унинг бахтсиз ишқ фидойиси, нозиктаъб шоир Ҳайдарий эканлиғини кейинчалик билиб оламан. Менинг кимлигим, бошимға ёққан маломатлару мусофирчиликни ихтиёр этганлигим сабаблари кўқонлик ошнамға кейинчалик аён бўлади. Ҳозирча эса, афтода йигит меҳмон кутаётганидан мамнун, мен эса, бир кечаға бўлса ҳам, бошпана топганимдан шодман...

6. ВАРЗОБ ҚАЙНАЙДИ

Ҳайдар отанинг тандир — уйида бир неча кун тунаб юрдим.

Саҳар паллада уччовлон нонушта қиламиз, кейин Ҳайдар ота масжид айвонию тун бўйи ҳазон қоплаган ҳовлисини супуришға киришади, Абдулҳай утиль дўконига кетади. Мен уни ярим йўлгача кузатиб қўйгач, Ленин кўчасидаги почтамтға кириб, узун стол ёнидаги бўш курсилардан бириға ўтирман-да, онамга хат ёзаман.

Тожикистон пойтахтига соғ-саломат етиб келганлигим, Абдулхай исмли шоиртабиат йигит билан танишганлигим, унинг меҳрибон отаси Ҳайдар тандирчининг уйида ётиб юрганним, шаҳарнинг ободлиги: айниқса, Варзоб дарёси қирғоғидаги сайлгоҳлар ҳақида ёзаман. Албатта хатни лотин алифбосида ёзаман. Нега десангиз, арабчага моҳир бўлган, бир вақтлар маҳалла қизлари учун уйимизда очилган мактабда «отин ойилик» қилган онам лотин алифбосини билмайди. Укам Саиджон эса Жомбойда. Демак, онам хатни дўстим Абдулфорихга олиб боради. Абдулфорих эса, эртдан кечгача Чорсуда, дадасининг дўппи дўкончасида. Кўрибсизки, Тарновбошидаги ҳовлида менинг онамга мактубимни ўқиб берувчи фақат Манзура...

Манзура бу йил Эски Жўвадаги Педбилимюртининг учинчи курсига ўтган. Мен уни бундан бир ҳафта аввал Абдулфорих ва Абдуқодир амак билан хайрлашиш учун уйларига борганимда иккинчи марта кўрганман. Анча кўзга кўриниб қолибди... Онамнинг хатни унга, фақат унга ўқитишга ишончим комил; шунинг учун қизнинг нозик дил торини чертиши мумкин бўлган, чунончи: «ойижон, сизларни (сизни эмас!) соғиндим», «мусофирлик жонимга тегди», «ўзгаларнинг юмшоқ болишидан ўз уйимнинг қаттиқ тоши яхши», «менинг хатларимни сизга ўқиб берувчиларга алоҳида салом ва ташаккур...» каби ибораларни сатрлар орасига қистириб кетаман...

Варзоб дарёси шаҳар четидан оқиб ўтади. Унинг қирғоқларида оромгоҳлар кўп. Чунончи, Истироҳат боғи, дам олиш уйлари, пионер лагерлари... «Союзпечать» дўконидан бир даста газета, нон дўконидан битта сўлки оби нон сотиб оламан-да, шаҳардан ўша томонга чиқиб кетаман. Дарё бўйлаб юқорига, уч-тўрт чақирим нарига боргач, биронта бўш скамейкага ўтириб, мутолаага бериламан. Рус тилидаги газеталарни бемалол ўқийман, тожик тилидаги мақолаларни тусмоллаб кўздан кечираман, тушунолмайман. Ўзбек тилидаги қундалик газета — «Қизил Тожикистон»ни номидан то муҳаррир Мулложовнинг фамилиясигача синчиклаб ўқийман, қандайдир даҳшатли воқеалар, мудҳиш фожиалар ҳақидаги хабарларни қидираман, лекин тополмайман: дунё тинч, осмон ағдарилиб ерга тушгани йўқ; Вахш водийсида пахта мўл бўлибди; Мактаб шаҳарчасида дорилфунун биноси қуриляпти; Тўқимачилик комбинатида пойдевор қўйилибди... Чегарада ҳам сукунат, агар кеча қўлга тушган битта жосуба ҳисобга олинмаса...

Варзоб бизнинг Чирчиқни эслатувчи, тоғдан шовқин-сурон билан ҳайқириб туриб келувчи дарё... Суви тиниқ, чучук. Очиққанимда оби нонни шу сувга бўктириб ейман, чанқаганимда шу лаззатли, мусаффо сувдан шимираман. Бир томондан соғинч, яна бир томондан бетакрор табиат сеҳридан юрагим ҳаприқади, орзиқади, шеър бита бошлайман:

**Душанбанинг нақ теласида,
Яшил тоғлар кўланкасида
Варзоб қайнайди.
Тошни тошга уриб, қутуриб,
Тўлқинлари олпоқ кўпириб
Варзоб қайнайди,
Дилим ўйнайди.**

**Ешлигимга ўхшайди дарё,
Тойчоқ каби кишнайди дарё,
Мангу бетиним.
Танасига сиймайди жони,
Шовқинидан безор ўзани,
Менинг шўх иним,
Мангу бетиним...**

Ўзимни буткул унутаман. Қаердаман? Бу ерларга нега келиб қолдим? Ҳов, тоғ бағридаги шийпонда ўтирганлар кимлар? Ҳайқирӣқ тўлқинлар оқизиб келаётган шох-шаббалар қайси боғлардан? Соҳилда, бир тўп қўйлари ёнида таёғига суяниб турганча ўз тилида мунгли қўшиқ айтаётган чўпон йигитнинг дарди нима?..

Фақат Варзоб ҳақида ўйлайман:

**Қуёш унга шўнғиб қалқийди,
Лава каби сапчиб балқийди,
Ўт ютади сув.
Ичи тўла олов, аланга,
У порлайди бутун оламга;
Нурафшон, сулув,
Ўт ютади сув.
Менинг нотинч юрагимга ҳам
Ҳаёт шундай сингарди кўркам,
Шовқинли, ўтли.
Худди қуёш каби ёлқинли,
Худди Варзоб каби шовқинли,
Шуъладай қутли,
Шовқинли, ўтли...**

Шеърга нуқта қўйдим-у, дилимда аллақандай бир ўксиклик сездим — ёлғизлик жонимга теккан бўлса керак. Поезддаги лўлилар, утилчи Абдулхай, тандирсоз Ҳайдар ота — ажойиб одамлар. Мен улардан миннатдорман. Лекин, касбдошларимни кўришим керак: «Қизил Тожикистон» редакциясига бораман. Ўзимни танитаман. Шеъримни кўрсатаман...

Ноумид шайтон.

Тинимсиз қайнаб, қирғоқларини ямлаб, тошиб оқаётган дарё бўйлаб, тепада уйлари, деворлари оқариб кўринаётган шаҳар томон аста юриб бораётиб, «ҳой, шеър ёзма, шоирлик — савдойи-

лик, охири вой бўлади!» — деб мени қайта-қайта огоҳлантирган бобомни ва менга йиғлаб-йиғлаб оқ йўл тиланган онамни эслайман, нечундир ўпкам тўлиб, кўзларимга ёш қалқиб келади.

Олтин куз. Мусаффо ҳаво. Бир маромда шовуллаб оқётган тоғ дарёси — афсонавий Варзоб. Кўнглим нурли ҳисларга тўлади. Уйимни, онамни, Жомбойнинг аллақайси нотаниш қишлоғида ишлаб юрган укам Саидни эслайман, соғинаман.

Қирғоқдан тепаликка бурилиб, яккооёқ йўлдан дадилроқ қадам ташлайман. «Дунёда яхши одамлар кўп. — Шу ишонч менга далда беради. — Шояд ўшалардан биронтаси мени қўллаб юборса!»

Шундай умид билан қадамим беихтиёр тезлашади...

БОБОМ

Бобом бирдан ўзгариб қолди.

1925 йилнинг кузи — октябрь ойининг сўнгги кунлари. Ёмғир тинмай қуяди. Айвон тоқчасидаги миҳга илинган радио карнай хириллайди: на сўзни, на музикани англаб бўлади. Карнай тагида — тоқчада чилим турибди. Узун носқовокдан ишланган сапсарик чилим. Бу — янгилик. Мактабдан келиб оқ кўзим шу нарсага тушди. Жилдимни хонтахта устига отиб, ёмғирда жиққа хўл бўлган пахталик калта чопонимни ечдим-да, деворга қоқилган қатор қозиқлардан бирига осганча уйга толдим:

Бобом қаерда?

Укам Саид қаерда?

Нега ҳовли кимсасиз, жимжит?..

Онам ҳали ишдан келмаган. «Қизил тонг» фабрикасида биринчи смена соат учда тугайди. У то уйга етиб келгунича тўртдан ошади. Уйга, мактабхонага, ошхонага, оғилхонага кириб чиқдим. Бобом ҳам, Саид ҳам йўқ. Балки, бобом укамни етаклаб, маҳалла гузарига чиқиб кетгандир.

Қорним оч, Яна мактабхонага кирдим.

Мактабхона — бу, онам маҳалла қизларини ўқитиб юрган мўъжазгина уйимиз. Уч йилдирки, қизлар Форобий мактабига қатнайдиган бўлишди. Мактаб мудири Турсунхўжа афанди онамни муаллималикка таклиф қилди. Лекин онам ҳеч қаерда ўқимаганини, саводини ўз уйида — бувим кўлида чиқарганини, янги мактабда муаллималикни эплаёлмаслигини айтиб, мударимизнинг таклифини рад этди-да, тузуккина чевар бўлганлиги учун фабрикага ишга кириб кетди. Шу-шу қизлар ўқиган уйимиз «мактабхона» номига эга бўлиб қолди.

Эндиликда бу уйда озиқ-овқат сақланади: катта хумда ун, кичикроқ хумда — эритилган қўй ёғи, уч-тўрт қоп гуруч, шипга қоқилган илгакларга осиглиқ сур пешноб, қазилар... Тоқчалардаги ўроғлиқ дастурхонларда — янги ёпилган жиззалик нон, ёғлиқ патирлар...

Онам ҳар куни ишга қатнаса ҳам рўзгор ишларини қилишга улгуради: уй-айвон, ҳовли-йўлақлар ёғ тушса ялагудай; кечки таомлар бир-бирдан лаззатли. У ҳар куни нима овқат қилишни бобомдан сўрайди, бобом эса, мен билан Саиддан сўрайди: дадасиз ўсаётган набираларининг кўнглини кўтармоқчи бўлса керак...

Тоқчадаги дастурхонлардан бирини очиб, жиззали нондан бир бурда ушатиб олдим-да, чайнай бошладим. Катта чойнакнинг жўмрагидан совуқ чойни хўплаб-хўплаб қўяман, ўйлайман: чилим қаердан пайдо бўлди? Ё, бобом чекабошладими?

Яна айвонга қайтиб келдим. Қовоқнинг ингичка белидан кўтариб кўрдим: чилим вазмингина, демак, сув тўлдирилган, сархонасини ушлаб кўрдим: илиқ. Демак, бобом яқиндагина чилим тортибди...

Бу янгилик мени гангитиб қўйди.

Мен илгари ҳам эркакларнинг чилим чекишганини кўрганман. Ташқари ҳовлимиздаги болаҳонада меҳмонлар йиғилишган оқшомлар ошдан кейин, чой ичиб ўтиришганда чилим чекишарди. Лекин, бобомнинг тамаки тутунига тоқати йўқ, то кашандалар хуморини ёзгунча бобом болаҳонадаги очиқ айвонга чиқиб, ўзи каби чекмайдиганлар билан сўхбатлашарди. Тўғри, кейинги кунларда бобомга оғир бўлди: у Бектемир қишлоғидаги беш ботмон ери, каттагина қўрасини Шўрога топширди. Ҳа, ўз ихтиёри билан топширди! Бунга онам, мен ва тўрт яшар укам Саид гувоҳимиз.

Шу кўклам, мартнинг ўрталари бўлса керак, ёмғир худди шу бугунгидай шаррос қуйиб турган кунларнинг бирида бобом кечки овқатдан кейин, ҳовли бурчагидаги ўз уйида, яъни мен ҳозир чилимни томоша қилиб турган, айвондан қўшқават нақшин эшик орқали кириладиган хонасида онамни, мени ва Саидни олов бозиллаб турган танча атрофидаги кўрпачаларга ўтқазиб, мақсадини батафсил тушунтиришга киришди.

Бобомнинг сўзларидан шу нарсани тушундимки, бундан олти йил аввал унинг катта ўғли, яъни менинг дадам Убайдулла вафот қилганидан кейин у Чирчиқ тўғони қурилишидаги ишбошилик вазифасидан истеъфога чиқибди. Уша ерда кўп йиллар давомида ишлаб ортдирган маблағи ҳисобига фотиб олган беш ботмон ерини, қурган қўрасини ўз ихтиёри билан Шўрога топширишга қарор берибди. Бобомнинг бундай қарорга келишига асосий сабаб, у ерда ишлашга кучи йўқлигидир. Бутун умиди ғайратли, уддабурро Убайдулладан бўлган, энди эса у йўқ... Иккинчи ўғли Насрулло эса, том маънода муллавачча — китобдан бошини кўтармайди, у ҳозир Тўйтепада очилган янги мактабда дарс бeryпти. Шаҳарга келиб ишлашга нечундир ҳаваси ҳам, тоқати ҳам йўқ.

— Такасалтанг! — деб дағдаға қилди бобом.

Мен билан Саид ҳеч нарсани тушунмасак ҳам бобомнинг сўзига ҳиринглашиб кулдик. Бобомнинг ягона қизи, яъни менинг аммам Тожиниса отинча — уйимиздаги мактабда онамнинг ёрдамчиси бўлган. Тожиниса амаки бувамиз Абдурахмон зиқнанинг катта ўғли Абдуллага узатилди-ю, жимиб кетди.

То бобом билан Саид гузардан келгунларича айвондаги хонтахта ёнига тиз чўкиб, бугун Турсунхўжа афанди уйга берган дарсимни тайёрлаб олишга қарор қилдим. Лекин, жилдимни очган ҳам эдим, Саид ҳовлига югурганча кириб, чучук тил билан:

— Юл! Бувам чақилвоттила! — деб бақирди.

Дарс дарслигича қолди, ташқарига чопиб чиқдим.

Оёқларида маҳси-калиш, устида эски чакмон, бошига телпагини бостириб кийган бобом дар-

возаси ланг очик мўъжазгина ташқари ҳовлида саман отни файтонга қўшаётган экан. От бошини эгнган кўзлари жовдираб турибди.

— Ассалому алайкум, буважон! — Одатим бўйича қўл қовуштириб салом бердим.

— Ваалайкум ассалом, мулло бўлинг!

Бобом мен билан ҳам, Саид билан ҳам сизсираб гаплашади. Фақат биз билан эмас, ҳамма билан — онам, аммам, катта-кичик қўни-қўшнилар билан ҳам, ҳатто маҳалламиздаги кимсасиз, ғариб кампир Қутби хола билан ҳам сизсираб гаплашади. Ҳар жума бир халта дон-дун, қанд-курсларни қўшни кампирниқига бобом ўзи олиб кириди, унинг айвонидаги сандал ёнида ярим-бир соат суҳбатлашиб ўтиради, албатта Саид билан мен ҳам бобом ёнида бўламиз. Бобом аввал кампирдан ҳол-аҳвол сўрайди, унинг бундан тўққиз йил аввал мардикорликка олиб кетилганча дараксиз йўқолган ўғли Тоштемирни эсга олади, мақтайди:

— Азамат йигит Тоштемир! Юрса ер гурсилларди! Бир кун жангобда курашда кўрганман уни. Аҳмад полвонни даст кўтариб, ерга ёпиштириб қўйди. Бунақа йигитлар тегирмондан ҳам бутун чиқади. Умидсиз шайтон... Балки, бир кунмас-бир кун келиб қолар. Умидингизни узманг, опа! Қутби кампир бобомни, бизни дуо қилади, сандалга бошини қўйганча унсиз йўғлайди...

— Бектемирга борамиз! — деди бобом файтонга қўшилган саман отнинг бошини силар экан. — Сизларга Чирчиқни, Қумовулни томоша қилдираман. Утап амакининг кўрасида меҳмон бўламиз.

Утап амаки деганда кўз олдимда бўйи шипгача етадиган, елкалари кенг, қўллари узун баҳайбат одам гавдаланади. У отга минганда отнинг бели майишади. У бултур Бектемирдан бир арава гурунч олиб келганда тиқин қопларни икки қўлтиғида иккитадан кўтарганини ўз кўзим билан кўрганман.

Мен уларнинг қадрдонликларини шундан биламанки, эшитишимга қараганда икковлари Чирчиқдаги тўгон қурилишида бобом — мухандис, Утап амаки — карвонбоши, яъни тош-шағал, шохшабба ташийдиган аравакашларга бош бўлиб, қирқ йилча бирга ишлаганлар. Уларнинг Бектемирдаги еру кўралари ҳам туташ. Бобомнинг ери беш ботмон, кўраси катта; Утап амакининг ери икки таноп, кўраси кичик, лекин болалари кўп: тўққиз ўғилу етти қиз!

Бобомнинг қизиқ одати бор: мен билан Саидни рўпарасига ўтқазиб, худди катта одамлар билан маслахатлашгандай маслахатлашади. Чунончи:

— Мулла Абдиҳамид! Мулла Абдисаид! Бектемирдаги еримиз ишловсиз, кўрамиз яшовсиз қолиб кетмаслиги учун уларни ўша ердаги муҳтож одамларга топширсакмикин?

Биз ҳеч нарса тушунмаймиз, бобомизнинг оғзига тикилганча ағрайиб турамыз.

— Чунончи, Утап амакингиз... Кам ер деҳқон, аммо кучи кўп: ўн олти боласидан тўққизи камолга етди. Деяйлик: биз еримиз билан кўрамизни Утап амакингизга бердик: ул ернинг ҳам жонини киритади, кўрани ҳам обод қилади. Хўш, нима дейсизлар?

Нима дердик? Бобомиз нима деса, биз шуни деймиз.

Утап амаки ўтган ҳафта яна келиб кетди. Бобом уйининг токчасидаги қутидан олган аллақандай ҳужжатларга ерни топшириш ҳақидаги аризасини қўшиб, ундан бериб юборди.

Бугун эса, Бектемирга биз ўзимиз кетяпмиз.

Бобом осмонга қараб-қараб қўяди, ёмғир пасайиб, кун ёриша бошлаганини кўриб:

— Хайрият, — дейди кулранг, калта соқол ярашган юз-иягини силаб. Кейин менга ўйчан тикилганча сўрайди: — Бўталок, онангиз келишини кутаёмизми, ё йўлга чиқаберамизми?

Мен Саидга, Саид менга қарайди, иккимиз бобомизга мўлтираб кўз соламыз.

— Қутсак бўлади-ю, бироқ қоронғига қоламыз. — Бобом файтоннинг соябонини кўтаради. — Уйчи ўйига етгунча йўлчи манзилига етади. Қани, чиқинглар!

Саид иккимиз файтонга осилиб чиқиб, чарм қопланган таранг ўриндиққа ёнма-ён ўтириб олдик. Бобом ичкари ҳовлига кириб кетди. Айвон токчасидаги чилим кўз олдимда жонланди. Ҳойнаҳой, бобом чилим тортиб, хуморини ёзаётган бўлса керак.

Очиқ дарвозадан файтон қўшилганини кўрган қўни-қўшнилар йўғилабошлашди. Бошлаб ака-ука Султон ва Нишон аравакашлар гап қотишди:

— Йўл бўлсин, муллалар, ёмғир тинмай, қайга?

— Оббо, азаматлар-ей, Бектемирга борсаларингиз керак, ҳойнаҳой?

— Ҳа, Бектемирга! — пинжимга кирган укамнинг елкасидан қучганча жавоб бераман.

— Сафарингиз бехатар бўлсин! — аравакашларнинг отаси Тўхтабобо қўлларини очиб дуо қилади.

Шу пайт бобом ичкари ҳовлидан чиқиб келди-да, қўшнилар билан саломлашгач, отнинг юганидан тортиб, файтонни кўчага олиб чиқди.

— Жиян, — деди у дарвозани ёпишга кўмаклашаётган Нишонга, — ҳали замон опангиз келиб қолади, бизнинг Бектемирга кетганимизни айтиб қўйсангиз.

Бобом файтонга чиқиб, Саид билан менинг ўртага ўрнашиб ўтираркан, жиловни тортиб, саман отга:

— Чу! — дейиши билан жонвор олға интилди...

Йўл — томоша: Уқчи гузари гавжум. Молини ёйган дўқондорлар, одам тўла чойхоналар, темирчиликнинг дақ-дуқи... Кейин, Пиёнбозор: узундан-узун расталари, магазинлари, кўк бозори-ю, арғимчоқлари... Файтон шовқин-суронли бозор чеккасидаги серҳаракат, тиқин йўлдан ўтгач, ҳаракат сая сийрақлашиб, бемалол олға интилди.

Ёмғир тиниб, булутларни парчалаган тиниқ осмон кўринди. Йўл чанги босилган, фидираклар шириллаб текис айланади, салқин ҳаво танга ором бағишлайди. Уйимиздан то шу ергача файтонни индамасдан ҳайдаб келаётган бобом Бектемир анҳорининг кўпригидан ўтишимиз билан:

— Утапвой бизни шу ерда кутиши керак, — деди-да, от жиловини тортиб, файтонни йўл ёқасида тўхтатди.

Саид билан файтондан сакраб тушдик-да, лойқа суви тўлиб оқаётган ариқ бўйида бир-биримизни қувлаша кетдик. Йўл ёқасидаги тол шохига пастаккина тўриқ ахтасини жиловидан боғлаб қўйган Утап амаки бобомни файтондан суя туширди-да, икковлари елка қоқиб қўришишгач, тик оёқда турганча анчагина суҳбатлашишди.

Биз йўл бўйида чопача-чопача, оёқларимиз чигилини ёзгач, суҳбатдошлар ёнига келдик. Утап амаки

иккимизни икки қўлига даст кўтариб, бағрига босиб эркалади-да, юз-кўзларимиздан ўпиб, суйди:
— Ойнонайин тойчоқлардан!.. Бахитли бўлингиз, бўз йигиттер!

Бобом, Саид ва мен файтонга чиқдик. Утап амаки ахтасига миниб, сўл ёнимизга ўтди. Бектемир гузари томон йўл олдик. Мен бобомнинг Утап амаки билан нима тўғрисида сўзлашганини билмасам ҳам, лекин унинг шу суҳбатдан кейин хомуш тортиб қолганини, иякларини силаганча аллақандай оғир ўйга толганини сездим...

Йўлнинг икки ёнида мирзатераклар қаққайиб турибди. Чирчиққа яқин бу қишлоқдаги йўлни ҳам бобом очдирган, теракларни ҳам бобом экдирган. Тўқайларни ҳам Утап амаки каби азаматлар бобом раҳбарлигида зовурлар очиб, қамишларни ёқиб, қуритишган. Биров Қумовул, биров Қумқишлоқ деб атайдиган қишлоқ шундан кейин пайдо бўлган. Тўғон қурилишида йиллаб ишлаб келаётган одамлар бу ерда янги очилган ерлардан баҳоли қудрат беш таноп, ўн таноп ўзлаштиришиб, катта-кичик қўралар тиклашиб, шоли, каноп экишган, боғ қилишган.

Саид билан биз бу гапларни Утап амакидан эшитганмиз.

Бобом билан Утап амакининг ерлари ёнма-ён. Икки дала ўртасидан битта ариқ ўтади, холос. Бобом файтонни катта йўлдан ўз кўрасига олиб борадиган зовур бўйлаб кетган, қаралмаганидан ўт-ажриқ босиб ётган бошқа бир торгина йўлга бурди. Отлиқ Утап амаки файтон кетидан юрди. Рўпарадаги бир қаватлик баландгина иморат: ўртасида узун айвони бўлган икки уйлик бино — бизнинг кўрамыз. Эндиликда бу кўрада Утап амакининг икки катта ўғли хотин ва болалари билан туришади. Бироқ, улар кўринишмайди — далада бўлишса керак. Айвон олдида Утап амакининг хотини Тозагул хола ўғир янчяпти.

У файтонни кўриши билан ўғир дастасини айвонга ёзилган бордон устига қўйди-да, жўхоризор билан айвон ўртасидаги торгина ҳовлига чошиб тушди ва бобом ёнида ўтирган биз — болаларни кўргач, қувончи тошиб, сайрай кетди:

— Ассалому алайкум, мулла ака! Ассалому алайкум, болажонларим! Вой, мен гиргиттонларимдан айланай!.. Келишларингизни билгандай, талқон янчиб туриб эдим, казир сутга қориб бераман!..

Тозагул хола Саидни файтондан кўтариб олиб, бағрига босиб суйди ва менинг ерга сакраб тушганимни кўргач, укамни айвон пешига қўйиб, мени қучоқлаб, ўпакетди:

— Вой, мен сендан айланай, мулла бола! Худди адасининг нухаси, бул азамат!..

Кейин, ҳаммамиз айвонга чиқиб, Тозагул хола тўшаган кўрпачаларга ўтирдик. Тез орада катта мис самовар шақиллаб қайнади. Дастурхон ёзилиб, серқовоқ зоғора нонлар, товоқларда қаймоқлар келтирилди. Тозагул хола мен билан Саиднинг қаймоқларимизга талқон қориб берди. Маза қилиб едик.

Биринчи бўлиб Утап амаки гап бошлади.

— Тоза — деди у хотинига синчков қоқиб. — Мулла Фулом оғамиз ерини ўз хоҳишиминан топширмоқчи бўлганини саған айтибмидим? Ҳа, жўжабирдай жонлигимизни ҳисобга олиб, оғамиз ерини бизга беришни аризасида ёзганидан-да сенинг хабаринг бор...

— Барака топсин оғамиз, қудай умрларини узун қилсин! — Тозагул хола кўзларига ёш олиб, қўлларини дуога очди. — Набиралари катта бўлсин, оғамиз буларнинг роҳатини кўрсин!..

— Гап бундай, — фотиҳа ўқилгач, Утап амаки хотинига таъкидлади. — Аввало, сен ўзинг дурустроқ кийиниб ол, болаларни-да тоза кийинтир. Қумовул Шўросига борамиз.

Утап амаки билан Тозагул хола болаларини йиғиб келиш учун бобом билан ўзларининг бирига туташ шолিপоялари томонга кетишди. Бобом Саид билан менинг қўлларимиздан етаклаб олди-да, ариқ, зовурлар бўйлаб кездираркан, олмазор, узумзорларни томоша қилдираркан, қумлоқлар, тўқайзорлар ўрнида пайдо бўлган бу обод ерлар — йиллар давомида тинмай қилинган меҳнатнинг махсули эканини таъкидлар, инсон меҳнатисиз ҳаётнинг сўниши муқаррар эканлигини мурғак миямизга сингдирарди.

Кейин, у бизни Қумқишлоқ гузарига бошлади. Яккаоёқ йўлдан яёв кетдик. Мўл ёққан ёмғирдан кейин ер лой. Саид билан менинг этикчаларимиз қўнжигача лойга ботади — базўр қадам босамиз. Бобом алланималарни ўйлайди, қўлларимиздан маҳкам ушлаб судраганча, олдинга интилади.

— Қамчибек ким? — ҳайрон бўлиб сўрайман ундан.

— Бўлис!.. — зарда билан жавоб беради асаби таранг бобом. — У ҳозир қизил бўлиб олган — овул Шўросининг раиси. Аммо... тимсоҳ терисини қанча ўзгартирмасин, тимсоҳлигига қолади.

Мен бобомнинг бунақа сўзларига тушунмайман, унинг тажанг феълини билганим учун бошқа савол бермай, лойга ботиб қолган этикларимни куч билан чиқариб олишга тиришаман...

...Бектемир гузарига етиб келганимизда болахоналик бино олди одамга тўлган, от-аравалар йўл бўйида қатор тизилган: биринчи қаватдаги Ислоом тоға чойхонаси ҳам тирбанд, болахона зинасида милиционерларнинг юлдузтамағалик қалпоғини гўштдор катта бошига сириб бостириб кийган пўстинлик қоровул ҳеч кимни юқорига чиқармай, тор тахтанарвон устида қўдайиб турар эди.

Набираларни етаклаб келаётган бобомни кўрган бир неча киши тўпдан ажраб чиқиб истиқболга интилдилар-да, у билан қўл беришиб, кўриша кетдилар:

— Ассалому алайкум, мулла Фулом ака, хуш келибсиз!

— Набираларни олиб келибсиз-да, мироб тоға, кўп яхши: азаматлар улғайиб қолишибди. Мана бу каттаси худо раҳмат қилгур دادасининг нақ нухаси-я, умри ўхшамасин!

Миси ярқираб турган катта самовар ёнида турган самоварчи Ислоом тоға бобомни кўрибоз биз томонга интилди. Унинг калта соқол-мўйлаби ҳам самоваридай қизғиш-сарик, уйқусизликдан киртайган митти кўзлари филтилларди.

— Келдингизми, мулла Фулом! — Ислоом тоға бобом билан қучоқлашиб кўришди. — Бўлис Қамчибек овул Шўросига катта бўлди-ю, тинчимиз йўқолди.. — Кейин у Саид билан мени бағрига олиб, суябошлади. — Хуш кўрдик, азаматлар! Вой, мен айланай Убайдиллахоннинг тирноқларидан!

Утап амаки бобомнинг ёнига келиб, қўлоғига аста шивирлади:

— Бўлисинг ҳали-бери қўли бўшамайди. Сиз, мулла ака, болахонага чиқаберинг!

Бобом «маъқул» дегандай бошини қимирлатди ва Саид билан менинг қўлимиздан маҳкам ушлаб, тахтанарвондан болахонага чиқа бошлади. Баҳайбат милиционер йўлимизни тўсган эди, орқамиздан кўтарилаётган Утап амаки унга ўшқирди:

— Мулла акани танимайсанми, деви ахраман! Ариқдан сув ичганмисан, ҳуvari!

Милиционер нохуш тўнғиллаб, истар-истамас йўл берди.

Қамчибек оппоққина, кулча юзи йилтиллаб турган сулув бир жувон (овул Шўросининг котибаси Ойхон) билан чой ичишиб ўтирар, ёзув столига ёзилган дастурхон устида нон-патирлару кази-қарталар қалашиб ётарди. У ўрнидан ҳам турмади, бобомнинг саломига алиқ ҳам олмади, аксинча, тиржайиб, арақдан қизарган қисқик кўзларини совуқ тикканча, сўради:

— Ҳа, мулла, нега келдингиз?

— Еримни ихтиёрий топшириш ҳақидаги аризам билан ҳужжатларни Шўрога берганимга бир ойдан ошди...

Қамчибек бобомнинг сўзини шартта кесиб:

— Олдик! — деди ва нафратомуз тикилиб, сўради: — Ҳўш, тагин не хизмат?

— Аризамда беш ботмон еримни расмий равишда қабул қилиб олиб, камбағал деҳқон Утапга хат қилиб берилишини сўраганман.

— Сўровингиз қабул қилинмайди! — Қамчибек ўтирган ерида муштини столга қарсиллатиб урди. — Ерни кимга хоҳласак, ўшанга берамиз.

— Утапнинг ери еримга туташ. Ун олти боласи бор... — Бобом ўта ҳаяжонланар, ғазабини базўр босиб, сўзларди. — Менга Утапнинг кўп хизмати сингган. Биз тўқайни очиб, ер қилганмиз...

— Ана энди туври сўзладингиз, бой! — Қамчибек ўрнидан туриб, чайқалди, йиқилишига оз қолди. Котибаси уни базўр суяб қолди. — Биз сизни кулоқ қиламиз! Қамаймиз! Авахтада чири-тамиз!..

— Бек, ҳаддингиздан ошдингиз! — Шу вақт болахонага чиққан Утап амаки бобом билан унга ҳамла қилган Қамчибекнинг ўртасига туриб олди. — Элимизга сув берган мулла акамизга қўлингизни кўтармангиз! Мен шаҳарга бораман, устингиздан ҳукуматга арз қиламан!

— Бор! Ун марта бор!.. — Қамчибекнинг кўзлари ола-кула бўлиб, энди у Утап амакига хуруж қилди. — Укумат — мен! Арзингни маған айт!..

— Юринг, мулла ака! — Утап амаки бобомнинг қўлтиғидан суяб, хонадан аста олиб чиқди. — Бўлиса сўзлагандан итга сўзлаган маъқулроқ... Э, аттанг, бошимизга бало бўлди беквачча!.. Бобомнинг таъби тирриқ. Чойхона олдида, йўлда бизни кутиб турган Ислом тоға билан совуқ хайрлашиб, мадорсиз оёқлари чалиша-чалиша тош йўлни кесиб ўтгач, орқасидан эргашиб келаётган Утап амакидан сўради:

— Насрилла шу кунларда Тўйтепадан келмадимми?

— Йўқ.

— Биз йўлга чиқайлик, — бобом кўкка қараб, тобора қуюқлашиб келаётган булутларга тикилди. — Яна ёғади, чамамда... Е, тавба! Е, тавба!.. Одамлар бўрига ўхшаб бораётибди. Қамчибекни айтаман, қашқирнинг худди ўзи! Биз, Утапбой, инқилобни, Шўрони бошқача тушунувдик. Ахир, Ленин камбағалпарвар давлат тузган-ку!.. Энди бўлса бойлар, боёнлар, буларнинг болалари тепага чиқиб олишаётибди... Ахир, Қамчибекнинг кимлигини биламиз-ку! Оғзи қон бўри!.. Йўқ, Утапбой, Қамчибек эмас, сиз ва сиз қабилар Шўрога раҳбар бўлишингиз лозим! Насриллага хабар қилинг, Утапбой, яхшиси сиз ўзингиз Тўйтепага боринг! Насриллага айтинг: бу ердаги ишини ташлаб, шаҳарга кетсин, шаҳарда ишласин. Бўлисга ўхшаш йиртқич бўрилар боламини ғажиб юборишидан қўрқаман, Утапбой!..

— Ҳўп, мулла ака, айтганингиздай қиламан.

— Раҳмат, иним!..

Утап амакининг қўрасига яқинлашдик. Айвон олдидаги саҳнда файтон кўринди.

— Биз йўлга чиқайлик, Утапбой, ёмғир қуймасдан етиб олайлик.

— Тозагул сўкоши пишириб қўйган, тойчоқлар ичиб кетишсин, — Утап амаки илтимос қилди. Айвонга чиқиб ўтирдик. Тозагул хола сопол товоқларга сўкоши сузиб келди. Бобом зоғора нон тўғраб, товоқларимизга ташлар экан:

— Олинглар, бўталоқлар! — деб Саид билан мени шоширди. — Йўл олис, қоронғи тушмай етиб олайлик.

— Намунча, ёв қувдими! — Тозагул хола бобомга қаради. — Набираларингиз бир кеча ётишсин, эрта — бозор, Тўйтепага олиб борайлик, томоша қилишсин!

Асаби таранг бобом Тозагул холанинг сўзларига эътибор бермай, сўкошисини хўриллатганча ичиб тугатди-да, йўл устида фотиҳа ўқиб, ўрнидан кўзголди:

— Файтонни қўшайлик!

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Утап амаки файтонни йўлга олиб чиқди. Бобом Утап амаки билан хайрлашатуриб, унга тайинлади:

— Шу бугуноқ бизнинг кўрамизга кўчиб ўтинг, Утапбой! Жўжабирдай жонсиз, ҳеч ким сизни бу ердан жилдиролмайдик.

— Ҳўп, мулла ака, айтганингиздай қиламан, — деди Утап амаки йўл бўйида қўл қовуштириб турганча.

— Энди мен бошқа келолмасман, Утапбой! — Нечундир бобомнинг ҳорғин кўзларида ёш ғилтиллади. — Бўлисинг авзойи бузук, ундан ҳар нарса кутиш мумкин. Мабодо бирон ҳодисот юз бергудай бўлса, мана бу... — Бобом файтонда ўтирган мен билан Саидга ишора қилди, — норасидалардан хабар олиб турарсиз, иним!..

— Худой кўрсатмасин, мулла ака! — Утап амаки от жиловини бобомнинг қўлига тутқазди. — Йўлингизни берсин, оға!

Бобом жиловини силтади, файтон нам йўлда ғизиллаб кетди...

Шаҳар ҳовлига шом қоронғисига етиб келдик. Темурвой бобо (онамнинг отаси) ним очик кўча дарвозаси олдида бўш хуржинни елкасига ташлаганча, энди кетмоқчи бўлиб, онам билан турган экан, тор кўчага кириб келган файтонни кўриши билан чеҳраси ёришиб, ўзини четга олди-да, бизга йўл берди.

Темур бобо (Саид билан мен уни Боғбон бува деб атаймиз) дарвозанинг иккала тавақасини кенг очиб, от жиловини ғулум бобо кўлидан олди-да, файтонни ташқари ҳовлига киритди. Кейин, у бизларни бирин-кетин суяб, авайлаб, ерга тушириб қўйгач, ҳар биримизни бағрига босиб, юз-кўзларимиздан ўпиб, эркалади.

Бўйи баланд, қотмароқ, сал чўзинчоқ юзи оқиш, кўзлари ним қора, ним кўкиш Фулом бобога нисбатан Темур бобомиз бошқачароқ: бўйи ўртачадан пастроқ, буғдойранг кулча юзи сал чўтир, доим синчков тикилувчи тимқора қуралай кўзлари доим кулимсираар, йилтиллаб туради. Фулом бобомиз «Тўппонча полвон» деб ҳазил қиладиган шу тўпори одамдан маҳалла жувонлари орасида ҳуснда ягона, баланд Бўйли, қадди-қомати келишган оймимиз — Қория отин дунёга келганидан мен ҳайрон бўламан.

Темур бобомизнинг уйи Қоратош маҳалласидаги боши берк, торгина Ширин қудуқ кўчасида. Шу қудуқни ўзи қазиган. Эндиликда қудуқнинг чучук сувини бутун маҳалла ичади. «Ширин қудуқ» номини ҳам маҳалла аҳли берган.

Темур бобонинг Аския мазеида бир ярим таноб чамаси чорбоғи ҳам бор. Уйи билан боғчасининг оралиғи — уч чақирим. У ҳар пайшанба шу чорбоғдан Ширин қудуқдаги уйига келади. Келатуриб эса, йўлдан бизниқига албатта, кириб чиқади. Гоҳ хуржинининг икки кўзи тўла маккажўхори-ми, олма-нок, узумми, ёнғоқ-туршакми, ишқилиб, топганини невараларига ташлаб кетади.

Фулом бобомизнинг хотини каби Темур бобомизнинг хотини ҳам дунёдан ўтган. Бироқ, Фулом бобомиз бошқа уйланмай, ҳаётини биз — набираларига бағишлаган бўлса, Темур бобомиз уйланган: кичик бувимиз шоша-пиша бирин-кетин тугиб берган — бир қиз ва бир ўғилнинг иккаласи икки бешикка боғланганча кун-тун ингиллагани-ингиллаган. Темур бобомизнинг болалар йиғисига тоқати йўқми ёки бир оёғи сал оқсаса ҳам ўлғудай танноз кичик бувимизнинг нуқул осмондан келиб, ҳар кунги «у оберинг, бу оберинг», деган инжиқликлари жонига теккани, ҳар қалай жума намозини ўқийди-ю, Аскиядаги чорбоғига жўнаб қолади. Боғда олти кун қаттиқ меҳнат қилгач, топганини хуржунга тикиб, пайшанба оқшоми бизниқига шод-хуррам келади ва кейин Қоратошга тажанг бир аҳволда равона бўлади...

Темур бобо Фулом бобо билан қўл беришиб, елка қоқишиб кўришгач, саман отни файтондан чиқаришга кўмаклашмоқчи бўлганда Фулом бобо:

— Қуда, кўятуринг! — деб уни шахтидан қайтарди. — Уйга кирайлик, маслаҳатли иш бор.

— Хўп, мулла ака!

Иккала бобомиз ичкари ҳовлига қириб кетишгач, онам мендан сўради:

— Абдиҳамид, Бектемирда тинчликми? Нега буванг тажанг? Утап амакининг қўрасига бордингларми? Насрилла амакингизни кўрдингларми? Буванг сизларни шундан шуюққа нега олиб борди?

Менинг қатор ёғилган бу саволларга қандай жавоб беришни билмай ағрайиб турганимни кўрган онам, ҳафсаласи пир бўлди шекилли, Саид билан иккаламизнинг қўлимиздан маҳкам тортганча ичкари ҳовлига интилди. У бизни айвонга чиқариб, хонтахта атрофидаги кўрпачаларга ўтқазди ва Темур бобо олиб келган мевачевалардан дастурхонга тўкиб:

— Олинглар, еб ўтиринглар! — деди-да, ўзи иккала бобомиз сўхбатлашаётган уйнинг эшиги олдига бориб, тирқишидан ичкарига қулоқ солиб турди.

Биз — болалар олма чайнаймиз, бир-биримизга ёнғоқ отишамиз, бир-биримизни йиқитишиб ўйнаймиз, хуллас, дунёни сув босса парвойимиз йўқ. Ҳатто, болаларимиз сўхбатига синчков қулоқ солиб турган оймимизнинг бир муштарини тугиб, бир оқариб, бир қизариб, нечундир титриб-қақшаётгани билан ҳам ишимиз йўқ...

Уй эшиги тарақлаб очилди. Онам ўзини четга олиб, отаси билан қайнотасига йўл берганча, қўлларини қовуштириб турди.

— Темурвой! — деди Фулом бобом серзарда бир аҳволда, товуши қалтираб. — Файтонни миниб кетинг: от мендан сизга соғва, шайтонаравани Пиёнбозорга олиб борсангиз, ҳар қадамда харидор топилари. Бунақа ашқол-дашқолнинг энди менга кераги йўқ! — У таъзимга бош эгиб турган онамга ҳам ўшқирди. — Бўлди! Ҳаммаси битди! Тамом, вассалом!.. Суянган тоғим, фахрим, юлдузим Убайдулладан айрилган кунимдан буён дунё кўзимга зимистон!..

Фулом бобо шундай деди-ю, хўнграб йиғлаб юборди...

Темур бобо уни суяб, елкаларини силаб, аллақандай синик, юмшоқ товуш билан тасалли берди:

— Ҳадеб эзилаберманг, қуда! Не қилайликки, Убайдулланинг умри қисқа экан. Мана, унинг ўғилчалари бор, ўрнини босишади. Вақт — елдириш, ўтади-кетади. Ҳа-ҳу дегунча набираларимиз ёнимизга киришади...

Темур бобом шундай деди-ю, овқатга ҳам қолмай, файтонда жўнаб кетди. Фулом бобом яна уйига кирганча, эшигини ичидан тамбалаб олиб, туни билан аллақайси бир китобни мутолаа қилди — биз буни чироғи ўчмаганидан билдик.

Эртаси кун эса, айвонининг тоқчасида чилим пайдо бўлдики, мен нақлимнинг бошида бу ҳақда эслатиб ўтганман...

Куз серёғин келди: гоҳ ёмғир шариллаб қуяди, гоҳ қор гупиллаб, аччиқ изғирини билан оппоқ ўпқон қаърини очади... Бобом айвонидаги танча оловини тез-тез алмаштириб тураемиз. Бобом аравакаш қўшилларимиз Султондан бир арава саксовул ва Нишондан бир арава писта кўмир сотиб олган. Онам эртдан кечгача ишда бўлганлиги учун уй юмушлари менинг зиммамда: маҳалла гузаригаги дўкундан нон, қанд олиб келаман, қумғон қайнатаман, бобом чилимининг сархонасидаги кулни тўкиб, сувини янгилаб бераман.

Айвон тоқчасига беш-олтита китоб терилган: «Або Муслими соҳибқирон», «Шоҳнома», «Минг бир кеч», Навоий, Жомий, Фузүлий девонлари... Бобом айниқса, Фузүлий девонини кўп ўқийди, бизга ҳам ўқиб беради. Унинг товуши майин, мунгли. Айниқса:

**Маҳшар кунни кўрам дерам ул сарви қомати,
Гар анда ҳам кўринмаса, кел кўр қиёмати... —**

деб бошланадиган ғазални у қайта-қайта ўқийди, тез-тез оғриб турадиган озгин оёқларини танча ичига чўзганча деворга суялиб ўтирадида, ёшга тўлган дарчоқ кўзларини юмганча, ғазални ёддан ўқийди:

Маҳшар кунни кўрам дерам...

Саид билан биз ғазалнинг маъноси у ёқда турсин, сўзларини ҳам тушунмаймиз, ағрайганча, бобомизнинг оппоқ соқол қоплаган рангпар юзига тикиламиз, жимгина қулоқ соламиз...

...Эрта кўкламда бобомни олиб кетдилар.

Ярим кечада ташқари ҳовли дарвозаси уста-уст қаттиқ тақиллади. Онам чиқиб очган бўлса керак, калта чарм камзул кийган, бошига чарм шапка бостирган — бири озгин, новча, иккинчиси паканароқ, бақалоқ кишилар онамдан:

— Ғулом Мавлонов қайси уйда туради? — деб сўрашди.

— Ана уйлари...

Мен тарақ-туруққа уйғониб кетдим. Ёнимда ётган бобом тўшагида ўтириб, титроқ қўллари билан пайтавасини оёғига ўраб, маҳсисини тортиб кияётганини кўрдим.

Онам чироқ кўтариб, бевақт ташриф буюрган эркакларни уйга бошлаб кирди.

— Ғулом Мавлонов! — новча киши бир энлик қоғоз узатди бобомга. — Сиз қамоққа олиндингиз.

Бобом қоғозни олмади-да, ўрнидан туриб, қозикдаги пўстинини олиб кийди, телпагини бошига бостиргач:

— Мен тайёрман, — деди.

— Уйингизда тинтув ўтказамиз, — пакана йигит бобомнинг юзига синчков тикилди.

— Бемалол, — бобом бепарвогина рози бўлди.

— Қўшнилариңгиздан икки гувоҳ чақирдик, кўчада кутиб туришибди, — деди новча йигит.

— Бемалол...

Новча йигит айвонга чиқиб, ташқари ҳовли томон қичқирди:

— Кириңглар!

Қўшнилариңиз Султон билан Нишон аравакашлар уйқусизликдан қизарган кўзларини ишқай-ишқай кириб келишди.

Тинтув бошланди. Онамнинг уйида донг қотиб ухлаб ётган Саид бу томошани кўролмади қолди.

Мен тинтувчилар ва гувоҳларнинг ёнида жонсарақ бўлиб, эргашиб юрдим. Аввал бобомнинг уй-айвони, кейин онамнинг уй-айвони, шундан кейин ошхона, омборхона, «мактабхона», ташқаридаги болахона билан отхонагача қадам-бақадам, вершук-бавершук остин-устун, ағдар-тўнтар қилиб ташлашди. Тинтувчилар тўрт қоп ун, уч қоп гурунч, битта хумда оқ ёғ, илгакларга осиглиқ сур гўшт, бобомнинг тоқчасидаги беш-унта китобдан бошқа ҳеч нарса тополмадилар. Улар дон-дун, гўшт-ёғларни олиб кетмоқчи бўлганларида Султон аравакаш ўртага тушди:

— Етимларга қолсин, барака топқурлар!

Улар бобомнинг китобларини қопга тиқиб, ўзига орқалатдилар-да, олдиларига солиб, кўчага чиқиб кетдилар...

Орадан уч кун ўтгач, жума оқшоми Бектемирдан Ўтап амаки келди. Ғулом бобом қамоқхонага олиб кетилгандан кейин биздан ҳар кун хабар олиб турган Темур бобо билан айвондаги танчанинг тўрт томонида тўртталамиз: кичик бобо, онам, Саид ва мен нон, қоқи еб, чой ичиб ўтирганимизда орқасидан занжирланган кўча эшик астагина тикилади.

— Бувам келдила! — деб қичқириб юборибман.

Эшикни очиш учун ташқари ҳовлига чопдим.

Ўтап амаки келибди.

У отини етаклаб кириб, болахона тагидаги оғилхонага, қозикқа боғлади-да, менинг қўлимдан етаклаб, ичкари ҳовлига кирди. Ўтап амаки Темур бобом билан қучоқлашиб кўришди.

— Хафа бўлмай ўтирибсизми, келин? — деб Ўтап амаки онамдан ҳол сўради. — Кейин, оғир ютиниб, гап бошлади. — Кеча Насрилла муаллимни Тўйтепадаги мактабдан олиб кетишибди. Мулла Ғулом акамизнинг қамалганини ҳам, Насрилла муаллимнинг олиб кетилганини ҳам Бектемирда Қамчибек ҳаммага хабар қилиб юрибди. Бек ўбдон ҳаддидан ошган. Бўлислик вақтида элга нечоғлиқ зулм ўтказган бўлса, ҳозир ҳам ўшандай зулм ўтказиб туради. Тафовути шулки, аввал бўлис эди, энди раис...

— Ё тавба! — Темур бобо соқолини тутамлаб, уҳ тортди. — Юртдан адолат кўтарилиб, инсоф одамлардан юз ўгирибди, чамамда. Хўш, Ўтапбой, ўзингиз тинчмисиз, синглимиз соғми, болалар омонми?

— Мулла Ғулом акамиз қўрасини бизга инъом қилгач, у ерга кўчиб ўтувдик, — Ўтап амаки салмоқлини сўзлади. — Ер жонивор ҳам йўнғичқа босиб, ишдан чиқаёзган экан. Кунни кун, тунни тун демай ер ҳайдадик, ариқ, зовурларни тозаладик, дов-дарахтларни чилпиб, ораста қилдик. Албатта, юмуш ҳали бошдан ошиб ётибди... Бироқ Қамчибек аллақайдан пайдо бўлган битта «калта дум» ёрдамчиси, тагин иккита милиса билан келиб, «Қўрани бўшат, ердан кет!» деб дағдаға қилди. Қўлимиздан не ҳам келарди? Ноилоҳ, эски кулбамизга кўчиб ўтдик...

— Наҳотки Қамчибекнинг жиловини тортиб қўядиган одам топилмаса? — Таажжубланиб сўради Темур бобо Ўтап амакидан. — Эл-юрт оғзига талқон тўлдириб, жим турибдими?

— Қамчибекнинг оғзи карнай, тили бир қарич, — Ўтап амаки тушунтирди. — Одамлар дўқ-пўписадан юрагини олдириб қўйган... Мана, мен, бир мисол: бўлисга гап қайтаргудай бўлсам, «сен қулоқнинг думсан!» деб ўшқиради.

— Дарахтнинг бўшини қурт ейди... — Темур бобо соқолининг учини бир дақиқа ямлаганча уйга толди-да, маслаҳат берди. — Золим бекнинг устидан ҳукуматга ариза ёзиш керак. Сиз бунга нима дейсиз, иним Ўтапбой?

— Тўғри айтасиз, Темур ака, — Ўтап амаки бу фикрга қўшилди. — Бектемирда, Қумовулда, Тўйтепада пичоқ суягига бориб тақалганлар оз эмас. Бироқ, хат-саводли одам йўқ. Битта яқинимиз — Насрилла муаллимни ҳам олиб кетдилар...

— Менинг бир танишим бор, Оролул¹ деган дўхтир. Ўзи ўрис бўлса ҳам ўзбек тилини сувдай

¹ Орлов демоқчи

билади, — Темур бобо ўйчан бир ҳолатда гапирди, — Оролуп менга боғ қўшни. Арза ёзиб беришни ўшандан сўраб кўрсак, йўқ демас.

— Маъқул, оға! — Утап амакига жон кирди. — Ётиб қолгандан кўра отиб қолган яхши. Шояд ишимиз ўнгидан келса!

— Қани бўлмаса, Утапбой, ҳозироқ йўлга чиқайлик! — Темур бобо фотиҳа ўқиб, ўрнидан қўзғолди.

Утап амаки билан икковлари кўчага чиқиб, олларига мингач, ёнма-ён йўлга тушишди.

Онам билан биз мўлтиллаганча уларни кузатиб қолдик...

Орадан бир йил ўтди. Яна кўклам келди.

Мен Форобий мактабида иккинчи синфни тамомлаш арафасидаман. Саид беш ёшга тўлиб, олтига қадам қўйди. Онам ҳамон «Қизил тонг» фабрикасига ишга қатнайди. Утап амаки ўзи кўл қўйиб, Бектемирдаги камбағал деҳқонларга бармоқ бостириб юборган аризасига ҳамон жавоб ололгани йўқ. Уйимизда қазоқдаги дон-дун, гўшт-ёғ аллақачон тугаган. Онамнинг маоши билан тирикчилик қиламиз — ҳарқалай, кунимиз ўтиб турибди.

Кунлар исиб, ҳовлимиздаги олма дарахти оппоқ гуллаган кунларнинг бирида Темур бобо хуш-хабар топиб келди. Унинг боғ қўшниси дўхтир Орлов Тоштурма касалхонасига оғир бир касални кўришга чақирилган экан, ўша оғир касал билан бир палатада ётган бошқа бир оғир касал — маҳбус Ғулом бобони кўриб қолиб, суҳбатлашишга муваффақ бўлибди.

Доктор Орловнинг Темур бобога маълум қилишича, Ғулом бобо билан Насрилла муаллим «ер-сувини давлатдан яшириш»да айбланиб, кулоқ қилинибди ва суд уларнинг ҳар бирини беш йилдан қамоқ жазосига ҳукм этибди. Улар жазони Тоштурмада ўтаётган эмиш...

— Ё, тавба!.. — Темур бобо надомат билан фарёд чекди: — Бу қандай тухмат? Бу қандай адолатсизлик?! Ахир, ўртаҳол деҳқон бўлган қудам ер-сувини Шўрога ўз ихтиёри билан топширган-ку!.. Ё тавба! Умрини тўғон қуришга бағишлаган, ҳалол меҳнат эвазига олган ерида ҳеч қачон одам ишлатмаган, нуқул савоб ишларга машғул бўлган мулла Ғулом акадек юртда эътиборли одамга наҳотки шундоқ зил бўхтон ёғдиришса!.. Э, худойим-ей, қачон ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ қилурсан!..

Темур бобо дўхтир Орловнинг яна бир хабарини бизга етказди: Тоштурмада маҳбусларга чоршанба кунлари овқат, кийим-кечак бериш, агар ариза берилса, улар билан кўришишга рухсат олиш мумкин бўлармиш...

Ўша кундан бери онам фақат бир нарсани ўйлайди: тезроқ чаршанба келақолса-ю, бобом билан Насрилла амакини бориб кўрсак!

У душанба куни фабрикадан анчагина пул билан келди: маош, мукофот олибди. Бозорни Темур бобо қилиб берди. Уйда ҳамма нарса муҳайё бўлди: ун, гурунч, ёғ, гўшт, сабзи, пиёз... Сешанба кечқурун онам тандирда ёғлиқ патир ёпди. У қайнотаси билан қайнисининг кийимларини ювиб, қуритиб, дазмоллаб тахт қилиб қўйди. Саид билан иккимиз ярим кечада ухлаб қолдик, аммо Темур бобо билан онам мижжа қоқмай тонг отдиришди...

Онам бизни ғира-шира саҳар паллада уйғотди. Темур бобонинг саман отига икки кўзи тикин хуржун ортиди, бобомиз эгарга ўрнашиб олгач Саидни олдига, мени орқасига мингаштирди. Онам отнинг ёнида яёв йўлга тушди.

Тоштурмага етиб келганимизда қўшқават катта темир дарвоза ҳали ёпик, унинг олдидаги кенгина саҳнда кўлига тугун кўтарган, елкасига тўрва осган йигирмага яқин чол-кампир, йигит-яланглар тўпланишиб, ўзаро суҳбатлашиб туришарди.

Онам Темур бобога:

— Мен ўтган куни ариза ташлаб кетувдим, хабар олай-чи! — деди-да, дарвоза ёнидаги темир эшикча олдига бориб, уни тақиллатди. Эшикча очилмади. Яна тақиллатди. Тагин жавоб бўлмади. Онам ҳам бўш келмади. Учинчи марта қаттиқроқ тарақлатди.

Эшик бу гал ҳам очилмади-ю, лекин кимдир овоз берди:

— Ким у? Нима керак?

Онам овози борича алланималар деди.

Темир эшикча қия очилиб, ҳарбий кийимдаги, бошига юлдуз тамғалик фуражка бостирган, елкасига милтиқ осган барваста солдат онамнинг саволига алланималар деб жавоб қилди-да, темир эшикни тарақлатиб ёпди.

Онам бизнинг олдимизга қайтиб келиб:

— Турма идорасидан хабар олиш керак экан, — деди-да, Саид билан мени Темур бобо олдида қолдириб, баланд ёштин девор тагидан Олой бозори томонга чопганча кетиб, муюлишда кўздан ғойиб бўлди.

Орадан ярим соатдан кўпроқ вақт ўтгач, онам кўлида бир варақ қоғоз кўтарганча етиб келди.

— Уларни кўришга рухсатнома берилди! — Онам ўта ҳаяжонланиб, нафаси оғзига тикилиб, қоғозни Темур бобога кўрсатди.

— Марҳума онанг аслида сени ўғил қилиб туғса бўларкан! — Темур бобо қизини бағрига босиб, суйиб эркалади. — Энди бир нафас ўтириб дам ол, жонинг қийналиб кетди, опоч!

— Соат ўнда қўйишаркан. Вақт бўлди. Эшикни ҳозир очишса керак. — Онам ҳамон ҳаяжонланарди. — Фақат бир кишини киргизийшаркан...

Темур бобо бир оз ўйланиб тургач, маслаҳат берди:

— Ундоқ бўлса, сен ўзинг кирасан, қизим. Биз тойчоқлар билан бу ерда кутиб турамиз. На илож...

Темир дарвозанинг бир тавақаси тарақлаб очилди. Икки ёнида икки соқчи билан назоратчи пайдо бўлди. Кўча томонда кутиб турганлар ўша томонга интилишди. Лекин, назоратчи уларнинг йўлини тўсиб:

— Тўхтанлар! — деб ўшқирди. — Пропускаси борлар олдинга ўтсин!

Пропускаси борлар фақат уч киши — барваста йигитлар экан — тикин тугунларини кўтарганча назоратчининг олдига боришди. Онам Саидни Темур бобомнинг ёнида қолдириб, менга:

— Юр, бирга кирамиз! — деди.

Онам зил хуржунни билагига солиб олди, мен кийим тугилган бўғчани орқаладим. Назоратчи онамнинг пропускисини кўздан кечириб:

— Бир кишига-ку? — деди-ю, бироқ менинг мўлтиллаган ёшли кўзларимга тикилиб, раҳми келди шекилли: — Майли, кирақолсин! — деди.

Маҳбуслар билан кўришув хонаси узун йўлакда бўлиб, ўртасига темир панжара ўрнатилган. Шу йўлнинг дарвозага яқин ташқи томонида беш киши: бояги учта барваста йигит ва онам билан мен панжаранинг нариги томонидаги орқа эшикдан маҳбусларнинг олиб кирилишини кутмоқдамиз.

Бизнинг хуржун, тугунларимизни дарвозадаги назоратчи «эгаларига ўзимиз бериб қўямиз», деб олиб қолган.

Орадан ярим соатча ўтди. Ниҳоят, турма ҳовлисининг эшиги очилиб, уч киши — ҳаммалари эски пахталик тўн, қора духоба дўппи кийган, оёқларидаги этикларининг пошнаси қийшайиб, кўнжи йиртилган қариялар қизил аскар формасидаги милтиқли новча соқчи кузатувида чиқиб келишди-ю, панжара орқасида кутиб турган йигитларга интилишди. Йиғи-сиғи, бақирӣқ-чақирӣқлар бошланди.

Шу пайт, турма ҳовлисининг эшиги яна очилиб, бошқа бир соқчи кузатувида Насрилла амакининг бир ўзи кириб келди.

— Ассалому алайкўм, мулла ака, омонмисиз? Дадам соғмилар? Нега келмадилар?... — Онам мулла акага ачиниб термулди.

— Кўриб турибсиз... — Мулла ака ютиниб гапирди. — Дадам турма касалхонасида... Хатларини олмадингизми?

— Йўқ...

— Таажжуб... Хай, майли, — Мулла ака ҳаяжонини базўр босиб, соқчи томонга имо қилгач, товушини сал пасайтирди-да, ютиниб гапирди. — Қорияхон, менинг сўзларимга эътибор билан кулоқ солинг. Биз Қамчинбекнинг тўхмати билан ҳибсга олиниб, беш йилдан қамоққа ҳукм этилдик. Дарҳол Бектемирдан Утап билан Ислоом акани топсангиз. Улар дадамнинг ўз ерини Шўрога ихтиёрлий топширганга гувоҳлик берадилар. Яна бир илтимос: дарҳол шу ҳақда Акмал Икромов номига ариза ёзиб, Октябрь районида Карим Икромов қўлига топширинг, у аризани Марказқўмга етказди...

— Иш ҳақида сўзлашилмасин! — соқчининг дағал қичқирӣғи эшитилди.

— Дадамнинг аҳволи оғир... — Мулла ака суҳбат мавзунини ўзгартиришга мажбур бўлди. — Кириб кўраолмадим. Эшитишимча, сил... Турма маъмуриятига ариза бериб, уни кўришга рухсат олинг!

— Айтганларингизни қиламан, хотиржам бўлинг.

— Хўш, жиян, ишлар қалай? — Мулла ака темир панжара ичидан қўлини киргизиб, бошимни сладади. — Мактабга боряпсизми?

— Бу йил иккинчи синфни тамомлайди. — Мен учун онам жавоб берди. — Саид кузда мактабга боради.

— Омон бўлишсин!

Соқчининг:

— Вақт тугади, тарқалинглар! — деган бақирӣғи эшитилди.

— Омон бўлсак кўришармиз! — Насрилла амаки шундай деди-да, ўзини босолмай, ўкраб йиғлаганча тор эшикдан турма ҳовлисига чиқиб кетди.

Орадан ўн йил ўтди. 1937 йил апрелининг серёғин кунлари бошланди. Онамнинг югуриб-елиб, қанчадан-қанча идораларнинг эшигига бош уриши, қанчадан-қанча одамлар билан учрашиши, баҳслашиши, ҳақиқатини исбот қилиши натижасида бобом билан Мулла аканинг буткул оқланиб, уйга қайтиб келганларига саккиз йил бўлди.

Мулла ака Тўйтепадаги мактабида муаллимлик ишига тикланиб, ўзи севган тарих фанидан уч йил дарс берганидан кейин Чирчиқ яқинидаги бошқа бир қишлоқда — Майдонтолда очилган янги мактабга ишга юборилган деб эшитамиз. Тошкентга кам келади. Балки, ярим-бир соатга келиб кетар-у, мен ўқишда бўлиб, уни кўрмасман. Аммо, бобом ҳар доим мен билан бирга.

Саид бу йил ўн олти ёшга тўлиб, Тахтапулдаги Усимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш (Техзара) техникумини тугатгач, Самарқанд областининг Жомбой районига ишга юборилган. Онам ҳамон «Қизил тонг» фабрикасида ишлайди. Хуллас, бобомнинг дастёри ҳам, ҳамхонаси, суҳбатдоши, ҳамдарди ҳам мен.

Лекин, ёшим улғайиб боргани сайин ишим, машғулотим ҳам анча кўпайиб қолди. Сахар мардонда бобом билан нонушта қиламиз. У қилтомоқ. Ярим коса қайноқ ширчойга нон тўғраб бераман — овқати шу. Кейин, чилимининг суви билан тамакисини янгилайман, гугурт чақиб тутаман. Бобом чекади, ўқчиб-ўқчиб йўталади, яна тартади, ўпкаси қув-қув қирилади...

Мен китоб, қоғоз тўла жилдимни елкамга осганча институтга чопаман. Ҳазилакам гапми: ўн саккиз ёшимда Урта Осие Индустириал институти Тоғ факультетининг учинчи курсида ўқиялман. Бобомнинг маслаҳати туфайли, албатта. Ҳа, бобомнинг маслаҳати билан: Форобий мактабининг еттинчи синфини битирибоқ Индустириал рабфак (Ишчилар факультети)га кирганман ва буни битирибоқ, институтга ўтганман. Бобом дастлабки шеърӣй машқларимни қатъиян ман этиб, «билим ол», деган, гўё адабиёт илм, шеърӣят билим эмас!..

Институтдан келибоқ, онамнинг «қора шўрвасини ичаман-у, Форобий мактабига чопаман. Энди мен ўқувчи эмас, ўқитувчи! Саводсизликни тугатиш курсининг муаллими бўлиб ишлялман. Институтнинг стипендияси билан мактабнинг маошини охири тийинигача бобомга бераман. У рўзгордан орттирган пулимизни йиғиб боряпти — шу куз менга «бобровий пальто» олиб бермоқчи, токи йигитча бўлган чоғимда қавилган пахталик калта чопон кийиб юрмай!..

Бироқ, бобом ниётига етолмади. Апрельнинг сернам, хомуш тонгларидан бирида (янглишмасам, 12 апрель сахар чоғи) ўрнидан туришга мажболи етмади-да, тўшагига чўзилганча жимгина жон берди... Унинг ёстиғи тагидан қизғиш муқовалик битта китоб чиқди: «Фузулий девони»...

Охири келгуси сонда



Абдумажид Азим

УЗУН КЕЧАЛАРДА ЮРАГИМ ОҶИ

* * *

Юрагимнинг ҳажми — тугилган муштим,
Сиғмас у кўксимга, сиғмас ўзимга.
У нурга йўғрилган озод бир қушким,
Ёруғлик бахш этиб яшар кўксимга.

Вужудим Ватандир бу озод қушга,
Уни эркалайман суйгандек гўдак.
Мен, ахир, оламга келмайман бошқа,
Ўзгалар ўрнига ўларман нега?

Олдда қисматларнинг зирҳли девори,
Сакрашга чоғланиб ростлайман нафас.
Ҳеч нарса демасман сизга дил ёриб,
Чўғдай тилларимни суғураман, бас!

Одамлар, мен сизни алдадим кўпроқ,
Кулгим ниқобида кўзёшим пинҳон.
Яхши бир одамни ютмоқда тупроқ,
Тоғлар ютганидек қуёшни оқшом.

Бошимизда офтоб порлагай тонглар,
Тераклар титрайди сарин елларда.
Келиб-кетаверар фақат инсонлар,
Йиллардан йилларга, йиллардан йилларга!

Шарқнинг кўҳна чинорлари — чоллар,
Уятчан қизлари — мажнунтоллар
Қарар йўлларга,
Қарар йўлларга!

Душман

Бола эдик, шундоққина дала четида,
Молимизни ўтлатардик, биз ўша дамлар.

Кўрқар эдик бригадирнинг маст ўгитидан:
— «Кўй-эчкилар пахта-та е-са жа-воб-гарсан-лар»!

Тушунсак-да, пахта бизнинг ризқу рўзимиз,
Уйин билан чалғир эдик баъзи маҳалда.
Элмуроднинг эчкилари алдаб кўзимиз,
Қай бир куни ўтиб қопти пахта пайкалга.

— Касофат бу эчкиларинг ғўзамни еди,
Тиқмасамми, энағарлар, керак жойига?! —
Бригадирнинг вужудидан анқиб май ҳиди,
Бир пийпалаб Элмуродни олди пойига.

Урра қочдик уч-тўрт бола дарров душ-душга,
Тутолмасди қувлаганда бизларни шайтон.
Қочолмапти жўрагинам питирлаб қушдай,
Каппа-каппа тупроқ ютиб, тупурарди қон.

Сен душмансан дея, етти яшар гўдакни,
Мўйловлари пир-пир учиб, тепди аямай.
Жим турардик билолмасдан нима бўларин,
Тилимизга ваҳимадан бирор сўз келмай!

Жигарини эзган экан тепки ўшанда,
Жўрамни сўнг етказдилар шифохонага.
Ўлган чоғда зор ачиниб митти «душман»га,
Қақшаб-қақшаб йиғладим мен азахонада.

Тушларимга кириб келар тунлар гоҳида,
Уқтиради неларнидир менга бир нафас.
Овози ҳам улғайганга ўхшар чоғимда,
Мени кечир, дўстим, дейди, мен душман эмас.

Кўйгил энди, жўра дейман, менга дўст бўлсанг,
Қийналаман, ололмасдан ўзимни қўлга.
Қон тупурди болалигим ўшанда, билсанг,
Болалигим ғорат бўлди чанг-тупроқ йўлда.

Тупроқ билан усти-боши беланган ўсмир,
Ҳузуримга бот-бот келар бузиб хобимни.
Алаҳсираб тушларимда силайман бир-бир,
Тепки зарби кўкартирган ҳамма ёғимни...

* * *

Мен қанча гапирмай диёнатлардан,
Не бўлса ҳаётда қутлуғ, муқаддас.
Дунё холи эмас хиёнатлардан,
Ором олмоқликка йўқдир бир нафас.

Олға қистаюрман учқур хаёлни,
Отилар кўксимдан оловли сўзлар.
Атрофда кўрарман турфа бир ҳолни,
Биров кулиб яшар, бировлар бўзлар.

Ҳамиша қийнагай мени бу фожи,
Ҳаёт саҳнасига тикилган кўзим.
Оташ шамолларга бағрини очиб
Келаётир биров — бу менман, ўзим!

Вужудим — бир умр олов комида,
Мисли самандардек ёнмоғинг керак.
Сени улоқтиргум осмон қаърига,
Сурхон боғларига сиғмаган юрак!

Дилим изтиробу соғинчга тўла,
Неча қаттол ўқлар тешди кўксимни.
Хиёнат, алдовдан неча бор ўлдим,
Ниҳоят, танидим бу кун ўзимни!

Шамолдай ўтарман бир кун дунёдан,
Забун ҳолатимнинг боғлар гувоҳи.
Тошлар фарёдидек учар ҳавода
Узун кечаларда юрагим оҳи!..

Инсон ухлаб ётса ҳам карахт,
Бир томири уйғоқ ҳамиша.
Яшар эли шарқдаги дарахт
Бўронлару довулга пеша.

Товланарди офтобда сариқ —
Япроқлари куйиб, куз фасли.
Кекса дарахт — қадимий тарих,
Аждодларнинг закоси, асли!

Ўшандаёқ ярим дунёни
Улар бутун ҳолида кўрган.
Ишғол этиб арзу самони
Хаёллари фалакда юрган.


Улуғ ҳаким ал ибн Сино,
Ал Хоразмий бунга кафолат.
Яшил дарахт илдизин аммо,
Кўпормоқчи бўлди жаҳолат.

Яшил дарахт кўзида фараҳ,
Ишонмасман ғанимга мутлоқ.
Волидам шарқ, ётмагин карахт
Осмонларга қараб оч қучоқ.

Турфа маслак ва турфа ғоя
Тўқнаш келар менга ҳаётда.
Рухингизга бўлдим ҳамсоя:
Гоҳ Афшона, гоҳи Қиётда.

Нигоҳимда минорлар нақши,
Рухим эса ҳамон тунд, карахт.
Бўронлару довулга қаршу
Яшагайсан мўъжиза дарахт!

Яшагайсан огоҳ баридан,
Хаёлотга бўлиб ҳануз ғарқ.
Навойнинг сатрларидай
Мангудирсан, онажоним Шарқ!



Баҳром Рўзимуҳаммад

КУНЛАР БУЛУТ КАБИ ЁНИМДАН ЎТДИ

Дераза пардаси яшилланмоқда

Дераза пардаси яшилланмоқда
ойнадан тушмоқда ям-яшил шафақ
қаранг истеъфога чиқибди бугун
қуёшда қизил ранг чарчаб ниҳоят
яшил қуёш кўтарилар энди уфқдан
бу дарахтга қаранг таажжуб
япроғи қоғоздай оқ ва йилтироқ
баҳор қаергадир ғойиб бўлибди
ўрнин эгаллабди қандайдир фасл
ана тепаликда тунука дарахт

барг ёзиб дафъатан ўса бошлади
фақат ўз шаклида кечиккан қушлар
йилтироқ дарахтга келиб кўнишди
тунука дарахтнинг илдизларига
бақрайиб қотиб қолди қўртбоши
бир лаҳза тин олди бошқа қўртлар ҳам
кейин эса бир думалаб бу тўда
кумуш қўртлар тўдасига айланиб қолди
қоронғи ер остида
илдизларнинг учқуни каби

Капалак каби

Бир лаҳзани юлиб ол
ўтиб кетаётган вақтдан
тилла тусига қайта бўя уни
сўнг эса акс эт
ўша лаҳзанинг ялтироқ сиртида
ёниб
осмондаги қоронғиликни
кесаётган капалак каби

* * *

Идрок ингроғидир кўркув —
деразам олдидан битта тошбақа
яшин тезлигида чопиб ўтса гар
чайқалиб кетади шабадасидан.
Ажиналар рақсга тушса,
хўмрайса арвоҳ —
тушиб, синмоқликка шай турар

бу шаффоф идиш,
Ҳар биттамит
тафаккуримизда мўъжаз тахт ясаб қўйдик,
худо келиб ўлтирмоғи учун,
биноқ худо
келиб ўлтирмас бу тахтга,
аяйди биз каби бандаларини.

* * *
Тош каби кучли оловдек ақлсиз
жийда гули каби фаслга бепарво
гўдак каби итоаткор
ғоят итоаткор
ҳатто ўз овозидан ўзи қўрқади
чўчиб тушар ўз хуррагидан

Ташвиш

Ташвиш бизни яхши кўради,
севганидек олма мағзин кўрт.
Эргашиб юради кун бўйи,
тунда яна қайтар кундузга.

Илон бўлиб тош орасидан
ўтиб, пўстдек ечиб қўйсанг-да,
у салгина ўзига қелгач —
тирилади, изингдан етар.

Ишонч йўқолаётганда

Аввал ишонилган
эътиқодга айланган нарсалар
бирдан шубҳа туғдирса юракда...
Бу йўл
оёқларим остидаги равон йўл
боши берк кўчаларга келиб туташса...

Ҳаммаси
нодир буюмларни сандиқдан олиб
деразадан ирғитиш билан баробар —
тош сингари эзар вужудни
буюмлар жарангидан яралган
ёқимсиз куй.

Майда нарсалар ҳақида

1
Жуда майда ташвишлар,
ташвиш дейишга уяласан киши.
Баланд дорга эмас,
уйинчоқ дорга
осилиб кун кечираётганингга ачинасан...

2
Чанг оғирроқ эди бу юкдан,
кўтараётиб инграб қўйди у,
тўқди нарсаларнинг устига туссиз
мева каби кўз ёшларини.
Қоғоз бандалари
бу меваларни еб кун кечирар.

Эврилиш

Кетгинг келадими қайгадир
мовий кишан каби уфқни ечиб
тўртинчимас бешинчи тарафга
гўё қайта туғилган фариштасан

ўтаётган вақтнинг сенга дахли йўқ
у ўтар экан ўрнингдан жилмайсан
дарчадаги соат ҳам худди
қабр устидаги каби бемаъни

Табассум кўйлагида

Кулгили нарсалар жуда кўп,
нега кулмаяпсиз мириқиб?
Айтайлик, моғор босган сичқон
нутқ сўзласа
минбарга чиқиб.
Ҳодисалар бор, гар кулсанг
йиртилиб кетади лабларинг.

Бирдан хувиллаган бўшлиқни кўрсанг —
ютоқиб очганда қалбларни.
Ёки баҳор чоғи осмон-фалакда
турналар ўрнида рақс тушиб сархуш
келсалар тўлдириб кўк қўйнин
қоп-қора қарға-ю,
чақчайган бойқуш.
Нега катта бўлар бойқушнинг кўзи,
ҳатто сизар унга сичқон — емиши...
Сесканиб кетасан термулсанг
кўксингга ботгандек илоннинг тиши.
Турфа ҳангомалар тўла дунёнинг
акс этса руҳингга битта бўлаги,
баъзан кулгинг келар телбадек
узилиб-узилиб ичагинг.
Аммо, бирданига ёришган кўксинг
аста-аста хира тортган дам,
пайқайсан — бўғзингга кўндаланг турган
табассум қўйлакки
улкан бир алам.

Хайрлашиш истаги

Кунлар булут каби ёнимдан ўтди,
мен-чи, яшамадим бир дақиқа ҳам,
ўзимни тушунтирмақчи бўлиб уриндим...
Кўз ўнгимда йиқилиб тушдим.
Бўйи тиззамдан келмаган кимсалар
мини олишади бошим устига,
фикримни ўйнашар балиқдек ушлаб
бошимга қўл суқиб митти нусхалар.
Уфқдан нарига, шовқин-суронлар
етиб бормайдиган манзилга бугун
кетмоққа шайланиб турибман ўйчан:
сизга «хайр» дейишга бормайди тилим —
кошки тушунсангиз «хайр» сўзига...



Тўлепберген Қаипбергенов

ҚОРАҚАЛПОҚНОМА

СССР Давлат мукофоти лауреати, таниқли қорақалпоқ адаби Тўлепберген Қаипбергенов олти-миш ёшга тўлди. Адибнинг «Совуқ бир томчи», «Қорақалпоқ қизи», «Кўз қорачиғи» ва бошқа кўп-лаб асарлари ўқувчиларга таниш. Тўлепберген Қаипбергенов кейинги йилларда «Қарақалпоқнома» деган янги роман-эссе яратди.

Хурматли адибни қутлуғ ёши билан журналхонлар номидан табриклар, унинг янги асаридан боллар эълон қиламиз.

...Онам чўғланиб турган оташкуракни оёғимга босиб олган оқшомдаги оқсоқолларнинг ҳангомалари; менга шоирлик тилаб қилган дуолари кундузлари соядек эргашиб, кечалари тушим-га кириб, хотирамда бир умр муҳрланиб қолди.

Ҳар куни уйқудан уйғонганимда, балки шоирга айланиб қолгандирман, дея, аллақандай мўжиза кутаман. Афсуски, ҳеч қандай мўжиза рўй бермади — менга шоирлик қаёқдандир келиб қолмади! Бу ҳолдан ташвишга тушаман, беихтиёр ғашланаман, кимдандир мадад кутаман, нимагадир талпинаман...

Бобом мендаги ўзгаришларни сезиб, уйга китоб олиб келиш ҳаракатига тушди. Шаҳарга — бозорга борса, китобсиз қайтмайдиган бўлди. Бобомга, ишқилиб, китоб бўлса бас эди. Уйимизда она тили, арифметика, тарих, география дарсликлари бир неча нусхада йиғилиб қолди. Шулар қаторида, эсимда, нақд олтита «Алпомиш» дostonи бор эди. Биттаю битта дostonнинг ҳар қайси нусхасини ҳижолаб ўқиганим сайин ёд бўла борарди. Сатрларни китобга қарамай ўқисам, назаримда, шоирлик у қадар қийин эмасдек. Бироқ ичимдан шеър тўқиб чиқариш ниятида олдимга оқ қоғоз қўйсам, бирон калима сўз ёзолмай, дostonдаги сатрларни такрорлайман, холос!

Бир куни Махтумқулининг қандай шоир бўлиб қолгани ҳақида эшитган афсонам эсимга тушиб, ёзнинг зимистон оқшомида уйдан чиқиб кетдим-да, овулимизни қоқ иккига бўлиб оқувчи ариқнинг устига қурилган кўприк тагига кирдим. Ниятим — Махтумқулига ўхшаб кўприк тагида бир кеча ухлаш, эртасига шоир бўлиб уйғониш!

Ойсиз тун зимистонига кўзларимни базўр ўргатиб, ариқ бўйидаги япаски тошдан ўзимга қулайроқ жой топдим. Оёқларимни энди узатганимни биламан, шундоқ ёнимда, сув ичида икки олачипор илон бир-бирига чирмашиб ётибди. Нима қилишимни билмай, ҳатто қимирлашга қўрқиб, илонларга бақрайиб тикилган кўйи ўтириб қолдим. Шу пайт илонлардан бири бошини оқиста кўтариб, қирғоққа чиққан қурбақани тишлаб олди-да, мен тарафга силжий бошлади. Бутун вужудим титраб-қақшаб, ўрнимдан учиб турдим, уйга зинғилладим...

Барибир... шоирликдан кўнгил узолмадим. Назаримда, қариялар ўз фотиҳалари билан менга шоирлиқни қўшқўлаб тутқазган. Мен эсам, ландавурлик қилиб, қўлимда турган нарсани йўқотиб қўйгандек эдим. Топиб олишим керак! Иштиёқим кучайгандан-кучайди. Янги бир шеър ўқисам, яна ўқигим келаверади. Кўклам чоғи заранг ерни, ҳатто сўқмоқ йўл, одамлар билан гавжум, метиндек гузар-майдонларни тешиб чиққан ўт-ўланларни кўриб ҳайратга тушаман. Қиш бўйи дейдириб турган яланғоч дарахт шохларининг куртак ёзиб, янги ҳаётни қай тарзда бошлаётганини кўриш иштиёқида уларга узоқ-узоқ тикиламан. Кузда эса дарахт япроқларининг шитирлаб тўкилишига термилиб, кўнглимда алланечук мунг-ҳасрат туйғандек бўламан. Шу кузатишларимни қани шеърга солсам! Ҳеч уддалаёлмайман. Бунинг учун менга мудом нимадир етишмай тургандай, нимадир камдай туюлаверади. Нима экан у? Билмайман, биллолмайман. Ким биландир маслаҳатлашгим келади. Лекин қани, қаерда ўша маслаҳатгўй? Нима қилишни, кимдан маслаҳат сўрашни билмай доғдаман.

Тўртинчи синфда, катта танаффус пайтида кимдандир: шоирлар, олимлар паришонхотирроқ бўлармиш, деган гапни эшитиб, ҳаммамиз ҳайратга тушдик, ҳатто уйга берилган вазифани тайёрламай, ҳар гал унутганини баҳона қиладиган болалар ҳам бу гапдан ажабланишди. Дарсдан сўнг уйга қайтарканман, ҳайратим таажжубга айланди: мен унутувчан эмасман. Кимдан қандай афсона, эртак, матал ё дoston эшитган бўлсам, ҳаммаси эсимда турганга ўхшайди. Ҳатто айримлари тушимга кириб, туни билан ўша эшитган воқеаларнинг ичида «яшаб» чиқаман. Уйлай-уйлай, «Мен унутувчан эмасман, шунинг учун энди шоирликдан кўнглимни узай», деб турганимда миямда тал-лай саволлар ғужғон ўйнаб қолди.

«Мана, бобом қўшниларникига меҳмонга чиқса, дам оёғидаги ковушини, дам бошидаги чўгирмасини унутиб қолдираверади. Тағин, қаерда унутиб қолдирганини эслаёлмай, уйдан қидиргани-қидирган. Хўш, нега бобом шоир эмас?»

«Мана, момом кунига неча марта номоз ўқиганини ҳам унутиб, сёл бўш қолди дегунча жойнамозини ёзиб, алланимани пичирлагани-пичирлаган. Хўш, нега момом шоир эмас?»

«Отам бўлса, ликбезда муаллими ўргатган ҳарфларни йўл-йўлакай унутиб, уйга келганда мендан эзмаланиб сўрагани-сўраган. Ахир, отам шоирлик қилиш тугул ўз отиниям дурустроқ ёзолмайди-ку?!»

«Синфдошим Бибиойша муаллимимизнинг уйга берган вазифасини унутиб қўйиб, ҳар оқшом бизнинг уйимизга чопқиллаб келгани-келган. У нега шоир эмас?»

«Синфимизда ҳалигача кўпайтириш жадвалини ёд олмаган болалар бор. Улар нега шоир эмас?»

Бу саволлар кўнглимда ажабтовур юпанч уйғотди.

Бир куни муаллимимиз дарсдан сўнг ҳаммамизни олиб қолиб: «Болалар, бизнинг синфимиз мактабда энг илғор. Қўйи синфларга ибрат бўлгудек деворий газета чиқаришимиз керак. Бунинг учун, майли, сизларга уч кун муҳлат бераман. Ҳар қайсингиз биттадан мақола ё шеър ёзиб келасизлар», деди.

Муаллимнинг топшириғи менга онамнинг буйруғидан ҳам ортиқроқ эди. Уч кун бадалида беҳисоб қоғоз қораладим. Ахйри, синфдошим ҳамда қўшним Бибиойшага бағишлаб «Ялқов қиз» деган саккиз қатор шеър ёздим.

Гарчи бу шеър учун кейинчалик кўп хижолат чеккан бўлсам-да, ҳар қалай, ҳали-ҳануз ёдимда сақланиб қолган:

**Уқишдан кечикиб қолади,
Арифметикадан икки олади,
Тарихдан жавоб берса,
Ёлғонни қаторлаштиради.
Ўзи сулув, оппоққина,
Баҳона топишга уста,
Отини сўрасанг — Бибиойша,
Бироқ ўзи ялқов қиз.**

Муаллим ҳамманинг ёзиб келганлари қаторида менинг шеъримни ҳам ичида ўқиб чиқдию, озимга тикилиб туриб шундай деди:

— Қаипбергенов, шу гапларни кулоғингга қўйиб ол: биринчидан, бошқаларни танқид қилишнинг икки тури бор — камчилигини тузатиш мақсадида ёки ғаразли ниятда. Буни фарқлаб олиш керак. Иккинчидан, адабиётда ёлғончилик хиёнат билан барабар. Агар сен ҳаётда бир одамга ёлғон айтсанг, адабиётдаги ёлғонингни минглаб одам ўқиши мумкин.

Муаллим бошқа бир сўз демади. Бироқ ўша шеърим қандай бўлса шундайлигича деворий газетанинг навбатдаги сониде босилди.

Гарчи Бибиойша ўша кундан эътиборан мен билан гаплашишни бас қилган бўлса-да, энди дарсга кечикмасди. Аста-секин аёлчи ўқувчилар қаторига ҳам қўшилди. Муаллим эса мени кўчада тасодифан учратиб қолса отимни эслаёлмай, ҳа, шоир, деб чақаришга одатланди. Бу лақаб дам мақтовга ўхшайди, дам ҳақоратдек туюлади. Сўзларни зўрма-зўраки қофиялаштирганим бўлмаса, ўзимда ошиб-тошиб ётган шоирлик қобилиятини сезавермасдим.

Шунда ҳам шеър ёзишни бас қилолмадим. Кундалик вазифаларни бажариб бўлган заҳоти бўйра устига ётиб оламан-да, шеър ёзишга киришаман. Гоҳо қаддимни кўтариб ўтирган кўйи хаёлга толаман. Онам менинг нимадандир қийналиб-зўриқаётганимни сезиб, қошимга бугдод кўғирмоч ёки сўк қўйиб кетади.

— Ёлғиз хаёл суриб ўтиравериб, тағин жағинг қаришиб қолмасин, чайнаб ўтир, — дейди.

Онамнинг бу эътиборига муносиб шеър ёзаолмаётганимдан ичим ўтдай ёнади. Нима қилай, чорасизман. Уйлаб қарасам, ўзим эмас, онам шоирга ўхшайди, сабаби у менинг нима билан оворалигимни сўрамаса ҳам билади, аҳволимни ҳис қилади.

— Нимаики ёзсанг, муаллимингга кўрсатавер, болам. Бу овулдаги энг саводхон, энг ақлли одам муаллим, — дейди доимо.

Бобом айтган кўпдан-кўп хангомаларга қараганда, бурунги шоирлар дастлаб овул бошлиқларига, дўст-биродарларига бағишлаб қўшиқ тўқиб чиқариш биланоқ кўзга тушаверганлар. Шоирлар ҳар бир одамни бутун бошли олам деб тушунганлар.

Мен учун мактабим — бир олам, муаллим эса шу оламнинг эгаси. Шундай экан, муаллимга атаб шеър ёзиш машқига тушдим. Талай кун машаққат торта-торта, ахйри бир тундаёқ ўзидан ўзи ўн икки қатор шеър пайдо бўлди.

Муаллимга аталган биринчи шеърим бўлгани учун эмас, ундан дакки эшитганим учун бу шеър ҳам хотирамда сақланиб қолган. Мана ўша шеър:

**Овулимизнинг доноси
Болаларнинг паноси
Узоқ яша, муаллим,
Раҳмат сенга, муаллим.**

**Сени доим сийлаймиз,
Вазифанг бажарамиз,
Ҳеч тартибсиз бўлмаймиз,
Олқиш сенга, муаллим.**

**Сени кўрса қочар мулла,
Кўрдик бунга неча бора,**

**Онт ичамиз: илло-билло,
Аъло ўқиймиз, муаллим.**

Бу шеърнинг ўзимга маъқул тушгани шунчаликки, эртасига мактабга бордим, муаллимимга: «Янги шеър ёзудим, ўқиб берай», дея ўтиндим. Бутун синфдошларим олдида ғоз турганча ўқиб бердим.

— Қаипбергенов! — деди муаллим жимгина тинглаб бўлгач. — Сен Бердақ шоирга бир шоирди шеър бағишлаб, ўзига ўқиб берганида устозининг нима деганини эшитганмисан?

— Йўқ, — дедим.

— Утир, эшит! — деди муаллим ўта жиддийлик билан. — Сенга ўхшаган ҳовлиқмароқ ёш шоир устози Бердақни кўкка кўтариб шеър ёзиб борган экан. Улуғ шоир уни жимгина тинглаб ўтирибди-да: «Эртага кел, шеъринг учун сенга мукофот бераман», дебди. Ёш шоир севинчдан юраги тўлиб-тошиб эртасига ваъдалашган вақтидан аввалроқ етиб борибди. Улуғ шоир уни кўрмагандек пинагини бузмабди.

— Устоз, кечаги ваъда бўйича келувдим, — дебди ахйри ёш шоир чидамай.

— Кўриб турибман. Биласанми, кеча сен мени алдаб, суюнтириш умидида тиришиб-тирмашган эдинг. Ҳисобни тенглаштириш мақсадида мен ҳам сени алдаб, бир кеча қувонтиргим келди, — дебди улуғ шоир.

Бобомнинг насиҳатларидан: биринчидан, бошига лойик тикилмаган чўғирмани ҳеч ким ёқтирмайди. Иккинчидан, ўзининг бўз чопонига ўрганиб қолган одамга зарбоф тўн совға қилсанг: «Бу ерда бир гап бор», деб шубҳаланади. Учинчидан, ўзи баландда турган одамни «сен баланд-дасан», деб мақтайвериш кўп ҳолларда бахилликка ўхшаб кетади.

Қарияларнинг ҳангомаларидан: Бердақ шоир Хивадан кечроқ қайтиб, кўзлаган манзилига етолмагач, йўл устидаги нотаниш овулларнинг бирида тунаш учун бурилган экан, гузарда ёлғиз йўловчи рўпара келибди. Жуда қимматбаҳо либослар кийган бу йўловчи юпунгина кийинган шоир билан саломлашиб, шу овулда тунаб ўтиш нияти борлигини, бироқ ҳеч кимни танимаганлиги учун қаёққа боришини билмай тараддуланиб турганини айтибди.

«Қисматимиз бир хил экан. Юр, кўноқ жойини бирга қидирайлик», дебди шоир. Шундай қилиб, улар ташқариси озодароқ бир уйнинг эшигини тақиллатиб, «худойи меҳмон» эканликларини маълум қилишибди. Уйда қандайдир бир қувончли воқеа шарафига зиёфат берилётган экан. Бундай пайтда меҳмон қабул қилмайдиган уй бўлмайди. Мезбон уларни очик чехра билан кутиб олибди. Бироқ икки меҳмоннинг бир-бирига нотанишлигини билмай, фақат кийимларигагина қараб, Бердаққа пойгақроқдан, иккинчисига тўрдан жой кўрсатибди. Эл-юртнинг таомилига кўра, бундай зиёфатга келган меҳмон оламда нима гаплар бўлаётганини, лоақал йўл-йўлакай кўрган билганини гапириб, ибратли ҳангомалар, афсоналар айтиб бериши керак. Икки меҳмон навбатма-навбат гапириб, кўрган-билганларини ҳикоя қилиб бўлиши билан, мезбон уларнинг ўринларини алмаштириб ўтказибди. Яна бир оз гаплашганларидан сўнг Бердақни ўтоғасининг ўрнига ўтказибди. Иккинчи меҳмоннинг тутуруқсиз гапларидан безор бўлиб, мезбон ундан зиёфат тугагунга қадар бошқа хонада дам олиб туришини илтимос қилибди.

«Таниган ерда — доно улуғ, танимаган ерда — тўн улуғ», дейилади халқ мақолида.

«Зиёфатга борганингга гап билмасанг, лоақал тилингга маҳкам бўл — бир чеккада ўтириб қайтасан», дейди қариялар.

Шуларни эслаб, менинг шоирлигим бошқаларнинг ғашини келтирса бундай шоирликнинг нима кераги бор, деган хулосага келдим. Лекин, ҳар қалай ўзимча куймаланиб, шеър машқ қилишни ташламадим. Назаримда, ичимга сиғмаётган уй-фикрларим, айтмоқчи бўлган гапларим кўпдек. Уларни қаергадир бўшатиб хумордан чиқишим керак-ку, ахир!

Кимнинг оғзи бўшлиғи сабаб бўлди билмайман, «Ҳақимниёз чолнинг тўнғич невараси шоир экан», деган гап қўни-қўшнилари орасида ёйила бошлади. Бу хабар бобомнинг қулоғига ҳам етиб борибди.

— Ялангоёқ этик кийса, босарга ер тополмас экан. Биз бечораларнинг уйдан шоир чиқиши ҳам шунга ўхшайди. Энди сени Кўча бийининг олдига олиб боришим керак, — деди бобом. Бобом айтдимми, тамом!

Кўча бийи лўппи, япаски, силлиқ юзини мен томон буриб, юм-юмалоқ кўзларини қадади-да: «Калланг каттагина экан. Шу калланг ичи тўла мия бўлса, бир нима чиқар, чиқмай қолмас», деди.

— Шоир бўлмоқчи, — деди бобом.

Кўча бийи сонига шапатилаб қотиб-қотиб қулди. Бобом унинг бу қилиғини ёқтирмади. Мен ўсал бўлдим.

— Қани, шоир бола, айт-чи, масалан, дейлик, колхозимиз раисининг ишдан бўшатилишини истасанг-у, у бўшмай турганида ишинг тушиб олдига борсанг нима деган бўлардинг? — дабдурдан сўраб қолди Кўча бийи.

— Раис оға, фалон иш билан олдингизга келдим, дер эдим.

— Бундай эмас-да! Шоир гапини пардозлаб, пардалаб гапириши керак. Демак, бундай вазиятда аввалига «Собиқ раис оға!» деб бўлиб (эсингда бўлсин, «собиқ» деган сўзни қўшиб айтсанг, уни пичоқсиз сўяганинг!), ана ундан кейин илтимосингни айтаверсанг бўлади. Мободо муаллимнинг ёқтирмай қолсанг, унга ҳам бир гап айтишдан аввал «собиқ муаллим оға» деб чақирсанг, асл бадийий сўзнинг устаси бўласан-қўясан.

— Яша, чироғим, неварамга шоир бўлишнинг йўлларини ўргат, кўп ўргат! — ўтинди бобом Кўча бийига ихлос билан термилиб.

Кўча бийининг айтгани: мен ёшлик пайтимда овулимиздан бир шоир чиқди. Шоир деганлари дастлабки пайтларда енгилтабиатроқ ҳовлиқмароқ бўладими дейман, ўтиришларда, ҳатто шунчаки уч-тўрт одам ийғилиб қолса бас: «Шеър ўқиб берайми?», деб қисталанг қилаверарди. Ҳеч ким сўрамаса ҳам ўрнидан туриб шеър ўқийверарди. Аввалига бир оз зеҳн қўйиб тинглаган одамлар ҳам бора-бора ундан зерика бошлашди. Уша шоир билан баробар овулимизда бир кўчқор уриштирувчи ҳам чиқиб қолди. Тўй бўлса бас, овул-аймоқ унинг кўчқорига иштибоз бўлиб ортидан эргаша-верарди. Уришқоқ кўчқори туфайли овулда уни танимайдиган одам қолмади. Анови шоиримиз эса,

кўп ўтмай, шахарга кўчиб кетди. Аҳён-аҳёнда газетада номини кўриб қоламиз. Лекин кўчқор уриштирувчи то умрининг охиригача овулимиздаги энг машҳур одам бўлиб қолаверди. Боши ёрилган кўчқорини сўйиб, бола-чақаси билан кулинг ўргилсин шўрвасини ичиб ётаверарди. Кўни-кўшнларни, овул аҳлини ҳам шўрвадан бенасиб қолдирмасди. Неварангиз ҳали ҳаётнинг асл моҳиятини яхши тушунмайдиганга ўхшайди, оқсоқол, — дея нақлини хотималади Кўча бийи.

— Шунинг учун ҳам олдинга етаклаб келдим-да, — деди бобом.

Кўча бийининг айтгани: ёшлигимда қармоқ билан балиқ овлашни яхши кўрардим. Кўл бўйига бориб, қармоққа иладиган чувалчанларимни товоқчага солиб қўйган эдим, биттаси ўрмалаб товоқчадан чиқиб олди. Қармоғимни қўлимда ушлаган ҳолда, қани нима қиларкин, деб чувалчаннинг ҳаракатларини кузатиб туравердим. У озодликка чиққанига қувониб, шоша-пиша буралиб-эшилиб ўрмалаётган эди, қаердандир бир чумчук учиб келиб чувалчаннинг тепасига кўнди-да, уни чўкилаб ейишга тутинди. Еб бўлгач, қанотини қуёшга тоблаб, ҳузур қилиб ўтираверди. Шу орада қаердандир қирғий пайдо бўлиб, чумчуқни тишлаганча кўл ёқасидаги тўранғил шохига бориб кўнди. Шу ерда чумчуқнинг патларини тўзғита-тўзғита еб, шохга қанотларини ёзиб эндигина мизғиган эди, кўз очиб-юмгунча бўлмай лип этиб шақал пайдо бўлди-да, қирғийни бўйнидан ғарча тишлаб олди. У тўранғил оралаб кетаётган эди, кутилмаганда нимадир «шарқ» этдию, шақалнинг фиғони кўкка чиққудек бўлди. Шу орада нарироқдаги тўранғил панасидан бир одам чиқиб келди. Ана шунда мен шақалнинг қопқонга тушганини билдим. Уша одам суюнганча югуриб бориб шақалнинг бошига кўлидаги темир билан кулочкашлаб икки марта урди-да, оёғидаги қопқонни бўшатиб, бояги ўрнига қайта қуриб қўйгач, менинг ёнимга келди. Мен қармоғим қимирламасин, деб гапирмадим. У кўнглимдан ўтганини фаҳмладими, жимгина ортига қайтиб, шақалнинг терисини шилиб олди. Терини офтоб-шувоққа ёйиб қўйди-да, бугунги ўлжасидан мамнун бўлиб, ўт-ўланлар устига чалқанча ётди. Шу орада унинг жон ҳалпида чинқиргани эшитилди. Югургилаб олдига борсам, бўйнига илон чирмашиб олибди. Унга кўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Бироқ ажал чангалидан қутқариб қололмадим. Илонни мен ўлдирдим.

Мана, сенга ҳаёт! Ким мана шундай ҳаётни ёзса, ҳаётнома ёзгани.

Бобомнинг айтгани: мен шу колхозга аъзо бўлиб кирганимдан бери уч марта раис ўзгарганига гувоҳ бўлдим.

Биринчи раис амалга минган заҳоти ҳаммани хонасига йиғди-да, аввалги раиснинг даврида бизга қийин бўлганини айтиб, энди аҳвол яхшилиганини ваъда қилиб иш бошлади. Кейинчалик ҳам у тез-тез шундай мажлис ўтказиб, ўзининг колхоз ҳаётига киритаётган янгиликларини, ҳар биримизга кўрсатаётган ғамхўрлигини эслатиб турди. Кўнлардан бир кўни у ишдан бўшади. Иккинчи раис собиқ раиснинг ишдан бўшатилгани яхши бўлганини ўзича далиллаб, у бошқарган давр бизлар учун қони азоб бўлганини, энди бизнинг ҳаётимизда жуда кўп янгиликлар рўй беришини айтди. Янги раиснинг ваъдаларига эндигина ўрганганимизда у ҳам ишдан бўшатилди. Учунчи раисимиз ўзидан аввал ишлаган ҳар икки раис замонини бирийўла чиппака чиқарди. Унинг сўзларига қараганда, шу пайтгача колхозимиз ўтириб қолган экан. Энди бизлар учун олтин давр бошланаркан... Бу гапларга ҳаммаимиз астойдил ишондик. Бироқ...

Яқинда ўша раис ҳам ишдан олинди. Энди янги раис нима деб келишини кутиб юрибмиз.

Шу гаплар эсимга тушса, ҳаёт араваси дам ундок, дам бундоқ филдирайверадами, ё одамлар замонга мослашиб, аравакашнинг қўшиғини айтиб яшайверадами — тушунмай бошим қотади. Онамнинг насиҳатларидан: аҳмоқнинг ақлли томони шундаки, у аҳмоқлигини ҳимоя қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмайди.

Ақлли одамнинг аҳмоқона томони шундаки, аҳмоқларнинг ақлли иш қилишидан умидвор бўлиб, ўз ақлини ҳимоя қилишни ёддан чиқариб қўяди.

Фойдаланилмаган ақл — ишлатилмаган пул.

Ишлатилмаган пул — ялтироқ қоғоз.

Бобомнинг насиҳатларидан: ўтакетган ёвуз бўлмаса, болага ёмонлик қилувчилар камдан-кам.

Халқимиз узоқ асрлар мана шундай болалик даврини бошидан кечирмаганида, шу қадар оз сонли бўла туриб, балки бугунги кунгача етиб келолмасди.

Меҳнатсиз ейилган бол оғзинга болдек ёқимсиз туюлади. Меҳнат билан еган нонинг, ҳаттоки моғорлаб кетган бўлса ҳам, оғзинга болдек татийди.

Ҳар бир одамнинг ўз мақсади бўлади. Ўз мақсадини халқнинг мақсадига бўйсиндирган одам ҳаётда адашмайди.

Қарияларнинг хангомаларидан: бир ота-онанинг якка-ёлғиз қизи бор экан. Ёлғизгина арзандалари бўлгани учун унинг кўнглига қараб ўстиришибди ва турмушга чиқаришда қозон-товоғига-ча — ҳамма ашқол-дашқолларини тайёрлаб беришибди.

Орадан ярим йил ўтиб, қиздан ота-онага:

«Отам берган гиламни ерлар ютди,

Онам берган қозоннинг оғзи битди», деган бир байтгина хат келибди.

Ота-она қаттиқ ташвишланиб, қизининг уйига боришса, у ҳалигача қозон ювиш, уй супуришни билмас экан. Овқат қилганда, қозонни ювмай овқатни қасмоғининг устига пиширавергани учун қозоннинг ичи том битиб қолибди. Гилами эса бирор марта қоқилмагани, ювилмагани сабабли ҳар кимнинг оёғига илашиб келган чанг-чунг билан ерга сингиб кетибди.

Ота-она бундай қиз ўстирганига пушаймон бўлиб, ноилож янги қозон, янги гилам сотиб олиб беришибди. Қизининг қиймлари тўзиб, йиртила бошлаганини кўрган онаси кетар олдида:

— Қизим-ов, ҳеч бўлмаса эгнингга кунига бир куйлак кийиб олишга кўлинг тегмайдими? — деб уни койибди.

Қиз:

— Тушундим, энди шундай қиламан, — деб қолибди.

Вақти келиб ота-онага қизидан: «кийимларим оғирлашиб, оёғимга ўралашиб юролмай қол-япман» деган хабар етиб келибди. Она ҳовлиқиб келса, қизи ҳар кўни биттадан куйлак киявериб, гупчакдек шишиб кетибди. Қават-қават куйлакларининг этаги оёғига ўралашиб, юрай деса сури-ниб йиқилавераркан. «Битган ақл бўлмаса, суртган ақл ҳеч нимага ярамас экан», дея она қизини уйига олиб кетибди.

Онамнинг насиҳатларидан: ёмон ниятли йўловчи ботар кундан умидвор бўлади. Яхши ниятли йўловчи чиқар кундан умидвор бўлади. Чиқар кундан умидвор бўлиб яшагин, болам!

Момомнинг насиҳатларидан: айрим одамлар беш кунлик роҳат-фароғатини деб, кўра-била туриб ўғрилиқни ҳам қўллаб-қувватлайди. Ҳаётда билиб туриб қинғир иш қилиш — чинакам ўғирлик. Бу дунёда ўғрилар кўпми, дейман-да. Гапларимнинг маънисини тушуниш учун сен аввало ақллинг тезроқ таниб ол, қароғим.

Бобомнинг насиҳатларидан: аввало, халқ доно. Одамларнинг ўзаро муносабатларидан, ўзининг бошқалар билан, бошқаларнинг ўзи билан муомаласидан тегишли хулоса чиқара билган, қолаверса, уни ўринлатиб қоғозга тушира олган одам — яна-да донороқ. Бундай одам халқини ҳам доно қилиб кўрсата олади. Бу иш— улуғликнинг ҳам аломати!

— Улуғлик белгиси — ожизларни ҳимоя қилиш, деб ўргатарди Кўча бийи.

— Ожизларни ҳимоя қилиш — қудратлиликдан нишонандир, — дерди отам.

— Улуғликнинг ҳам, қудратлиликнинг ҳам белгиси — ҳалол-пок яшаш, — дерди онам.

Қариялар гурунгидан: болалик чоғимда овулимизда ўн икки мучасини ёғ босиб кетган бир бой бўларди. Бойлиги ошиб-тошиб ётсаям, бола-чақаси билан бўз курпачада ўтириб қаттиқ нон ерди, пиширган овқатлари ҳам қуруқ ёвгон бўларди.

«Сиз нега бунақа зиқналик қиласиз?», деб сўраган одамга: «Овулдаги бошқа одамлар қандай яшаса, мен ҳам шундай яшайман-да. Улардан ўтиб қаёққа борардим», деб жавоб қайтарарди. Бироқ ҳеч кимга на бир товуқ, на бир кафт буғдой берарди... Гоҳо-гоҳо шу бой эсимга тушса, унинг улуғлигини ҳам, аҳмоқлигини ҳам билолмай ҳайрон бўлман.

Овулимиз чеккасидаги қамиш қапада бир девона яшарди. Уйига биров бориб қолса, эғнидаги биттау битта чопонини ёйиб, тағига тўшарди. Охирги яримта нонини дастурхон устига қўярди. Шу қадар сахийлиги учунми, овулимиз болалари ҳамиша эшигининг олдида гирдиқапалак эди. Уша девона эсимга тушса, унинг улуғлигини ҳам, нодонлигини ҳам билолмай ҳайрон қоламан.

— Ҳамма бир томонга қараб юганида ер курраси ўз ўқидан чиқиб кетиши ҳам эҳтимол эди, — дейди отам.

— Жаҳон халқларининг кўпдан-кўп уруғларга, миллату элатларга, айрим-айрим мамлакатларга бўлиниб, ҳар бирининг ўз эркича яшаши дунёнинг мувозанатини сақлаб турибди, — дерди гоҳо Кўча бийи.

— Агар ҳамма бир хил бўлганида, одамлар учун гап топилмай, кўпчилик зерикшидан ўлиб қоларди, — дерди яна Кўча бийи.

* * *

Бу дунёда одам боласи ҳамма нарсага кўнавераркан. Бошга тушганини кўз кўравераркан. Қирғинбарот уруш авжиде. Йигит ёшига етганлар ой сайин армияга кетиб турибди. Келаётганлар камдан-кам. Улар ҳам ишга яроқсиз майиб-мажруҳлар. Овулда турмуш оғирлашгани билан ҳамма ишлар ўша қолипда: пахта етиштириш плани ўша-ўша, буғдой ва бошқа додли экинлар плани ҳам ўша-ўша; ҳатто уруш арафасидагидан кўп бўлса кўпки, оз эмас...

Бир касаллик бошқасини етаклаб келаверади, дейди табиблар.

Кулфат қўшалоқ келади, дейди қариялар.

Овулимизда тоғни урса талқон қиладиган бўз йигитлар қолмагани камдек, 1942 йилнинг ёзиде Амударё ўзининг асрий ўзанига сиймай, биз тарафга уриб кетгани ҳақда шум хабар тарқалди. Бу барчани таҳликага солиб қўйди. Таҳликадан нима фойда? Хавф-хатарнинг олдини олиш керак! Колхозимиз раиси аини туш пайти беш-олти қариялар билан мен тенги болаларни тўплаб, кеч-қурунга қадар йўлга озиқ-овқат ҳозирлашни тайинлади-да, эртасига тонг-сахардан дарё тошқинини тўхтатишга боражақлигимизни айтди. Тўғри йўлни сув босиб кетгани сабабли айланб, йўлда бир оқшом тунаб, дарё ёқасига етиб келсак, ҳаммаёқ одам. Аксарияти ўзим тенги болалар, қариялар, аёллар. Узунлиги ўн икки-ўн уч метрли омонат сўри устидан бизларга ҳам яшаш учун жой тегди. Шу ерга нарсаларимизни қўйдик. Бобомни пойлоқчи қилиб қолдирдик-да, бошқаларимиз баржага чиқдик. Баржа бизларни дарёнинг нариги қирғоғидаги қалин чакалакзор ёнига обориб сувга туширди. Боши-охири йўқ чакалакзорни кўриб, аввалига юрагимиз дов бермайроқ турди-ю, сувга тушгач, кўникай дедик. Тумонат одам тошқин сувни кечиби, шох-шабба кесялди. Бизлар билан келган қариялар, аёллар ҳам болталарини қўлига олиб дарахт кесишга тушиб кетишди. Биз — болалар бўлсак, улар чопган шохларни сув ичида судраб баржага юклагаш киришдик. Баржа тўлган захоти кичкинагини кема уни сув урган тарафга судраб кетади-да, бўшагач, юқориқадан айланиб қайтади. Шу аллозда дам кўкракдан, дам бўғиздан келадиган сувдан чиқмай қош қорайгунча ишлаб, яна ўша баржада бобом қолган ерга қайтиб бордик. Бобом ҳар ким ўзи олиб келган кўрпа-тўшакларни ёнма-ён тўшаб, чой қайнатиб, бизларни кутиб ўтирган экан. Биринчи куни, обдан чарчаганмасмизми, эртарақ ётдик. Тунга яқин чор атрофи очик, омонат бошпанага илону қурбақалар тўлиб кетар экан. Бобом қўлига таёқ олиб, туни билан шартиллатиб ер савалаб, теварагимизда гир айланиб чиқди...

Тонг бўзармасдан кема қўнғироғи ҳаммамизни уйғотди. Қарасак, теварагимизда сон-саноксиз илонлар ўлиб ётибди. Улардан қўрқиб ўтиришга ҳам вақтимиз йўқ эди. Тушлиқда ейдиган нонларимизни олиб, апил-тапил баржага чиқдик. Яна кечагидай иш бошланди. Тағин қоронғи тушганда «бошпанамиз»га қайтдик. Тағин чой ичиб, нон каппалаб, ухлагани ётдик. Тағин бобом туни билан посбонлик қилиб: бизларни гир айланиб илону қурбақалардан қўриқлаб чиқди. Тонгда яна бизни кема қўнғироғи уйғотди. Ҳаёт чархпалағи шу тарзда айланаверди...

Шоир бўлиш учун ҳаётни ўрганиш керак, деган ўгитлар хаёлимга ҳам келмайди. Назаримда, ҳаётни ўрганаётганга эмас, яшаётганга ўхшайман. Бироқ шеър ёзолмайман. Кўни билан сувда юриб чарчаганликданми, кечқурун тўшаққа ёнбошим тегди дегунча тошдек қотаман. Тонг сахарда эса қўнғироқ товуши уйғотиб юборади...

Орадан ўн кунча ўтганда, чопилган толларни яна олиб кетиш учун келаётган баржада иттифоқо бобом кўринди. Нимагадир, қўлини баланд кўтариб олган. Зеҳн солиб қарасам, қўлида аллақандай конверт!

— Тўлек, сенга, болам! Ошпаз олиб келди! — деди.

Судраб келаётганим — бир қучоқ толчиқиқни баржага иргитдим-да, бобом узатган конвертни шоша-пиша қўлимга олдим. Адресига қарасам, редакциядан!

— Редакциядан! — дедим ҳовлиқиб. Конверт қалингина эди. Узимча: «Бир шеърим газетада босилиб, ўшани юборишган бўлса-я!», дея орзиқиб, бу мўъжизага дам ишониб, дам ишонмай конвертни йиртдим-да, ичидан хатни чиқардим. Аввалига ичимда ўқиб бошладим.

Редакциядан хат: ҳурматли Тўлепберген! Юборган хатларингни пешма-пеш олиб турибмиз. Бироқ ярқли шеър тополмаяпмиз. Шунинг учун редакция номидан сенга бир ҳикоя юборишни маъқул кўрдик. Диққат билан ўқи. Қайта-қайта ўқи!

Ашаддий бир кисса савур бўлган экан. Кунлардан бир куни дабдурустан инсофга келиб: «шу ярамас касбни ташлаганим бўлсин!», деб қасам ичибди. Ушандан кейин бозор оралаб юрса, қовоқ сотиб ўтирган бир анқовнинг чўнтагидан ўн сўмликнинг учи чиқиб турганмиш. Олай деса — қасам ичган. Олмай деса — кўз олдида тайёр ўлжа турибди. Уша одамнинг ёнига икки марта бориб, иккаласида ҳам базўр фикридан қайтибди: «омон-эсон» ўтиб кетибди. Учинчи марта ўтаётиб қараса ўн сўмлик пул ҳалиям ўша алфозда турганмиш. Пул эгасининг олдига бориб, унинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборибди. Қовоқфуруш: «Ие, нега урасан?» дея ўғрининг ёқасидан олган экан, у: «Бўлмаса нега ўзинг пулингни ичкарироқ тиқиб қўймайсан, аблаҳ. Қасамимни бузишимга бир баҳа қолди-я», дебди.

Мободо сен шеър ёзишни қўйиб, бошқа иш билан шуғуллансанг қасаминг бузиладими?

Салом билан, «Қизил Қорақалпоғистон»
газета редакцияси.

Бобом қандай жавоб олганимни авзойимдан фаҳмлаган бўлса керак, баржадан сувга сирғаниб тушди-да:

— Юр, болам, одамлар ишляпти. Сен бу ерда ҳаяллаб қолдинг. Шунинг ҳиссасига ёрдамлашай, — деди.

Менинг бўғзимга келадиган сув бобомнинг ярим белига етди. У эрталабдан бери тиним билмай, дам-бадам пешона терларини сидириб, худди толчиқиқда қасди бордек бетиним ишлаётган бир аёлнинг қўлидан болтасини олиб, тол кесишга тушиб кетди. Бобом ҳали бақувват экан. Анови аёл икковимиз унинг кесганларини базўр баржага ташиб улгурамиз. Бироқ, ҳар қалай, редакциянинг хатини бобомга сездирмай конверт-понверти билан ғижимлаб сувга отишга вақт топдим. У олабўтана сув сатҳида кўпикдай оқарганча оқиб кетди.

Уша куни бобомдан қолишмай жон-жаҳдим билан ишлаб, қаттиқ чарчаган бўлсам-да, кечқурун тўшақка киргандан сўнг ҳар кунгидек дарров ухлаёлмадим. Сув юзида кўпикдай оқиб кетаётган ўша конверт кўз олдимга келаверди.

Отам айтган афсона: Одам Ато ўз авлодларига ер тақсимлаб юриб, улкан бир дарёга рўпара келибди. Дарёдан ўтиш учун унинг чуқурлигини билиш керак бўлибди. Одам Атонинг бир ўғли отасининг хаёлидан кечганини ҳали у айтмай туриб фаҳмлабди-да, ўзини дарёга отибди. Бироқ шу калла ташлаганча сув юзига қайтиб чиқмабди. Алламаҳалда қалпоғи сув юзига қалқиб қайтиб чиқиб, чайқалганча оқиб кетибди.

Одам Ато ўйлиниб турибди-да:

— Анови қора қалпоқнинг эгасидан қолган болалар бўлса, чақириб келиб, шу дарёнинг қуйи қирғоқларига қўним топтиринлар, — деб ер ўлчовчиларга буйруқ берганмиш.

Ана ўша дарё — Амударё экан...

* * *

Мен сувга отган конвертни бобом кўриб қолган шекилли-да. Бироқ бобомнинг ўзи бу ҳақда гап кўзгамади. Мен ҳам индамадим. Лекин шундай бир аламли ўйлар хаёлимдан кечди: «Бундан кейин ҳам манови дарё дунёга қинғир қарашларни, одам боласининг юрагига ўқдай қадаладиган таҳқиромуш фикрларни, палид сўзларни пўкақдек оқизиб кетадиган дарё бўлиб қолаверармикин, ё мана шундай хор-ҳаслар билан тўлиб, оқмай қолармикин?..»

Онамнинг насиҳатларидан: нортуя бўталоғини ияги билан ўзига тортса — суйгани.

Одам бировга рост гапни қамчидек силтаса — суйгани.

Оталарнинг ҳикматли гапига қарши нодонларгина мушт кўтаради.

Отамнинг насиҳатларидан: ёшлик бор жойда қариллик бор, донолик бор ерда нодонлик бор.

Уйнинг иссиқ-совуғи қиш тушганда билинади.

Нуқсонингни топиб айтган одам билан ўчакашиш — нодонлик.

* * *

Мутахассисларнинг эътирофига кўра, Амударё дунёдаги энг тезоқар дарёлардан экан. Уруш келтирган қулфатлар оздек, дарё тошқини овулимизга қўшимча офат бўлди. Кўпгина овуллар қатори бизнинг овулимиз одамлари ҳам ўзларининг асрий маконларидан жудо бўлдилар. Овулимиз ўша 1942 йилнинг августида тошқин сувга фарқ бўлиб, овул аҳли ўн беш чақиримча наридаги Ободёрмиш деган арна бўйига кўчди. Ҳосили етилиб турган экинларимиз сув остида қолиб кетди. Уқийдиган мактабимиз бўлмагани учун ҳозирча юқори синф болалари бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериб туриши ҳақида кўрсатма олдик. Яъни, вақтинчалик муаллим бўлиб қолдик.

Муаллимлик қилиш билан қиш ҳам ўтди.

1943 йилнинг февралда овул аҳли кўҳна Чўртанбой бўйига (ҳозирги Жданов номли совхозга қарашли Чапаев номли бўлим жойлашган ерга) кўчирилди.

Икки-уч кун ичида ҳар бир оила ўзига ертўла қазиб жойлашди-да, колхознинг ярим аҳолиси янги ер очишга киришиб кетди. Қолган ярми йигирма чақиримча наридан ариқ қазиб, сув олиб келишга отланди.

Овулимиздан менинг отам (у киши 1908 йилда туғилган) тенги етти-саккиз одамни шу пайтгача нега армияга олишмаётганини энди тушундим. Улар оғир иш — янги канал қазिशга жўнатилди. Колхознинг ўзим тенги болалари ҳам уларга қўшилди. Бизлар ҳам иш беришимиз мумкин эди-да.

Сув тошқини туфайли бошпанасидан жудо бўлганлар биргина бизнинг овул аҳли эмасди. Янги канал қазишга Чўртанбой ёқасидаги тўқайзорлар орасида макон қурган янги овулларнинг ҳаммасидан одамлар келишди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ёш-ёш келинчақлар, қизлар, болалар эди.

Шундай қилиб, ҳозирги Жданов номли, «ВЛКСМ 50 йиллиги», «Россия» совхозларини сув билан таъминлаб турган Октябрь канали ўша 1943 йилнинг кўкламида қазиб битирилди ва экинзорларга қадар янгидан очилган ариқчаю отизларга сув етказиб берилди.

Шу канални қазिश ишларида мен ҳам отам билан бирга бир ярим ой қатнашдим. Янги ариқ бошланган ердаги овулнинг ҳар бир хонадонидида қазувчилар яшайди. Овулимиз одамлари эса колхоз отхонасини эпакага келтириб, ўша ерга жойлашишди. Мени шу нарса ҳали-ҳануз қойил қолдирадими, ҳаммамиз бир бошпанада ягона оила аъзоларидек ниҳоятда аҳил яшадик. Катталар: «Болалар, ўқишларинг тўхтаб қолганига ўқисманглар, ҳали ҳаммасига улгурасизлар», деб бизни юпатишади. Уз навбатида қизлар: «Тонготардан кунботаргача кетмон чолганларингиз камдек, тушлик пайтида, нонуштага қадар ҳарбий машқда юриб, сизларга оғир бўлди-да», дейишиб, уларга раҳмдиллик қиламиз.

Кечкурунлари одамларнинг нафаси биланоқ ётоқхонамиз исиб кетади. Овқат еб бўлган заҳоти ҳамма ўзини тўшакка уради. Лекин дарров ухлаб қолувчилар кам бўлади. Ўзаро гурунлар бошланиб кетади. Ҳар хил ҳангомалар, афсоналар айтилади. Фронтдаги жангчилардан келган хатлар ўқилади. Чироқ ўчирилгандан кейин ҳам ўзаро суҳбатлар давом этиб, ким гаплашгиси келса гаплашиб ётаверади. Эшитган эшитаверади, ухлаган ухлайверади. Бироқ оқсоқолларимиз фронтдан келган айрим қайғули, жами даҳшатларга тўла хатларни уйку олдидан ўқишни тақиқлаб кўярдилар. Мободо ўжарроқ биров норозилик билдирса, унга оқсоқоллардан бири: «Ухлаёлмасанг ташқарига чиқиб ёт, ёки манови болаларга мактаб очиб ўқит!» дейди, тамом! Бундай гапга эътироз билдириб кўринг-чи!

Уйку олдидаги савол-жавоблардан: кўп бўлса қадри йўқ нарса нима?

— Сув.

— Йўқ бўлса, одам бор буд-шудига алмаштириб олгиси келадиган нарса-чи?

— Сув.

— Энг яхши одат кимнинг одати?

— Халқнинг одати.

— Энг яхши кийим кимнинг кийими?

— Бошлиқнинг кийими.

Бу жавобни шарт кесамиз:

— Йўқ, энг яхши кийим — халқ кийган кийим!

— Қаипберген, тўнғич ўғлингдан уялмай ростингни айт-чи, сен жуфти ҳалолнинг Гулханга дастлаб қандай гул тақдим этгансан?

— Пахтанинг гулини.

Гурра кулги кўтарилади.

— Кулманглар, йигитлар! Бу дунёдаги энг бебаҳо гул — пахтанинг гули. У кийимга айланади. У ҳозир немис-фашист газандаларига қарши ўқ-дори ҳам бўляпти. Мана шу бизлар қазийётган Октябрь ариғи битса, суви даставвал пахта даласига очилади.

— Йигитларга яна бир савол: агар бировингиз эрталаб худо бўлиб уйғонсангиз, биринчи галда нима қилар эдингиз?

— Мен биринчи галда аблаҳ Гитлернинг оёғига палахмон тошини боғлаб кўяр эдим.

— Мен ҳам!

— Мен ҳам!..

— Мен ораимиздаги жамики ялқовларга, сен дўзахга борасан, деб, қўлларига йўлланма тутқазардим...

— Мен бу дунёни нотекис яратган худонинг ўзини топиб, дорга осардим!..

— Яхши, йигитлар! Худо масаласини қўйиб турайлик! Бор-нарсга ҳақида гаплашайлик. Лозим бўлганида, ўзимизнинг ҳар биримиз худомиз! Агар бировингиз эртага шоир бўлиб уйғонсангиз, қандай шеър ёзардингиз?

— Мен «Гитлерга ўлим!» деган шеър ёзардим.

— Мен «Ариқ қазувчилар» деган шеър ёзардим.

— Мен «Она» деган шеър ёзардим.

— Мен «Маҳмадоналар» деган шеър ёзардим.

Кимдир пиқирлаб, кимдир хоҳолаб кулди.

— Ҳўш, ўзинг шоир бўлсанг, нима ҳақида шеър ёзардинг? — деди йўғон товушли одам дастлаб савол берган одамга.

— Мен «Аёллар» деган шеър ёзган бўлардим.

— Нега?

— Нега?! — Сўради ҳамма алланечук жонланиб; кимдир орзиқиб, кимдир кинояли илжайиб, кимнингдир ҳафсаласи пир бўлиб.

— Негаки, аёллар бўлмаса ҳаёт тўхтаб қоларди.

Ҳар ким ўзича хаёл дарёсига шўнғиди.

— Куч нимада?

— Бирликда.

— Яна нимада?

— Яна бирликда.

— Одамни бошқаларга яхши кўрсатадиган икки аъзонинг номини ким билади?

— Мен биламан. Одамни бошқаларга яхши кўрсатадиган икки аъзонинг бири — юраги, иккинчиси — тили!

— Энди, одамни бошқаларга ёмон кўрсатадиган икки аъзонинг номини ким билади?

— Яна мен айтаман. Одамни бошқаларга ёмон кўрсатадиган аъзоларидан бири — тили, иккинчиси — юраги!

— Тўғри, тўғри!..

— Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлдирилган ё қамалганлардан айримлари ҳақида: «У оташин инқилобчи эди», «У пок ниятли раҳбарлардан эди», «Ноҳақ ўлдирилган», «Ноҳақ қамалган», деган луқмалар қулоққа чалиниб туради. Адолатли тузум — советлар даврида нега бундай ноҳақликлар рўй берган?

— Кимни назарда тутяпсан? Очирокроқ айтсанг-чи!

— Масалан, қорақалпоқларга автономия беришни талаб қилган Оллоёр Дўстназаровни айтмоқчиман.

— Қадим замонда «Гаранглар овули» деган бир овул бўлган экан. Ростдан ҳамма одамлари ҳам қар, ҳам гунг-соғов экан. Кунлардан бир куни қутилмаганда шу овул устидан нимадир гумбурлаб ўтибди. Унинг гулдуриси овул одамларига таъсир қилиб, ҳаммасининг қулоқлари очилиб кетибди. Дабдурустан тиллари ҳам калимага келибди. Бу ажойиб-ғаройиб ҳодиса ҳамманинг аввалги кўникиб-мослашиб қолган аҳволини тубдан ўзгартириб юборибди. Овулда улкан байрам бўлибди. Унга барча қатнашибди. Байрам тантаналаридан сўнг қарашсаки, қутилмаганда рўй берган бу қувончли воқеадан ҳамма ўйнаб-кулиб, ирғишлаб-югуриб юрганида айрим чалишиб йиқилганлар оёқ остида топталиб ётганмиш.

Улуғ Октябр инқилоби, инқилоб ғалабаларини мустақкамлаш учун кураш йиллари Қорақалпоғистон қаби кўпгина чекка ўлкаларнинг қулоғини очиб, тилини чиқарди. Сен айтган нарса ўша «Гаранглар овули»да рўй берган байрамнинг кўнгилсиз оқибатларини эслатади.

— Хон замонида бир овсар қорақалпоқнинг хонга қандай қилиб доно кўринганини эшитганмисиз?

— Йўқ, эшитмаганмиз, қани, айтинг-чи!

— Ухламай эшитамиз, шошилмай айтаверинг.

— Ўша замонда «Хонёп» деган янги ариқ очаётган қазувчилар олдига хон келиб, уларга ўз ҳисобидан зиёфат берибди-да: «Энди мен сенларнинг қанчалик доно эканликларингни синаб кўрмоқчиман. Масалан, мен лом-мим демай, имо-ишора қиламан. Ким тушуниб, сўзсиз саволимга имо-ишора билан тўғри жавоб топса, ўшани беш тилла билан мукофотлайман», дебди. Қазувчилар ҳаяжонлиб хонга кўз тикибдилар. Хон бир бармоғини ҳавога нуқибди. Ҳамма доғ қотиб турган экан, кийимлари ўлда-жўлда, ўзи тентакроқ (Тентак бўлмаса хон билан ақл талашига жазм этармиди!) бир қазувчи ўрндан туриб, унга жавобан икки бармоғини нуқибди. Буни кўрган хон энди бармоғини ўз чеккасига нуқибди. Ҳалиги қазувчи бўлса, қорнига ишора қилибди. Хон энди кафтини ёзиб, беш бармоғини кўрсатибди. Қазувчи бўлса, хонга муштини дўлайтирибди.

— Оббо, хумкалла қорақалпоқ-эй, чинакам доно экансан! — деб қойил қолибди хон. Саройга қайтиб борғач, мукофотни бир навқаридан бериб юборишини айтибди.

Маслаҳатгўйлари бу имо-ишораларнинг маъносига тушуниб етмаганликлари учун хон ҳузурига таъзим билан бош эгиб сўрашибди:

— Хон ҳазратлари, биз ғофил бандаларга тушунтириброқ айтинг-чи, Сиз нима дедингиз-у, манави қорақалпоқ нима деди?

Хон шундай жавоб берибди:

— Дастлаб мен бир бармоғимни кўрсатиб, «Худодан бошқаям доно борми?» деб сўраган эдим, у икки бармоғини кўрсатиб, «Осмонда — худо, ерда — сиз, икки доно бор», деб жавоб берди. Кейин мен бармоғим билан ўз чаккамга нуқиб, «Мияси кўп одам ақллими?» деб сўрасам, у қорнини кўрсатиб, «Йўқ, қорни тўқ одам ақлли» деб жавоб берди. Учинчисида мен беш бармоғимни кўрсатиб, «Беш тиллани ҳозир — ҳамманинг олдида бераверайми?» деб сўраган эдим, у муштини кўрсатиб, «Йўқ, бу одамларнинг кўпчилиги ўғри, шунинг учун яширинча бериб юбора қолинг», деб илтимос қилди.

Хон ҳузурига киролмай қолганлар ўша доно қазувчини қуршаб:

— Қани, мундоқ тушунтириб айт-чи, хон нима дедию, сен нима дединг? — деб сўрашибди. Қазувчи бундай тушунтирибди:

— Аввалига хон менга: «Бир кўзингни ўйиб олайми?», деб бир бармоғини кўрсатиб пўписа қилган эди, мен икки бармоғимни кўрсатиб: «Сенинг икки кўзингни ўйиб оламан», деб уни қўрқитдим. Иккинчисида у ўз чаккасига ишора қилса ҳам аслида: «Бошингни олсам, қўлингдан нима келади?», деб дағдаға қилганди, мен унга қорнимни кўрсатиб: «Аввалроқ мен сенинг қорнингни ёриб ташлайман», деб эс-хушини жойига тушириб қўйдим. Учинчисида у менга беш бармоғини кўрсатиб: «Шапалоққа тобинг қалай?», деб сўраган эди, мен унга муштумимни дўлайтиб: «Бир мушт урсам ўласан-қоласан», дедим. Ана шунда хоннинг капалаги учиб кетди-да, қўрққанидан менга мукофот ваъда қилди.

— Кўрга ўз ҳассаси дунёнинг устунидек туюлади, деган ҳикматли гапнинг маъниси шу бўлса керак-да, — дея хулоса қилди отам.

— Одил подшо бўлса, у аввало кимларни ўз хизматига олар эди? — деб сўраб қолди кимдир уйқусириб ётиб.

— У ўзига одам танлайман дегунча лаганбардорлару ялтоқи-ялоқхўрлар жамики амал курсиларини эгаллаб улгуришади, — деб жавоб берди яна отам.

— Аҳмоқ қай пайтда ақлли кўринади?

— Жим турса.

— Доно қай пайтда аҳмоқ кўринади?

— Мақтанчоқ, маҳмадона бўлса.

— Қай ҳолда одамнинг уйқуси қочаверади?

— Чўнтагида пули кўпайса.

— Одамни қай пайтда уйқу босаверади?

— Ақли камайса.

— Соппа-соғ одам дабдурустан қутура бошласа, қандай касалга чалингани?

— Касалга чалингани эмас, пули кўпайгани.

— Одамнинг ўзи яхши биладиган қайси нарсасини бошқалар кўп тилга олади?

— Исмининг.

— Одамни узоқ яшашга ундайдиган энг асосий куч нима?

- Унинг эртанги кундан умиди.
- Одамнинг умрини қисқартиришга-чи?
- Унинг эртанги кундан умид узиши.
- Дабдурустдан жавоб бериш мушкул савол нима?
- «Ухлаяпсанми?» деган савол...

* * *

Уйку олдидаги гурунглардан: мактабда ўқисин-ўқимасин, ҳар бир одамдан талаб этилувчи нарса — поклик. Пок дил, пок юз, пок сўз... Палид сўз аввало айтган одамнинг юзини қора қилади.

— Бемаъни сўз йиртиқ пулга ўхшайди. Кимга берсанг, ўзингга қайтараверади. Оғзингдан чиққан тиканли сўз аввало ўзингни жароҳатлайди. Гапирган гапинг гужум бўлса, соясида ўзинг ҳам баҳра оласан, оғу бўлса, ўзингни ҳам заҳарлайди, бол бўлса, ўзинг ҳам маза қиласан.

— Яхши сўз билан илон инидан чиқади, деган гап бекорга айтилмаган, ахир.

— Деворнинг умри қаланган гиштларнинг сифатию тўғри терилишига боғлиқ бўлгандек, айтилган гапинг қиймати сўзлар маъносининг ўз ўрнида қўлланилишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, қурувчилик билан ёзувчилик ўзаро яқин касбларга ўхшайди. Бироқ қурувчилар бир уй қурмоқчи бўлсалар, гишт қуювчи, гишт терувчи, сувоқчи, бўёқчига бўлиниб, ҳар бири ўзига белгиланган ишни бажаради. Ёзувчи асар яратаётганда ҳаммасининг ишини ёлғиз ўзи бажаради. Энг қудратли техника ҳам унга ёрдам беролмайди.

— Ҳар қандай тилда энг ардоқли иккита сўз бор: «она», «муаллим». Лекин қорақалпоқ тилининг ўзигагина хос биргина сўзни ким айта олади?

— Бу — «қовва» деган сўз. Бу қутлуғ сўз тасдиқ маъносидан ташқари, кимнинг қорақалпоқ эканини ёки Қорақалпоғистонда яшашини кўрсатиб туради.

— Қорақалпоғистонликлар меҳмонга «қовва» деган сўздан бошқасини кам айтишади. Шунинг учун ҳам ҳар бир меҳмон бу сўзга тез ўрганиб кетади.

— Бизнинг она тили муаллимимиз: «Ҳар бир тил ўзининг луғат бойлигини ошириш билан бир қаторда, ҳар бир сўз бажарувчи вазифаларни ҳам ошириб бораверади. Ёзувчилар сўзни йўниб, силлиқлаб, ишлов берадиган усталар», — деб ўргатган эди.

— Ҳар бир тилининг луғат бойлигини эмас, ҳаттоки ёзувдаги тиниш белгилари ҳам баъзан одамнинг тақдирини ҳал қилиши мумкин. Адабиёт муаллимимизнинг айтишича, Виктор Гюго деган француз ёзувчиси китобини чиқарадиган нашриётга қўлёзмасини жўнатиб, хат ўрнига биргина савол аломати (?) юборган экан. Нашриёт директори эса жавоб ўрнига ундов (!) белгисини юборганмиш.

— Ана, тилдан моҳирона фойдаланиш, ана қисқалик! Биргина имло белгисидан қанча маъно!

— Имлони мактайверманглар! Боболаримиз имлосиз ҳам туппа-тузук гаплашиб, ҳатто достону кўчиқлар яратиб яшашган. Буёғини сўрасангиз, менинг ликбезни ташлаб кетишимга ўша лавнати имло сабаб бўлган эди.

— Нега?

— Ҳарфларни тўла ўрганиб, сўз қураштириб ўқишга тушган эдик. Бир куни муаллим «Энди грамматикани ўрганишга киришамиз! Мен ҳозир тахтага бир содда гап ёзаман, унинг эга-кесимини топамиз. Кейин грамматиканинг нима эканини тушунтираман», деди. Шундай дедию, тахтага ҳар ҳарфини ўқлоғдай-ўқлоғдай қилиб қилиб: «Айтжон уйланди» деб ёзди. Жон-поним чиқиб ўрнимдан учиб турдим-да:

— Ёлғон! Мен ҳали уйланганим йўқ! — дедим.

Муаллим ўзини оқламоқчи бўлиб:

— Бу гапни эга-кесимини топиш осон бўлсин деб ёздим...

— Сизга осон, менга қийин! — дедим яна. — Исминим Айтжон эканини била туриб атайин ёздингиз! Энди одамлар нима деб ўйлашади? Энди уйланадиган қизим нима дейди? Тўхмат бу! Муаллим бўлсангиз ҳам судга бераман!

— Кечирасиз, билмабман. Майли, ундай бўлса, «Айтжон тушунмади», деб ёза қолайлик.

— Нега тушунмас эканман? Эшакмия, демоқчимисиз? — дедим бу гапдан жиним кўзиб.

Синфдагилардан ҳеч ким орачилик қилолмаслигини кўрган муаллим елкасини қисганча андак ўйланиб:

— Майли, ўртоқлар, бўлмаса яна ўзгартирайлик, — деди-да, тагин ката-катта ҳарфлар билан «Ит ҳурди» деб ёзди.

— Энди итга тенглаштирдингизми? — деб яна ўрнимдан сапчиб турдим.

— Йўқ, бу гапда «ит» эга, «ҳурди» кесим, демоқчиман, — деди у.

— Шуям дарс бўлибдию! — деб жаҳл билан эшик олдига бордим-да, синфдошларимга «Юринглар, «ит ҳурди» ни ўрганмасдан турибоқ туппа-тузук гапириб юрибмиз», дедим. Синфда йигирматача ўқувчи бор эди, бештаси ортимдан эргашиб чиқди. Ушанда менга эргашиб чиққанлардан манови менинг ёнимда ётган Қайпберген, Сайилхон, Сафарниёз, Эрниёзлар тирик. Тўғри-ми?

— Тўғри, — деди биров кўрпа остида пиқ-пиқ кулганча. — Ушанда сенга эргашмаганимизда бугун ҳеч бўлмаса фронтга ўзимиз хат ёзардик. Бизларни армияга олмай юрганларининг сабаби ҳам шу — саводсизлигимиз! Ушанда бешинчимиз Утамиш эди. Армияга кетгандан бери хат ёзмади. Улдига чиқариб юрсак, яқинда хат келиб қолди. Ярадор бўлиб госпиталга тушибди. Бир меҳрибон ўзбек билан танишган экан, хатни ўша одам ёзиб берибди. Икки оғиз ҳол-аҳволини ёзибдию, давомида: «Ўқинглар, қорақалпоқнинг саводсиз боласи аскарлик тугул худога ҳам керак эмас экан, болаларни ўқитинглар!», деб қайта-қайта тайинлаб, бир бетни тўлдириб насиҳат ёздирибди...

— Бизларни ўқитган муаллим армияга кетишдан аввал: «Улуғ Октябрь инқилобига қатнашган авлод Ленинга эргашиб яшагани учуноқ ўша авлоднинг ҳар бир вакили номини дарсликка бош ҳарф билан ёзиб чиқиши керак», деб кўп айттарди.

— Урта Осиё халқларида авваллари фамилия бўлмасди. Тарих инқилобчиларга ажойиб бир ҳайкал ўрнатди: уларнинг исмлари болалари тугул неварачевараларига ҳам мангулик хотира

бўлиб қолди. Мана, Тўлепбергенга қаранглар. Отаси Қаипберген ёнида ётибди. Демак, у Қаипбергенов бўлади. Энди Тўлепбергеннинг бола-чақалариям Қаипбергенов бўлаверади. Қарабсизки, манави ётган ариқ қазувчи Қаипберген мангулик фамилияга айланади.

— Очиғи, мен одамлардаги миллий айирмачилик тугул ҳар бирида алоҳида исм-фамилия бўлишига ҳам қаршиман. Сабаби, оти айтилдими, тамом, у бошқалардан ажратиб кўрсатилади.

— Ҳар бир одам ўзининг исми билан бошқалардан ажралиб қолмайди ўз тақдирининг бетакрорлиги билан ажралиб туради.

— Ҳар бир одамга қўйилган ном аввало унинг бу дунёда бузувчиси, ё яратувчи эканини ажратиб кўрсатиш учун керак бўлади.

Уйку олдидан айтилган эртақлардан: бир хон қариган чоғида ўғлининг юртни қандай идора қилаётганини кўриб, бу дунёдан хотиржам кўз юмиш учун тириклигида тож-тахтини топширибди. Тахтга ўтирган кунининг эртасигаёқ ёш хоннинг иштаҳаси бўғилиб, бир ҳафта ўтар-ўтмас ўрнидан базўр турадиган ҳолга келибди. Ахирги отасининг олдига бориб:

— Менга иштаҳа очадиган дори керак, — дебди.

— Кўнгли тусасан нарсани муҳайё қилолмаса, бу қанақа хон бўлди! — дебди отаси ўғлидан хафа бўлиб.

Ёш хон ўйлана-ўйлана, қўшни мамлакатлардан бўлсаям шундай дорини топиб келаман, деб йўлга равона бўлибди. Шаҳардан чиқаверишда терлаб-тепчиб ариқ қазийётган бир танишини кўриб қолибди-да, ундан ҳол сўрабди.

— Хон ҳазратлари, йўл бўлсин? — ажабланибди қазувчи.

— Юрт тахтига ўтирдиму, иштаҳам паққос йўқолди. Ушанга иштаҳа очадиган дори ахтариб кетяпман, — дебди хон.

— Бундай дори менда бор, — дебди ариқ қазувчи.

— Ие, бор бўлса, мени бошқа юртнинг хони олдида бош эгдириб нима қиласан, ўша дорингни менга бер, — дебди хон.

— Майли, бераман. Бироқ уйда эди. Бориб келишга вақт зиқ. Манови ариқни тезроқ битирмасак бўлмайди. Экин-тикин вақти ўтиб кетяпти, — деб зорланибди қазувчи.

— Сен уйга бориб ўша дорини олиб келгунингча ўрнингга мен қазиб тура қолай, — деб хон отидан тушибди-да, унинг қўлидан кетмонини олибди.

Қазувчи хоннинг кетмон уришини андак кузатиб, ихлос билан ишлашига кўзи етгач, уйига кетибди.

Хон тиним билмай ариқ қазибди. Кунботарга яқин ишни битириб, пешона терини сидирганча нафас ростлаётган экан, қазувчи етиб келибди.

— Доринг қани? — сўрабди хон.

— Қанча олиб келишни билмадим. Узингиз уйга бориб, хоҳлаганингизча ола қоларсиз, — деб у хонни уйига эргаштириб борибди. Қазувчининг аёли кечки овқатга бир қозон жўхори гўжани пишириб, совутолмай хуноб бўлиб турган экан, хон очликка чидаёлмай:

— Дорингдан аввал манави гўжангдан қўйиб бермайсанми? — деб сўрабди.

Уй бекаси бир косага гўжа қўйиб берибди. Хон «жудаям мазали экан...» деб мақтай-мақтай яна бир коса гўжа қўйиб беришини сўрабди. Аёл дарров қўйиб берибди. Хон иккинчи қосаниям бир нон билан паққос тушириб, обдан тўйганидан кейин:

— Майли, энди мен кетай, дорингни бер, — дебди қазувчига.

Қазувчи мийғида кулиб:

— Мана, дори, — дебди-да, деворга суяб қўйилган кетмонни олиб хоннинг олдига қўйибди.

Шундагина ёш хон гап нимадалигини англаб етибди. Отасининг олдига қайтиб, тож-тахтдан воз кечганлигини маълум қилибди.

Менимча, ўша одам бизнинг бобокалонимиз бўлса керак.

Яна: кенг-дархон далада яшаб ўтган атоқли бир мерган болаларига мерганликни ўргатиш мақсадида уларни олдига чақирибди-да, аввало ўзи нишонни бехато урадиган моҳир овчи эканини кўрсатиб қўйиш мақсадида нарироқдаги бир дарахт шоҳига қўниб турган чумчуқни мўлжаллаб отибди. Бироқ ўқ тегмай, чумчуқ «пирр» этиб учиб кетибди.

Ушанда мерганининг Қорақалпоқ номли боласи:

— Раҳмат, ота! — дебди астойдил суюниб.

— Ўқ нишонга тегмади-ку, нимасини раҳмат айтяпсан? Е одамни масҳара қияпсанми? — дея аччиғланибди отаси.

— Бечора жониворга раҳм қилиб, жўрттага тегизмаганингиз учун раҳмат айтяпман, — дебди ўғил.

Отаси Қорақалпоққа бир олайиб қараган экан, у отасининг ёқтирмай қолганини тушуниб, энди бетгачопарлик қилмасликка онт ичибди. Бу онтини ўз болаларига ҳам васият қилиб қолдирибди.

Яна: Чингизхон лашкарбошиларидан бирини ёқтирмас экан. Дабдурустан қўлириб юборишга аввалги хизматларини яхши биладиганлардан ҳайиқиб: «Сен менинг олдимга ўн яшар улоқ, йигирма яшар қашқир, ўттиз яшар йўлбарс, қирқ яшар шақал, эллик яшар тулки, олтмиш яшар туяқуш олиб келасан. Қаердан бўлсаям топасан!», деб антиқа шарт қўйибди. Йигит буткул Урта Осиё ўлкаларини кезиб чиқибди-ю, Чингизхон айтган жониворлардан ақалли биронтасини тополмабди. Улимини бўйнига олиб, озиб-тўзиб Амударё ёқалаб бораётган экан, қараса, бир қиз қовоқчада экинига сув қўйиб юрганмиш. Йигит тўхтаб қиздан бир қултум сув сўрабди. Қиз сув узата туриб йигитнинг юзи заъфарондек сарғайиб, ўлар ҳолга келганини кўриб, унга раҳми келибди. Ҳол-аҳвол сўрабди. Йигит унга Чингизхоннинг шартини айтибди.

— Чингизхон айтган ҳайвонларининг ҳеч бири ўша ёшга етмаслиги ҳаммага, қолаверса, унинг ўзига ҳам маълум-ку. Демак, у сизга ёмонлик қилмоқчи бўлганга ўхшайди, — дебди қиз. — Яхши-си, сиз хон олдида у айтган жониворларни эмас, ўша ёшдаги эркакларни эргаштириб обора қолинг. Одам ўн ёшида — улоқдай, йигирма ёшида — қашқирдай, қирқ ёшида шақалдай, эллик ёшида — тулкидай, олтмиш ёшида — туяқушдай бўлади.

Йигит суюна-суюна қиз маслаҳат бергандек ўн яшар болақайни елкасига ўтқазиб, йигирма, ўттиз, қирқ, эллик, олтмиш ёшдаги одамларни эргаштириб Чингизхон ҳузурига кириб борибди.

— Буни ким ўргатди? — деб сўрабди хон икки кўзи қонга тўлиб.

— Амударё ёқасида яшайдиган бир қиз ўргатди, — дебди йигит рўй-рост.

Чингизхоннинг кўзлари ўтдек ёниб, ўша қизни олиб келиб дорга осишни, Амударё ёқасидаги элатларнинг жамики қизларини қилич тиғидан ўтказишни буюрибди.

Ушандан бери Амударё ёқасида кўним топган элатлардаги қизлар бегона одам билан гаплашишдан, ўз ақлини ҳуда-беҳуда ошкор қилишдан қўрқадиган бўлиб қолган.

Уша дахшатли қирғин қолдирган асоратлар ҳозирга қадар сезилиб туради...

Уйку олдидан ўқилган солдат мактубларидан: «Ойи! Менга ўқ тегади деб қўрқманг. Ешлигимдан бадантарбия билан шуғулланганим зап иш бўлган экан. Ҳозир асқотиб турибди.

Баъзи тунлари душман тарафдан қип-қизил чўғдек ёниб ўқ учиб келади. Кўрсам бўлди — ўзимни дам у ёққа, дам бу ёққа ташлайман, дам ўқнинг устидан сакрайман. Ҳеч бўлмаганда биқиниб қоламан... Командирим: «Оббо, қорақалпоқнинг шоввози-ей! Яша! Жудаям абжир экансан-а!» деб мақтайди.

Кўшимизнинг қизи Гулифани келин қилсам дердингиз, манави хатни унгаям ўқитинг. Мен боргунимча ойиси билан маслаҳатни пишитиб қўяверинглар. Борган кўним бирйўла икки тўй бўлсин...»

* * *

«Суюклим Ойша!.. Жуфти ҳалолликка сени танлаб адашмаган эканман, деб ўзимча қаттиқ суюнаман. Кичкиналимимда болалар билан ўйнагани чиқсам ойим ҳаммиша: «Қорнинг очиб қолмасин тагин» деб чўнтагимга нон солиб қўярди. Мана, сен ҳам онамга ўхшаб ҳар бир хатингда: «Озиб кетмадингми, суюклим? Вақтида овқатланиб турибсанми?», деб сўрайсан. Яхшиси мен сенга дивизия командирининг сўзлари билан жавоб бера қолай. Кўни кеча полкимизга дивизия командири келиб қолди. Ҳаммамизни сафга тизиб, бирма-бир кўздан кечириб чиққач: «Уйларингиздан хат олиб турибсизларми? Овқатлар етарлими?», деб сўради. Шу орада бирдан менга кўзи тушиб олдига чақирди-да: «Ҳа, қорақалпоқ, қалайсан? Яхши, анча тўлишибсан, молодец! Бошқаларда ҳақингни қолдирмай еб ту!» деди... Еб турибман. Иштаҳам жуда зўр. Семириб, кучга тўлиб қайтаман. Узинг ҳам мени кутавериб озиб қолма, вақтида овқатланиб тур...»

* * *

«Отажон! Онажон! Бу хатни уч кунлик отпускамнинг охири қунида ёзиб ўтирибман. Уч кунгача командирнинг ертўласида ёнма-ён кўйилган каравотда маза қилиб ухладим. Командир нима еса, мен ҳам ўшани едим. Командир ташқарига чиқиб кетган пайтларда ҳисобот беришга келган кичик командирлар менга гапиришга ботинолмай рухсат сўрайди...

Тўс-тўполон уруш пайтида қандай қилиб отпусқа олганим, албатта, сизларни қизиқтирса керак. Сабаби — мен битта ҳам ўқни зое кетказмасдан нақ ўн бешта фрицни асир олиб келдим. Қандай қилиб, демоқчисизлар-да? Бундай бўлди: тунда қор гупиллаб ёғиб турган эди. Бирданига беҳисоб фрицлар бостириб келиб қолди. Қарс-қурс найзабозлик бошланиб кетди. Худди «Кўблон» дostonидагидек, занғарларнинг олдини найзалаб бўлдим дегунча ордан яна ғовлаб чиқаверади, ортини найзалаб бўлдим деганда олди ғовлаб келади. Хуллас, талай фрицни нариги дунёга жўнатдим. Бир галаси ортига қочувди, изидан ёлғиз ўзим тирақайлатиб қувишга тушсам бўладими! Алламаҳал, худди тушга ўхшайди, нақ рўпарамда турган фрицлар кўздан ғойиб бўлиб қолди. Одамнинг қони қайнаб кетганида кўзларига ҳеч нима кўринмай қоларкан. Сал ҳовуридан тушиб қарасам, қаршимдаги эски хандақда ўнтача каска қимир-қимир қилади. Аввалига «Ҳа-а, йигитларимиз дам олиб ўтиришган экан-да», деб ўйладим. Хандаққа сакраб тушсам, чулдирашган фрицлар! Юрагим «шув» этди. Ушандаям қўрққанамни сездирмай, биттасини сал нарироққа итариб ўзимга жой очиб олдим. Енимда турган фриц ўрисчани ўзим қатори биларкан, бир амаллаб гаплаша бошладик.

— Кимсан? — сўради у.

— Совет жангчисиман, — дедим.

— Совет жангчиси эканингни биламан, миллатинг нима?

— Қорақалпоқман, — дедим.

— Дунёда шундай халқ борлигини билмас эканман, — деди у менга ажабланиб қараб.

— Нега билмайсан? Ахир, дунёда қорақалпоқлар яшамайдиган мамлакат йўқ-ку, — дедим мен астойдил гина қилиб.

— Дунёдаги энг кўп халқ хитойлар, иннайкейин... — дейверган эди, гапини шартта узиб:

— Ростингни айт, сенинг юртингда ҳам меҳнаткаш, ҳам содда, ҳам доно одамлар борми? — деб сўрадим.

— Ундайлар ҳар бир миллатда топилади, — дея иқроор бўлди хумпар.

— Ана ўшалар қорақалпоқ! — дедим мен.

У бирдан хоҳолаб кулди. Енидагилар туртиб, нега кулаётганини сўрашди шекилли, ишқилиб, яна ўзаро чулдиршиб қолишди. Бир пайт ўнг биқинимда турган кўшим:

— Доно бўлсанг айт-чи, сенинг халқинг дунёнинг киндиги қаердалигини биладими? — деб сўраб қолди.

— Албатта билади-да! — дедим.

— Америкадами, Германиядами? — яна сўради у бесабрлик билан.

Кўйиб берсам, унинг талай ўсмоқчилашини сезиб:

— Дунёнинг киндиги Нукуснинг остида, — деб, гапнинг пўскалласини айтдим-қўйдим.

— Нукус дегани қаер? (Қаранг-а! Нукусни билмайди-я, бу аблаҳ!)

— Нукус — Қорақалпоғистон Автоном республикасининг пойтахти! (Ана, билмасанг билиб ол!)

— Бизга шуниси маълумки, СССРда ҳар бир Иттифоқдош республика ўзининг миллий байроғига эга. Ҳўш, сизларда-чи?

— СССРда ҳар бир миллат тугул, ҳар бир одамнинг ўз байроғи бор, — дедим.

— Мен 7 ноябрда, 1 майда ҳар бир одам кўксига тақиб чиқадиган бир парча латтани сўраётганим йўқ. Ундай байроқни коммунистлар билан комсомоллар ҳаммаининг кўксига мажбуран тақиб қўйишини яхши биламиз, — дея пичинг қилди у.

— Йўқ, билмас экансан. Ҳеч ким мажбур қилмайди. Аксинча, коммунистлар ўша байроғимизнинг ҳамиша хилпираб туришига ғамхўрлик қилади, — дедим мен.

— Шу вақтгача бизга номаълум қанақа байроқ бўлди бу?!

— Бу байроқ — ҳар бир одамнинг юзидagi кулгу. Ҳозир бутун совет халқининг бир жон — бир тан бўлиб сизларга қарши жангга отланишдан мақсади ҳам мана шу байроқни сақлаб қолиш. Бу — яхши ният, шунинг учун ҳам ғалаба биз томонда! — дедим.

Шу пайт тонг бўзариб келаётган эди, у юзимга тикилиб туриб:

— Бундай доно гапларни қаёқдан ўргангансан? — деб сўради.

— Руслардан, — дедим.

У тагин ёнидагиларга алланима деган эди, ҳаммалари нималарнидир чулдираша-чулдираша, ахийри ўринларидан туришди. Енимда тургани елкамга кўлини кўйиб:

— Қани, бошла! — деди.

— Қаёққа? — деб сўрадим.

— Тарихда оти номаълум сизлардек халқники шунча доноликка эриштирган экан, русларга қарши нега урушяпмиз ўзи?! Сен бизларни уларнинг олдига бошлаб бор, — деди. Шундай қилиб, норгул-норгул ўн беш немисни ҳеч бир эиён-заҳматсиз штабга эргаштириб келдим...

Ана, болаларингизнинг донолигию мардлиги! Фахрлансангиз арзийди!

* * *

Фрондан келган қоракатлар сабаб овулда йиғи-сиғи, дод-фарёд тез-тез эшитилиб туради. Бунинг устига, каттаниннг ҳам, кичикнинг ҳам иши оғир, ейиш-ичишнинг тайини йўқ. Лекин ҳаёт деб аталмиш кўҳна чархпалак, минг машаққат билан бўлса-да, ҳар қалай, бетиним айланиб турибди... Ҳар оқшом айтиладиган ҳангомалар, эртагу афсоналардан, жангдаги йигитларнинг гоҳ журттага муболағадор, гоҳ рост гаплар ёзилган қизиқ-қизиқ хатларидан сўнг қариялар ҳам, ўрта ёшдаги кишилар ҳам, биз — болалар ҳам чарчоқни унутамиз. Баъзи кечалари гурунг билан тонг ҳам отади. Бироқ ҳеч ким уйқуси чала қолганидан хафа бўлмайди. Тонг отар-отмас ҳамма иш қуролини олиб ариқ қазишга чиқиб кетаверади.

Роппа-роса бир ярим ой деганда «Октябрь ариғи»га сув очилди. Бу воқеа қувончи овулимиз одамлари билан тақдирдош бўлиб, Чўртанбой тўқайига макон қурган барча овуллар аҳли учун фронтдаги совет жангчиларининг янги бир шаҳарни озод қилишидан кам эмасди. Чўртанбой тўқайи орасида бир оқшом улкан тўй-тантана бўлди. Бизнинг кечаги шовқин-суронимиз ҳатто Германияга ҳам етган бўлса керак!», — деди эртасига кимдир биров.

Чатоқ томони шунда эдики, янги ариқда сув туриши қийин бўларкан. Қутилмаган еридан уриб кетаверади. Шунинг учун, худди чегара қўриқлангандек, «Октябрь ариғи»нинг бутун узунлиги колхозлараро тақсимланиб, ҳар бир овул ўзига ажратилган масофага ариқ ёқаловчилар кўйди. Колхозимизда мен, Сарсенбой, Шомурод (ҳозир улар Хўжайлида механизатор бўлиб ишлайдилар), учовимиз ариқ пойловчи бўлиб қолдик. Кечқурунлари навбат билан овулдан егулик-ичгулик олиб келишга боришимизни ҳисобга олмаганда, то кузга қадар ариқ ёқасидан бир қадам жилмадик. Бекор ўтган кунимиз бўлгани йўқ. Кунига камида учта-тўртта жойдан уриб кетган сувни вақтида тўхтатиб қоламиз. Буёғини сўрасангиз, ўртоқларимнинг иккаласи ҳам гапга чечан, эртакка кон. Хуллас, зерикишга вақт йўқ.

Ёзининг сўнгги кунларида сувга зарурат андак камайгач, ҳаммамиз овулга қайтдик. Бизлар келишимиз биланоқ икки колхоз ўрталигидан томшувоқ мактаб қуриш иши бошлаб юборилди. Биз — болаларни ҳам ажаблантирган, ҳам суюнтирган ҳол шу бўлдики, ҳали мактабдан бошқа бирон-бир томшувоқ уй қурилгани йўқ — ҳамма-ҳамма аввали ертўлаларида, қамиш капаларда яшайди...

Мактабимиз сентябрнинг охирларига «битди-битди» бўлиб, биринчи октябрдан ўқиш бошланди. Бироқ энг юқори синф — бешинчи синф эди. Бизларни тўртинчи синфда ўқитган Қайпбек оға Пиримбетов мактабга директор бўлди. Мен бешинчи синфни қайтадан ўқиш учун қақриб келишди. Уша йили еттинчи синфда ўқишим керак эди. Бешинчи синфда нима қиламан?

— Шоирлигинг бор эди, ўшани давом эттирасан. Мактабдаги деворий газетанинг редактори бўласан, — деди директор.

Бу таклиф менда қизиқиш уйғотиши табиий эди.

* * *

1945 йилнинг январида орзуларимга янги қанот боғлаган, ҳаётимда кескин бурилиш ясаган бир воқеа рўй берди: мактаб директори ўз кабинетига қақриб:

— Тушгача 6-синф ўқувчисан, тушдан кейин 2- ва 4-синфларни кўшиб ўқитадиган муаллим бўласан, — деди.

«Наҳотки? Йўғ-э!... Ҳаяжонланганингизда тилинги калимага келмай қолар экан.

Бу қутилмаган таклиф туйнукдан келиб тушган қуёш нури бўлиб, кулбамиз ичини ҳам, кўнглимизни ҳам ёриштириб юборди. Юзлари севинчдан чарақлаб турган онам бирдан тарадудланиб қолди:

— Муаллимнинг тузукроқ кийим-кечаги бўлиши керак-ку!

Ана шундагина ўзим кийиб юрган гуппи чопон минг ямоқлигига, устига-устига, улар ҳар хил рангдаги мато билан ҳар хил вақтда ямалгани учун гуппининг асл (қора) рангини аниқлаш

буйёқда турсин, охирги ямоқларнинг ҳам бир қатори тўзиб, яна ямоқталаб бўлиб турганига эътибор қилдик.

Янги гулли сотиб олишга уйда пул йўқ, сотиб пул қилгулик мол йўқ, янгироқ кигиз, кўрпа ё бошқа бисот йўқ. Ҳатто онамнинг бир-икки кийиб, тўнғичимга келин туширганда чиқараман, деб сандиққа босиб қўйган кўйлаklarининг энг сўнгиси ҳам бу йил қишда ярим ботмон жўхориға айрибош бўлиб кетган.

— Ҳар бир хурсандлик ўз ортидан кутилмаган хафагарчиликни ҳам эргаштириб келади, — деди момом.

Бобом узоқ ўйланиб ўтириб, ахирги синиқ товушда:

— Бир иложи топилар, — деб бизни юпатган бўлди. Ҳамма унга умидвор боқди. Бироқ бобомнинг қандай илож топмоқчилиги биз учун жумбоқ эди.

— Бугун эрталаб қазо қилган қўшни чолнинг ўтган йили шаҳардан сотиб олиб келган шинели ҳали йиртилмаган эди, шекилли? — деб сўради бобом маслаҳатомуз оҳангда.

— Ҳа, нима эди, умрингда қилмаган ишни қилиб, ўлиқ ювмоқчимидинг? — деди момом андак аччиқланиб.

— Колхозда ўзини худо деб биладиган анови тентак раиснинг олдига бош эгиб, ёрдам сўраб борганда кўра, ўлик ювган афзалроқ. Бу ҳам савоб иш, ҳам ўлик ювганга унинг бир кийими тегади. Кўп яшаган қариядан неварамга эсдалик бўлсин, деб ўша шинелни сўраб кўрмоқчиман.

— У одам қариликдан ўлгани йўқ. Қўни-қўшнилари тугул ўз уйидагилар жирканадиган касал билан оғриб ўлди. Ундай касалдан қолган кийимни тўнғичимнинг эғнига яқин келтирмайман! — деди онам.

— Бунинг йўли осон, — деди отам онамга қия қараб. — Қорабароқнинг кулига яхшилаб уйқаласанг, топ-тоза бўлади-қўяди.

Менинг муаллим бўлишим ҳақидаги хушxabар дастлаб уйга яшин тезлигида ёруғ нур олиб кирган бўлса, энди шундай тезликда йўқолиб, уй ичини совуқ бир зулмат қоплади. Ҳамма жимгина ўз ўрнига ётди.

Тонг-саҳардан одатдагидек ҳар ким ўз ишига жўнади. Бобом ҳам ҳеч кимга ҳеч нима демай уйдан чиқиб кетди. Тушгача ўқиб, уйга келганимда бобом менга ҳар галгидек меҳрибонлик билан қараб:

— Келдингми, чироғим, — деди-да, эшик ёнидаги деворга қоқилган илгичда осиглиқ эски шинелни қўлига олди. — Ма, кий, болам. Камликнинг камоли ҳам бўлар. Улган одамнинг кийимини кийиш гуноҳ эмас, савоб. Мен ўлганимда ҳам кимдир кийимимни сўраб келади, — деди.

Мен бобомнинг сўзини икки қилиб ўрганмаганман.

Шинелга ҳали ямоқ тушмаган бўлса-да, энглари йиртилган экан. Улган чол пақанароқ одам эди, шинель менга лоп-лойиқ келди.

— Келиннинг қўли ишдан ҳали-вери бўшамайди. Момоннинг кўзлари ночор. Сен билан отанг учовимиз игна-иғга нўноқмиз. Енгларини чиноқ қилиб қирқиб ташлагунча, яхшиси, қайриб қўя қолганинг маъқул. Енгларини қайириб, билакларини шимариб юрган йигит улусифат кўринади, — деди бобом.

Бу гап менда кўтаринки руҳ пайдо қилди. Гуппининг ўрнига бобом ушлаб турган шинелни кийиб (ўша пайтларда қандай бўлмасин шинель кийиш болаларнинг орзуси эди), енгларини қайирдим-да, муаллимлик ишимни бошлаб юборишга кетдим.

Мақтаб директори Қаипбек оға мени узоқдан кўрдию, саҳт-сумбатимга қараб туриб хушнуд илжайди:

— Ана азамат бўлибсан-қопсан! Энди ўқувчиларингнинг олдига ҳам эр етган муаллимдек кўринасан!

Эски шинель мени катта йигит қилиб кўрсатишга кўрсатди-ю, бир гал тушлик пайтида колхозчи қиз-келиндяклар билан бир лагандан овқат ейдиган бўлиб, гўштини тўғраётганимда шинелимнинг енглари сидирилиб тушиб кетиб, одамни шунақанги ўсал қилдики! Барибир шинелни ташламадим, чунки бошқа кийимим йўқ эди. Муаллимлик қилиб олган ойлитимни эса онам ёзги кийим-кечак учун жамғара бошлади.

* * *

Кўкламги экишга яна янги ерлар очилиши керак. Колхознинг аҳволи ҳаммага аён. Армиядан келаётганлар ишга эмас, кўпроқ маслаҳат беришга ярайди. Шундай экан, колхозда ўқувчилар ҳал қилувчи куч.

Муаллимлар бизлар билан далада бирга юриб, ҳам янги дарс ўргатиб, ҳам ўтилган дарсларни сўраб улғуреди. Фақат математиканинг иши оғирроқ. Математика муаллими чап қўлини бутунисича жанг майдонида қолдириб келган йигит эди. Шу одамгина ўжарлик қилиб, ўз фанидан дарс ўтиш учун ўқувчиларни синфга етаклаб киради.

Мақтаб директори менга кўпроқ шеър ёзишни топшириб қўйган. Шеърларим, асосан, колхоздаги илғорларни мақтаб, қолақларни танқид қилиб битилган сатрлардан иборат. Ҳар куни тушлик пайтида бир бригаданинг дала шийпониде шеър ўқийман. Баъзан Совинформбюро хабарларини ҳам шеърга айлантирган пайтларим бўлган.

Шеърларимни яна редакцияга жўната бошладим.

Редакциядан олинган яна бир жавоб:

«Ҳурматли Тўлепберген! Яна шеърларингни бизга ёмғирдай ёғдиришга тушдинг. Ёзишдан чарчамасанг биз ўқишдан қийналмаймиз. Бироқ учта нарсадан сени оголантириб қўймоқчимиз.

Биринчидан, ўзани тор, суви саёз ариқ шалдираб оқади. Баъзи ёшларнинг адабиётга кириб келиши мана шундай ариқнинг оқишига ўхшайди. Сен ҳали ёшсан, албатта. Юборган шеърларинг ҳам шошқалоқ, ҳам ялқов, ҳам нодон қурувчининг уй қуриш ниятида пойдевор-

сиз тўрт деворни тиклар-тикламас, қинғир-қийшиғини текисламай, сувамай, устини ёпмай туриб, «битди-битди» қилиб комиссияга кўрсатганидек гап.

Иккинчидан, шоирлик фикр-туйғунинг тиниқ чашмаси. Сен ўз шеърларинг билан чуқур қудуққа кичкинагина челақ тушириб, уни ҳам тўлар-тўлмас тортиб олаётган шошқалоқ келинчакка ўхшайсан.

Учинчидан, айрим чаласаводлар ҳамма аллақачон кўриб-билиб турган нарсадан беҳабар юради-юради-да, кунлардан бир кунни тўсатдан эшитиб-кўриб қолгудек бўлса, гўё катта бир англикни кашф этаётгандек, бу кўрган-эшитганини айтиб дунёга жар солади. Узини ўта саводхон, билимдон кўрсатишга тиришади...

Сен ҳам ўқиркансан, ҳам ўқитаркансан. Шунинг учун билиминг кам, саводинг чала, демокчимасмиз. Адабиёт махсус саводхонлиқни талаб қилади. Бу гапни мендан бошқалар ҳам билмасмикин, деб ҳайиқиброқ иш кўришни талаб қилади.

Ёзавер, бироқ дафтарингга эмас, кўпроқ юрагингга ёз.

Салом билан, «Қизил Қорақалпоғистон» газетаси редакцияси.

Бу гап мен учун беҳос бошимга келиб тушган яна бир чўқмор бўлиб, талай пайтгача гарангсиз юрдим.

Биров камчилигингни юзингга дангал айтса жаҳлинг чиқади. Ана шунда лабингни қаттиқ тишлаб жаҳлингни ичингга юта олсанг, ўзингни ҳам, айбингни юзингга айтган одамни ҳам тушуниб етасан, дерди бобом. Энди ўзимнию камчилигимни кўрсатган одамни тўғри тушуниш ҳаракатида бўлдим.

* * *

Отам, онам, бобом ишга эрта кетишарди. Гарчи, касали қайта кўзиб, уззукун кўрпа-тўшак қилиб ётса-да, укаларимга момом уйда бош-қош эди. Бир тунда — БибиФотима, БибиЗухра исмли эгизак сингилларимнинг туғилганига икки ой тўлай деб қолган эди (улар 1945 йилнинг 14 мартада туғилган), момом қаттиқ оғриб чиқди. Момомнинг вақт-бемаҳал аҳволи оғирлашиб қолаверишига кўниқиб қолганлигимиз учун апил-тапил кийинаётган эдим, бешикдаги сингилларим чириллаб йиғлайверишди. Уларнинг йиғисига ҳам ўрганиб қолганмиз. Чунки одатда бири йиғи бошласа иккинчиси унинг товушигаёқ уйғонади-да, иккови жўр бўлиб йиғлай-йиғлай, ахири ўзлари қўяди.

Менинг мактабга отланаётганимни кўрган момом:

— Қаддимни тиқишгаям ҳолим келмай, силлам қуриб турибди, болам. Сингилларингни келиннинг олдига обориб эмизиб кел, ё нон чайнаб бериб, қоринларини тўйдириб кет, — деб қолди.

Мактаб деворий газетасини кеча уйга олиб келиб тайёрлаган эдим. Ўқишимга кечиксам, директорга шуни баҳона қиларман. Ўқитишга кечикмасам бўлди-да, дея ўйлаб, қайта ечиндим.

Момом оғзидаги ягона тиши билан ҳар бурчидан бир тишлайвериб юм-юмалоқ қилиб қўйган, устига-устак талайгина кирлаган бир чақмоқ қандни ёстиғининг остидан олиб менга узатди-да:

— Нонга мановини қўшиб чайнаб оғизларига солмасанг емайди. Жуда айёр-да, бу қизлар, — деди.

Шундай қилиб, эгизак сингилларимни тулугим билан қанд аралаштириб ҳўлланган нонга тўйдириб, чошгоҳга яқин уйдан чиқдим. «Октябрь ариғи»нинг ёқасидаги дўнглиқдан мактаб тарафга кўз югуртирсам ўқувчилар, ҳозиргина қафасдан озод этилган кийиклардек, мактабдан ўйноқлаб чиқиб, чор тарафга тарқалишаётган экан.

Раҳима (икковимизнинг оналаримиз қариндош, бир синфда ўқиб, бир партада ўтираемиз) мен томонга югуриб келаверди. Дам-бадам суриниб йиқилади. Туриб яна югуради. Кўприк мен турган ердан сал қочироқда эди. Одатда Раҳима шундан айланиб ўтарди. Бу гал тўппа-тўғри рўпарамга келиб ўзини сув тўла ариққа отса бўладими! Ҳеч нимани кўрмаётгандек. Базур қўлидан тортиб чиқардим.

— Бу қанақаси? Тинчликми? — деб сўрадим ярим пўписа, ярим таажжуб билан.

У энтика-энтика базур: «Халил акам келяпти, Ибодулла акам келяпти!», — деди-да, яна олдинга интилди. Ортидан мен ҳам югуриб:

— Айт, қаерда? Олдига чиқайлик-да! — дейман. У эшитмайди.

— Уруш тўхтабди! Акаларим келяпти! Ойимга айтаман! Ойимга тезроқ етказаман!.. — дея қичқирганча елиб кетаверди. Тўхтаб, ортидан қараб қолдим. Ҳар ўн-ўн беш қадамда йиқилиб ер қучоқлайди-да, отилиб туриб яна югуради. Яна йиқилади, яна туради...

Бу — 1945 йилнинг 9 майи эди. Овулимиз район марказидан ўттиз чақиримча олисада, радио йўқ... Кейин билсам, райондан хушxabарни тезроқ етказиш учун овулларга отлиқ чопарлар жўнатилган экан. Шулардан бири мактабимиз ойнасини уриб синдириб йўл-йўлакай: «Уруш тўхтади! Уруш тўхтади! Армиядан йигитларимиз келишяпти!..» дея ҳайқирганча ўтиб кетган экан.

Уша кунни овулимизда қандай байрам бўлганини таърифлашга тил ожиз. Ҳар қалай, тирик жон борки, у ёқ-бу ёққа югургилади, ирғишлаб ўйнади, бақириб-чақирди, қўшиқ айтди... Камгаплиги, сипойилиги билан донг таратган бир оиланинг кенжа қизи Раҳима, унинг отаси, онаси, опаси, кенжа акаси, тарки одат қилиб, бири-бирига басма-бас шунақанги ажойиб қўшиқлар айтишдики!.. Ҳеч ким ҳеч қачон кўрмаган ўйинлари билан овул аҳлини шунақангни ҳайратда қолдирдики!..

Овул одамларининг айниқса бу оилага эътибор қилиб, ҳайратга тушишининг боиси бор эди: юраклари орзаник, «ана келади», «мана келади» деб кутганлари — Халил, Ибодулла исмли азамат йигитларнинг иккаласи ҳам ҳалок бўлгани ҳақида аллақачон қора қоғоз келгани уларнинг ўзларидан бошқа кўпчиликка аён эди...

Бу шодлиқни мотамга айлантириб, болаларининг ўлимини айтишга эса ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

Ҳатто бобом ҳам, онам ҳам бу ишни зиммаларига олишдан қатъиян бош тортдилар.

— Менинг туғишган опам Бибиҳон ажойиб аёл. «Эртасидан умид одамнинг умрини узайтиради», деб кўп айтарди. Майли, кутаверсин, уни эртасидан ноумид қилмаганимиз маъқул, — деди онам овул оқсоқолларига.

«Кичкина халқ катта орзу билан яшайди», «Ота-она тирик кетган фарзандининг тирик қайтиб келишига ишониб яшайди». «Бугунгача маълум қилинмаган қорахатлар энди ҳамिशалик сир бўлиб қолаверсин», дейишди овул оқсоқоллари.

1945 йилнинг 9 майдан кейин овул кўчалари қайта жонланди. Кечқурунлари яна улардан шодон кулгиларку шўх-хандон товушлар эшитиладиган бўлиб қолди. Бироқ, барибир, уруш арафасидагидек авжи балинд эмас. У ёқ-бу ёққа ўтиб бораётган қўлтиқтаёқли майиб-мажруҳлар кўринади. Уларнинг атиги тўрт ярим йил, ҳаттоки бир-бир ярим йил аввал кучини қаерга сиғдиришни билмай юрган азамат йигитлар бўлганини эслайсанда, беихтиёр маҳзун ўйларга чўмасан. Кулиб келаётган бўлсанг жиддий тортасан. Тез келаётган бўлсанг қадамингни секинлатасан. Оҳиста келаётган бўлсанг қадаминг илдамлашади. Хуллас, лоқайд қолмайсан.

Шундай кечинмалар кўнглимда ҳазин шеър бўлиб бетиним кезади. Ёзай дейман-у, ҳеч келиштиролмаيمان...

«Бу йил эттинчи синфда ўқиганим маъқулмикин, ё муаллимликни давом эттираверсаммикин?», дея иккиланаман. «Ишлашим керак, олис шаҳарларга ўқишга кетиш учун пул тўплашим керак», деган фикрга келиб тўхтаيمان. Шу фикр хаёлимга мустаҳкам ўрнашиб олади.

Августнинг ўрталарида эгизак сингилларимни ҳовлида ўйнатиб ўтирган эдим, ўзим иккинчи синфда ўқитган болалардан бири ёнимга югуриб келиб, РайОНО инспектори чақираётганини айтди. Уйда сингилларимни олиб қоладиган ҳеч ким йўқ эди, шу сабабдан икковини икки елкамга ўтказдим-да, ялангоёқ ҳолда инспекторга рўпара бўлдим. Мен унинг ташқи қиёфасидан инспектор эканини билдим. Бироқ у мени танимади. Ҳатто, кимсан, деб бир оғиз сўрамади. «Ҳой бола, укаларингни йиғлатмай, уйга олиб кетсанг-чи», деб жеркиб берди. Орқамга қайтиб кетавердим. Бироқ чақирингча чақириб, бир оғиз гаплашмагани қаттиқ алам қилди. Онам эндигина ишдан келиб, нон ёпиш учун тандирга ўт ёқаётган экан. Қаёқдан келаётганимни, инспекторнинг муомаласини оқизмай-томизмай айтиб бердим. Онамнинг қаттиқ жаҳли чиқиб кетди. Эртасига ҳам жаҳли тарқамади. «Инспекторга икки оғиз сўзини айтолмаган лапашанг, энди овулдан жўна-ю, ўқишни ўзинг топ!» деб яна узоқ койиди. Ҳатто бир-икки дўппослади ҳам. Ахйир бирор ҳафталик егулигимни ғамлаб, бир тўрвага солиб, орқамга танғиб боғлади-да:

— Қани, жўна, шу кетганингдан бирон ўқиш топиб кирмасанг, остона ҳатлаб қайтиб келма! — деб тайинлади. Менинг овулдан чиқиб кетганимга ишонч ҳосил қилиш учун бўлса керак, талай жойгача кузатиб борди.

Онамнинг насиҳатларидан: тўнғич фарзанд — кейинги фарзандлар юрадиган йўл.

Тўнғич фарзанд — кейинги фарзандлар ўтадиган кўприк.

Тўнғич фарзанд — кейинги фарзандлар интилиб ўсадиган бақувват чинор.

Бобом айтган афсона: Одам Ато ўзининг ҳадсиз — ҳисобсиз ўғил-қизларига «Ўзбек, ўрис, татар, грузин, қорақалпоқ...» деб от қўйибди. Мустақил оила бўлишдан аввал ҳар бирига энчи тақсимлаш учун уларни йиғибди-да, тўрт қопнинг оғзини очибди. Қоплардан бири олтинга, иккинчиси донга, учинчиси пичоққа, тўртинчиси китобга лиқ тўла экан. Ота ўғил-қизларига қопларни кўрсатиб, «ҳар ким хоҳлаганини олсин!» дебди. Одам Ато кичик ўғилларидан бири — Қорақалпоқни яхши кўрар экан. Шу ўғли олдига келганида донни кўрмай, ё олтин, ё китобни ола қолсин, деган ниятда ўрнидан туриб, донли қопнинг устига ўтирибди. Қорақалпоқ отасининг ниятини фаҳмламай, «Ота, бундоқ тура туринг-чи!» деб қопдан бир кафт донни энчи сифатида олибди. Одам Атонинг оёқлари остига тўшалиб ётган тол чивилларидан бирини ҳам сўрамаёқ олибди-да, ўз ўрнига бориб турибди.

— Бу чивиллар билан мен-ку, айтганимни бажармаган фарзандларимни савалайман. Хўш, сен нима қилмоқчисан? — деб сўрабди Ота.

— Агар олган доним ҳосил бермаса, мен бу чивил билан мол боқиб кун кўраман, — деб жавоб берибди Қорақалпоқ.

«Бобомиз ўшанда китобга ёпишганида эди, билимдон отанинг авлоди бўлардик», деб ўкинади бобом.

«Отанинг хатосини тузатган фарзанд — отага содиқ фарзанд», деб уқтиради онам.

Одамнинг умрида нималар рўй бермайди дейсиз! Гоҳо ниманидир орзу қиласиз. Бироқ орзуингизнинг ушалиши амримаҳоллигига иқрор бўлаёзган пайтингизда кимдир уни нақд қиладди-қўяди.

Менинг ҳаётимда ҳам шундай бўлди: 1950 йилнинг биринчи сентябрь куни қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетининг биринчи курс талабалари аудиторияга жам бўлиб: «Қани, дастлаб қайси фандан ким, қандай ўқитувчи кираркан?», деб эшикка термилиб ўтирардик. Шу пайт ортидан бир неча одамни эргаштириб институт ректори Турдимурод Бекимбетов кириб келди. Ҳаммамизни биров назардан ўтказгач: «Қани, сен тур! Қани, сен тур!» деб беш-олти-тамин танлади. Ортидан эргашиб ташқарига чиқдик. Хуллас, қирқгача талаба бошқа бир аудиторияга йиғилдик. Ректор нутқ сўзлаб, гапининг якунида шундай деди: «Сизлар рус тили ва адабиёти факультетида ўқийсизлар. Хоҳламаганлар ҳужжатларини қайтариб олишлари мумкин».

Очиғи, рус тилида ўқиш мен учун ҳам қувончли, ҳам кўрқинчли эди. Чунки ўзим танлаган факультетга рус тилидан кириш имтиҳони топшираётганимда «Пушкин» сўзини мужской род, «Мы любим Пушкина» гапидаги «Пушкина» сўзини эса женский род деганим учун йиқилаёзганим-да, рус тили муаллимига ялиниб-ёлвориб базур «уч» олган эдим. Дарсларни ўзлаштиролмасам-чи? Ўзлаштиришим керак! Овулга қайтсам, «Тўлепберган ўқиёлмапти», деган гап чиқса, ўлим-ку! Овул одамлари устингдан мазахлаб кулдимки, тамом, бутун оламга масҳара бўлганинг. Ана ундан кейин яшашнинг қизиғям қолмайди! Демак, куну тун қаттиқ шуғулланишим керак... Баъзи кунлари овқатланишга ҳам вақт тополмайман. Буёғини сўрасангиз, бот-бот чўнтакда ҳам ғириллаб шабада эсиб қолади. Устига-устак, қаттиқ зўриқшдан бўлса керак, 18 сентябрь куни тўсатдан шундай оғриб қолдимки, соғайишим гумондек эди. Бу мен

учун юлқиниб олдинга интилаётган тулпорнинг шунчаки тийганиб йиқилиши эмас, кутилмаганда тубсиз жарга рўпара келиши билан барабар бир кўргилик эди. Ота-онам оми одамлар. Укаларим ҳали кичкина. Бу ерда менга бир нима бўлиб «жар»га йиқилсам, қирқ чақирим жойдаги шаҳардан жасадимни овулга олиб кетиш уларга осон бўлмас, деб ўйлаб, уйга қайдим. Уйдагилар мени ҳар галгидек мамнун кутиб олишди. Нима гаплигини авзойимдан тушунишди шекилли. Бироқ ҳеч бири сир бой бермади. Эртаси куни тонг-сахарда қон тупуриб ётганимни кўриб онам:

— Мана мен деган врачлари бор шаҳардан нега келдинг, болам-ов! — деб зорланди.

Нега келганимни тушунтиролмадим. Кўзларимдан ёш қуйилди.

Онамнинг насиҳатларидан: биринчидан, эркак киши йиғламаслиги керак. Иккинчидан, сенинг манови касалингни бобонг ҳам, мен ҳам, отанг ҳам, укаларинг ҳам даволаёлмаймиз. Учунчидан, ёш ўлса ҳамма қайғуради. Овул бир марта қайғурсин деб келган бўлсанг, майли! Бироқ сендай ақли калта тўнғичнинг ўлимидан қайғургунча укаларингнинг ташвишини қилганим маъқулроқ!

Бобом айтган афсона: қадимда кўрсавод бир элат бўлган экан. Элат саводсизлиги учун атрофдагилардан кўп хўрлик тортса ҳам ҳеч ким ўз боласини бошқа юртларга ўқишга юборишни хоҳламас экан. Бир она номусга чидаёлмай ўзининг ёлғиз ўғлини ўқишга юбормоқчи бўлибди. Бола тантиқроқ экан, уйдан кетгиси келмабди. Она кетишга мажбур қилибди. Шунда йигит: «Сен мени ёмон кўрганинг учун қуявсан», дея онасидан ўпқалиниб, овулдан бош олиб чиқиб кетибди. Она ўғлини юборишга юборибди-ю, кўнгил узолмай, баланд тепаликка чиқиб, у кўздан ғойиб бўлгунча ортидан қараб қолибди. Бола шу кетишда кўп йиллар ўқиб, улкан аллома бўлиб, элига қайтибди. Юртига яқин келаверишданоқ овулда нима гап экан, дея диққат билан қараса, тепалик устида қаққайиб турган бир одам кўринибди. «Ким бўлди бу?», деб ажабланибди. Яқинроқ келиб қараса, ўз онаси! «Онажон!» деб қучоғини ёзганича, у томонга югурибди. Қучоқлашмоқчи бўлган экан, онаси йиқилиб тушибди. Ажабланиб қараса, онаси аллақачон жон таслим қилган экан-у, ҳилвиллаган гавдаси базўр тик турган экан. Аллома овул одамларини йиғиб, нима гаплигини сўраган экан, маълум бўлибдики, онаси уни ўқишга кузатиб қолганича, ўша тепаликдан қайтиб тушмаган экан...

— Ўз онанг муштини қанчалик кескин сермамасин, барибир, қаттиқ урмайди, — дерди отам.

— Арслон изидан, йигит ниятидан қайтмаслиги керак, — дея насиҳат қиларди Кўча бийи.

Отам айтган афсона: бир юртдаги бир донгдор киши касалга чалинибдию, тили калимага келмай соқов бўлиб қолибди. Бу ҳолдан қаттиқ хафа бўлиб, соқовликда яшагандай ўлимни афзал кўрибди. Ҳатто ўлакка жасади ҳидиниям шамол юртига олиб келолмайдиган овлоқ ғор топи учун тоғ оралаб кетаверибди. Кунлар кетидан кунлар ўтиб, ҳолдан тўйиб, бир бақатерак остида дам олгани ўтирибди. Тирик банданинг кўзларида тўйим борми сира! Ҳалиги соқов нажот истаб юқорига қараган экан, шохлар орасидаги улкан уяга кўзи тушибди. Уяда нима борлигини билиш учун теракка ўрмалаб чиқиб қараса, учта полапон. Полапонларнинг бири хомуш тортиб, иккинчиси мамнун илжайиб, учинчиси хушнуд кулиб ўтирганмиш. Одам боласининг ҳайрон бўлиб турганини кўрган учинчи полапонга бирдан тил битибди:

— Ажабланма, ҳой одам! — дебди шўх-хандонлик билан. — Бизлар бир онадан туғилган уч полапонмиз. Онамиз емиш қидириб кетгандан бери тотувгина яшаб турувдик. Кеча бир илон ўрмалаб чиқиб, ўзовимиздан қай биримизни қачон ютишини айтиб кетди. Мана мановини бугун кечқурун ютади. Шунинг учун у хомуш тортиб ўтирибди. Мана бунисини эртага кечқурун ютади. У ўзининг яна бир кунлик умри борлигидан мамнун бўлиб кулумсраб ўтирибди. Менинг олдимда эса нақд уч кунлик умр турибди. Шунга қувонганимдан чаҳ-чаҳ кулиб ўтирибман.

Одам бу полапонларни ўлимдан сақлаб қолиш учун куну тун илоннинг йўлини пойлабди. Илон тун ярмидан ошганда бамайлихотир ўрмалаб келаётган экан, одам унинг бошини мажақлаб ташлабди.

Эртасига қаердандир полапонларнинг онаси учиб келибди. У Семурғ қуш экан. Полапонларнинг ёнида ўтирган одамни кўриб, аҳволни билгач, «Раҳмат сенга, ҳой одам! Биз кўкда учиб буткул оламини кеза олсак ҳам ниҳоятти бир қушмиз. Сен — одамсан, тирик бўлсанг, қўлингдан келмайдиган иш йўқ!», дебди бу қаёққадир учиб кетибди. Кўп ўтмай, тумшугида бир чўп олиб келиб одамга едирган экан, унга тил битиб, бемалол гапирадиган бўлибди...

Эскиларнинг айтишига қараганда, ўша одам бизларнинг бобокалонимиз экан.

У ўз болаларига: «Агар ким тирикликдан безор бўлса — менинг авлодим эмас», — деган эмиш.

...Одам боласи ўзининг бу ёруғ оламда яшаётгани учун аввало ота-онаси, қолаверса, жамики жонзотлар олдида ҳамиша қарздор, — дейди доно халқимиз.

— Одамлар бир-бирларидан аввало иззат-ҳурмат қарздор, — деган экан афсонавий Маманбий.

Қариялар гурунғидан: — бу оламдаги жамики улкан кашфиётлар кўплашиб-кўмаклашиб яратилмаган — бир одамнинг ақл кучи билан яратилган. Одамнинг қудрати кечсиз! Бироқ ўзини «буюк» дейишдан андиша қилиб, Олло Таолони яратган. Аслида энг зўр худо — одамнинг ўзи!

— Одам боласининг ўзини худо деб билмаганига сабаб — ҳаётдаги етишмовчиликларнинг айбдори қилиб ўзини эмас, бошқа бировни кўрсатиш истаги бўлса керак, дейман-да?

— Тўғри айтасиз, оқсоқол. Одам боласини тубанлик сари етакловчи бирламчи иллат ҳам мана шу — ўзининг ожизлигида ўзгаларни айбдор деб биласи.

— Бироқ, ҳар қалай, бу дунёда ҳар бир одам боласи эртадир-кечдир экканини ўради: яхшилик соғинган яхшилик кўради, ёмонлик соғинган ёмонлик.

— Одам Ато, «Мен ўлгач, авлодларим ҳуда-беҳуда ғам чекавериб тагин таркидунё қилиб юрмасин» деб, ҳар бир халққа бир ҳазилкаш яратиб қолдирганмиш: русларга Иван тентакни, тожикларга Мушфиқийни, ўзбекларга Насриддин Афандини, қорақалпоқларга Умирбек лаққини. Хафа бўлганинда уларнинг қизиқ-қизиқ латифалари руҳингга қувват, танингда мадор бўлади, ғам-ташвишларингни унуттиради.

— Қандай ташвишларни бошидан кечирмасин, одам боласи кўнглидаги яхшилик уруғини асраб қолишга қодир.

— Яхшиликнинг яхшилик эканини одам у ёқда турсин, тилсиз-забонсиз махлуқ ҳам фаҳмлай олади...

— Узи билан бир даврда яшаб турган душманини кўра-била ундан аввал ўлишни истаб қолган одам — номард, — дейди Кўча бийи.

— Донолар: «Тириклигимнинг ўзиёқ душманам учун ўлим» деганлар, — деб уқтирарди онам.

— Эртасидан ноумид яшаш — шайтоннинг иши, — дерди момом.

— Мен ютқазган жамики нарсаларни ютиб олсангина содиқ фарзандсан, — дейди отам.

...Менинг ўқишдан оғриб келганимдан кўни-кўшнилар ҳам хавотир олишиб, бирин-кетин келиб кўра бошлашди. Онам уларнинг кўнгил сўрашларига ўрин қолдирмаслик учун: «Қани, кўшни, айтинг-чи, бобонгиз ё момонгиз ўлим олдидан айтган энг сўнгги гап ёдингиздами?», — деб сўрайди. Онамнинг феълени яхши билган кўшнилар: «Сенга бунинг нима кераги бор?», — демай саволга жавоб қайтарадилар.

Онамнинг дабдуруст саволига кўшниларнинг жавобларидан:

«— ...Менинг бобом тўшак ёнида ўтирган момомга: «Сен билан ажрашиб, ўз эркимча бир кун яшаб ўлсам, армоним қолмасди», дедию дунёдан кўз юмди».

«— ...Менинг бобом бир пиёла чой сўради. Қайнаб турган қумғондан чой дамлаш учун чойнакнинг ичидаги шамани тўкмоқчи эдим, «Тўкма, уйда чой оз, устига дамлайвер», дедию тилдан қолди».

«— ...Не-не азобларни кўрганда ҳам ҳасрат қилмаган момом кутилмаганда: «Ўзим учун бир кун ҳам яшай олмадим-ов!» деб кўзларига ёш олди».

«— ...Менинг бобом: «Болаларим, ўрнимга сизлар қоляпсизлар, армоним йўқ...», — деб бир яйраб кулдию, жон таслим қилди».

«— ...Бизлар янги уй кураётгандик. Касалманд бобом елкамга суюниб ҳали битмаган хоналарни бирма-бир айланди. Мен мана шу хонада яшайман, тагига тўшайдиган тахталарнинг пишиқроқ бўлаверсин, — деди-да, хушидан кетди. Қарасак, жони узилган экан».

«— ...Менинг бобом китоб ўқитиб эшитишни яхши кўрарди. «Яхши бўлсам, ўзим ўқишни ўрганаман», деган кунининг эртасига қазо қилди».

«— ...Менинг бобом «Оҳ, қайта туғилсам эди, узоқ яшаш учун нима қилиш кераклигини билиб туғилган бўлардим», деди».

...Онам касал ётган тўнғичининг устида нима учун бундай тушкун руҳдаги ёқимсиз гапларнинг айтилишига йўл қўяётганидан қаттиқ аламим келиб, эртаси сахармардонда уйғондим-да, уйдагилар билан хайрлашмай, йўлга чиқдим. Катта йўл ёқасида юк машинасини кутиб турганимда, онам ортимдан етиб келиб, нону қовурилган товуқ солинган турвани жимгина кўлимга тутқазди.

Шаҳарга келишим билан тўппа-тўғри врачга кўриниб, шифохонага ётдим. Бир ойча даволандим. Бутунлай соғайишга фурсатим йўқ эди. Чидашга тўғри келди — институтда ўқишни давом эттирдим...

15

Кўз қўрқоқ, хаёл ботир... Гарчи, кўп ўқиганим сайин қўрқоқлашаётган бўлсам-да, шоирлик орзусидан кўнгил узмадим. Билим юртида ёзган «Тилагим» номли шеъримни қайта ишлаб, яна редакцияга юбордим. Орадан кўп ўтмай, 1951 йилнинг ёзида Нукусдаги марказий боғда жойлашган кутубхонада газета-журналларни варақлаб ўтириб, республика ёшлар газетаси — «Жас лениншида» «Тилагим» деган шеърга кўзим тушиб қолди. Бундоқ зехн солиб қарасам, менинг шеърим! Кутилмаганда юрагимни тарс ёргудек бу қувончимни баҳам кўриш учун ён-веримга қарайман. Аксига олиб бирон танишим учраса-чи! Кутубхоначи аёлга: «Манови менинг шеърим!», дейишдан ўзимни базўр тўхташиб қолдим.

— Мақтаниш йигит кишининг иши эмас, — деб огоҳлантирарди онам.

Нима бўлса-бўлсин, ўша газетани яширинча қўйнимга тиқиб, ташқарига чиқдим. Биронта танишим учраб қолармикин, деган умидда боғ оралаб кетаётган эдим, қарасам, нақ дарвоза олдидан овулимизнинг Кўча бийи ўтиб боряпти. Қувончим ичимга сиғмай, салом берган заҳоти қўлига газетани тутқаздим. Ички саҳифани очиб кўргунича сабрим чидамай, газетани ёзиб, фамилиям билан шеъримни бармоғим билан нуқиб кўрсатдим. Кўз югуртириб чиққунига қадар ўз келажагимни қандай тасаввур қилишимни ҳам айтиб улгурдим. Гуё гапларимни қувватлаётгандай бош қилирлатиб турган Кўча бийи шунда менга мийиғида кулиб қаради:

— Ҳалиям шоир бўлишдан умидингни узмадингми?

— Ие, нега умид узарканман? — дедим ҳафсалам пир бўлиб.

У андақ сукут сақлаб турдию, тагин саволга тутди:

— Бу деганимки, шоирлар ҳақидаги латифани ҳалигача эшитмадингми?

— Институтга келганимдан бери ўзимизнинг қорақалпоқ шоирларидан бошқа Пушкин, Гёте... деган шоирларнинг китобларини ўқиб юрибман. Жаҳон адабиётининг улкан намоёндаси Лев Толстойни ҳам оз-моз биламан. Бироқ, шу пайтгача ҳеч бири ҳақида латифа эшитмадим, — деб ноилож иқрор бўлдим.

Кўча бийининг айтгани: Улуғ Ватан уруши йилларида маҳаллий ҳокимият қорақалпоқ шоирларидан иборат махсус бир команда тузмоқчи бўлибди. Шоирлар ўтакетган ватанпарвар халқмасми, ҳаммалари «Яхши! Зўр!» деб бу ташаббусни қўллаб-қуватлашибди. Айтилган вақтда ҳарбий комиссариат олдига йиғилишибди. Уларни бўй-бўйи билан сафта тизиб:

— Қани, «биринчи, иккинчи...» деб сананглар-чи! — дейишган экан, ҳар бир шоир ўзига навбат келганида «биринчи», «биринчи» деяверибди. Командир, булар тушунмаяпти шекилли, деб санашдан мақсад кимнинг нечанчи эканини эмас, нечта одам йиғилганини аниқлаш эканини айтиб бўлгач тагин:

— Қани, қайта бошдан «Мен биринчи», «Мен иккинчи», «Мен учинчи» деб ҳисоб бўйича сананглар-чи! — деб буюрибди.

Шоирлар яна аввалгидек:

«Мен биринчи», «Мен биринчи», «Мен биринчи» дөяверишибди. Шундай қилиб десанг, қорақалпоқ шоирларининг ҳеч қайси иккинчи бўлишни истагани сабабли улардан команда тузилмай, ҳар бири бошқа-бошқа командага қўшилиб урушга кетган экан...

...Кўча бийи, ўзининг фавқулодда иштиёқ билан илҳомланиб айтган бу латифаси гўё бутун шаҳарни кулдираётгандек, кўкрак кериб ғоз турарди. Яшириш не ҳожат, қаттиқ аламинг келди.

— Бу латифани фақат шоирларга эмас, ҳаммага нисбатан айтса бўлаверади, — дедим андак жаҳл билан. — Бу дунёда биринчи бўлишни ким истамайди?! Масалан, цехдаги ишчи биринчи бўлишга интилмайди? Колхозда бригадир биринчи бўлишга ҳаракат қилмайди? Бошқа касбадагилар ҳам шундай. Бутун-бутун районлар, областлар, республикалар-чи? Ҳаммалари ҳам биринчи бўлишни хоҳлайди. Чунки ҳар бир одамнинг кўнглида: «Мен биринчи бўлишим керак», деган яхши ният бўлади. Масалан, мана, мен ҳам биринчи бўлгим келади. Айтилик, сиз ҳам кўча бийларининг орасида биринчи бўлишни хоҳлайсиз. Билсангиз, бу нуқсон эмас, фазилат. Яхши ният — ярим давлат, деб бекорга айтишмайди-ку, ахир. Аслида ҳаёт талаби бу!.

Кўча бийи менинг қизишиб уқтиришларимдан мамнун бўлиб:

— Гап шоирлар ҳақида кетаётгани учун айтдим-қўйдим-да! — деди ўзини оқламоқчидек.

— Шоирларнинг қуроли — сўз! — дедим яна бўш келишни истамай. — Биласиз, кўпинча бир сўз бир неча маънони англатади. Мен сизга ҳозир «монсиз» десам, ўйлаб қоласиз. Сабаби, шу биргина сўз билан сизни тупроққа қориштириш ҳам, кўкка кўтариш ҳам мумкин. Шоирларнинг сўз тузиши фишт теришдек осон эмас. Уста шогирдга: «фиштни қийшиқ қўйибсан-ку», деб танбеҳ берса, у хафа бўлмайди-ку, тўғрими? Шоирларнинг ўзаро талашиб-тортишларига ҳам шундай кўз билан ҳолисона қараш керак. Улар бир-бирини кўпинча матбуот орқали танқид қилади. Айрим сўзларни ноўрин қўллаб, баъзи фикрларни чалкаштирганини айтади. Бу — бир-бирини камситгани эмас, аксинча, бир-бирига ўргатиб, хатоларни тuzатишга чақиргани.

— Шоирлар бир-бирларининг камчиликларини матбуотда ёзиб чиққунча, юзма-юз туриб айта қолса бўлмасмикан? — деб сўради Кўча бийи андак ювош тортиб.

— Шундай қилсам бўлади. Бироқ гап аллақачон чоп этилган асар ҳақида кетади-да. Асар матбуотда эълон қилинди, унга муаллиф жавобгар бўлса-да, энди кўпчиликнинг мулкига айланади. Кўпчиликнинг мулкидаги камчиликлар яна матбуотда кўпчиликка очиқ-ошкор айтилиши керак, — дедим.

— Айтмоқчи, шоирга қалам ҳақини қандай тўлашаркин? — деб сўради у тагин ўзгариб.

— Ҳозирча олиб кўрмадим-у, бир шоир танишим ҳар сатрига ўн сўмдан (1961 йилдан бери бир сўмдан) пул олганини, бу энг кам нарх эканини айтган эди, — дедим.

— Энг кўпи қанча экан? — сўради у.

— Ҳар сатрига йигирма сўмгача (ҳозир икки сўмгача) тўлайди, дейишади.

— Кунига нечи сатр ёзса бўлади? Сен, масалан, манови йигирма сатр шеърингни қанча вақтда ёздинг?

— Бир кечада, — дедим жўрттага.

Кўча бийи кутилмаганда тагин ўзгариб:

— Юрсанг-чи, овқатланайлик, — дея таклиф қилиб қолди. Илтифотига кўнглим ёр бермай, истаб-истамай турганимни сезди шекилли:

— Катта шоир бўлиб кетганимда қайтарарсан. Ҳозирча талабанинг бир тўйгани — чала бойигани. Юр, менинг ҳисобимдан ресторанга кирамиз, — деб қисталанг қилаверди.

Ноилж (бажонидил) рози бўлдим.

Ресторанда оркестр सदолари қулоқларни қоматга келтирар даражада янграётган экан. Кўча бийи жойлашиброқ ўтиргач, бир чолғувчини олдига чақириб, қўлига ўттиз сўм берди ва бизлар овқатланиб бўлгунимизча чалмай туришларини илтимос қилди. Чолғувчи лом-мим демай ортига бурилиб кетди-ю, бир оздан сўнг яна қошимизга келиб, Кўча бийига олтиш сўм узатди. Кўча бийининг юзи дувва қизарди, бироқ пулни олмади.

Оркестр музикасини давом эттирди.

— Кўрдингми, музикачилар қанчалик маданиятсиз, — деб пўнғиллади Кўча бийи.

Шу орада туркманча куй чалиниб қолди.

— Туркманлар музика бобида биздан ортада қолиб кетган, — деди у ижирганиб. — Эшитяпсанми, ёқимсиз-а?

— Сизга қайси халқнинг куйлари ёқади ўзи? — деб саволига чап бериш учун ўсмоқчиладим мен.

— Зўр куйлар қорақалпоқларда-да! — деди у жўжахўрозлардек кўкрак кериб.

Мен ўзимнинг музика бобидаги қарашларимни баён қилиб, аксинча, бизнинг бастакорларимиз ортада судралиб қолаётганини, улар басталаган куйлар зўр бўлганида бошқа юртларда ҳам иржа этилмасмиди, демоқчи эдим... Кўча бийи ҳисоб-китоб учун официант аёлни чақириб қолди. Ташқарига чиқдик. Утмиш адабиёти классигига ўрнатилган ҳайкалнинг нақ бошида ўтирган қарғани менга кўрсатиб:

— Шуям ёдгорлик бўлибди-ю! — деди масхаромуз кулиб. — Бу армонли дунёда ўзидан мангулик хотира қолдиришни истовчилар жуда кўп эканда, а? Мен, масалан, ўзимга ҳайкал ўрнатишларини ҳечам истамасдим. Манавиндай, бошимга қарға ўтирадиган бўлса, ҳайкалнинг нима кераги бор? Сен ҳам шоирликини ҳавас қилганимда вақти келиб ўзингга ҳайкал ўрнатишларидан умидвор бўлсанг керак-да?!

Мен унга жавоб бермай, ҳайкалнинг бошига қўниб турган қарғани хуркитиб юбордим-да, шаҳар ташқарисига чиқадиган автобуслар бекати томон юрдим.

— Шоир классикка айлангани учун унинг камчиликларидан бохабар ҳамма таниш-билиш-

лари ўлиб кетиши керак, — билагонлик билан деди Кўча бийи ортимдан эргашиб келар экан. Сўнг тагин мени саволга тутди:

— Қани, айт-чи, шеър эмас, оддий сўз билан ёзганларга қалам ҳақини қандай тўлашади?

— Билмасам. Ҳар қалай, ҳажмига, ҳарфлар сонига қараб аниқлашади, дейишади. Масалан, қирқ мингта ҳарф бир босма табақ бўларкан, — жавоб бердим индамаслик одобдан бўлмас деб ўйлаб.

— Демак, ҳарфларни кўпайтиравериш керак экан-да! Бунақа экан, сен оддий сўз билан ёзишга ўтсанг бўларкан.

— Насрий асар ёзишни уддалаёлишимга ҳозирча шубҳам бор, — дея очигини тан олдим.

— Уйларингни шеърый йўл билан ёзиш осонми ё қора сўз биланми? — яна ўсмоқчилади у.

— Бир хил повлонларнинг ўнг қўли кучлироқ, бир хиллари аксинча, чапақай бўлади. Тўғри, шундай повлонлар ҳам борки, уларга ўнг-чапи баробар. Ёзувчилар ҳам шунақа: кимдир шеърга, кимдир насрга уста, — дедим.

— Ие, у ҳолда Йўлмирза Оймирзаев адабиётда ўнг-чапи баробар повлон экан-да! — дея у яна мени масхаралаб кула бошлади. — Демак, сен ҳам Йўлмирза Оймирзаев бўлмоқчи экансан-да, а?

— Менинг Гёте ё Пушкин, Бальзак ё Толстой, Хемингуэй ё Шолоховдек бўлгим келади, — дедим масхараомуз кулгидан малолланиб.

— Бундай қаёқдаги нотаниш одамларга эргашиб ўзингни пастга урма, — деди у энди менга сидқидилдан жони ачиётган меҳрибон ака қиёфасига кириб.

Автовокзалда Кўча бийи чиқиши керак бўлган автобус ҳали йўқ экан.

— Шу пайтгача овулимиздан шоир чиқмаган эди, — дея гапни гапга улаб кетди у. — Бундан кейин сенга маслаҳат беришга ҳам жиддийроқ тайёрланиш керакка ўхшаб қолди. Ҳозирча бир-иккита энгил-елпи маслаҳатимни айтиб турсам майлими?

— Маслаҳат тош эмас, кўтараверса бўлади, — дедим мен.

Кўча бийининг маслаҳатларидан: бу дунёни ёлгончи дейдилар. Ёлгончини эса фақат ёлгончи енга олади.

Одамнинг нодонлигини кўра-била туриб унга маслаҳат бераверма, вақти келиб ўзининг хатоси учун ҳам сени айблайд.

Кўпчиликнинг иши учун айбдор саналсанг хафа бўлма, ўзингни бардам тут. Яшин ҳам аввало мевали дарахтга тушади.

Ёлғиз чопганида югурик кўринган отни мақташдан эҳтиёт бўл! Югурик от кўпкарида маълум бўлади.

Юкни нор кўтаради. Қаторда норинг бўлсин, бироқ бошқаларнинг юкни кўтаришдан ҳеч қачон бўйин товлама.

Ўзингда бошқаларни, бошқаларда ўзингни кўр. Бироқ ўзингнимас, ўзгаларни кўпроқ авайла. Пичоқни аввал ўзинга ур, оғримаса дўстинга ур, деган мақол бекорга айтилмаган.

Хафа бўлсанг, сабабини ўзиндан ахтар. Хурсанд бўлсанг, сабабини бошқалардан ахтар.

Кўча бийи айтган афсона: қадимда бир серфарзанд подшо барча ўғил-қизларини олдига чақириб: «Бу дунёда яхши яшаш учун нима қилиш кераклигини, ўзаро дўст-биродар, билгимдон-донишманд бўлиш йўлларини ўргангач, қайтиб келасанлар», деб чор тарафга тарқатиб юборибди. Ҳар ким ҳар йўлга тушиб, олис сафарга отланибди. Озгин-нимжонроқ бир болақай катта йўлни қўйиб, ючкина сўқмоқдан кетаверибди. Бир неча кун йўл юриб, чарчаб-ҳориб, йўл озғини тугаб, кўзлари киртайиб, бир тепаликда дам олиб ўтирган экан, рўпарасида тош дарвоза кўринибди. Яқинроқ бориб қараса унга: «Шу дарвозани очиб кирган одам хазинанинг қалитини топиб олади», деб ёзиб қўйилганмиш. Йигит суюна-суюна тош дарвозани ўрнидан силжитишга жон-жаҳди билан тиришиб-тирмашибди. Тирноқларининг қонаб кетганига ҳам парво қилмай, зўр-базўр дарвозани қия очган экан, нариги тарафидан бир илон чиқибди. Йигит илондан қўрққанидан тош дарвозани ташлаб ортига қочганча, бор овози билан чинқирибди. Чинқирқични эшитган оғалари етиб келиб, тош дарвозадаги ёзувни кўрибдилар-да, суюна-суюна уни тагин ўрнидан силжитишган экан, ака-укалар нечта бўлса ўшанча илон дарвозанинг нариги тарафидан отилиб чиқибди. Мардроклари тап тортмай ўз рўпарасидаги илонни ўлдириб, ичкарига кираверибди. Илондан энгилганлари ташқарида қолаверибди. Озгин-нимжон болақай рўпарасидаги илонга тик боришдан қўрқиб, яна ортига қайтибди. Орадан бир неча йил ўтиб, акаларига учрашган экан, илон ўлдириб, метин дарвозадан ўтганлари олиму шоир бўлиб, роҳат-фароғатда яшяётганмиш.

Озгин-нимжон болақай улардек бўлишга қизиқмай, узоқ-узоқларга бош олиб кетибди.

Унинг бола-чақалари ҳам метин дарвозага яқинлашай деса, отаси айтиб берган илон воқеаси юракларини шувиллатар экан...

Ҳар гал шу афсона ёдимга тушса, ўша озгин-нимжон бола бизнинг бобомизмасмикин, деб ўйлаб қоламан...

...Автобус аллақачон келиб тўхтаган, ичи йўловчиларга тирбанд. Энди ўрнидан кўзгалаётганида кўриб қолдик-да, ортидан югурдик. Кўча бийи автобуснинг икки тарафга букланиб очиладиган эшигини маҳкам ушлаб туриб ўзини ичкарига олган заҳоти ортидан эшик ёпилиб, чопонининг бари ташқарида ҳилпираганча кетаверди. энди у менга ҳар доимгидан ҳам қадрдонроқ, меҳрибонроқ, донороқ туюла бошлади...

Учакишиш ёмон.

Ёшлар газетасида биринчи шеърим босилиб чиққанининг қувончи тез орада кўнглимни тарк этиб, энди катталар газетаси (ҳозирги «Совет Қорақалпоғистони»)да шеър чиқаришим керак, деган ўй бутун вужудимни қамраб олди. Натижада кўкламги экиш мавсумига бағишлаб шеър ёздимда, редакциянинг адабиёт бўлими эшигини қоқдим. Киришга рухсат берилди. Ичкарида

Бўлим мудури билан гаплашиб ўтирган қорақалпоқ халқ шоири Содиқ Нурибметов менга ўрин бўшатиш учун кетиш тараддудига тушган эди, бўлим бошлиғи:

— Содиқ оға, андак сабр қилсангиз, ёш шоирнинг машқини бирга эшитардик, — деб қолди.

Бу гапдан ўзимда йўқ суюниб кетдим: ахир, шеъримни икки шоир баравар эшитмоқчи. Икковида ҳам ўзимга нисбатан меҳр-шафқат ҳиссини туйиб, қироат билан шеър ўқишни бошлаб юбордим. Терлаб-тепчиб ўқиб бўлувдим ҳамки:

— Нима бу, қофияланган агроном маслаҳатими ё кўклам манзарасими? — деди бўлим мудури.

Мен энди ҳовуримдан андак тушиб, шеъримнинг етакчи ғоясини батафсил тушунтира бошладим. У мийғида кулганча, гапларимни жимгина тинглаб ўтирди-да:

— Мана, энди тушунарли бўлди, — деди дабдурустан жиддийлашиб. — Бироқ бу шеърингни газетада эълон қилишдан аввал битта шарт қўяман. Розимисан?

— Розиман! — дедим.

— Газета чиққан куни эрталаб қирқ мингга яқин хонадонга тарқатилади. Бундан ташқари, автоном республикадаги барча дўконларда сотилади. Шартим шуки, сен манови шеъринг босилиб чиққан куни эрталаб ўша қирқ минг хонадонга бирма-бир кириб чиқасан, барча дўкончаларнинг олдига бориб турасан.

— Нега энди? — сўрадим ҳайратдан донг қотиб.

— Садағанг кетай, иним, йўқса шеърингни ҳозиргина менга тушунтирганингдай, ҳар бир газетхонга ким тушунтириб чиқади? — деди бўлим мудури.

Содиқ шоир айтган афсона: хиндлар юртининг машҳур мохорожаси Тож Маҳал мақбарасини зиёрат қилишга келганида нотаниш одам унга қуллуқ қилиб, ўзини номдор рессомман, деб таништирибди. Аллақандай сурат ҳам совға қилибди.

— Бу нима? — сўради мохорожа.

— Аждаҳонинг сурати. Сизга совға қилиш учун атайлаб чиздим, — дебди нотаниш рессом.

Ўша пайтлар хинд элида аждаҳолар ҳақида ҳар хил ривоятлар кенг тарқалган экан.

— Аждаҳо дегани шунақа бўларкан-да! Бу совғанг учун сенга ташаккур! — дебди мохорожа. — Хўш, энди бу суратнинг баҳосини айт-чи?

— Юз тилла, — дебди рессом.

— Энди сен менга манови Тож Маҳалнинг суратини чизиб бер-чи, ҳақиға ўн минг тилла инь ом қиламан, — дебди мохорожа, унга юз тиллани бериб.

Рессом аста-секин ортига чекиниб, қочиб қолишнинг пайига тушибди. Мохорожа унинг шум ниятини сезиб, соқчиларига ушлаб, дорга осишни буюрибди.

— Ҳеч ким кўрмаган аждаҳони чизиш каби ўзинг билмайдиган нарсани бўрттириб ёзиш жуда осон, — деб афсонага яқун ясади Содиқ шоир.

— Ўзинг учун қизиқ туюлган гап бошқалар учун ҳам қизиқарли бўлаверади деб ўйлама, — дерди онам.

— Бу кўхна дунёнинг ўзидек ҳар бир одам боласи ҳам бус-бутун жумбоқ. Барча жанжалу ғавғолар ана шу жумбоқларни ечиш йўлида келиб чиқади, — дерди бобом.

— Сенга бошқа биров қанчалик сирли туюлса, сен ҳам унга шунчалик сирли туюласан. Бироқ жумбоқнинг мушқуллиги ечилгунга қадар, — дерди момом.

Қариялар гурунғидан: бу ёруғ оламнинг паст-баландини, фалакнинг гардишини яхшироқ билишни хоҳламайдиган одам йўқ бўлса керак.

— Агар ер юзидаги барча одамларни бир жойга тўплаб, ҳар бирининг кўрган-билганлари, ўй-фикрларини ўз оғизларидан эшитишнинг иложи бўлганида эди, худди ташқи қиёфалари ўхшамаганидек, гаплари ҳам ҳеч қачон бир хил бўлмасди. Биз бу ёруғ олам ҳақида барибир ягона фикрга келолмаган бўлардик...

— Шунинг учун ҳам кундузини тушуниш учун тун бор, бугунни тушуниш учун ўтмиш билан келажак бор, ёлғонни билиш учун рост бор-да, — дерди отам.

— Не-не ёлғонлар борки, айтсанг ҳамма ишона қолади. Не-не рост гаплар борки, айтсанг ҳеч ким ишонмайди, — дея кўп такрорларди Кўча бийи.

— Нима гапирсанг ҳам эҳтиёт бўлиб, ўйлаб гапир. Оғиздан чиққан ҳар бир сўз учун бош жавоб беради, — дерди онам.

Матбуотда бир шеъримни эълон қилсам бас, мени ҳамма таниб, дарров ёзувчилар союзига қақиртиришса керак, деб ўйлардим. Кўп ўтмай, бу хомхаёл экани маълум бўлди. Лекин, барибир, кўнгил қурғур бот-бот ўша тарафга талпинаверади. Оёқларим ёзувчилар союзига етаклайверади. Ахийри оёқларимга эрк бердим. Раиснинг кабинетида киришга ботинмай, кимсасиз қабулхонада ўтира-ўтира яна ортимга қайтдим. Ҳар қалай, қуруқ қайтмадим. Ушанда ёзувчилар союзи ёғочдан қурилган бир қаватли бинога жойлашган эди. Қабулхонада ўтирганимда юпқагина эшикдан ичкарида бўлаётган суҳбат баралла эшитилиб турди.

Ёзувчилар союзи раисининг қабулхонасида эшитган суҳбатдан:

— ...Мени динга мойил деб тушунманглар-у, эскиларнинг айтишича, ҳар бир одамнинг икки елкасида икки фаришта ўтирармиш. Улардан бири одамнинг савоб ишларини, иккинчиси гуноҳ ишларини ёзиб бораверармиш. Одам нариги дунёга борганида ўша гуноҳ-савоб дафтарлари олдига қўйилармиш. Бу-ку, якка одам ҳақидаги диний гап. Бироқ бизда бир одам тугул бутун бошли халқнинг бугунга қадар кўрган-кечирганлари, унинг савоби у ёқда турсин, гуноҳи ёзилган китоб ҳам йўқ. Бунга сабаб, гуноҳ-савобни қайд этиб борадиган «фаришталар», ҳозирги ибора билан айтганда, носирларнинг йўқлигида. Агар насрий жанрларни ривожлантириш ҳаракатини қилмасак, халқимиз тарихининг жуда кўп саҳифалари боз-боғидек қоронғулигича қолаверади...

— Насрни ривожлантириш ҳақидаги масала бугунги йиғилиш кун тартибига киритилгани жуда тўғри бўлган! Бу иш урушдан аввалоқ йўлга қўйилиб, айрим ўртоқлар ўз қаламларини насрда синаб кўра бошлаган эди. Бироқ уруш панд берди.

— Барчангизга маълумки, шеърият — адабиётнинг ривожланиш йўлидаги болалик даври. Биз қачонгача бола бўлиб қолаверамиз, ўртоқлар! Бизлар ҳам бошқа халқларга ўхшаб, йирик эпик полотнолар яратиш йўлига ўтишимиз керак...

— Ҳой, ука, тўхтанг! Сиз бунақа — шеъриятни камситгунча, диссертациянгиз билан шугулланиб жимгина юраверинг, дурустми! Буюк Навоийни, Жомийни, Умар Хайёмни, Некрасовни, Бердақни, манови ёнимизда ўтирган ажойиб халқ шоирлари Аббоз Добилов билан Содиқ Нуримбетовни ҳақорат қилманг!

— Кечирасиз, мен яхши шоирларимизни камситмоқчимасман. Биламан, шоир — халқнинг тили. Шоир — халқнинг фахри! Бироқ...

— Буюк Навоий кишлоқ оралаб ўтиб бораётган экан, бир уйдан қизлар жўр бўлиб айтаётган кўшиқни эшитиб, тўхтаб қолибди. Қизлар шоир ғазалини ўзларича куйга солиб айтишаётган экан. Бу ҳолдан мамнун бўлиб диққат билан тинглай бошлабди. Зеҳн солиб эшитса, улар ғазалнинг айрим сатрларини ташлаб, бузиб айтишаётганмиш. Ушанда Навоий уйга бостириб кирибди. Қизлар гилам тўқишаётган экан, тўппа-тўғри борибди-ю, гиламнинг ипларини тортқилаб, гулини бузмоқчи бўлибди. Қизларнинг жаҳли чиқиб:

— Ие, ие, бу қанақаси? — дея улуг шоирнинг устига ёпирилишибди.

— Нега унда манови гиламларингиздек не-не машаққату заҳматлар билан, яна денг сизлардек кўплашиб эмас, ёлғиз ўзим тўқиган ғазални бузиб айтяпсизлар? — дебди шоир. Бу одамнинг улуг Навоийлигини билган қизлар узр сўрашга тушибди. Шоир ҳам қизиққонлиги учун қизлардан узр сўраб чиқиб кетибди...

— Хўш, танқидчи укамиз, бунисига нима дейсиз энди?

— Бердақ шоирнинг отаси Қарғабой бир куни уйига ҳовлиқиб кирибди-да, аёлига дабдурустан: «Қани, бўла қол, тезда Бердақни ювинтириб кийинтири-чи, уни Хивага олиб бормоқчиман, бизга бахт кулиб боқадиганга ўхшаб турибди», дебди. «Нега?» деб сўрабди аёли унинг муддаосини тушунмай. «Хивадаги хон саройида ишлаш учун энг доно, энг барно бир бола қидиришаётган экан. Бу ёруғ оламда Бердақимиздан ақллироқ, чиройлироқ бола бўлиши мумкинми сира!» — дебди Қарғабой. Аёли фаҳм-фаросатли экан, эрини йўлдан қайтармоқчи бўлибди. Қарғабой унинг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўн яшар Бердақни ювинтириб-кийинтирибди-да, эшагининг ортига мингаштирибди. Кечаю кундуз йўл тортиб, Хивага уч кун деганда етиб борибди. Хон саройига кириш учун бирин-кетин уй соқчининг олдидан ўтиш керак экан. Биринчи соқчиёқ Қарғабойга: «Шу қулқлар қалқондай, бурни чўмичдай тасқара боласини уялмай олиб келиб турганини қаранглар!», деб, масхаралаб кулибди. Қарғабой боласининг сулувллигини исботламоқчи бўлган экан, соқчилар уларни уриб-сўкиб шаҳардан ҳайдаб чиқаришибди.

Хар кимга ҳам ўз фарзанди дунёдаги энг ақли расо, барно бўлиб кўринаверади. Қарғабой ўша дакки-дашномдан кейин то ўла-ўлгунича: «Менинг ҳам ақлли, ҳам чиройли боламини кўра туриб саройга киритмаган хоннинг одамларига лаънат!», — дея қарғаниб яшабди...

Шоирнинг шеъри ҳам — фарзанди. Уни камситишдан уялсангиз бўларди, иним!

— Бердақ ўша дакки-дашномдан кейин чиройлилиги билан эмас, сўзларининг ўткирлиги, ҳо-зиржавоблиги билан хон саройини қулатмасаям, ҳар қалай, зир титратган шоир бўлган.

— Шеъриятга тил теккизилмасин!..

— Халқ ҳаётини қайси жанрда кенгроқ кўрсатиш мумкин? Шу ҳақда гаплашайлик, ўртоқлар!

— Насрий асарларга конкурс эълон қилиш керак!..

Онамнинг насихатларидан: сендан фикр айтиш лозим бўлса, хаёлингга келган гапни тилингга чиқараверма. Қўзингга кўриниб турган нарса ҳақида тил учидаги гапни айтаётганингда ҳам аввалига уч марта ютиниб ол!

Ўзинг ҳақингда гапиришинг керак бўлса, тўғри экан деб билган гапингни айтаверма. Аввало, қалбингга қулоқ сол, ён-верингга қара, қай гапни айтиш мумкинлигини пухта ўйлаб ол!

Агар икки одам бир-биридан арз қилиб олдингга келса, икковининг ҳам эркин гапиришига имкон бер. Гапларини оғирроқ бўлиб, холис туриб эшит. Ушандагина тўғри ечимга кела оласан. Сабаби, қарға — оппоғим, типратикон — юмшоғим, деганидек, ҳар кимнинг ўз гапи ўзига энг зўр ҳикмат!

...Ҳар қалай, ёзувчилар союзида бўлиб ўтган ўша ғойибона суҳбат кўнглимда чуқур из қолдирди.

Асрлар мобайнида оғзаки ижодиёт ва айрим шоирларнинг замона гардишларига қарши ҳасрат-надомат, ишқ-муҳаббат ҳисларига лиммо-лим шеърлари руҳида яшаб келган халқим реалистик насрни қандай қилиб қабул қиларкин?!

Теранроқ мушоҳада қилиб кўрсам, аксинча, бу халқ, реалистик асарларга ниҳоятда чанқоқдек. Болалик чоғимда Лев Толстойнинг «Кавказ асири»нинг қорақалпоқ тилига таржимасини бобомга ўқиб бергандим. Бобом менга ўша куни ҳеч бир иш буюрмай, ҳикояни ўқиб тугатганимга қадар жимгина тинглаб ўтиргач:

— Бу дostonнинг сўзлари шеърдай уйқашиб келмаса ҳам, воқеаси дostonларимиздагидай осмон билан ернинг ўртасида осилиб қолмас экан. Ерда тураркан. Ҳавойи гаплар эмас, нақ ҳаётнинг ўзи-я, — деган эди, қаттиқ ҳаяжонланиб. Эсимда, ҳатто эртасига Жилиннинг қисматини бошқа қарияларга қорақалпоқ одамнинг қисматидек ҳикоя қилиб берганди.

Ўзимдан-ўзим олҳомланиб, қаламимни насрда ҳам синаб кўриш мақсадида кўпдан бери хаёлимни банд қилиб юрган бир воқеани ҳикоя қилиб ёзишга ўтирдим. Кўп ўтмай, ёзиб тугатдим ҳам. Ўқиб чиқсам, ўзимга маъқул.

Фарзанднинг ишига ота-онасининг баҳосидан ҳам юксакроқ, самимийроқ баҳо бўлиши мумкинми сира! Ҳа, унга ота-она қарғишдан даҳшатлироқ қарғиш ҳам, олқишдан эзгуроқ олқиш ҳам бўлиши мумкин эмас!

Янги ёзилган ҳикояни редакцияга жўнатишдан аввал отам билан онамнинг фикрини билишни маъқул кўрдим. Бобом аввалги йили қазо қилганди...

Ота-онам ҳикоямни ихлос билан тинглашди. Отам етти ўлчаб, бир кесадиған одам эди. «Қани, сен бошлаб тур-чи!» дегандек онамга қия қаради. Онам одатдагидек, уқтамлик билан гапни қисқа қилди:

— Нимадир етишмайди.

— Менимча ҳам бир камчилиги бордек, — деди отам.

Бироқ иккови ҳам ҳикоянинг қандай камчилиги борлигини, нима етишмаслигини айтиб беролмадилар. Ҳозир қайта-қайта ўқиб, ўйлана бошладим. Дарҳақиқат, унда энг муҳим нимадир етишмай тургандек. Лекин нима? Билолмай доғдаман!

Эртасига эрталаб онам:

— Кечаги ёзганимда, менимча, кўни-қўшнилариингга, юртингга меҳр етишмас экан, — деди.

— Ҳовва, юртинг экинзорларини, кенг далаларини кўрганда куюнишинг, суюнишинг, соғинишинг сезилмайди, — дея отам онамнинг гапини тўлдиришга тушди.

— Кўни-қўшнилари, эл-юртга, кенг-ясси далаларга меҳр-муҳаббат ё соғинч кўнгилда юртдан олисроққа кетганда туғилса керак, — дедим ўзимни оқлашга тиришиб.

— Йўк, — деди онам. — Мен, масалан, ҳар куни эрталаб кўни-қўшнилариимни, манови дала ҳавосини, қуёш нурини соғиниб уйғонаман.

— Тўғри! — деди отам онамни қувватлаб. — Ҳар куни эрталаб экин далаларини, таниш-билишларини, эл-юртини соғиниб уйғонмаган одам, сенларнинг тилинг билан айтганда, ватанпарвар бўлмайди.

Уларнинг танқидидан кўнглим чўкиб-синиқиб, хаёлларим алғов-далғов бўлиб, Нукусга қайтдим. Хонамизга келсам, қариндошимиз Қутлимурод оға Урозов ўтирибди. Бу кишининг доно маслаҳатлари, қутилмаган мантиқий далиллари эшитган одамни қойил қолдиргани учун ҳам келинлари ҳурматлаб, юрист қайноға, ўғил-қизлари эса, юрист ота, деб чақириварди. Қулай фурсатдан фойдаланиб, дастлабки ҳикоямни шу «юрист ота»га ҳам ўқиб берсаммикин, деган фикрга келдим.

У бировнинг гапини сабр-тоқат билан эшита оладиган одам эди. Қимирламай, сукут сақлаб ўтираверди. Ҳикоямнинг бутун-бутун саҳифалари ўзимга ёд бўлиб кетганмасми, ўқиётиб кўз қирим билан қараб-қараб қўяман. Аввалга иштиёқ балқиган ози тобора ўзгариб бораверди. Пешонасидаги мошдеккина холини қайта-қайта силашга тушди. Сездимки, маъқул бўлмапти. Бир аммаллаб ўқишни тугатдим.

Юрист отанинг насиҳатларидан: биз юристлар бирон ишга ҳакамлик қиларканмиз, уни келтириб чиқарган сабабларни қидирамиз. Ҳикоянгда бўлса, уларни қидириш йўқ. Ҳар бир қаҳрамоннинг ўзи билан ўзи овора. Ён-вериди ким борлигини кўрмайди, нима борлигини билмайди. Марксистик диалектикани ўқиганмисан ўзи? Табиатда ҳамма нарса бир-бирига боғланиб-ча-тишиб кетган. Бири иккинчисини тўлдиради, бири иккинчисини келтириб чиқаради ё инкор этади. Ёзувчи — ҳаёт дарслигини яратувчи одам. Шунинг учун у табиатдаги ҳар бир ҳодисани чуқур англаб етмаса, унинг моҳиятига кириб бормаса, ёзганига ҳеч ким ишонмай қўяди.

Ёдингда бўлсинки, инсон умрининг мазмунини ўлчовчи мезон — унинг атрофидагилар билан муносабатида.

Осмонга қара, қуёш нега турибди? Шамол нега эсади? Теракларнинг барглари нима деб шивирлайди?.. Ҳаётнинг турган-битгани жумбоқ! Одам теварагидаги нарсаларни ҳамшиша кўриб-сезиб тургани учун уларнинг ўзига таъсирини кўпична англаб етавермайди. Ҳа, энди, анови бор нарса-да, манови нарса ўз ўрнида-ку, мен йўқ нарсани қидириб топай, дейди баъзи бировлар. Йўқ нарсани қидириш — беҳуда иш, барибир уни топиб бўлмайди. Аввало борига таяниб, борнинг борлигини кўрсата олишнинг ўзи — ҳикмат!

Юрист ота айтган бир жуфт афсона: аввал-бошда бутун жаҳонга бир шоҳ ҳукмронлик қиларкан. Йиллар ўтиши билан қабилар элатлар кўпайиб, бир ҳукмдорнинг юртни бошқариши мушкуллашибди. Шу сабабдан: «Ҳар бир овул саройда мен билан ўтириб, эл-юртни идора қиладиган битта-битта донишмандни ҳузуримга юборсин!», деб чор атрофга жар солдирибди. Барча овуллар ўзларича маслаҳатга ййгилиб, шоҳнинг буйруғини бажо келтиришибди. Биргина овулдан ҳеч ким келавермабди. Шоҳ бу ҳолдан безовталаниб, ўша овулга махсус чопар йўллабди.

Орадан кўп ўтмай, бутун овул аҳли чопарга эргашиб саройга келибди. Шоҳ ажабланиб:

— Бу қанақаси? — деб сўрабди овулдошлардан.

— Сизнинг ёнингизда ўтиришга ҳаммамизнинг ҳам иштиёқимиз зўр. Шунинг учун орамиздан бир одамни танлаш мушкул бўлди, — дебди овул оқсоқоли.

— Бир-бирингизга ғайирлик қилмай, ҳолис туриб ораларингиздаги энг донишманд бир одамни қолдирмасангизлар, айтиб қўяй, саройимда сизларнинг сўзингизни сўзлаб, ор-номусингизни ҳимоя қиладиган ҳеч ким бўлмайди, — дея гапни қисқа қилибди шоҳнинг қаҳри келиб.

Овулдошлардан биронтаси: «Саройда фалончи қолсин!» деб айтолмай, тура-тура, ахийри ҳаммалари ортларига қайтишибди.

Яна: ўша шоҳ саройида маслаҳатгўйлар кўпайибди, талай бойлик тўпланибди. Саройнинг шуҳрати кундан-кунга орта борибди. Энди бу шуҳратни кўролмайдиган ғаламислар пайдо бўлибди. Саройни улардан ҳимоя қилиш учун ҳар бир овулга: «Биттадан навкар жўнатилин!» деб яна жарчилар юборилибди. Барча овуллар бу гал ҳам ўзаро маслаҳатлашиб, саройни ҳимоя қилиш учун битта-биттадан навкар юборишибди. Бир маслаҳатгўй юборишнинг урдасидан чиқолмаган ўша овул аҳли яна жамуллаж бўлиб шоҳ ҳузурига келибди. «Сизни, саройингизни уруғ-аймоғимиз билан ҳаммамиз баравар ҳимоя қилмоқчимиз!» — дейишибди. Шоҳ бу гал ўйланиб олиш учун уларга сарой ташқарисиди бир оқшом тунашга рухсат берибди. Бахтга қарши ўша тунда саройга ёв бостириб келиб, туни билан қирғинбарот жанг бўлибди. Шоҳ эрталаб уйқудан уйғониб сарой ташқарисига чиқса, талай навкарлар ўлдирилган, ярадор бўлган. Кеча келган овул аҳлидан биргина одам тирик қолибди.

Шоҳ ундан:

— Бошқа овулдошларинг сени навкарликка қолдириб, қайтиб кетишдими? — деб сўраган экан, у шоҳга сарой теварагида ҳар бири ёнинг бир навкарини қучоқлаганча ўлиб ётган одамларни кўрсатиб:

— Мана, менинг овулдошларим, — дебди.

— Ёв келганида мен ёки шаҳзодаларни нега уйғотмадинглар? — деб сўрабди шоҳ.

— Сиз билан ўғилларингизнинг, аёнларингизнинг тинчлигини бузадиган бўлсак, бу дунёда нима қилиб юрибмиз?! — дебди у.

озгин, ўтакетган инжиқ эди. Бир куни унинг онаси онамнинг ёнига келиб: «Болангни бериб тур-чи, мен ўғлимга овқат егизиб олай», деб илтимос қилди. Онам унинг илтимосини ерда қолдирмади. Борсам, ҳалиги аёл боласининг олдига бир лаган палов қўйиб, «Ейқол, ўғлим, йўқса манови бола еб қўяди», деди. Уша захоти болакай лаганга чанг солиб, таом тугагунча апил-тапил ейверди. Ана шундан кейин ҳалиги аёл мени тез-тез онамдан сўраб олиб кетадиган бўлди. Биров овқат еяётганда тишининг зангини сўриб ўтиришдан ортиқроқ азоб бўлмаса керак. Бир куни чидаёлмай аҳволни онамга айтувдим, мени бошқа юбормай қўйди. Бу билан қўшнинг боласига пешкаш қилиш учун бола топилмай қолмади, албатта. Энди отаси бошқа қўшнилари билан болаларини сўраб олиб келадиган бўлди. Бора-бора овулнинг нариги бурчидан, кейинчалик қўшни овуллардан бола сўраб олиб кела бошлашди.

Уша чўпдек озгин бола вақти келиб семирди, ҳарсиллаб-лорсиллаб, кунлардан бир кун юролмайдиган бўлиб қолди.

Баъзи шоирларимизнинг ёстиқдек-ёстиқдек китоблари қўлимга тушиб қолса, ўша қўшнимизнинг хомсемиз боласини эслайман...

«Пала-партиш ўқийвериш ҳам пала-партиш овқат ейверишдек гап: охир-оқибат мачал бўлиб қолишинг мумкин», дерди адабиёт муаллимим.

* * *

Мен энди онам айтган афсонадаги умрнинг минглаб сўқмоқларидан биттасини танлаёлмаган одамнинг, Кўча бийи айтган хомсемизнинг қисматини ўзимда кўргандек бўлдим. Бу тасаввур руҳини безовта қилиб, юрагимга баттар гулгула солди. Нима бўлса-бўлсин, менга қадар очилган кенг-равон кўчалар қошидан ўз сўқмоғимни қидириб кўришга аҳд қилдим.

Лекин ҳар бир одамнинг кенг дунёга чиқадиган эшиги — ўз уйининг эшиги. Бу чексиз оламга боқиб ҳайратланиш учун ҳам, дунёни теранроқ англаб етиш учун ҳам, аввало, ўз уйингга нима бор-йўқлигини яхши билиб, ҳар бир буюмнинг сифати-фазили ва нуқсонини илғаб-англаб олишинг шарт. Мен она адабиётимга қайта шўнғидим. Шу пайтга қадар ўзимни азот кўтариб йўртган она адабиётим энди, назаримда, озгин-нимжон тойчоққа ўхшаб қолди.

Кўча бийи айтган афсона: кунлардан бир куни буюк Хоразм шоҳи қорақалпоқларнинг бош бийи Ойдўс бобони Хивага аллақандай базмга таклиф қилибди. Кўпни кўрган Ойдўс бобо базмга ёлғиз бормаслик учун бошқа юртларда узоқ яшаб, талай билимларни ўзлаштириб қайтган бир одамни ўзига маслаҳатгўй қилиб олибди. Бундан кўзда тутган мақсади: мабодо хоннинг кўнглида меҳр-илтифот уйғониб, қорақалпоқ юртига мустақил хонлик бериш нияти пайдо бўлса, юртни бошқариш ишларида мана шундай билимдон, оқил йигитларим менга кўмақдош бўлади, демоқчи экан. Шундай қилиб, хон базм чоғи Ойдўс бобою у эргаштириб келган йигит билан бир лагандан ош ебди. Бу ўша замонларда хон тарафидан кўрсатиладиган энг зўр илтифот экан. Палов еётганларида хоннинг кўксини қоплаган қалин қора соқолига бир дона гуруч ёпишиб қолибди. Меҳмонлар олдида хоннинг бу аҳволини кўрган маслаҳатгўйи шундай байт ўқибди:

**Садағанг кетайин Хиванинг хони,
Сизни кўрса чиқади барчанинг жони,
Хоразм тўқайида бир пиёда қолди,
Беш отлиқ юбориб олдириг уни.**

Байтни эшитган хон гўё бармоқлари билан соқолини силамоқчи бўлиб, гуруч донасини киши билмас тушириб юборибди.

Бу ҳолга қойил қолган Ойдўс бобо ташқарига ёзилиш учун чиққанларида, эргаштириб келган йигитни қошига қақриб:

— Хоннинг маслаҳатгўйи ўқиган ҳалиги байтнинг маъносини тушундингми? — деб сўрабди. — Қара, «Хоразм тўқайи» дегани хоннинг соқоли эди. «Бир пиёда» — соқолига ёпишиб қолган гуруч донаси эди. «Беш отлиқ» дегани беш бармоқ эди. Кўрдингми, қандай чиройли гап қилди!

— Ойдўс бобо, ҳеч ғам еманг! Хотиржам бўлаверинг, мабодо сизнинг соқолингизга ҳам гуруч ёпишиб қолса, мен ўша маслаҳатгўйдан ошириб юбораман. Шунча йилдан бери бекорга ўқибманми! — деб йигит уни ишонтирибди.

Эртасига ҳам хон уларни базмга қақриб, яна бир лагандан овқат ебди. Ойдўс бобо маслаҳатгўйини синаш мақсадида атайлаб соқолида гуруч донасини қолдирибди. Ошалаб овқат еётган маслаҳатгўйининг бунга кўзи тушиб:

— Ойдўс бобо! Кеча кечкурун ёзилаётиб айтганингиз келди. Соқолингизни силаб, анови гуруччи тушуриб юборинг, — дебди.

Хон хоҳлаб кулганча:

— Ойдўс бобо, ўқимишли деб мақтаб юрган манови маслаҳатгўйининг савиясини билмай туриб, халқингни менинг хонлигимдан ажратиб олмоқчи, мустақил хонлик тузмоқчи бўлганинг қизиқ! — деб ўрнидан туриб кетибди.

* * *

— Қорақалпоқ болаларининг юрт бошқара олишларига ҳали эртароқ шекилли-да, — дейверарди бобом.

— Чала билгандан билмаган маъқулроқ, — дерди онам.

— Одамдаги энг ёмон иллат — билимдонликни пеш қилиш, — дерди отам.

— Биров билан чинакамига дўстлашининг бирламчи шarti — унинг ёмонини яшириш, яхчисини ошириш, — деб кўп уқтирарди Кўча бийи.

...Ёшлигимда ўзим завқ-шавқ билан ўқиган айрим ёзувчиларимизнинг асарларидан, кўпдан-кўп афсоналару ҳангомалардан янада яхшироқ баҳраманд бўлиш, уларга баландроқдан туриб чуқурроқ назар ташлаш мақсадида такрор-такрор ўқиш ва шу орқали ўзлимни теранроқ англаш машқига тушдим. Мақсадим ҳамон ўша-ўша: халқ билан тил топишиш — шоир бўлиш!

Қариялар ҳангомаларидан: золим хон саройида унга содиқ, билимдон бир хизматчи бўлган экан. У ҳар куни ишга кечикиб келаркан. Бу ёмон одати учун хон уни жазоламоқчи бўлибди. Бироқ бундай билимдон, керакли хизматчининг ҳар гал ишга кечикиш сабабини аниқлаш-ни бошқаларга ишонмай, бир куни эрталаб унинг уйига ўзи борибди. Қараса, хизматчи мункили-лаб қолган онасига нон чайнаб бераётган экан. Ана шунда золим хон ўз аҳдидан қайтиб: — Онасини маъна шундай ҳурматлай олган одамда гуноҳ бўлмайди, — деб унинг олдида бош эгибди.

Бир онанинг ёлғиз ўғли бор экан. У куну тун яккаю ягона арзандасининг йўлида пой-патак бўлиб, ўғлининг бирон марта қовоқ уйиб, мунғаймаслиги учун ўлиб-тирилар, ҳеч қачон қаттиқ га-пирмас экан. Насиҳат қилганда ҳам, бирон иш буюрганда ҳам айтадиган сўзлари «қароғим», «чироғим», «бўталоғим» экан. Болам ўқиб, қаторидан олдинда бўлсин, ақл тўпласин, деган ниятда аёл топган-тутганини сотиб-йиғиб, ўғлини бегона юртларга ўқишга юборибди. Бола етти йил ўқиб келибди. Она тагин аввалгидек унга гиргиттон бўлиб, топган-тутганини ўғлига едириш, ичи-риш, кийдиришга тушибди. Бироқ йигитга онасининг ҳеч бир хатти-ҳаракати ёқмасмиш. Онаси ол-ришга овқат олиб келса бас: «Унақа эмас, бунақа», деб йўқ жойдан жанжал чиқаравераркан. Тиқиб берган кийимларини ёқтирмай, ҳақоратлайвераркан. Онаизор жавоб қайтаргудек бўлса, унга мушт кўтариш одати ҳам чиқибди.

Арзандасининг инжиқлигига чидай-чидай, ахийри тоқати тоқ бўлган она кунлардан бир куни уни ёнига ўтказиб, насиҳат қилмоқчи бўлибди. Йигит: «Мен сендан эмас, сен мендан насиҳат тингла-шинг керак», деб онасини уриб-уриб, ўзи уйдан бош олиб чиқиб кетибди. Овул яқинидаги тўқай-га бориб, бир туп тўронғининг остида ётган экан, қаёқдандир ёлғиз кучугини эргаштириб кела-ётган итга кўзи тушибди. Зерикканидан итнинг ҳаракатларини кузата бошлабди. Қараса, ит бир туп жинғилнинг панасида туриб, шохда қўниб ўтирган анқов чумчуқни ушлаб олибди-да, пат-ларини юлиб-юлиб, кучугига берибди. Узи оч она ит тумшугини ялаб-тўшаниб, кучугининг тўйганидан мамнун бўлиб қуёшга тобланиб ётибди. Қорни тўйган кучук сакраб-уйноқлаб, оч онасини тишлаб, юмма талашга тушибди.

Йигитнинг кучукка ҳақри келибди: «Мушдай чумчуқни ўзи ейишга кўзи қиймай қорнини тўй-дирган онасини нега талайди зангар!» дея уни уриш учун ўрнидан турган экан, қўлида кўза кўтарган ўз онасини кўриб қолибди. Она, жаҳл устида уйдан овқат емай чиқиб кетган ёлғиз ўғлим очқаб қолмасин, деб, унинг ортидан овқат олиб келаётган экан. Ана шунда ўғил ўзини гуноҳкор се-зиб, кечирим сўраш учун онасига қараб югурибди. Она бўлса, боламнинг жаҳли ҳалигача тарқамай, яна урмоқчи бўляпти шекилли, деб ўйлаб, ортига қарай-қарай қочиб бораётган экан, бехосдан эски бир қудуққа тушиб кетибдию, тил тортмай ўлибди...

Онани ҳар қандай оғир вазиятда ҳам оналик меҳри тарк этмайди. Аммо фарзанд ҳам ўзининг фарзандлик бурчини унутмаслиги лозим.

Она — халқ дейдилар. Ҳар бир халқнинг ўз фарзандига меҳр-муҳаббати, саховати чексиз. Фақат уни ҳис қилмоқ, халқ олдидаги фарзандлик бурчини муносиб равишда адо этмоқ керак.

Бобомнинг насиҳатларидан: ўзинг ҳақингда гапирмоқчи бўлсанг, аввало, ота-онангни ўйла. Агар гапларинг ёлғон бўлиб чиқса, эл-юрт, аввало, ўзингга эмас, ота-онангга лаънат айтади. Кейин тингловчини ўйла. Балки унинг ҳам сенга ёргиси келаётган ўз дардлари бордир. Қолаверса, ўзингниям ўйла. Ўзинг ҳақингда кўп гапир — мақтанчоқликнинг бир кўриниши. Ожизларнинг ўз ожизлигини яшириш усули мақтанишдир.

Онамнинг насиҳатларидан: ўзингни икки нарсдан соқит қил: биринчиси — ўзбилармонлик, ик-кинчиси — ёлғончилик.

* * *

Она адабиётим хусусида қандай хаёлларга бормаи, уни бошқаларга қандай таърифламай, бу-ларнинг бир чеккаси ўзимга ҳам тегишли, албатта. Чунки мен қандай асар ёзишимдан қатъи назар аввало «қорақалпоқ адабиёти» деб аталмиш боғнинг меvasиман. Бу боғнинг сермахсуллигидан фахрлансам ёки ҳосилининг чўғи йўқлигидан афсуслансам, ҳар икки ҳолнинг боиси худписандлик ё нописандлик эмас, хайрихоҳлик.

— Узининг ожиз томонини яшириш хом сут эмган бандага хос одат, — дерди бобом.

— Ожизлигини яширганнинг билан кучайиб кетмайсан, — дея огоҳлантирарди отам.

— Қасалини яширган бемор ўлимини тезлаштиради, — деб кўп уқтирарди онам.

...Ҳарқалай, она адабиётим энди мен учун болалик чоғимда қувона-қувона кийган, улғайғач, эгнимга тор келиб қолган энг яхши кийимларимга ўхшарди...

* * *

2-сон протоколдан кўчирма:

Йиғилиш раисининг айтгани.

— Номъълум муаллифининг «Қорақалпоқ қўшиғи» номли роман қўлёзмаси келиб тушди. Роман уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим — «Ҳаёт», иккинчи бўлим — «Муҳаббат», учинчи бўлим — «Дўстлик» деб номланган.

Савол:

— Почта муҳрига кўра муаллиф қорақалпоғистонликми?

Жавоб:

— Қорақалпоғистонлик. Эҳтимол орамизда ўзи ҳам ўтиргандир.

Овоз:

— Утирса ўтираверсин, рост гапни айтишдан қўрқадиган қорақалпоқ йўқ!

Овоз:

— Қўлёзmani ўқиганлардан эшитайлик!

Тақризчининг айтгани:

— Қўлёзманнинг номланишиданоқ сезилиб турибдики, муаллиф локал қўшни халқларнинг

адабиётдан ҳам хабардор эмас. Мен, масалан, ўзбек, қozoқ, туркман, қирғиз адабиётларида бундай номдаги, яъни «Ўзбек қўшиғи», «Қozoқ қўшиғи», «Туркман қўшиғи», «Қирғиз қўшиғи» деган асар борлигини ҳеч қаердан ўқимаганман ҳам, эшитмаганман ҳам.

Қўшиқ халқнинг қувончи ва қайғуси, орзу-армонларга тўла қалби. Бас, шундай экан, бутун бошли халқнинг қўшиғини биргина одам айтиб ё ёзиб чиқа оладими? Тўғри, яхши ният — ярим давлат. Муаллифнинг нияти ёмон эмас. Лекин... Шу нарсани ўйлаб бошим қотиб қолди...

Савол:

— Романнинг ёзилиш услуби қандай?

Тақризининг жавоби:

— Муаллиф классик адабиёт намуналарига таянса-да, бугунги саргузашт асарларига ишқибоз ёшларга мосроқ услуб танлаши керак эди. Ёзувчи дастлабки асари билан ўқувчиларни ўзидан бездириб қўйса, оқибати ёмон бўлади. Номини чиқмай туриб исизис йўқолади. Номалум муаллиф ҳаддан ташқари ўжарга ўхшайди. Йўқса, ҳозир Фарбий Европада «Роман керакми?» деган савол атрофида баҳслар авжига чиқиб ётган бир пайтда бунақанги романга қўл урмаган бўларди...

Биринчи нотикнинг айтгани:

— Менимча, муаллифнинг саводи пухта. Афтидан, у Михаил Шолоховнинг «Фарбий Европадаги нодон адабиётчиларнинг «Роман керакми?»си «Деҳқон экин экиши керакми?» деганидек гап» қабилидаги доно фикрлари билан таниш бўлса керак. Агар буюк адиб Михаил Шолохов бу фикрини айтмаганида, роман устаконаси эшигидан кириб келаётган талайгина ёшларнинг ҳоли не кечарди? Афсусланарли ҳол шундаки, кейинги пайтларда роман жанрининг миқёслари тора-йиб бораётганга ўхшайди. Асар ихчам, тугалланган бўлиши шарт. Шу шартни рўқач қилиб, кўп планли расмлардан чекиниш аён сезилмоқда. Балки бу ҳозирги илмий-техникавий тараққиёт сурьатлари билан боғлиқдир? Китобхонларнинг вақти зиқлигини ҳисобга олиш натижасидир?

Лекин самолётларда, поездларда, электрикаларда ҳажман салмоқли-салмоқли китобларни ўқиб кетаётганларнинг кўпчилиги бу фикрларни рад қила олади. Ҳаётнинг беҳад кўп қирраллиги, мураккаблиги, азалии ва абадий жумбоқлигини атрофлича бадий гавдалантирувчи кенг миқёсли роман жанри ҳеч қачон ўлиши мумкин эмас. Чунки одам боласи бу ёруф олам сирларини очиш, жумбоқларини ечиш билан ҳамisha шуғулланаверади.

Асарнинг номи мазмунига мос бўлмоғи лозим. Менимча, номалум муаллиф ўз фикр-мулоҳазалари, кўрган-кечирганлари, ўқиб-ўрганганларини керагича саралаб, ўзи танлаган ном остига уюштиришга ҳаракат қилган. Бу интилишни қўллаб-қувватласа эришди.

Иккинчи нотикнинг айтгани:

— Одатда ҳар бир ёзувчининг ўз географияси ва шунга мувофиқ ўз харитаси бўлади. У ҳаётнинг ўзи яхши англаб етган қирраларини ана шу географик иқлим доирасида харитага тушираётган экан, ҳар хил бўёқлардан, чизиқлардан фойдаланади. Ҳар бир китоб муаллифнинг ўзига хос географиясию харитасида муайян ўрин тутди. У ҳадед ўрнини ўзгартиравермай, зоқ асрларга хизмат эта олиши шарт. Гомер бободан бошлаб то бизнинг замондошимиз, коммунист адиб Шолоховга қадарли классик адабиёт намояндалари ижоди, уларнинг барчамизга маълум ва машҳур шоҳ асарларига қўйилган номлар бунинг яққол далилидир. Тўғри, мен ҳам ҳеч қаерда «Рус қўшиғи» ёхуд «Эстон қўшиғи», «Ўзбек қўшиғи»... деган асар ўқимаганман. Номалум муаллиф янги йўл очмоқчи бўлган. Абатта, бунинг учун ёзувчини айблаб бўлмайди. Чунки одам боласи бировлардан ўрганишни ўз олдига нечоғлик мақсад қилиб қўймасдан, уларни такрорлашни, ўзлигини йўқотиб қўйишни истамайди. Бироқ ҳар бир иш бамаслаҳат ҳал қилингани таъқул. Масалан, Лев Толстойдек даҳо санъаткор ҳам романларида, айтилик, аёллар кийимини тасвирлаб бўлгач, уни умр йўлдоши Софья Андреевнага кўрсатиб, шу асосда қайта ишларкан. Адабиёт тарихида кўпгина буюк ёзувчилар янги асарига муносиб ном қўйишда энг яқин дўстлари билан маслаҳатлашгани хусусида ўқиганмиз. Номалум муаллифнинг ким билан маслаҳатлашгани ҳам номалум!..

Учинчи нотикнинг айтгани:

— Китобнинг номланиши хусусидаги масала жуда тўғри ва ўз вақтида кўтарилди. Агар одам-зод бино бўлган дастлабки чоғларда қуёшни «юлдуз» деб, юлдузани эса, «денгиз» деб атаганида эса, ҳозир ҳамма «Қўёш қиздирыпти» дейиш ўрнига «Юлдуз қиздирыпти», «Осмон тўла юлдузлар» дейиш ўрнига «Осмон тўла денгизлар» тарзида гапирган бўларди. Шунингдек, манови рўпарамизда ўтирган ёш ёзувчи Генжемурот Изимбетовнинг отаси ўз ўғлига бир пайтлар Генжемурот эмас, Қаллибек деб ном қўйганида ёхуд манови ёш шоир Қаллибек Бекжоновнинг отаси ўз ўғлига Қаллибек эмас, Генжемурот деб исм танлаганида иккаласи ҳам, ўйлайманки, хафа бўлмасди. Ана ўшанда биз ҳозир уларга ёш ёзувчи Қаллибек Изимбетов, ёш шоир Генжемурот Бекжонов деб мурожаат қилган бўлардик. Еинки буюк Лев Толстой «Уруш ва тинчлик» романини «1812 йил воқеалари» деб номлаганида, Михаил Шолохов «Тинч Дон» ўрнига «Мелеховлар тақдирини» дея ном қўйганида нима ўзгарарди? Бу номлар романларнинг миқёсига номувофиқ, деган эътирозлар уйғониб, уларни баҳолашда мезонлар ўзгариб қолармиди?

Тупроққа яраша ҳосил-да!

«Мўйловиға яраша эшкаги, қувисига яраша пишкаги», дейди халқимиз. Ном тўғри қўйилмоғи лозим.

Тўртинчи нотикнинг айтгани:

— Эргашиш ёзувчи учун энг осон йўл. Одатда кимгадир эргашгани учун муаллифни ҳеч ким айбламайди. Нима, барибир, чинакам ёзувчи сифатида тан олавермайди ҳам. Бунга Шарқ адабиёти тарихи гувоҳ. Навоийдан кейин неча асрлар ўтди. Нега Навоийдек шоирлар дунёга келмади? Умар Хайёмдан сўнг нега Умар Хайёмдек сўз зарғари тўғилмади? Бердақдан сўнг нега яна бир Бердақ пайдо бўлмади? Бунинг бош сабаби—Шарқ адабиёти анъаналарига кўра, бирон-бир устозга эргашиш бўлса керак. Давр ўтиши билан халқ эргашувчиларни ўқимай қўяди. Ҳатто адабиёт тарихидан чиқариб ташланади.

Асарнинг номи ҳам янгича ва асрлар синовиға дош бера оладиган бўлиши керак.

Кўча бийининг айтгани:

— Икки нарса эсимга тушиб қолди.

Биринчиси: унинг синфини эндигина битирган йилим эди. Колхоз раисининг қизи турмушга чи-

қадиган бўлиб қолди. Синфдошлар йиғилиб уйига бордик. Қутладик. Ушанда у: «Мени янги кўйлак билан табриклагша келгандир десам, эрга чиқаётганим билан қутлагани келган экансанлар-да. Эрга чиқишининг нимаси қийин», деб ҳаммамизни ҳайрон қолдирган эди. Яхши асар ёзиш қийинми ё?... Қолаверса, бугун китобнинг номи муҳокама қилинадими ё унинг мазмуними?»

Иккинчиси: бу 1938 йилда бўлган воқеа. Шаҳардаги мактабда ўқийдиган тоғавачам уйимизга меҳмон бўлиб келиб, мактабларида Лев Николаевич Толстой туғилган кунининг 110 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилатганини, байрамда ўзи «Кавказ асири» деган асар ҳақида сўзга чиқишини мақтаниб айтаётган эди, танчага тобланиб жимгина ётаверадиган бобом: «Мендан бошқа яна ким бир юз ўнга чиқибди?», деб сўраб қолди. «Лев Толстой деган улуғ рус ёзувчиси», деди тоғавачам. «Тенгдошларим орасида мендан бошқаям тириклари бор экан-ку!», деди бобом. Мен ундан: «Бобо, сиз Лев Толстойни биласизми?», деб сўрадим. Бобом умри бино бўлиб бундай одамнинг номини ҳам эшитмаганини тан олди. Шунда мен, бола эмасманми, бобомдан: «Сизнинг 110 ёшингиз аҳамиятлими ё Лев Толстойнинг 110 ёши қимматлироқми?» деб сўрадим. У жавоб ўрнига юзини бурди... Шунга нима дейиш мумкин? Ёзувчилар союзининг йиғилишига бирон нарса ўрганармикиман, деб келаман. Мени кечирасизлару, очиги, на бамаъни гапларингиз бор, на ёзган туюқ-қуюқ китобларингиз...

Бешинчи нотикнинг айтгани:

— Дунёда абадий нарса йўқ. Ҳамма нарса эскиради, ўзгаради, янгиланади. Аини пайтда дунёдаги ҳамма нарса абадий. Қуёш абадий. Қуёш нуллари бор экан, соя ҳам абадий. Кун билан тун абадий. Бу ёруғ оламда ҳаёт абадий, муҳаббат абадий, дўстлик абадий! Муаллиф бу уч абадий номли уч бўлим қилгани маъқул. Агар муаллиф ҳозир орамиздан чиқиб, «Қорақалпоқ қўшиғи»ни мен ёзганман, дея ўзидан дарак берса, унга ёрдам сифатида халқда бор уч фойдали кенгашни айтиб, романнинг ҳар уч бўлимини баравар бойитишга муносиб улуш қўшган бўлардим.

Овозлар:

— Бу ер муаллифни эмас, асарнинг ўзини муҳокама қиладиган идора!

— Берадиган маслаҳатингни шундоғам айтавер-да!

Биринчи нотикнинг маслаҳатлари:

— Ҳай, майли, кўймадиларинг. Аввало «Ҳаёт» деб аталган бўлим учун бир маслаҳат: қачонлардир мен Москвадан поездда қайтган эдим. Купели вагонда ўрин бўлмади, умумий вагонда қайтишга тўғри келди. Дастлаб йўлга чиққанимда талай одамлар билан танишдим. Нукусга етиб келгунимча нечтаси тушиб, яна нечтаси чиққанини билмайман. Ҳар қалай, одамлар кўп марта ал-машди. Мен билан бирга чиққанлардан айримлари яна олдинга ўтиб кетишди. Уйга келиб, шулар ҳақида жуда кўп ўйладим. Ҳаёт деганлари ҳам поездга ўхшайди. Кимнинг қачон чиқиб, кимнинг қачон эриб қолаётганини билавермайсан.

Энди, «Муҳаббат» деб номланган бўлим учун маслаҳат: овулимизда бир одам ўзининг эрқароқ боласини мажбуран уйлаб қўйди. Тўй тарқагач, орадан уч кун ўтиб, «бу арзанда ўғил бир балони бошламадимикин, вақтида маслаҳат қилайлик», деб беш-олти одам биргалашиб бордик. «Хўш, иничак, муҳаббатнинг таъми қандай бўларкан?» деб сўради орамиздаги шартакироқ бир одам. «Муҳаббат деганларининг турган-битгани мазалигини шу пайтга қадар менга айтмай, ўзи билиб, ўзи роҳатланиб юраверган отамга қойил эмасман!», деди йигит. Бу ҳам уйлаб қўришга арзийдиган гап!..

Энди «Дўстлик» деб номланган бўлим учун бир маслаҳат: менинг Давлатбой деган дўстим бор эди. Отаси бошқа овулга ишга ўтгани сабабли кўчиб кетди. Кўзимга олам торайгандай бўлди. Қаддимни кўтаролмай қолдим. Бошқа ҳеч ким билан ўйнагим келмайди. Буни сезган онам бир кун:

— Давлатбойнинг уйига бориб кела қол! — деди.

— Йўл узоқ-ку, — дедим.

Онам менинг кўзларимга тикилиб туриб:

— Дўст уйига борадиган йўл ҳеч қачон узоқ бўлмайди! — деди.

Бу гап менга далда бўлди. Эртаси Давлатбойнинг овулига бордим. Кейин у мени излаб келадиган бўлди...

Олтинчи нотикнинг айтгани:

— Мен «Қорақалпоқ қўшиғи»ни бойитиш учун кўп эзмалик қилмай, учала бўлимга баб-баравар тааллуқли икки воқеани айтиб бермоқчиман:

Биринчи воқеа: овулимизда Асан, Дўсан деган икки дўст бор эди. Уларнинг аёллари ҳам, болалари ҳам қадрдон эди. Бир гал ёзда Амударёга чўмилишга борган эдим, улар ҳам келиб қолишди. Ҳаммамиз бир сидра сувга шўнғиб чиқиб, қумлоқ соҳилга ўтирдик. Бир пайт Дўсан Асаннинг қорнида холи борлигини кўриб, унинг болаларига бирма-бир қараб чиқди-да, завқи келиб:

— Оббо, Асан-эй, қандай бахтинг бор йигит экансан-а! Қара, холинг болаларингга ҳам айнан кўчиб ўтибди-я! — деди.

— Э-эй, Дўсан, намунча ҳайрон бўласан! Бундай хол ўз болаларингнинг ҳам қорнида борку, — деб юборди Асаннинг хотини. Шу пайт Дўсаннинг аёли нимагадир қип-қизариб кетди. Асан аёлига олайиб қаради. Дўсан ўз боласининг танасида ҳам худди ушундай холи борлигини эндигина кўриб, қошида куёшга тобланиб ўтирган аёлининг юзига тарсаки тортиб юборди. Аёл улардан кўз ёшини яшириш мақсадида оҳиста бориб сувга шўнғиди. Алламаҳал одамлар унинг ўлигини сувдан судраб чиқдилар. Дўсан бу фожиага чидаёлмай, пичоғини Асаннинг кўкрагига санчди...

Мана сизларга ҳаёт! Мана сизларга дўстлик! Мана сизларга муҳаббат! Буни муаллифга эслатиш керак!

Иккинчи воқеа: театрда ўртадаги қаторлардан бирида ўтирган эдим. Олдимдаги қаторда ёшгина келин-куёв ўтиришибди. Сезишимча, ўзаро тотув. Дам-бадам кулишади. Агар қарсақ чалиш керак бўлса, иккиси биргаликда қарсақ чалади: йигит бир кафтини тутди, келин бир кафти билан эрининг кафтига уради. Шу орада келинчак нимагадир эрининг кўзини шамғалат қилиб, ортига қарайверди. Унга сездирмайгина ортимга қарасам, бошқа бир жуфт ошиқ-маъшўқлар ўтиришибди. Энди мен учун қизиқ томоша дам олдимдаги, дам ортимдаги жуфтлар бўлиб қолди. Ортимдагилар ҳам бири иккинчисининг пинжигга кириб ўтиришибди. Бироқ эркакнинг олазарак кўзлари олдимда

ўтирган келинчақда. Улар ўз жуфтига сездирмай ўзаро имлаша бошлади. Бир пайт ортимда ўтирган йигит хотинига боши оғриб қолганини, ташқарида андак шабадалаб келмоқчилигини айтди. Олдимда ўтирган жуфтидан бири келинчақ эрига: «Жудаям исиб кетди-ей. Юрагим сиқилиб боряпти», деди. Концертнинг қизиқ пайтида кўзғалиш эрига ёқмади шекилли, келинчақ: «Ундай бўлса, ўтириб тур, озгина шабадалаб кирмасам бўлмайди», деди-да, ўрнидан туриб, эшик тарафга юрди! Қизиқувчанлигим ортиб, изларидан эргашдим. Ташқари ним қоронғи. Уша икковидан бошқа ҳеч ким йўқ. Улар менга парво ҳам қилмай қоронғироқ бурчақда кучоқлашиб, чўлп-чўлп ўпишиб туришибди. Нарёғини кутмай тезда ортимга қайтдим. Бир оздан сўнг ортимдаги йигит қайтиб келиб, жуфтидан узр сўрагандек қўлидан бир ўлиб, жойига ўтирди. Олдимда ўтирган йигит эса, ён-веригадагиларни безовта қилаётганидан хижолат бўлиб: «Хотиним оғироёқ эди, тагин боши айланиб қаердадир йиқилиб қолган бўлмасин», дея ўзича минғирлаган кўйи ташқарига йўналди.

Мана, сизларга яна бир умр! Яна бир дўстлик! Яна бир муҳаббат!

Содиқ шоирнинг айтгани:

— Айтилаётган ҳангомаларга қараганда, роман ҳеч нимага тўлмайдиган, тўймайдиган сеҳрли қопга ўхшар экан. Миллий адабиётимизга шуҳрат келтирувчи янги роман босилиб чиқадиغان бўлса, мен ҳам бунга ўз ҳиссамни қўша.

Биринчи нақл: Муҳаммад пайғамбар уч хотинлик бўлгач, инсофга келиб, қолаверса, ўзининг қарий бошлаганини эл-юртга маълум қилиш мақсадида ўгай ўғлини уйлантирибди. Бутун Арабистонга катта тўй берибди. Тўйдан кейин келинчақ пайғамбар отасининг таҳорати учун қумғонда сув олиб келибди. Пайғамбар келинини ҳали кўрмаган экан, унинг сарвдек қадду қомастига маҳлиё бўлиб, оёқ олишини ҳам кузатиш мақсадида ортидан сўқланиб қараб қолибди. Хаёли қочгани шунчаликки, сув тўла қумғонни қўлидан тушириб юборибди. Пайғамбарнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатиб юрвчи саҳобалари «О-о, пайғамбари олам, сиз ўз келинингизга ошиқи беқарор бўлиб қолдингиз», дея унинг олдида таъзим қилишибди.

Пайғамбар саҳобаларига ўзига ишонгандек ишонаркан, лекин сир бой бергиси келмай мийғида кулумсирабди.

Саҳобалар ялтоқланиб:

— Ана, Сизни Худо қолдирди. Ахир, шариатга кўра ота ўз пуштикамаридан бўлмаган ўғлининг хотинига уйланишга ҳақли, — дея унинг қўлтиғига сув пуркашибди.

Бу гапдан пайғамбарнинг кўнгли суст кетиб:

— Фаросатли одамларнинг садағиси кетсанг эрзийди! Бахти бор одамларгина шундай фаросатли бўлади, — деб уларни рағбатлантирган экан.

Саҳобалар:

— Сизни Олло-Таоло, бизни Сиз бахтли қилгансиз, — дея кўярда-қўймай, келинни унга никоҳлаб беришибди.

Шундай қилиб, Муҳаммад пайғамбар ўгай ўғлини уйдан қувиб, келинини ўзига тўртинчи хотин қилиб олган экан...

Иккинчи нақл: Бердақ шоир бир гуруҳ шогирдлари билан аллақандай овул оралаб бораётган экан, йўл чеккасида турган бир аёлга кўзи тушиб тўхтаб қолибди, унга қараб таъзим қилибди. Чеккароққа чиқишигач, бир ўктам шогирди:

— Устоз, сиз бизни покликка ундайсиз, дўстларимизга, жуфти-ҳалолимизга садоқатли бўлишга чақирасиз. Лекин ўзингиз бу аёлнинг овулда маълум ва машҳур суюқоёқлигини била туриб, нега унга таъзим қилдингиз? — деб сўрабди.

— Гап шундаки, — дебди Бердақ, — ҳар гал бу аёлни кўрганда, ўзимнинг хотиним кўз олдимда бамисоли фаришта бўлиб гавдаланади. Мен ўша фариштага таъзим бажо келтирдим.

Романнавис бу икки нақлдан ҳам ўзича фойдаланса ёмон бўлмас, дейман.

Аббоз шоирнинг айтгани:

— Агар халқимиз учун фойда келтирса, унинг донғини чиқарадиган бўлса, шахсан мен ҳар қандай ишга тайёрман. «Қорақалпоқ қўшиғи»га келсак, афсуски, бу асарни яратган одам номаълум экан. Бироқ, ҳар қалай, мен ҳам унга бир жуфт маслаҳат айтмоқчиман.

Биринчи маслаҳат: боболаримиз сарсонлик-саргардонликлардан сўнг ахирги азалий маконлари — Хоразм воҳасида қўлим топгач, кўпчилик тавбасига таяниб, ўзаро бирлашишга юз бурибди. Раҳматулла номли бир фаҳм-фаросатли одам бу ҳолдан суюна-суюна Хива хони ҳузурига борибди. Хон билан маслаҳатлашиб, ўз юртига қозилик фармонини олишга муяссар бўлибди. То овулига етгунга қадар ўзининг қози бўлганини ҳеч кимга билдирмабди. Бироқ хон одамлари бу хушxabарни у етиб боргунга довул қорақалпоқ овуллари тарқатиб улгуришган экан. Бундан беxabар Раҳматулла қози Амударёнинг нариги соҳилига ўтса, овулдошлари пешвоз чиқиб туришганмиш. Аҳволни кўриб, ҳайрон бўлибди. Овулдошлари унинг ҳайрон бўлаётганига парво ҳам қилмай: «Керак бўлса биз сизга жонимизни ҳам фидо қиламиз!» дейишибди-да, отдан кўтариб ерга эмас, тўппа-тўғри гиламга туширишибди. Овул аҳли авваллари жуда тарқоқ бўлган экан. Раҳматулла қози улардан бундай бирликин, ҳамжиҳатликин кутмагани учун ўзича, қаёқдан офтоб чиқди, дея ажабланиб:

— Бу иззат-икром менинг ўзимгами ё қози бўлганимдан хабар топиб, лаганбардорликин бошлаб юбордингизларми? — деб сўрабди.

— Ўзингизга, ўзингизга! — дея чувиллашибди ҳамма.

— Ундай бўлса, менинг айтганимга юрасизларми? — деб сўрабди қози.

— Юрамиз, юрамиз! Сизнинг буйруғингизни бажармаганинг тили кесилсин! — дебди одамлар яна чувиллашиб.

— У ҳолда синаб кўраман, — дебди Раҳматулла қози.

— Майли, синасангиз-синайверинг. Сизнинг буйруғингизни бажо келтиришдан бўйин товлаган одамнинг бўйни узилгани яхши! — дейишибди овулдошлари.

Эртасига Раҳматулла қози овулнинг қоқ ўртасига улкан бир қозон қурдирибди. Устига жипс ёпиладиган қоқоқ ҳам ишлатибди. Лекин қоқоқда бармоқ сиғадиган тешик қолдирибди. Одамларни тўплаб:

— Овулдошларим! Сут бу дунёдаги энг ҳалол-покиза неъмат. Шунинг учун ҳам бизда «Онамнинг сути ҳаром бўлсин!» деган гап энг оғир қарғиш ҳисобланади. Ҳиндистонда азбаройи оқ сути

учун сигирни муқаддас деб биладилар. Келинг, биз манови қозонни сутга тўлдириб, атрофида оппоқ, ҳалол сут ичиб ўтириб, сутдек ойдин, пок ният билан ўз овулимизу халқимизнинг келажаги ҳақида маслаҳатлашайлик, — дебди. Сўнг кичкина бир қовоқчани кўрсатиб, — қани, ҳар хонадон бир қовоқдан сут олиб келиб манови тешиқдан қозонга қуйсин, — деб буюрибди.

Ҳамма, хўп бўлади, деб тарқалибди. Бирин-бирин одамлар қозонга сут олиб келиб қуяверишибди. Энг сўнги хонадон эгаси сут олиб келаётганида Раҳматулла қози унинг йўлини тўсиб, қўлидаги қовоқни олиб ичига қараса, ичи тўла... сувмиш! Қози тезда овулдошларини йиғиб, ўша одамнинг қовоғида нима борлигини уларга кўрсатибди.

— Хўш, бу ноинсоф қандай жазога лойиқ? — деб сўрабди.

Йиғилганлар қаттиқ ғазабланиб:

— Тили кесилсин! Оёғидан дорга осилсин! — дейишибди.

— Мен хом сут эмган бандани кечирингла! — дея ёлворибди гуноҳкор. — Шунча одам сут олиб келганида менинг сув олиб келганим билинмаса керак, деб ўйлагандим.

Атрофни: «Аҳмоқ», «Туллак!», «Алдоқчи!» деган хитоблар тутиб кетибди.

Қози алдоқчини жазолашдан аввал унга:

— Қани, қозоннинг қопқоғини оч! — деб буюрибди.

Айбдор титраб-қақшаб қозоннинг қопқоғини базўр кўтарган экан, қарашса, қозон тўла... сув эмиш! Ҳамма ўз ўрнида қоққан қозиқдек донг қотиб қолибди. Айбдор ўз қувончини яширолмай, оғзи қулоғига етгудек бўлиб қозонга тикилибди. Шунда Раҳматулла қози овулдошлари учун номусга чидаёлмай, алам билан:

— Овулдошларим! — дея хитоб қилибди. — Тўғри, ўз фойдасини кўзламайдиган одам камдан-кам. Уз фойдасини билмаган одамни кўплар тентакка чиқариб қўйишади? Лекин ноинсофликнинг ҳам чегараси бўлиши керак-да! Майли, начора, энди ҳар ким ўзидан кўрсин: кесиладиган тилию осиладиган оёғига эҳтиёт бўлсин!

Ушандан бери Раҳматулла қозининг ўзи ҳам, овулдошлари ҳам бир-бирларига ишонмай яшайдиган бўлишибди...

Бу ёмон асорат бугунги ёзувчиларимизда ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганига ҳайронман! Менимча, бу нақл «Қорақалпоқ қўшиғи»га киритилса ёмон бўлмасди.

Иккинчи маслаҳат: ўн яшар бола чоғимда бир куни тоғамнинг уйига борсам, қозон тўла палов дамланаётган экан. Қорним оч эди. Суюна-суюна кеннойимга қарашиб юбордим. Овқат дам еганида эр-хотин қўшнилари чиқиб, қозонни шу туришича кўтариб олиб кетишди. Ҳайрон бўлиб кеннойимга қараган эдим, у изоҳ берди:

— Тўғри, ўчоқ билан ўтин бизники. Лекин қозон билан масаллиқ уларники эди-да...

Мен тишимнинг кирини сўриб қолавердим. «Қорақалпоқ қўшиғи»нинг муаллифи шу воқеадан ҳам фойдаланса бўларди.

Еттинчи нотикнинг айтгани:

— Бадиий асарга «ўлмас обида» деган ёрлиқ ёпиштиришда унинг қандай ёзилгани ва ким учун ёзилганидан келиб чиқиб ҳукм ўқишимиз керак бўлади. Бундай ҳукмини одатда давр чиқаради, келажак чиқаради. Ҳаммамиз учун шу ҳол шак-шубҳасизки, Гомер, Данте, Лев Толстой, Михаил Шолоховлар ўз замонасининг асосий хусусиятларини англаб етганлар. Шоҳ асарлари билан келгуси авлодга ўзлари мансуб замонни тўғри тушуниш учун қудратли қуроли яратиб қолдирганлар. Бироқ бугун муҳокама қилинаётган «Қорақалпоқ қўшиғи»да мен ўзим кутган воқеаларни учратмадим.

Овоз:

— Сиз асарни ҳали ўқиб чиқмадингиз шекилли?!

Жавоб:

— Хўш, орамизда ким «Қорақалпоқ қўшиғи»ни ўқиб гапиряпти ўзи?!

Кўна бийининг айтгани:

— Қадим замонда бир жабрдийда одамнинг ўғли балоғат ёшига етганида, бахил қўшниси унинг устидан: «Бу боланинг қулоғига азон айтирилмай исм қўйилган», деб қозига арз қилибди. Қози отаю ўғилни олдига чақиртириб, ҳар бирига тўққиз даррадан уриши буюрибди. Аввалига отасини урибдилар. У тўққиз дарра ургунларича миқ этмабди. Навбат ўғлига келибди. У ҳам отасининг йўлини тутиб, тишини-тишига қўйганча жимгина ётаверибди. Аммо энди ота чидаёлмай, ўғлига дарра урилган сайин юрагини чангаллаб:

— Оҳ! Оҳ! — дея инграйверибди.

Қози бу аҳволдан ажабланиб:

— Ҳой, одам! Нега сен ўзингни урганларидан индамай чидаб бердинг-у, ўғлингни ураётганларидан мунча оҳ чекяпсан? — деб сўрабди.

— Аввалги тўққиз дарра менинг танимга теккан эди, боламга урилган дарра жонимга тегяпти-да! — дебди ота.

Қози бефарзанд экан, бу гапни эшитиб, йўғлаб юборибди...

«Қорақалпоқ қўшиғи»нинг муаллифи орамизда миқ этмай ўтирган бўлса, бугунги гаплардан юраги ёрилиб кетмасин тағий. Муаллифгаям раҳм қилиш керак.

Менимча, адабий асар ярим латифа, ярим афсонадан таркиб топади. Бу асар ҳам латифа билан афсонанинг янгича қотишмаси. Бас, шундай экан, бу роман нашрга тавсия этилсин!

Овозлар:

— Аллақандай нотайин одамга адабиётимиздаги дастлабки романнинг муаллифи, деган номни қўшқўллаб топшириб қўяверамизми энди?!

— Муаллиф орамизда бўлса «Мана мен», десин-да! Балки афт-ангорига қараб аниқроқ бир хулосага келармидик?

Аббоз шоирнинг айтгани:

— Болалик пайтларимда бир кўзичоғимиз бўларди? Қўшнимиз бир кунда неча марта уйимизга кирса ҳар гал: «Ҳой қўшни, итинга қарасанг-чи!» дея бақириб-чақириб кириб келарди? Бир куни отамдан: «Бу киши итимиз йўқлигини, ниҳояти шу нимжонгина кўзимиз борлигини кўра-била туриб нега бунақа дейди?», деб сўраганимда у киши: «Кўкрагида ити бор одамга бошқаларнинг қў-

зичоғи ҳам ит бўлиб кўринаверади», деб жавоб берган эди. Бу гапни эслаб қолганимнинг боиси шуки, йиғилишимиз аччиқ ичакдек чўзилиб кетяпти-да...

Овозлар:

- Ҳали мен гапирмадим-ку!
- Менда ҳам маслаҳат бор эди-да!
- Менда ҳам!
- Мен ҳам гапирай...

Қавс ичига ёзган изоҳларим: очигини айтсам, чарчадим. Билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг айримларидаги фавқулодда донолик менга маъқул. Аммо, афсуски, талай гапларнинг бир хиллиги, энгил-еллиги, чалакам-чаттилигидан тоқатим-тоқ бўлди.

«Чала ёнган оловдан кўрк», дерди онам.

«Тотли таом ҳам, ҳадеб тановул қилаверсанг, ахийри меъдангга тегади», дерди Кўча бийи.

«Доно фикр такрорланса-ку, майли-я, чала фикрнинг ҳадеб такрорланавергани хавфли», дерди бобом.

«Чаласаводлик саводсизликдан ёмонроқ», дерди биринчи муаллимим.

Назаримда, ҳали ўз фикрларим ҳам пишиб етилмаган, кўпларига шубҳа билан қарайман. Ҳазратимиз ўзим ишонавермайман. Лекин...

Ё адабиётда дастлабки романнинг майдонга келиши олдидан бундай тортишувларнинг бўлиши табиий ҳолми? Очиги, кўнглим хижил, руҳимда аллақандай маҳзунлик...

Юртига ботир туғиб берадиган аёлнинг тўлғоғи узоққа чўзилади, бундай тўлғоқ оғир кечади, дейишади қариялар. Чамаси, бирон-бир адабиётда романнинг майдонга келиши, элда ботир туғилишига ўхшаса керак.

Чақалоқ ёруғ дунёга келган заҳоти чириллаб йиғлайди. Нақл қилишларича, бунга сабаб — туғилишидан яшашнинг қийинлигини ҳаттоки чақалоқлар ҳам билишармиш. Дастлабки романнинг муаллифи ҳам ўз фарзандининг туғилишидан яшаши мушкулроқлигини яхши билганлиги учун ўзини панага олиб ўтирганмикин?..

Кўча бийининг айтгани:

— Илм-фаннинг аниқлашича, одам маймундан тарқаганмиш. Бу илмий хулосани ҳамма эътироф этади, унинг тўғрилигига ишонади. Аммо, зеҳн солиб қарасанг, барча ўзини назардан соқит қилиб, бошқаларни назарда тутиб шундай дейди. Ҳаттоки одамзоднинг бобокалони маймун эканлигини ўзи тадқиқ этаётган олимга ҳам: «Ҳой, маймундан тарқаган», десангиз, аччиғи чиқиб ёқангизга ёпишиши тайин. Бу гапни менга айтса мен ҳам, сизга айтса сиз ҳам шундай йўл тутардик. Ҳай, майли, ким маймундан тарқаган — бунисини билолмайман-у, бугунги муҳокама ҳаммамизни маймунга яқинлаштириб қўйгани аниқ.

Саккизинчи нотиқнинг айтгани:

— Педагогикта ўқиб юрганымда мантиқ дarsi ўтилаётган эди. Домламиз «Одамнинг бобокалони — маймун» деганида мен «Домламиз — одам», деган эдим, гурра кулги кўтарилди. Домла менга «аъло» баҳо қўйди. Бироқ ўшандан кейин у анчагача менга ёвқараш қилиб юрди.

Овозлар:

— Одамзоднинг турқ-таровати маймунга ўхшагани учун шундай дейиладими ё феъл-атвори ўхшагани учунми?

— Айрим одамлар илондан тарқаган, десак адашмаймиз. Орамизда илонлар ҳам йўқ эмас.

— Кўрсичқондек, дуч келган нарсани инига ташийверадиганлар ҳам бор орамизда!

Кўча бийининг айтгани:

— Одамлар орасида феъл-атвори мушукка ўхшайдиганлар ҳам бўлади. Мушук иссиққина жой қидириб қўйинингга кириб ётади. Бироқ, кутилмаганда, тирнаб олиши ҳам мумкин. У овқат еётганида кўзларини юмиб олади. Шунинг учун овқат бераётганда пешонасига нуқиб туриш керак. Акс ҳолда ким тўйдираётганини билмай, аввало, ўзингга чанг солади.

Одамлар орасида феъл-атвори кўра итмижозлар ҳам учрайди? Ит остонангда ётаверади, уйингни ўзингни балодан асрайди. Қоринни тўйдиришни унутсанг ҳам, сенга вафодорлигини тарк этмайди. Ит ҳеч қачон эгасини қолмайди?

Ҳар қалай, одам боласи ҳаётнинг турфа жумбоқларигагина эмас, ўз феъл-атвори ҳам теранроқ назар ташлай олганида эди, ўз-ўзидан қаттиқ уялган бўларди. Чунки у гоҳо тилда, гоҳо амалда ерда узала тушиб ётганини тан олавермайди-ю, оқсоқлашиб бўлса ҳам, ҳар қалай, юриб кетаётганини масхаралашни ёқтиради. Бошқачароқ айтганда, иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулишни хуш кўради.

Йиғилиш раисининг айтгани:

— Ер курраси олти қитъадан таркиб топганидек, инсон умри ҳам муҳаббат ва дўстлик деб аталмиш икки минтақадан иборат. Биз муҳокама қилган «Қорақалпоқ қўшиғи» номли асар «Ҳаёт», «Муҳаббат», «Дўстлик» деб аталмиш уч қутбни ўзида бирлаштирган. Аввало, мана шуниси билан асар роман жанри талабларига жавоб бера олади...

Овозлар:

— Менимча, муаллиф шунини унутиб қўйганки, «Қорақалпоқ қўшиғи» «Улим», «Нафрат», «Душманлик» деган тағин уч қутбни бирлаштириши керак эди!

— «Қорақалпоқ қўшиғи» бир одамга шахсий томорқа бўладиган мавзу эмас!

— Бундай — осмондан келадиган муаллифга «Қорақалпоқ қўшиғи» деган исмдан воз кечинг, деб дангал айтиш керак?

Йиғилиш раисининг айтгани:

— Ҳали муаллифи аниқланмаган қўлёзма хусусидаги ўз фикрларини рўй-рост айтган нотиқларга чин дилдан раҳмат.

Йиғилиш қарори: агар кимдир «Қорақалпоқ қўшиғи»ни мен ёзганман, деб бўйнига олса, мано-ви протоколдан кўчирма берилсин ва қўлёзма муаллифининг иштирокида қайта муҳокама қилинсин?

Шу қарорга розиман, деганлар қўл кўтарсин!
Қаршилар?

Бетарафлар?

Йўқ!

Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Қавс ичига ёзган изоҳларим: ҳамма жимгина бирин-бирин ўрндан турди? Сўзга чиққанлар кўнглини бўшатиб олганидан мамнун. Кимдир нимадандир афсусда, кимдир нимадандир хафа...

Бобом бир пайтлар: «Болам, тирикликнинг шarti — ўзингни буюклар орасидан ахтариш эмас, ўзингдан буюклик ахтариш», деган эди. Бугунги мажлисда тирикликнинг бу икки турини ҳам учратиш мумкин эди. Ўзаро зид икки тараф!..

Хўш, ўзим қай тарафдаман?

Ростини айтсам, билмайман.

Бобомнинг яна бир насиҳати ҳамон эсимда: «Ўзидан буюклик ахтарган одам уч ҳолда бошқаларнинг олдига ўтмоғи лозим: зимистон кечада, нотаниш кўприқдан ўтишда, қуролли ёвга қарши юрганда».

Бугунги муҳокамадан шундай узил-кесил хулосага келиб тўхтадимки, ёзувчининг бошқа одамлардан фарқи — ўзини буюклар сафида кўриш ёхуд ўзидан буюклик ахтаришдан ҳам аввалроқ ўз халқини буюклар сафида кўриш ва ўз халқидан буюклик қидириб топишга жонини фидо этишида!..

Қорақалпоқчадан **Раҳимжон ОТАЕВ** таржимаси.



Акс садо

Халқимизнинг шодлик ва ташвишларини жонқуярлик билан қаламга оладиган ҳурматли адабимиз Саид Аҳмаднинг ҳар бир янги асарини ўқувчилар сирдош бир дўстдай юракларига яқин тутадилар.

Адабнинг ўтган йили журналда (10, 11, 12-сонлар) эълон қилинган «Жимжитлик» романи ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мен бу асарни ўқиб, биринчи таассуротим бўйича фикримни айтмоққа шошдим. Асар менга катта завқ-шавқ бағишлади. Бир дўстим ҳам уни ўқиган экан, менга, бу жимжитлик эмас, мансабпарастлик, порахўрлик, алдамчилик, барча иллатлар ўчоғига ташланган бомбадир, деб қолди. Мен ҳам шундай фикрдаман. «Жимжитлик» ўзининг ҳаққонийлиги билан кишини мафтун этади...

Абдусоат ЭРГАШЕВ,
Термиз

1988 йил, 11-сон «Шарқ юлдузи» журналида босилган ёзувчи Шукр Холмирзаевнинг ҳикоялари тўғрисида ўз фикримни билдирмоқчиман. Ёзувчининг ҳикояларида замоннинг катта дарди чиройли акс эттирилган, китобхон уларнинг ифода йўсинидан ҳам, мазмунидан ҳам адоқсиз баҳра олади. Тўғриси, шу вақтга қадар турмушимизни бу қадар реал ва тўғри акс эттирган асарларни ўқимаган эдим. Айниқса, ёзувчи «Ўзбек характери» ҳикоясида халқимизнинг руҳий олами ва характерига шу қадар чуқур кириб борганки, ишонаманки, бу ҳикояни ўқиб, ҳар бир китобхоннинг дилларзага келади. Ёзувчининг ҳикояларида давр дарди, халқ дилидаги дард сифатида шаклланган гоя, ижтимоий масала бор. Шу жиҳатдан ёзувчининг ана шу кичик ҳикояларини катта-катта романлар билан тенглаштириш мумкин.

Ёзувчи Шукр Холмирзаевга менинг чуқур миннатдорчилигимни етказсангиз.

Саид МУРОДОВ,
Тошкент



Муртазо Қаршибоев

КЕЛАДИГАН БАХТ УЧУН ҚУВОН

Илҳом онлари

Сукунатни тўшаб ухлайсан,
Ох, нимадан кўнглинг тўқ сенинг!
Денгиз каби меҳринг бор, бироқ
Томчидек ҳам ақлинг йўқ сенинг.

Тингламайсан булбулларни ҳеч,
Бургутлардан тамом юз бурдинг.
Ухлаб-ухлаб, тушларингда сен
Фақатгина майсани кўрдинг.

Вужудингда бир ҳаёт гуллар,
Вужудингда сўлар бир дунё.
Бир ёнингда Оврўпа кулар,
Бир ёнингда йиғлар Осийё.

Жанубдами, шимолдамисан,
Тунга бориб идрокинг сўлар.
Тонгга бориб барча дардларинг
Бори-йўғи битта шеър бўлар...

* * *

Улгуролмай қоламан сўраб:
Қани ҳилол, қайга кетди тун?
Ана келар сочини тараб,
Яна, менга аталган, бир кун.

Дунё, менга бир кулиб қара,
Дунё, мени тушунмоғинг шарт. —
Келмоқдадир қиличин қайраб
Яна, менга аталган, минг дард...

Дарахт

Энди сен ҳам бахтлисан, Дарахт,
Энди сен ҳам улуғ зот бўлдинг.
Энди еллар сочингни тараб,
Энди қуёш сиқади кўлинг.

Кароматгўй кушлар бошингда
Олқиш айтиб, сенга фидодир.
Уйқусираб турар қошингда
Ташбеҳ излаб топмаган шоир.

Энди сен ҳам қайғудан кечиб,
Кўк тўшакка отасан ўзни.
Энди тунлар ёғдуни ичиб,
Юлдузларга қисасан кўзни.

Тоқ бўлади бир куни тоқат,
Қуёш тадбир излайди кезиб.
Ҳақиқатни тушунтирмоққа
Келар кейин Болтанинг ўзи...

* * *
Менинг юрагимда снаряд йўқми,
Қирқ йиллик дард йўқми менинг
қалбимда?

Минг йиллик алам бор ортимда менинг,
Минг йиллик ҳадик бор яна олдимда.

Менга қайрилмоқ ҳам, боқмоқ ҳам оғир,
Тоғдек чўкмоқдаман азиятлардан.
Ҳар қадам босганда вужудим оғир,
Танамга сочилган снарядлардан...

Ошкоралик

Инсофинг йўқ сенинг ҳеч, қилич,
Инсофинг йўқ сенинг ҳам, ханжар:
Сен хезландинг ҳақлигим билиб,
Сен тикилдинг бўғзимга қанча.

Энди сенга айтаман, пичок
О, сенинг-да гуноҳинг кўпдир. —

Қара, менинг юрак-бағрим чок,
Қара, менинг соғ жойим йўқдир.

Адолатни билмаган найза,
Топилади сенга-да сўзим:
Ниманидир шивирлаб айтар
Ўйилмасдан соғ қолган кўзим.

* * *
Сен ялтироқ кунга ишонма,
Сен бағри қон кунларга ишон.
Кетадиган бахт деб кувонма,
Келадиган бахт учун кувон.

Ғаним тутган шаробни ичма,
Дўстинг тутган заҳарларни ич.
Кетадиган саҳарни қучма,
Келадиган саҳарларни қуч...

* * *
Рухимда сен ҳукмрон,
Бошқа дардлар ёлғондир.
Ўлтирибман юртини
Унутган бир хоқондек.

Ҳис этаман юракда
Бир шарпа, бир ҳужумни,
Келақолгин,
Келмасанг,
Ёв босади юртимни.

* * *
Сен чиндан ҳам гўзалсан,
Кулишларинг қиёмат.
Кўзларингда акс этар
Оппоқ-оппоқ хиёнат.

Ошиқларинг мум тишлаб
Сўз деёлмас, ўсалдир.
Ёлғонларинг пок сенинг,
Хиёнатинг гўзалдир.

* * *
Бирдан юрак кетар қалтираб,
Фақат ҳасрат сиқар кўзимни:
Мени тушунмаган Дунёга қараб
Тушуна бошлайман ўзимни.

Эртақдан сўнг

Қўй, йиғлама, болакай,
Кўзингни арит ёшдан.
Қўзичоқ тирик, ишон,
Крилов ҳам адашган.

Ана, яйлов бағридан
Кўзи сувга бурилар,
Чиқолмайин ўрмондан
Қараб турар бўрилар.



* * *

Ҳеч нима юз бергани йўк.
Пешонамга тиғ қилиб урма турли гумонни.
Фақат,
Мана шу жардан кўриб қолдим шунчаки
Порлаётган осмонни...

* * *

Энди тонгдан излама бахтни,
Энди шомнинг кўзларига бок.
Юлдузлардан тилама оқлик,
Ўзинг тунни айлагин оппоқ.

Бу самонинг ёритгичлари
Кулаверсин, майли, минг рангда.
Сен шу ўжар қалбга ишониб
Кира олгин ҳар кеча жангга!



Салим Ашуров

СЕВГИМ КЕЛДИ СЕНИ

* * *

Куртак, сен булутнинг томчиси,
Усиб осмон, дарёга айлан.
Ёмғир сувларига ювинган япроқ,
Сен осмонга ўхшайсан айнан.

Япроқ, сен дарахтнинг яшил варраги,
Ипни бунча калта ушлаган бу қўл.
Япроқ, сафарларга тадорик кўрма,
Сен билан мен учун номаълумдир йўл.

Япроқ, улкан кўз ёш,
Япроқ, мактубсан,
Ким қистириб кетди сени дарахтга?
Урхун ҳарфларинг ўқийман бир кун
Ва онгим тўлади ям-яшил бахтга.

Япроқ, сен дарахтнинг даричасисан,
Ичкарига кирмоқчи қуёш.
Қуёш даричага сингади,
Сингишдан синасан, яшил қош.

* * *

Ҳақиқат отини ола бошлади,
Тўпор хаёлларнинг гирён тушлари.
Қалбим осмонида кўтарди тўфон,
Қалбим денгизининг Бўронқушлари.

Одил ҳидоятнинг рахшон сирожии,
Мезон бўлгунича сизга имонлар,
Қалбнинг нур кўрмаган бурчакларидан
Супуриб ташланди сариқ илонлар.

Руҳим мулкларида, вилоятида
Узун сочли қиздир доруссалтанат.
Муҳаббат туғини баланд кўтармоқ —
Мендай фуқарога ҳаётдир фақат...

Мен-ку талошдирман зўр тўлқинларга,
Рангман қояларга, иқбол — изтироб.
Кўпдан жанг кўрмаган қалбда музаффар,
Муҳаббат аталган буюк Инқилоб!

Ҳанифага бағишланган қўшиқ

Эшагингни мудратмай,
Тузук, дуруст йўрт-да, қиз.
Наҳот, отанг бу дунёга
Сени ишонар ёлғиз.

Қанорларнинг қорнида ҳал бўлмайти сомонлар,
Сомонларнинг поясида зирқирайти баҳор ранг.
Боғлиқларни кўтаролмай бирдан ўлағаз бўлдим,
Ҳанифанинг чиройини даст кўтардим, ё аранг.

Ҳанифажон қелади, Ҳанифажон қора қиз,
Севишимни билади, Ҳанифажон сара қиз.
Билагингга қамчин бўлиб чулғанайин,
Эшиб-эшиб лаблар боссанг, зора, қиз.

Кўйлагингни кир қиласан, қанорингни бер менга,
Сен, яхшиси, сой тубидан тилло тошлар тер менга.
Қирқ жилғада ташна қолган қирқта умрим,
Ҳанифажон, эр бўлайин, эр сенга!

Узоқлардан термуламан кўйлагига,
Маликадай саҳт-сумбати, бўйларига.
Оталари десин тилга сиққанини,
Қирқ кўчқорни тортиқ қилай тўйларига.

Сомонларга айланайин, есин мени сигирлар,
Сигирларнинг кўзларини беда иси сеҳрлар.
Зор бағирни соя-салқин ерга бериб ётаман,
Юрагимнинг оловидан куяди қуруқ ерлар...

Хотиранинг тиззаси йиртиқ,
Болаликнинг уяти йўқдир.
Сомон учун жўнатилган қиз —
Беғам дилга отилган ўқдир!

Далаларнинг кўзларини чўқилайти орзулар,
Орзуларнинг чопонини шилиб олади қайғу.
Қайғуларнинг тубларида товланар тарам-тарам,
Қаҳрабонинг шуъласидай тонгга чўмилган туйғу.

Тўлмаса,
Термаса
Бу бармоқ
Мошок,
Майли, тўлмасин хуржун.
Ҳанифанинг бармоқлари —
Фақат ўпмоқлик учун!

Куйдим, дедим, куйим менинг
Сомон каби хор бўлди.
Юрагимни шартта очдим,
Ҳанифажон бор бўлди.

Эшаклар ҳанграб-ҳанграб,
Навбат-навбат йўл олар.
Кимнинг қўли узун бўлса,
Сомонлардан мўл олар.

Қуёшни қанорга тикаман,
Сомонлар сочаман қуёшга.
Мен жуда ўхшайман киприқдан
Узилмай қолган оқ ёшга.

Мудратмай эшагингни,
Дуруст-дуруст йўрт-да, қиз.
Наҳот, отанг шу ҳуснинг-ла
Сени жўнатди ёлғиз!

Кипригимда ялтирайди
Тилла сомон, тилла сомон.
Ҳанифажон, ашула айт,
Ялла — омон, ялла — омон.

Эшагининг устида у чайқалади,
Менинг эса ҳолим ёмон, ҳолим ёмон...

* * *

Йиғидай самимий, йиғидай қайноқ,
Кулгулардай чуқур, кулгулардай кенг
Севгим келди сени.

Гуллардан гўзалроқ,
Ҳаётларга тенг
Севгим келди сени.

Сочларингга қуёш бинафшалари жамалак,
Сочларинг бош узра хушбўй камалак —
Севгим келди сени.

Сукунатни парча-парчалаб,
Кечаларни йиртиб майда-майда,
Кўксимни дунёга дарчалаб,
Дарчадан майсалар кўринган жойда —
Севгим келди сени.

Юрагимга босиб умр тамғасин,
Гўзаллик ғамзаси, сафо нағмасин —
Севгим келди сени.


Севгим келди сени
Ер бўлиб.

Осмон бўлиб сеvgим келди сени —
Қуёшим.

Севгим келди...

3.га

Юрагимга исмингни юклаб,
Яшайпман воз кечиб вақтдан.
Тасодифан келсак рўбарў,
Ёрилиб ўламан бу бахтдан.



Зайниддин Бахриддинов

УЧҚОРА ҚАДРИ

ёхуд майизчилик хусусида

ҲАМ ФИЗО, ҲАМ ШИФО

Узумнинг киши организми учун тўйимли таом, шифобахш неъмат эканлиги қадимдан маълум. Улуғ олим Абу Али ибн Сино айтади: «Мевалардан: узумнинг барча тури, хусусан, нордонлик аралашмаган, ширинлиги кучли бўлган янги узум фойдали...»

Ўн биринчи асрда яшаб ўтган улуғ тарихчи, шоир ва табиб Низомий Самарқандийнинг «Мажмаун наводир» китобида шундай ҳикоя бор: «Беш юз қирқ еттинчи (1152-53) йили Султон Санжар ибн Маликшоҳ билан менинг ҳукмдорим Алоуддунё ваддин ал-Хусайн ибн ал Хусайн ўртасида жанг бўлди ва ғурийлар лашкари катта талофат кўрди. Мен Ҳиротда яшириниб турдим, негаки, мен ҳам ғурийларга мансуб кишилардан эдим.

Шу кунлари тунда бир олижаноб кишининг уйига меҳмонга бордим. Зиёфатдан сўнг бир ҳожат билан ташқарига чиқдим. Менинг бу ерга келишимга сабабчи бўлган тоза қалб киши ташқарига чиққанимдан кейин, менинг ҳақимда мажлисдагиларга шундай депти: «Одамлар уни шоир деб билишади, аммо шоирлигидан ташқари яхши олим, юлдуз илми, табобат, дабирлик ва бошқа фанлардан чуқур билимга эга».

Мажлисга қайтиб кирсам, уй эгаси менга бошқача эҳтиром кўрсатди. Сал ўтмай, ёнимга келиб ўтириб: «Эй фалончи! Бир қизим бор, ундан бошқа ҳеч кимим йўқ. Қизимда бир иллат мавжуд. У тез-тез жуда кўп қон йўқотади, бутунлай ҳолсизланиб қолади. Кўп табиблар билан маслаҳатлашдим, ҳатто бир нечаси даволаб ҳам кўрди. Аммо фойдаси бўлмади».

Мен унга: «Бу сафар иллат юз бериши билан дарҳол менга хабар қилинг», дедим. Орадан ўн кун ўтгач, қизнинг онаси келиб мени ўзи билан олиб кетди.

Қиз ниҳоятда соҳибжамол, аммо қайғули, ҳаётдан бутунлай умидини узган эди. У шу ондаёқ ўзини оёғим остига ташлаб: «Эй ота! Худо ҳаққи додимга етинг, ҳали ёшман, ҳаёт лаззатини кўрмаганман!» деди. Кўзларимдан ёш тирқираб чиқаркан: «Кўрқма, қизим, яхши бўлиб кетасан», дедим.

Сўнгра қизнинг томирига қўлимни қўйиб, унинг қуввати жойида эканлигини билдим. Қон оловчи табибни чақиртириб икки қўлидаги йўғон томирдан қон олишни буюрдим. Хотинларни унинг олдидан узоқлаштирдим. Ундан минг дирҳамга яқин қон олдим. Қиз ҳушини йўқотди. Дарҳол олов келтиришларини буюрдим ва товۇқ гўштини олов устида айлантириб, кабоб қила бошладим. Уйнинг ичи кабоб ҳиди билан тўлиб, қизнинг димоғига киргач, аста ўзига келди ва тўлғониб нола чека бошлади. Унга узум шарбати ичирдим ва уни шу дори билан бир ҳафта даволадим. Қон тўхтаб иллат бутунлай бартараф бўлди. Мен қизни фарзандим деб атадим, у эса мени отам деб қабул қилди...»

Низомий Арузий Самарқандий бошқа кўпгина асарларида ҳам касалликларни узум шарбати билан даволаш ҳақида ёзиб қолдирган. Шу билан бирга Абу Али ибн Сино, Муҳаммад ибн Закарий Розий, Беруний, Арабмуҳаммадхон ўғли Абулғозийхон, Абу Мансур Бухорий, Абубакр Аҳовайний, Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Илоҳий, Абу Солиҳ Мутатаббид, Умар Чоғминий сингари шарқ ҳақиму табиблари ҳам узум шарбати ва мавзининг (майиздан тайёрланган ичимлик) киши организмига келтирадиган фойдалари ҳақида айтиб ўтган. Хусусан, сил, жигар, буйрак, ўпка, камқонлик каби касалликларни бобокалон табибларимиз узум, майиз ва унинг шарбати билан даволашган. Бир хил мадда боғлаган яраларни етилтиришда майиздан фойдаланишган. Кўҳна манбаларда машҳур табиб ва мутафаккир Абу Али ибн Синонинг сил касаллигига чалинган беморни майиз билан қандай даволагани ҳақида қуйидаги ҳикоя сақланиб қолган:

Абу Али ибн Сино сарой табибларидан фарқли ўлароқ, кўпинча оддий фуқаро орасида бўлган. Бир куни унинг ҳузурига қирқ ёшлардаги бир киши кириб келибди. У хотинининг оғир дардга чалингани, агар табиб ёрдам бермаса, аҳволи чатоқлиги, ўнта боласи

етим қолишини айтиб йиғлабди. Табиб боргач, беморнинг томирини ушлаб кўрибди. Бемор эса аста кўзини очиб, инграниб қўйибди. Табиб эшик ва барча товодоноларни очиб қўйишни буюрибди, бундан буюн уйни дамо-дам шамоллатиб туришни тайинлабди. Уй соҳиби ўртаҳол деҳқонлардан экан. Ҳовлисида ўн тупча ток занглари тарвақайлаб ўсган, халталарда эса янги қуритиб йиғиб олинган майизлар бор экан.

Табиб хонадон соҳибини ёнига имлаб қақирибди-да, беморда сил касаллиги бошланганини айтибди. Бундан қўрқувга тушмаслигини, дардни ҳатто хотинига ҳам билдирмаслигини тайинлабди ва майиздан шифобахш ичимлик тайёрлаш йўлларини ўргатибди. Тайёр бўлган майизни аввал икки юз-уч юз дирҳамдан кейин кунига минг дирҳамдан ичказишни, аста-секин уни икки ярим-уч минг дирҳамга етказишни, бу орада сут, аччиқ нарсалардан парҳез сақлашни буюрибди. Яна бир ойдан кейин қайтиб келишини айтиб, мезбон билан хайрлашибди.

Абу Али иккинчи бор ана шу хонадонга келганида, уй бекаси уни оёқда туриб кутиб олибди...

Ҳа, узум ва майизнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида ривоятлар ҳикоятлар жуда кўп. Халқ табобатини яхши билган улуғ адибимиз Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида мавзинг шифобахш хусусиятларига ишора қилади. Роман қаҳрамонларидан бири, силга чалинган касиб уста Олим майиз билан даволанади.

Дабиру адибларимиз, олим шoirларимиз тилида дoston, халқимиз тилида афсона бўлган бу шифобахш неъмат одат ва таомилларимиз билан шунчалик аралашиб кетганки, дастурхонимизга алоҳида фойз бериб туради. Узум ҳамда майиз нон ва гўшт, сут ва сабзавот билан баб-баравар ўрин олган. Унинг шифобахшлиги оламга машҳур. Майиз таркибида Менделеев жадвалидаги унсурларнинг деярли ҳаммаси мавжуд. Айниқса А, В, С, Р, К группасидаги витаминларга бой.

Ҳақимларнинг айтишича, юрак касаллигига чалинган кишилар қирқ кун давомида парҳез сақлаб майиздан тўйиб-тўйиб истеъмол қилса, шифо топиб кетар экан. Бу гапда жон бор. Негаки, майиз қон ишловчи органларни тикловчи, қонни тозаловчи хусусиятга эга.

Тўйимлилиги жиҳатидан майизнинг олдига тушадиган неъмат йўк. Унинг таркибида 75—80 фойиз қанд, шундан 65—70 фойиз глюкоза ва фруктоза, 1,6 фойиз оксид бирикмалари ҳамда одам организми учун ниҳоятда зарур бўлган туз ва кислоталар ва бир фойиз клетчатка бор. Бир килограмм майиз 3250 калория энергия берадики, бу бир кишининг бир кунлик сарфланадиган энергиясига тенгдир. Бу эса бир килограмм олма, картошка, буғдойга нисбатан тўрт-беш баробар кўп демакдир. Майиз гўштга нисбатан ҳам тўйимли ва калорияли таом ҳисобланади.

Майиз ширадорлиги, тусига қараб бир неча хилга бўлинади. Узумнинг офтобда ишқорга босилмай, олтингургурт билан дудланмай қуритилган хилини — бедона, оқ кишмишнинг ишқор эритмасига солиб қуритилганини — сабза, махсус хонада қуритилгани — сояки, қора кишмишнинг офтобда қуритилганини — шифони, каттақўрғони, нимранг султони каби узумларнинг ишқорга босиб қуритилганини — гармиён, турли ранг узумларнинг офтобда қуритилганини — авлон дейилади.

Атом ва нур асри ҳисобланган бизнинг давримизда мазкур неъматга эътибор бениҳоя ошиб бормоқда. Фазогирлар, сувости кемалари экипажлари овқати таркибига асосан, майиз қўшилаётгани ҳам бежиз эмас.

Майиз АҚШ, Туркия, Греция, Югославия, Афғонистон, Эрон каби мамлакатларда ҳам етиштирилади. Мамлакатимиз дунёда энг кўп майиз етиштиришига қарамай, чет эллардан майиз сотиб олади. Мамлакатимизда тайёрланган майизнинг 80 фойизини Ўзбекистон етказиб беради. Улкамизда тайёрланадиган майизнинг 80 фойизи эса Самарқанд области ҳиссасига тўғри келади. Самарқанд области бўйича Иштихон райони хўжаликлари майизчиликда салмоқли ўринни эгаллайди. 1988 йилда район бўйича 4 минг тонна майиз етиштирилди. Бу, область бўйича тайёрланган майизнинг 50 фойизи демакдир.

Ҳозирги пайтда бу шифобахш неъматга муносабат қандай? Биз айнан шу муносабатни Иштихон райони мисолида таҳлил қилишни лозим топдик. Негаки, муносабат узумчилик муваффақиятлари ва муаммоларини сизу бизга қандай равшан қилиб беради.

УЗУМИНИ ЕНГ-У, БОҒИНИ ҲАМ СУРАНГ...

Турғунлик йиллари узумчиликка, айниқса майизчиликка катта зарар етказилди. Узумчилик совхозлари кейинги 30 йил мобайнида бир неча марта у райондан бу районга ўтказиб турилди. Совхозлар пахтачилик районига қўшилган пайтда қирларнинг тепасига-ча пахта экилди. Ҳатто денгиз сатҳидан 1200 метр баландликда жойлашган Саксончел қишлоғига ҳам пахта экилди.

Илгари Иштихон райони ихтиёрида бўлган совхозлар чорвадор Қўшрабат районига қўшилган, район раҳбарлари чорвачиликка биринчи даража эътибор бериб, узумчиликка ўғай кўз билан қарашди. Раҳбарлар нима қилиб бўлса ҳам асосий плани бажаришга ҳаракат қилишар, меҳнат аҳлининг турмуши билан сира қизиқмас эди. Узумчилик вазнеси бошлиқларидан бири менга қуйидаги воқеани гапириб берди:

«1986 йил узум ҳосили унча яхши бўлмади. Аммо соҳибкор етиштирган узумини қаерга топширишни билмай ҳайрон қолди. Бунинг устига сентябрь ойининг бошларида-ноқ ёмғир ёғиб, боғбонларни анча бесаранжом қилиб қўйди. Мен ҳам бир гектар ер олиб звено тузган эдим. Бизга қарашли ердан икки тележкacha узум чиқди. Уни олиб бормаган жойим қолмади. Майиз хирмонига энди кеч бўлди, деб қабул қилишмади. Вино пунктлари тугатилган, шарбат тайёрлайдиган пунктда эса тележкалар тирбанд. Бунинг устига пунктга узум шарбати плани оз берилибди. Бошим қотиб, охири райкомга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Райком котиби мени хушламайроқ қабул қилди. У менинг илтимосимга қулоқ ҳам солгиси келмай, узумларни фермага топширинг, молларга яхши емиш бўлади, деди».

Ана, азиз неъматга бўлган муносабат! Кишилар яхши узум тополмай юрса-да, узумнинг нархи бозорда беш сўм бўлса-да, район раҳбари молларни узум билан боқмоқчи бўлибди. Озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш муҳим масала бўлиб турган бир пайтда район раҳбарларининг бу ҳаракатини қандай тушуниш мумкин?!

Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида партия-ҳукуратимиз қабул қилган қарорнинг маҳаллий партия, совет, хўжалик органлари томонидан нотўғри амалга оширилганлиги ҳам узумчиликка жиддий зарар етказди.

Токзорлардаги винобop узум навлари кавлаб ташланди. Иштихон районидаги биргина «Коммунизм» совхозида 15 минг тупдан ортиқ ёки 15 гектар, Свердлов номли совхозда 11 минг туп ёки 11 гектар ердаги ток йўқ қилинди. Шундай қилиб, кейинги уч йилда узум етиштириш «Коммунизм» совхозида 300 тоннага, Свердлов номли совхозда қарийб 250 тоннага камайди. Натижада, совхозлар иқтисодига жиддий зарар етказилди.

Бунинг оқибатида республика бозорларида мевалар нархи осмонга сакраб кетди. Ҳозир бозорларимизда яхши майизнинг нархи олти-етти сўм, баргакнинг нархи эса саккиз сўм. Шафтоли қоқи, анжир қоқи каби халқимизнинг анъанавий қуруқ меваларини бозордан умуман топиб бўлмай қолди. Адирлик, кам сўв ерларнинг экинни бўлган мошининг нархи кейинги беш-олти йил давомида бир сўмдан уч сўмга сакради. Агар гап мамлакат учун валюта топиш устида бораётган бўлса, кўп сўғориш талаб этиладиган тошлоқ, адирлик ерларга пахта ўрнига мевали дарахтлар экиб, майиз, туршак, қовун қоқи каби маҳсулотларни экспорт қилиш йўли билан ҳам валюта тўпласа бўлади-ку.

Бугунги кунда республикамиз ҳукумати турғунлик йилларида йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун ҳаракат қилмоқда. Яқин тўрт-беш йил давомида майиз етиштириш ҳозирги 20 минг тоннадан 50 минг тоннага етказилади.

Тарихий манбаларга қараганда, узум етиштириш бизга тропик, субтропик ва мўътадил иқлимли зоналардан ўтган. Ҳозир ҳам Туркманистоннинг Копетдоғ тоғи этакларида ёввойи ҳолда ўсадиган узумларни учратиш мумкин. Узумдан шароб тайёрлаш эса халқимизда бошқа элларга нисбатан анча кеч расм бўлган. Машҳур «Тўмарис» афсонасида массагетлар малikasi Тўмарисни жанг билан енга олмаган Эрон босқинчилари ҳийла йўлига ўтишади. Ўзлари чекинган бўлиб, Тўмариснинг ўғли Спарангиз қўшинларига кўплаб узум шаробини қолдиришади. Аввал шароб нималигини татиб кўришмаган массагетлар бу хушбўй ичимликни ичиб, маст бўлиб қолади. Бундан фойдаланган душман Спарангиз ва унинг йигитларини асирга туширади. Узум етиштириш кенг тарқалгач, шароб тайёрлаш ҳам расм бўла бошлади. Оқтов тоғи этакларида бир неча қишлоқларнинг номи узум ва ундан тайёрланадиган ичимликлар номи билан боғлиқ. Масалан, Иштихон районидаги Охунбобоев номи, Пойариқ районидаги Дмитров номи хўжаликлар ўртасида, Соғиш деган қишлоқ бор. Аслида бу қишлоқнинг номи «Соғарж» бўлиб, арабчада «шароб» деган маънони билдиради. Қадимда бу қишлоқ аҳолиси узум шарбати ва шароби тайёрлашда машҳур бўлган. Ҳатто Самарқандда Соғаржий тахаллуси билан ўнлаб шоирлар ғазаллар ёзган. Аммо кейинги даврларда шароб тайёрлаш қаттиқ тақиқланганлиги туфайли бу ичимлик аҳён-аҳён ва яширинча қилинади. Аммо айрим жойларда ичкиликбозликка қарши кураш тўғрисидаги партия-ҳукурат қарори нотўғри амалга оширила бошланди. Маҳаллий раҳбарлар халқ ўртасида «қуруқ қонун»ни (сухой закон) қўллаб бошладилар. Оқибатда, спиртли ичимликлар билан чайқовчилик, ичкиликни уй шароитида тайёрлаш авж олди. Свердлов номи совхоздаги коньяк ҳамда вино учун узум шарбати етказиб берувчи катта завод эса уч йилдан буён бекор турибди. Оқибатда кўп одам ишсиз қолди.

Биз юқорида ширадор майизни ҳамма ерда ҳам етиштириб бўлмайди дедик. Бунинг учун бир қанча асосларимиз бор. Бутун дунё бўйича етиштириладиган узумнинг атиги 3 фойизи майизга ажратилар экан. Мамлакатимизда тайёрланаётган узумнинг 10 фойизи майиз қилинади, холос. Бундан чиқадиган хулоса шуки, бор узум нави майизбop эмас. Майизбop узумнинг ширадорлиги камида 30 фойиздан юқори бўлиши керак. Молдавия, Украина, Закавказье узумларидан майиз қилиб бўлмайди. Ҳатто диёримизда ўстириладиган ҳамма узумдан ҳам яхши майиз чиқмайди. Республикамизнинг Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент воҳаларида ҳам яхши узумлар етиштирилади. Бироқ улардан қилинадиган майиз учқорадек ширали бўлмайди. Ҳатто Самарқанд, Булунғур районларида етиштириладиган узумлар ҳам учқоранинг

ўрнини босолмайди. Хўш, нега шундай? Бунинг бир қанча биологик, метеорологик, экологик сабаблари бор.

Авалло шунга айтиш керакки, ширали узум етиштириш учун етарли миқдорда иссиқлик (қуёш ҳарорати) керак. Самарқанд области бўйича ерга қуёшдан тушади-ган йиллик фойдали иссиқлик ўртача 5000 даражани ташкил этади. Оқтов офтобр-рўйида эса ернинг фойдали иссиқлик олиши бундан анча юқоридир. Чунки Оқтов адирларига қуёш нури анча тик тушади. Узумнинг етарли миқдорда ширага тўлиб пишиши учун 3200—3300 даража фойдали иссиқлик керак. Бу воҳада узум ўзига керакли бўлган ана шу фойдали иссиқликни бемалол олади. Самарқанд, Булунғур, Жомбой районлари анча салқинлик, Ургут ва Нурота тоғларининг шимолий ёнбағирлари соялик қилади. Оқбатда узум ўзига керакли фойдали иссиқликни ололмайди. Бу воҳаларда узум офтобрўйдагига нисбатан 14—15 кун кеч пишади ва ширалиги нисбатан кам бўлади.

Узумни ширали қиладиган омиллардан яна бири ер шароитидир. Оқтов тоғолди районлари ери типик кулранг-бўз тупроқдан иборат бўлиб, калий моддасига жуда бой. Маълумки, калий моддаси ўсимликда глюкоза тўпланишини таъминлайди. Кўриқ, шўр-хок тупроқли ерларда темир, хлор унсурлари кўп бўлади. Бундай унсурлар узум-нинг тез етилишига монелик қилади. Зах тупроқли ерларда эса узумнинг уншудринг (опидиум) касаллиги кўпайиб кетади. Нитратга тўйинтирилган, ҳар хил пестицидлар солинган ерларда узум етиштириб бўлмайди. Хусусан илгари пахта етиштирилган ер-лар ток экишга яроқсиздир.

Учқора навли узумнинг ўртача ривожланишига ўртача атмосфера босими ҳам муҳим ўрин тутаяди. Оқтов тоғолди райони денгиз сатҳидан 610—620 метр баландлик-да жойлашган. Денгиз сатҳидан баландлашган сари ҳаво совуқлашиб боради. Шунга кўра 1000 метр ва ундан баланд бўлган тоғ зоналарида майизбоп узум етиштириш қийин. Бу ернинг ёзи ҳаддан ташқари иссиқ. (Оқтовда энг юқори ҳарорат 48 даража) қиши совуқ (энг паст температура 27 даража) бўлади. Иқлимнинг бундай кескин конти-ненталлиги ҳам қора узум етиштиришни кўпайтиришга ёрдам беради. Негаки, қиш-нинг қаттиқ совуғида узум зараркунандаларининг ҳаммаси қирилиб кетади, замбуруғ касалликлари йўқолади.

Майизбоп узум етиштириш омилларидан яна бири сувнинг ўртача бўлишидир. Мамлакатимизнинг Европа қисмида бир тонна узум етиштириш учун 350 тонна кубометр сув талаб қилинади. Кавказда бу норма 500 тонна кубометрни, Самарқанд шароитида 700—800 тонна кубометрни ташкил этади.

Халқимизда «Узумзорни қишда кўл қил, ёзда чўл қил!» деган нақл бор. Умуман, тоқларга бериладиган йиллик сув нормасининг (йиллик норма 1 гектар ерга 2000 метр куб) 70—80 фойизи қишда берилади. Қиш чилласида оқизилган сув ёз учун запас ҳолда сақланади. Бу сув туфайли зараркунанда ҳашорат ва касаллик уруғлари йўқолиб кетади. Тоқлар очилгандан кейин энгил суғорилади. Ёз чилласида эса ёш тоқлар суғорилади. Бу даврда вояга етган тоқлар суғорилса ғовлаб кетиши, ҳосилга путур етиши мумкин.

Мен юқорида тилга олган хўжаликларнинг ҳаммасида булоқ суви бор. Сув меъёр-ли бўлса ҳаёт, меъёрдан ошса офатдир. Бу ерда кейинги пайтларда катта-катта сойларни тўсиб, катта-кичик сув омборлари қуриш авж олдирилмоқда. Оқтов этакларида Қўлтўсин сув омбори қурилди. Унда 55 миллион кубометр сув тўпланади. Бундан ташқари, Оқтепа сойида Оқтепасой сув омбори, Зарбанд сойида Омборсой сув омбори қуриш режалаштириляётганини эшитдик. Партиямиз қишлоқ хўжалигини интенсив ривож-лантиришга эътиборни кучайтираётган бир пайтда маҳсулот етиштиришни сув омборла-ри ва янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига кўпайтириш тўғри бўлармикан? Ахир мавжуд ерлардан ҳали жуда оз миқдорда узум ҳосили олинмоқда-ку? Парвариш агротех-никасини юксалтириш йўли билан тоқлар ҳосилдорлигини бир неча баробар ошириш мумкин-ку?!

Тўғри, бу воҳада ҳам аҳоли тез кўпаймоқда. Уларни иш билан таъминлаш керак. Бунинг учун экин майдонларини йил сайин кенгайтириш талаб этилади. Масалан, биргина Қўлтўсин сув омборида тўпланган сув билан қарийб 25 минг гектар ерни суғо-риш мумкин экан. Бунга Оқтепасой, Омборсой сув омборларини ҳам қўшсак, бу сув билан қарийб 60 минг гектар ерни суғориш мумкин бўлади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, тоғолди зонасидаги барча хўжаликларнинг жами экин майдони 15 минг гектардан ошмайди.

Бунинг устига, Иштихондан қуйироқда 75 миллион кубометр сифимли сув омбори қурилган. Битта районнинг ўзида 4 та сув омборининг бўлиши бу ерда об-ҳавонинг кес-кин ўзгаришига, яъни совиб кетишига олиб келади. Бу эса қишлоқ хўжалик экинларининг тез етилишига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ Иштихон районининг «Октябрь», Ленин номли, «Меҳнат-роҳат», «Муродобод», «Зарафшон», Охунбобоев номли колхозлари, ҳатто сув омборидан сал узокроқда жойлашган Куйбишев номли, «Правда» колхозлари экинзорларини ҳам зах босмоқда. Пахта бундан ўн йиллар аввалгига қараганда 10—15 кунга кеч етилмоқда.

Бизнингча, сув омборларининг оқилона қурилгани маъқул. Сув омборлари қу-

рилиши натижасида минглаб булоқларни лойқа босиб қолади, оқибатда ерости сувлари ҳаракати бузилади. Бу эса атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Об-ҳавонинг совиши эса майизбоп узум етиштиришни қийинлаштириб қўяди. Қўлтўсин сув омбори қурилгач, унинг атрофида жойлашган тоқзорларда ҳосилнинг анча кеч етилаётгани ва ширадорлиги бир мунча камайгани сезилмоқда.

Ҳозир тоқларни суғоришнинг кўпроқ уч хил усули қўлланилмоқда. Эгат орқали жилдиратиб суғориш, еростидан суғориш ва томчилатиб суғориш. Эгат орқали суғорилганда сувнинг бор-йўғи 15—17 фойизи ток зангига сингади. Қолгани буғланиши ва тупроққа сингиши туфайли исроф бўлади. Ерости ва томчилатиб суғоришда эса сув деярлик исроф бўлмайди, оз сув билан кўп ерни қондириб суғориш имкони яратилади. Аммо бу усулларнинг технологиясини ташкил этиш бироз қийинроқ.

Ерости суғоришида ток эгатлари бўйлаб тешикчали пластмасса найлар ўтказилади ва шу найлар орқали сув юборилади. Томчилатиб суғоришда эса, ҳар бир туп тоқнинг тубига сув томчилаб тушадиган найчалар ўрнатилади. Найчалар шох найчаларга уланади. Ана шу найчалар орқали тоқнинг тубига доимий равишда сув томчилаб туради. Натижада тупроқ сероб бўлиб, ток новдаларининг бир текис ривожланиши таъминланади. Бу усул айниқса адирларда, қирларда ток ўстириш имконини беради.

Иштихон райони хўжаликларида ерости суғориш технологияси деярли қўлланилгани йўқ. Томчилатиб суғоришни жорий этиш соҳасида дастлабки уринишлар бўлмоқда. Бундан икки-уч йил илгари Шредер номидаги республика илмий-текшириш институти Самарқанд филиали олимлари Свердлов номли совхознинг баланд қирларидан 2 гектар ерда ана шу усулни синаб кўришди. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Рафиқ Насимов, катта илмий ходим Темир Полвонов ана шундай антиқа тоқзор яратиш учун кўп меҳнат сарфлади.

Ҳозир ана шу тоқзор қарамоғини Шавона қишлоғида яшовчи боғбонлардан Беққул Эшқуватов билан Шермат Қозоқов ўз зиммаларига олишган. Дарҳақиқат, баланд қирликка чиққан киши ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлади. Ҳаммаёқ ям-яшил. Ишқомларда тўлишиб турган учқора узуми қора марвариддай ялтирайди. Бу қирларга сув чиқариб экин экиш шавоналикларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирган эмас. Бу йил ана шу тоқзорлардан дастлабки ҳосил йиғиштириб олинди. Натижа ёмон эмас. Гектаридан 55 центнер. Яна уч-тўрт йил ўтиб, тоқлар роса вояга етгач, гектаридан 250—300 центнердан ҳосил олиш кутилапти.

— Келгуси йили худди ана шундай ерлар ҳисобига яна 35 гектар қўшилади,— дейди совхоз директори Толлибой Отаев,— нариги йилга бориб эса 100 гектарга етади. Ер ўзлаштириш ва томчилатиб суғориш қурилмалари учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб қўйилди.

Тўғри, бу усулни ҳамма тоқзорларда қўллаб бўлмайди. Текис майдонларни эгат орқали суғориш кенг ўрин олмоқда. Лекин экинни ана шу усулда суғоришга ҳам оқилона ёндашилса кўплаб сувни тежаб қолиш мумкин.

Оқтов офтобрўйида ток парваришининг яхши бир усули такомиллашган. У ҳам бўлса ток новдаларини симбағизларга кўтармай, ер бағирлатиб ёйиб қўйишдир. Бунда ток новдалари ва барглари нам қайтариб, тупроқда мўътадил иқлимни яратади ва ток тез чанқамайди.

Бу ўринда қатор йиллар совхозда агрономлик қилган, ҳозир гидротехник вазифасида ишлаётган Ҳушвақт ака Узоқовнинг қўйидаги фикрини келтиришни лозим топдик.

— Турғунлик йиллари эди,— дея эслайди Ҳушвақт ака,— районнинг юқори ташкилотларидан ҳамма ердаги тоқларни симбағизларга кўтариш ҳақида буйруқ олдик. Аммо бунга имкониятимиз етишмаслигидан, топшириқни кўпгина участкаларда бажара олмадик. Йил охирига келиб симбағизларга кўтарилган тоқлардан нисбатан яхши ҳосил олишни кутган эдик. Аксинча уларга нисбатан симбағизларга кўтарилмаган участкалардан гектарига 10—15 центнер ҳосил кўпроқ олинди. Иккинчи йили шу ҳол яна такрорланди. Шундан кейин бунинг сабабларини чуқурроқ ўргана бошладик.

Симбағизга кўтарилган тоқлар август ойига келиб, яъни узум айна ширага тўладиган пайтда чанқаб сўлиб қолади. Узуми эса пўрсилдоқ бўлиб, тош босмасди. Токни бу пайтда суғориш бефойда. Чунки сув тоқнинг танасига бормаи буғланиб кетади. Сув қўллайдиган жойларда эса, эгатлардаги сув қайнаб, токни касалликка чалинтиради.

Маълумки, бизнинг шароитимизда июль, август гармсел ойлари ҳисобланади. Нурота тоғларидан ошиб келган Қизилқум шамоли ана шу даврда айна авжига чиқади. Баланд симбағизларга кўтариб қўйилган ток новдалари гармсел нафасига дуч келиб, тандирга тушгандек бир пасда сўлиб қоларди. Ер бағирлаб ётган тоқларга эса гармсел теголмайди.

Узумнинг яна бир офати бор. У ҳам бўлса — чумчуқлар. Уларнинг «кўрдўммал» деган тури август ойининг бошларида ёппасига бола оцади. Гала-гала чумчуқлар тоқзорларга учиб келади. Энди шира тўплай бошлаган узумларни чўқиш, шарбатини сўриш учун симбағизлар чумчуқларга ажойиб шароит яратиб беради. Чумчуқлар симбағизларга тортилган сымларга қўниб узумларни бемалол чўқилайверади. Август ойи-

нинг охирларига келиб эса, шираси сўриб ташланган узумнинг пўстлоғигина қолаверади. Ер бағирлаб ётган тоқлардаги узум ҳосилига эса чумчуқлар яқинлашолмайди. Негаки, ҳосилни тоқнинг қуруқ барглари яшириб туради. Кўриниб қолган ҳосилни чўқиш учун чумчуқларга «қўниш нуқтаси» йўқ. Тўғри, ҳосилни чумчуқдан қўриш бўйича бир қанча илмий ишлар қилинган. Аммо уларнинг биронтасини ҳам ҳаётга татиқ этиб бўлмайди.

Турғунлик йилларида деярли ҳамма соҳада маҳаллий шароитларни ва тажрибаларни ҳисобга олмаслик касали авж олган эди. Эсимда, Шредер номидаги илмий-текшириш институтида катта бир семинар бўлди. Шунда тажрибали агрономлар қаторида менга ҳам сўз беришди. Шунда шпалерсиз технология ҳақида энди сўз бошлаган эдим, мажлис раиси мени шартта тўхтатди:

— Ҳой ўртоқ, сиз нима деяпсиз, узумчиликдаги янги тажрибага қарши чиқяпсизми? Мутаассиблик қияпсизми?

Мен жавоб бердим.

— Бизнинг шароитимизда ҳамма ерларга ҳам шпалер тўғри келмайди. Ҳосилдорлик пасаяди. Бунинг устига узум таннархи қимматга тушиб кетади. Бир гектар ерга 60 та бетонли устун керак. Ҳар биттаси ўн сўмдан туради. 5 тонна сим керак. Симларни ҳам ҳар икки-уч йилда янгилаб туриш керак.

— Ахир, тоқ парваришининг сиз таклиф қилаётган усулида механизацияни кенг жорий қилиб бўлмайди-ку. Новдалари тарвақайлаб ётган тоқлар орасида трактор қандай юради, плуг қандай ўтади?

— Аксинча, шпалерларга уланган симлар узилавериби, тракторчиларнинг жонига тегяпти. Ер бағирлаб ўсадиган тоқлар орасида трактор юриши осон. Фақат бунда новдаларни узунасига жойлаштириш ва хомтоқни сифатли ўтказиш керак.

— Ҳамма хўжаликлар янги усулга ўтган. Фақат сиз қарши чиқаётирсиз бу янгиликка.

— Тўғри, симбағизлар бизга нисбатан зах ва сероб жойларда ишлатилса яхши самара беради. Мен буни инкор қилаётганим йўқ. Аммо бизнинг шароитимизда симбағизларсиз ҳам тоқ яхши ҳосил беряпти. Фақат симбағизлар ортиқча харажат келтиряпти, холос.

Шунда президиумдагилардан бири шундай деб қолди:

— Ҳўп яхши, биз келгуси семинарни худди сизнинг совхозингизда ўтказамиз. Агар маъқул бўлса, майли, сиз айтганча бўлади. Акс ҳолда...

Мен сўзимдан қайтмадим. Чунки ишимнинг тўғрилигига ишонар эдим.

Яхшиям тез орада қайта қуриш йиллари бошланди. Бўлмаса консерватор деган айб қўйилиб, жазоланишига оз қолган эди.

Оқтов ёнбағрида яшайдиган ўзбеклар хонадонининг қайси бирига борманг узум ва майиз етиштириш соҳасида янги бир нарсани ўрганасиз. Андоқ, Бойтуби, Тўқсон, Бешбола, Этбўрбой каби қишлоқларда тоқлар очилгандан кейин, барг чиқариш арафасида майдонлар икки кетмон бўйи ағдарилиб чиқилади. Бундай ерларда биронта ҳам бегона ўт кўкармайди. Қийқим, Шавона, Тўлабости, Қурли, Танибек, Боқан, Қайирма деган қишлоқларда эса тоқ новдаларини кўмишда икки-уч баробар тупроқ ишлатилади. Тоқзор ичида деярли бўш тупроқ қолмайди, ҳаммаси тоқ устига чиқарилади. Бунинг сабабини маҳаллий боғбонлар шундай тушунтиришади: тупроқ қанча кўп қўзғалса, шунча фойдали, қалин кўмилган тоқ кеч ҳамал олади ва савргача бўртмайди. Бу даврга келиб барча совуқлар ўтиб тугайди. Юпқа кўмилган тоқлар март ойининг бошларида, баъзан февраль ойидан «уйғона» бошлайди. Барвақт очиб қўйилса совуқ уради, очилмаса тупроқ «ялайди», ҳар икки ҳолда ҳам ҳосилга путур етади. Шунинг учун тоқни қалинроқ кўмиш керак.

Энди худди шу йўл билан ишлов бераётган боғбонларнинг томорқаси билан совхоз ерлари ҳосилдорлигини солиштириб кўрайлик. Шавона қишлоғида бир боғбон бор. У киши 10 сотих томорқасидан ҳар йили 1 тоннага яқин майиз олади. Бу салкам 50 центнер узум демакдир. Агар бунинг 1 гектар ердан олинадиган ҳосилга айлантирадиган бўлсак, қарийб 500 центнерга тўғри келади. Агар боғбон ўз томорқасидан 1 тонна майиз олмаса, бундай тоқларни кавлаб ташлайди. Хўжаликларда эса бир гектар ердан ўртача 80—90 центнердан ҳосил олинмоқда. Ана, интенсивлашнинг резервлари қаёқда. Маҳаллий шароит ва тажриба билан ҳисоблашмасликнинг қанчалар зарарли эканини ана шундан ҳам билиш мумкин.

БОҒ ВА БОҒБОНЛАР

Шарқ бозори. Уни мўъжизавий маскан десак хато қилмаймиз. Деҳқон меҳнати, она-Ер саховати бозорларимизга ажиб бир гўзаллик, қўт-барақа бахш этади. Майиз расгаларида учқора ҳамманинг нигоҳини ўзига жалб этади. Аммо майизнинг эгалари ҳеч қачон деҳқонларга ўхшамайди. Уларни Самарқандда ҳам, Тошкентда ҳам, Новосибирск ва Владивостокда ҳам, ҳатто Камчаткада ҳам учратиш мумкин. Улар қишу ёз

расталардан жилмайдилар, лекин майизни қачон етиштиради буёғи бизга қоронғи. Майизнинг ҳақиқий бунёдкорлари фақат уни етиштиришигина биладилар. Молини пуллашга келганда олғирлар олдига тушолмайди. Ҳа, майизнинг бунёдкорлари бошқа-ю, уни қиммат пуллаб фойда кўрадиганлар бошқа. Боғбон бозорда нарх талашиб ўтирмайди. Бозор кўтарганига сотиб кетаверади.

Оқтовлик боғбонлар узум ва майиз етиштиришни биладилар-у, уни пуллашни ма-ромига етказолмайдилар. Ҳозир бозорда бир килограмм қора майизнинг нархи 5-6 сўм. Боғбонлар эса қилшоқ оралаб юрувчи савдогарларга майизнинг килосини 2,5-3 сўмдан, нари борса 4 сўмдан бериб юборишади. Бир килограмм майизнинг давлат харид нархи эса бундан ҳам арзон, яъни 2 сўмни ташкил қилади. Майизнинг меҳнати эса юз чандон оғир. Қиш чилласида ҳамма иссиқ печлари ёнида ўтирган пайтда, боғбон далада тоқларига яхоб тараётган бўлади. Ҳаммасидан қийини узум узишдир. Чунки бу иш фақат қўлда бажарилади. Ҳали узум узадиган дурустроқ машина яратилган эмас. Шунинг-дек, майиз қуритадиган машиналар ҳам ўзини оқлагани йўқ. Совхозга бундан бир неча йил илгари узум қуритадиган қандайдир агрегат келтирилган эди. Бироқ майиздан куйинди ва солярка ҳиди анқирди. Ҳозир хўжаликларда бундай машиналарнинг бир қисми ишлатилмай бекор ётибди ва амортизация харажати-хўжаликларга зарар келтирмоқда. Майиз қуритишда бир мунча қулай бўлган «Америка линияси»ни қуриш эса пайсалга солиб келинган. Бу ўринда шундай ҳаққоний савол туғилади: коинот ва кўз илғамас зарралар тилсими очилаётган фан ва техника асрида наҳотки боғбонлар муш-кулини осон қиладиган бирон қурилма ишлаб чиқариш ҳақида ҳеч ким бош қотирмаса? Югославиялик олимларнинг шундай қурилма яратганидан ва бу қурилмадан бизнинг мамлакатимиз ҳам сотиб олаётганидан хабаримиз бор. Аммо бу машиналар асосий майиз етиштирадиган районларга етказиб берилгани йўқ.

Майиз қуритиш жуда майда иш, дейишади маҳаллий боғбонлар. Аввало узумни пала-партиш узиб бўлмайди. Узишда узумнинг ғужумидан эмас, чеваранинг бош томонидан, балдоғидан ушлаш керак ва ёйишда чевара балдоғи ғужум остида қолмаслиги керак. Акс ҳолда узумни ағдариш қийин кечади, текис қуримайди. Майиз қуритиладиган майдон сомонли лой билан текис шувалган бўлиши керак. Қора узум тоқзордан тўппа-тўғри майиз майдонига олиб бориб ёйилаверади. Каттақўрғони, шакарангур, тоифи каби узумлар қайнатилган ишқорли сувга ботириб ёйилмаса, тезда қуримайди. Ишқор ўрнида биқ ҳамда ўрикнинг баргидан ҳам фойдаланилади. Сувдаги ишқор моддаси узумнинг пўстини ёради ва ана шу ёриқлардан сув тез буғланиб, узумнинг майиз бўлиши икки-уч марта тезлашади. Бундан ташқари, ишқор узум таркибидаги ҳар хил кислоталар билан реакцияга киришади ва ундаги нордонликни йўқотади. Шунинг учун ҳам ишқорга босилган майизлар юмшоқ ва ширали бўлади.

Биз юқорида майиз қуритишни майда иш дедик. Чиндан ҳам узумни узиб, қуритиб, саралаб, қопларга солгунча боғбон тиним билмайди. Айниқса, жой муаммосини ҳал этиш қийин. Саккиз-ўн сотих боғдаги ҳосилни 100-120 квадрат метр жойда қуритиб олиш мумкин. Юзлаб гектар ердаги ҳосилни саранжомлаш учун квадрат метр эмас, гектар-лаб ер керак. Бу ерни текислаш, суваш, ҳосилни ташиш ва ёйиш учун қанчалик кўп ишчи кучи талаб қилинишини бир тасаввур қилиб кўринг-а?

Хўжалик раҳбарлари ҳали тоқлар тупроқ тагида пайтдаёқ тара хўжалиги ҳақида бош қотиришга мажбур. Негаки, узумни сават ва яшчикларсиз ташиб бўлмайди. Бир мавсум-да ўртача хўжаликдаги узумларни ташиш учун 50—60 минг яшчик керак бўлади. Кел-гуси йили бундан фойдаланиб бўлмайди. Ҳар йили шунча яшчик тайёрлаш хўжаликларга жуда қимматга тушмоқда. Пластмасса яшчиклар тайёрлаш тўғрисидаги таклифлар ҳамон амалга ошмай келяпти. Узум қуритадиган майдонларни суваш, қуритиладиган узумларни ёғин-сочиндан ҳимоя қилиш учун тонналаб клеёнка зарур бўла-ди. Ана шуларнинг ҳаммаси пулга қақилиб, майиз таннархига қўшилади.

Майизчилик совхозларида «хирмон қоровули» деган бир вазифа бор. Номини унчалик эътиборга сазовор бўлмаса-да, корчалонлар ўртасида бу вазифа ҳамisha талаш. Бир йил хирмон қоровули бўлган кишининг тагида машина бўлади, данғиллама иморат қу-ради. Элга ошқор қилиб бўлмайдиган барча «майда-чуйдалар» ана шу хирмон қоровули-нинг қўлидан ўтади. Унингсиз бригадирнинг ҳам, хўжалик раҳбари ва мутахассислари-нинг ҳам иши юришмайди.

Пудрат, айниқса ижара пудрати юқоридаги ортиқча ташвишлар, харажатлар ва «майда» ўғирликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозир Иштихон райони-даги узумчилик совхозларидаги барча тоқзор майдонлар хонадонларга бўлиб берилган. Биргина Свердлов номи совхозда 1300 хонадон бўлиб, улардан 515 тасида тоқчилик звеноси тузилган. Бу звеноларга 521 гектар тоқзор бирикитилган. Саодат Очилова, Хуш-боқ Исканов, Ҳамзура Кубаева, Хосият Худойбердиева, Инobat Исонова, Назокат Ра-ҳимова, Одина Жовбўриева каби пудратчи звенолар совхоз бўйича энг юқори ҳосил ол-дилар. Ҳар гектар тоқзордан ўртача 200—250 центнердан сершира узум етиштирилди. Ана шу звено бошлиқларининг кўпчилиги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўр-газмасининг олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлган.

Ҳа, пудратчи звенолар узумдан мўл ҳосил етиштиришяпти. Аммо шунинг ўзи билан

иш битмаяпти. Юқорида айтганимиздек, бу узумнинг дона-дона кишмишга айланиб, эл дастурхонига, беморларга, мамлакатимиз посбонларига, фазогир ва денгизчиларга жўнатишга тайёр бўлиши учун бир муаммоларга дуч келишмоқда. Ижара пудратига ўтиш ана шу муаммоларни ҳал этишнинг энг тўғри йўли десак, муболага бўлмайди.

Майизчиликдаги ижара пудратининг моҳияти шундан иборатки, ер майдони боғ-бонга узоқ муддат бериб қўйилади. Ток қаламчаларини ҳам боғбоннинг ўзи етиштиради, ўзи экади. Техника, ўғит харажатларини тўлайди. Ҳосилни йиғиштириб олиш, ташиш ва ҳатто узумни қуритишни ҳам бажаради. Совхозга тайёр майизни топширади. Ижарачи ва совхоз ўртасида тузилган шартномага мувофиқ етказиб берилган майиз учун совхоз ижарачига пул тўлайди. Бунда совхоз тара ҳўжалиги, хирмонжой тайёрлаш, хирмон қоровули ташвишларидан қутилади. Тоза ва сифатли майизга эга бўлади, иккинчи томондан ҳўжаликдаги барча одамлар иш билан таъминланади.

«Коммунизм» совхози ижара пудратини жорий этишда Свердлов номли ҳўжаликка нисбатан анча илгарилаб кетди.

Совхозда Ислом ака Эргашев деган киши яшайди. Хонадони катта. Ўндан ортиқ жон бир қозондан овқат ейди. Ислом аканинг ўзи тиниб-тинчимас, топармон одам, ҳалол меҳнатни яхши кўради. Хирмондаги турли юлғичликлардан ҳазар қилади. Йиғилишларда айрим одамлар ундан чўчийдиган бўлишди. Негаки, у ҳеч кимнинг нуқсонини яширмайди, дангал бетига айтади. «Ҳалол ишлаб пул топаман, деган одам, ижара пудрати тузсин» дер эди у. Ислом акани бирдан бир тўғри тушунадиган одам совхоз директори Усмон Одилов бўлди.

— Узумни ўзингиз етиштириб, ўзингиз қуритиб берсангиз, бу совхозга туриши билан фойда-ку! Сизга ишонганимиз бўлсин, — деди директор.

Шундай қилиб, совхозда дастлабки ижара пудрати юзага келди. Ток парвариши, узум узиш ва қуритиш даврида Ислом аканинг оиласи фидокорона меҳнат қилди. Звено аъзолари узумни ток майдонининг ичидан тайёрланган ерга ёйишди. Бунинг учун те-лежка ҳам, яшчиклар ҳам, табелчию хирмон қоровули ҳам керак бўлмади. Қисқа вақт ичида 6 тоннадан ортиқ шиғиллаган қора кишмиш тайёр бўлди.


Совхозда пудратчи звенолар сони 600 дан ошиб кетди. Уринбой Олимов, Файзулла Хуббимов, Зулфия Равшанова, Мамаражаб Хушвақтов, Ўроқ Абдусаломов ўртоқлар бошлиқ звеноларда ҳам узумнинг ҳосилдорлиги ва ширадорлиги юқори бўлди. Дўсал Очиллов, Қурбон Эргашев, Облон Хуббимов, Олим Мирзаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектардан олинган ҳосил 210—220 центнердан ошди. Звено ва ижара пудрати шарофати туфайли совхозда узум ва майиз тайёрлаш планлари муттасил ошириб бажарилмоқда.

Аммо совхоздаги мавжуд звеноларнинг ҳаммаси ҳам ижара пудратига ўтиб ишлаш-га юраги дов бермай турибди. Ислом ота Эргашевнинг иш тажрибалари кенгроқ тарғиб қилинса, барча звенолар ҳам ижара пудратига ўтишларига шубҳа йўқ. Шунда совхозда майиз етиштириш анча кўпаяди, сифати яхшиланади.

Биз юқорида майизнинг сояки навлари ҳақида ҳам қисман тўхталган эдик. Лекин нафсиламир гапни айтганда, майизнинг сараси унинг сояда қуритилганидир. Сояки майизда фойдали микроэлементларнинг деярли ҳаммаси сақланиб қолади. Боғбонлар офтобда шиғирлатиб қуритилган майизларни «бозори майиз», сояда қуритилганини эса «дастурхон майиз» деб аташади. Шунга кўра уйда ейиладиган майизлар сояда қуритиб олинади. Аммо сояда қуритилган майизларни катта идишларга солиб узоққа транспортировка қилиб бўлмайди. Туппага айланиб, сифати йўқолади. Узоққа юбориладиган сояки майизларни кичик елим халтачалар ёки пластмасса яшчикларда жўнатиш мумкин. Бу унчалик қийин эмас. Лекин жой муаммоси қийин. Боғбонлар чор-доқларда, ертўла ва қишхоналарда ўзларига етарли миқдорда сояки тайёрлаб олишади. Ҳўжалик йўли билан тайёрланадиган соякилар учун катта жой керак. Кейинги йилларда йирик соякихоналар, ҳўл мева, узум, қовун-тарвуз сақланадиган табиий совуқхоналар қуриш ҳақида сўз юритилапти. Аммо бу соҳада қуруқ гапдан нарига ўтилгани йўқ. Оқтов офтобрўйидаги ҳўжаликларнинг ҳаммасида қишга сояки майиз ва узум, мева ва полиз маҳсулотлари сақлаш учун шароит етарли. Қирларнинг бағри кенг, техника бор, истаган кенгликда ертўла қазил мумкин. Бундай ертўлалар табиий совуқхона ўрнини бемалол ўтайди. Уларда тонналаб сояки майиз тайёрлаш ва кўплаб мева, қовун-тарвуз сақлаш мумкин. Яп-янги узум сақлашнинг яна бир усули мавжуд. У ҳам бўлса, кузда ҳосилли ток новдаларини ойнавандли уйларга киритиб қўйишдир. Шундай қилинганда ток барглари-ни совуқ урмайди ва ям-яшил япроқлар орасидаги узумлар сап-сарик олтиндек товланиб тураверади. Боғбонлар шу йўл билан наврўз байрамига ҳам ишқомлардан янги узилган узумларни олиб чиқишган. Ҳўжаликларда бунинг катта конвейерларини яратиш мумкин. Бу — катта даромад, соғлиқ-саломатлик манбаи демакдир.

Рисом Т. САЪДУЛЛАЕВ





ЎҒУЗНОМА **ёки** ЎҒУЗ ҲОҚОН ҲАҚИДА ДОСТОН

Шундай бўлсин, дедилар. Бунинг баёни шундайдир: Яна ундан сўнг севиндилар. Кунлардан бир кун Ой хоқоннинг кўзи ёриб болалади, ўғил туғди. Уша ўғилнинг юзи кўк эди, оғзи оташдай қизил эди, кўзлари ол¹, сочлари, қошлари қора эди. Яхши фаришталардан ҳам чиройлироқ эди. Уша ўғил она-сининг кўксидан сут эмиб, ундан сўнг бошқа ичмади, яхши гўшт, овқат, ичимлик сўради, тилга кира бошлади. Қирқ кундан сўнг улғайди, юрди, ўйнади. Оёғи ҳўкиз оёғидек, беллари бўрининг белларидек, яғрини бургут яғринидай, кўкраги айиқ кўкрагидай эди. Бутун бадани қалин тук билан қопланган эди, йилқилар кўтара олар эди, отларга мина олар эди, кийик овига ҳам борар эди, кўп кунлар, кўп тунлардан сўнг йигит бўлди. Бу пайтда ўша ерда катта бир ўрмон бор эди. Кўп денгизлар, кўп дарёлар бор эди. Бу ерга кўп кийиклар келар, кўп қушлар учиб келар эдилар. Уша ўрмонда баҳайбат бир йиртқич бор эди, отларни, одамларни ер эди. Жуда баҳайбат махлуқ эди. Бундай катта машаққат ҳалқни эзиб келар эди. Уша йиртқични қўлга туширишга қасд қилди. Кунлардан бир кун овга чиқмоқчи бўлди. Найза, камону ўқларни, қиличу қалқонларни олиб йўлга тушди, Бир буғуни ўзи билан бирга олди. Буғуни толнинг чивиғи билан дарахтга боғлади, ўзи кетди. Тонг отди. Ўғуз хоқон эрта тонгда келди, кўрдик, йиртқич ҳайвон буғуни олиб кетибди. Эртасига бир айиқни олиб бориб, олтин камари билан ўша дарахтга боғлади, ўзи кетди. Тонг отди. Ўғуз хоқон эрта тонгда келди. Кўрдик, йиртқич айиқни ҳам олиб кетган эди. Кейин ўзи ўша дарахтнинг остида турди. Йиртқич келиб Ўғузнинг қалқонига бошини урди. Ўғуз найза билан йиртқичнинг бошига урди, уни ўлдирди. Қиличи билан бошини кесди, олди, кетди, кейин келиб кўрдик, бир шунқор йиртқичнинг ичак-чавоғини емоқда. Камону ўқи билан шунқорни ўлдирди, бошини кесди. Ундан сўнг айтдики, шунқорнинг қиёфаси шундайдир². Буғуни еди, айиқни еди. Менинг ёйим

¹ Ол — қизил.

² Шу ерда асл нусхада шунқорнинг сурати бор.

ўлдирди уни, у темир бўлса. Йиртқични шунқор
 еди. Ёйим шунқорни ҳам ўлдирди, худди шамол каби, деди,
 кетди. Яна йиртқичнинг қиёфаси шундайдир¹.
 Кунлардан бир кун
 Уғуз хоқон бир ерда тангрига ёлворар
 эди. Қоронғи тушди. Кўкдан
 бир кўк нур тушди. Қуёшдан ёруғ,
 ойдан ёрқинроқ
 эди. Уғуз хоқон у томонга юрди, кўрдики,
 ўша нурнинг орасида бир қиз
 бор эди. Ёлғиз ўтирар эди.
 Яхши, чиройли бир қиз эди. Унинг бошида оташга
 ўхшаш ёруғ бир холи бор эди, худди
 олтин қозиқ юлдузига ўхшар эди. У қиз шундай
 чиройли эдики, кулса, кўм-кўк
 осмон кулади, йиғласа кўм-кўк осмон
 йиғлайди. Уғуз хоқон
 уни кўриб ўзидан кетди, севиб қолди, олди, у
 билан ётди, тилагини қондирди. Ҳомиладор
 бўлди. Кунлар ўтиб, кечалар ўтиб,
 кўзи ёриди, уч ўғил туғди. Биринчисига
 Кун отин қўйдилар, иккинчисига
 Ой отин қўйдилар, учинчисига
 Юлдуз отин қўйдилар. Кунлардан бир кун
 Уғуз хоқон овга кетди. Бир
 кўлнинг ўртасида, ўз қаршисида бир дарахт
 кўрди. Бу дарахтнинг остида
 бир қиз бор эди, ёлғиз ўтирар эди.
 Чиройли бир қиз эди. Унинг
 кўзи кўм-кўк эди, унинг
 сочи дарёнинг оқимидек, унинг
 тиши инжу каби эди. Шундай чиройли
 эдики, уни ерда яшовчи одамзод кўрганда,
 эй, эй, ох, ох, ўламан деб, сутни
 қимизга айлантирардилар. Уғуз хоқон
 уни кўрибоқ ўзидан кетди, юрагига оташ
 тушди, уни севиб қолди, уйланди, у билан қовушди,
 висолга етди, қиз ҳомиладор бўлди, кунлар
 ўтиб, тунлар ўтиб, кўзи
 ёриди, учта ўғил туғди. Биринчисига
 Кўк отин қўйдилар, иккинчисига
 Тоғ отин қўйдилар, учинчисига
 Денгиз отин қўйдилар.
 Ундан сўнг Уғуз хоқон катта
 тўй берди. Эл кунга² ёрлик
 жўнатди, Эл кун келди. Қирқ чорпоя,
 қирқ курс ясашга буюрди, турли ошлар, турли
 гўшти таомлар едилар, қимизлар
 ичдилар. Тўйдан сўнг Уғуз
 хоқон бекларга, эл кунларга ёрлик берди.
 Яна айтдики, мен сенлар —
 га бўлдим хоқон, олайлик ёю
 қалқон, тамға бизга бўлсин
 буйан³, кўк бўри бўлсин уран⁴, темир ёйлар
 билан бўл ўрмонда, ов ерда⁵ юрсин кулан,
 яна талуи⁶, яна муран⁷, кун туғ бўлсин, кўк
 қуриқан⁸, деди. Шундан сўнг
 Уғуз хоқон тўрт тарафга ёрлик
 жўнатди. Билдургулик битди, элчиларга

¹ Шу ерда асл нусхада йиртқичнинг сурати бор.

² Эл кун — халқ.

³ Буйан — фаровонлик.

⁴ Уран — парол, шиор.

⁵ Ов ерда — яъни, ов бўладиган ерда.

⁶ Талуи — денгиз.

⁷ Муран — дарё.

⁸ Қуриқан — қароргоҳ.

бериб жўнатди. Ушбу билдургуликда битилган эдики, мен уйғурнинг хоқони бўламан, ернинг тўрт тарафининг хоқони бўлсам керак, сенлардан бўйсунганини истаб қоламан. Кимки менинг оғзимга қараб турса, совға келтирса, дўст тутарман, деди. Кимки менинг фармойишимга қулоқ солмаса, хавф солиб, қўшин тортиб, душман ҳисоблайман, ўша заҳоти босиб, остириб, йўқ бўлсин деб буйруқ қилурман, деди. Бу пайтда ўнг томонда Олтин хоқон деган бир хоқон бор эди. Уша Олтин хоқон Уғуз хоқонга элчи жўнатди. Кўп миқдорда олтин, кумуш тортиб, кўп миқдорда камёб ёқут тошлар олиб, кўп миқдорда хазиналар юбориб, юмшаб, Уғуз хоқонга ихлос қўйди, фармойишига қулоқ тутди. Яхши беги билан дўст тутинди, у билан муросада бўлди. Чап тарафда Урум деган бир хоқон бор эди. Уша хоқоннинг қўшини жуда кўп эди. Уша Урум хоқон Уғуз хоқоннинг ёрлигини эътироф этмас эди, қўшилишга бормас эди. Унинг сўзини сўз демасман, деб ёрликка эътибор бермади. Уғуз хоқон хавф солиб, унга қарши отланмоқчи бўлди, қўшини-ла

Эзгулик билан ёвузлик ёнма-ён яшаган ва бу икки ғоя доим бир-бири билан курашиб келган. Ёвузлик ҳасад пайдо бўлганда тугилган. Бу ҳақда туркий афсоналардан бирида шундай ҳикоя қилинади.

Эмишки, тангри (Осмон) ўзи яратган Улген билан бир кун денгизга қараб турган экан, сув юзасида тупроқ парчасини кўриб қолибди. Тупроқ устида инсон танасига ўхшаш қил бўлаги бор экан. «Нимадир бу жонсиз нарсаси? Одам бўлсин!» — деб буюрибди Тангри. Тупроқ шу заҳоти одамга айланибди. Улген эса унга Эрлик деб от қўйибди. Тангри ва Улген Эрликка одамзоднинг руҳини жойлаб оройиш берибдилар. Эрлик бир муддат ўтгач, Улгендан кўра буюк ва кучли бўлишни истаб қолибди: «Оҳ, қани мен ҳам Улген каби яратувчи бўлсам!» — деб нидо қилибди. Ва шу тариқа унинг қалбида Улгенга нисбатан ҳасад пайдо бўлибди.

Бу ғоя халқнинг ривоят ва афсоналаридан ёзма адабиётга ўтди, эпосларнинг шаклланишида маълум даражада роль ўйнади. Туркий халқларнинг муштарак ёзма обидалари бўлган Урхун—Енисей ёдномалари (эрамининг VI—VIII асрлари), Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» (XI аср), Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» (XI аср) асарларида ҳам эзгулик одамзодга ҳаммиша ҳамроҳ, деган ғоя илгари сурилган. «Уғузнома» ҳам шу руҳдаги энг ёрқин асарлардан биридир. Бу асар тахминан XV асрларда эски уйғур ёзувида кўчириб қолдирилган. Унда одамзодни ёвуз кучлардан сақлаш, мамлакатни бирлаштириш, ягона оиладек жамулжам бўлиб яшаш ғояси илгари сурилади. Уғуз хоқон ана шу ғояни амалга оширувчи эпик қаҳрамон сифатида талқин қилинади.

«Уғузнома» гарчи XV асрда кўчирилган бўлса-да, бу унинг шаклланиши ҳам шу даврга тааллуқли деган фикрга асос бермаслиги керак. Чунки, асардаги образлар, сюжет, мотивлар қадимги турк даврига ишора қилади. Қадимги турк давридан олдин яратилган афсоналарда кейинги ёзма адабиётдаги образлар билан «Уғузнома»даги образлар ўртасида фақат ўхшашликкина эмас, балки бирлик ҳам бор. Баъзи фактларга мурожаат қилайлик.

Туркий халқлардаги айрим афсоналарга кўра, қадимги турк даврида катта нуфузга эга бўлган Ашин уруғи авлодлари ўзларини бўридан тарқалган, деб ҳисоблайдилар. Худди шундай «Уғузнома»да ҳам бўри муқаддас образ сифатида тасвирланади. У Уғуз хоқоннинг қўшинига бошчилик қилади, доимо ғалабага етаклайди. Яна бир жиҳат Уғуз хоқоннинг Тангрига ёлвориши ҳам шу фикри-мизни мантиқан давом эттиради. Тангри қадимги туркийларнинг бош худоси, туркийлар Тангрини мота деб билганлар, ҳар доим Тангридан мадад тилаганлар. Бунга Урхун-Енисей ёдномаларида мотасоллар жуда кўп. Масалан, Ирқ битигида: Одам эмаклар борган, Тангрига йўлиққан, бахт тилаган, Тангри бахт берган. Оғилинда йилқинг бўлсин, умринг узок бўлсин, деган. Шу мотив «Уғузнома»да ҳам мавжуд. Чунки ҳар икки эпизод бир даврнинг маҳсули. Шундан Тангри образининг йўриғи Ирқ битигида ҳам, «Уғузнома»да ҳам бир хил. «Уғуз қаған бир йэрдэ Тангрини йалбарғуда эрди. Қа-рангулук кэлди. Коктин бир кок йаруқ тушти». Кўриниб турибдики, образлар системаси ҳар икки манбада ўхшаш. Уғуз хоқоннинг феолияти қадимги туркий ёдномалардаги Элтариш, Билга хоқон, Кул тигин, Тўнқуқ образларини ўзида гавдалантиради. «Уғузнома»ни ҳозирги ўзбек тилига ағдар-ришда кўпроқ асар кўчирилган қадимги туркий тилининг грамматик қурилишини сақлашга ҳаракат қилдик. Шунинг учун такрор сўз ва жумлалар асло нуқсон бўлиб туюлмаслиги керак. Айрим ўринларда ритми сақлаш мақсадида баъзи сўзларни ҳатто ўз ҳолича ҳам қолдирдик. Баъзи қусурлар бўлса, олдиндан узр.

ТАРЖИМОН

отланиб, туғларини кўтариб, жўнади. Қирк кундан кейин Муз тоғнинг адоғига етди. Лашкарларини туширди, чарчаб, тўхтади. Эрталаб бўлганда Ўғуз хоқоннинг қароргоҳига қушдай бир нур кирди. У нурдан кўк тукли, кўк ёлли катта бир эркак бўри чиқди. Уша бўри Ўғуз хоқонга шундай хабар берди: дедики, эй, эй, Ўғуз, Урум устига сен жўнамоқчи бўляпсан. Эй, эй, Ўғуз, хизматингга мен ҳам бораман, деди. Шундан кейин Ўғуз хоқон қароргоҳни турғазди, жўнади, кўрди — ки, қўшиннинг хизматида кўк тукли, кўк ёлли катта бир эркак бўри юриб бормоқда. У бўрининг ортидан бутун қўшин тизилишиб борар эди. Бир неча кунлардан сўнг кўк тукли, кўк ёлли бу катта эркак бўри тўхтади. Ўғуз ҳам қўшини билан тўхтади. Бу ерда Итил дарёси оқиб ўтар эди. Итил дарёсининг қирғоғида бир қора тоғ ёнида урушга киришдилар. Уқ билан ҳам, ёй билан ҳам, қилич билан ҳам урушдилар. Қўшинларнинг орасида кўп жанглар бўлиб ўтди. Одамларнинг юрагида кўп қайғулар тошди. Олишувлар, жанглар шундай ёмон бўлдики, Итил дарёсининг суви қип-қизил қон сингари бўлди, Ўғуз хоқон енгди. Урум хоқон қочди. Ўғуз хоқон Урум хоқоннинг хоқонлигини (яъни, тасарруфидаги жойларни-таъкид бизники) олди, халқини ҳам олди. Ўғуз хоқоннинг ўрдасига кўп, катта ўлик, кўп тирик мол-мулк келиб тушди. Урум хоқоннинг бир иниси бор эди. Урус бек деган эди. Урус бек ўғлини тоғ бошидаги Тэранг дарёси ўртасидаги яхши, берк (яъни, мустақам-таъкид бизники) шаҳарга жўнатди. Яна айтдики, шаҳарни ҳимоя қилиш керак. Сен яна жангдан кейин шаҳарни менга сақлаб (бериб, ўзинг қайтиб) келгин, деди. Ўғуз хоқон ўша шаҳарга отланди. Урус бекнинг ўғли унга кўп олтин кумуш юборди. Яна айтдики, эй, Ўғуз, сен менинг хоқонимсан. Менга отам бу шаҳарни берди. Яна айтдики, шаҳарни ҳимоя қилиш керак. Сен яна жангдан кейин шаҳарни менга сақлаб (бер, ўзинг қайтиб) келгин, деди. Отам ғазабланса менинг эрким бўладими? Сендан ёрлиқ, бойлик, ҳукмронлик биламан. Бизнинг бахтимиз сенинг бахтинг экан, бизнинг уруғимиз сенинг дарахтингнинг уруғи бўлган экан. Тангри сенга катта ер бериб, хоқон бўлсин, деб буюрган. Мен сенга бошимни, бахтимни бераман. Солиқ бериб, дўстликдан чиқмайман, деди. Ўғуз хоқон йигитнинг сўзини яхши кўрди, севинди, кулди, яна айтдики, менга кўп олтин жўнатибсан, шаҳарни яхши сақлабсан, деди. Шунинг

учун унга Сақлаб отини қўйди, дўст
 тутинди, Кейин қўшини билан Ўғуз хоқон
 Итил дарёсига келди. Итил
 катта бир дарёдир. Ўғуз хоқон уни
 кўрди, яна дедикки, Итилнинг оқимидан
 қандай кечиб ўтамиз. Қўшинда бир
 яхши бек бор эди. Унинг оти Улуғ Ўрда
 бек эди. Мулоҳазали уқувли бир йигит эди.
 Кўрдикки, дарё қирғоғида кўп тоғлар, кўп
 дарахтлар бор эди. Бек ўша дарахтларни
 кесди. Еғочларни
 ётқизиб, кечиб ўтди. Ўғуз хоқон хурсанд бўлиб кетди, кулди,
 Яна айтдикки, эй Улуғ Ўрда, сен бу ерда бек
 бўлиб қоласан. Қипчоқ бек деган бек бўл.
 Яна илгари кетди... Шундан сўнг
 Ўғуз хоқон, шундан кейин кўк тукли,
 кўк ёлли эркак бўрини кўрди. Ўша кўк
 бўри Ўғуз хоқонга айтди: энди
 қўшининг билан бу ердан жуна, Ўғуз.
 Отланиб, халқни, бекларни олиб кет.
 Мен сенга йўл кўрсата-
 ман, деди. Тонг отганда
 Ўғуз хоқон кўрди: эркак бўри
 қўшиннинг олдида юриб бор-
 япти. Ўғуз хоқон севинди, олдинга кетди. Ўғуз
 хоқон бир чубир отга мина-
 ётган эди. Ўша айғир отни жуда севар
 эди. Йўлда ўша айғир от кўздан йўқолиб
 қочиб кетди. Бу ерда катта бир тоғ бор
 эди. Ўша тоғнинг устида музлик
 бор эди. Тоғнинг боши совуқдан оппоқ
 эди. Шунинг учун бу тоғнинг оти Муз тоғ
 эди. Ўғуз хоқоннинг оти Муз тоғ
 ичига қочиб кетди. Ўғуз хоқон бундан
 кўп вақт ғам чекиб юрди. Қўшинда
 бир жасур, мард бек бор эди.
 Ҳеч нарсадан қўрқмас
 эди. Жангда ҳам, совуқда ҳам ҳеч нарсадан
 қўрқмайдиган мард эди. Ўша бек тоғ ичига кирди,
 узоқ юрди. Тўққиз кундан сўнг Ўғуз
 хоқонга айғир отни келтирди. Муз
 тоғда кўп совуқ еганлигидан у бекнинг усти
 қор билан қопланган эди, оппоқ эди. Ўғуз
 хоқон хурсандлик билан кулди, айтдикки,
 эй йигит, бундай кейин сен бекларга бўлгин бошлик,
 абадий сенга ном бўлсин Қорлик,
 деди. Кўп совғалар берди, олдинга кетди.
 Кейин йўлда катта бир уй кўрди. Бу уйнинг
 томи олтиндан эди. Ойналари
 кумушдан, эшиклари темирдан эди.
 Берк эди. Қалити йўқ эди.
 Қўшинда бир яхши ажойиб одам бор эди, унинг
 оти Тимурду қагул эди. Унга
 буюрдикки, сен бу ерда қол, (эшикни) оч. Эшикни
 очгандан сўнг кел Ўрдага, деди.
 Бундан кейин унга Қалач (деб) от қўйди, (ўзи)
 илгари кетди. Кейин бир куни кўк тукли,
 кўк ёлли эркак бўри юрмасдан
 туриб қолди. Ўғуз хоқон (ҳам) тўхтади, қўшинни
 ҳам туширди. Атроф чўлу биёбон,
 теп-текис ер эди. Бу жойни Журжит деб атардилар.
 Қўдратли бир давлат эди, кўп халқи бор эди. Йилқилари
 кўп, хўкиз, бузоқлари кўп, олтин, кумушлари кўп,
 қимматбаҳо буюмлари кўп эди. Бу ерда Журжит хоқони-
 нинг халқи Ўғуз хоқонга қарши
 турдилар. Уруш бошланди, ўқлар билан, қилич-
 лар билан урушдилар. Ўғуз хоқон ғалаба қилди.

Журжит хоқонни тор-мор қилди, ўлдирди, бошини олди. Журжит элини ўзига бўйсундирди. Жангдан сўнг Ўғуз хоқоннинг кўшинига, навкарларигаю халқига шандай катта ўлжа келдики, уларни юклашга, олиб кетишга от, хачир, хўкиз камлик қилди. Ўғуз хоқоннинг кўшинида чаққон, гавдали бир яхши одам бор эди. Унинг оти Бармоқлиқ Жусун Биллиг эди. Бу чаққон одам бир қанға чопти. Қанға устига мол-мулкларни юклади, қанға бошига тирик бойликларни юклади, жўнаб кетдилар. Навкарларнинг, халқнинг ҳаммаси бунни кўрдилар, шошдилар. Қанғаларни яна чопдилар. Қанғалар юриб бора-ётиб «қанға, қанға», деб сўз айтиб борар эдилар. Шунинг учун уларга қанға деб от қўйдилар. Ўғуз хоқон қанғаларни кўрди, кулди. Яна айтдики, қанға, қанға билан бойликни эзгулик тортиб борсин. Қанғалуғ сенга от бўлганлигини «қанға» сўзи билдирсин, деб ўз йўлига кетди. Шундан кейин ўша кўк тукли, кўк ёлли эркак бўри билан Ҳинд, яна Тибет, яна Шағам¹ тарафларга жўнаб кетди. Кўп жанглардан, кўп олишувлардан кейин у мамлакатларни кўлга киритди, ўз юртига бирлаштирди, енгди, босиб олди. Кейин ташқари қолмасин, маълум бўлсинки, кун юриб (жануб) тарафда Барака деган бир ер бордир. Катта, бойлиги кўп бир юртдир, кўп иссиқ бир жойдир. Бу ерда кўп кийиклар, кўп қушлар бордир, олтини кўп, кумуши кўп, қимматбаҳо буюмлари кўп, халқининг юзи, кўзи қоп-қорадир. Ўша ернинг хоқони Масар деган бир хоқон эди. Ўғуз хоқон унинг устига отланди. Жуда ёмон жанг бўлди. Ўғуз хоқон енгди, Масар хоқон қочди. Ўғуз хоқон босиб олди, юртини олди, кетди. Унинг дўстлари кўп хурсанд эдилар, унинг душманлари кўп қайғуга ботдилар. Ўғуз хоқон сон-саноксиз бойликлар, йилқилар олди. Ватанига жўнади. Аммо ёддан кўтарилмасинки, маълум бўлсинки, Ўғуз хоқоннинг ёнида оқ соқоллиғ, оқ сочлиғ узун бўйлиғ, эпчил бир кекса киши бор эди, уқувли доно бир одам эди, афсунгар эди. Унинг оти Улуғ Турук эди. Кунлардан бир кун уйқусида бир олтин ёй кўрди, яна уч кумуш ўқ кўрди. Бу олтин ёй кун чиқишдан кун ботишгача тортилган эди, яна бу уч кумуш ўқ қоронғилик тарафга кетар эди. Уйқудан сўнг Улуғ Турук тушида кўрганини Ўғуз хоқонга билдирди. Яна айтдики, эй хоқоним, сенга давлатинг буюрсин абадий, кўк тангри берди менга тушимда аён, эзгулик келтирсин, кўлга киритилган ерларни уруғига бўлиб берсин, деди. Ўғуз хоқон Улуғ Туруkning сўзини маъқул кўрди, маслаҳат қилмоқчи бўлди, маслаҳатга киришди. Шундан сўнг эрталаб каттаю кичик ўғилларини чорлаб келтирди, яна айтдики, эй менинг ўғилларим, кўнглим ов қилмоқни истайди, кексайганим


¹ Шағам — Сурия.

учун кувватим йўқдир. Кун,
Ой, Юлдуз, тонг сарига сизлар боринглар.
Кўк, Тоғ, Денгиз, тун сарига сиз-
лар боринглар, деди. Шундан кейин учо-
ви тонг сарига кетдилар, яна учови
тун сарига кетдилар. Кун, Ой,
Юлдуз кўп кийиклар, кўп қушлар овлаган-
ларидан сўнг, йўлда бир олтин ёйни
топдилар, олдилар, отасига бердилар.
Ўғуз хоқон севинди, кулди, яна уни
учга бўлди, яна айтдики, эй ўғилларим,
ёй бўлсин сизларники ёйдан
ўқларни кўкка отинглар, деди.
Кейин, шундан сўнг овдан кейин Кўк, Тоғ,
Денгиз кўп кийиклар, кўп қушлар овлаганларидан
сўнг, йўлда уч кумуш ўқни топдилар, олдилар, отасига
олиб келдилар. Ўғуз хоқон севинди, кулди, яна ўқларни
учовига бўлиб берди, яна айтдики,
эй ўғилларим, ўқлар бўлсин сизларники,
ёй отди ўқни. Ўқлардай сизлар бўлинг, деди.
Кейин, шундан сўнг Ўғуз хоқон катта қурултой
чақирди, навкарларини, халқини
чорлади. Улар келиб кенгашиб ўтирдилар. Ўғуз
хоқон катта ўртада

.....ўнг ёқда

қирқ қулоч ёғочни тикка қилдирди. Унинг
бошига бир олтин товўқни қўйди, охирига
бир оқ қўйни боғлади. Чап
тарафига ҳам қирқ қулоч ёғочни тикка
қилдирди. Унинг бошига бир кумуш товўқ қўйди,
охирига бир қора қўйни боғлади.
Ўнг тарафда Бузуклар ўтирди
Чап тарафда Учуклар ўтирди.
Қирқ кун, қирқ кеча едилар,
ичдилар, хурсандчилик қилдилар. Шундан сўнг Ўғуз
хоқон ўғилларига мамлакатни бўлиб берди. Яна айтдики,
эй ўғилларим, мен кўп яшадим, жангларни кўп кўрдим.
Ёй билан кўп ўқ отдим, айғирим билан кўп юрдим,
душманларни йиғлатдим, дўстларимни мен
кўп хурсанд қилдим. Кўк тангри олдида мен ўз бурчимни
ўтадим, сизларга бераман юртимни, деди.

Филология фанлари кандидати **Насимжон
РАҲМОНОВ** ҳозирги ўзбек тилига ағдарган.



ҚЎРҚУВ САЛТАНАТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЕЗУВЧИСИ, СЯ — 928 РАҚАМЛИ
СОБИҚ «СИЕСИЙ МАҲБУС»
САИД АҲМАД БИЛАН СУҲБАТ

Уткир Ҳошимов. Саид Аҳмад ака! Урушдан яримжон бўлиб келган тоғам бор эди. (Уруш жароҳатлари туфайли кўп яшамади.) Бола эдим. Уйимизга келганида, «урушни гапириб беринг, тоғам», деб хархаша қилардим. Тоғам доим битта гапни қайтарар эди. «Қўй, жиян, у кунларни эсимга солма», дерди. Уруш-ку, ёмон нарса, минг бир азобни кўрган одам у кунларни тезроқ унутгиси келади. (Бу ҳақиқатни эсимни таниганимдан кейин тушундим.) Аммо одам боласи ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, куруқ тухматга учраса, ҳе йўқ-бе йўқ қамоққа тушса, номи қораланса, шаъни топталса-чи?! Фақат ўзи эмас, оиласи, ота-онаси, бола-чақасигача «душман»га айланса-чи? Бу — урушда қон кечишдан кам азоб бўлмаса керак. Урушда-ку, ҳамма нарса оидин. Ана, рўпарангда душман турибди. Е уни ўлдирасан, ё ўзинг ўласан. Айбисиз қамалсанг, ўзинг «душман»га айланиб қолсанг-чи?! Бундан ортиқ ҳўрлик борми? Айниқса, гуноҳинг йўқлигини, «душман» эмаслигини билиб турсанг.

Саид Аҳмад ака! Бир вақтлар «халқ душмани» деб қамалган, партия XX съезидан кейин оқланган талай одамлар билан гаплашишга бир неча бор уриниб кўрдим. Ҳаммасидан худди тоғам айтган жавобни эшитдим. «Қўй, укам, ўша кунларни эсимга солма...» Эсланг-а, Сиз билан ҳам ўша қора кунлар ҳақида суҳбатлашиш ниятида кўп бор гапни айлантириб кўрганман. Ишхонада, уйда, сафарларда юрганимизда... Ҳар қандай вазиятда ҳам Сиз (бошқаларга ўхшаб) «қўй, укам, яхши гаплардан гаплашайлик», деб суҳбат мавзуини буриб юборгансиз. Боиси аён эди. У кунларни эслаш — ҳам оғир, ҳам хавотирли эди. Бугун ўзингиз, юрагингизда тўлиб ётган дардни тўкиб солиш учун суҳбатга таклиф қилиясиз. Сабаби нима?

Саид Аҳмад. Сабаби кўп. Шу пайтгача кўплар тилини тийиб юрганининг боиси шуки, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ ўн йил, ўн беш йил, йигирма беш йилга ҳукм қилинган, бир ўзи эмас, авлод-аждодигача «душман» саналган одам эҳтиёткор бўлиб қолади. Сенлар нимани билардинг. «Одиночка» камераларда йиллаб ўтирганлар, кечалари ухламай сўроқ берганлар, фашистнинг концлагеридан баттар шароитда хор бўлганлар, Беломорканалда кафансиз кетган бегуноҳларни кўрганлар, Сибирнинг қаҳратон совуғида қарағай кесганлар, Курил оролларида белигача сув кечиб азоб чекканлар тилини тийиб юришни одат қилади. Тўғри, Хрушчев пайтида «омон-омонлик» бўлди. (Бу жиҳатдан мен ўша одамдан миннатдорман.) Лекин, яхши ниятда бошланган иш ўлда-жўлда бўлиб қолди. Эски хавотир тагин юракни кемира бошлади. «Мабодо ўша замонлар қайтиб келса-чи? Тақдир шамоли тагин тескари эса бошласа-чи?» Ниҳоят мана энди замонлар ўзгарди... Энди ҳаммасини айтса бўлади. Устига-устак ёш ўтапти. Эрта-индин етмишга чиқаман... Йўқотадиганимни йўқотдим, қиладиганимни қилдим... Қўлимдан келганича эл хизматида бўлдим. Бир нарсага хурсандман: ўлигим бегона юртларда қолмади. Дўзах азобидан қичиб келиб ҳам ёздим... Қисматимдан унчаям норози эмасман. Ўзбекистоннинг қай ерига бормай, Саид Аҳмад деса танийдиганлар топилади.

Уткир Ҳошимов. Узр, ярангизни тирнаяпман. Ростини айтсам, ўша қора кунларни титкилаб ўтириш кўп ҳам кўнгилли эмас. Ҳозир шахсга сиғиниш даврининг фожиаларини очиш ҳақида турли қарашлар бор. Бировлар, «ҳадеб ўтмишни кавлаштириш шартми, бўлар иш бўлди, бу ёғи яхши кетяпти-ку, бундай ҳаракатлар тузумимизнинг моҳиятини қораламасликин», дейди. Бошқалар (кўпчилик) «йўқ, ҳаммаси аён бўлиши керак, тарихимизда «оқ доғлар» (аниқроғи «қора доғлар») қолмасин, яқин ўтмишда халққа қарши қилинган жиноятларни бутун дунё билсин» деб ҳисоблайди. Бу фикр айниқса, партия XXVII съезидан кейин қатъий тус олди. Менимча, бу гапда чуқур ҳақиқат бор. КПСС Марказий Комитети ҳузурида 34—53-йиллар давомида бегуноҳ, бадном қилинганларнинг ҳаммасининг «ишини» (ишчидан тортиб давлат арбобигача, спортчидан тортиб ёзувчигача) синчиклаб ўрганувчи махсус комиссия ишлаётгани бежиз эмас. Мақсад — кимдандир қасос олишдамас. Гап ўша мудҳиш ишларнинг инсониятга қарши жиноят эканини дунёга маълум қилишда. Бундан ҳам муҳими — ўшандай разолатлар такрорланмаслиги керак: сабоқ чиқарадиган пайт аллақачон етди. Биз бугун бу ҳақда очиқ-ойдин гапирмасак, хоҳлаймизми-йўқми, ўша мудҳиш замонни ҳаспўшлаган бўламиз... Моҳият шунда... Асосий гапга қайтайлик: Сиз қандай қилиб «халқ душмани» бўлиб қолдингиз?

Саид Аҳмад. Эскилар айтиди: банданинг боши — оллонинг тоши. Менинг фожиаларим уйланган кунимдан бошланган. Ҳаётимдаги энг катта байрам фожиа билан аралашиб кетган.

1949 йил 27 ноябрь куни Саида Зуннунова билан тўйимиз бўлди. Саидахон билан кўнгил беришиб турмуш қурдик. ЗАГСдан ўтмадик ҳам. Севишдик, тўй қилдик, вассалом! Саидахонлар оила-сида беш қиз, бир ўғил бор эди.

Пешонанинг шўрлигини қара: никоҳ куни Андижондан телеграмма келди. Саидахонлар хо-

надонидаги якка-ёлғиз ўғил — Насибжон вафот этибди. Келинга билдирмадик. Қайнонам тўйни ташлаб, Андижонга жўнади... Эртасига Тошкентда келин салом бўлди, Андижонда тобут чиқди... Оғир бўлди. Айниқса Саидага... Аммо ҳали бошимизга бундан ҳам мушкул синовлар тушишини билмаган эканмиз.

«Шарқ юлдузи»нинг проза бўлимида ишлар эдим. «Қадрдон далалар» деган қиссам, «Муҳаббат» номли ҳикоялар тўпламим босилган кезлар эди. Саидахон САГУда ўқир, танилиб қолган шоира эди. Хуллас, турмушимиздан нолийдиган жойимиз йўқдек.

1950 йил 10 май куни отпускдан қайтдим. 1 Май кўчасида қаҳвахона бўларди, Мамарасул Бобоев билан Ваҳоб Рўзиматов ҳазиллашишди. «Отпускага кетаётганингизда «ювмасдан» қочиб қолувдингиз, ақалли энди тушликда бизни меҳмон қиларсиз». Учовлашиб қаҳвахонага йўл олдик. Йўлда ҳазил-ҳазул қилиб кетаётганимизда кўча четида қора «Эмка» машинаси келиб тўхтади. Икки киши икки томонидан келиб, секин қўлимдан ушлади.

— Бу ёққа юринг, — деди биттаси пичирлаб. Хужжатини кўрсатди.

Илгарилаб бораётган ҳамроҳларимга фақат битта гап айтдим.

— Мен кетдим...

Ваҳоб Рўзиматов:

— Меҳмон қилишдан қочдингиз-а! — деганча қолаверди.

Машинага ўтказдилар. Шофёр ёнида тагин бир одам ўтирган экан. (Кейинчалик билсам, Мансуров деган майор экан.)

У пайтларда халқ ўртасида кўркүв, ишончсизлик авж олганди. Уч киши бир жойга тўпланиб, латифа айтишга кўрқар эди. Латифадан ҳам «сиёсий хато» излашар эди. Уч кишидан биттаси «сотса» тамом! (Аксига олиб, мен латифа айтмасам туролмайман...) Хуллас, қора машинада уйимга олиб келишди. Обиск қилиб ҳамма ёқни тит-пит қилиб юборишди. 1935 йилда рус тилида чоп этилган «Ўзбек адабиёти» деган альманахни топишди. Тўпламда Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» қиссасидан парча бор экан. «Уйда тақиқланган адабиётни сақлагани учун» деган айбонмани шилқ этказиб бўйнимга илишдию, қамоққа олиб кетишди. Онам билан Саидахон чирқиллаганча қолаверди. Тўғри, замон оғир эди. Аммо айбим йўқлигини билардим. Уйимда топилган китоб алоҳида асар эмас, альманах бўлса, тагин рус тилида чиққан бўлса... Қамоққа тушганимдан кейин кўп нарсаларни ўйлай бошладим. 37-йиллардан бошлаб, 50-йилларгача, турли замонларда, вақти-вақти билан Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, М. Миршаропов, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Боту, Миртемир, Олтойлар; Ш. Сулаймон, Ю. Латиф, Тўхтасин Жалолов, Ф. Расулевлар; Шайхзода, Шухрат, Х. Сулаймон, ака-ука Алимўхамедовлар; Шукрулло, Мирзакалон Исмоилийлар «халқ душмани»га айланди. Албатта, ўша пайтда (айнан 50-йилда) мен билан олдинма-кетин яна қайси ҳамкасбларимиз қамалганини билмас эдим. Аммо 37-йилда, уруш арафасида қамалганларнинг қандай аксилниқилобий ташкилотларга «аъзо бўлгани», «айбини тўла бўйнига олгани» ҳақида газеталар тўхтовсиз ёзгани эсимда эди. Ҳатто суддаги савол-жавоблар ҳам эълон қилинарди. Ростини айтсам, илгарилари «одамга ишониш қийин экан-да, қаранг, фалончидек одам жосус экан, миллатчи экан, билмай юрган эканмиз», деган хаёл йўқ эмас эди. Ўзим «халқ душмани»га айланганимдан кейин бу гаплар тўхтади эканини тушуна бошладим.

Уткир Ҳошимов. Даҳшатли жойи шундаки, халқнинг энг сара фарзандлари, партияга, халққа фидоийлик билан хизмат қилганларга «халқ душмани» деган тамга ёпиштирилган. Мақсад ўша одамларга нисбатан халқда нафрат уйғотиш бўлган. Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Усмон Носир... Булар эл назаридаги одамлар бўлган. Ватанга, халққа сидиқидилдан хизмат қилган-ку.

Саид Аҳмад. Эл таниган, эл севган одамларни қамоққа тиқиб, шов-шув кўтаришдан мақсад — халқни кўрқитиш бўлган. Акмал Икромовдек одам отилибдими, сен кимсан, тилингни тийиб юр. Қодирийдек одам қамалибдими, сенга гапни ким қўйибди, овозингни ўчир, доҳиймиз Сталин айбсиз одамни қамамайди... Мана мақсад нима эди!

Уткир Ҳошимов. «Социализм ривожланган сари синфий кураш кучая боради», деган назариянинг моҳияти тўхматдан иборат эканлигини тарих исботлади. Ахир 30-йилларга келиб, бизнинг мамлакатда антагонистик синфларнинг ўзи қолмаган эди-ку! Иш шу даражага бориб етганки, ҳатто аниқ фанлардан ҳам синфий иллат излаганлар. Ҳали 1931 йилдаёқ «Фан ва техника fronti» журнали ирсият фани материализмга хилоф нарса, у художўйликни тарғиб қилади, деб айюҳаннос солган. Э. Кальман деган академик эса «Фандаги бузғунчилик» деган мақоласида ўша пайтдаги машҳур математик олимлар Егоров билан Богомоловни синфий душман, реакционер деб қоралаган. Ақл бовар қилмайди: наҳотки «икки карра икки — тўрт» деган қоидадан капиталистларда бошқача, бизда бошқача талқин қилиш мумкин бўлса? Бундай десак, Хоразмийнинг минг йил аввал яратган «Алгоритми» ҳам «Қулдорлик манфаатини ҳимоя қилувчи» кашфиёт бўлиб чиқади-ку!

Яқин-яқинларгача тагин бир нарсага ҳеч тушуна олмас эдим. Уруш арафасида энг яхши ҳарбий кадрлар репрессияга учради. Бунинг жабрини ҳам халқ тортди. Урушнинг дастлабки йиллари айниқса оғир кечди. Не-не навқирон йигитлар ёғоч милтиқ билан танкака қарши бориб, фашист замбарағига ем бўлди. Ирсиятни қоралаш қишлоқ хўжалиги, чорвачиликни танг аҳволга солиб қўйди, кибернетикани «фандаги шаллақилик» деб эълон қилиш электроника соҳасида капиталистик мамлакатлардан камида 20—30 йил орқанда қолишимизга сабаб бўлди. Энг истеъдодли қаламқашларни «душман» дейишди. Ўзбек халқи Қодирийдек, Усмон Носирдек юлдузлардан жудо бўлди.

Уруш-ку, 20 миллион қурбон эвазига ғалаба билан тугади. Хўш, кейин-чи? 50-йилларда бу мудҳишлик нега тагин такрорланди? Урушда қанча одам қурбон берилган бўлса, репрессия тўғрисида ҳам дярли шунча одам қамоққа тиқилган, хўрланган, миллионлаб кишилар ўлдирилган. Нега 37-йил даҳшатларидан сабоқ чиқарилмади? Шунисига ақлим етмас эди. Энди аён бўлдими, 37-йилларда қамалганлардан баъзилари қандайдир мўъжиза билан омон қолган, юртига қайтиб келган. Мақсад, ўша «кишлар» ноҳақ бўлганини, кечириб бўлмас адолатсизлик рўй берганини халқ билишини «энг юқоридаги» қўли қонга ботганлар асло хохламаган. Натижада 37-чи,

кейинроқ 40-йилларда қамалиб, урушдан кейин озодликка чиққанларни қайтадан қамашган. Уларга юз минглаб янги қурбонлар қўшилган.

Саид Аҳмад. Фақат бу эмас, ҳали айтганимдек, халқни бўйсундириш учун ваҳимада тутиб туриш керак бўлган. Бу ишда репрессия қўл келган... Мен қамоқда ётиб буларни аста-секин тушуна бошладим. Аммо гуноҳим йўқлиги, бир-икки ҳафтада, узоғи билан бир ойда чиқиб кетишимга ишонар эдим. Бир ҳафта эмас, бир ой эмас, ўн ой эмас, ўн бир ой «одиночка»да ўтириб, сўроқ бердим.

Ўткир Ҳошимов. Гуноҳингиз йўқ, ҳеч қандай исбот йўқ. Сўроқ давом этяпти денг?

Саид Аҳмад. Шошма. Аввал Саидахоннинг бошидан ўтганларини эшит. Балки бу савдоларнинг ҳаммасини сенга айтмагандир. Тирик бўлса, ўзи гапириб берарди. Мен ундан эшитганларимни айтиб берай. Бир хотиннинг эрига садоқати бўлса, Саидачалик бўлар. Эри «халқ душмани» эканини эшитган заҳоти судга ариза бериб, ажрашганларни ҳам кўрдим, эрини душмандан олиб феодалга солиб, газетага хат ёзганларни ҳам, эрини қаматган худди ўша терговчига ўйнаш бўлиб олган хотинларни ҳам... Саиданинг зувваласи бошқа эди...

Шундай қилиб десанг, мен у ёқда ётибман, Саидани «халқ душмани»нинг хотини деб университетда туркилай бошлабдилар. (Саидахон Андижон ўқитувчилар институтини битирган бўлишига қарамай САГУда ўқийтган эди) Орадан кўп ўтмай Ёзувчилар союзига чақиривади. «Хоним, сиз бизни уялтириб кўяясиз, қамоқ эшигига тугун кўтариб, «передача» олиб бораётган эмисиз, Ёзувчилар союзининг аъзосига бунақа қилиқ ярашмайди, устига-устак партияга кандидатсиз», деб «акаларча» насиҳат қилишади. Саидахон бўш келмаганидан кейин ҳужум кўчаяди. Г. Мильчаков (А. Қаҳҳор бу кимсани «ўзбек адабиётининг қотили» деган эди) М. Швердин, З. Фатхуллин ўртага олиб, дағдаға қилишади: «Эринг халқ душмани! Энди унинг тириги тугул ўлигини ҳам кўрмайсан! Қани айт, ажрашсанми-йўқми? Ё ўзинг ҳам қамалгинг келяптими?» Саида билан ЗАГСдан ўтмаганимни ҳали айтудим. Қонун жиҳатидан олганда паспортида печать йўқ. Саида бир оғиз биз қонуний эр-хотин эмасмиз, деса қутулиб қўя қоларди. Йўқ! Саидахон бошқача жавоб қилади. «Яхши! дейди.— Мен эрим билан ажрашишим мумкин. Лекин битта шартим бор: эрим «Мен халқ душманман», деб ўз оғзи билан менга айтсин! Қўлларингдан келса, мени юзлаштиринглари!» Уни ҳақорат қилиб, хонадан қувиб чиқарадилар. Эртасига Саида Ёзувчилар союзига аъзолик ҳужжатини почта орқали жўнатиб юборади... Сарсон-саргардонлик шундан кейин бошланади.

Саиданинг шеърят ҳақида ёзган диплом иши бекор қилинади. (Мақсад университетни битиришига ҳалақит бериш бўлган). Шунда у қисқа вақт ичида «Олтин водийдан шабадалар» романида коммунистлар образи» деган мавзуда қайтадан диплом иши ёзади ва ёқлайди. Бироқ унга иш бермайдилар, шеърлари босилмайди. Қаерга борса, «халқ душмани»нинг хотини деб ола қарайдилар. Оилада аҳвол танглашади. Онам, хотиним ярим оч ҳаёт кечира бошлайдилар.

Ниҳоят, Саидахон республика Компартияси Марказий Комитетига, хотин-қизлар билан ишлаш бўлимидаги Ҳалима Муҳиддинова деган масъул ходима қабулига киради. «Партия ва ҳукуматимиз хотин-қизларни актив ҳаётга тортиш учун кўп ҳаракат қиляпти. Лекин мен эртадан бошлаб паранжи ёпинишга қарор қилдим!» дейди-да, қўлидаги иккита дипломни (Андижон ўқитувчилар институти ва САГУни битирганлик ҳақидаги ҳужжатларни) улоқтириб чиқиб кетади. Уни йўлдан қайтариб келишади. Ердан беришади. «Ердан» шу бўладики, уни Қўйлиқдаги корейс мактабига рус тили ўқитувчиси қилиб тайинлайдилар. Табиийки, Саида рус тилидан дарс бера олмади, ишдан бўшашга мажбур бўлади. Уйда ўтириб, машинисткалик қила бошлайди. Студентларга конспект кўчириб, чойчақа ишлайди. «Абай» романининг таржимасини кўчиради... Баъзан унча ёқтирмаган одамнинг дунёда энг асил одам бўлиб чиқиши мумкин. Уша пайтларда Давлат наشريётида Касабов деган бухгалтер бўлар эди. Нашриётда қалам ҳақи олишга борган жамики Ёзувчилардан «чўтал» ундирадиган одати бор эди. Бу қилиғи ҳаммага ҳам ёқармас эди. Шунинг учун унга «Қассобов» деб лақаб қўйилганди. Саида ҳам «Абай» романини кўчиргани учун ҳақ олганида Касабовга ўн сўм (эски пулдан) беради. Шунда Касабов айтади: «Сендан пул олиб эсимни еганим йўқ. Сен, қизим, кўп хафа бўлма. Бу кунлар унут бўлиб кетади. Кўрасан, эринг яқинда оқланиб келади...» Оиламизнинг энг яқин одамлари қадамни узиб кетганида етти ёт бегона кишидан бундай гап эшитган Саида йиғлаб юборади...

Кези келганда Саидага (демак, менга ҳам) оталик қилган тағин бир одамни айтишим керак. Бу — Бирлашган наشريёт (ҳозирги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг наشريёти) директори Василий Федорович Архангельский эди. «Халқ душмани»нинг хотинини кўрса ҳамма беш чақирим нарига қочиб юрганида Саидани шу одам ишга олади.

Саиданинг кандидатлик мuddати тугаб, партияга ҳақиқий аъзоликка ўтиш пайтида тағин ишқал чиқади. Ёзувчилар союзидаги Мильчаков бошчилигидаги «сиёсий ҳушёр» кимсалар «душманнинг хотини қандай қилиб коммунист бўлиши мумкин», деб наشريёт партия комитетига зуғум қила бошлайдилар. Аммо наشريёт ишчилари (руслар, ўзбеклар) Саидани қаттиқ ҳимоя қиладилар, партия сафига қабул этишни талаб қиладилар. Кураш ишчилар галабаси билан тугайди. Кейинроқ Саида «Гулхан», «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналларида ишлайди. Саида мени озод қилишни сўраб, Усмон Юсупов номига ариза ёзади. Онам аризани кўтариб Усмон ота қабулига боради. Тўғри йўл билан кириш қўлидан келмагач, отанинг йўлини поёлайди. Бир кун тонг палласи Усмон ота машинадан тушганида олдига югуриб боради. «Сиз Усмон отамисиз?» деб сўрайди. «Ҳа», дейди Усмон Юсупов. «Ёлғон гапирмаясизми?» — дейди онам. «Ишонмасангиз мана бу одамлардан сўранг», дейди Усмон ота, атрофдагиларни кўрсатиб. Одамлар тасдиқлаганидан кейин онам аризани Усмон отага топширади. «Ҳақиқат қилинг» деб йиғлайди.

Усмон ота союлга телефон қилади. «Мабодо ўттиз яшар ёш ёзувчи «халқ душмани» бўлса, сенлар қаёққа қараган эдинг», деб қаттиқ койийди. Бу пайтда мен Қозоғистон чўлларида жазо мuddатини ўтаётган эдим... Саидахон билан қамоқдан қутулиб келганимдан кейингина ЗАГСдан ўтдик... Мана, Саида вафот этганига 12 йил бўлди. Паспортиمنى алмаштирганимда ЗАГС печатини қайтадан бостирдим. Саида вафотидан кейин ҳам меники...

...Руслар «он сидит в тюрьме» дейди. Татарлар бировга дўқ қилса, «турмаға ўтиртам» дейди. Биз — ўзбеклар «қамоққа тушди», «қамоқда ётибди», деймиз. Ўн бир ой «одиночка»да бўлганимда

бир нарсани англадим. Турмада «ётилмас» экан, айнан «ўтириларкан». Дарчасига темир панжара тутилган каталак хона. Дарча жонивор ҳам қўл етмас жойда, тепада.

Ўткир Ҳошимов. Кечирасиз, Саид Аҳмад ака. Ҳеч эътибор берганмисиз? «Одиночка»да узоқ муддат ўтирган одамлардан баъзиларининг кўз қорачиғи юқорига қараб қолади. Мунтазам нурга, ташқарига термулиб ўтиргандан бўлса керак.

Саид Аҳмад. Яхши кузатибсан. Ташқи ҳаёт билан боғлайдиган бирдан-бир нарса — ўша панжарали дарча... Осмонни кўрасан. Булутларни. Ичкарида эса... Бурчакда ҳожатга ишлатиладиган нажас пақир. Ётиш мумкин эмас. Яккаш ўтираман. Етсам, эшик туйнугидан дам-бадам мўралаб турадиган назоратчи ўшқиради. «Қарцерга тикаман, аблаҳ!» Одам юрмаса, ётмаса, оёғи шишиб кетаркан. Ботинкам сиқиб, азоб беради. Куёвлигимда кийган кулранг коверкот костюм-шимим бўларди. (Буёққа ўша кийимда келган эканман.) Икки қўлимни икки тиззамга тираб ўтираверганимдан шимимнинг тиззасини кўзи ялтираб, қатирмоч бўлиб кетди.

Қишин-ёзин пийма кийиб юрадиган назоратчи (камера эшигига келиб кулоқ солса, қадам товуши эшитилмасин, деб пиймада юради) ора-чора темир эшикдаги овқат узатадиган туйнукчани очадиди-да, ҳеч гап йўқ «Узинг аблаҳсан!» деб бақиради. «Мен сизга нима дедим?» десам, «Гапирмасанг ҳам биламан, ичингда мени сўяпсан», дейди. Кечаси ётганда албатта аёлдан бошни чиқариб, чалқанча ухлаш шарт. Чироқни худди кўзинга тўғрилаб қўяди.

Сўроқ бошланди. Конохов, Коршунов деганлари тергов қилади. Бошлиғи Генкин деган кимса экан. (Яқинда «Известия» газетасида ўқиб қолдим. Бу шахс 37-йилларда Тухачевскийдек буюк саркардининг «айбини бўйнига қўйган» одам экан. Уларнинг олдида мен кимман! Демак, қисматим олдиндан ҳал қилинганини ўша пайтда билмабман. Гуноҳим йўқ, барибир чиқариб юборади, деб ўйлабман).

Мени Жиноят Кодексининг 66-моддаси 1 ва 2 бандлари билан айблашди. «Советларга қарши пропаганда олиб боргани учун», «Уйда тақиқланган адабиёт асрагани учун». Ҳар гал сўроқда бир гапни қайтаради.

— Хўш, қайси ташкилотга аъзо эдинг? Қўпоровчи ташкилотда яна кимлар бор эди? Мақсадларинг нима эди?

Мен ҳам бир гапни қайтараман:

— Ҳеч қанақа қўпоровчи ташкилотни билмайман. Сиз билсангиз айтинг, бўйнимга қўйинг.

— Биз-ку, ҳаммасини биламиз. Узинг айтсанг, гуноҳинг енгиллашади. Уйлаб кўр...

Ҳаммаси тўхмат бўлса, нимани ўйлай?! Ун кун ўтади, ўн беш кун ўтади... Тагин сўроқ. Тергов баъзан кечаси билан давом этади. Терговчининг бири дам олаётганида бошқаси сўроқ қилади. Далил топилмаганидан кейин янги айбномалар тақадилар. «Асарларида ўртоқ Сталиннинг раҳбарлик роли кўрсатилмаган», «Халқлар дўстлиги қуйланмаган». «Асарларида рус халқи вакилининг образи йўқ».

Ўткир Ҳошимов. Халқлар дўстлигини тараннум қилиш, рус халқи вакили образини асарга олиб кириш масаласида юзакилик авжига чиққан эди. Яқин-яқинларда ҳам

**«Маша севар Омонни,
Микола Сорахонни.
Бўйига тенг бўйлари,
Қачон бўлади тўйлари! А-а!»**

қабилдаги қўшиқлар ёзилар ва қуйланар эди. Гуё Омон Машани тезроқ хотин қилиб олса-ю, Сорахон Миколага тега қолса, халқлар дўстлигининг энг юксак чўққиси — шу. Гуё халқлар дўстлигининг бундан теранроқ илдизлари йўқдек. Асарларга рус халқи вакилининг образини киритиш бундан баттар эди. Асар қаҳрамонларининг биронтаси минг чирангани билан ҳал қилолмай турган масалани рус ўртоқ келадую бир зумда ечиб бера қолади. У ҳеч хато қилмайди. Ҳаммадан ақлли... Ахир бу мақтов эмас, ҳақорат-қу! Чинакам бағри кенг рус халқини майна қилиш-қу! Булар ҳам ўша замондаги бевурд «талаб»ларнинг садоси бўлса ажабмас.

Саид Аҳмад. Кейин ундан ҳам антиқа «гуноҳлар» топишди. «Отинг нега Саид Аҳмад, нима саидлар авлодиданмисан? Ё ота-онанг Саид Олимхонга таассуб қилиб сенга Саид Аҳмад деб ном қўйганми?» Сўнг бир ҳикоямга ёпишиб олишди. Мен овсар ўша ҳикояга «Оқсоқол опа» деб ном қўйган эканман. Ҳикояда қишлоқ совети раиси бўлмиш аёлни жонкуярлиги мақталган эди. Русчага «Белобородая сестра» деб таржима қилишдию, сен ўзбек совет аёлини соқолли дегансан, демак, феодалсан, деб тагин битта айб тақашди.

Ўткир Ҳошимов. Бемаънилик! Абсурд! «Тавба-тазарру» фильмида бир деталга эътибор берганмисиз? Қамоққа тушган персонаж «ҳа, мен контрреволюцион ташкилот аъзоси эдим, мақсадим Бомбайдан Лондонга тоннель қазिश эди», деб «айбини бўйнига олади». Нега унақа дединг, деб сўрашса, «Тергов ҳужжатлари юқорига бориб етса, мени ноҳақ қамашганини билиб, озод қилади», дейди. Қизиги шундаки, Абдулла Қаҳҳорнинг «Зилзила» қиссасида ҳам худди шунга ўхшаш эпизод бор. (Афсус, қисса чала қолган. Чамаси, Абдулла ака барибир бу асар эълон қилинмайди, деб ҳафсаласи пир бўлган шекилли). Асар қаҳрамони «мен аксилинқилобий ташкилот аъзоси эдим. Каспий денгизига бориб, катерда Қора денгизига ўтмоқчи эдим», деб «тан олади». Каспийдан Қора денгизига катерда ўтиш ҳақида гапиришнинг ўзи кулгили. Уртада Кавказ тоғлари ётибди. Қаранг, икки ижодкор бир-бирдан мутлақо беҳабар ҳолда бир нарсага ишора қиляпти. Қўйилган айбномалар ғирт бемаънилигини айтмоқчи. Начора. Мантиқсиз саволга мантиқли жавоб бериб бўлмайди.

Саид Аҳмад. Мантиқсиз сўроқлар жонга тегад эди. Бора-бора сўроқ пайтида, шимимнинг қатирмоч бўлиб кетган тиззасига тирноғим билан терговчининг расмини чизадиган одат чиқардим. Терговчи тепамга келиб, ўзининг расмини томоша қилади. «Ўхшатибсан, аблаҳ» дейди-да, «ўчириб ташла!» деб ўшқиради. Янги саволларни ўйлаб топади.

— Чет эл журналларини ўқиб турасанми?

— Йўқ.

— Ҳеч кўрганмисан?

— Бир марта кўрганман.

— Қайси журнални?
— Эсимда йўқ. Американинг журнали бўлса керак.
— Қаерда кўргансан?
— Сартарошхонада.
— Уқинганмисан?
— Йўқ. Инглиз тилини билмайман. Расмларини томоша қилганман.
— Расмлари чиройли-а?
— Чиройли.
— Қоғози ялтироқ, а?
— Ялтироқ.
— Мана энди ҳаммаси аён бўлди. Демак, Американинг журнали яхши, ўзимизнинг «Огонёк» ёмон. Шундайми? Америка журналидаги расм чиройли чиққан. Бўёғи яхши. Демак, у ерда химия саноати ривожланган. Бизда эса ривожланмаган. Қоғози яхши дединг. Демак, у ерда қоғоз ишлаш саноати зур. Машиналари яхши. Бизники эса — ёмон. Демак, капиталистик системани улуғлаб, социалистик системани қоралайсан. Биламиз, ҳаммасини биламиз! Сен аъзо бўлган контрреволюцион ташкилотнинг раиси Ойбек, секретари Яшин. Ташкилотда Шайхзода, Миртемир, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Шукрулло, Шухрат, сен борсан. Бошқаларниям биламиз. Қани, айт. Узинг айт. Ташкилотда яна кимлар бор эди? Мақсадларинг нима эди?

Саволлар мана шу. Эртасига ҳаммаси қайтадан бошланади.

Ўткир Ҳошимов. Урармиди?

Саид Аҳмад. Бир марта урган. Ҳадеб индамай ўтираверганимда ингичка қилиб букланган «Правда» газетаси билан бошимга урган. Орасида метал чизғич бор экан. «Нега урасан?» десам, кулган. «Ие, ҳали сен «Правда»га қаршимисан, яхши, буниям ёзиб қўямиз...»

Бурчақдаги камерада ётардим. Радио карнайининг товуши, кўчадан ўтаётган одамларнинг гангир-гунгир гаплари эшитилиб қоларди. Баъзан кафедан ичиб чиққан мастларнинг қийқириғи қулоққа чалинарди. Тўғриси, ўшаларга жудаям ҳавасим келарди. Бир куни Туроб Тўла билан Мирмуҳсин радиода шеър ўқиди. Дўстларимнинг ўзини кўриб тургандек дилим ёришди. Эртасига сўроқ пайтида терговчи айтди:

— Ойбек айбини бўйнига олиб бўлди. Фалончи-фалончилар (Туроб билан Мирмуҳсиннинг ҳам номини айтди) ҳам гуноҳига иқрор бўлди. Битта сени деб ҳаммаси қийналиб суд бўлишини кутиб ўтирибди. Сен гуноҳингни бўйнингга олсанг, ҳаммангни лагерга чиқариб юборамиз. Ҳарқалай очиқ ҳавода юрасанлар.

— Радионинг одами бу ерга келдими ё ўзлари боришдимиз? — дедим ўзимни овсарликка солиб.

— Қанақа радио?

— Туроб Тўла билан Мирмуҳсин кеча радиода ўқиган шеърини шу ерга келиб ёзиб олишдимиз ё ўзлари радиого бордимиз?

Терговчининг кўзи ола-қула бўлиб кетди.

— Ҳали радио эшитаман дегин...

Уша кунёқ чумчуқнинг ҳам овози кирмайдиган бошқа камерага тикишди.

Тагин бир сафар янги айбнома тақайдиган бўлди. Гўё мен 5 ноябрдан 6 ноябрга ўтар кечаси Рамз Бобожоннинг уйига меҳмонга борганман. Ленинграддан қайтиб келган Рамз гўё «у ёқларда одамлар маза қилиб яшяпти» деган ва бу билан миллатчилик қилган. Мен ўша куни Рамз Бобожоннинг уйига бормаганим аниқ. Шунга айтдим. Кейин қўшимча қилдим:

— Рамз унақа деганига ишонмайман. Блокададан чиққан Ленинградда одамлар маза қилиб яшаш мумкин эмас.

Камерага қайтиб киргандан кейин ўша куни қаерга борганимни эсладим. Уша кеча Урта Чирчиқ районидидаги машхур пахтакор Замира Муталова ҳақида очерк ёзиб, райкомдан «Қизил Ўзбекистон» газетасига телефонда очеркни диктовка қилган эканман, ўша ерда тунаб қолган эканман. Навбатдаги сўроқда терговчига шунга айтдим.

— Ишонмасанглр райкомдан сўранглр. Очерк байрам куни газетада босилган.

Хуллас, бу тўхтаётган ҳам иш бермади: топган гувоҳининг ўзи бошини чангаллаб қолди. Тилимдан илтириши учун у кун латифа айтириб ҳам кўрдилар. Терговчи «сени латифага уста дейишди, қани эшитайлик», деб туриб олди. Рўпарангда биров пичоқ ўқталгандек дағдага қилиб турсаю, тагин «ҳозир кулдирасан» деб талаб қилса ғалати бўларкан. Начора, эсимга келган уят-уят латифаларни айтишга мажбур бўлдим. Бундан ҳам иш чиқариша олмади. («Сиёсий» латифа кутаётгани аниқ эди). «Одиночка»га тушганимга саккиз ойча бўлиб қолганида камерага Илья Григоревич Рафкин деган одамни ҳам қўйишди. Дардлашадиган киши топилганига қувондим. Рафкин Қўқонда врач бўлиб ишлаган экан. Уни ҳам тўхтаётган билан қамабдилар. У бир гапни кўп қайтарар эди. «Тўхматми, баломи, бўйнингга оламан-у, лагерга кициб кетаман». Кейин секин-секин мени ҳам кўндиришга урина бошлади. «Ёш экансиз, ука, берган қоғозига қўл қўйингу кутулинг. Суд қилар, ҳай беш-олти йил берар. Бу каталакда ўлиб кетишдан нима фойда?!» Бир нарсани сезиб қолдим. Рафкин сўроққа чиқиб, бутерброд кўтариб келадиган одат чиқарди. «Ҳа?» десам, «Хотиним передача олиб келди», дейди. Хотинининг передачиасида буфетнинг бутерброди нима қилади? Билдимки, у провокатор, терговчи атайлаб қўйган одам. Унинг хоинлигини яна бир нарсадан билиб олдим: Рафкин ҳар гал «сўроққа чақирилганида» ич кийимини янгилаб келади, оёғида яп-янги пайпоқ... У билан гаплашмай қўйдим. Охири уни олиб чиқиб кетишди. Қайта кўрмадим. «Ҳа?» десам, «Хотиним передача олиб келди», дейди. Хотинининг передачиасида буфетнинг бутерброди нима қилади? Билдимки, у провокатор, терговчи атайлаб қўйган одам. Унинг хоинлигини яна бир нарсадан билиб олдим: Рафкин ҳар гал «сўроққа чақирилганида» ич кийимини янгилаб келади, оёғида яп-янги пайпоқ... У билан гаплашмай қўйдим.

— Хусанхўжаев Саидахмат, — дейди-да, дафтарни яна варақлайди. — Бу ерда ҳам Хусанхўжаев... Мана, яна икки жойда Хусанхўжаев... Шунча ҳунар кўрсатишга қачон улгурдинг?..

Шу пайт нима бўлдию, уни қақриб қолишди. Урнига бошқа терговчи кирди. Дафтарни варақлаб кулди:

— Оббо азамат-ей! ВКП(б) тарихидан эринмай конспект ёзибди-ку.

Бир оздан кейин бояги терговчининг ўзи қайтиб кирди. Шериги чиқиб кетди.

— Хўш, — деди дафтарни варақлаб. — Қаерда тўхтагандик?

— Хусанхўжаев ВКП(б) тарихига кирган жойига келиб тўхтагандик.

— Нима? Қаёқдан кўрдинг? — деди у чинқириб.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни сўроққа олиб чиқишди. Деразадан қарасам, қалин қор ёғибди. Терак учида қарғалар ғужғон ўйнапти.

— Қаёққа қараяпсан? — деди терговчи.

— Дарахтни томоша қиляпман, чиройли бўпти. Тошкентда шундай баланд тераклар борлигини билмаган эканман.

— Шунақами? — терговчи лабини буриб кинояли илжайди.— Мен сени ўт ҳам ўсмайдиган жойга жўнатмасам, отимни бошқа қўяман!

Февралнинг бошларида тергов туғаб, Саидахон билан учраштиришди. Терговчи сиёсатдан, тергов ишларидан, ташқарида бўлаётган воқеалардан гаплашиш мумкин эмас, акс ҳолда учрашувни тўхтатиб қўяман, деб тайинлади, ўзи гапларимизга қулоқ солиб тикилиб ўтираверди.

Нимани гаплашишни билмасдик. Саидахон ҳам ҳайрон. Шунда у «Сизга пижама олиб қўйдим, бу ердан чиққанингиздан кейин киясиз» деди.

Томоғимга муштдек бир нима тикилди. Гапиролмай ҳиқиллаб қолдим. Кўзларимдан ёш чиқиб, ўкириб йиғлаб юбордим. Шунча уринаман, йиғини тўхтатолмайман. Саидахон билан ҳеч нимани гаплашолмадик. Свиданияга ажратилган беш минут менинг ҳиқиллаб йиғлашим билан ўтиб кетди.

Камерага қайтиб тушганимда нима учун йиғлаганимнинг сабабини ўйлай бошладим. Даҳшатли терговда, ҳақоратлар, камситишлар авж олган пайтларда ҳам, тонготар сўроқда ҳам кўзимга бир томчи ёш келмаганди. Энди нега бунақа бўлди?

Эсимни танибманки, ўз ташвишимни ўзим кўтарганман. Ун икки ёшимдан меҳнат қиламан. Уст-бошимни ўзим олганман. Қорним ташвиши ҳам ўзимда эди. Коллективлаштириш йилларида колхозларга чиқиб араб алифбесиди, кейин лотин алифбесиди алвонга шiorлар ёзардим. Шу учун менга ҳақ тўлашарди. Кишлоқ чойхоналарига «Ленин бурчаги» ясардим. Унга ҳам ҳақ тўлашарди. Фоточилик қилиб, вивескалар ёзиб тирикчилик қилганман. Уйлаб қарасам, ёшим ўттизга етиб бирон одам менга на битта дўппи, на битта пайпоқ олиб берган экан.

Саидахоннинг «Сизга пижама олиб қўйдим», дегани юрак-юрагимга бориб теккан экан. Умримда биринчи марта мен тўғримда ўйлайдиган одам бор экан, деб ҳаяжонланиб кетган эканман.

Ниҳоят, «одночка»да салкам ўн бир ой ўтиргач, 1951 йил 8 март куни умумий камерага ўтказди. Анча энгил тортдим. Демак, айбим йўқ экан. Бўйнимга қўядиган «гуноҳ» топилмади. Ҳалати одамлар бор эди бу ерда. Эсласам кулишни ҳам билмайман, йиғлашни ҳам. Умумий камерада узоқ вақтдан бери ўтирган, соқоли кўксига тушган чол бор экан. Аниқ эсимда йўқ, ҳарқалай Бадахшон томонларидан бўлса керак. Одамлар уни гапга солади:

— Ота, сизни нега қамасди?

— Ман ҳайрон,— дейди чол.

— Нима гуноҳ қилувдингиз ўзи?

— Ман гуноҳ қилгон? Йўқ, мен гуноҳ қилгон йўқ. Мен укамга тўйга боргон...

— Укангизнинг тўйига борсангиз қамайдими?

— Ман ҳайрон,— дейди чол.— Ман тўйга боргон. Мани агент дегон. Япон агенти дегон.

— Тўйга қандай борган эдингиз?

— Қандай? Мешни пуфлагон. Панжнинг у бетига мешда ўтгон. Эртаси тўйдан қайтгон.

Шапкали чегарачи мани ушлагон, агент дегон...

Маълум бўлишича, чол Панж дарёсининг нарига бетига укасининг тўйига мешга миниб ўтган. Буни қарангки, дарёнинг у бети Афғонистон экан. Кишлоқ одамлари авваллари ҳам мешда уёқдан-буёққа ўтиб юришган. Чол тўйдан қайтиб бу соҳилга ўтганида ушлаб олишган, Япония агенти деб қамашган. Япон разведкаси аҳмоқмики, саводсиз бир чолни агент қиладиган, дейдиган одам йўқ. Чол шўрлик бир неча ойдан бери қамоқда.

— Энди нима қиласиз, ота? — деб сўрашади ҳангоматалаб аристонлар.

— Утиравергон.

— Ия, холангизнинг ўйми бу ўтираверадиған?

— Холамнинг уйи? Йўқ, ман ҳукуматимнинг уйига ўтиргон.

Ана сизга «сиёсий душман»нинг тушунчаси. Шу беозор чолки сиёсий душман бўлса, билмадим...

Умумий камерадагилар «шунча сўроқ қилиб, айб тополмабди, эрта-индин сизни чиқариб юборади», дейишганида ичимда чироқ ёниб кетгандек бўлди.

Индинига эса... «Хусанхўжаев! Сен «тройка» («особое совещание») қарори билан халқ душмани сифатида ўн йилга ҳукм қилиндинг», деган қарорни ўқиб эшиттиришди. Ҳеч қандай далилсиз, ҳеч қандай судсиз. Уша захоти қопимни орқалатиб, очиқ машинага ўтказишди. Юк станциясига олиб боришди. Станцияда Шарифа Абдуллаева деган олима ўқитувчимни кўриб қолдим. Опа мени кўриб турган жойида тўхтаб қолди. Фақат бир оғиз «кетдим, кетдим», дейишга улгурдим.

Шу кунгача, ўн ойдан ортиқ «одиночка»да ётганимда ҳам, танҳолик азобиди қийналганимда ҳам кўнглимда бир илинж бор эди. «Дунёда ҳақиқат бордир ахир, гуноҳим йўқ, чиқиб кетаман», деб ўйлардим. Вагонга чиққанимдан кейин ичим бўм-бўш бўлиб қолди. Тамом! Энди юртимга қайтиб келмайман. Тупурдим адолатга ҳам, ҳақиқатга ҳам! Ҳаммадан, ўша Сталиндан ҳам, Бериядан ҳам қўлимни ювиб, қўлтиққа урдим. Шунда бир ҳақиқатни аниқ англадим. «Халқ душмани» деб қамалганлар ғирт тўхматга йўлиққан. Ҳаммаси ёлгон, бўҳтон!

Ҳаммаси тамом бўлди. Мени олиб кетишпти. Маҳбуслар вагонининг купеларидан эшиклар олиб ташланиб панжара ўрнатилган. Худди ҳайвонот боғидаги ваҳший ҳайвонлар сақланадиган қафаснинг ўзи.

Уйлайман. Нима гуноҳ қилган эдим? Шундай ҳақоратларга арзийдиган бирон жиноят қилган-мидим?

Терговда уйқу бермасди. Фақат битта гап: «Ўзинг айт». «Ўзинг айтсанг, гуноҳинг энгиллашади»...

Шу бўҳтонлардан қутулсам бас, деб ўзимга-ўзим тўхмат қилдим. Йўқ «гуноҳларим»ни бўйнимга олдим. Албатта, терговчи бу гапларни кимга ва қачон айтгандинг, деб сўрарди.

Шунда мен ўлганига ўн-ўн беш йил бўлиб кетган танишларимни айтардим. Шу гапни айтганимга икки йил, ё уч йил бўлди, дейман. Терговчи айтганларимни ёзиб боради. Менга имзо чектиради. Умидим суддан. Суд пайтида мен бу гапларни айтган пайтимда бунақа одамлар бўлмагани, аллақачон ўлиб кетган экани аниқ бўлади, деб умид қилгандим. Мен кутган суд бўлмади. На прокурорни кўрдим, на судни, на оқловчини.

Вагонга босишганида мендан олдин қамалиб, отилиб, йўқ бўлиб кетган машҳур одамлар ҳаёлимдан ўтди. Демак, улар ҳам худди мендек судсиз йўқ қилиб юборилган.

Туғилиб ўсган, қанча қувончу ғамларимга гувоҳ бўлган кадрдон шахримдан олиб кетишяпти. Камдан-кам одамга насиб қилади, бу йўллардан қайтиб келиш!

Битта купега йигирма тўққиз кишини тиқишди. Бировнинг оёғи бировнинг бошига тегиб турирди. Бировнинг қопи бировнинг биқинида... Ҳаво етишмайди. Қўлимизда кишан!

Уткир Ҳошимов. Кишан?

Саид Аҳмад. Кишан! Ҳинг деганга жўн кишан эмас, фашистлар ишлатган немис кишанини уради. Униси антиқа нарса! Аристоннинг бир қўлини қўлтиғи остидан, иккинчисини елкаси оша орқага тортади-да, шу алпозда «немисча» кишан уради. Одам бу аҳволда узоқ туролмайди, икки қўлини икки ёққа тортишга мажбур бўлади. Қўли қимирлаган сайин кишан суякни қиса бошлайди. Унга сари баттар типирчилайди, типирчилаган сайин кишан ҳалқаси суякни ғажийверади...

Бир неча кун юриб, Шимолий Қозоғистоннинг Петропавловск шаҳрига бордик. Ким қайси лагерга бориши шу переселенный пунктда маълум бўлди. Мени Жезқазғонга жўнатдилар. Айтмоқчи, шу ерда бир рус киши менга жуда бешафқат, жуда аччиқ бир ҳақиқатни тушунтирди. «Ун йилга кесилдим, демак, роса ўн йилдан кейин қутулиб чиқаман, деб умид қилма. Кун санама. Ушанда ўзингга яхши бўлади. Особое совешение қарори билан қамалган одамнинг оқланиши оғир. Тўққиз йил ўн бир ой ўтганидан кейин арзиман баҳона топиб, сенга яна ўн йил ёпиштириб қўйишлари ҳеч гап эмас. Шунини унутмагинки, сен «халқ душмани»сан».

Терговчи, сени ўт ўсмайдиған жойга суртун қиламан, деганида билиб гапирган экан. Ҳаммаёқ қип-қизил чўл. Баҳор пайти атроф кўм-кўк бўлиб кетади. Аммо бу — ўт эмас. Қорлар эригандан кейин мис маъдани билан тўйинган тупроқ кўкариб кетади. Унда-бунда йилт этган кўкат кўринадию, аёвсиз офтобда дарров қовжираб қолади. Лагерь бошлиғи Козлов деган одам билан гаплашганим эсимдан чиқмайди.

— Менинг гуноҳим йўқ, гражданин начальник, судсиз ҳукм қилишди, ҳеч қандай жиноят қилган эмасман,— дедим.

Бошлиқ кулди:

— Нима, сенинг жиноят қилишингни кутиб ўтириш керакмиди? Сенлар томонда Сирдарё оқадими?

— Оқади.

— Темир йўл ўтган кўприги ҳам борми?

— Бор.

— Ана! Бордию сен кўпоровчилар группаси билан ўша кўприкни портлатиб юборсанг, биласанми, давлат неча миллион сўм зарар кўрган бўларди? Унда кўра лагерда юрганинг яхши-да! Битта сен ўлганинг билан давлат ҳеч нима йўқотмайди. Кўприк портласа, ана у даҳшат.

Ана мантиқ!

Лагерьда ашадди каллақесарлар билан таниқли олимлар, бендерачи, власовчилар билан немис концлагеридан қочиб, партизанлар орасида жанг қилган ва охир оқибат қамочка тушган фидойи фронтвиклар, ўғрилар билан собиқ давлат арбоблари, Туркистон легионида хизмат қилганлар билан бир бўлак шоколад учун немис варақасини ёпиштирган, Болтиқбўйи республикасида олиб келинган ўсмир болалар — ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Каллақесарлар «сиёсий душманлар»ни мазаҳ қилади. «Ҳа, интеллигентлар, Ватан хоинлари, аҳволинг қалай?»

Эрталаб аристонларни беш киши-беш кишидан қилиб сафга тизади. Соқчи баланд овозда бақиради: «Сафдан икки қадам ўннга, икки қадам чапга чиқиш — қочиш ҳисобланади. Огоҳлан-тирмасдан отиб ташланади!» Саф мис конига йўл олади. Икки томонда соқчилар, атрофида ит айланиб юради. Мис конида ишлаш оғир. Упка соб бўлади. Улиб қолганларни олиб чиқиб кетаётганларида соқчилар ҳар эҳтимолга қарши мурданинг уч-тўрт жойига найза санчиб кўради. (Алдаётган бўлмасин тагин!)

Қишда бараклардан бирига ўт тушди. Кимдир пайтавасини қуритиш учун печка ёнига ёйиб қўйган бўлса керак. Саҳар палласи эди. Барак устидан қулфлаб қўйилган. Мен ҳовлида эдим. Назоратчиға уввало ялинаман, қани эшикни очса! «Начальник рухсат бермагунча очмайман», дейди. «Ахир, икки юзта одам ёниб битади-ку», десам, парво қилмайди. «Икки юзта бош, тўрт юзта қўл, тўрт юзта оёқ ҳисобга тўғри келса бас. Уликми, тирикми, менга фарқи йўқ». Хайрият, начальник буйруқ бериб, баракни очиб юборишди.

Уткир Ҳошимов. Саид Аҳмад ака! В. Шаламовнинг «Қолима ҳикоялари» туркумида лагерь ҳаётининг даҳшатлари тасвирланган. Ёзувчи ўша туркумга ёзган сўзбошисиди «Бу ҳаётни тасвирлаш учун юзта Солженицин қамлик қилади», деб айтган. Чиндан ҳам бу мавзу адабиётда жуда оз ёриланган. Солженициннинг «Иван Денисовичнинг бир куни» қиссаси, А. Рибаконинг «Арбат фарзандлари» романи, қисман «53-йилнинг совуқ ёзи» фильмида шундай тасвир бор. Солженициннинг «ГУЛаг архипелаги» романи бизда босилмаган. Чет элда бу романи роса кўтар-кўтар қилишди. Асарни ўқимаганимиз учун бир нарса дейиш қийин. Аммо романинг номида жуда аччиқ кино бор. Бутун мамлакат Главное управление лагерей (Қамоқхоналар Бош бошқармасининг) лагерлари билан тўлиб кетган, бутун бир архипелагга айланган эди, деган маъно ётибди... Нима бўлганда ҳам тарихимизда шундай булутли кунлар рўй бергани рост. Уни ўзимизнинг қаламқашлар ҳалол ва холис тасвирламаса, муҳолифларимиз баттарроқ дўмбира қилаверади.

Саид Аҳмад. Бунақа асарлар ўша пайтдаёқ яратилган. Бизда эмас, чет элда... Орамизда қардош мамлакатларнинг коммунистлари ҳам бор эди. (Улар ҳам жосус деб қамалган). Ушалар Англияда чиққан «Темир парда» деган фильм ҳақида гапиришарди. Фильм фонида «Широка

страна моя родная» деган машхур қўшиқ янграб туради. «Где так вольно дышит человек» («Ҳеч ерда инсон биздагичалик эркин нафас ололмайд») деган пайтда кўмир қонида қон туфуриб ишлаётган арстонлар, «Человек проходит как хозяин» («Инсон бизнинг юртда хужайин каби эркин юради») деганда соқчилару итлар қуршовида ишга кетаётган маҳбуслар кўрсатилар экан. Ҳа, мамлакатимизни бутун дунё олдида шарманда қилишга ўша замондаги кўрқув салтанати сабаб бўлди... Шубҳасиз, биз бунни тушунардик. Аммо тилини тишлашга мажбур эдик. Ҳар бир баракнинг ўз «сексот»лари (секретний сотрудник) бўларди. Бугун айтган эҳтиёсизроқ гапинг эртага назоратчига етиб бориши ҳеч гап эмас. Бошлиқлар ора-чора «аҳвол сўраб» туради. Бригадада ишлайдиган маҳбусларни навбатма-навбат кабинетида қабул қилади, ҳар бири билан икки минутдан гаплашади. «Ишлар қалай, шикоят йўқми?» «Сексот» шу икки минут ичида ким нима деганини айтиб улгуради.

Бир жиҳатдан мен омадли эканман. Расм чизишим иш берди. Лагердаги стендларни безатаман. Бир сменада қайси бригада қанча руда қазиб, қанча портлатгани, қанча тош ташиганини ҳисоблайман... Ҳаммадан аввал туриб пекарний (нонвойхона)дан бир курак чўғ олиб келаман. Консерва банкага қора мой тўлдириб, чўғда эритаман. «Художник, бошла!» деб буюради назоратчи. Маҳбуслар қатор бўлиб келади. Уларнинг эғнидаги ўчиб кетган номерларни тўрт жойга — курагига, кўкрагига, шимининг ёнбошига, шапкасига қайтадан ёзаман. Одамнинг пашшалчилик қадрини йўқ. Бир бурда нон учун биров бировни сўйиши мумкин. Ҳунари — ассенизатор бўлган ёшгина йигит бор эди. Унинг вазифаси тўлиб кетган ҳожатхонадаги нажасни аравага ортиб ташиш эди. Тушлик пайтида ошхонага кириб келади. Ҳаммаёғи ифлос. «Қани, қайси бирингни ўпай?» дейди. Ҳамма бир ёққа қочиб, йўл бўшатади. Кўпроқ овқат сузиб беришади.

Уткир Ҳошимов. Шундай шароитда ҳам инсонлик қиёфасини сақлаб қолганлар бўлгандир ахир. Ҳайвон одамга айлана олмаганидек, одам ҳам бутунлай ҳайвонга айланиб кетмайди-ку!

Сайд Аҳмад. Албатта! Номер ёзаётганимда маҳбуслар илтимос қилишарди. «Чиройли қилиб ёз, художник, аккуратний ёз!» Баъзилари хотинининг сарғайиб кетган фотосуратини олиб келади. «Мана шуни чиройли қилиб ишлаб берсанг, темаки оласан». Хотинининг суратига қараб расм чизаман. Чиройли қилиб. Лабларини қизилга бўяйман. Бўйнига маржон тақаман... Берия отилиб маҳбусларга оиласи билан учрашишга руҳсат текканида менга расм ишлатиб, эвазига дурустроқ овқат сузиб берадиган ошпаз роса сўкани эсимдан чиқмайди. «Художник бўлмай ўл! Кеча хотиним келди. Сен чизган расмга ҳеч ўхшамайди, кампир бўпқопти!» Йигирма йил ичида хотини кампир бўлмай қиз бўлсинми?

Одамлар уйини, бола-чақасини соғингани учун баъзилар баракда мусича, ўзининг овқатидан оз-оз бериб мушук боқар эди. Бир гал биттасининг мушуги болалади. Улгудек пес бир назоратчи бўларди. Еттига мушук болани қопга солиб чиқиб, нонвойхонанинг ланғиллаб турган оловига улоқтиргани эсимда. Зиёлинома бир одам унга қараб: «Тфу, сен одам эмас, садистсан!» деди. «Садист» деган сўзнинг маъносини ўшанда биринчи марта тушунганман.

Тағин бир воқеа эсимдан чиқмайди. Апрель ойи бўлса керак. Зонанинг тиканли сими орқасида битта лола очилган экан. Муддатини ўтаб бўлишига бир ой қолган сурхондарёлик йигит чидаб туролмади шекилли, югуриб борди. Сим орасидан қўл чўзиб энди лолани узмоқчи эди, вишкада турган соқчи уни қочмоқчи деб ўйлаб, отиб қўйди...

Ҳаётда фожиа ҳам, кулгу ҳам аралаш бўлади. «Премблюд» («Премияльные блюда») деган гап бор эди. Планини ошириб бажарган одам битта пончик (бўғирсоқ) мукофот оларди. Бир куни қарасам, соддароқ бир йигит барак соясида пончик ушлаб ўтирибди.

— Емайсизми, ахир? — десам ўтирибди.

— Ака, худо хоҳласа уйга борсам, хотинимга би-ир қозон пиримбулут пиштириб, тўйиб ейман-да!

Бу шароитда яшаш зиёлиларга оғир эди. Кўпчилигига «сиёсий душман»ликдан ташқари «миллатчи» деган оғир гуноҳ ҳам ёпиштирилган.

Уткир Ҳошимов. Улуғ Октябрь инқилобининг тўфонлари шиддатли бўлди. Шубҳасиз, инқилобга қарши курашган ашадий душманлар, ғирт миллатчилар зиёлилар орасида ҳам бўлган. Бироқ революция моҳиятини дарҳол тушуниб етмаганлар ҳам оз эмас эди. Ва бу ҳам табиий ҳол эди. Дастлабки пайтда ижодида ҳаётдан нолиш, миллатчилик руҳи сезилган (Чўлпон ва Фитратнинг баъзи асарларига ўхшаб) қаламкашлар мамлакатдаги ҳамма адабиётда ҳам бўлган. Истеъдодли қаламкашлар орадан кўп ўтмай ленинча позицияга ўтган. Аммо уларнинг кўпига фақат бир томонлама — «душман» деб, «миллатчи» деб қараш яқин-яқинларгача давом этиб келди. Устига-устак совет мактабида ўқиб таълим олган, пионер, комсомол, коммунистик партия сафида ўсиб-улғайган айрим зиёлиларни «миллатчи» деган ваҳимали гап билан кўрқитиш ҳоллари кечаги кунгача ҳам йўқ эмас эди. 70-йилларда ёш шоир она тили ҳақида шەър ёзиб область газеталаридан бирида эълон қилади. Тирноқ тагидан кир излайдиган ваҳимачилар шёърга дарҳол «сиёсий тус» бериб, ёш шоирни «миллатчи» сифатида муҳокама қилдилар.

Ахир Расул Гамзатовнинг ҳам шундай шеъри бор-ку, дейди ёш шоир. «Хоҳласак ўша Гамзатовингни ҳам муҳокама қилиб жазолаймиз», дейишади. Қойил! Шаҳар миқёсидаги амалдорча жаҳон миқёсидаги шоирни жазоламоқчи! Қўйиб берсангиз, чўпонга эшак минишни ўргатадиган «билимдон»лар шунақалардан чиқади. Улар, модомики амалии борми, ҳамма нарса ни ҳаммадан яхши биламан, деб ўйлайди. Гамзатовнинг «Доғистоним» асари мамлакатдаги деярли ҳамма тилларда эълон қилинди. Бизда эса «Гулистон» журналида ярмиси чиққан жойида тўхтатиб қўйилди. Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» шеърдан ҳам иллат излашди. Қизик, нега бир халқ шоирни ўз тили, ўз халқи билан фахрланиши мумкин, иккинчи бир халқ вакилининг бунга ҳаққи йўқ? Ижодга, ижодкорга бундай «маъмурий» ҳукмронлик қилиш фақат одамларни камситибгина қолмайди, халқлар дўстлигига раҳна солади. Бундай услубда ишлайдиганлар интернационализмни дoston қилади, аслида уларнинг ўзи интернационализм душмани. Чунки бир халқни улуглаш ҳисобига иккинчи халқни камситиш ҳеч қачон яхшиликка олиб бормади. СССР Ёзувчилар союзи пленумида шу гаплар рўй-рост айтилди. Аслида бу ҳам ўша кўрқув салтанатининг садоси эканлиги аён. Партия XXVII съезди миллий ифтихор туйғусига ҳурмат билан

қараш кераклигини таъкидлади. Миллий ўзига хослик билан миллатчиликни аралаштириб юбормаслик керак.

Саид Аҳмад. У пайтларда бунақа фикрларни айтиш у ёқда турсин, ўйлашга ҳам кўрқар эди одам. Лагердагиларнинг Сталинга муносабати ёмон эди. 50-йилларга келиб ноҳақ азоб чекаётганлар анча нарсани тушуниб етган эди. Лагердаги «сиёсий» маъбуслар орасида қилча ҳам айби йўқлигини баён қилиб Сталинга хат ёзганларнинг биронтаси «дохий» муруввати билан озодликка чиққанини кўрганим йўқ.

Ўткир Ҳошимов. Саид Аҳмад ака! Яқинда автобус беқатида шу мавзуда катта баҳс бўлди. Бир чеккада қулоқ солиб турдим у бу анчайин жўн масала эмаслигини тушундим. Баҳс узоқ давом этди. Одамлар қизишиб, бақириб гаплашар эди.

«Сталин халқлар отаси эмас, халқлар жаллоди эди!»

«Бекор гап. Сталин қаттиққўллик қилмаса, ҳозир сен немиснинг кўлида қул бўлиб юрардинг!»

«Сталин колхоз тузаман деб қишлоқ хўжалигини расво қилди. Энг тажрибали деҳқонларни қулоқ деб Сибирга сургун қилди, колхоз тажрибасиз, ландовур, дангасалар кўлида қолди».

«Урушдан кейин ҳар йили арзончилик бўлгани эсингиздан чиқдими? Ҳамма нарса мўл-кўл эди».

«Сенинг шаҳрингда шундай бўлса бўлгандир. Қишлоқда одамлар очидан ўлган».

«Немис Москва остонасига келганида Сталин қочмаган. Ватан учун ўз ўғлидан воз кечган».

Шунда ўзим кўрган фильмлар, ўқиган китобларим эсимга тушди. «Тавба-тазарру» фильми, А. Рибаконинг «Арбат фарзандлари», Д. Граниннинг «Зубр», В. Дудинцевнинг «Оқ либос» асарларида шахсга сиғинишнинг фожиали оқибатлари турли томондан кўрсатилган. Марҳум адиб А. Бекнинг «Эртаси куни» романида эса (асар анча аввал ёзилган, аммо босилмаган) Сталиннинг ёшлиги тасвирланади. У ўзига Коба (Казбегининг «Подаркуш» романидаги адолатпарвар, жасур қаҳрамон йигит номи) лақабини олганлиги, чиндан ҳам жасур йигит бўлгани, аммо феълда шахсиятпарастлик, ҳокимиятга интилиш ёшлигиданоқ кучли бўлганлиги, бу йўлда ҳар қандай қинғир йўлдан тоймаслиги, шафқатсизлиги ҳужжатлар асосида ёзилган. Шунга қарамай, Сталиннинг Улуғ Ватан урушидаги хизматини барибир тан олиш керак шекилли. Лекин бу палладаги айрим чалкашлиklar ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Академик А. Самойлов 1942 йил 28 июль куни чиққан «Бир қадам ҳам орқага чекинилмасин!» деган буйруқ бир жиҳатдан тўғри бўлгани, иккинчи жиҳатдан эса талай қисмларнинг маневр қилолмай беҳуда қирилиб кетганини айтади.

А. Самсонов 1941 йил 16 август куни чиққан 270-буйруқ билан асирга тушганларнинг ҳаммаси Ватан хоини деб эълон қилиниши фожиали оқибатларга олиб келгани, уларнинг ўзигина эмас, бола-чақаси ҳам репрессияга учрагани ўтакетган адолатсизлик бўлганини ёзади.

Хуллас, булар — мураккаб масалалар. Ҳарқалай, бундай фожиалар учун ёлғиз Сталинни айблаш тўғри бўлмас керак. Атрофдагиларнинг ҳам улуши бўлгандир? Баъзан ўйлаб қолади, одам. Балки сталинизмни замоннинг ўзи яратгандир. Агар бу Сталин бўлмаса бошқа Сталин бошқачароқ кўринишда пайдо бўлармиди... Билмадим...

Бундан ташқари яна бир андишани айтмасам бўлмайди. Бизнинг авлод ҳам «халқлар отаси»ни гўдаклигимиздан улуғлаб ўрганганмиз. Сталин ўлганида бешинчи синфда ўқирдим. Ийғлаб шеър ёзганим эсимда. Ҳозир кўп ҳақиқатлар очиларди. Хоҳлаймизми-йўқми, инсон психикаси турғун бўлади. Сталиннинг улуғ дохийлигига шак келтирмайдиган, бу одам ҳақида бирон оғиз танқидий сўз эшитса ранжийдиган одамлар оз эмас. Шаққоклик қилаётган бўлсам, узр сўрайман. Бу — менинг шахсий фикрим, тақдор айтаман, ҳарқалай Сталиннинг Улуғ Ватан урушидаги хизматларини камситиш инсофдан бўлмас керак. Эслаб кўринг: немис Москва остонасига келиб қолганида «Сталин Москвадан жилмади!» деган ширнинг ўзи минглаб жангчиларга руҳ бергани ёлғон эмас. Беихтиёр асирликка тушиб қолган ўғлининг жонидан азбаройи принцип учун воз кечгани (қаҳр билан бир қарашда инсоний муносабат бобида тағига етиш анчайин мушкул бўлган принципиалликнинг аралашиб кетишини қаранг: асирга тушганлар ҳаммаси — Ватан хоини дейиш ноинсофлик, лекин шу йўлда ҳатто ўз жигарбандидан ҳам воз кечиш ғалати) буларни бирёқлама баҳолаш мушкул.

Техрон конференциясидан кейин эса АҚШда атом қуроли яратилгани ҳақида Трумэн тантана қилиб гапирганда Сталин рақибларидан руҳан устун келгани ҳам факт. Бундан ташқари бу одамнинг ортиқча ҳашамларсиз яшагани, ўзидан кейин мамлакат раҳбари бўлган айрим кишиларга ўхшаб кўксига қўша-қўша олтин юлдузлар тақмагани, бироқ айнаи замонда бурятиялик Энгельсина деган қизалоқни кўлида кўтариб турган сурати бутун дунёга дoston бўлганию, «болаларнинг энг яқин дўсти» деган унвонга сазовор бўлатуриб, айнан шу қизачанинг отасини «халқ душмани» сифатида оттиргани, онасини ўлдиргани, қизалоқнинг ўзини эса сургун қилгани, мамлакат газеталарида ҳар куни Сталин сурати босилиб тургани ҳам факт. Дафъатан тушуниш қийин бўлган мураккаб тақдир, мураккаб шахс. Назаримда ҳар кимнинг савоб ва гуноҳини тарозига тортиб кўриш кераклигини, нима бўлганида ҳам бу ҳақда биз эмас, шахсга сиғиниш ўқубатларини ўз бошидан кечирган, ўз кўзи билан кўрганлар кўпроқ гапиргани маъқулга ўхшайди. Бу масалада сизларнинг авлод бизнинг авлодга нисбатан бир неча қарра ортиқ маънавий ҳуқуққа эга.

Саид Аҳмад. Сталиннинг савобидан гуноҳи — кўп. Баъзиларда НКВД органлари жаллодлик вазифасини бажарган, деган фикр бўлиши мумкин. Энди аён бўлдики, Сталин энг аввал ўзининг йуригига юрмайдиган чекистарни йўқ қилган. 1936—1937 йилларда 20 минг чекист қамалган. Кўпчилиги отилган. Бундай органларга салла сўраса, калла олиб келадиган бетайин ялтоқиларни бошлиқ қилиб қўйган. (Ежовдан тортиб Бериягача шундай кимсалар бўлган.) Шундай вазият туғилганки, бу одамга қарши боришга ҳатто унинг атрофидаги энг танқили кишиларнинг ҳам юраги бетламайдиган бўлиб қолган. Умумхалқ оқсоқоли Михаил Калининнинг хотини «халқ душмани» саналиб, қамоққа тикилгани, Калининдек Президентнинг кўлидан ҳеч нарса келмаганини эсла-санг, кўп нарса аён бўлади. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Сталин ўлган куни лагерда ўзига хос намоийш бўлди. Минглаб маъбусларни сафга тизиб, тикка турғазиб қўйди-да, «халқлар отаси»нинг вафот этгани ҳақидаги хабарни ўқий бошлади. Шунда сафдагилар ерга ўтириб ола бошлади. Назорат-

чилар сафнинг у бошига югуриб, одамларни ўрнидан турғазса, бу бошидагилар ўтириб олади. Бу — мотам митингига қарши исён эди.

«Ташқаридаги» ҳаётда эсаётган шабадалар лагерга ҳам етиб борди. Берия отилгандан кейин бараклар деразасидаги темир панжаралар олиб ташланди. «Особое совешание» қарори билан қамалган «сиёсий» маҳбусларга муносабат ўзгарди. «Особое совешание» деган ташкилот қонундан ташқари деб топилди. Судсиз, далилсиз ҳукм қилинган, «махсус кенгаш» қарори билан кесилганлар тегишли органларга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин, дейишди. Ҳар ҳафтада беш-олти киши озод қилинган ҳақида ҳаммани тўплаб, маълум қила бошладилар... Мен ҳам ариза ёздим.

1955 йил 18 мартга ўтар кечаси «сиёсий» туш кўрдим. («Сиёсий душман» «сиёсий» туш кўрса керак-да!) Баланд бир тепалик устида Ленин турганмиш. Ҳайкалми, деб бундай қарасам, йўқ, тирик эмиш. «Кетавер, кетавер», деб қўл силтабди. Уч-тўрт қадам юриб, тағин ўгирилиб қарабман. Ленин тағин қўл силтаб, кетавер, дебди.

Немис пленида бўлган Қори ака деган намозхон одам бор эди. Тушимни айтиб, таъбирини сўрадим.

— Иншолло ёруғликка чиққайсиз,— деди Қори ака.— Бу ердан кетсангиз бир шартим бор: кўрпангизни менга ташлаб кетасиз. Қалингина.

— Кўрпа сиздан айлансин! — дедим ҳовлиқиб.

Уша кун одатдагидек ҳаммани тўплаб, лагер бошлиғи эълон қилди:

— Маҳбус Ҳусанхўжаев, сиз озод бўлдингиз!

Қарахт бўлиб қолдим. Қулоғимга ишонмайман.

— Уртоқ Ҳусанхўжаев, десангиз ишонаман! — дедим энтикиб.

— Уртоқ Ҳусанхўжаев,— деди лагер бошлиғи.— Сиз озодсиз. Лагерь маъмурияти номидан ҳалол меҳнатингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман.

Қарағандан поездга чиқиш машаққат бўлди. Озодликка чиққан минглаб кишилар поезд кутяпти. Чу станциясига амаллаб етиб олдим. Бу ерда собиқ маҳбуслар ундан ҳам кўп. Сибирдан тахта олиб келаётган ўзбекларни кўриб қолдим. Ушаларнинг вагонига чиқиб олдим. Бир ҳафтада Ташкентга етиб келдим. Қарасам, вокзалда опам, Саидахон, жиянларим кутиб турибди. (Қаердан хабар топишганини кейин билдим. Ҳозирги машҳур рассом Четкаукас мен билан лагерда бирга ётган эди. Уша йигит телеграмма юборган экан).

Уйга етиб борганимизда ойим мени эшикдан эмас, девор ошириб туширди. (Нега бундай ирим қилганини билмайман.) Шундай қилиб, беш йил деганда уйимга қайтиб келдим. Ёзувчилар союзи-га Абдулла Қаҳҳор раис экан. «Муштум» журналига ишга жойлади.

Андижонга бориб Саидахон билан қайтадан тўй қилдик.

Жон-жаҳдм билан ҳикоялар ёза бошладим. Ҳикояларимни радиода пайдар-пай эълон қилиб борган Жонрид Абдуллахоновдан, киностудиядан таржима учун сценарийлар берган Маннон Ғанидан ҳамон миннатдорман. Тўғри, минбарга чиқиб «бу мунча кўп ёзаяпти», деб висирлаганлар ҳам бўлди... Бахиллик қилганлар ҳам топилди...

Уткир Ҳошимов. Шошманг, оқсоқол! Мана энди, муҳим бир нуқтага етиб келдик. Сталин айбдор деймиз. Берия — жаллод деймиз. Уларнинг атрофидагиларда гуноҳ кўп деймиз. Тўғри! Лекин бу жиноятларда салла ол деса, калла олган ҳамкасблар ҳам иштирок этган-ку! Уз жонини асраш учун бошқаларни қурбон қилганлар-чи? Тухматчилар, чакимчилар-чи? Ичиқорлар-чи?! Бу фожияларда истеедодли ҳамкасбларини йўқ қилиб, шу билан ўзи танҳо қолишни ўйлаганлар асосий айбдорлардан бири эмасми? Майли, Сиз-ку ҳали танилмаган ёш қаламкаш бўлгансиз. Аммо Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат (бу икки ижодкорнинг баъзи асарларидаги ғоявий хатолардан қатъий назар), Шайхзода, Миртемир сингари эл меҳрини қозонган шоир ва ёзувчиларнинг номи қораланишида ғаразгўйларнинг айби йўқми? Улар азбаройи ҳасад ўтида ёнганлигидан шундай қилмаганмикин?

Мана, Сотти Ҳусайннинг гаплари... «Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» билан ўтказиб келган муддаосини яхшилаб кийинтириб... сўз устида кўп ишлаб, синфий вазифасини бажарган... Икки-уч исканжа таҳлиласида турган шаҳар майда буржуазия синфи учун бирдан бир қурол — сўз эди. Ҳаяжонли, мулойим, шафқатли, «хोलисона» уста сўзларига бино қўйдилар. Шунинг учун бадиий лафз (тил) майда буржуазия учун энг қулай қурол бўлмишидир. Бундай сўз унга жуда муддаолик (тенденциозний) бўлиб, сўз орқали ижтимоий-синфий ташвиқотчилик билан овора бўладир...»

Гап қаёққа қараб кетаётганини сезяпсизми? Кўнглингизга келмасин-ку, Саид Аҳмад ака, тил маҳорати бобида, мана олтимиш йилдан ошдики, биронта ўзбек ёзувчиси «Ўтган кунлар» даражасига кўтарила олганимиз йўқ. Сотти Ҳусайн эса Қодирийнинг энг зўр фазилатидан қусур излаяпти. Тили билан одамларни чалғитиб, синфий душманлик қилди, демоқчи. Дейлик, шахсан Сталин унинг пешонасига тўппонча ўқталиб, айнан шу гапларни ёзсан демагандир. Ахир, бу Қодирийни отишга ҳукмнома-ку! Мабодо Сотти Ҳусайн танқидчилик бобида инқилобий ўзгариш ясаб юборган даҳо бўлган тақдирда ҳам мана шу гаплари учун халқ қарғишига учрашга лойиқ эмасми? Ҳамкасбларига тухмат қилганлар ёзувчилару шоирлар орасида ҳам бўлгандир...

Саид Аҳмад. Бўлган. Фақат мен эмас, шубҳа билан қамоққа тушган талай ёзувчилару олимлар устидан «далил» тўплаб чақув уюштирганлар ҳам, йўқ ердан айб топиб характеристика ёзганлар ҳам, тухматдан иборат гувоҳлик берганлар ҳам бўлган. Баъзилари ҳалиям юрибди. Бир хиллари кўрққанидан шундай қилган, баъзилари ичиқоралиқдан... Уларнинг номини айтилаб айтмадим. (Қасос олгандек бўлмай). Лекин бир нарсани афсус билан айтишим керак. Ўзи халқ меҳрини қозонолмагани учун ичини ит тирнаб юрган ҳасадгўйлар ҳозир ҳам йўқ эмас. Худо кўрсатмасин, ўшандай замонлар қайтиб келса (қайтиб келмайди, энди партия бунга йўл қўймайди) таланти ёзувчиларга минг хил «сиёсий» айб тақаб, ўзи «машҳур» бўлиб қолишга интиладиганлар бугун ҳам урчиб кетиши мумкин. Улар бир нарсани ҳеч тан олгиси келмайди. Ёзувчини асари кўтаради. Қолгани ўткинчи гаплар.

Уткир Ҳошимов. Шунча азобдан кейин асар ёзиш оғир кечмадими? Ҳикоялар, қиссалар, «Уфқ», янги романгиз «Жимжитлик» ўз йўлига. «Келинлар кўзғолони»-чи? Шунча разолатларни бошдан кечириб, бундай хушчақчақ асар ёзиш...

Саид Аҳмад. Балки ўша ғам-қасофатни унутиш учун ҳам хушчақчақ нарсалар ёзгим келгандир. Чамамда мени иккита нарса қутқариб қолди. Биттаси ҳазил-ҳузилга ўчлигим. Юмор ҳиссининг кучлилиги. Иккинчиси шуки, жуда кам ухлайман. Доим тетик бўлишга ҳаракат қиламан.

Уткир Ҳошимов. Тилимнинг учида турган тағин бир нарсани сўрашим керак. Бошига савдо тушган ёки ўзи қамалмаган тақдирда ҳам давр фожиасини кўрсатишни қаламкашлик бурчи санаган талай адиблар қачон чиқиш-чиқмаслигини ўйлаб ўтирмай бу ҳақда яхши ясарлар ёзиб қолдирган экан. Афсуски, бизда бундай китоблар деярли ёзилмаган. Мана, сизнинг ўзингиз...

Саид Аҳмад. Ёзиш уёқда турсин, «тақиқланган адабиётни асрагани учун» қамоққа тиқилган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолади. Тўғри, Хрущёв пайтида яхши ўзгаришлар бошланди. Ушанда ёзишга бир шайландим. Кейин тағин ҳаммаси «босди-босди» бўлди. Энди ёруғликка чиққанда нима кераги бор, деб ўйладим. Ёзганим билан барибир чиқмайди, дедим. (Уша пайтда чиқмасди ҳам.) Қўлёзмани қаерга яшираман, деган ҳаёлга бордим. (Умуман бу ҳолатни бошига тушган одам билади.) Ҳарқалай, қисматимдан нолисам, айб бўлади. «Халқ душмани» эдим, «Халқлар дўстлиги» ордени беришди. Халқ ёзувчиси бўлдим.

Уткир Ҳошимов. Саид Аҳмад ака! Сўхбатимизда нима деган бўлсангиз, ҳаммасини батафсил, ўзимдан бирон сўз қўшмасдан, қоғозга туширишга ваъда бераман. Аммо тағин бир гапни айтишим керак. Ақл ўргатяпти деб ўйламангу, менимча бу воқеаларни барибир ўзингиз асар қилиб ёзишингиз керак, шекилли. Мана шу сўхбатимизнинг, ўзида жуда ҳаяжонли романни кўриб турибман. Ақалли қисса ёки туркум ҳикоялар...

Саид Аҳмад. Ўзинг ҳам ёзувчисан-ку, укам. Наҳот бир нарсани тушунмасанг. Гапириб бериш бошқа, асар ёзиш бошқа. Ёзиш учун ҳаммасини юракдан ўтказиш керак. Ҳис қилиш керак. Юрак кўтармайди, юрак тамом бўлган, укам, асаб чидамайди. Тушунинглар ахир...

1988 йил.



Убай Аминов

МУРУВВАТЛИ ҲАМЗА

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ватандоши ва уруғларидан бўлмиш Убай Аминов у ҳақда янги бир эсдалик — қисса ёзди. Шу асардан кичик парчани эълон қилаётимиз.

1924 йилда тарқалган тепкили терлама эпидемияси кўпчилик қатори бизнинг оилага ҳам ўз чангалини солиб, бир ой ичида ота-онамизни олиб кетди. Мадрасадаги ўқишни ташлаб, Шўро зиёлилари қаторига кириб кетгани учун мутаассиб дадам томонидан уйдан ҳайдалган акам Файзулла билан бирга Ҳамза Ҳакимзода ҳам ота-онамизнинг дафн маросимига етиб келган эди.

Укам Сайфулла 8 ёшда, синглим Назокат 12 ёшда, мен 14 ёшда эдим. Ҳаммамиз акамнинг қарамоғида қолдик.

Марҳум ота-онамга бағишланган биринчи маърака ўтказилгандан сўнг Ҳамза Ҳакимзода қариндошларимизни тўплаб, акамни маҳалла комиссиясидан бир вакил олиб келишга буюрди. Вакил келгач:

— Уртоқлар! Мирза Файзулладан ташқари яна учта етим бола қолди. Бу сағирларнинг вояга етишига талай вақт бор. Шунинг учун уй ашёларини, назарга илингулик буюмларни ва отинбибимизнинг зеб-зийнатларини рўйхатга олиб қўйишимиз лозим, сағирлар вояга етганда керак бўлади, — деб, ўзи бош бўлган ҳолда ҳамма ишни қондаси билан бажо келтирди.

Кечкурун, овқатланиб бўлганимиздан кейин, Ҳамза тоға гап бошлади:

— Мирза Файзулла! Дадангиз руҳоний бўлса ҳам унинг йўлидан бормадингиз. Менинг маслаҳатим билан таълим-тарбия курсини битириб, Ҳазратлик қишлоғида янги мактаб очиб муаллимлик қилиб турибсиз. Фаолиятингиздан хабардорман. Қўқон маориф шўъбасининг раҳбарлари ишингиздан мамнунликларини айтишди. Энди учта укангизга оталик қилиш, уларни тарбиялаш сизнинг зиммангизга тушди. Бошингизни иккита қилиш масаласини ўйлаш керак. Хўш, ўзингиз нима дейсиз?

Акам хаёл суриб қолди.

— Оғзингизда талқон борми, нега индамайсиз? — яна сўради Ҳамза тоға.

Акам беихтиёр дўпписини қўлига олиб, яна кийди. Пешонасини қашлаб туриб, мийғида бир кулди-да:

— Раҳматлик дадам имомлик қилиб турган мачитнинг сўфиси қизини менга бермоқчи эди. Онам ҳам «Ўғлим, сенга лойиқ қиз» деб тўй ҳаракатига тушиб қолгандилар. Лекин мен янги Шўро мантабига муаллим бўлиб кетдим ушбу бузилди. Сўфиси қурғур «калта дум Файзуллага берадиган қизим йўқ» дебди. Қариндош-уруғларимиз мени уйлантириш маслаҳатларини қилиб туришибди-ю, икки ўлим бошига тушган хонадонда бир йил ўтмай туриб тўй қилиш тўғри келармикан, деган мулоҳаза бошимизни қотириб қўйди, — жавоб қилди акам.

— Ҳақиқатан, — гапини давом эттирди Ҳамза тоға, — бу жиддий масала, лекин сизнинг бошингизга тушган мусибатли кунларга ўхшаган дамларда шарият йўл қўйган воқеалар кўп бўлган. Сизга фатво олиб бериш қўлимдан келса керак. Энди масаланинг бошқа томонига ўтайлик. Дадангиз билан бизниқига қатнаб юрган чоғингизда жияним Анорхонни кўп кўргансиз. Ачахон опам ва яқинда вафот этган раҳматлик дадам сизни ёқтиришларини биламан. Қариндошларингиз совчи бўлиб боргудек бўлишса, қизини кўндириш ҳам қўлимдан келади. Чунки у онасидан жудо бўлиб, мен ва Ачахон холасига таяниб қолган. Шу ҳақда сизнинг фикрингизни билсам бўладими?

— Анорхонни яхши биламан, истараси иссиққина, исми жисмига монанд қиз. Қани энди, юлдузимиз тўғри келса-ю... — деб акам гапини яна давом эттирмоқчи бўлиб турганда Ҳамзахоно тоға сўз қотди:

— Гапингизни оғзингиздан оламан. Қариндош-уруғларингиз билан маслаҳатлашайлик, агар бир фикрга келиб қолсақ, ишни пайсалга солмай тўй ҳаракатини тезлаштирайлик. Тўйнинг каттасини кейинроққа қолдириб, ҳозиргисини карнай-сурнайсиз энгилроқ қилиб ўтказамиз.

Гапга Мунисхон холам аралашди.

— Эртагаёқ Анорхонни сўраб совчиликка борганим бўлсин! — деди холам...

Ичкари-ташқарили ҳовлимиз 40 кунгача ҳеш-акраболар билан тўлган эди. Ота-онамизнинг қирқини ўтказганимиздан сўнг қариндошларимизнинг кўпи уй-уйларига кетишди. Хайҳотдай ҳовлида тўрт етим қолдик. Синглим Назокат сочларини ғижимлаб йиғлашдан тинмасди. Тун-кун Файзулла акамиз бизларни овунтириш билан овора эди.

Орадан кўп вақт ўтмай, акам Анорхонга уйланди. Ортиқча даҳмазасиз ўтган никоҳ тўйига Ҳамзанинг ўзи бошчилик қилди. У эзгу тилаклар баён этиб, сўзининг охирида шундай деган эди:

— Ҳурматли куёвимиз Мирза Файзулла билан суюкли жияним Анорхон! Сизлар уч етимга ҳам ота, ҳам она бўлдиларинг. Уларнинг бошини силаб вояга етказишни ҳам фарз, ҳам қарз деб билинглар. Етимнинг етти отаси бор, дейди доно халқимиз. Шуларнинг бири сифатида ёрдам кўлини чўзишга доим тайёрман...

Анорхон ая кутганимиздан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Ўз онамиз гўё тирилиб келгандек, уйимиз яна нурга тўлди.

Бизга тутинган тоға бўлиб қолган Ҳамза Ҳакимзода етимпарварлигини намён этиб, моддий ва маънавий ёрдам бериб турди. Саккиз яшар укам Сайфуллани эса Ҳамзахон тоға ўз тасаруфига олган эди.

Маҳалламиздаги етим қолган тенгдошларимнинг баъзилари интернатда тарбияланаётганларини кўриб ҳавас қилардим. «Мен ҳам болалар уйда ўқини истайман», деб акамга тинчлик бермасдим. Бу гаплардан хабардор бўлган Ҳамзахон тоға акам билан бамаслаҳат, бир вақтлар ўзи мудир бўлиб ишлаган 1-болалар уйига мени жойлаштирди. Менга эргашган синглим Назокат ҳам IV-қизлар интернатида тарбиялана бошлади.

Биз — етимларнинг бошимизни силаб мурувват кўрсатаётган Ҳамза Ҳакимзода насиҳатни ҳам қанда қилмасди.

— Уқишда ва меҳнатда тартиб-интизомли бўлинглар, ёмонлардан йироқ, яхшиларга яқинроқ юринглар, агар аъло ўқисаларинг сизларни Тошкентдаги билим юртига ўзим жойлаштириб қўяман, — дер эди у.

* * *

Кўқоннинг илк Шўро зиёлилари сафидан жой олган акам мирза Файзулла Анорхонга уйлангач, Ҳамза бизларга тутинган тоға бўлиб қолди.

Фарғонага яқин — отаси туғилиб ўсган гўзал манзарали Аввал қишлоғида истиқомат қила бошлаган Ҳамзадан хабар олгани борган акам Файзулла Кўқонга қайтгач, ўз таассуротлари ҳақида куйидигиларни сўзлаб берган эди:

— Ҳамзахон аканинг илҳоми булоқдек қайнаб, хотин-қизларимизнинг ўтмишдаги аянчли аҳволи ҳақида анча таъсирчан асарлар яратибдилар. Ўзбек аёлларининг озодлигига бағишланган шеърларини ўқидим. Улариям қишлоқ меҳнаткашларининг маслаҳатгўйи бўлиб, тинимсиз ишляптилар, ободончилик ва маданий-маориф соҳаларида ҳам бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар. Ҳамзахон акага Ачахон опалари ва Анорхон жиянларидан саломнома топшириб, меҳмон бўлишга таклиф қилдим. Келгуси жума қизингиз Назокатхоннинг туғилган кунини нишонлаймиз деган эдим, «албатта, бораман» дедилар. (Синглим Назокатни Ҳамза «қизим» деб атардилар).

1927 йил, февраль ойининг охиригиз жума куни. Синглим Назокат интернатда аъло баҳолар билан ўқиб турганлигини ва туғилган кунини нишонлаш учун Анорхон ая оилавий йиғин ташкил қилган эди. Бу воқеадан хабардор бўлган Ҳамзахон тоға ва опаси Ачахон ая совға-салом билан бизниқига ташриф буюришди-ю, оилавий ўтиришимизга ажиб бир руҳ киргандек бўлди. Писта, бодом, новот, ширмой нон билан тўлган тугунни Анорхон аямга узатган Ҳамза тоға чиройли тагдўзи дўппини кўйнидан олди-да, Назокатга кийгизди. Табриклар, пешонасидан ўпиб кўйди. Кейин хотин-қизлар озодлигига бағишлаб ёзган шеърларидан ўқиб берди. Гап орасида:

— Улуғ Октябрь инқилобининг озодбахш шуъласи аёлларимизни зулматдан зиёга чиқарадиган бўлди, — деб Файзулла акамга никоҳ ташлади-да, сўзида давом этди, — Хотин-қизларнинг халқаро байрами — 8 март яқин қолди. Аёлларимизни хурофот асоратларидан озод қилиб, мактабларга ва жамоат ишларига жалб этиш биз — зиёлиларнинг долзарб вазифаси эканлигини яхши биласиз, мирза Файзулла. Бу ҳақда 1926 йили сентябрь ойида бўлиб ўтган Ўрта Осиё хотин-қизлар кенгаши «Хужум» кампаниясини шу йил 8 Мартдан бошлашга қарор қилган. — Шундай дея у тапакасидан «Янги Фарғона» газетасини олди. — Мана, ВКП(б) Ўрта Осиё бюросининг 1927 йил 31 январдаги Мурожаати босилган. Бу Мурожаатномада «Хотин-қизларнинг Совет давлатини бошқариш ва халқ хўжалигини юксалтириш ишида меҳнаткаш эркеклар билан бир сафда туриши учун кураш партиянинг асосий вазифаларидандир» деб таъкидлаган. Кўриб турибсиз, масала жуда муҳим. Аммо бизнинг маҳаллий шароитда бу масъул вазифани бажариш енгил бўлмайди. Маданий инқилобнинг асосий поғоналаридан бири бўлган «Хужум» кампаниясини ўтказиш учун зўр тайёргарлик кўришимиз керак. Бу ҳақда шаҳарда яқинда бўлиб ўтган ўқитувчилар мажлисида мукамалроқ гапирганман. Бизнинг «Тароқчилик» маҳалламизда Ачахон опам биринчи бўлиб паранжиларини ташлайдилар. Жияним Анорхон ҳам 8 март куни паранжисини ўтга улоқтирмоқчи эканлигини эшитиб беҳад хурсанд бўлдим.

Гапга Файзулла аралашди:

— Бизнинг Чинорлик мачит маҳалласида тузилган «Хужум» комиссиясига мени раис қилиб сайлашди. Комсомол активларини атрофимга тўплаб, талай ишларни амалга оширялмиз. 8 март байраминга тайёргарлигимиз катта. Анорхон ва Назокат ҳам хотин-қизлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борадиган бўлишди.

— Жуда яхши, суръатни бўшаштирмай эҳтиёткорлик билан ишлаш керак, — деб дастурхонга фотиҳа қилди Ҳамза тоға.

Қўллик ва асирлик занжирини улоқтириб, янги ҳаёт сари қадам ташлаган Назокатнинг жасурлиги қариндош-уруғларимиз ўртасидагина эмас, маҳаллада ҳам анча шов-шувга сабаб бўлди.

Амаки ва тоғаларимиз, амма ва ходаларимиз акам Файзуллани ўртага олиб: «Бу қандай беъманигарчилик, бўйига етган синглингизнинг юзини очиб шарманда қилмоқчимиз?! Эл ўртасида эътиборли имом бўлган падари бузрукворингизнинг арвоқларидан кўрқмайсизми? Э

Назокатни ўз ҳолига қўйинг, уни ўзимиз тарбиялаб оламиз. Уни безори болалар уйида (интернат дейишмоқчи) тарбияланишига йўл қўймаймиз», деб жанжал қилишди.

Юнусжон тоғанинг жиғи-бийрони чиқиб, Файзуллага мушт ўқталиб, дўқ-пўписа ҳам қилди, лекин акам бўш келмади. Коммунистга хос матонат билан янги, ёрқин ҳаёт йўлидаги ғовларга барҳам бериб, курашни давом эттираверди. Айниқса, эндигина қулоч отган «Ҳужум» шиори яшин тезлигида ёйилиб, паранжи ташлаш оммавий тус олиши натижасида бу ҳаракатга қарши чиқувчилар беғуноҳ аёлларимизнинг қонини ҳам тўқдилар. Аммо, пировардида, улар енгилган эдилар.

* * *

1927 йили кўқонлик аёллардан биринчи қалдирғоч бўлиб 5 нафар қиз ўқиш учун Тошкентга жўнатиладиган бўлиб қолганда Назокат ҳам шулар сафидан жой олди. IV-қизлар интернатида тарбияланиб турган Назокатга Ҳамза тоға шаҳар маориф шўъбасидан йўлланма олиб берган эди.

Назокатни Тошкентга жўнатиш арафасида оилавий йиғин ташкил этилди. Бу кўнгилли маросимда Ҳамза тоға ҳам бор эди. У қўйин чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб, ёнига Назокатни қақирди:

— Асал қизим, бу шеърни сен ва Анорхон жиянимга атаб ёздим, олиб қўй, эсдалик учун ўқиб юрарсан, — деб уни Назокатга узатди.

Бизлар Назокатдан шеърни ўқиб бер, деб илтимос қилдик. Шеърни ўзича пичирлаб ўқиб турган Назокат қизларга хос уятчанлик билан кулумсираб ҳаммамизга бир-бир кўз ташлаб олди-да, мароқ билан ўқишга киришди:

**«Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни, ҳар томон плришон қил.
Мақтаб, анжуман боргил, унда фикр очиб гоҳи,
Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил».**

Назокат нафасини бир оз ростлаб олгач, шеърнинг қолган қисмини ҳам ўқиб тамомлади ва Ҳамзага таъзим қилди.

Назокатнинг шеър ўқиш маҳоратидан завқланган Ҳамза тоға:

— Интернат директорининг айтганича бор, Назокат бадий ҳаваскорлар тўғарагида фаол қатнашиб, декламация қилишга уста бўлиб қолибди, яша қизим, умрингдан барака топ. Бундан кейин ҳам бўш келма. Эрта-индин Тошкент шаҳрининг илму фан даргоҳларидан бирида таълим олишга киришасан. Билиб қўй, қунт қилиб ўқиш билан бирга ўқиш ҳам керак. Сен боадаб, ахлоқли қизсан. Шунинг учун ҳам интернат мудири Тошкентга бориб ўқишинга розилик билдирди. Энди буёғи ўзингга боғлиқ, — деб Назокатнинг пешонасидан ўпиб қўйди.

Орадан 2 кун ўтгач Назокатга оқ йўл тилаб, поездгача кузатдик.

— Назокатхон қизим, ўзингни эҳтиёт қил. Кам-кўстинг бўлса бизга хат ёз, — деб хайрлашди Анорхон ая.

Тошкент ипакчилик техникумида таҳсил ола бошлаган Назокат синглимининг қувончи бир олам эди...

Нуриддин Бобохўжаев

ҲАМЗА ВА ТИЛ МАҲОРАТИ

(«Бой ила хизматчи» драмаси мисолида)

«Бой ила хизматчи» драмаси яқин етмиш йилки, иттифоқимиз театр репертуарларини бойи-тади, дунё экранларида намоиш қилинади, қардош халқларнинг сеvimли спектакллари сифатида кадр топди. Чунки унда ҳақ билан ноҳақлик, адолат билан зўравонлик, ростгўйлик билан бўҳтон, самимият билан тилғғламалик, ҳаллоллик билан ғаразгўйлик, садоқат билан ҳирс, зиё билан зулмат ўртасидаги жиддий кураш ифодаланди. Курашнинг бундай кўринишлари ва хиллари дунё миқёсида ҳали тинганича йўқ. Ҳали Шарқнинг мазлум мамлакатларида, Ғарбнинг капиталистик оламида тенгсизлик, бой-феодаллик зулми, ишсизлик, саводсизлик ҳукм суриб турибди. Худди мана шу эркпарвар халқлар тақдири нуқтаи назаридан ҳам, айрим кишилар онгида қолган сарқитларга қарши кураш жиҳатидан ҳам асарнинг ҳозирги қиммати, тарбиявий аҳамияти, таъсир кучи сусайгани йўқ.

Асарда ўн бешдан ортиқ образлар иштирок этади. Буларнинг ҳар бири ҳар хил савияда, ҳар хил қарашда. Бири пулдор бўлгани учун ўзини осмоннинг устуни деб билади, бири фақат ҳамёнини қаппайтириш учун амални сотиб олган шахс, бири оламни ҳам, хўжайинларини ҳам ўзидай ҳалол деб билиб, кейинчалик кўзи очилган курашчи, яна биттаси тенгсиз, адолатсиз турмушга лаънатлар ўқиб, заҳар ичишни афзал кўрган беғуноҳ аёл. Бу хил типлар характери уларнинг нутқлари, монологлари, курашдан диалоглари орқали ёрқинлашади, индивидуаллик касб этади...

Солихбой кўпгина бойларга хос кибрли, катта завод хўжайини. Қанча-қанча қароллар, чурилар, от-арава унинг хизматида. Йирик савдогар, бой. Давр тақозосига кўра, тасбеҳ тутади. Динга, диндорларга суянади. Суянади-ю, керак бўлса, динни ишга солади, диндорларга ўз ҳукмини ўтказади, ўз хоҳишига кўра уларнинг иш юритишини талаб қилади. Булар унинг жуда кўп буржуазия бойларига хос типик кўриниш ва хислатлари. Нутқи, гапириш оҳанглари, кесатиқ ва писандалари унинг ана шу характерларига хос қурилган. У раҳми келганидан, саховатпешалигидан Ғофирни уйлантиргани йўқ. Ғофир йигирма йиллик қарол эди. Ҳатто қароллик ота мерос унга («Отамнинг бели шу бойнинг хонадонига дол бўлди!» — Ғофир). Шу йиллар ичи қилган хизматларининг ўндан бирини сарфлаганда ҳам Ғофир эмас, бойнинг ўзи қарздор бўлиши керак эди. Ғофирнинг Жамила билан бўлган никоҳи бой томонидан қўйилган умрлик тузоқ эди. Тўйдан кейинги ҳисоб-китобда бойнинг мўлтонилиги шундоқ сезилади.

Тўй харажатларини бир неча ҳисса ошириб айтилганидан чўчиган Ғофирни бой жеркиб ташлайди, унга қилган дўқ-пўписаларида ҳам киборлиги билиниб туради: «!Олсам сендай гадодан юламанми? Сенларга яхшилик қилганининг ўзи аҳмоқ! Кўрнамак, ит феъл!» Бу жумлалар, ундаги ички ва ташқи тон (оҳанг) ўз суҳбатдошини назар-писанд қилмаслик, аччиқ кесатиқ ва заҳарханда мазмунини беради.

Мўлтонилигини ниқоблаб айтилган бу силтовлардан юмшаган хизматкорининг жавобидан сўнг оталарча муомала қилади, юпатишга ўтади, ўзини ғоят яқин туттади: «Сен ўғлимсан, хотининг келиним!»

Асарда ҳар бир образ мавқе, характери, психикаси, дунёқарashi ва теварак атрофга муносабати оҳисталик ёхуд шиддатли тус олган диалоглар орқали ифода этилади. Узбек адабиёти тарихида драматик жанрнинг тараққий этмагани, бу соҳада ҳали ижодий тажрибанинг камлигини эътиборга олсак, Ҳамзанинг диалог қуришдаги туғма истеъдоди олмосдай яна ҳам тиниқ кўринади.

Бой онаси билан суҳбатлашади. Суҳбат давомида Ҳожи она ўғлининг диққатнамо кўринишини Гулбаҳорнинг ўлимига тутилган мотам деб билади: «Ҳа, мунча? Отанг ўлганда ҳам бу хилда аза тутганинг йўқ эдику? Худо урди-кетди!» Аслида «хотин кўп, пули бор хотин олаверади». Гулбаҳорнинг даҳшатли ўлими (тўғрироғи — исёни!) уни заррача азоблаётгани йўқ! Балки яна бошқага уйланиш режаси ўйлантириб қўйган эди. Шу пайт дилидагисини онасига тўқиб солиши, узоқ гапириши, «ишқий надоматларини айтиши мумкин эди, аммо Ҳамза унга бу хил монолог бермайди, қисқа гапиртиради-қўяди: «Ўзим уч-тўрт кундан буён ланжман». Кўринадики, бой онасига ички сирини айтишни истамайди, онанинг сўзи анча малол келаётганини, суҳбатни чўзишни хоҳламаётганини билади. Ахир, онаси «мияси суйилган кампир». Автор ички монологни ишга солади, бойнинг онасига айтмаган сирини томошабинларга етказди: «Бир яланг оёқдан хотин тортиб олишга қурби айтишни истамайди, онанинг сўзи анча малол келаётганини, суҳбатни чўзишни хоҳламаётганини билади. Ахир, онаси «мияси суйилган кампир». Автор ички монологни ишга солади, бойнинг онасига айтмаган сирини томошабинларга етказди: «Бир яланг оёқдан хотин тортиб олишга қурби етмаган бойни бой деб бўладими! Йўқ, мен бир ишни қиламан дедимми, қиламан!» Ҳатто шарият пешволари ҳам у чалган чилдирмага ўйнашлари шарт. Уларга бой бўлганлиги учун ҳам ниқтаб-ниқтаб гапирди, аччиқ таъналарга ўтади: «Бирингизни қози, бирингизни имом, бирингизни элликбоши қилиб топган фойдам шу бўлдими? Энди менинг ёғлик ошимнинг, берган пул, ёрдамларимнинг натижаси шуми?!» Бора-бора улар билан бўлган мунозаравий диалогда Солихбойнинг яна ҳам

ҳам асосли тасдиқланади. «У ёқ, бу ёқни йиғиштириб қўй, тагин оғзи эски қопдай очилиб кетмасин» (Пошшойим). «Бир жаҳли чиққандан кейин пешоналари саночдай тиришиб кетади жодугарнинг» (Хонзода). «Пешонаси буришган, худо билан уришган, оғзида битта ҳам тиши йўқ» (Холмат). Бу таърифлар Ҳожи онанинг характери тасдиқлайди, қиёфасига ҳам бўёқ беради, киши эсида қолади.

Драмада, айниқса ички монологлар таъсирчанлиги персонаж фикрининг барқарорлигини кўрсатишда, теварак-атроф, келажак ҳақидаги ўйлари ни ёрқин ифодалашда катта аҳамиятга молик. Жамила, Гулбаҳор, Холмат ҳам камбағал синф вакиллари. Уларнинг ҳар хил ҳолатлардан, кураш, ҳаракатлардан туғилажак кечинмалари, ички мулоҳазалари ғоят табиий ва уйғунлиги билан томошабинни (ўқувчини) асир этади. Драматург уларнинг ҳар бирини жой-жойига қўйиб гапиртирадики, кечинмалар гирдобига ташлайдики, натижада асар қаҳрамонларининг чуқур психологик драматизми ёрқин, тўла ва мукаммал очилади, Гулбаҳор саҳнада атиги икки бор кўринадиган персонаж. Кенг маънодаги умумлашган образ ҳам эмас. Аммо бу образ орқали ўша давр гулбаҳорлари биографиясининг бир лавҳаси берилган. Мана шу бир лавҳадаги ички монологни тинглаган томошабиннинг қалби ларзага келмай иложли йўқ.

Холмат бир жиҳатдан қўли қисқа, ёши ўтиб, армонда юрган камбағал. Чиркин муҳит уни Хонзода билан яқинлаштиради, иккинчидан у анойи эмас: бой ва камбағални, ҳақ ва ноҳақни фарқлай олади. Бир жиҳатдан, қувноқ, иккинчидан, жиддий. Сиртдан бой хонадонининг кишиси, зимдан эса камбағаллар тарафида. Ундаги бундай хислатлар ана шу ички монолог, мулоҳаза монологларида ифодаланади. Жамиланинг Гулбаҳор ҳақида айтган ёки заҳар ичган пайтидаги нутқ-монологларини кўздан кечиринг. Ҳар бир сўз, ҳар битта жумлага берилган мантиқий урғу, изтиробий оҳанг ўтмишга чексиз нафрат тамғасини босмайди!

Персонажларнинг индивидуал сифатларини ҳам Ҳамза ҳар бир характернинг ўз сўзидан, оҳангидан келтириб чиқаради. Масалан, Холмат ҳам юмористик, ҳам киноявий гапирса, Ғофирда жиддиятлилик устун; Хонзода оҳангидега ғазаб, кин, Жамилада барқарорлик, қатъийлик, Гулбаҳорда эса мунг, ўта мискин — пушмаймонлик ҳоким... Қозикалон, домла-имомлар ўз муҳити, мавқеига муносиб гап қурадилар, архаик сўз ва жаргонларни қўллайдилар, айна пайтда ўзларини ўзлари фош этиб қўядилар.

ҚОДИРҚУЛ: Қани, домла, Зокирга икки энлик хат ёзинг.

ИМОМ. Бизнинг хатимиз андак бадхатроқмикин-а, домла!

ҚОЗИ. Ёзинг, тақсир, ёзинг!

ИМОМ. Эшон мирза қайдалар?


ҚОДИРҚУЛ. Майли, ёзаверинг! Ишқилиб, бир қора чизиқ бўлса бўлди-да!

ИМОМ. (уялиб). Йўғе, жуда ҳам бўлмағур-да. Бўлмаса бажонидил эдику-я!

(Бўйнига олиб). Тўғрисини айтсак, хатимиз йўқ ҳисоб-да!

«Бой ила хизматчи»нинг тили хусусида фикр юритганда кундошлар можаросини беришдаги автор услубига хос ички бир ижодий имкониятни таъкидлаш жоиздир. Кундошлик ўтмишдаги аёллар умрини эговловчи ўта қабоҳатдир. Ҳар хил фаҳш, ахлоқсизлик, таназзулона турмуш, ҳатто зимдан бир-бирига қотиллик даражасига етиш ана шу иллат туғдирган рашиқдир. Кундошлик ва рашиқ иккиюзламаликни, мунофиқликни авж олдиради. Сиртдан қараганда ўта опоқ-чапоқ, сирдош кўринган Хонзода ва Пошшойим зимдан бир-бирига ўта ёв, бир-бирига қалтис душман. Булар жуда ошкор даҳанаки жангга киришмайдилар, орқаворатдан тош отиб, отилган тош орқали ҳатто бир-бирларига ўлим тилашгача тайёрдирлар. Бунақа ҳолни драматик лавҳаларда кўрсатиш ёзувчидан алоҳида иқтидор ва услуб талаб қилади. Ижодий уфқи кенг Ҳамза бу ўринда хизматкор қиз Мастонни объект, восита қилиб олади. Ғуноҳсиз, мусичадай увол бу қиз икки чўғ орасида қолади, икки томон ҳам уни ёндиради, жижғанақ қилади. Аслида эса Мастонга тақалган ҳар бир айбнома («Нимага мени ҳа деб эрмак қиляпсан?» «Нимага қийшиқ оғзингни ирвайтириб куляпсан, сўйлоқ»), ҳақорат ва камсатишлар («Етимча, етти кулча!») икки кундошнинг Мастон орқали бир-бирларига қарши отган тошлари эди! Характер босқичидаги ўзгариш бир зўмда алмашинади ва икки кундош орасидаги юзакилик, носамимийлик уларнинг кейинги суҳбатларида давом этадики, бунда ҳам автор қаҳрамонлар психикасига мос, муҳит ва шароит тақозоси билан келиб чиқадиган фикрлар мажмуаси сифатида жумла қуради, персонажлар тилининг ўзига хослигига эришади.

Хуллас, «Бой ила хизматчи» драмаси она тилимизнинг ғоят нафис ва бойлигини намойиш этувчи, типиклашган ва индивидуаллашган образ яратишдаги санъаткор маҳоратини кўз-кўз қила олувчи шоҳ асардир. Ундаги эпитет ва мажозларга тўла нутқ оборотлари, мақол ва маталлардан ташкил топган образли ифодалар, ҳар битта сўз ва жумла зиммасидаги мантиқий урғу ва оҳанг асарнинг умрбоқийлигини таъминлайдиган, ёзувчининг тилдан фойдаланишдаги маҳоратини улғувчи фазилатдир.



Очил Тоғаев

ДАРДНИНГ ДАВОСИ БОРМИ?

(Публицистикада факт ва ҳодиса)

Ҳар бир илмий-адабий ижод замирида воқелик материални умумлаштириш хусусияти муҷассамлашган. Фактлар ҳаётда, аёнки, тарқоқ ҳолда учрайди. Фактларни мавзу, моҳиятига кўра умумлаштириш ҳаёт ҳодисасини, яъни инсоний, ижтимоий ҳақиқатни изчил, муқаммал очишга ёрдам беради. Фактлардан ҳодисага, ундан моҳиятга — бадий публицистикада умумлаштиришнинг асосий йўналишини шундай ифодалаш мумкин.

Ҳодиса нима? Езма нутқда «воқеа-ҳодисалар» деган иборага дуч келамиз. Шу туфайли ҳодисани биз воқеа билан бир хил ёки айнан маънодош, деб англашга одатланганмиз. Ҳодиса арабча сўз бўлиб, янги пайдо бўлган, кейин юзага чиққан, юз берган маъноларини англабди. Шу билан бирга, ҳодиса анча кенг фалсафий маънога эга. Фактлар ҳаёт ҳақиқати нишонаси бўлса, ҳодиса яхлитлашган ҳақиқат. «Моҳият воқеа бўлади, ҳодиса моҳиятнинг ҳосиласидир», дейди Гегель. Моҳият илдиз бўлса, ҳодиса унинг зуҳур этиши, воқеа бўлишидир. Моҳиятни ҳодиса орқали англаймиз.

Моҳиятан бир хил йўналишдаги фактлар гуруҳи муайян ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий ҳодисани вужудга келтиради. Масалан, ноннинг сифатсиз пиширилаётганлиги яқка-ярим учраса, бу — тасодифий юз берган факт. Бироқ, бутун қишлоқ, район ёки кўп миллионли пойтахт шаҳарда ноннинг сифатсиз пиширилаётганлиги содир бўлса, бу энди ўз ички қонуниятига эга бўлган ҳодисадир. Ижтимоий ҳаёт ҳаракатига, умумхалқ турмуш тарзига салбий таъсир кўрсата бошлаган бундай ҳодисага нисбатан зарур сиёсий, маъмурий, маънавий чора-тадбирлар курилади... Яқинда социалистик мамлакатлардан бирида ноннинг сифатсиз пиширилаётганлиги муносабати билан махсус қарор қабул қилинди.

Ҳодиса ҳаётда умумлашган ҳолда амал қилувчи моҳиятнинг ташқи ифодасидир. Ҳодиса ранг-баранг кўринишларга эга бўлиб, унинг барча белгилари рўй-рост аниқланиб, бир-бири билан узвий боғлиқ равишда тадқиқ этилганда моҳият ҳақиқати тўла ва муқаммал рўёбга чиқарилади. Пахта етиштиришда турли химикатларнинг қўлланилиши моҳият бўлса, ғўза зараркунандалари, турли ҳашоратлар ҳамда ўсимлик касалликларининг йўқ қилинганлиги, ғўзанинг барваж ривожланиши, ҳосилнинг баракали бўлиши, ғўза баргининг тез қавраб тўкилиши, машина теримининг муваффақиятли амалга оширилиши ҳодисадир.

Ҳодиса белгиларидан бирортаси аниқланмай қолса ёки чуқур очилмаса, моҳият ҳақида юзак ёки бирёқлама тушунчага эга бўламиз. Шунингдек, моҳият қотма ҳақиқат эмас, у доимо ҳаракатда бўлиб, ҳаёт таъсирида янги хусусиятларга эга бўлиши, манфидан мусбатга ёки аксинча ўзгариши ҳам мумкин. Юқорида қайд этганимиз химикатларнинг ғўзага қўлланилиши ҳодисаси моҳиятнинг ҳаётга ижобий таъсирини кўрсатувчи белгилардир. Заҳарли химикатларнинг пахтачиликда қўлланиши мўл ҳосил етиштириш, уни барвақт йиғиштириб олиш гаровидир.

Олимлар, журналистлар, медицина ходимлари химикатлардан заҳарланиш воқеалари, унинг таъсирида келиб чиқадиган турли-туман касалликларни, табиат ва жамиятда содир бўлган бошқа ўзгаришларни, яъни моҳиятнинг ҳаётга таъсирини янги жиҳатларини ўзаро алоқада чуқур ўрганиш асосида заҳарли химикатларнинг кенг қўлланиши инсон ҳаётига, тирик организмларга зарарли офат эканини, шунингдек, заҳарли химикатлар ер таркибига, пахта толасига, пахтадан тайёрландиган озиқ-овқат маҳсулотларига зиён етказиши мумкинлигини аниқладилар.

Юқоридигилардан аёнки, заҳарли химикатларнинг қўлланиши ҳодисаси ҳақида дастлабки тушунча билан кифояланиб қолганимизда моҳият ҳақиқати бирёқлама ёки ярим-ёрти очилган бўлиб, унинг ҳаётга манфий таъсирини аниқлаш ва унга чек қўйиш мумкин бўлмас эди.

Шундай қилиб, мусбат ва манфий омиллар тўғри ва муқаммал аниқланган, моҳият ҳақида жамоатчилик тўла ва ҳаққоний тушунчага эга бўлди. Моҳиятнинг жамият манфаатларига фойдали мусбат хусусияти ҳимоя қилиниб, ривожлантирилган ҳолда унинг ҳаётга манфий таъсирини қарши кураш бошланди. Энг заҳарли бутифос химикатини ғўзага қўллаш тақиқланди. Ҳозирги вақтда пахтачиликда бутифос ўрнида қўлланилаётган химикатларнинг ҳаётга, тирик организмга таъсири ҳақида эл орасида, матбуотда турли қарама-қарши фикрлар пайдо бўлмоқда. А. Минкиннинг «Заҳри қотил» («Огонёк» журнали, 1988, 13-сон), мақоласида бутифос ўрнида қўлланилаётган янги химикатнинг тирик организмга зарари мисоллар асосида исботланса, Ю. Кружилани «Кимнинг устидан куляпсиз?» («Правда Востока», 1988, 16 ноябрь) мақоласида унга қарши фикр баён этиди. Ҳозирги вақтда қўлланиётган химикатнинг зарари бошқа бир қанча материалларда ҳам қайд этилади. Таниқли шоира Гулчеҳра Нуруллаева журналистика факультети «Журналист» ўқув газетасига берган интервьюсида (1988 йил, 29 ноябрь) янги химикатлардан заҳарланган кишилар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси редакциясига келганликлари, уларнинг шикоятлари газетада босиб чиқарил-

маганлигини афсусланиш билан қайд этади. Масала, бу ҳодисани янада чуқур ўрганиб, туб моҳият-ни ҳаққоний аниқлашдир.

Ҳодисани тўғри ва мукаммал аниқлашда объектив ва субъектив омиллар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Турғунлик йилларида, аёнки ч а л а х а қ и қ а т принципи ҳукм сурарди. Воқеа ва ҳодисаларнинг фақат ижобий жиҳати қайд этилиб, моҳиятнинг манфий хусусияти халқдан пинҳон тутилди. Пахтачиликда қўлланилаётган заҳарли химикатларнинг манфий жиҳатлари турғунлик йилларида ҳам маълум эди. Бироқ, ҳодисанинг фақат ижобий жиҳати матбуотда зўр бериб ташвиқ этилди, унинг табиатга, инсонга зарарини ошқор этиш расмий тақиқланган эди. Чала ҳақиқат принципи жамият тараққиётига, совет халқига жуда катта иқтисодий, ижтимоий, маънавий зиён етказди. Турғунлик йилларида йирик сув омборлари, катта каналлар барпо этиш мислсиз ижтимоий жасорат сифатида тарғиб қилинди. Бу ҳайбарақаллачилик тадбирларининг ўша йилларда ошқор этиш манъ этилган манфий жиҳати охир-оқибатда Орол денгизи фожеасини келтириб чиқарди.

Вақтида аниқланмаган дард — ижтимоий-ахлоқий ўпирилишга олиб келади. Турғунлик йилларида без бўлиб қотган муаммолар янги даврда бирдан аралаш-қуралаш тарзда ҳаракатга келди. Факт, ҳодиса, муаммоларнинг фаол ҳаракати изчил ижтимоий тараққиёт гаровидир.

1. ОРИЯТМИ ЕКИ МАНФААТ!

Фактлар замиридаги ҳодиса чуқур очилган тақдирда публицистик сўз фаол ижтимоий фикр ўйғотади, сафарбарлик руҳи вужудга келади, сўз оммага кучли таъсир этиш, ҳаётни ўзгартириш хусусиятига эга бўлади. «Кундалик турмушимизда тоғни урса талқон қиладиган ёш, норғул йигитларни, минг афсуски, галантерея-атторлик моллари магазинларида, сув дўконларида, пул майдалайдиган туйнуқларда, гул ва сут дўконларида савдо қиладиганлигини ҳам учратамиз», — деб ёзади «Йигитнинг ори бўлсин» мақолаши муаллифи. — Ошхоналар, трестларда талай ёшлар йигитлик умрини изсиз ўтказаяётгани ҳеч кимга сир эмас.

Келтирилган мисолдан маълумки, мақолада жуда муҳим долзарб муаммо қаламга олинган. Публицист муаммони тадқиқ этиш қирраларини ҳам белгилайди. Ҳодисани қайд этгач, шундай саволлар қўяди: «қани йигитлик ғурури? Нега улар бу майда заифона ишларни бажаришдан ор қилмайдилар? Пул учунми? Тирикчиликнинг осон йўлини қидирибми? Нега вужудда туғён ураётган кучни, ғайрат-шижоатни шу қадар енгил-елпи ишлар учун сарф этадилар? Нега? Улар учун иш йўқми? Жасорат майдони камми?» Савдо системасида ишлаётган ёшлар областлар бўйича: Наманганда 51,08, Навоийда 45, Тошкентда 80, Самарқандда 70,3 фоизни ташкил этади, дейди публицист.

Ҳўш, бу муаммо қандай таҳлил этилган? Мақолада қўйилган саволларга баъмани ишонарли таҳлилий жавоб топилганми? Муаммони янги факт-далиллар асосида чуқурлаштириш, илдиларини очиш, ҳодисанинг ижтимоий, инсоний қиёфасини ёрқин, жонли гавдалантириш ўрнига автор ҳиссий сўз ва ибораларни қайта-қайта таъриф-тавсифлаш билан кифояланади. Ҳатто, савдо министрлигидан олинган юқоридаги статистик маълумот ҳам бадий-публицистик тадқиқ этилмайди.

Долзарб масалани эмоционал таъриф-тавсифлашни баъзи публицистларимиз, назаримда, публицистик маҳорат, деб англайдилар. Публицистик маҳоратнинг моддий негизини ҳаммавақт тадқиқот ташкил этади. Яхши ёзиш эҳтирос билан силлиқ ёзиш эмас, яхши фикрлашдир, деган эди таниқли публицист А. Аграновский.

1. Аввало «Йигитнинг ори бўлсин» публицистик мақоласида республикада заифона ишларда хизмат қиладиган забардаст йигитлар — 30 ёшгача бўлган эркаклар қандай моддий кучни ташкил этиши ҳақида газетхонда жонли ижтимоий тасаввур ҳосил қилиш лозим эди. Масалан, республика бўйича бундай кишилар тахминан 50 минг киши ҳисобланади, дейлик. Бу рақам, масалан, бешта йирик саноат заводидаги ишчилар сонига тенг. Бу заводлар йилига тахминан 1 миллиард сўм миқдориде маҳсулот ишлаб чиқаради, дейлик. Демак савдода тайёр маҳсулотни харидорларга сотиш, бошқача айтганда, тарқатиш билан шуғулланаётган эллик минг йигитни ишлаб чиқариш жабҳасига сафарбар этилса, республикамизда яна қўшимча равишда бир миллиард сўмлик маҳсулот яратилади.

Бундай йирик бунёдкор кучнинг бевосита ишлаб чиқариш соҳасидан четда қолиб келаётганлиги ж и н о я т и р. Бу ҳол ишчи кучларини расамади билан жойлаштириш масаласига бевосита дахлдор партия, совет бошқариш органларининг халқ хўжалигига номукамал раҳбарлиги оқибатидир. Демак, юқоридаги ҳодисани чуқур тадқиқ этиш халқ хўжалигига раҳбарликдаги номукамаллик, номутаносиблик муаммосини аниқлашга олиб келади.

2. Ҳодиса тадқиқи бу билан тугалланмайди, албатта. Чунки бир ҳодиса замирида бир неча муаммолар мужассамлашган бўлиши мумкин. Публицист мазкур мақолада завод ишчиси меҳнатининг шон-шарафи, обрў-эътибори ҳақида фикр юритади, ишчилар оиласи, сулоласидан мисоллар келтиради. Бу билан мазкур йигитларда виждон ўйғониши пайдо қилмоқчи бўлади. Афсуски, бу қуруқ панд-насихат ва қақариқлар мазкур ёшларга заррача таъсир этмаслиги ўз-ўзидан аён. Нега? Мақолага муносабат билдириб ёзилган хатлардан бирида ишчи оилага 400 сўм, рафиқаси 200 сўмдан маош олиб савдода ҳалол меҳнат қиладиганликларини маълум қилади. Савдода ишлаётган ўртача ходимнинг расмий маоши 100—150 сўмдан ошмайди. «Одамларни манфаатдорлик ҳаракатга келтиради», дейди К. Маркс. Нега забардаст ўспирин заводдаги 400 сўмдан савдодаги юз сўмлик маошни афзал кўради? Еки К. Маркснинг бу илмий тезиси янги даврда мувофиқ келмай қолдимикан?

Публицист ана шу саволнинг моҳиятини очмоғи керак эди. Бунинг учун савдодаги ёшлардан бир нечтаси саралаб танлаб олиниб, уларнинг турмуш тарзи текширишдан ўтказилади. Марказий универсал магазини газмол бўлими сотувчиси Ибодулланинг қўли-қўлига тегмайди. Газмолларни ўлчаш санъати замирида шунча илҳом-иштиёқ мужассамлашганига ҳайрон қоласиз. «Шоир бўл-е», — дейди уни диққат билан кузатиб турганлардан бири. Ибодулланинг илҳомбахш ҳаракати Абдулла Қаҳҳор публицистик қайд этган бир тарихий ривоятни эслатди менга. Регистон курилишида меҳнат қиладиганлар орасида бир кекса чолнинг руҳан бағоят тетик ҳаракати, бардам ишлаши одамларни ҳайратлантиради. Подшо кўрсатмаси билан текшириб кўрилганда чолнинг бел камари

остига тилла тангалар жойлаштирилгани маълум бўлади. Бойликнинг маънавий тиргагидан маҳрум бўлган чол тез орада ҳолсизланиб кучдан қолади.

Публицист Ибодулланинг турмушини ҳам шундай журналистик назоратдан ўтказди, дейлик. Тошкентнинг обод гўшасида мевали дарахтлар билан ўралган дангиллама ҳовли. Чиройли балиқлар ўйнаб юрган кўм-кўк мармар ҳовузи Қора денгизнинг бир нуқтасини эсга солади. Мачитдай қад кўтарган участка иморатнинг кенг ва узун дарвоза йўлида «Волга» ва «Жигули» енгил машиналари. Қўни-қўшинининг хуфия маълумотига қараганда Ибодулланинг шаҳардан ташқарида икки қаватли қошона чорбоғи қад кўтарган. Чорбоғда ҳар дам олиш қўни қўй сўйилиб, тонг отгунча ичкилик, базм.

Сабзавот дўконида хизмат қиладиган бошқа бир сертакаллуп мардакчанинг турмуш тарзи ҳам Ибодулланикидан асло кам эмас. Юз ёки юз эллик сўмлик қонуний маош билан шундай шоҳона турмуш кечириш мумкинми? Тафтишдан ўтказилган яна ўнлаб ёш савдо ходимларининг турмуш тарзи уларнинг хуфия меҳнатсиз даромад манбаига эга эканлигини тўла тасдиқлайди. Меҳнатсиз даромад — ўғирликдир. Меҳнатсиз даромад харидорлар ҳақидан уриб қолиш, кўшиб сотиш, серталаб ноёб молларни чайқовчиларга узатиш ва бошқа шу каби усуллардан ҳосил бўлади. Бу ёшлар ана шундай енгил пул топиш усулидан ихтиёрий воз кечиб, публицист тарғиб қиладиган завод-фабрикаларга ўтиб ишлайди, деб ишонасизми? Публицист ўз ташвиқотининг турмушга тадбиқ этилиши учун катта ташкилий-маъмурий чора-тадбирларни амалга ошириши зарурлиги ҳақида ўйлаб кўрдимики?

Хуллас, меҳнатсиз даромад манбаини қаттиқ фош этмай туриб публицист ташвиқоти моддий-эмоционал кучга эга бўлолмайди.

3. Заргарлик дўкони сотувчиси Раҳматжон келин-куёвларнинг қўлига тилла узукни, қулоғига жавҳар тошли тилла сирғани ўлчаб кўрсатиб, чек ёзиб беради, холос. Харидор пулни кассага тўлайди. Бундай топтоса енгил ишда хизмат қиладиганларга кўпгина ёшларнинг ҳаваси келади. Бирок, универмагнинг бирор оддий сотувчиси вазифасига, айниқса, тилла буюмлар дўконида ишга киришга уриниб кўринг-чи, ниятингиз амалга ошмаслигига амин бўласиз. Сабаб? Ишга янги қабул қилинадиган киши «кўзимизники» ва «бегона» деган махсус куриқдан ўтказилади. Биринчисига рухсат этилади, иккинчисига рад жавоби берилади.

Публицист ана шундай савдо тармоқларидан бир нечасини саралаб текшириб кўрганда у ерларда ишлаётганларнинг қарийб ҳаммаси қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик орқали бири-бирига ўзаро боғланган кишилар тўдаси эканлигига амин бўлади. Демак, забардаст йигитларнинг бундай заифона юмушларда ишлаб келаётганлигига яна бир сабаб **протекционизм** — қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик иллатидир.

Биз бу ҳодисанинг уч асосий томирини кўрсатдик. Ҳодисани тадқиқ этишни чуқурлаштириш яна бошқа йўналишларини ҳам юзага чиқариши мумкин. Юқоридаги уч сабаб «тоғни урса, талкон қиладиган» ёшларни заифона ишларга боғлаб турган уч қават занжир.

Жамиятдаги ҳар бир камчиликнинг негизда, аёнки, муайян гуруҳнинг манфаати мужассамлашган бўлади. Алексей Черниченко «Савдогар Сиддиқовнинг саргузаштлари» («Дружба народов» журнали, 1986, 8-сон, таржимаси «Ёшлик», 1986, 12-сон) деган очеркида савдодаги камчиликларни бартараф этиш учун уч йўл — манфаатдор гуруҳни куч билан зарарсизлантириш, гуруҳ фаолияти устидан қатъий маъмурий назорат ўрнатиш ва гуруҳ манфаатларини жамият манфаатларига мослаштиришни таклиф этади.

Забардаст ёшларни савдо системасидан ишлаб чиқариш соҳасига сафарбар этмоқ учун маъмурий-ташкилий тадбирлардан фойдаланмоқ керак. «Йигитнинг ори бўлсин» мақоласида савдода кадрлар номутаносиблиги муаммоси қайд этилган, холос. Ҳодисанинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий негизлари очилмаган. Бунинг бош сабаби публицистик тадқиқот-тафаккур маҳоратининг етишмаслигидир.

Кўпгина публицистик мақолаларимизда ю з а к и л и к — ҳаёт қатламларига чуқур киролмаслик, муаммони қайд этиш билан қифояланиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Бир мисол. «Чўллар тақдирини ўйлайман, беҳад» мақоласи долзарб мавзуга бағишланган. Ўзбекистонда яйловлар саҳни кескин камайиб, қўйчилик, йилқиччилик, туячилик хўжаликларига жиддий зарар етказилганлиги ҳақида мулоҳазалар баён қилинади. Бирок, мақолада муаммонинг моҳияти, сабаблари, истиқбол тадқиқ этилмаган. Журналист яйловлар ва чорвачиликка доир махсус манбааларни ҳам ўрганмаганлиги сезилиб турибди. Айниқроғи, журналистик машаққатли меҳнат ўқуви етишмайди.

Етук публицист ижодкорлар маҳорати бу жиҳатдан ибратлидир. Юқорида эслатганимиз А. Черниченконинг очеркни кўздан кечирамиз. Андижон шаҳридаги «Ёшлик» мактаб-магазин мудири Сиддиқовнинг фаолияти ўз области, Фарғона водийси ёки республикаимиз учун аҳамиятга эга факт-воқеа бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бирок, таниқли публицист бу фактни шундай чуқур тадқиқ этадики, у Бутуниттифоқ аҳамиятига эга ибратли ҳодисага айланади. Публицист аввало Сиддиқовнинг харидорларга хизмат кўрсатиш тажрибасини Бутуниттифоқ савдо муаммоси билан боғлайдиган нуқталарни излаб топади.

Сиддиқов ўз фаолиятининг бошиданоқ савдонини халққа энг кўп даражада яқинлаштириш, харидор вақтини тежаш йўлини тутди. Бу усулни у бутун фаолияти давомида тараққий эттириб боради. **Вақтни тежаш** проблемаси — қаҳрамон портретини очишда марказий йўналиш нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Конкрет тажриба таҳлилидан кенг кўламли умумлаштиришга ўтиш — публицистик услубнинг бу муҳим хусусияти портретнинг ижтимоий салмоғини оширган.

Савдода вақтни тежаш доимий муаммо бўлиб, К. Марксдан бошлаб кўплаб иқтисодчилар, олимларнинг диққатини жалб этиб келган. Иттифоқимизда ҳозирги вақтда савдода ишлаётган одамларнинг жами иш вақти бир йилда 11,6 миллиард одам соатни ташкил этса, одамларнинг харид вақти бир йилда 65 миллиард одам соатдан иборат, қарийб олти баравар кўпдир. Шу вақтнинг 80 фойизи озик-овқат харид қилишга кетади. 65 миллиард одам-соатнинг 40 фойизи бевосита савдо муаммосидан иборат бўлса, 60 фойизи зарур молларни излаш, навбатларда туришга кетган вақтдир. Буни одам фаолиятига тадбиқ этадиган бўлсак, ҳар йили йигирма миллион одам савдода фақат харидор бўлиб ишлайди, деган сўздир. Савдода ва қ т муаммосини ҳал этиш шунча одамни ижтимоий фойдали фаолият билан таъминлаш демакдир.

Хўш, бу муаммонинг амал қилаётганлигига кимлар айбдор? Публицист муаммонинг сабабларини кўрсатади. Тақчил молларга узун навбат — «дум» пайдо бўлади. Навбатбозлик ҳамиша савдо ходимлари манфаатига хизмат қилади. Пулдан, тарозидан уриш, ҳар хил ўтмас молларни тутқазиб юбориш ҳоллари рўй беради. Навбатбозлик кассирларга, айниқса, айрича руҳ пайдо қилади. Бунинг сабаби бор. Мутахассисларнинг қайд этишича, навбатбозлик кассирларнинг эгри даромадини 5—10 баравар ошириб юборади.

Демак, харидорлар вақтини тежаш — навбатларни камайтириш ва бошқа қулайликлар вужудга келтириш халққа фойда, бироқ савдо аҳли манфаатига зид. Сиддиков фаолияти ана шу конфликтли муаммони ҳал этиш йўлидаги жиддий қадамлардан бири. Очеркда Сиддиқов фаолияти мазкур муаммо юзасидан ҳар тарафлама чуқур ва атрофлича тўла тадқиқ этилади. Савдода беҳуда йўқотилаётган вақт ҳодиса сифатида таҳлилий умумлаштирилади. Жонли образ ва публицистик тадқиқот ўзаро яхлит бирикиб, воқеликнинг янги жиҳатини очади.

2. МАНСАБПАРАСТЛИК — ИЖТИМОЙ ИЛЛАТ

Халқ хўжалигига раҳбарлик масаласи, аёнки, бир қанча очеркларда, публицистик мақолаларда талқин этилган. Турғунлик йилларида колхоз раислари, совхоз директорлари ҳақида портрет очерклар қўзғориндек кўпайиб кетган эди. Бироқ, уларнинг қарийб ҳаммасида фактлар фақат ижобий нуқтаи назардан талқин этилар, қаҳрамонлар кўкларга кўтариб мадҳ этиларди. Ана шундай очерклар жамланган бир қанча «Қаҳрамоннома»ларда, сўнги тўпламлардан бири «Оқсоқоллар»да ҳам халқ хўжалигига раҳбарлик муаммоси ҳақида жиддий муҳокама юритиш, уни умумлаштиришга интилиш сезилмайди. Сабаб? Публицистикада муаммо конфликт-можаро демакдир. Раҳбарликка доир салбий ҳодисалар хусусида муҳокама юритиш турғунлик воқелиги ярасига тиф тегизиш бўлур эди. Оқибатда барча дардлар ичга уриб, бироқ каттали вазият вужудга келган эди.

Одил Ғафуров, Шукрулло, Саид Аҳмад, Уткир Ҳошимов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Муҳаммад Солиҳ, Мирза Кенжабоев, Дадаҳон Нурий, Нурали Қобул, Усмон Азимов ва бошқа адиблар турғунлик иллатларини публицистик тадқиқ этишда ижодий фаоллик кўрсатмоқдалар. «Авлодларга нима деймиз?» мақоласида Ҳ. Ҳошимов тараққиётимизга тўсиқ бўлиб келган талай муаммоларни ёзувчи нигоҳи билан синчков идрок этади. Орол денгизи фожиаси ва унинг келиб чиқиш сабаблари, сув омборлари ва каналлар қурилиши, пахта монокультурасининг салбий иқтисодий ва экологик оқибатлари, пахтакор меҳнати ва унга ҳақ тўлаш муаммолари, қишлоқ аҳолиси ҳаётидаги моддий таъгликнинг физиологик ва маънавий оқибатлари, республикада болалар ўлимининг юқори даражада эканлиги ва бошқа масалаларни ҳаётӣ, иқтисодӣ далиллар асосида ишонарли тадқиқ этади.

Биз бу масалаларни чуқур тадқиқ этиб, бартараф қиламизми ёки ўз хатоларимизни авлодларга мерос қолдириб кетамизми? Ёзувчи ана шундай туғёнли савол билан жамоатчиликка мурожаат қилади. Республика ҳаётига волонтаристик, расмий буйруқбозлик раҳбарлик бу муаммоларнинг бош сабабидир, деб кўрсатади муаллиф.

Ҳотамовнинг «Эврилиш» эссеида халқ хўжалигига раҳбарликдаги иллатлардан бири амалпарастлик муаммоси талқин этилади. Амалпарастлик иллатини бир раис фаолиятида ҳам ҳодиса сифатида чуқур очиш мумкинми? Бунинг учун амалпарастликни ўзида анча мукамал мужассамлаштирган ўз-ўзидан ҳаётӣ типик раисни топиш ва унинг амалпарастлик фаолиятини ҳар тарафлама чуқур тадқиқ этиш зарур бўлади. Мансабини суистеъмол қилганлиги учун жазога тортилган бир қанча хўжалик раҳбарларининг фаолияти бунга мисол бўлолади. Урни келганда шунини айтиш керакки, бадий публицистика, унинг салмоқдор ҳужумкор жанри очерк турғунлик йиллари касофатларини чуқур бамаъни тадқиқ этишда ҳамон сусткашлик кўрсатмоқда. Ҳолбуки, турғунлик — бизнинг аччиқ тарихий тажрибамиз. Биз бу иллатнинг қайта такрорланмаслиги учун унинг илдизлири ва япроқларини, бутун тузилиш тарихини чуқур ўрганишимиз лозим. Турғунлик касофати — буюк ижтимоӣ сабоқ. Утмиш сабоғи келажак учун маънавий қудратдир.

Ғафур Ҳотамов амалпарастлик типик намоён бўлган шахсни эмас, жойини танлайди. Публицист турғунлик йилларида қишлоқда кетма-кет амал қилган етти раис фаолиятини кўздан кечиради.

Биринчи раисни шахс деб атайди. Шахс — ижтимоӣ инсон, яъни фаолияти кўпчилик манфаатига дахлдор кимса демакдир. Салбий шахслар фаолияти ҳам кўпчилик манфаатига дахлдор, албатта. Ғафур Ҳотамов бу ўринда фаолияти умум манфаатига фойда келтиришни кўзлаган кишини шундай атайди. Халқни ўйлагани, умумга зиёнли тadbирларга норозилик билдиргани учун биринчи раис каттанинг ғазабига учрайди. Уни сохта айблар билан ишдан олиб ташлайдилар. «У кетди, ўзи билан файзу кутни ҳам ола кетди». Кейинги олти раис фаолиятининг биринчидан фарқи шундаки, ҳаммаси халқдан юз ўгириб, ю қ о р и билан боғланадилар. «Юқори» — раисдан тепада турувчи амалдорлар гуруҳи. «Юқори» манфаати ҳамда ўз манфаати мазкур раислар фаолиятининг асл моҳиятини ташкил этади. Бу — турғунлик йилларидаги раҳбарлик тўдасининг асл қиёфаси эди.

Амалпарастлик — аввало кураш. Ҳокимиятга эга бўлмоқ учун нопок, нотанит курашдир. Олти раис бир-бирлари билан очиқ ва яширин йўл билан кураш олиб борадилар. Бу курашдан, албатта, «юқори» манфаат кўради.

Мансабпарастлик — порохўрликдир. Раис IV бир неча боғлам элликталикни «юқори»га узатиб раисликни эгаллайди. Сотиб олинган мансаб унинг шахсий хотинидай гап. Қандай мақсадларда, қай йўсинда фойдаланиш ихтиёрида, ҳеч кимнинг аралашига ҳаққи йўқ. Мансабдан ажралиб қолган раис III биров хотинини тортиб олгандай куйиб кетди, деб таъкидлайди муаллиф.

Мансабпарастлик — очкўз юлғичлик, ўғрилиқдир. Раис IV барча юлғичлар билан иттифоқ тузиб, колхоз бойлигини куядай емиради. Кейин маълум бўлишича, у имзо чеккан актларда қишлоқ территориясида бутун бошли шахарлар барпо этилиб, сўнг ўт тушиб ёниб кетганлиги қайд этилган эди. Раис VII бир халта тилла заёмини янгисига алмаштириб олгани халқ орасида дув-дув гап. Хуллас, Ғажбоғ раислари етакчи эмас, емакчига айланган эдилар.

Мансабпарастлик — истеъдодсизлик, фаолиятсизлик, ношудлик, номутахассисликдир. Раҳбар истеъдоди ҳеч нима, пул-бойлик ҳамма нарса. Ҳар-қандай истеъдодсиз шахс мансабни машина

ҳайдаш шаҳодатномасидай сотиб олиб, рулга ўтираверади. Машина ҳалокатида ҳайдовчи ҳалок бўлиши мумкин. Бироқ, истеъдодсиз раис бошлиқ колхоз ҳўжалиги ҳалокатга учрайди, раисни эса, ҳаром пул қўтқариб қолади. Етти раиснинг учтасидан из қолган, тўрттасининг қўлига чўпон таёғини берган ҳам гуноҳга ботарди, деб таъкидлайди публицист.

Юқоридаги раисларда битта истеъдод — колхозни талаш истеъдоди мавжуд эди. Иқтисодий ҳўжалик соҳаси таназулга юз ўғиради. Мендан кейин қиёмат қўпмайdimи?! деб мулоҳаза юритади улардан бири. Раиснинг ўпқони тўлса кифоя.

Мансабпарастлик — маънавий бузуқликдир. «Раис II, агар эл орасида юрган гап рост бўлса, кундузлари ўғри мушук каби исқаланар, кечаси бошига рўмол ўраб, бева-бечораларникига зир қатнар экан». Ахлоқий нопоклик ижтимоий нопокликнинг негизидир, дейди В. И. Ленин, Раис II қиёфаси — кирдикорлари бу доно фикрнинг исботидир.

Мансабпарастлик — ҳушомадгўйлик, тубанлик, мутеликдир. Мансабпараст «юқори»нинг оёғини ялайди, халқни оёғи билан кўрсатади.

Мансабпарастлик — халққа жабр-зулм, зўравонлик, яъни қонунсизликдир. Мансабпараст халққа меҳр, халқпарварлик тўғусидан маҳрум бўлган шахс. Халқдан жирканади, у билан бир товоқдан ош емайди, бир даврада ўтирмайди. Узига хос хуфийа маишат — мансабпарастнинг турмуш тарзи. Меҳр — инсоният олами эришган буюк ҳиссий мўъжиза. Меҳр тўғусидан маҳрум бўлиш инсоний қиёфанинг тескари ўзгаришидир. Сурати инсон, сийрати ваҳшийдир.

Ғаффор Ҳотамов «Қудуқ тепасидаги ой» қиссасида ана шундай мансабпарастнинг типик қиёфасини чизиб берган эди. Эсседаги раислар қиссада ифодаланган ҳодисанинг ҳўжжатли исботидир.

Эссе конфликтининг иккинчи уфқини меҳнаткаш халқ, коллектив ташкил этади. Халқ эсседа мансабпараст раислар зулмининг қурбони сифатида таассурот қолдиради. Қўзиқориндек пахтакор қиз портрети кўзга ташланади. «Раис VII бир мушт уриб ерга қоқиб қўйгандек». Қизнинг қиёфаси ёшига номуносиб. Раис мақтанганидек, қиз фахриимиз эмас, фожиамиздир, дейди янги бошлиқлардан бири. Эсседа Раис VII нинг ярамас кирдикорларига қаршилик кўрсатган Тошбоев деган «ёзғувчи»нинг номи учрайди. Лекин унинг қурашдан ҳам деярли наф йўқ. Бюрократизм — мансабпарастликнинг қора кўланкаси колхозда умумий қарахтлик, рўхий таназул вужудга келтирган эди. Манфур итоаткорлик иллати колхозчиларнинг онг-тушунчаси тушовига айланган эди.

Публицистикада муайян ҳодисани ифодалашнинг ўзи етарли эмас. Ойдинлаштирилган моҳиятни республика, Бутуниттифоқ миқёсидаги мулоҳазалар нуқтаи назаридан баҳолаш, кенг кўламли фалсафий умумлаштирувчи хулосалар чиқариш талаб этилади. Ғўжбоғдаги иқтисодий-ижтимоий таназул вазият умуман колхоз тузумининг аҳволи ва истиқболи ҳақида ташвишли фикр юритишга имкон беради. Зарурият тўғилганда бошқа колхоз, район, қишлоқлардаги айни вазият материалларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, қишлоқдаги бюрократизмнинг илдизлари нимадан иборат? Бу иллат ўтмиш сарқитими ёки янги давр маҳсули сифатида амал қилганми? Бюрократизмнинг бу қадар бебошбоқ ҳуруж қилишига сабаб нима? Унга қарши куч — халқ оммаси қарахтлиги сабаблар нимада? Вазият, истиқболни публицист қандай тасаввур этади? Бу саволларга бамаъни таҳлилий-фалсафий жавоб излаш асарнинг моддий таъсир қувватини янада оширарди.

В. Гроссманнинг «Ҳаёт ва тақдир» романида халқ итоаткорлигининг публицистик образи яратилган. Адиб **итоаткорлик** иллатини кенг кўлам нуқтаи назаридан баҳолайди. Одамлар ўзлари қатл этилаётган жойга узун навбат уюштириб, бу навбатни ўзлари тартибга солиб турган даҳшатли ҳоллар бўлганлигини қайд этади. Бундай ялпи итоаткорлик табиий тўғма ҳўсусият эмас. Ялпи итоаткорлик — янги ижтимоий даҳшатли кучнинг одамларга қаттиқ таъсири, ҳўкмфармойиши оқибатидир, дейди ёзувчи. Ижтимоий тузумнинг зўравонлик зулми бутун бир қитъа одамларини сиёсий-маънавий мажруҳликка маҳкум этган эди.

Ўтмишда жабр-зулмга қарши бир неча бор бош кўтарган, жиддий исён-ғалаёнларни кечирган (1898 йилги Андижон кўзғолони, 1916 йилги миллий озодлик ҳаракати ва ниҳоят Луғ Оқтябрь социалистик инқилобиде иштирок этган) халқ нега бюрократия зулмига итоаткорлик билан бўйин эгиб келди? Бундай итоаткорликнинг негизи нимада?

Дарҳақиқат, ўтмишда халқ ўз душманини аниқ танир эди. Подшонинг мустабидлиги, текин-хўрнинг очкўз ва тошбағирлиги азалий ҳақиқат эди. Социалистик воқеликда раҳбарлик моҳиятида келиб чиққан салбий сиёсий «ўзгариш» — таназул халқ онгида фавақулда кескин қарама-қаршиликлар келтириб чиқарди. Сиёсий-ижтимоий озодлиқ, тенг ҳўқуқлик берган Октябрь, Ленин партиясига халқнинг ихлоси баланд эди. Амалпарастлар эса, ана шу юксак тушунчалар — Октябрь, партия, Ленин номидан иш кўрдилар. Ленин сўзларини такрорлаб, мансабини ғаразли мақсадларда суистеъмол қилдилар, партия кўрсатмасини байроқ қилиб, ўғирлик, порохўрликни авж олдирилди. Совет ҳўкимиятининг халқчиллик моҳиятини ниқоб этиб, одамларни зиндонларда чиритдилар. Халқнинг бюрократизмга норозилиги, қаршилик кўрсатиб чиқиши ана шу юксак тушунчаларга шак келтириб, қаршилик кўрсатиш, деб баҳоланар ва шафқатсиз зарба берилар эди. Расмий буйруқбозлик — раҳбарлик тўдасининг моҳияти ана шундай эди. Сўзи бошқа, дили бошқа амалпарастлар совет ҳўкимияти лардаси билан уста ниқоблаган хуфийа ниҳоятчилар тўдаси эди. Халқ лоқайдлиги, итоаткорлигининг ичга уриб, сўрункали дарадга айланганлигининг асл сабаби шунда эди.

Публицист эссенинг муқаддимасида Ғўжбоғ тасвирида салбий бўёқнинг меъеридан ортиқроқ даражада қуюқлаштириб юборилганлиги ҳақида қишлоқдошнинг эътирозини келтиради. Қишлоқдош фикрича, Ғўжбоғдан «неча олимлар ва ҳозирги турли амалдаги раҳбарлар етишиб чиққан» эмиш. Демак, эсседа ана шулар ҳам қайд этилиши лозим эди, демоқчи бўлади. Ҳар бир асарнинг, аёнки, ўз ғоявий мўддаси, яъни йўналиш нуқтаси бўлади. Акс ҳолда адабий ишчилик бузилади, бошбошдоқлик келиб чиқади. Типиклаштиришнинг ҳаммага равшан бу усули воқелик ҳақиқатини мукаммал очиб воситасидир.

Гап бу ерда қишлоқдошнинг адабий типиклаштириш қонуниятларини, ёзувчининг адабий бўрттириш усулидан фойдаланишга ҳаққи борлиги, салбий ҳодисаларнинг бўрттириш ижобийликни инкор этиш эмаслигини тушунмаслигида эмас. Салбий ҳодисаларнинг «қуюқлаштирилганлиги» тамғаси янглик эмас. Бадий асарга тўнкаладиган бундай айб Н. В. Гоголь ва С.Шчедрин замониде

ҳам, ундан кейин ҳам бор эди, ҳозир ҳам ўзгарганроқ шаклда давом этмоқда. Бундай талаб замирида муайян синфий ёки сиёсий гуруҳнинг манфаати мужассамлашган.

Салбий бўёқни қуюқлаштирмаслик турғунлик даври мафкурасининг сийқа кўникма талаби эди. Мамлакатимизда сиёсий-маъмурий раҳбарликда рўй берган кескин ўзгариш узоқ вақтдан бери амал қилаётган иллатнинг фавқуллода қатъий чегарасини белгилайди. Иллат — ҳодисанинг **икки зонаси** вужудга келади. Утмиш зонага нисбатан ошкораликка кенг йўл қўйилади. Бор овоз билан танқидий фикр-мулоҳаза билдириш мумкин. Янги раҳбарлар номи билан боғланган ҳозирги зона ҳақида бундай деб бўлмади. Чегарадан кейинги ошкоралик асосан ижобий тус олиши, камчилик ва қусурлар ҳақида сертакаллуп ва андиша билан сўз юритиш таомили амал қилабошлайди. Иллатнинг томири ўтмишда қолди, эндиликда кескин яшариш, яшнash даври бошланди, деган руҳ одамларга сингдирилади. Ижодкор кўзи олдида «ижобий эҳтиёткорлик» деб аталган бамисоли ҳуркитувчи кўриқчи пайдо бўлади.

Сўз санъаткорлари, журналистларнинг ижодий мустақиллигига узоқ йиллар давомида тушов бўлиб келган бундай сиёсий **исканжа** адабиёт, санъат, фан тараққиётига, халқ тафаккурига катта зиён етказди. Ҳозирги вақтда ҳам бу руҳий исканжа онг-шууримиздан тамомила ўчиб кетган эмас. Ижодий-публицистик тафаккуримизда интуитив — ички сезги-туйғулар тарзиде беихтиёр амал қилиши мумкин.

«Шу кеча-кундузда Ғужбоғ яшариш фаслига қадам кўяётир» дейди Ғ. Ҳотамов асар сўз бошида ўша қишлоқдошининг эътирозига жавобан. Ҳолбуки, Ғужбоғнинг «яшариш фаслига — иккинчи зона» чегарасига кириши учун аввало касаллик диагнозини тўғри белгилаш лозим. Ғужбоғнинг дарди битта эмас. Демак, бир неча диагнозлар қўйишга тўғри келади. Бунинг учун турли мутахассисларнинг эътиборли «консилиумини» ўтказиш зарур. Бундан ташқари Ғужбоғнинг дардида юқумли касаллик ҳам мавжуд. Амалпарастлик ўз турқини ўзгартириб, ниқоб кийиб, ўзгача қиёфада амал қилиши, бошқаларни ҳам зимдан заҳарлайвериши мумкин. Шундан кейин бошланган даволаш жараёни ҳам узоқ давом этиши мумкин. Бу босқичлар ўтгач, соғайишнинг барча аён белгиларига тўла ишонч ҳосил қилгандан кейингина Ғужбоғнинг яшариш фаслига кирганлиги ҳақида дадил сўзлаш мумкин бўлади.

Хуллас, «Эврилиш»да салбий бўёқ ортиқча бўрттирилган эмас. Публицист етти раис фаолияти қусурларини бир жойга йиғиб, бадий публицистик тадқиқ этган, холос. Ғаффор Ҳотамов мансабпарастликни ўзбек публицистикасида биринчи бор сиёсий, ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида публицистик умумлаштирди.

3. ФЕМИДАНИНГ ТАРОЗИСИ

Машҳур грузин кинорежиссёри Т. Абуладзенин «Тавба-тазарру» фильмида бир қўлида қилич, бир қўлида тарози тутган кўзи боғлиқ аёл образини кўрамиз. Қадимги юнон мифологияси қаҳрамони Фемида ҳақиқат ва адолатни холис ойдинлаштириш, одил судлов тямсолидир. Фильмда мазкур образ қадимги эзгу аънавий удум — одил суд принципи шахспарастлик йилларда кўпол равишда бузилганлиги, инсон ҳуқуқлари поймол этилганлигининг рамзий ифодасидир. Ижтимоий адолатсизлик инсонпарварликни инкор этади, жамиятни маънавий майиб-мажруҳ одамлар тўдасига айлантиради.

Жамиятнинг ижтимоий-ахлоқий қонунлари халқнинг ҳаётини принциплари, маънавий удумлари асосида яратилади. Халқнинг ахлоқий принциплари эса, унинг ижобий ва салбий ҳодисаларга фаол муносабатининг инъикосидир. Салбий ҳодисаларга қарши курашнинг азалдан икки шакли мавжуд. Биринчиси, салбий ҳодиса, шахсларга қарши **ижтимоий фикр** уйғотишдир. Ижтимоий фикр шундай қудратли кучки, подшодан тортиб энг кичик хизматкоргача бу жазодан қочиб қутулолмайди. Халқ фикри жамиятнинг ахлоқий турмушини идора этади, эзгу фазилатларнинг шаклланиши ва қарор топишига ёрдам қилади, ижтимоий-ахлоқий иллатларнинг емирилишига кучли таъсир кўрсатади. Ижтимоий фикр — иллатга қарши ипсиз тузоқ, деворсиз зиндон.

Таниқли совет ёзувчиси Д. Гранин «Ҳалоллик удуми» («Правда», 1983, 3 январь) мақоласида шундай фикрни келтиради. Бир илмий йиғинда академик Михаил Александрович Леонтович ўзи яқинлашган кимсага «Кечирасиз, сиз билан қўл бериб кўришолмайман, — деди икки қўлини орқага олиб. — Сиз адабий ўғрилик қилган ярамас одамсиз». Академикнинг бу хатти-ҳаракати жамоатчилик фикрига кучли таъсир кўрсатди. Ҳалиги киши қаттиқ изза тортиди. Бу ҳол кўпчилик учун маънавий сабоқ бўлиб хизмат қилган эди, деб таърифлайди адиб.

Шухратнинг «Олтин зангламас» романида ҳалол муаллим Собирни таниқли ифвогар Мирсалим қаматиб юборганлигини маҳаллада ҳамма билади. Ёзувчи Мирсалимнинг озодликдаги ҳаёти қамондаги Собир аҳволдан оғирроқ эканлигини ишонарли кўрсатади. Жамоатчилик фикри Мирсалимни ҳар сония ва ҳар қадамда таъқиб ва тазйиқ этиб, уни озодликдаги маҳбусга айлантирган эди.

Лекин шундай ҳоллар ҳам бўладики, бирор баҳонаи сабаб билан атайлаб шакллантирилган жамоатчилик фикри ҳаётини ҳақиқатдан устун келиб, шахсни маънавий исканжага солиб қўйиши ҳам мумкин. Турк адиби Раҳод Нури Гунтекиннинг «Тамға» романида ҳикоя қилинишича, оилали жувонни севиб қолган йигит висол умидида унинг хонадонига бемаҳалда ташриф буюриб, қўлга тушади. Аёл шаънига доғ туширмаслик учун ўғирликка кирганлигига «икрор» бўлади. Бир неча йил қамонда ўлтириб келган йигит аёлни учратиб, турмуш куришни таклиф этади. «Сенинг ҳалоллигингни ёлғиз мен биламан. Бироқ жамоатчилик сени ўғри деб танийди. Шу сабабли сен билан турмуш қуролмайман» деб жавоб беради аёл.

Жамоатчилик бу йигит ҳақида албатта, янглиш фикрга эга. Бироқ, бу янглиш фикр йигит тақдирини бир умрлик тамға бўлиб қолди. Бу масалада йигитнинг ўзи ҳам айбдор. Бироқ йигитнинг ўз айбига ихтиёрий «икрор» юристининг қатъий ҳукм чиқариши учун ягона бош далил бўлолмайди: Йигит икрорининг ҳаққонийлигини бошқа холис далиллар асосида чуқур тафтиш этмаган, ўз касбига номутахассисларча муносабатда бўлган юрист айби тўғрисида йигит ҳақида жамоатчилик фикри чалғитилган эди.

Дарҳақиқат, жамоатчилик фикри маънавий фазилатларимизнинг барқарор кўриқчиси эди.

Асрлар бўйи давом этиб келган бу эзгу анъана турғунлик йилларида таназзулга юз ўғирди. Меҳнатсиз турмуш кечириш ҳодисаси одамларнинг ахлоқий қарашларига салбий таъсир кўрсатди, ўзга ахлоқий нуқтаи назар ва тушунчалар шаклланди. Ота-боболаримиз меҳнатсиз кун кечириш, текинхўрликдан ҳазар қилган бўлсалар, эндиликда талай кишиларда бундай турмуш тарзи ҳавас уйғота бошлади. «Одамларнинг шахсий машиналари борлигини, янги замонавий усулларда кийи-нишларини кўриб турибмиз, — деб ёзган эди марказий газеталардан бири. — Бу қимматбаҳо буюмлар ҳалол меҳнат пулига сотиб олинмаганлигини ҳамма биледи. Бироқ, ҳеч ким уларни қораламайди, эътиборли кишилар, аксинча, улар билан яқинлашишга, таниш-билишликка интилади-лар».

Хуллас, меҳнатсиз турмуш тарзи неғизда манфур мешчанлик кайфияти шаклланди ва амал қилмоқда. Жамоатчилик фикрига зил кетди. Анъанавий эзгу қадриятлар обрўсизлантирилди. Иллат фазилат сифатида қадрланадиган нуқтаи назар пайдо бўлди. Салбий ҳодисаларга нисбатан лоқайдлик, нафрат туйғусининг қараштлиги, курашнинг сўнганлигининг бош сабаби **жазосизликдир**.

Салбий ҳодисаларга қарши курашнинг иккинчи йўли юридик қонун ва муассасалардир. Юнон афсонаси қаҳрамон Фемида тарозиси бу жабҳада, айниқса, шафқатсизлик билан суистеъ-мол қилинди. Кўзбўямачиликлар, кўшиб ёзишлар, бунинг эвазига ўзлаштирилган миллионлар мамлакатда ҳақ ва адолат томирига урилган болта эди. Бундан оддий меҳнаткиш халқ азият чек-ди. Тўралар зулми халқ осмонини қора булут сингари қоплаган эди. Зўравонлар адабиёт, санъат, публицистиканинг обрўсидан ўз ғаразли мақсадларида фойдаланишга уриндилар. Аввалги мақо-лаларимизда қайд этганимиздек, сохта мақтовли очерк ва публицистик асарлар вужудга келди. Қонун бир сиқим амалдорларнинг маъшуқасидир, дейди Ю. Бондаревнинг «Йўл танлаш» романи қаҳрамонларидан бири.

Турғунлик даври иллоти — жазосизлик шу кунларда ҳам амал қилаётганлиги, айниқса, ачинар-лидир. Илгари бирор муассаса ёки ташкилотда, завод ёки фабрикада, маориф ёки олий мактабда порохўр қўлга тушганлиги, суд қилиниб, жазоланганлиги ҳақида оз бўлса-да, хабарлар қулоққа ча-линар, кўзга ташланиб турарди. Қайта қуриш бошланиши муносабати билан иллатлар гўё ўз-ўзи-дан «қўл кўтариб» таълим бўлгандай таассурот қолдирмоқда. Ҳаммаёқ сипсиллик. Кишилар ёппа-сига сиртдан гўё ҳалол, покиза зотларга айланиб қолдилар. Ҳақиқатда шундай бўлганда олам гу-листон эди. Афсуски, реал ҳаёт ҳақиқати бу сохта манзарани рад этади. Воқелигимизда порохўр-лар, чайқовчилар, олиб сотарлар ва бошқа юлғичлар ўз кирдикорларини фирибгарлик ва эҳтиёт-корлик билан бемалол давом эттирмоқдалар. Кооператорлар ниқобидаги юлғичлар халқни талаб, тез орада хонавайрон қиладилар, деб ёзди Нурали Қобул.

Жазосизлик ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида қонунбузарлик иллтини келтириб чи-қарди. Матбуотда босилаётган бир қанча материалларда публицистаримиз бу ҳодиса ҳақида сон-саноксиз далиллар асосида муҳокама юритмоқдалар.

Публицист ва қонунчи баҳси бу материаллардаги публицистик тадқиқотларнинг асосий конф-ликтидир.

Ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятидаги бюрократизм қонунбузарликнинг бошланишидир. Бюрократизм ҳуқуқ-тартибот органлари халқчиллик моҳиятининг барбод этилишидир. Бу иллат ҳуқуқ-тартибот органларини халқдан узоқлаштиради.

Ҳ. Олимжоновнинг «Онаизорнинг оппоқ сочлари» очеркида Валиевлар оила аъзолари сов-хоз ишчиси Мухтор Турдибоевни куппа-кундузи ўлдириб қўядилар. Публицист булар орасидаги жанжалнинг келиб чиқиш сабабларини очишга киришмайди. **Жиноят ва жазо** масаласига диққатни жалб этади.

Одам ўлдиришга дахлдор бўлган шахсларни, бош қотилни жазолашга ҳуқуқ-тартибот орган-лари қандай муносабатда бўлдилар? Аёнки, мансаб-лавозим жинояти аввало л о қ а й д л и кдан бошланади. Ўз ғаразли мақсадини кўзлаган амалдор ишни ҳал этишни атайлаб пайсалга солабош-лайди. Валиевларнинг ҳақмага равшан қотиллик иши ички ишлар бўлимида узоқ тергов қилин-гандан кейин ниҳоят судда кўрилиб ҳукм қилинади. Бош қотил кўп ўтмай қамоқдан чиқиб келади. Яна шикоятлар, тафтишлар, редакция аралашувлари туфайли қотилликка нисбатан ғоят камайти-рилган миқдорда муайян жазо чоралари белгиланади.

«Тўрт марта қайта кўрилган, ҳар бири бир неча кунлаб чўзилган суд мажлисига гувоҳ сифатида қатнаган ўнлаб кишилар томонидан неча ўн минг сўмлаб иш бажарилмади, неча-неча тонна пахта ўз мuddатида терилмай қолди», деб ёзади публицист. Суд ва тергов органларига сон-саноксиз қатнаган бир йигитнинг қундалиги эслатиб ўтилади. Қонунбузарликнинг моҳиятини очишда анчаги-на изланишлар олиб борган публицист юристларнинг айби билан йўқотилган вақтларнинг моддий-маънавий қимматини ҳодиса сифатида образли гавдалантирмоғи лодим эди. Ижтимоий инсон вақти мамлакатимизнинг моддий бойлигидир. «Правда» газетаси 350 кишининг тантанали йигин бошлашини кутиб ўтказган икки соатлик вақти бир йирик самолёт қимматига тенг эканлигини қайд этган эди. Бир судьянинг ғаразли мақсадда чалқаштирган ишини қайта-қайта кўриш учун бе-ҳуда совурилган одамлар вақтидан ташқари судьяларга давлат маблағларининг қайта-қайта сарфла-ниши жиноят эмасми?

Кўпчилик публицистик материалларда бу иллат ижтимоий ҳодиса сифатида оммавий равишда амал қилаётганлиги исботлаб кўрсатилган. Демак, бундай ғаразли сансалорлик республика, итти-фоқ миқёсида олиб кўрилганда, нақадар катта халқ ва давлат бойлиги талон-тарож қилинаётганлиги аён бўлади.

Ҳуқуқ-тартибот органларидаги бюрократизмнинг юқори нуқтаси мансабини ғаразли мақсад-ларда очикдан-очик суистеъмол қилишдир. Б. Эгамқуловнинг «Терговчининг тарозиси», Е. Хўжам-бердиевнинг «Низодан чиққан низолар», Абдунаби Ҳайдаровнинг «Тўхмат очилди» очеркларида ҳуқуқ-тартибот ходимларининг беғуноҳ шахсларга қарши бўҳтон уюштириш учун нақадар тубан жирканч усуллардан фойдаланганликлари ишонарли ифодаланган. А. Ҳайдаровнинг «Излар йўқол-мади» очеркида балоғатга етмаган қиз номусига теккан милиция ходимини сафдошлари жазо-дан қутқариб қолиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилганликлари кўрсатилади. Шундай ту-бан бачкана шахслар ҳуқуқ-тартибот органларида қандай қилиб юксак, масъулиятли лавозимлар-ни эгаллайдилар, деган ҳақли савол туғилади.

Шомурод Сиддиқовнинг «Гўдаклар қалбидаги кўланка» очеркида Чироқчи район милиция ходимлари жиноятнинг содир бўлганлиги ҳақидаги шошилиш ахборотга аввало ўта лоқайдлик билан муносабатда бўладилар. Тергов ва суд ходимлари эса, беш киши иштирок этган мазкур жиноятни бир киши томонидан содир бўлган қотиллик, деб қалбакилаштирадilar. Бошқа қотилларни муносиб жазодан асраб қоладилар. Жиноятчини ҳимоя қилиш унинг қилмишига шерик бўлишдир. Аёнки, ўғрини ўғри, қотилни қотил ҳимоя қилади.

Хуқуқ-тартибот ходимлари муқаддас адлия касбининг жиноятчиларга қарши қаратилган криминалистик усулларидан ғаразли мақсадларда сурбетлик билан фойдаланадилар. Ҳ. Олимжоновнинг юқорида зикр этилган очеркида икки бегуноҳ йигит ишини қайта кўришда унга сохта факт — пичоқ далилини қўшиб айбни оғирлаштирган бўлсалар, «Қотилнинг ҳимоячиси ким?» (1988, 10-сон) деган лавҳада ҳақиқий жиноятчини жазодан қутқариш мақсадида кийим-кечаклардаги одам қони изларини мол қони билан алмаштирадilar. Бир автобаза директорини айблашда милиция ходимлари турли найрангларни ишга соладилар. Уни касалхонада ўлди, деган сохта телеграмма уюштириб, ишхона коллективидан директорни қораловчи ҳужжатлар тўплагша уринадилар. Шифохонадан уни тўғри қамоқхонага олиб кетадилар. «Иситмаси ошкор» очеркида одам соғлиғи учун хавфли, захарли дорилар кўллаб, пиёздан мўл ҳосил етиштирган қаллоб деҳқонни район прокурори «жиноят состави йўқ» деб жазолашдан бош тортади. Ҳосилни лаборатория таҳлилидан ўтказиш прокурор найрангини далиллар билан фош этишга ёрдам берар эди.

Хуқуқ-тартибот органлари ходимларининг бундай кирдикорлари бирор бегуноҳга ғаразли тўхмат уюштириб, қаматиб юборган амалдор жинояти билан тенгдир. Аёнки, бундай жиноят лавозимини ғаразли суистеъмол қилиш ҳамда тўхматчи, деган икки муҳим модда билан айбланиб, қаттиқ жазолашга сазовордир.

Фемиданинг адолат тарозисига ғаразли мақсадда қўйилаётган тош гуноҳсизларнинг бошига оғир кулфатлар келтирмоқда. Қонун кўп ҳолларда жиноятчиларни ҳимоя қилиш, бегуноҳларни жазолаш қуролига айланмоқда. Бир қанча очеркларда хуқуқ-тартибот ходимлари зулмидан жабр кўрган бир неча инсоний тақдирлар ҳақида асосли фикр юритилади. Сафар Остоновнинг «Топталган тақдирлар» очеркидаги опа-ука Аҳмедова ва Аҳмедовлар ноҳақ тўхматга учраб, икки йил турмада ўтириб чиқадилар.

Хуқуқ-тартибот ходимлари уюштирган тўхматнинг даҳшатли томони шундаки, улар сохта айб ва далилларни давлат қонун моддалари ҳамда муҳрлари билан расмийлаштирадilar.

Карим Баҳриевнинг «Яшашга рухсат беринг» очеркида қонунбузарлиқнинг ҳужжатли фактлар асосида умумлаштирилган типик нусхасини кўрамиз. Қонуннинг суистеъмол қилиниши — ноҳақ ғам-кулфат, бегуноҳ изтироб ва кўз ёшлари, барбод бўлган инсон ҳаёти демакдир. Хуқуқ-тартибот органларидаги хуқуқбузарликлар халқнинг бошбошдоқликдан иборат аччиқ норозилигига сабаб бўлганлигини, бундай норозиликлар бир-бирига улашиб кетган қонли, қонсиз жиноятларни келтириб чиқарганлигини очеркчи ишонарли кўрсатади. Очеркда зикр этилган ҳар бир факт — бир инсоний тақдир, ҳар бир фожиа — ҳақиқатнинг юрагига отилган ўқ. Очеркда исботланган салмоқдор фактларнинг йиғиқ муҳояти Ғиждувон районида хуқуқ-тартибот ходимлари ниқоби остида ҳуқумат қонунлари билан қоролланган прокурор бошлиқ хавфли жиноятчилар тўдаси амал қилаётгандай таассурот қолдиради. Бу тўданинг фаолияти халқни жиноятчилардан ҳимоя қилиш эмас, балки жиноятчиларни одил жазодан омон сақлашдир. Фақат ота-бола Файзуллаевлар ва у билан боғлиқ етти киши фожияси учун район қонун мутасаддиси жиноий жавобгарликка тортиш мумкин.

Хуқуқ-тартибот органлари фаолиятида рўй берган бундай айнишнинг сабаби нима? Журналист-публицистлар адлия ходимлари орасида рўй берган ноҳақликлар ва ғаразли суистеъмолликларни куйиниб талқин этадилар. Лекин бу ноҳақликларнинг асл сабаблари ҳақида ошкора сўз юритишга истиҳола қиладилар. Бир қанча очеркларда келтирилган ва етарли даражада исботланган сон-саноксиз факт-далилларнинг юзидан ниқобини йиртиб, этагини кўтариб, чуқурроқ разм солсангиз, негизда битта иллат — порахўрлик амал қилаётганлиги кўрга ҳассаддай аниқ кўриниб турибди. Хуқуқшунос баъзи шововлар қонунга хилоф хатти-ҳаракатларида қонун моддасига биноан «кўл билан тутилган порахўрлик йўқ» деб даъво қилишлари мумкин. Лекин бундай даъво уларни оқлай олмайди. Оёқ-ости қилинган қонун моддалари, жисман ва руҳан зулм чеккан сон-саноксиз бегуноҳлар қонунбузарларни қаттиқ айбловчи темир далиллардир. Фактлардан эса, ҳеч қаёққа қочиб қутулиб бўлмайди. Афсуски, фактлар фақат айблайди, бироқ, жазолай олмайди.

Хуқуқбузарликка нисбатан жазосизлик турли кўринишларда амал қилмоқда. Қонунбузарлар аввало қонунни четлаб ўтишга, жазодан қутулиб қолишга интиладилар. Ёки ўзлари учун ғоят беозор жазо чоралари ўйлаб чиқарадилар. Бир-бирларининг хатоларини қонун ёрдамида хаспўшлашга уринадилар. Ўзлари чалқаштирган ишларни беками кўст қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Ҳ. Олимжоновнинг юқоридаги очеркида икки бегуноҳ йигитни қамоқдан бушатиб юборишга тўғри келганда улар икки йил турмада ўтирган мuddатга мувофиқлаштириб ҳукм расмийлаштирадilar. С. Остоновнинг «Топталган тақдирлар» очеркида опа-ука Аҳмедовларни ҳам худди шундай сохта ҳужжат тўқиб, қамоқдан озод қиладилар. Бундай фактларни кўллаб келтириш мумкин. Хуқуқбузарлар ўз айбларини қаллоблик билан яширишга, хаспўшлашга интилиб, янги жиноятларни келтириб чиқарадилар.

Юқорида кўриб ўтганимиз очеркларда хуқуқбузар адлия ходимларининг муносиб жазоланганликлари ҳақида аниқ маълумот йўқ. Ҳ. Олимжонов қонунни бузган судьяларга нисбатан бирор жазо чоралари кўрилмаганлигини куйиниб ёзади. А. Ҳайдаров ва Е. Хўжамбердиев очеркларида тўхматчи қонунбузарлар енгил-елпи жиноий ёки маъмурий чоралар билан қутилиб кетганликлари айтилади. Грузия ССРда хуқуқ-тартибот ходимлари айби билан ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилган шахслардан меҳнат коллективи ёки маҳалла ҳузурида кечирим сўраш тартиби расмий жорий этилибди.

Н. Майданскаянинг «Ари чаққан» («Советская культура», 1988, 10 — 12 ноябрь) очеркида Тошкент театр-рассомлик институтида собиқ ректор бошлиқ уюшган ҳолда амал қилган порахўрлик фош этилган. Бу иллатга қаршлик кўрсатган икки ўқитувчидан бирини «ари чаққан» ҳисоблаб ўлдириб юборадilar. Иккинчиси — кафедрa мудири, доцент Гулшан Муҳамедовани саккиз йилга ноҳақ ҳукм қиладилар. Бу тўхматга собиқ партия, давлат бошлиқлари ҳам иштирок этадилар. Бу

разилона тухматларни расмийлаштирган терговчи Азизовга қаттиқ «маъмурий ҳайфсан», судья Қаҳҳоровага «жиддий ҳайфсан» эълон қиладилар. Тухматчиларга бош-қош бўлган мутасадди юристни райком партия вакили таклифи билан, ҳатто, коллектив олдида кечирим сўраш гуноҳидан ҳам овоз қиладилар. Бу воқеа ж а з о с и з л и к партия-совет бошқариш органлари баъзи ходимлари томонидан кўр-қўрона рағбатлантириб келинаётган ҳодиса эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Адлия ходимларига нисбатан жазосизлик ёки енгил жазо бежиз эмас, албатта. «Правда» газетаси худди шундай енгил-ёлпи жазолар усуллари партия, совет, ҳўжалик раҳбарлари орасида ҳам амал қилаётганлигини ёзган эди. Мамлакатга кўп миқдорда зарар етказган ёки совет қонунларини оёқ ости қилган амалдорга нисбатан «кўрсатилсин», «қайд этилсин!», «ҳисоб картоқчасига ёзиш шарти билан ҳайфсан эълон қилинсин» каби тадбирлар жазоми, ахир деб ажабланади газета. Бундай шахслар бамисоли пўст ташлагандай тез орада жазодан қутулиб, ўзларини шош этганлардан ўч олишга киришадилар.

Қонун ҳамма учун барабар, деган адолат принципи азалдан ҳукм суради. Демак, юқоридаги «тартибни» ҳамма учун жорий этадиган бўлсак, жиноятга йўл қўйган, масалан, хуфия порахўрлиги шош бўлган институт домласи ёки бировга тухмат уюштириб қаматиб юборган амалдор биров «ҳайфсан» ёки вазифасидан истеъфо бериш, ёинки ошқора кечирим сўраш йўли билан жазодан қутулиб кетишлари мумкин, деган хулоса чиқаришга тўғри келади. Ёки ҳўқуқ ва бошқариш органлари мутасаддилари ўзлари учун ана шундай беозор енгил «жазолар» қонуни яратиш олганларми?

Адлия ишларидаги ноҳақлик, қонунга хиёнат ҳатти-ҳаракатлари оғир жиноятдир. Одил жамиятда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслиги керак. Онангни қози ранжитган бўлса, додингни кимга айтасан, деган нақл бор эди ўтмишда. Бироқ, ҳозирги замонда ҳам Фемида тарозиси уни тутган шахснинг ўзини айбладан ожиз бўлиб қолмоқда. Хўш, ҳўқуқ-тартибот органлари ходимларининг оммавий тус олган бундай жиноятларини ким тафтиш этади-ю, ким жазолайди? Уртада иллатлар подшоси п о р а х ў р л и к амал қилар экан, бу савол ҳамон жавобсиз қолаверади.

Публицистикада муаллиф нуқтаи назари, аёинки, ошқора амал қилади. Факт ҳаёт ҳақиқатидан чинакам публицист ҳақиқатига айланади. Публицистнинг илмий ҳаққоний нуқтаи назари — талқин ва таҳлилида унинг маънавий-интеллектуал қиёфаси, ахлоқий маъқеи ёркин акс этади. Публицистнинг ҳақиқат ва иллатга бўлган муносабатини, поклиги ва эгри қўлигини аниқ тасаввур этиш мумкин. Қарим Баҳриевнинг «Яшашга рухсат беринг!» очерки иллатга кескин муросасиз руҳи билан ажралиб туради. Эзилганларнинг ночор аҳволи ва туғёнларига астойдил куюнчак, фаол граждонлик туйғусига эга публицист қиёфаси гавдаланади.

Бироқ, баъзи журналистларнинг материалларида жазосизликни тарғиб этиш, жиноятчиларни ҳимоя қилиш кўзга ташланмоқда. «Исён» очеркида колхоз раиси Ҳақбердиев, партком секретари Шарипованинг колхозчи қиз тақдирига лоқайд муносабати, бригадир Фармон Норсаидовнинг Гулчехрани таъқиб ва таққирлаш оқибатида фожиа рўй берганлигини исботлаб ёзган мухбир М. Абдуллаев айбдорларни жазолар ҳақида гап кетганда Крилов бобо масали — «бир арава айблари» бўлган чўртан балиқнинг муносиб жазоси дарёга чўктиришдир, қабилида иш тутаети.

У ёзади: «Биз бир фожиа тафсилоти билан боғлиқ ижтимоий муаммолар ҳақида фикр юритдик. Мақсад фожианинг айбдорларини топиб жазолаш эмас(?). Чунки бундай ҳожиалар бир-икки кишининг айби билан келиб чиқмаган. Унинг замирида яқин ўтмишдаги адолатсизликлар ва буй-рўқбозлик иш услубининг чигал асоратлари ётибди».

Конкрет ўлим ҳақида мулоҳаза юритган журналист нега унинг айбдорларини умумий муҳокамалар соясида ҳаспўлашга интилади? Журналист мантиқига амал қилинадиган бўлса, ялпи тус олган иллатга қарши курашнинг зарурияти йўқ. Барча дарду аламлар учун ижтимоий иллат айбдор. Ҳолбуки, ҳар қандай ижтимоий иллат, айтганимиздек, конкрет шахслар ва улар фаолиятида зухур этади. Иллат — ҳодисани бартараф этиш унинг конкрет кўринишларига қарши курашдан иборатдир. Конкрет айбдорлари аниқланмаган ҳодиса — томири қирқилмаган иллатдир. Гулчехра ўлимига айбдор Норсаидов ва бошқалар муносиб жазоланмагунча бюрократизмнинг кишилар тақдиридаги фожиали изларига чек қўйиш мумкин эмас. (Бу ҳақида қаранг: «Ёшлик» журналы, 1988, 4-сон)

Баъзи публицистик материалларда жиноятчиларга юмшоқроқ муносабат билдирилган бўлса, бошқа баъзи лавҳаларда жиноятчи кўр-кўрона ҳимоя қилинади.

Исмаил Хўшев «Ифғат керакми?» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 8. 01. 88 й.) репортажида икки қиз Ойгул ва Адолатнинг ифғатсизлик туфайли енгил маиший турмуш кечириб йўлига кириб кетганликлари ҳақида гапиради. Маълумки, мешчанлик ҳамма қизларни ҳам ўз гирдобига тортолмайди. Қизлар характеридаги бирор қусур, заифлик, енгилтақлик уларни мешчанлик тузоғига илантиради. Олий мактаб талабаси Ойгул келажак тақдири, турмуши ҳақида чуқур ўйламайди. Декаҳ билан муносабатидан аввал ранжитиб шикоят ёзган бўлса, тез орада бу фикридан қайтиб, уни ҳимоя қилишга ўтади. Иккинчи қиз Адолат ўз ҳаёти хатосини Абдулла деган йигит зиммасига мажбуран юкламоқчи бўлади. Қизлар ҳаётида юз берадиган хунук ҳодисанинг номини енгилтақлик фожиаси, деб аташ мумкин.

Журналист шу нуқтаи назардан фикр юритиб, декан билан қиз ораларидаги жанжалда асосий гуноҳни қизга юклайди. Қизларнинг моддий манфаатдорлики муҳаббатдан устун қўйилганда айблайди. Қизларни йўлдан урган эркакларга муайян хайрихоҳлик билдиради. Қиз-йигитлар муносабатида фақат оқибатга қараб фикр юритганда қизлар моддий манфаатдорлики муҳаббатдан устун қўйган, деган хулоса чиқариш мумкин. Ҳақиқатдан айна ҳолатда қизлар учун гишт қолипдан кўчган. Энделикда улар моддий манфаатдорликка умид боғлайдиган бўлиб қолганлар.

Хўш, қизларнинг бу йўлдаги биринчи қадами ҳақида ўйлаб кўрайлик. Биринчи қадам киши ҳаётида кўпинча ҳал этувчи роль ўйнайди. Ҳеч бир қиз ўткинчи моддий манфаатдорлик учун дастлаб ўз бахтининг онгли қўрбон қилини истамайди. Аввалги мақолаларимиздан бирида ёш қизларда ифғат масъулияти туйғусини тарбиялаш ҳақида гапириб, бунинг учун масъулиятни биринчи навбатда қизлар зиммасига юклаш керак, бу йўлдаги хато учун аввало қизларнинг ўзлари айбдордир, деган фикрни айтан эдик. Лекин ёш қизларни турли найранглар билан йўлдан урган, бир умр бахтсизликка маҳқум этган ярамас эркаклар гуноҳини оқлаб бўладими?

«Ифғат керакми?» лавҳасида жиноятчи эркак — олий мактаб педагоги билан унинг маънавий тузоғига илланган студент қиз муносабатлари ҳақида гап кетяпти.

Мухбирнинг хат юзасидан олиб борган тафтиш усули ҳам бир мунча шубҳали. Можарога дахлдор икки киши — шикоятчи ҳамда айбдор билан жамоатчилик вакили иштирокида ёки ёлғиз ҳолда жамоатчилик жойларида учрашиш ўрнида мухбир уларнинг иккаласини ҳам бир вақтда хилватга тақлиф этади. Ойгул билан энди гап бошлаганда физиллаб етиб келган декан қизга жавоб бериб юбориб, мухбир билан хуфия сўхбатлашади. «Шу қиз нима деса, мен рози, фақат мени шарманда қилманг. Яқинда факультет декани қилиб сайлашди», деб ялинади декан мухбирга. Шундан кейин домла ўз шахсий оқ «Волга»сида хуштори билан Тошкентга келиб, мухбир билан яна учрашади. Мухбир—декан сўхбати шу қадар с а м и м и й тус оладики, декан қизни шикоятдан воз кечишга қандай рози қилганлигини, ўз жиноий хатти-ҳаракатларини қандай хаспўшлаганларини, бу борадаги ички сирларини ҳеч тортинмасдан гапириб беради. Декан қизга уч хонали кооператив уй—квартира олиб берганлигини айтади. Ҳатто, мухбирнинг бирор кишини олий мактабга ўқишга киритиб беришга тайёр эканлигини билдиради. Икки ўртадаги «самимий муомалалар» мухбирга шу қадар ижобий таъсир этадики, у, ҳатто Кабириовнинг моҳиятан қандай шахс экани билан ҳам қизиқмайди.

Хўш, Кабириов ким ўзи?

а/ Кабириов ўз педагоглик лавозимини суиистеъмом қилиб, биринчи курс студенти — ёш қизни маиший бузуқлик йўлига бошлаган, бир умр бахтсизликка маҳкум этган, мураббийликка номуносиб шахс;

б/ Кабириов қонуний оиласи, бешта боласи бўлатуриб, ўз тарбиясида бўлган ёш қиз билан ноқонуний яшаб келаётган маънавий бузуқ киши;

в/ Деканлик лавозимидан ажралиб қолишдан қаттиқ ваҳимага тушган ўта мансабпараст амалдор;

г/ Мансабини ғаразли мақсадларда суиистеъмом қилувчи товламачи. Мухбир одамани ўқишга киритиб бериш ҳақидаги тақлифидан унинг бу вазифада қанчадан-қанча нопокликларни амалга ошириб келаётганлигини аниқ тасаввур этиш мумкин;

д/ Порахўрлик йўли билан меҳнатсиз даромад тўплаган жиноятчи. Мухбир, ҳатто, Кабириов оқ «Волга»ни қандай даромадга сотиб олганлиги ҳақида ҳам ўйламайди.

Кабириов ўз хушторига, яъни бир кишига ноқонуний йўл билан, яъни пора ёрдамида уч хонали кооператив квартира олиб берган, қизни қайта ўқишга тиклаган фирибгар.

Деканнинг юқоридаги кирдикорларидан маълумки, у ҳеч бир нопоклик ва ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан тап тортмайдиган жиноятчи.

Хўш, мухбиримиз шундай шахсга нисбатан қандай муносабатда бўлган?

1. Мухбир билан ёлғиз қолган деканнинг илтижо-муомалалари мухбирнинг нозик эҳтиросли қалбига «сеҳрловчи» таъсир этиб, дабдурустдан унга нисбатан хайрихоҳлик туйғуси пайдо қилади. Домла-деканга ташвиш ортирган машмашалар учун мухбир Ойгулнинг ўзини айблайти ва «Кабириовдан қўлингни торт!» қабилида хулоса қилади. «Ойгулга суд ҳам, редакция ҳам, Нурали Кабириович ҳам ёрдам бераолмайди. Чунки бу фожиага унинг ўзи айбдор эди» деб қатъий таъкидлайди. Маълумки, газета сўзи оммага мўъжизакор таъсир кучига эга. Юқоридаги сўзлардан кейин Ойгул Кабириов устидан бирор жойга ҳам қайта шикоят қилишга журъат этолмайди. Демак, мухбир ўзи ишлайдиган газета обрўидан ва мухбирлик лавозимидан фойдаланиб, жиноятчи Кабириовни қиз томонидан бўладиган қайта таҳдидлардан тамомила халос этади.

2. Олий мактабга ўрнашиб олган нопок жиноятчи кирдикорларини жамоатчиликдан пинҳон тутиш мақсадида мухбир унинг исм-фамилиясини ўзгартириб ёзади, иш жойини ҳам яширади. Кабириовнинг ижтимоий-ахлоқий, жиноий кирдикорларини унинг коллективидан, партия ва жамоатчи ташкилотлардан ҳам пинҳон тутати. Журналистик бурчга зид бу хатти-ҳаракатини мухбир, ошкора тан олади: «Ойгулнинг ҳам, Нурали Кабириовичнинг ҳам коллективига ўзимни таништирмадим. Уларнинг ахлоқий-маънавий бурчларини муҳокама қилишларини сўраб, тегишли ташкилотларга мурожаат ҳам қилмадим».


3. Кабириовни юридик таҳдидлардан тамомила халос қилиш мақсадида мухбир Кабириовнинг ўзига мувофиқ авф умумий — амнистия мودдаси ҳам «кашф» этади. Мухбир лавҳа охирида болаликдаги ошноси — прокурорнинг сўзини келтиради: «Ҳар иккала ҳолда ҳам қизлар ўз манфаатларини муҳаббатдан устун қўйишган. Бу ерда уларнинг даъволари бўйича жиноий иш қўзғашга асос йўқ».

Номмаълум прокурорнинг юқоридаги сўзлари мухбирнинг уйдирмаси сифатида таассурот қолдиради. Чунки воқеа тафсилотидан огоҳ бўлган юрист ҳеч қачон бундай масъулиятсиз фикр айтмайди. Қонун мутасаддиси прокурор номидан ишчи этилган бу хато сўзлар газетхонларни чалғитади. Ойгулдай оғир вазиятга тушиб қолган талаба қизларни, олий мактабдаги ахлоқий бузилишларга қаршилик кўрсатмасликка, дардини ичга ютиб, иллат билан муроа қилишга маҳкум этади.

«Исён»да муддаомиз «воқеанинг айбдорларини топиб жазолаш эмас» деб таъкидлашдан мақсад нима? М. Абдуллаевнинг очеркка муносабат билдириб ёзилган хатларда Гулчехра ўлимига айбдор шахсларни жазолаш ҳақидаги талабларни ёритишга қаршилик кўрсатганлиги, Исмаил Хушевнинг жиноятчи шахсга нисбатан ошкора юридик ҳакамлиги шубҳалидир. Жиноятчини айбига яраша жазолаш билан журналист эмас, юридик органлар шуғулланишини тушунтириб ўтиришга ҳожат бормикан? Дарҳақиқат, журналистнинг вазифаси факт-воқеани холис таҳлилий ёритишдир. Марказий газета мухбирлари масаланинг юридик жиҳати ҳақида гап кетганда кўпинча шу соҳанинг тегишли мутасаддиларига ҳавола қиладилар.

Воқеанинг юридик жиҳатига тарафқашлик билан аралашиб, жиноятчиларни кўр-кўрона ҳимоя қилиш, яъни мухбирлик бурчига зид иш тутишнинг замирида қандай манфаат ётади?

Айбдорни оқлаш моҳиятан бегуноҳни қоралаш билан тенгдир. Ғайриахлоқий бу икки ҳодисанинг негизи битта — ижтимоий-инсоний нопоклик. Лекин оқлаш тушунчаси кишида кўпинча ижобий маъно уйғотади. Шу боисдан бўлса керак, бегуноҳни қоралаш қанчалик жазоланган бўлса, гуноҳкорни оқлаш шунчалик жазосиз қолган. Қонун сўник савфатига айналган жойдан жазосизлик бошланади. Жазосизлик энг олий умуминсоний фазилят ва миллий туйғуларни емирувчи офат. Холис адолатли жазо жамиятни соғломлаштирувчи восита, бамисоли жарроҳ тиғи. Бу — публицистиканинг ҳам бош йўналиши бўлиши лозим.



Нурмуҳаммад Холлиев

ҲАЁТ ВА ИНСОН СЕЛИ

ёки «эшиги, туйнугидин йўқ нишон» ул гумбазга
киришга уриниш ҳақида

Инсон оламига кириш иштиёқи билан ёнган икки ёш шоир ўзларининг илк уринишларини жамлаб китоб чоп этдилар.^{1,2}

Ўзбек поэзияси (дарахти)да унган бу икки куртак бир-бирига яқин турибди. Яқинлик, ички бирлик, руҳдошлик, янги аср арафасидаги замондошлик бор уларда. Бироқ, улар ҳали куртак ҳолида. Фақат кўп адабий даврларни кўздан кечирган, кўриб, кўзи пишган малакали адабиётчиларгина давр хусусиятини пайқаши мумкин. Истеъдодли, ўзига хос овозга эга икки шоир илк китобининг бир мақолада бирга олиб қаралиши янги адабий давр хусусиятларини вақтида илғаш ва улар рўёбга чиқишида кўмаклашиш, эскилик қандай янгиликка раҳна солиши мумкинлигидан адабий жамоатчилиكنи огоҳ этишдир.

Ҳар икки тўпلامда стихия манзаралари кўп учрайди (1); фикрлари, туйғулари мураккаб, шу боис тагига етолмаган, ифодаси тўла чиқмаган ўринлар ҳам сероб (2); 70-йилларда адабиётга кириб келган ўрта авлод шоирлар ижодидан фарқ қилароқ, публицистикадан санъат сари ўтишга интилишмоқда, граждандлик ҳайқириқлари, адолат, жамият, ошкоралик учун, ижтимоий иллатларга қарши кураш улар ижодининг ягона ва бош масаласи эмас. Долзарб аммо санъат нуқтаи назаридан ўткинчи масалалардан кўра инсон табиати ва ҳаёт, ҳаётдаги абадий масалалар уларни қамраб олган (3). Бироқ ҳар икки шоир ёш бўлишига қарамай, ўз овози ва ўз сўқмоғига эга. Лекин саналган бу изланишларни авторларнинг ўзи яхши англаган, уларнинг ижоддаги аниқ мақсади шулар дейиш тўғри бўлмас. Улар кўпроқ ўзлари сезмаган ҳолда, бугунги поэзиямиз ва истеъдод эҳтиёжи билан, ички даъват тазйиқида қалам тебратишмоқда.

Э. Шукуров анъанавий йўлда — ошкор-узлуксиз мантиқ ипига тизиб ёзади. Унинг мураккаб, тушуниксиз мисралари чуқур ўйланса, ахйир ҳамма мисралар бевосита ўзаро боғлиқ, бири иккинчисидан келиб чиққан бўлади. Унинг учун типик шеър — Ҳолат:

**У заминга сизмай қолди. Вужудни қистар,
Парвозга чоғлаб,
Осмонларга учиб кетмоқни истар
Заминни қучоқлаб.**

Кейинги — сўнги бандда фикр ўсиб, «Заминни ташлаб» осмонларга учиб кетиш истаги билан яқунланади. Бу руҳий ҳолат тасвири ва унинг замирида ётган фалсафа бизга яхши таниш — классик поэзиямизда кенг ёритилган. Бу руҳнинг, жоннинг орзуси — жисм зиндонидан қутулиб, эркинликка эришиш. Бироқ Эшқобил — XX аср одами, социалистик тузум вакили, материализм унинг қонига синган. Замин, материя, ўз жисми унга азиз. Осмонга заминни қучоқлаб, ўз жисмини кўтариб учмоқчи. Аммо тўқис бахтга эришишнинг иложи йўқ. Шў боис заминни ташлаб кетишга мажбур. (Бу ерда замин «ватан», «муҳит» маъносидамас.)

Шеърдаги бу фикр балким, шоирга маълуммасдир. Акс ҳолда у «Вужудни қистар» (вужуд — жисм, тана) демаган бўларди. Аммо истеъдод мўъжизаси ҳам шундаки, илҳом онда унинг тилидан юксак ғоялар айтилиб кетади. Сабабини эса биз ўрганган жўн мантиқ, примитив реализм йўлидан бориб англаб бўлмайди. Кейинги вақтларда шундай поэтик ҳодисалар тез-тез содир бўлмоқда. Бу янги, ёш авлодлар қалби ва онги ўз ички қатағони — вульгар социологизм асоратидан қутулиб, покланаётгани, санъат ўзлигига қайтаётганидан дарак беради.

Лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, туйғулари бевосита тасвирланган шеърлар кам. «Рухим», «Рухнинг парвози», «Мувозанат» шеърларида ҳам шоир ўзлиги билан суҳбат қуради. Бироқ уларда қалб диалектикаси, мураккаб руҳий ҳодисалар, ҳислар, майлар тасвирини кўрмаймиз. Тўпلامнинг сўнги саҳифасидан жой олган «Рухнинг парвози»да шоирнинг ўз китобига омонлик тилагани айtilган. «Рухим»да қалбнинг нозиклиги қаламга олинган. Бироқ сўнги мисра — «Мен сўзларнинг кўзларида кўринай» — уни шоирлик ижтимоий фаолияти билан боғлаган. Хуллас, Эшқобил ўз қалби билан, ўзлиги билан юзма-юз туришни, уни титқилашни, турткилашни ёқтирмайди. Қалбини ўзгаларга муносабат орқали очади. Унинг қаҳрамонлари Боймоқли — шоир тўғилган қишлоқ, қадимги битик тошлар, чанқовуз, кўпкари, бободехқон, Бойқаро, Майна Ҳасанова,

^{1,2}А. Қутбиддинов, «Найсон». Э. Шукуров, «Сочлари сунбул-сунбул» — шеърлар. Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1988.

Пабло Неруда, тинчлик. Эшқобил ўзгалар ҳақида ёзишни, халқнинг ҳаётини, тарихий қаҳрамонлар ва обидаларнинг моҳиятига етиб тасвирлашни яхши кўради.

Тўпلامнинг ижтимоий мавзулар давраси ранг-баранг. Аммо севги тасвири тансиқ, йўқ даражада. Бевосита номланган битта шеър бор — «Севгининг бир кунни». Сарлавҳа — лоқайд, шеърда муҳаббат туйғуси сезилмайди. Муҳаббат ўзбек совет адабиёти учун энг оғир мавзу бўлиб келди, юзлаб шоир ва ёзувчилар қатори, Э. Шукуров ҳам бу тўпلامда ишқ синовидан ўтолмади. Ҳолбуки, камолот йўлида муҳаббат туйғуси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Фақат севги туйғусигина кишини чинакам фозиллик билан таништиради. Донишмандлик чўққисига фақат севги сўқмоғигина олиб чиқади. Классик поэзиямизда энг буюк шоир — Қақнус деб талқин этилган. Ишқ мавзуида шоир ўзини қанчалик чуқур ва яширмай ёритса, шеър шунчалик ёрқин, умуминсоний тус олади. Ута камтарлик Э. Шукуровнинг муҳаббат туйғусини жиловлаган, тарашлаган, тинчитган. Ёш шоир лоқайд ҳолда тасвирлаган, ишқ манзарасини чизолмаган.

Китоб номи «Сочлари сумбул-сумбул» жумласини суюкли қизнинг реал портретига чизги деб биламиз. Бироқ, «Найсон» билан ёнма-ён турганда «Сочлари сумбул-сумбул» нафақат узун қарвон, балки тарихий манзара экани ён бўлади. Сочлари доим сумбул, қадимдан ўзи шундай деган маъноси ҳам очилади. Муқоасада биз орқа планни ҳам кўрамиз. Бош сарлавҳадаги мана шу тарихийлик Э. Шукуров тўпلامининг типик хусусияти: қайси мавзуда ёзмасин, тарихи билан қамраб олади, ҳаракатда кўрсади. Ана шу ҳаракат стихияси уни оловлантиради. Баҳор чоғи дарё тошганда қирғоғида турган одамларга бир абсурд туйғу яхши таниш: киши селнинг ваҳимасидан кўрқади, аммо ўзини тошқинга отгиси, дарёдай тўлиб-тошиб оққиси, сўзгиси келаверади. Эшқобил деярли ҳар бир шеърда — ҳамма яхши чиққан, туйғули шеърларида поэтик тафаккур қалбида ҳосил этган селга шўнғийди. «Норбой ака марсияси», «Менгим момонинг йўқлови», «Қадимги битик тошларга ёзувлар» шулар жумласидандир. Шоирнинг «Кўнглимни тошга ёрдим» деб очасидаям дардинг сўзгача, шеъргача босиб ўтган йўли акс этади. Энг «ўшқин шеър — манзара, (табиат стихияси) тасвирланган «Шоли кўриқсизининг барига тарих сомони илашмаган. Аммо сертуғён «Кўпқари» — воқеабанд. Кўпқарида энг яхши от ўлади, чавандоз отнинг ғами (эгар-жабдуғи)ни кўтариб уйга келади, хотини олти ой аза тутаяди. Кўпқаридаги отлар ва одамлар жўшқин эш бўлган асов оқим сюжетга йўрғаклаб кўрсатилади. Албатта, лирик шеър ва сюжет — ўт билан сув: булбулнинг устига кичкина хуржунча ташлаш билан баробар. Ҳозир дунё адабиёти ноўрин классик меросдан воз кечмоқда. Чунки «инсон ҳаётининг воқеий, ҳужжатли тарафи ўз ҳолича поэтик эмас» (Антонио Мачадо). Бироқ Э. Шукуровда сюжет-йўқлов манзараси, воқеани лирик тасвирга солиб оқизади. Натижада сюжет ҳам стихия унсурини бўлиб қолади. Сюжет лирик туйғуларни юганлаб, эгар уриб миниб олишга йўл қўймайди.

Умуман, Э. Шукуров — лирик шоир, тўпламда воқеабанд шеър жуда кам, кўпинча туйғу ё фикр тарихи баён этилади, бу ҳам орқа планда — узокда от сураётган суворийга ўхшайди.

Олдинги саҳнада ҳамisha инсон ва табиат тошқини тасвирланади.

**«Ҳайт! — деди, улоқ кетди,
Уртада табақ кетди.
Ногоҳон эл гуриллар,
Гуриллайди чанг-тўзон.
Ер ойнадай зириллар,
Отларга қолди майдон.»**

Ўз шеърда ёш шоир мутлақ тенглик жорий этган: эл ва чанг-тўзон бир хил ва барабар гуриллайди, ер ва от ўхшаш зириллайди. Ўз ўрнида от чавандоздан устун («отларга қолди майдон»). Шу вақтгача биз жирканиб, баримизни қоқиб келган чангни Эшқобил — музыка сози кўпқарини — симфония сифатида тасаввур этади («Отининг ёли билан чангни чалар чавандоз»). Бу тасвир икки жиҳатдан алоҳида эътиборга лойиқ. Халқимиз Умар Хайёмнинг инсон ҳоқи, фоний ва боқий дунё ҳақидаги рубойларини бир-бирга ўғит тарзида ўқиб келади. Навоийнинг ҳақиқат йўлидаги улуг фикрларини имкон борича илғаб, таъкидлаб келамиз. Бироқ биз Навоий невараси эканлигимиз, бизнинг қонимизда ҳам ўша руҳ яшаётганини фақат энди англаяпмиз. Ўз қалбини англаётган шоирлар ижодида, шу жумладан, «Сочлари сумбул-сумбул» ва «Найсон»даям классик поэзиядаги бутун борлиққа ҳурмат ва муҳаббат, тенг қараш қайта жонланмоқда. Бу масалада биз Навоийга қайтдик ва ўйлайманки, поэзия ҳақидаги қарашларимиз вульгар социологик хас-хашақлардан тозаланган сайин, улги олиш учун кўпгина масалаларда Катта Бобомиз ҳузурга борамиз, адабиётимизнинг уйғониш давридан бошлаймиз. Бугунги шеърятда тобора кўпаяётган йўқлов шеърлар — шу интилишнинг даракчиси. Бу — биринчи ҳол.

Иккинчи куртак — «Отининг ёли билан чангни чалар чавандоз»: ёш шоир кўпқари стихиясининг музыкасини илғашга уринмоқда. Бир вақт А. Блок инқилоб музыкасини эшитгани тилларда машҳур. Умумхалқ ҳаракати, табиат оҳангини илғашга интилиш бизнинг поэзияда ҳам таомилга кирмоқда. Зеро, А. Блок айтган эдики, шоир бетартиб ибтидога келтиришдан иборат бўлган. Халқ шоирлари — бахшиларнинг дўмбира чалиб, кўл, бошни ўйнатиб қўшиқ айтиши ҳам ўша зикр санъатининг бир шакли. Улар ижодининг бадиҳавийлиги ҳам шундан. Қонига бахшилар овози синган Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё областларидан чиқаётган шоирлар — Ш. Раҳматуллаев, У. Азим, А. Суюн, Х. Даврон, Й. Эшбек ва бошқалар ижодида бахшиёна жанр вужудга келди. Бахшиёналар, халқ дostonларининг қаҳрамонлари, кўпқари тасвирланган шеърларда автор ўзини елдириши кўзга ташланади. Шоир оҳангда (хаёлан) тулпор билан қўшилиб чопаятгани сезилади. Ўзини стихия оғушига ташлайди.

Шундай майлли шеърлар, ҳаракатлар сеҳрли кучга эга бўлади, шеърхонни ҳам жодулайди. Нега шундай?

Ерда ҳаёт илк бор океанда — стихия оғушида туғилган. Орадани миллион йил ўтган, тириклик ҳайвонот, набототга ажралиб, ўз ичида турлар пайдо қилиб, инсон маънавиятга эришиб, камол

топган бўлса-да, ammo унинг қонида тириклик тарихидаги энг ларзон воқеа тирилиш ва ўша илк ҳужайра таассуротлари унинг қон хотирасида ҳамон яшамоқда. Илк беланчак — океан стихиясини одамзот ҳамон соғинади, ибтидога қайтгиси, яна бир бор кўргиси келади. Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема»сидаги болакайнинг азиз одами — отасини балиқ бўлиб сузиб бориб топиб олиши истаги, унинг отаси денгизда (кемада) сузиб яшаши — мутафаккир адибнинг нозик қалби илғаган ибтидо истагидир. Бундай майллар бошқа чин ижодкорлар асарларидаям учрайди. Булар онг остига абадий жойлашган армонлар импульси, узокдан келган муждалардир. Замондошларимиз ҳар хил вульгар социологик галдиратмалардан озод бўлиб, ўзлгига чўмган сайин, инсон табиатининг чуқур қаъридан келаётган товушларни эшитмоқда. Бу масалада биринчи мутахассис ва муаллим — шоирлар. Кўриниб турибдики, бундан кейин жамият ҳаётида санъатнинг роли орта боради. Янги давр туғдирган ёш шоирлар ана шу руҳий эҳтиёжлар бўйича ихтисосни эгаллашга интилишмоқда.

Э. Шукуровнинг шеърларида ўзини елдириш (зикр, тан ва руҳ муолижаси), ибтидоий товушларни илғашга интилиш турли шаклларда намоён бўлади. «Кўпқари»да — шошқин бахшиёна оҳанг, «Менгим момонинг йўқлови», «Норбой ака марсияси» ва яна кўп шеърлардаги йўқлов, кўп қўлланган «Аҳай-аҳай-ҳай!», «Аҳай-аҳай!», «Ҳа-ҳа!», «Увв!.. Увв!..», «Қанисанув!», «Ҳайт!», «Ҳоййо-ҳуйт!» каби стихияли товушларнинг ранг-баранг силсиласи «онгсизлик» ва «онг аввалидан келган тасвирларнинг инсондаги акс садоси ёки шоирнинг ўша ёқдан акс садо эшитиш мақсадида борлиққа ҳайқирғидир. Ҳар товуз (мозаик) тасвир дунё сўз санъатининг янги намуналарини ўзбек адабиётига олиб киришга интилган Рауф Парфининг айрим шеърларида кўзга ташланган. Ammo биз унинг янги ижод принципининг илк куртаклари эканини шу вақтгача сезмаган эдик. Истеъдодли шоирлар — А. Қутбиддинов, Э. Шукуровлар ҳам шу йўлда изланишмоқда.

**Чумчуқ, чумчуқ, шўр тумшуқ,
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!
Тумшугингни тошга тут,
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!
Шолипоя кўллаган —
Осмонлар кўллаб ётар,
Тилларанг балиқчалар
Юлдузга бўкиб ётар.
Ҳоййо-ҳуйт! Ҳоййо-ҳуйт!
Шамолга забон бериб,
Шолипоя чайқалар...**

«Шоли кўриқчиси» деб номланган бу шеър — поэтик пейзаж. Шеърда мантиқ ипи узиб-узиб ёзилган. Завқ тўлқини бўғзига тиқилган ўсмир бадиҳа билан куйламоқда. Кўзига нима кўринса — ҳаммаси кўшиқ. Қушларга ҳазиллашади («тумшугингни тошга тут»), шолипоя кўллагани, унда осмон акс этгани, балиқчалар юлдузга бўккани, шолипоя чайқалгани эътиборини тортади. Манзарани унинг «Ҳоййо-ҳуйт»и тилкалаб турибди. Шоли кўриқчиси ҳаракати онг измидан чиқиб, туйғулар ихтиёрига ўтган. Ҳаяжони жунбушга келган. Айтиш мумкин, у табиат бағрида зикр тушмоқда. Тан қаърини ёриб чиққан бақриқ даражасидаги бу ҳаяжон-кўшиқ, мутлақо рандаланмаган «Ҳоййо-ҳуйт» шоли кўриқчиси табиат фарзанди эканини кўрсатади. У ҳозир на сўз маъносига, на жамият сингдирган мантиқ ипига эътибор қилаётгани йўқ, фақат ички ҳаяжонини чиқариш билан банд. Шеърда табиат манзараси бор. Ammo уни тасвирлаётган биринчи шоир — шолипоя кўриқчисини иккинчи шоир — Э. Шукуров манзарага киритворган. Ҳаммаси биргаликда — табиат стихиясининг бир эпкинни.

Наширёт муҳаррири «Кун иплари сўтиради»ни — «Кун иплари узилади», «Қизлар каби титрайди»ни — «Қизлар каби сузилади» деб «тузатади», китобийлаштиради, узилган мантиқ ипини улайди. Муҳаррир авторнинг поэтик назарини тушунмаган: бу ерда сўз эмас, ҳаяжон онг измидан чиққан ҳислар тошқини бош образ. Сўзлар, мантиқдаги пойма-пойлик ҳам шунини таъкидлайди. Реаллик олдида сўз ҳам, шеър ҳам ожиз. Бу қараш замонавий ғоялар руҳига мос, даврнинг шивирини.

Ҳар товуз шеър шаклида хорижий адабиётдаги кублар билан ёзиш, экспрессионизм, сюрреализм ижодий методларида ҳам XX асрнинг тадқиқотга иштиёқи билан бирга асабийлиги, сабри емирилганлиги ўз аксини топган. А. Қутбиддиновнинг тўпламидаги кўпгина шеърлар ҳам шоир шаклини ижод принципи, инсоннинг, ҳаётнинг мураккаб воқелигини илғаш ва ифодалашда бадиий тадқиқ йўли сифатида фойдаланганидан дарак беради.

**Омочлар тишлайди далани,
Элакдан тўкилиб кетар шом.
Тунларга беланар чумчуқлар.**

(«Эртак»)

**Каптарлар чарх уриб учади,
Қараб қўяр Омонқўтонга.**

У улкан от,

Қаноти синган

Уҳлаб қолган уйғоқ жаҳонда.

(«Каптарлар чарх уриб учади»)

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Мисраларни туташтириш икки балиқни бир игга боғлашдай мушкул. Кўп уриниб, биз мисралар бир-биридан келиб чиқмаганини, фақат бир руҳда эканлигини, бир мавзуга хизмат қилишини англаймиз. Бир-бирини танимаган икки одам ёнма-ён туриб ҳамкорлик қилган ҳоллар эсимизга тушади ва кубизм ҳаётдан олинганига амин бўламиз. Бироқ мисра — кублар ўзаро боғланмаган, мантиқ инкор этилган бу парчаларда фикрсизликка интилиш ҳам сезилмайди. Шеърнинг ичига бир амаллаб кира олган киши мозаик шеърда шоир воситаларни ташлаб, бевосита моҳиятни айтишга интилганини англайди.

Ҳар товуз шеър шаклида яна бир мақсад кузатилади. Унда озми кўпли абсурд манзараси ҳам акс этади. Ўзаро туташмаган, бир-бирини қувватламаган, ҳатто инкор этган мисраларнинг ўзаро муомаласи шаҳардаги кўп қаватли уйда истиқомат қиладиган одамлар муносабатида учраб турадиган бегоналик зиддият ва инкор ҳолларидан дарак беради.

**Мусаллас эрийди каклик сувдонида,
Лойқа ариқларда кўпчийди асал.
Ҳайрат эшигида бизни кутмоқда
Уттизинчи февраль.**

«Хаёл» шеърдан тўлиқ келтирилган бу яхлит бандан бирон фикр англашга уриниш бефойда. На типик ҳаёт ҳақиқати, на оқилона мушоҳада бор унда. Ҳаёт, инсон руҳиятининг бирон чигал муаммосига оид сабоқ ёки йўлланма ҳам ололмайсиз. Каклик сувдонида мусаллас эриши, лойқа ариқда асал кўпчиши — ҳеч бир маъно англамайди. Бироқ уларнинг руҳида — маъносиз ва дағаллиги, хунуклик тасвирида турғунлик давридаги «маънодор»лик — корчалонликка қарши исён бор. Шоир ҳаёт, табиат ва инсон руҳиятидаги ўзгаришлар бизнинг ақлимиз ва идрокимизни лол қолдириб, мушоҳада шаклимизни пучга чиқариб турган мавжудликлар ҳақида гапирмоқда.

**Ҳайрат эшигида бизни кутмоқда
Уттизинчи февраль.**

Календарда (бугунги расмий кунлар руйхатида) бундай кун йўқ. Бу ошкор абсурд бошқа мужмалроқ чиққан мисраларни ҳам ёритади. Каклик сувдонида мусаллас эритиш, лойқа сувда асал кўпчиши — икковиям абсурд. Жамиятни миниб олган бюрократия одамларни ҳар кўйга солмоқда.

Бу шеърнинг татбиқи, аммо унинг ўзида бу гапларга ишора йўқ. Чунки публицистикадан йироқ. Санъат ўзлигини йўқотмаган ҳолда жамият учун курашмоқда. Шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида вульгар социологик ҳукмбардорлик адабиётни ўзлигидан чиқариб, публицистикага айлан-тириб, аниқроғи дурагайлаштириб қўйган эди. Қайта қуриш руҳи жамият, халқ хўжалиги, одамларни нотўғри йўлдан халос этипти, ўзлигини топишга, ихтисослашишга имкон берапти. Шу боис янгилик изланаётган шеърларни ҳам қайта қуриш мевалари деб аташ лозим. Қайта қуриш прожекторнинг таъбири билан айтганда, шоирлар ҳам поэзиядаги «стереотип»ларни синдиришмоқда.

**Мен баъзан кўп гапирман, не қилай,
Бахтиёр яшаган келар сен билан.**

Севги, бахт онидан айрим одамлар чиндан ҳам бетиним гапиришади, ва шу қилиги билан суюқлининг жонига тегиб, бахтни барбод этишади. Шоир билапти — бунчалик кўп гапириш — зиён. Аммо ҳеч нарса қилолмайди: у ақл измидан чиқиб, туйғулар тошқинида оқиб кетмоқда.

Ҳижронда ўртанган шоир бир шеърда «Капалак қонини ичирини тошир менга» деб илтижо қилади. Капалакда эса қон бўлмайди. Капалак — болалик тимсоли, беғуборлик рамзи.

**Субҳлар ҳўплайди патли ҳавони,
Бир кун ёлғончилик қилади апрель.
Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман,
Бироқ кел.**

Ҳар тўрттала мисрада абсурд ёки унга дахлдорлик бор. Охириги икки — якунловчи мисрада у яққол ифодаланган. Лирик ҳаётда эрининг келишини истамайди, лекин кел деб илтижо қилади. Қай бирига ишониш керак? Ишоти — ўзингизда, ўзбек поэзиясининг инсонга чуқур кирган намуналарида. А. Орипов, Р. Парфи, У. Азимов, Х. Даврон, Ш. Раҳмоннинг айрим шеърларида инсон руҳидаги шу хил зиддиятлар ўз аксини топган. Умуман, ёрни соғиниш, аммо у билан учрашувдан чўши ҳоллари классик поэзиямизда, Навоий ғазалларида ҳам бор. Демак, абсурд тасвири поэзиямизнинг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Бироқ таназзул даврларида поэзия юзакилашиб, инсон ва ҳаётдаги мураккаб ҳодисаларга тиши ўтмай қолди. Юқорида бир бандини келтирган шеъримизда апрель уч хил талқинда келади: «Бир кун ёлғончилик қилади апрель», «Бир кун ҳақиқатгўй бўлмади апрель», «Бир кун ўзим қаби лақмадир апрель». Уч таърифнинг қай бири тўғри: бир кун алдаб қўйиши мумкинлигимиз (ҳозирча ростгўйлигимиз), ё бир марта ҳам ҳақиқатни айтмаганимиз ёки лақмалигимиз? Уччаласиям тўғри. Чунки у одамлар қўлидаги ўйинчоқ. Одамлар бир-бирини лақилла-тишда апрелдан фойдаланишади. Шоир ижтимоий муаммоларга чуқурлашмайди, одамлар орасида апрель ёлғончи ой деб танилгани учун шу образдан фойдаланиб қўя қолади. Апрель ҳақидаги шу тушунчани хилма-хил томонга ўстириб, бетайин муҳитдаги абсурдни кўрсатган.

Куйидаги бандда ҳаёлда бўрттириш кучли поэтик самара берган:

**Уралик дарахтга чиқади йўлак,
Чинқириб синади эгилган терак.
О, малак...**

Йўлак дарахтга чиқолмайди, ишқ мажнунни у дарахт устидан ёрни кўрмоқчи бўлган. Бироқ ошиқлик йўли уни дарахт устига олиб чиқмадимиз?! Чинқириб синган теракмас, ошиқ ё машуқанинг юраги, «О, малак...» — улар қалбининг нидоси. Кейинги мисралардаги девор устидаги сарғайган майса ҳам рамз — машуқа (Халқ кўшиқлари руҳида), ер остида бўзлайдиган уммон — ошиқ ва машуқанинг тилсиз ҳаяжонлари. Дарахтга ўралиб, одатда, илон чиқади. Демак, йўлак илонга ўхшатишмоқда, аслида эса ҳар иккиси — ошиқ таърифи.

Алоҳида ўқишни тақозо этадиган шеърлардан бири — «Соҳибдилми дилоро». Шеър Ҳофизга бағишланган. Шу қайд спиралсимон калит бўлиб, шеър — қулфни очшимизга кўмаклашади. У барча бандларда такрорланади, барча фикрларни йўлга бошлайди, ҳаммасини дил соҳибига қаратди. Ким у соҳибдил? Суюкли қизми, онами, Ҳофизми, худуми? Ҳали мавҳум, аниқ реал қиёфага кирган эмас. Аммо унга эҳтиёж қалбда ўсмоқда.

Борлиқдаги ҳар бир мавжудот ўзини асраш инстинкти билан қуролланган. Ҳаётнинг умрбоқийлигининг омилларидан бири шу. Өмонлик учун кураш даставвал ўзлигини — тур қиёфасини сақлашга қаратилган. Инсоният оламида элатлар, халқлар, миллатларнинг яшовчанлиги шундан. Маънавий эътиқод — инсон зотининг тур хусусияти, ўзлигига айланган. Инсонлик қиёфамизни йўқотишимиз эътиқодсизликдан бошланади. Тур сифатида ўзимизни асраш инстинкти бизни ҳамиша эътиқод излашга даъват этади. Турғунлик йилларида эътиқодларимиз бирма-бир ўлди. Аммо инсон эътиқодсиз яшай олмагани учун, чирий бошлаши билан дарҳол хавфни сезди ва инсонлик инстинкти эътиқодга эҳтиёж уйғотди. Ч. Айтматовнинг «Кунда» романининг хилма-хил талқинлари орасида

асар ғоясини худо излашдан иборат дейилганлари ҳам бўлди. Бу гапдаям жон бор. Худо деганда эътиқодни тушунамиз. Худо — стереотип, асрлар давомида ишланган, сайқалланган гайёр образ. Осонини кўзлаганлар шу образдан фойдаланиб кўя қолишади. Бироқ, Ч. Айтматовнинг эътиқод излашлари анча чуқур ва мураккаб, социалистик маънавият билан узвий боғлиқ. Шу боис «Кунда»нинг мақсадини худо излаш деб белгиланган танқидчилар мутафаккир адибнинг изланишларига йўлдош бўлолмай, чарчаб, уларни стереотип билан изоҳлаб кўя қолишган.

«Кунда» романида акс этган эътиқод излаш — бу умумсовет жараёни. Энг сезгир туйғу соҳиблари халқнинг шу эҳтиёжини ҳаммадан бурун илғамоқдалар. Ўзбек адабиётида ҳам шу жараён анчадан буюн кузатилмоқда. А. Орипов, Р. Парфи, Г. Нуруллаева, Ҳ. Худойбердиева, М. Жалил, У. Азим, Й. Эшбек, Ш. Раҳмон, М. Раҳмон, Ҳ. Даврон каби шоирларнинг шеърларида эътиқодга эҳтиёж, эътиқодсизлик иллатлари тасвири берилган. Бироқ проблема кўпроқ публицистик тадқиқинг этилган. Жўн (примитив) реализм масаланинг фалсафий илдизларини англашга имкон бермади. Ч. Айтматов эътиқодсизлик оқибатлари ва маънавий-руҳий эҳтиёжнинг психик ва фалсафий моҳиятини очишга интилган ва бунга қисман эришган. Адабиётга энди кириб келаётган ёш ижодкорлар сўз санъати эришган энг янги ютуқлардан бахраманд бўлиб қалам тебратилмоқда. А. Қутбидинов соҳибдилнинг фалсафий қиёфасини англашни истайди. Бу ҳам поэзиямизнинг янги давр белгиси бўлиб, ўтган ўн йилликда кузатилган публицистикликдан қайтиб, адабиёт фалсафа сари сурилаётганидан дарак беради. Бу — адабиётнинг азалий катта йўли.

«Соҳибдиллим — дилоро» символик шеър бўлиб, ёш автор классик поэзиямиз рамзлари, сўзларидан фойдаланади. «Соҳибдил», «дилоро», «чашма гирён» сўзлари, «қақнус гулхани, кули, уни кўзга суртишлар, кўз — қулф, зулф — қилич, куюн — фалак, карвон — одамзот, васл — сароб рамзий образлар бизнинг бугунги маънавий эҳтиёжларимизни классик поэзиядаги дард билан боғлайди. Катта муаммога шоирнинг кучи етмаган. Шеър тугал фалсафий-бадий тадқиқот эмас, балки қалб тугёнининг узуқ-юлуқ парчалари. Мозаик услуб шоирнинг ҳозирча камқулиги, поэтик муаммо фалсафий йўналишда энди ишланаётгани, изланишлар энди тетапоё бўлаётгани билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам ёш шоир Ҳофизга мурожаат этди, ибтидо ва мададнинг классик поэзиядан излади.

60-йиллардаги қайта уйғониш ўн йиллигида Э. Воҳидов ва А. Орипов ҳам классик поэзиямизга жўшқин мурожаат этишган эди. Н. Худойберганов аруздаги машқларни ўлик жанрни тирилтиришга уринишяпти деб аюҳаннос солганига қарамай, миннатдор аждодлар руҳи содиқ ворисларни бугун шоҳсулага олиб чиқди. Шунга қарамасдан, «Ёшлик девони» — узилган ипни улаган тугун бўлса, А. Орипов классик поэзиядан бугунги катта кураш учун руҳий мадад сўраган эди.

**Мадорсиз қўлимга қалам олганда
Е узоқ йўлларда ҳориб-толганда,
Бир номард қошида ожиз қолганда
Паҳлавон Маҳмуддан сўрадим мадад.**

Адабиётга 70-йилларда кириб келган бўғин гражданлик кураши — А. Орипов йўлини оммавий ва баланд босқичга кўтарди. Адабиёт кучли, курашчан руҳ касб этди. Бироқ 70-йиллар бўғини публицистикага берилди, — классик адабиёт билан боғлана олмади. Э. Воҳидов ва А. Орипов поэзияси бошлаган классик адабиётни қайта ўзлаштириш ишини давом эттира билмади. Айтиш мумкин, улар Европага қаради, Ғарбдан ўрганди. Аммо 80-йилларда пайдо бўлган янги тўлқин 60-йилларга, аниқроғи, илк уйғониш давридаги уч йўналиш — Э. Воҳидов, А. Орипов ва Р. Парфи изланишларига яқин. Бу авлод ўрта бўғинни инкор этмаган ҳолатда уйғониш ибтидосидан бошладилар ва публицистикани поэзия учун санъат фалсафасидан чалғиш деб англадилар.

Ўрта бўғин ғарб «саёҳати»дан ҳаёт, инсон ва адабиёт, ижодларга оид билим билан бирга рационал ижод услубини ҳам олиб келишди. Нафосатга асосланган шарқ зиёлиликка қуруқ рационаллик ёт бўлсада, аммо ҳар қандай янгилик каби у ҳам ёшлар эътиборини тортди, уларга таъсир ўтказди. Қалб овозини, «онгсизлик» импульсларини (З. Фрейд) тинглаш ўрнига, фикрни фикрга уриштириб учқун чиқаришга уриниш ҳоллари кузатилмоқда. Юқорида кўрганмиз Э. Шукоровнинг «Севгининг бир кун»и сеवга ҳақидаги рационал ўйлардан иборат рационал тасвир бўлгани учун ҳам сўник, поэзия чиқмаган.


**Раёно, бу гулларни узмоғим учун
Ун олти ёшимга қайтмоғим керак.**
(«Кўзим диёрида очилган гуллар»).

**Қоғоз ўчоқларнинг қаҳрига ўтин
Қўлимда гул каби узилган юрак.**
(«Севгининг энг сўнги гуллари титрар»).

Эшқобилнинг бу шеъри — тафаккур ўйини, унинг мақсади — мушоҳада кудратини намойиш этиш. Бу мисралар узоқ борса, шахмат каби, миямизни машқ қилдириши мумкин. Аммо қалбга ҳеч нарса бермайди. Ҳолбуки, жамиятда ақлли одамлар сароб. Шоирлар, туйғу одамлари онгдан ташқаридаги, онгсизлик, онгсизлик ва хаосдан хабарлар келтириши даркор. Фақат шундай кишиларгина қадимда «Шоир» деб аталган. Ёш ижодкорлар ана шунинг машқини олишлари лозим.

А. Қутбидиновнинг «Қулаётган ҳинду кўшиғи», «Нисбийлик», «Афросиёбининг гўлдираганлари» шеърлари ҳам фикр айтиш учун ёзилган. Ҳолбуки, фикр, у ҳар қанча катта бўлмасин, поэзия учун камлик қилади. Шунинг фарқлайдиган вақт етди. Адабиётнинг санъат сифатида ўзлигини англаши, тур хусусиятларини қайта касб этиши учун бу ниҳоятда муҳим ибтидо. Кейинги ўттиз йил ичида кечаётган поэзиядаги уйғониш адабиётнинг ўзлиги — санъатлигини англаш ва унга этилиш учун машаққатли изланиш ва курашлардан иборат бўлди. Кенжа бўғиннинг истеъдодли ёшлари санъат учун шу курашга қўшилдилар. Бу ҳам қайта қуришнинг баракаси.

Адабий ҳаётда эскилик ва янгилик кураши янги жабҳаларга кўчади. Уйлайманки, энди ниҳоятда кескин тус олади. Адабиётимиз тараққиёт тезлашгани тўғрисида ҳар бир авлод кучли тўлқин бўлиб келмоқда. Энди мавқега эришган забардаст ўрта бўғинни кенжа авлод инкор этмоқда — начора, тараққиёт қонуни шу тарзда белгиланган. Ҳаётнинг бир донишмандлиги бор: ота ўзининг энг шўх ўғлини калтакламоқчи бўлганда бобо ҳамиша неварасининг ёнини олади. Адабий ҳаётда ҳам шундай бўлади деб умид қиламиз.



Мухаммад Очилов

ҲАЖВИЯЛАР

ТУБСИЗ ҲОВУЗ

Емғирдан кейинги кўзиқориндек, шаҳарнинг қоқ марказида, беш қаватли «Гўзаллик салони» қад кўтарди. Қурувчилар ҳали пардозлаш ишларини тугатиб улгуришмасданоқ, етти кишилик қабул комиссияси етиб келди. Комиссия бошлиғи, ҳамиша қовоғи солиқлигидан пешонаси тиришиб, лунжи пуфак бойлаб юрадиган шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Шодмонбоев, қани бошладик дегандек, ўнг қўлини олдинга чўзди ва бино остонасига қадам қўйди.

Комиссия бошлиғи ҳар қаватга кўтарилиб, хоналарга кўз югуртирар, «хўш... тузук!» дерди. Унинг орқасидан соядай ажралмай келаётган, бинони қурган пудратчи-участка бошлиғи Ботиров шу заҳоти қўл соатига қараб: «Эҳм... ош совиб қолма-син», дея оҳиста минғиллаб қўярди.

Шодмонбоев тўртинчи қаватга кўтарилгач, афтини буриштирганча, «хўш», деди-ю, «тузук» сўзини айтмай, бир нуқтага тикилганча қотди. Сўнг улкан ғалвирнинг гардишини эслатувчи цемент айланани участка бошлиғига кўрсатди:

— Хўш, бу нима?

Участка бошлиғи, ўйлаб ўтирмасданоқ, прораб Собировга ўгирилди:

— Нима бу... хўш?

Собиров тўртинчи ва бешинчи қават оралиғидаги айланани биринчи маротаба кўраётгандек елка учирди-да, ўз навбатида, орқадан келаётган участка мастери Юзбашянга юзланди.

— Бу, хўш... нима?

Юзбашян ҳам «айлана»дан хабарсиз экан шекилли, қўлдан-қўлга ўтавериб титилиб, сарғайиб кетган қоғозни дарҳол қўйнидан олиб ерга ёйди.

— Бу — шу бинонинг план-лойиҳаси. Мана бу ерда... — Юзбашян сарғиш доирага бармоғини нуқиди, — яъни, тўртинчи ва бешинчи қават оралиғида айлана шакли акс эттирилган. Марҳамат, ҳамма кўриши мумкин... Демак, биз лойиҳада кўрсатилган нарсани бажарганмиз. Лекин, гапнинг очиғи, шу доиранинг нима эканлигига ўзимнинг ҳам ақлим етмай турибди. Ҳовуз бўлса керак.

— Ҳовуз? — комиссия бошлиғининг қовоғи баттар солинди. — Тўртинчи қаватда-я! Эсларинг жойидами ўзи? Нега маҳаллий шароитни ҳисобга олмайсизлар? Ахир... шаҳримизда сув учинчи қаватга зўрға чиқади-ку?!

— Ҳовуз ҳам бўлсин, дейлик... — комиссия аъзоларидан кимдир луқма ташлади. — Яхши ният — ярим мол. Лекин бу ҳовузларингни туби, тағзамини йўқ-ку? Шундай экан, сув, ахир, қаерда тўпланади?

Участка бошлиғи Ботиров, ўзини тутолмасдан, участка мастери Юзбашяннинг қўлидан лойиҳани юлқиб олиб, прораб Собировга ўшқирди:

— Ҳовуз? Ким буюрди...

Ботиров, негадир, сўзини охиригача етказмади. Афтидан, бу гапи билан у янги

бинони топширишни боши берк кўчага киритиб қўйиш мумкинлигини сезиб қолганди. Шу боис ўзини босиб олиб, суҳбат жоловини четга тортди.

— Менимча, бу айлана ҳовуз эмас, қушлар қўнадиган махсус жой бўлса керак. Қаранглар, қандай чиройли!.. Баҳор, ёз ва куз ойлари қушлар қўниб, вижир-вижир сайраб туришса ёмонми? Короче, ўртоқлар, архитекторлар лойиҳада нима кўрсатишган бўлса, ўшани амалга оширганмиз. Эҳм... Ўртоқ Шодмонбоев ош совиб кетди-ку, ахир!..

Ҳалидан буён суҳбатга аралашмай, чеккада сигарет тутатиб турган қабул комиссиясининг яна бир аъзоси — шаҳар архитектори Хуррамов участка бошлиғининг бу гапидан сергак тортиб, унга яқинлашди.

— Нега архитекторларни айблаб, бўйнимизга тош осяспизлар? Биз қурувчиларга қачон ёмонликни раво кўрганмиз. Во-обше, шаҳар биоларининг юқори қаватида ҳовуз ҳам, қўналға ҳам қуриш кўзда тутилмаган. Қани, лойиҳангизни бир кўрайлик-чи...

Участка бошлиғининг ранги оқарди. Қараса, Хуррамов архитекторларни оқлаш баҳона, янги бино топширилишини хавф остида қолдирапти. Шу боис Ботиров шоша-пиша Хуррамовга маънодор кўз қисиб, унинг сўзини бўлди.

— Ўртоқ Шодмонбоевнинг олдида тортишиб ётсак уят бўларов? Марҳамат, кўрамиз десангиз кўрсатаман. Мана, кўринглар... Лойиҳада айлана шакли туширилганми, туширилган. Тагида архитекторлар бошлиғининг имзоси чекилганми, чекилган. Шундай экан, бир айлана деб, бошимизни қотириб ўтиришдан кимга фойда-а?

Гапини тугатар экан, Ботиров яна бир марта Хуррамовга кўз қисиб қўйди. Архитектор Хуррамов «кўз қисиш»ларга тушунадиган мўмин-қобил одам эмасми, тезда ўз фикридан қайта қолди.

— Ҳм-м... Бошлиғимизнинг имзоси бўлса, демак, тўғри қурибсизлар. Лекин, ўртоқ Ботиров, буни сиз ўртоқ Шодмонбоев ва қолган комиссия аъзоларига тўғри тушунтира олишингиз лозим-да! Менимча, бу айлана... ҳовуз эмас, балки нақш, яъни архитектура тили билан айтганда, бино элементларининг шаклий белгисидир.

Гоҳ участка бошлиғининг, гоҳ архитекторнинг оғзига қараб қолган Шодмонбоев ниҳоят енгил нафас олди.

— Демак, бу айлана ҳовуз эмас — нақш. Комиссия аъзоси сифатида Хуррамовнинг фикрига қўшилиш мумкин. Энди яқунласак, ўртоқлар. Шахсан мен, янги бино топширишга тайёр, деб ҳисоблайман...

...Ошдан сўнг қабул комиссиясининг аъзолари жўнаб кетишди. Участка бошлиғи Ботиров мамнуният билан иягини чўзиб кекирганча, етти киши имзо чеккан «АКТ»ни етти буклаб чўнтагига тиқаркан, прораб ва мастерга юзланди.

— Хўш... Тўртинчи қаватда тубсиз ҳовузга ўхшаш бу матоҳни қўшишга ким кўрсата берди сенларга?! Яхшиям Шодмонбоев қурилишдан узоқ одам, яхшиям Хуррамов гапга тушунадиган одам! Бўлмаса... Пойдевор ташланаётганда-ку шу ерда эдим, сўнг иш билан... Демак, ўзи йўқнинг, кўзи йўқ экан-да?

Прораб Собиров биринчи бўлиб гуноҳкорона бош эгди.

— Айбимни тан оламан... иккинчи қават битгунча мен ҳам, қозиққа бойланган отдек, объектда айланиб турдим. Сўнг, хабарингиз бор, тўй масаласида... Нима қилай мастерга ишонган эдим-да.

Участка мастери Юзбашян айбини оқлаш учун яна чўнтагидан бинонинг лойиҳасини чиқарди.

— Учинчи қават битгунча ётоқхонам шу ерда эди. Кейин, ўзингиздан рухсат олгандим. Путьёвка куймасин деб... Бригадир Каримовга ишонгандим-да. У ҳам лойиҳада кўрсатилгандек...

Участка бошлиғи зарда билан қўл силтади.

— Э-э, ўша бригадир Каримовнинг еттинчи синф маълумоти билан чизма ўқий оладими, галварс! Қани, лойиҳани бу ёққа ол-чи... Ҳали ўзим ҳам яхши қарай олмагандим. Ким лойиҳага ўзгариш киритди?

Ботиров олдига ёйилган лойиҳадаги сарғиш доғ-айланани олдин тирнаб кўрди, сўнг ҳидламоқчи бўлгандек бурнига яқин келтириб тикиларкан, ҳайратдан қичқириб юборди.

— Ие, ахир бу... пиёланинг изи-ку!

Бироздан сўнг участка бошлиғи объектда иш вақтида чой ичишни ман этиш ва ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун қурилиш бригадири Каримовга қаттиқ огоҳлантириш бериш тўғрисидаги буйруққа имзо чекаркан, чуқур хўрсиниб қўйди: «Хайрият, лойиҳада чойнакнинг эмас, пиёланинг изи қолган экан...»

БОШ ОҒРИҚЛАР

Бош оғриғи ҳар кимда ҳар хил сабаб билан пайдо бўлади. Бировда шамоллашдан, бошқаларда шовқин-сурондан, эзма-чурук одам билан тортишгандан...

Кўчма колонна бошлиғи Жумашев эса, трест бошлиғидан гап эшитди дегунча, боши оғрийди-қолади...

Бош оғриғини ҳар ким ҳар хил даволайди. Биров дори ичади, бошқаси чой, учинчи киши эзма одамдан қочишнинг йўлини излаб қолади...

Жумашев боши оғриди дегунча, ўринбосарини чақиради...

...Душанба куни чошгоҳга яқин Жумашев трест бошлиғининг кабинетидан чиқарчиқмас бошида қаттиқ оғриқ пайдо бўлганини сезди. Идорага қандай этиб келганини билмайди. Креслога чўқар-чўқмас селекторнинг тугмасини босди:

— Ўртоқ Уроқов... Кириш олдимга!

Зум ўтмай остонада пайдо бўлган Уроқов ичкарига қадам босаркан, одати бўйича эгилди. Жумашевнинг ҳалидан буён пешонасини ғижимлаб турган ўнг қўли ҳавода ярим ой ясаб келиб столга тақ этиб урилди:

— Муттаҳамлар! Пиёнисталар!!

Бош оғриғи бир оз пасайганини сезган Жумашев ўринбосарини ўтиришга имо қилди.

— Гап бундай, ўртоқ Уроқов! Анови алкаш Йўлчиевингиз яна ҳушёрхонага тушибди. Ушани деб трест бошлиғи ярим соат теримга сомон тикди. Нега пиёнистага қарши курашмаяпсизлар, деди. Хўш, нега кураш олиб бормаяпсиз?

— Курашяпмиз, ўртоқ Жумашев... — Уроқов қўйнидан сабзитахтадек келадиган қўйин дафттарини чиқариб, бармоғини лабида ҳўллаганча варақлашга тутинди. — Курашмай ўлибмизми... Мана... Ўтган йили ўн уч марта оддий ҳайфсан, икки марта строгийсидан берган эканмиз. Хўш, уч йилдан буён ўн учинчи ойликдан маҳрум қиляпмиз. Деворий газетада карикатурасини чиздирдик. 9×12 размердаги рангли сувратини «Қора доска»га илдик, гўшт талонини етти марта бригадири Улашевга тортиб олиб бердик, месткомни аралаштириб хотинидан ажратдик... Без экан, бу Йўлчиев, чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади-я! Агар...

Жумашев, мажлис мутасаддисидек, қалам билан графинни уриб ўринбосарининг гапини бўлди:

— Бас... Чақиринг бу ёққа, ўша Йўлчиевни!

Уроқов, ёндафттарини қўйнига соларкан, ерга қараганча оҳиста деди:

— Йўлчиев ҳали телефон қилганди. Кеча ичган экан, боши оғриб уйда ётганмиш...

Жумашев узун «ух» тортганча қаддини ростлади.

— Бу бошоғриқ бошимга бало бўлди-ку! Хўш... местком Тиркашев билан бригади Улашевни топинг. Йўлчиевни алдаб-сулдаб бўлса ҳам бу ёққа олиб келишин. Сўнг соат учга мажлис чақиринг. Ичкиликнинг зарари ҳақида лекция тайёрланг... Эскиси бор? Неча варақ? Хм... Яна беш бет қўшинг. Бухгалтер Баратовага айтинг, кечаги мажлисдаги гулни, агар сўлиб қолмаган бўлса, вазага солиб минбарга чиқариб қўйсин. Етар! Энди Йўлчиев масаласи билан шахсан ўзим шуғулланаман. Мана кўрасанлар, у албатта сафимизга қайтади.

...Ўринбосар Уроқовнинг «Ичкиликнинг келиб чиқиш сабаблари ва зарарли оқибатлари» деб номланган ўн етти минутли суҳбатидан сўнг местком Тиркашев минбарга кўтарилди. У қаттиқ томоқ қириб олгач, зал бурчагида карахт ҳолда мудраб ўтирган Йўлчиевга ҳайқирди:

— Ҳой, ўртоқ Йўлчиев! Йўқ, сизни ўртоқ дейишга тилим бормади. Сиз, Йўлчиев!.. Йўқ, сиз дейишга ҳам мадорим етмаяпти! Сен, Йўлчиев, орамизда ортиқча одамсан! Уят! Мен сендан юз ўгираман. Сенга гапиравериб, қозиқ тишим қимирлайдиган бўлиб қолди. Кетингдан югуравериб, ботинкамнинг жағи айрилди. Хулласи калом, ўртоқлар, мэн Йўлчиевни ишдан ҳайдаш керак, деган таклиф киритаман!

Сўзлаш навбати бригадир Улашевга теғди. У ярим пиёла чой билан томоғини ҳўллаб олгач, салмоқлаб гап бошлади:

— Ўртоқ Уроқов ўзларининг сермазмун лекцияларида таъкидлаб ўтганларидек, «Алкаш — алкашнинг иши чалкаш», «Арақхўр — пешонаси шўр...» Шундай, оғайни Йўлчиев, ишларинг чалкаш, пешонанг эса шўр экан...

Ҳалидан буён мажлиснинг боришини кузатганча хўмрайиб ўтирган Жумашев, гап шу ерга келганда чидаёлмай, ўрнидан туриб кетди.

— Утир! — у қўли билан ҳавони нуқиганча Улашевга ўшқирди. — Ана энди билдим. Ҳаммасига айбдор ўзимиз эканмиз. Нима, Йўлчиев филнинг боласими, унга бунча азоб берасизлар. Инсон, ахир, ширин сўз гадоси. Яхши гап билан ҳатто илон инидан чиқармиш. Орамизда бор-йўғи битта алкаш... Йўғ-э, ҳалигидақа инсон бор. Етар энди Йўлчиев бечорани бадном қилиб келганимиз. Келинглар, энди унга тиргак бўлайлик...

Бошлиқнинг залворли гапларидан залга тошдек оғир жимлик чўқди.

— Мен маҳаллий комитетнинг Йўлчиевга нисбатан шу дақиқагача олиб борган фаолиятини қоралаган ҳолда, ҳаммани ёрдам қўлини чўзишга чақираман! Конкрет таклифларга ўтсам... Ўртоқ Уроқов, сиз Сочига бормаи турасиз. Путёвкани Йўлчиевга топширинг!

— Ахир... — фўлдиради ўринбосар кўкрагига чап қўлини босганича. — Юрагимнинг...

— Зарари йўқ. Сизда битта юрак экан. Йўлчиевда эса юрак, ошқозон, кекир-дак, қизилўнғач... Қўйинги, сочидан тортиб тирноғининг учигача давога муҳтож... Қани, бир қарсак чалинсин-чи...

Зал шифти қарсакдан ларзага келди. Йўлчиев ҳаяжондан гандираклаганча жойида ўтириб қолди. Жумашев жилмайиб сўзида давом этди:

— Хўш... Машина олиш навбати бу йил кимники? Завхоз Эргашевники? Қани ўзи? Отпусқада? Унга айтиб қўйинглар, бу йил «Москвич» ўриндиғига Эргашев эмас, Йўлчиев ўтиради. Қани, қарсак!..

Қарсак узилиб қолган жойидан давом этди. Йўлчиев ҳаяжоннинг зўридан яна ўрнидан туриб кетди.

— Беш хонали уйнинг ордери... — қарсак аралаш Жумашевнинг овози жаранглаб эшитилди. — Уртоқ Тиркашев сизнинг навбатингиз экан... Аммо бу сафар уй Йўлчиевга берилади...

Тиркашев ўрнидан сакраб турганча, йиғламоқдан бери бўлиб ҳиқиллади.

— Ахир қарамоғимда олтита бола, бир хотин, яримжон қайнона, икки мушук, тўртта канарейка, бульдог ит кучукбаччаси билан... Ордерни берсам хотиним мени мясорубкага солиб юборади-ку.

— Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди, — деди Жумашев месткомни юпатган бўлиб. — Сиз эса тариқ эмас, яхшилик уруғини экяпсиз... Йўлчиевнинг қад ростлаши учун бу нарсалар ҳозир ҳаводек зарур... Ҳа, хотин деганингиздай... Йўлчиев бечора ахир бева-ку!

Жумашев ўйчан ҳолда залдагиларга кўз югуртирди. Унинг нигоҳи бир чеккада мажлис протоколини ёзиб ўтирган бухгалтер Баратовага қадалганда, юзи тўсатдан ёришиб кетди.

— Уртоқ Баратова!..

Баратова ўрнидан дик этиб туриб, ҳайрон бўлганча бошлиққа кўзларини пирпиратди.

— Гап инсон тақдири ҳақида боряпти... — Жумашевнинг сўзлари негадир бу сафар ипакдек мулойим тортди. — Шундай экан, ўртоқ Баратова, коллектив номидан илтимос қиламан... Беваликни йиғштиринг... Йўлчиевга турмушга чиқинг!..

— Вой-и... — Баратованинг кўзлари пирпирашдан тўхтаб, лаблари чўччайди. — Ахир, мени севганим бор-ку! Кейин, Йўлчиевингизга қаранг, соқоли типратикан-дек...

Залда босиқ кулги кўтарилди. Йўлчиев яна жойига ўтириб қолди.

— Соқол — эркакнинг кўрки! — Жумашев Йўлчиевни тарбиялашга қаттиқ аҳд қилганлигидан, сўз бойлигини аямасдан сарфларди. — Сиз тегиб олинг. Кейин, менга деса, соқоли тугул сочига ҳам мўйчинак солинг... Хўш, розимисиз?

Баратова ер остидан Йўлчиевга қараганча бир кўз сузиб олгач, бошини кўтарди.

— Машина билан уй беришларингиз ростми?

— Рост... — кўрагига муштлади Жумашев. — Улай агар... Ихм, кечирасиз, мана қарор қилдик-ку!

— Ундай бўлса, путёвкани ҳам иккита қилсангиз, розиман...

Залдан қарсак аралаш Йўлчиевнинг ҳўнг-ҳўнг йиғлаган овози эшитилди. Жумашев ҳам дастрўмолининг учи билан мижжаларига қўнган ёшни артаркан, ўринбосарига ўгирилди:

— Бечора... Эзилиб кетган экан. Севинганидан йиғлапти. Мана, кўрасизлар, энди бу бошоғриқдан қутуладиган бўлди...

Эртаси куни Жумашев кайфияти кўтарилган ҳолда кабинетига кириб келди. Креслога ястаниб олгач, селекторнинг тугмачасини босди:

— Уртоқ Уроқов... марҳамат қилинг!

Зум ўтмай, останада Уроқов пайдо бўлди. Аммо бу сафар у одати бўйича ўроқдек эгилмасдан, кетмон дастасидек тик қотиб турарди.

— Хўш... — илжайди Жумашев, — Йўлчиев ишдами?

Уроқов «ҳа» дегандек бош қимирлатди. Жумашев хурсанд бўлганидан, ўрнидан сакраб турганча, ўринбосари томон юрди:

— Ана... Нима дегандим! Тарбиялашни мендан ўрганинлар... Бошоғриқдан зап қутулдикми-а? Дарҳол, мажлис чақиринг. Трест бошлиғини ҳам таклиф қиламиз, кўриб қўйсин қандай иш олиб бораётганимизни! Бўлинг... Улашев, Тиркашев, хуллас, ҳаммани таклиф қилинг...

Уроқов бир қўли билан эшикнинг қабзасидан тутганча, иккинчи қўли билан оғзини ярим ёпганча минғиллади:

— Улашев ҳам, Тиркашев ҳам... ҳозир айттириб юборишибди. Кеча «отишган» экан, бошоғриғи қилиб уйларида ётишганмиш...

Жумашев бақриб бермоқчи эди, аммо ўринбосарининг оғзидан гуп этиб урилган нохуш ҳиддан нафаси бўғилгандек овози чиқмай қолди. Унинг бошига яна қаттиқ оғриқ кирди.

